



Езувчи ўзи бекиёс ишонған, ягона ҳақиқат деб билгап нарсаны ёзади. Ўша нарса юрагини ларзага солиб, чидаб бўлмас заруратга айланганидан кейин қўлига қалам олади. Қолаверса, бу услуб эмас, ижоднинг оддий шартларидан бири. Езувчининг ўқувчига айтадиган “дарди” қанчалик салмоқли, қанча теран бўлса, ҳикоя оҳанги ҳам шунча самимий бўлаверади.

Ўткир Ҳошимов

*Ярил аср
дағылары*



Тошкент
2014

УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)6

Х68

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:

Ўлмасхон Ҳошимова,

Юлдуз Ҳошимова


Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимовнинг ушбу китоби қарийб эллик йиллик кузатувлар маҳсулидир. Ундан адигининг яқинлари – отона, оила аъзолари ҳақидаги мақолалари, сағдошлар, устозлар, замондош ижодкорлар билан боғлиқ хотира ва ўйлари, ҳаёт, адабиёт тўғрисидаги мулоҳазалари ўрин олган. Саҳифаларни варақлар экансиз, адиг атрофдагиларга чексиз меҳр, самимият, эътибор билан ёндашганинг гувоҳи бўласиз. Ҳар бир сатрда ёзувчига хос бағрикенглик, одамлар қалбидаги эзгуликни кўра билиш, атрофдагиларнинг қувончига шерик, дардига малҳам бўла олиш каби хислатларни кўрасиз. Тўпламга кирган мақолалар, ўйлар, сұхбатларда халқимизга хос меҳр-оқибат, донишмандлик, соддалик ҳам акс этган.

Ушбу китоб адиг сиймоси, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади.

Ҳошимов, Ўткир

Ярим аср дафтари/Ў.Ҳошимов; тўплаб, нашрга тайёрловчилар

Ў. Ҳошимова, Ю. Ҳошимова; муҳаррирлар Н. М. Рауфхон, Т. Акбаров. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2014. – 384 б.



УЎК: 821.512.133

КБК: 83.3(5Ў)6

ISBN 978-9943-12-245-1

© “Movarounnahr” нашриёти

Васият китоб

Адабиётимизнинг азиз мухлиси! Навбатдаги янги китобни ўқишига киришганингиз қутлуг бўлсин! Фақат уни ўқиши чоғида мени чулғаб олган ва бирор лаҳза дикқат-эътиборимни тарқ этмаган ажаб бир ҳайратни сизга баён этишига бурчлиман: китобни ўқияпман-у, назаримда, унинг ҳар бир саҳифасида муаллиф – Ўткир Ҳошимов бир чеккада мени кузатиб турган-дек бўлаверди! Тафаккурга эмас, тасаввурга ишонгим келади шундай дамларда ва илкис бош кўтариб ён-веримга ўтириламан, қарайман, излайман.

Ўткир ака эса йўқ...

Китобнинг ҳар саҳифасида эмас – муаллиф услуби ва руҳи сингиб-шимилиб кетган ҳар ибора, ҳар жумла, кулгили ёки изтиробли ҳолатлар тасвири эканидан қатъи назар, ўқиётиб, сиз қадрдан мухлислар, ёрдўстлар, шогирдлар – китобхонлар кўз ўнгидан Ўткир аканинг таниш нигоҳи-сиймоси кино манзаралари янглиг ўтади...

Ўткир ака хаёлчан, оғир-босиқ, вазмин инсон эди. У кишининг чеҳрасида ўзига ярашган нимтабассум ҳамиша “ҳозири нозир” эди. Бу табассумга нигоҳи тушган одамнинг дарҳол кайфияти кўтирилар, адабимиз чеҳрасидаги зоҳирий сокинлик ортида эса олам ва одам тилсимотини англаш, идрок этиш ва улар талқинини яратишга доир ботиний изланишлар жараёни кечар эди.

Ўткир Ҳошимов умр бўйи ана шу жараён ичида яшади, бирон дақиқа бўлсин ўша жараён уммонини тарқ этмади, балки унинг қалби, шуур-такфури ана ўша ҳамиша қайноқ жараённинг бош қароргоҳига айланди. Бундай яшаш ва ижод қилиш тарзи, дунёдаги аксарият улкан ижод соҳибларида бўлгани сингари, Ўткир Ҳошимовнинг ҳам қисмати эди...

1963 йил Ўткир Ҳошимов учун фавқулодда омадли келди. Биринчи китоб – “Пўлат чавандоз” номли очерклар тўплами нашрдан чиқди, айни баҳор палласи биринчи ҳикоя – “Тўрт мактуб” газетада босилди, йил охирида эса биринчи қисса – “Чўл ҳавоси” эълон қилинди. Ўшанда Ўткир Ҳошимов бор-йўғи 22 ёшда эди.

Йил мобайнида кулиб боқдан омадни ёш қаламкаш қаттиқ ижодий меҳнати эвазига кўлга киритди. Ўзи айтмоқчи, у ўша кезлари жон-жаҳди билан ёзишга киришиб кетди.

Ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Дастрлабки чиқишилар билан боғлиқ олам-жаҳон ҳаяжонлар устига “Чўл ҳавоси” Абдулла Қажхордек талабчан устоз адабнинг назарига тушди, ҳатто у қисса муаллифига илиқ фикрлари баён этилган унутилмас эътирофонма йўллади.

Астойдил меҳнат ва ардоқли эътироф шарофати билан замонавий ўзбек адабиёти майдонида Ўткир Ҳошимов исмли адаб пайдо бўлди.

Абдулла Қаҳҳорнинг беш-олти оғиз жумладан иборат мактуби шунчаки эътирофномадан кўра чуқурроқ теранроқ мазмунга эга, бу – XX аср ўзбек насрода эсаётган янги шабадалар шарафига битилган олқиш эди. Ўлмас Умарбеков, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаев ва шубҳасиз Ўткир Ҳошимов яратाहтган образлар, қаҳрамонлар ўзларининг соғлиги, табиийлиги ва айниқса самимийлиги билан миллий адабиётимиз “обхавоси”ни тубдан ўзгаририб юбора бошлаган эди. Бу авлод вакиллари ўзларига қадар хукм сурган қаҳрамонлар зиммасидаги ижтимоий юкни бўрттириб тасвирлаш бадиий маҳорат белгиси ҳисобланган метин анъана га энг оддий ва энг мўъжизакор туйғу – самимийлик туйғусини қарши қўйдилар. Ушбу туйғу ўзбек адаблари бадиий тафаккурининг тубдан ўзгаришига, янгиланишига туртки бўлди. Самимийликка эришишнинг ягона йўли инсон қалбига қулоқ сола билишда деб ҳисоблади Ўткир Ҳошимов. Чунончи қиссаларидан бирини “Қалбингга қулоқ сол” деб номлаганинг ўзиёқ бизнинг адабий муҳитимиз учун ижодий, маънавий ва маърифий кашфиёт эди.

Шу тариқа адаб бадиий асардаги ижтимоий юк тушунчасини “ташқари”дан “ичкари”га – инсон ботинига олиб кириш йўлларини излашда давом этди. Бошқача айтганда, катта олам синоатининг қалити кичик олам – ботинда деган фоя, нуқтаи назар Ўткир Ҳошимов ижодининг марказий ўқ томирига айланди.

Бадиий ижоднинг бошқа турлари ҳақида бир нарса дейишим қийин, лекин айниқса адабий-бадиий воқеликда кескин бурилиш юз берган паллаларда аксарият ёзувчи-шоирларда публицистик руҳга мойиллик ортиши кузатилади. Публицистика, ҳусусан, бадиий публицистика бадиий ижоддан кам бўлмаган мавқега кўтарилади. Ёзувчи ҳали ҳикоя, қисса ёки роман мақоми даражасида пишиб етилмаган “дард”ларини мақоланавислик орқали жамоатчилик эътиборига ҳавола қиласди, шунда ҳам у бутун фикр-хәёли билан адабиёт кўчасига ўтишга “зимдан” тайёр гарлик кўраётган бўллади. Тан олиш керак, айрим ҳолларда бадиий асардан кўра публицистик сўз таъсиричароқ, кўламлироқ залворлироқ аксадо уйғотади омма онгиди.

Ўткир Ҳошимов зиёли инсон, ҳассос адаб сифатида олам ва одам синоатларини ўрганиш, тадқиқ этиш ва уларни турфа шаклларда ёритиб бериш учун мазкур икки ижодий воситадан маҳорат билан фойдаланди. Ўткир Ҳошимовнинг адабиётга журналистика орқали кириб келгани ҳам, умр бўйи ушбу ҳар икки ижод майдонида садоқат билан қалам тебратгани сабабларининг илдизи, моҳияти ҳам мана шунда. Ўткир Ҳошимов бадиий мақоланавислиқда – маҳоратли адаб, бадиий адабиётда эса – беназир мақоланавис эди.

Қўлимиздаги китоб юқорида узоқдан бошланган мулоҳазаларга ҳар жиҳатдан ёрқин мисол бўла олади.

Алоҳида таъкидламоқ керак, “Ярим аср дафтари” атоқли ўзбек адаби Ўткир Ҳошимов ўз кўли билан тартиб берган сўнгги китобдир. Уни қайта-қайта варақлар эканман, беихтиёр дайди ўй олиб қочди: Ўткир ака не мақсад-муддаода айнан шу мазмун-шу тартибда китоб яратишга чоғланган? Эътибор беринг, ахир мажмуя 72 йиллик ҳаёт (1941 – 2013) ва 50 йиллик (1963–2013) ижод сарҳисобига ўхшаб турибди-ку?! Тўғри, устоз ҳаётининг ниҳояси бир муддат хасталикда кечди, тинимсиз муолажалар, тўшакка михлаган кунлар сурункали тус ола борди, бироқ неча қайта дийдорлашмайлик, Ўткир ака бирор марта зорлангани, бирор марта нолигани, шикоят қилгани йўқ. Аксинча, мезбон сифатида гурунгни қиздирадиган мавзуулар топар, ҳаётий мутойибалардан ҳикоя қиласар, бирдан жиддий тортиб, албатта ёзилмоғи ва китобхонлар эътиборига тақдим этилмоғи мухим деб ҳисоблаган режалари бисёргилигини айтар эди. Бу қадар некбинликни кўрган, эшигтан одамнинг ҳаёлига ҳеч бир кўнгилсиз ўйлар ораламасди. Ораламас эди-ю... энди билсак, ўша некбин бир кайфиятда Ўткир ака сарҳисоб онлари поёнига етадиганини сезган, аниқроғи, ёруғ юз, тоза виждан билан васият-китобини жамлашга жазм этган экан...

Энг яқин инсонлар – ота, она, опа, ака-укалар... Умр йўлдоши, фарзандлар... Устозлар... Сафдошлар... Ҳамкаслар... Атрофдаги одамлар... Ҳаёт қувончлари, изтироблари ва ҳангомалари... Ўйлаб кўрсан, инсонни инсон қиласиган ҳам, ижодкорни ижодкор қиласиган ҳам шулар. Ўткир Ҳошимов мана шундай мухитда дунёга келди, вояга етди, инсон ва адаб сифатида тобланди ва ўзига мана шундай тақдирни ва ҳаёт йўлида мана шундай зотлар-сиймоларни раво кўрган меҳри ва раҳматлари уммон Аллоҳ таолога изҳори ҳамд ўлароқ уларнинг барча-барчаларидан рози-ризолик тилади. Мавриди келганда, Ватанимиз истиқболи ва халқимиз истиқболига доир ўтли ва муросасиз сўзлари – ҳа, устознинг қаҳ-қаҳалари ва нимтабассумлари ортида ҳар қандай ижтимоий ҳақсизлик, қабиҳликка қарши “исён ва түфён” (Эркин Воҳидов таърифи) бош кўтаришга шай жанговар руҳ бор эди – мақолаларини яна бир бор ўз ўқувчиларига тақдим этишини лозим кўрди. Ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этган бадиий адабиёт, маърифий сўз мавзусидаги эскирмас қарашларини биз китобхонлар эътиборига яна бир карра тақдим этди. Зоро, қалам аҳлининг бу ёруғ оламда мерос қолдирадиган китобидан – сўзидан кўра мухимроқ, улуғроқ ва савоблироқ нима ҳам бор...

Адаб 50 йил тиним билмай ёзди, ижод қилди, ахён-ахён ўзаро сұхбат асносида нашр этилган китобларининг умумий адади ҳисобидан аллақачонлар адашиб кетганини эслаб, ҳақли равишда, “Ҳа, мен миллионер ёзувчиман” деб фахрланиб қўяр, чехрасидаги нимтабассумни кўрган одамнинг муқаррар кайфияти кўтаришлар, Ўткир аканинг қалбида, шуурида эса қайноқ ижод жараёни тўхтовсиз давом этар, дафтар чеккасидаги мўъжаз битикларнинг ҳар бири янгидан-янги роман, қисса

ва ҳикояларнинг хушхабар элчилари янглиғ мухлислар кўнглида умид учқунларини ёқар эди...

Китобнинг ҳар саҳифасини эмас – муаллифнинг ўзигагина хос руҳи ва услуби сингиб кетган ҳар ибора, ҳар жумласини ўқиётиб қадрдан мухлислар, ёр-дўстлар, шогирдлар – китобхонлар кўз ўнгидан Ўткир аканнинг таниш ва қадрдан нигоҳи-сиймоси бир-бир ўтар экан, яратган Эгамиздан ардоқли адабимиз қўйилган маконни ўз нурлари билан чароғон қилишини сўраб, илтижо қилиб қоламиз.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Тошкентим онам

Мен Тошкент фарзандиман. Одатда, ҳеч қайси бола ўз онасига “Мен Сизнинг ўғлингизман”, деган сўзни тантана билан, ҳайқириб гапирмайди. Оддийгина қилиб, эҳтиром билан айтади: мен Сизнинг ўғлингизман! Ҳозир мен ҳам худди шунаقا ҳолатдаман. Ниҳоятда оддий қилиб, аммо юрагим фахрланиш туйғусига тўлиб, осойишта кувонч билан айтаманки, мен Тошкент фарзандиман.

Эсимда, метро қурилаётган пайтлар эди. Бўлажак “Пахтакор” станциясининг улкан ҳовузидек котлованига узундан-узоқ чўзилган зинапоялардан тушдим. Форга ўхшаш метро йўлига кирдим. “Fop” ичидаги томирлариdek электр симлари, тоза ҳаво олиб борадиган қувурлар... Унда-бунда кўриниб турган чироқлар, хиёл оғир, заҳкаш ҳаво. Хира йилтираб турган излар... Тупроқ тўлдирилган вагонеткалар... Ёнимдан гулдураб ўтиб кетган вагонеткадан тўкилган тупроқни беихтиёр қўлимга олдим. Бир сиким тупроқ... Ажаб, тупроқ ундеқ майин, қизғиши тусли, илиқ эди. Худди ҳозиргина томирдан оқиб чиққан қондек... Ўшанда нима учун бундай аҳволга тушганимни билмайман. Ростини айтсанам, бунаقا ҳолатни бошига тушган одамгина ҳис қилиши мумкин. Бир сиким тупроқни кўксимга босганча, бўлажак метронинг бетон деворига суюниб, узоқ туриб қолдим. Бир-бирига зид, узуқ-юлуқ ҳаёллар вужудимни ларзага солди.

Бир вақтлар, бундан тўрт юз эллик йил илгари Зайниддин Восифий таърифлаган тупроқ шуми? Восифий “Тупроғин гардлари етса фалакка, бўлгудек тўтиё чашми малакка! Шунинг-чун, ел уни элтиб осмона, атру упа қилур хуруғилмона!” деганда шу тупроқни назарда тутган эмасмиди? Эҳтимол, ўн бешинчи аср Тошкент тупроғи Восифийга шундай кўрингандир. Бироқ милоддан беш минг йил аввал – бугунги кундан етти минг йил нарида ҳам шу тупроқ бор эдику! Ўша замонларда, фан тили билан айтсак, бўр даврида ҳам инсонлар яшаган эди бу ерда! Афсуски, тупроқнинг тили йўқ. Агар бўлса, у жуда кўп нарсаларни айтиб берган бўлтур эди.

Қадимий китобларда ғалати гаплар ёзилган. Тупроққа қўйилганидан кейин ҳамманинг хоки бир-бири билан қўшилиб кетармиш. Ундай бўлса, мана шу бир сиқим тупроқ кимни? Кимларнинг хоки бу? Милоддан илгари 329-йили македониялик Искандарни Сирдарё бўйларида тифи парронга учратган, ўз юртини ўзгалар босқинидан ҳимоя қилган шакникими ёки айни ўзгалар ерини босиб олишдан маст бўлиб ертишлаган босқинчиникими? Ўз юртига сиғмай ўзгалар юртини вайронага айлантирган саҳройи Чингиз лашкарининг хокими ёки бундан роса минг йил илгари бутун дунёга донғи кетган “Камони Шоший” деб аталмиш, энг узоққа отиладиган, мўлжалга энг бехато тегадиган камон ўқини ясаб душманга отган ҳунармандникими?

Эҳтимол бутупроқ бир вақтлар Тошкентхони бўлмиш Юнусхоннинг қизи, Бобурга кўқрак сути берган, унинг бешигини тебратган онаизори Кутлуғ Нигорхоним оёғига тўтиё бўлгандир. Балки бу Тошкентда киндиқ қони тўкилган, ўн тўртинчи асрда шоирлар шохи унвонига сазовор бўлган Бадриддин Чочий, улув бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг эътирофига сазовор бўлган шоир Улойи Шоший, замонасининг улкан олими Хисомиддин Шоший, машҳур табиб Ҳаким Шавкатий, бастакор Шоҳусайн Тошкандий сингари табаррук зотларнинг изига қоришган тупроқдир. Эҳтимол қадимий Шоштепа аҳли, Мингўрик ҳунармандлари “Кампирдевор” деб аталмиш юзлаб чақиримга чўзилган ҳимоя деворини қурганларида мана шу тупроқдан зувала қоришгандир?! Эҳтимол бундан салкам икки юз йил илгари узоқ шарқдан келаётган ёв кутқусидан кутулиш учун Петербургга элчи бўлиб борган Муллажон охун Махсум билан Ашурали Баҳодир узоқ сафарга кетаётганида мана шу тупроқдан бир ҳовуч олиб тавоғ қилишгандир?!

Билмадим... Тупроқнинг тили йўқ... Аммо инсоннинг хотираси бор. Модомики инсон хотираси бор экан, тупроқ ҳам тилга киради. Тупроқнинг тили бор экан, инсон хотирасининг имони бут эканки, биз кўп ҳақиқатларни билиб олдик. Шуни билдики, “Авесто”да ёзилганидек “Чаечесто” деймизми, Птоломейдан таржима қилиб “Тош қалъа” деймизми, “Шош” ёки “Чоч” деймизми, “Мингўрик” ёки “Бинкагат” деймизми, Тошкент роса икки минг йилдан бери бор. Икки минг йилдирки, у – шаҳар! Худди мана шу ҳақиқатни

ўзбек археологиясининг отаси Яҳё Ғуломов исботлаб берди. Шогирдлари эса устоз бошлаган ишни давом эттириб, инсон ақлини лол қолдирадиган далилларни топишиди. Мана, ўша далил: Шоштепадан қалам топилди! Суяқдан ясалган қалам. Икки минг йил илгари Тошкентда бунёд этилган, узунлиги ўн беш сантиметр келадиган қалам... Ҳаёт мураккаб. Инсон тақдирида найза ҳам, ўқ-ёй ҳам хизмат қилиши мумкин. Гоҳ ҳимоя учун, гоҳ ҳужум учун. Аммо қалам... Қалам пичоқ эмас. У қон тўкишга хизмат қилмайди. Икки минг йил илгари Тошкентда қалам бўлган экан, демак хат-савод бўлган, илм бўлган. Бу билан фахрланмасликнинг ўзи бориб турган гумроҳлик! Бундан чиқди, шаҳар аҳли урушни эмас, кўпроқ тинчликни орзу қилган. Минг йил илгари яратилган сиёҳдон, кичкитойларга аatab чиқарилган йўйинчоқлар шундан дарак бермайдими?

...Ўшандада, ҳали битмаган метронинг бетон деворига суюниб туриб ҳовучимдаги тупроқни кўксимга босганча мана шу ҳақиқатларни ўйладим. Кўп ўйладим. Қизиги шундаки, ҳаётнинг бизга бўйсунмайдиган ғалати қоидалари бор. Баъзан ўзгалар юртига ҳужум қилган босқинчи билан ўз юртини ҳимоя қилган фидойи бир-бирига баравар найза санчади-ю, иккаласи ҳам баравар ҳалок бўлади. Иккаласининг хоки қўшилиб кетиши ҳеч гап эмас. Бироқ инсон хотираси яхшини ёмондан, покни разилдан ажратади. Ўлганлар ўлади. Адолатни қабоҳатдан ажратиб олиш – тирикларнинг вазифаси.

Дунёда ажаб ҳақиқатлар бор. Маҳаллий маҳсулот бўлиши мумкин. Маҳаллий дўппи... Маҳаллий команда... Аммо маҳаллий одам, айниқса маҳаллий ижодкор бўлиши мумкин эмас. Овози маҳалласидан нарига чиқмайдиган созанда, ёзгани маҳалласидан нарида ўқилмайдиган қаламкаш энг бахтсиз, энг майда одам бўлади! Ижодкор фақат ўз маҳалласининг, ўз шаҳрининг боласи эмас, халқнинг, Ватанинг, қўлидан келса, яхши ниятли бутун инсониятнинг фарзанди бўлиши керак. Бу ҳақиқатни менга онам ўргатган. Оддий, чаласавод онам.

Ўшанда кичкина эдим. Мактабга қатнамасдим. Кунлардан бирида “тилла кўзойнак” тақиб юрадиган бир “профессор”ни книга меҳмонга бордик. Мен тенги ўғлининг уч оёкли велосипеди бор экан. Менинг унга жуда ҳавасим келди. Аммо журъат қилиб велосипедини сўрай олмадим. Бирон жойига тегсам синиб қолишидан кўрқдим.

Ўзимизнинг уйга қайтгандан кейин онамга ҳиқилладим.

– Сирожнинг велосипеди бор экан.

Онам индамади.

– Ҳовлисида ҳовуз бор экан.

Онам тағин индамади.

– Томи тунука экан.

Онам бу сафар ҳам индамаган эди, дардим ёрилди.

– Бизникидан чакка ўтади, – дедим ўкиниб.

Шунда онам ғалати гап айтди.

– Сирожларнинг уйи яхши, аммо одам энг аввал ўз уйини яхши кўриши керак. Бўлмаса, бошқа жойларни ҳам яхши кўролмайдиган бўлиб қолади. Сирожларнинг ҳовузи бор-у, лекин сен ўзимизнинг Қонқусни яхши кўр. Чунки биз шу анҳордан сув ичамиз, болам. Агар сен ўзимизнинг Дўмбирободни ёмон кўрсанг, шахрингни ҳам, бутун юртингни ҳам яхши кўрмайдиган бўлиб қоласан, тушундингми?

Эҳтимол ўшанда бу гапларни жудаям яхши тушунмагандирман. Йиллар ўтиб, ақлим озми-кўпми тиниқлашганидан кейин ажиди бир ҳақиқатни англаб етдим. Ватан уйингнинг остонасидан бошланади, деган гапни ким айтган бўлса, хўп ҳақиқатни гапирган экан. Ўз яқинларига яхшилик қилмайдиган одам “мен гуманистман” деб ҳарчанд кўксига урмасин, ёлғончидир. Ўз онасига кўл кўтарган кимса Ватанига хиёнат қилмайди, деб ким кафолат бера олади?!

...Метро ҳавзасидан олганим бир сиким тупроқни ҳамон авайлаб сақлайман. Биламанки, бу табаррук тупроқ. Икки минг ёшга кирган кекса, аммо ҳамиша навқирон Тошкент тупроғи. Бу тупроқ ҳамиша эзгуликни ният қилган, узоқ-яқин юртларда нон шаҳри, виждан шаҳри, биродарлик ва дўстлик шаҳри деб ном чиқарган; Тошкент тупроғи! То тирик эканман, уни ҳамиша муқаддас деб биламан.



Биринчи боб

**Энг яқин
ансонлар**



Отам, онам, опам ва ака-укалар

Отам Атоуллохон Ҳошимов оддий ишчи эдилар. Тўқимачилик комбинатига қарашли болалар оромгоҳи – пионерлар лагерида кўп йиллар боғбон ва қоровул бўлиб ишлаганлар. “Эскича” илмдан ҳам, “янгича”дан ҳам яхши хабардор, кечалари Куръони каримни қироат билан тиловат қилар, айни пайтда ўша замоннинг газета-журналларини ҳам мунтазам кузатиб борар, қариндош-уруглар, қўни-қўшнилар “Эшон ота” деб қаттиқ иззат қилишар эди. Анчайин жаҳли тез, айниқса, адолатсизликка дуч келса, ловуллаб ёниб кетадиган феъли бор эди. Агар бирор мендан ота-онангиздан нимани ўргангансиз, деб сўрасаша, ҳеч иккиланмай, ҳаромдан ва ёлғондан ҳазар қилишни, деган бўлур эдим.

Отамнинг феълини кўрсатувчи бир мисол.

Қозиқ

Қишлоқ боласининг вазифаси – мол боқиш. Бизнинг ҳам сиғиришимиз бор эди. Тенгқур болалар билан жийдазорда мол боқардик. Адашмасам, ўшандан бешинчи синфда ўқир эдим. Жийдазорда ўт кўп. Бекинмачоқ ўйнашга ҳам қулай жой. Фақат кун ботар-ботмас, ҳар ким ўз молини етаклаб уйига жўнарди. Жийдазорда ажина бор, ёлғиз юрсанг, оғзингни қийшайтириб кетади, деган ваҳима гаплар юрарди. Менинг сиғирим ювош бўлса ҳам бир айби бор эди. Нукул қозигини сугуриб “дайдиб кетарди”. Биласиз, қозиқ ёғочдан ясалади. Ҳар куни қоқавергандан кейин боши едирилади, синади. Карабсизки, бошқа қозиқ ясаш керак.

Шундай кунлардан бирида темир қозиқ топиб олдим. Бошида ҳалқаси ҳам, ҳатто узилиб қолган бир-икки қарич арқони ҳам бор. Ўртоқларимдан “Кимнинг қозиги?” деб сўрасам, эгаси чиқмади. Севиниб кетдим. Сиғиримни янги қозиқка боғлаб қўйдим: эндиам сугуриб кўрсин-чи!

Ўша куни эмас-ку, эртасига ғалати иш бўлди. Кечаси энди ухлаган эканман, ойим: “Аданг чақиряптилар, тураркансан”, деб қолди. Ҳайрон бўлиб айвонга чиқсан, отам қовоғини уйиб ўтирибди. Кўлида ўша темир қозик.

– Қаёқдан олдинг буни? – деди таҳдид билан.

Отамдан қаттиқ ҳайиқардик. Кўрқиб кетдим.

– Топиб олдим, – дедим ростини айтиб.

– Қаердан?

– Жийдазордан.

– Қайси жийданинг тагидан?

– Қийшиқ жийданинг.

– Жийданинг тўғриси бўлмайди, қайси бирининг тагидан? Кўрсанг, танийсанми ўша жийдани?

– Танийман, – дедим кўрқа-писа.

Отам қўлимга қозиқни тутқазди.

– Худди ўша жийданинг тагига ташлаб келасан!

Юрагим орқага тортиб кетди. Жийдазорда “ажина” борлиги эсимга тушиб, талмовсираб қолдим.

Айвон бурчагида турган ойим ялинади:

– Ташлаб келади, адаси, тонг отсин, албатта, ташлаб келади.

– Сен аралашма! – деди отам эътиrozга ўрин колдирмайдиган оҳангда.

Уйғониб, ичкаридан чиқсан акам ҳаммасини тушунди шекилли, костюмини кия бошлаган эди, отам жеркиб берди:

– Сен қаёқقا?

– Бирга бориб келамиз.

– Йўқ! – деди отам шиддат билан. – Ўзи топганми, ўзи обориб қўяди!

Куз, салқин тушиб қолган, ғира-шира кўройдин... Кўлимда муздек темир қозик билан йўлга тушдим. Жийдазор-ку узоқ эмас. Аммо унга етгунча Дархон ариқ устидаги кўхна кўприкдан ўтиш керак. Одам ёлғиз қолса кундузи ҳам кўрқадиган қинғир-қийшиқ жийда чакалакзори орасига кириш керак. Аксига олиб, ярамас қозиқни Қонқус анҳори бўйидаги дараҳт тагидан топганман.

Салқин ҳаводанми, қўркувданми оёғим қалтираб кўприкдан ўтдим. Ғира-шира кўройдинда сирли сукунат чўйкан жийдазорга кирдим. Назаримда ҳар бир дараҳт



Адивнинг отаси

Отауллохон эшон Ҳошимхон ўғли

узиб, адашиб кетган бўлса
қозиқ сенинг уйингдан чиқса, эгаси сени ўғри гумон қилса,
нима бўларди?

Отамнинг саволига жавоб йўқ эди.

* * *

Онам – Ҳошимова Ҳакимахон бир жиҳатдан отамдан кескин фарқ қилас, ўта меҳрибон, кўнгли бўш, ҳеч кимга қаттиқ гапирмайдиган содда ва донишманд аёл эдилар. Оиламиизда отани қаттиқ иззат қилиш, керак бўлса, ота “шахсига сифиниш”га ўҳшаган одат бўлиб, бу онам туфайли эди. Баъзилар буни аёл мутелиги деб тушуниши мумкин. Йўқ, бу мутелик эмас, аёлнинг, онанинг ақл-заковати белгиси эди. Отам ҳам, онам ҳам биз фарзандларни бирон марта урган эмас. Аммо бири ўзининг салобати, бири эса меҳр-муруввати билан бизнинг қалбимизга эзгулик, бағрикенглик, ҳалоллик туйғуларини сингдиришган.

Модомики гап болалик хотиралари ва энг яқин одамларим ҳақида борар экан, опам ва ака-укаларим ҳақида ҳам бир оғиз тўхталишим керак.

Болалигим урушдан кейинги оғир йилларга тўғри келган. Шундай тақчиллик замонида опам оиламиизга кўмак

орқасида нимадир беркиниб тургандек эди. Қаердадир бойқуш “хув-хув”лади... Ростини айтсам, Конқус бўйигача бормадим. Кўлимдаги қозикни кучим борича улоқтириб орқага қараб югурдим.

Ойим билан акам кўчага чиқиб кутиб туришган экан...

Лабимга учук тошиб, биринки кун ачишиб юрганини ҳисобга олмагандан ҳеч нима бўлмади... Фақат орадан бир ойча ўтгач, отам шу масалага қайтиб, бир гап айтди.

– Сен топиб олган қозиқقا боғланган сигир арқонини

ёки бирор ўғирлаган бўлса-ю,

нимадир бўларди?

бериш учун қанчалик фидойилик қилганини ақлимни таниганимдан кейин англадим. Ҳали вояга етибетмаган ўн олти-ўн етти ёшлардаги қизнинг қишли-қировли кунларда ҳали тонг отмасидан қор кечиб, елкасига обкаш илиб, икки бидон сут билан темир йўл разъездига чикиши, ундан “дачний” поездга ўтириб вокзалга бориши ва сутни мижозларга тарқатиб, ўз хонадонига, ота-онасига кўмаклашишини тасаввур қилинг (опамга Аллоҳдан узоқ умр тилайман)!..

Катта акам (Худо раҳмат қилсан) аълочи эди. Мактаб ўқитувчилари уни нуқул намуна қилиб кўрсатишарди. Тағин эсимда қолгани шуки, узундан узоқ “ялдо” кечалари уйимизга қўни-қўшни (кўпроқ аёллар) йигилишар, олтинчими-еттинчи синфда ўқийдиган акам ўзини-ўзи зўрға ёритаётган керосин лампа ёруғида “Кунтуғмиш”, “Чор дарвеш”, яна аллақандай китобларни шариллатиб ўқир, қўшнилар акамни дуо қилишар эди.

Кичик акам эса анча жангари эди. Бизнинг уйимиз Тўқимачилар комбинатига қарашли пионерлар лагерида эди. Ота-онам ҳам шу ерда ишлашарди. Ёз бошланиши билан шаҳардан юзлаб болалар келишар, улар орасида ҳар хили бор эди.

Кунлардан бирида чўмилишга кетаётсак, акам билан деярли тенгдош ўн-ўн икки ёшлардаги бир бола Дархон ариги бўйида туриб, bemalol сувга “чоптиряпти”. Акамнинг жонпони чиқиб кетди. Югуриб бориб, орқасига бир тепган эди, бола шўрлик шалоплаб сувга тушди.

Сузишни билмас экан, типирчилаб чўкиб кета бошлади. Акамнинг ўзи уни сувдан олиб чиқди. Аммо “Фалончининг ўғли лагерга келган пионерни чўқтирмоқчи бўлди”, деб анча шов-шув қилдилар...

Укамнинг феъли кўп жиҳатдан отамга тортган. Адолатсизликни кўrsa, “ётиб олиб” олишади. Чуқур билимли, ҳақгўй.



Адабнинг онаси
Ҳакимахон ая Ибодхўжа қизи

Оиласи учун, фарзандлари иқболи учун жону жаҳонини аямаган ота-онамиз рухи олдида қарздормиз. Уларнинг охирати обод бўлсин!

Онамнинг кўплаб фазилатларини кўрсатувчи воқеалар эсимдан чиқмайди.

Мана шулардан бир жуфт.

Қасам

Адашмасам, ўшанда учинчими-тўртингачими синфда ўқирдим. Орамизда энг тўполончи бола Карим эди. Бўйи ҳаммадан узун бўлгани учун “Карим лайлак” деган лақаб олган.

Қиши эди. Дарсдан озод бўлгач, мактаб дарвозаси олдидаги майдончада қорбўрон ўйнадик. Куёш чараклаб ётар, корлар зриб, юмшоқ бўлиб қолган, қорбўрон ўйнашга жуда мос эди. Бир ҳовуч қорни олиб ғижимлассанг, тошдек қаттиқ бўлади. Урган жойингга ёпишиб қолади. Маза!

Ўйин айни қизиганда нариги синфдаги болалар ҳам дарсдан чиқишиди. Синфма-синф “жанг” бошланди. Қорбўрондан қизлар ҳам бенасиб қолишмади, битта-иккитасига тегди. Навбатдаги қорни думалоқлаётсам, кулоғим остида таҳдидли овоз эшитилди:

– Э, бола бўлмай башаранг қурсин!

Қаддимни ростлаб қарасам, тепамда қўшнимиз Қора холанинг қизи Ақида турибди.

– Нима қилдим! – дедим ҳайрон бўлиб. – Мен сени урмадим-ку.

– Уришни кўрсатиб қўяман сенга! – Ақида китоб тўла жилди билан бошимга туширмоқчи эди, нарироқда турган Карим лайлак пўписа қилди:

– Ҳой, “Қора майиз”. Бор, йўлингдан қолма!

– Нима?! – Ақида ўғил болалардек Каримга дағдага қилди:
– Вой, лайлак-эй!

– Ким лайлак? – Карим кўзини ола-кула қилди.

– Сен! Сен лайлак! – деди Ақида бижирлаб. – Найновча терак, экиш керак! Экилмаса, тепиш керак!

Карим қўлидаги зичлаб думалоқланган қорни Ақидага отди:

– Мана сенга тепиш!

Ақида юзини чангаллаганча чирқиллаб қолди.

– Вой күзим! Күзимни чиқарди!

Эсанкираб қолдим. Ақиданинг юзига ёпишган қорни арта бошладим.

– Ёмон тегдими, Ақи?

– Башаранг курсин! – Ақида бирдан юзимга чанг солди. – Нега урасан, балога йўлиққур!

Бирпасда ҳамма тумтарақай бўлиб кетди. Ақида йиғлаганча чопиб кетди.

Уйга қайтишга қўрқдим. Болалар билан яхмалак учеб, атайлаб кечроқ келдим. Аммо барибир ўзим ўйлаган иш бўлди.

Эшик олдида ойим билан гаплашиб турган Қора холани узоқдан қўрдим-у, юрагим шув этди.

Ойим яқин келишим билан кескин оҳангда сўради:

– Нимага Ақидани урдинг!

– Мен урганим йўқ, – дедим ерга қараб.

– Нимага қиз болани урасан? – деди онам ҳамон ўша оҳангда.

– Мен урмадим, – дедим алам билан. – Рост айтяпман, мен урмадим.

Гапга Қора хола аралаши:

– Кўзи чиқиб кетишига сал қопти-ку! Кўлинг чиқиб қолдими энди!

– Мен урмадим, – дедим яна бош чайқаб, овозим титраб чиқар, худди айбдордек гапиришим баттар алам қиласди.

– Кўзига қон қуюлиб кетиби-я! – Қора хола жаҳл билан кўл силтади. – Кўр бўп қолса нима бўларди? Дадаси эшитса, нақ бутингни йиритиб ташлайди-я!

– Мен урмадим! – Алам билан ер тепиндим. – Урмадим! Нон урсин агар, урмадим!

Куруқ туҳматга қолганим алам қиласди. Онам рост гапи-раётганимни билди, деган умидда кўзига термилдим.

Кизиқ, онам ишониш ўрнига баттар аччиқланиб, кўл силтади.

– Аҳмоқ! – деди жаҳл билан. – Бор, йўқол кўзимдан!

Онам бизларни камдан-кам койир эди. Бу сафар шунчалик қаттиқ гапиргани учун йиғлагудек бўлиб, уйга кириб кетдим. Орқа томондан Қора холанинг юпатувчи овози эши-тилди:

– Унақа қилмагин-да, болам! – Кейин онамни юпатди. – Бола-да, бугун уришади, эртага ярашади. Хафа бўлманг, ов-синжон.

Онам жаҳл билан алланима деди. Мен эшифтадим. Эши-тишни хоҳламасдим ҳам. Ахир, ростдан ҳам мен урмадим-ку, нега ойим ишонмайди!

Сандал четига ётиб бошимни буркаб олдим.

Бир оздан кейин онамнинг овози келди:

– Тур, чойингни ич.

– Керакмас, – дедим ётган жойимда.

Бекорга гап эшифтаним қаттиқ алам қиласар, аразлаган эдим.

Бир зум ўтгач, онам бошимдан кўрпани тортди.

– Турақол, ўғлим.

Унинг ялинган оҳангда гапириши баттар алам қилиб кетди.

– Керакмас, керакмас! – дедим йиғламсираб. – Мен урганим йўқ-ку!

Ойим оҳиста бошимни силади.

– Биламан, сен урмагансан, – деди секин. – Аммо билиб қўй: бундан кейин ҳечам нонни ўртага солиб онт ичмагин. Хўпми? Нон – азиз нарса, жон болам!

У қўлтиғимдан кўтариб турғизди. Икки юзимдан кафти билан тутиб қўзимга термилди.

– Эсингда бўлсин, бир эмас, минг карра рост гапни айтганингда ҳам нонни ўртага қўйиб қасам ичма, тушундингми?..

Тарнов

Эрта баҳор. Дам олиш куни эди. Ҳовлига тушдим. Ҳавонинг авзойи бузук. Ювениб чиқиб қарасам, тунука том пешидаги тарнов бир томонга қийшайиб ётибди. Қишида ёққан қор залворидан қийшайиб қолган, шекилли... Қаттикроқ шамол бошланса, тушиб кетадиган...

Йўлакда ётган нарвонни кўтариб келиб томга тирагунча тинкам куриди, нам тортиб, зилдек бўп кетибди.

Нарвон зинасига оёқ қўйишим билан айвондан онам тушиб келди.

– Нима қилмоқчисан? – деди қўзимга термилиб.

– Ҳозир, – дедим бепарво қўл силтаб. – Тарнов қийшайиб қопти.

– Шошма, болам, олдин чойингни ичиб ол...

– Ҳозир тушаман.

Шундай дедиму нарвонга тирмашдим. Томга чиқишим билан пастдан онамнинг хавотирили хитоби эшитилди:

– Эҳтиёт бўл, том лабига борма!

– Уйга кирсангиз-чи! – дедим оғриниб.

Тунука томни тарақ-турук босиб, қийшайган тарнов олдига келдим. Уввало уринаман, тарнов лаънати ўнгланса, қани! Занглаб кетганми, бўёғи ёпишиб қолганми...

Аксига олиб, ёмғир шивалай бошлади. Олдин томчилаб турди-да, кейин шиддат билан ёғиб кетди. Том лабида ўтирганча, тарновни қўшқўллаб суришга уриндим. Қилт этмайди!

Пастдан яна онамнинг овози келди:

– Менга қара, болам.

Нарвон олдига қайтиб келдим.

– Нима дейсиз?

– Жон болам, мана буни кийиб олгин...

Қарасам, онам бир қўли билан нарвонни чангллаганча, иккинчи қўлида тўн ушлаб турибди. Юпқа рўмоли, нимчаси ҳўл бўлиб кетган...

Хунобим ошди.

– Ҳозир тушаман, дедим-ку! Мен ёш боламанми?

– Шамоллаб қоласан!

– Оббо! Сиз уйга кираверинг! Ҳозир тушаман.

Шундай деб, тағин тарнов олдига қайтдим. Жаҳл билан тарновни муштлай бошладим.

Бир маҳал пастдан яна овоз келди:

– Ада! Адажон!

– Ҳа! – дедим баттар хуноб бўлиб.

– Варрагим йиртилди!

Қарасам, етти яшар ўғлим ҳовли ўртасида турибди. Оёғи остида йиртилиб, қамишлари қовурғадек туртиб чиқкан варрак лойга қоришиб ётибди. Ўзи қўйлакчан. Бошяланг. Ёмғир остида дийдираф турибди.

– Уйга кир, Фаррух! – дедим бақириб. – Уйга кир, шамоллаб қоласан!

Кулоқ солса, қани! Гоҳ варрагига, гоҳ менга қарайди. Капалагим учиб кетди! Томда сирғалиб-сирғалиб, нарвон томон югурдим.

Уч-түрт пиллапоя тушиб қарасам, онам ҳамон нарвон оёғини чангаллаб турибди. Рўмоли жиққа хўл бўлиб, сочла-рига ёпишиб қолган... Бир қўли нарвон оёғида. Бир қўлида тўн...



Умр йўлдошим, фарзандларим

Устоз Абдулла Қаххорнинг ғалати гапи бор эди: “Бегона хотинни ўзининг олдида мақтанг. Ўз хотинингизни ўзи йўғида мақтанг”. Мақтасам, мақтамасам аяси (умр йўлдошимни шундай атайман) мендай қайсар, битта гап камлик, иккитаси кўплик қиласидиган, айниқса, асар ёзаётганда ўта инжик бўлиб қоладиган одамга қирқ йилдан ортиқ чидаб келаётгани, менга ҳам, фарзандларига ҳам меҳрибонлиги, ижод қилишим учун ҳамма шароитни яратиб беришга, соғлиғимни авайлаб, майда-чуйда муаммоларни билдирумасликка одатлангани, сабр-қаноати, адабиётни, айниқса, қаламкашлик масъулиятини теран билиши учун унга раҳмат айтишим керак.

“Ўзбекистон” нашриётида энг хушчақчақ асарларим жамланган бир жилдли сайланмам чоп этилди. Китобнинг номи ҳам ўзига яраша: “Аждарнинг тавбаси”.

Онам вафот этганидан бери бир одатим бор. Қайси китобим нашр этилмасин, тўнғич (“сигнал”) нусхасини олишим билан “Биринчи устозим – онамга” деб ёзиб, алоҳида жойга олиб қўяман. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Сўнг китобни ўғлим, қизим, келинимга ёзиб бердим. Ҳамкасб дўстларимга, шу китобнинг дунёга келишига ёрдам берган нашриёт муҳарририга ҳадя қилдим. Шунда аёлим жиндай гинахонлик қилди:

– Китобингизнинг биринчи нусхасини ойимлар хотирасига ёзиб қўйганингиз яхши, болаларга берганингиз ҳам яхши. Фақат бир нарсани тушунмайман. Нима учун китобни менга ҳаммадан кейин совға қиласиз?

Ўйлаб қарасам, аёлимнинг гапи тўғри. Чамаси, ёни-миздаги одамни унугиб қўямиз, шекилли... Бир зум ўйлаб турдим-да, ҳажвий китобга ҳажвий дастхат ёзиб бердим: “Менга қирқ йилдан бери чидаб келаётган аясига “Аждар Ҳошимов”дан эсадалик!”



Умр йўлдоши Ўлмасхон, фарзандлари Фаррухжон ва Юлдузхон билан

...Хуллас, бир университетда, бир вактда ўқиганмиз. Аёлим аспирантурада ҳам таҳсил олган. Касби – адабиётшунос. Ҳар бир асар қўлёзмасини биринчи бўлиб ўқиуди. Энг муҳими – фарзандларимнинг онаси.

Оғир-енгил кунларда доим ҳамроҳ бўлди. Ҳеч қачон бойлика, ялтири-юлтири зеб-зийнатларга хирс қўймади. “Мен Фалончининг аёлиман”, деб бирон жойда мақтанганини эшифтганим йўқ. Албатта, ҳаётда турли паст-баланд ҳолатлар ҳам, тушунмовчиликлар ҳам бўлади. Бироқ аяси ҳар доим мени тушунишга ҳаракат қилди, ижод қилиш учун ҳамма шароитни яратиб беришга уринди.

Кулогингизга бир гапни шипшитиб қўйишим мумкин. Мен ҳам янгангиздан жуда ҳам қарздор бўлиб қолганим йўқ. Ўзим энг яхши кўрадиган китоблардан бири – “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”ни аёлимга бағишлаганман.

* * *

•Менинг бир шиорим бор: “Худо кўнглига солмагунча ҳақиқий ёзувчи қўлига қалам олмайди”. Бу менинг “ихти-

роим” эмас, бор нарса! Кейинги йилларда бу ҳақиқатга яна бир марта ишондим. Бундан күп йиллар илгари тоққа бордик. Ёнимда умр йўлдошим ҳам бор эди. Юриб-юриб ғалати манзараға дуч келдик. Шундок рўпарада иккита катта дарахт пайдо бўлди. Иккаласи ҳам қуриб қолган ва иккаласи бир-бирига суюниб турарди... Анчагача хаёл суреб турдимда, айтдим: “Аяси, одамлар ҳам кексайганида шундай бўлиб қолса керак” (кейинроқ ўша жумла “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”га кирди).

Буни қарангки, бундан күп йиллар бурун ўша дарахтлар кўз ўнгимизда бекорга пайдо бўлмаган ва бу манзара бежиз коғозга тушмаган экан. Кексайгандан, айниқса, бетоб бўлиб қолса, эр-хотин бир-бирига қаттиқ суюниб қолар экан.

Худога шукр, икки фарзанд, беш набирамиз бор. Ўғлим ҳам, қизим ҳам бир эмас, бир неча соҳалар бўйича мутахассис. Мени ҳам, онасини ҳам кафтида кўтариб юришга тайёр. Биз фарзандларимизга узоқ умр тилаймиз, ёмон кўзлардан арасин, деб Аллоҳдан сўраймиз.

Бир нарсани айниқса қувониб айтгим келади. Дадаси (яъни, ёзувчи) ишлаётганида ҳатто етти яшар кенжабирам ҳам шўхликни бас қилиб, оёқ учидаги юргудек бўлади. Бундан анча олдин ёзилган “Фарзандларимга ўғитлар” бежиз кетмаганига хурсандман...

2012 йил, июл

Фарзандларимга ўғитлар ("Дафтар ҳошиясидаги битиклар"дан)

Учрашувларда бир савонни кўп беришади:

“Ўзингиз учун энг қимматли асар қайси?”

Кўпинча ярим ҳазил билан жавоб қиласман:

“Менинг иккита энг қимматли асарим бор: бири – ўғлим, бири – қизим!”

Сенлар ва набираларим менга Худо берган энг бебаҳо бойликсизлар... Шу боис, дикқат билан эшигинлар!

Бир нарсани орзу қиласман.

Бу дунёда мен қилган яхши ишлардан ақалли битта кўпроқ яхшилик қиласанг...

*Бу дунёда мен қилған хатолардан ақалли битта камроқ
хато қилсанг...*

*Күш бўлиб осмонда учма.
Тошибақа бўлиб, ерда судралма.
Дараҳт бўл! Бошинг – осмонда, оёғинг ерда бўлсин!*

*Шиҷоатли бўл. Бироқ андишасиз бўлма.
Андишали бўл. Бироқ шиҷоатсиз бўлма.*

*Ёмон билан ўчакишина. Эсли одам оёғига ёпишган ахлатни
қўли билан тозаламайди.*

Аёлни кафтингда кўтар, аммо бошингга чиқарма!

*Нодонлар даврасида кар бўл.
Донолар даврасида соқов бўл...*

*“Оишиз уй бор, уришсиз уй йўқ”, дейдилар. Ошлангда жан-
жал чиқса, энг аввало, фарзандларингни ўйлаб иш қил!*

*Хеч кимга ёмонлик соғинма, ҳатто душманингга ҳам ёмон-
лик тиласанг, бир чеккаси ўзингга қайтиб келади. Негаки, олам
бус-бутундир.*

*Аёл – гул. Эркак – боғбон. Сен гулни хор қилсанг, уни ўзга
боғбон сийпалайди...*

*Эркак – боғбон. Аёл – гул. Сен боғбонга тикан санчсанг, у
ўзга гулни сийпалайди... Икки ўртада сенинг меванг етим
қолади. Худо шундан асрасин!*

Менга юз марта озор берсанг, кечиришим мумкин. Онанг-га бир марта озор берсанг, кечирмайман: онанг сенга мендан кўра юз ҳисса кўп меҳр берган!

Нонингни йўқотсанг йўқот, номингни йўқотма!

*Гуурли бўл, аммо димоғдор бўлма.
Камтарин бўл, аммо хокисор бўлма...*

Ўз ота-онасига меҳр бермаганларнинг ўз боласидан меҳр кўрганини эшиштганим йўқ. “Қайтар дунё” деганлари шу...

Ота меҳри она меҳридан камроқ эмас, фақат “яширинроқ” бўлади.

Фарзандларим! Мен бу ўгитларни ёза бошлиганимда сенлар ёш бола эдинг. Худога шукр, мана, вояга етдила-ринг, оила қуриб, фарзандлар кўрдиларинг. Шу кунгача сенларнинг ортигддан “Фалончининг боласи фалондақа номаъкулчилик қилибди”, деган таъна-маломат эшиштганим йўқ. Илоё, бундан буён ҳам шундай бўлсин. Бир бурда нонини ҳалоллаб ейдиган, виждонли, имонли инсонлар бўлиб етишганларинг учун Яратганга шукроналар қиласман! Менга нима эзгу амаллар қилган бўлсанг, сенларга ҳам набираларимдан қайтсин! Мен сенлар билан фахрланаман!



Иккинчи боб

Чытозлар



Туз ичган даргоҳим

Бир кун туз ичган жойингга қирқ кун салом бер, дейдилар. Агар ҳисобни шундан бошласак, Миллий университетда беш йил ўқиган ҳар бир талаба бу мўътабар даргоҳга икки юз йил салом бериши керак бўлади. Бунинг устига ушбу илм мас-канида юз минглаб одам таҳсил олган ва бу муддат тўқсон йилдан бери давом этиб келаётган бўлса, ҳисоб-китобимиз миллионлардан ошиб кетади. Университет шундай улкан дарёки, унинг сувидан не-не алломалар, арбоблар, шоир ва адиблар сув ичган!

“Талабалик олтин даврим”, деган гап бор. Ростини айт-сам, менинг талабалигим унчалик ҳам олтин бўлган эмас. Гарчанд мактабни медаль билан битирган бўлсан-да, аввал сиртқи бўлимда, учинчи босқичдан бошлаб кундузги бўлимда ўқишига мажбур бўлдим. “Темирийўлчи”, “Қизил Ўзбекистон”, “Тошкент ҳақиқати” газеталарида ишлаб туриб ўқишимга тўғри келди. Куннинг биринчи ярмида ўқишига борсам, иккинчи ярмида ишга югуар ёки аксинча бўлар эди... Аммо талабаликнинг жўшқин ва ҳаяжонга тўлиқ йиллари ҳамма қатори менда ҳам нурли хотиралар қолдирган.

Талабалар Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Сиддик Фузаилов, Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов, Анвар Шомақсудов, Лазиз Қаюмов, Карим Назаров, Тўғон Эрназаров, Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов, Воҳид Абдуллаев, Тоҳир Пидаев каби домлалар сабогини эътибор билан тинглашар, уларга ўхашни орзу қиласарди. Домлаларнинг дарс ўтиш усули ҳам, талабчанлиги ҳам ҳар хил, бироқ барчаси бирдек фидойи инсонлар эди. Айниқса, Озод домланинг дарсига бошқа кулиётлар, ҳатто бошқа институтлардан ҳам талабалар кириб ўтиришарди. Озод ака ҳеч қандай дафттар, “шпаргалка” кўтариб юрмас, сабогини шу қадар шавқ ва ҳаяжон билан ўтар, фикри шу қадар равон, дарёдек оқиб келардик, ҳайрон қолардик...

...Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари ғалати замон бўлди. Бир қадар ҳурфикарлилик шабадалари эсиб, тоталитар тузумнинг миллионлаб бегуноҳ инсонлар бошига солган кул-фатларидан оз бўлса-да, огоҳ бўлдик. Ҳамма улутлаган Сталин “халқлар отаси” эмас, халқлар жаллоди эканини англай бошладик. Мустабид тузумнинг шиорлари ҳар қанча гўзал бўлмасин, иморати зулм пойдеворига қурилганини, партия адабиётни “дастёр”га, шоирни маддоҳга, журналистни югурдакка айлантирганини тушуна бошладик. Бу масалада биз ёшларнинг мустақил фикрлашига Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов каби устозлар ёрдам бердилар. Озод домланинг имтиҳон олиши қизиқ эди. Чиптадаги саволга “булбулигё” бўлиб жавоб қилаётганингизда шартта тўхтатар, “Хўп, мулла, бу ёғини қойил қиларкансиз, энди айтинг-чи, энг кейин ўқиган китобингиз қайси? Нимаси ёқдию нимаси маъқул келмади – шундан гапиринг. Солженициннинг “Иван Денисовичнинг бир куни” қиссасини ўқидингизми, Евтушенкони биласизми, Вознесенскийнинг нимасини ўқигансиз, Хемингуэй қанақа ёзувчи?” деган саволларни қалаштириб ташларди. Домла бежиз шундай қилмаганини кейин англадим. Устоз билан кўплаб сафарларда бўлганимда, ўз машқларимни ўқишига бериб, фикрини эшитганимда Озод aka фақат атоқли олим бўлибгина қолмай, виждони уйғоқ Инсон эканига кўп бор ишонч ҳосил қилдим.

Чиндан ҳам ўшанда биз талabalарни ўйлантирган жавоб-сиз саволлар анчагина эди. Абдулла Қодирий оқланиб, ўзбек адабиётининг буюк асари “Ўткан кунлар”нинг нашр этилиши тарихий воқеа бўлди. Аммо Чўлпон, Фитрат ва яна талай қаламкашлару олимларнинг шахси оқланди-ю, ижоди негадир “қора”лигича қолаверди. Ажаб, ҳақиқий шоир, ҳақиқий адаб қалбida борини ёзади. Бу ижодкорлар “оқланган” бўлса, демак, яхши одам экан. Яхши одам бўлса, ёзганлари нега “қора” бўлиши керак, деган саволга жавоб йўқ эди. Биз, табиийки, бу масалада ўзимиз ихлос қўйган домлаларга муружаат қилардик. Бўка туманидаги пахтазорларнинг тили ва хотира қобилияти бўлганида эди, салқин куз кечалари гулхан атрофида ўтириб, бир талай ёшларнинг устозларга шундай оғриқли саволлар берганию домлаларимизнинг жавобини айтиб бериши мумкин бўларди. Бундай пайтда Озод aka Чўлпоннинг шеърларини ёддан ўқир, сўнг ҳўрсиниб бир гап-



Талабалик йиллари

ни кўп тақрорлар эди. “Чўлпон буюк шоир. Кўрасизлар, ҳали бу шўрпешона шоирга ҳайкаллар қўйилади!” Худога шукр, Ватан истиқоли шарофати билан Чўлпон ва талай адид, шоир, олим уламоларнинг пок номи тикланди, асалари чоп этилди.

Биз қаттиқ хурмат қиласиган домлалардан тағин бири Матёкуб Кўшжонов эди. Айтишларича Матёкуб ака урушда снайпер (мерган) бўлган экан. Мерган одамга энг олдин сабр-бардош, мустажкам асаб керак! Матёкуб аканинг

феълида чиндан ҳам қандайдир осойишталик бор эди. Домла маърузаларни сокин овозда ўқир, ҳар бир жумласида теран мантиқ сезилиб турар, “болалар”нинг жиловсиз саволларига хотиржам жавоб қайтарар ва бу билан бизни ҳам шошилмасдан, мантиқий фикрлашга даъват этаётгандай бўлар эди.

Талабаларга бадиий ижод ва журналистика сирларини ўргатган Аҳмад Алиев, Баҳодир Ғуломов, Раҳматилла Иноғомов, Абдулла Сайфутдинов, Ҳасанхўжа Муҳаммадхўжаев, Очил Тоғаев, Саттор Ҳайдаров каби таникли олимлар ёшлар қалбидан ўзига хос ўрин олгани шубҳасиз.

Биз талабалар учун энг эсда қоларли, ҳаяжонли дамлар – атоқли адид ва шоирлар билан учрашувлар эди. Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Сайд Аҳмад сингари машҳур ижодкорлар билан юзма-юз мулоқотда бўлиш, ўзимизни қизиқтирган сон-саноқсиз саволларга улардан жавоб олиш унutilmas таассурот қолдирав эди. Филология, журналистика факультетларида ижодий мухит барқ уриб турар, ижодкор талабаларнинг илк шеърий тўпламлари, ҳикоя ва қиссалари қизғин мұхокама қилинарди... Ўша йиллари адабиётга кўплаб истеъдодли ёшлар айнан шу даргоҳдан кириб келгани бежиз эмас.

...Йиллар ўтиб, сабоқ берган устозларимнинг кўпи билан янаям қадрдан бўлиб кетдик. Нимаики ёзсан, уларнинг на-

заридан ўтказишга ҳаракат қилдим, холис маслаҳатларидан фойдаландим. Миллий университетнинг минглаб толиб-ларидан бири сифатида мана шу муқаддас дарё сувидан баҳраманд бўлганимдан фахрланаман. Бу дарёдан не-не улуғ инсонлар сув ичган ва бундан кейин ҳам баҳраманд бўлади.



Адиб, драматург, устоз

Йигирманчи аср ўзбек адабиётига назар ташласак, халқимиз маънавияти хазинасига бекиёс улуш қўшган, чин маънода ўлмас асарлар ижод қилган улуғ шоир ва адибларни кўрамиз. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Faфур Ғулом каби ижодкорларнинг ҳар бири алоҳида олам яратган десак, муболаға бўлмайди. Абдулла Қаҳҳор ҳам адабиётимизнинг ана шундай устунларидан биридир. Агар биз Абдулла Қодирийни ўзбек романчилигининг отаси десак, Абдулла Қаҳҳор ўзбек реалистик ҳикоячилик мактабини яратгани шубҳасиз.

Биргина “Бемор” деган ҳикояни ўқинг. Ҳажми ихчамгина бу асарда бир қарашда оддий воқеа тасвирланган. Тирикчилиги аранг ўтаётган қашшоқ бир одамнинг хотини оғриб қолади ва вафот этади. Бироқ адиб бу воқеани шу қадар тे-ран тасвирлайдики, ҳикоянинг сўнгги жумласини ўқиган китобхоннинг кўзидан ёш чиқиб кетади. Асар қаҳрамонининг кулфатига беихтиёр шерик бўлади. Фожиа худди ўзининг бошига тушгандек ларзага келади. Ҳикоя, Абдулла Қаҳҳорнинг ўзи таъкидлаганидек, “атом”га ўхшайди. Ўзи миттигина бўлса ҳам, ўқувчи қалбини “портлатиб” юборгандек бўлади.

“Бемор”, “Анор”, “Ўғри”, “Даҳшат” каби талай ҳикояларда юз йил наридаги ўтмишнинг қоронгу саҳифалари қаламга олинган бўлса, “Минг бир жон”, “Асрорбобо”, “Маҳалла” каби асарларда халқимизга хос бўлган ирода, сабр-қаноат, бирбирига меҳр-шафқат тасвирланган.

Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари учун муштарак бўлган тағин бир хусусият – уларнинг ғоят ихчам ва тиғизлигига. Бу ҳикояларнинг ҳажми китобда икки-уч саҳифадан ошмайди. Бу ҳол ёзувчининг азбаройи “сўз тополмай қолганидан” эмас, аксинча, сўз бойлиги ниҳоятда катталигидан дарак беради. Айнан, шунинг учун ҳам адиб ҳикояда ишлатилиши мумкин бўлган юзта сўздан энг ўринли биттасини танлаб олади. Шу боисдан булар лўнда ва мағзи тўқ асарлардир.

Қаҳҳор домланинг яқин шогирдларидан бири Саид Аҳмад ғалати воқеани ҳикоя қиласи. Бир куни устоз-шогирд дўйонга кирадилар. Абдула Қаҳҳор икки пачка қоғоз сотиб олади. Саид Аҳмад ака ярим ҳазил қилиб: “Иккита романга етадиган қоғоз олдингиз, домла”, деганида Абдула Қаҳҳор: “Иккита ҳикояга етсаям катта гап”, деб жавоб беради. Қаҳҳор домланинг яна бир шогирди Озод Шарафиддиновнинг ёзишича, “Тобутдан товуш” номли сатирик комедиясининг ҳажми олтмиш саҳифа атрофида. Ёзувчи қораламалари эса салкам минг бет бўлган. Демак, Абдула Қаҳҳор пьесанинг ҳар бир саҳифасини ўртacha ўн беш мартадан қайта ёзган. Адибнинг тили шу қадар пухта, шу қадар образлики, унинг роман ва қиссалари, ҳикоя ва драмаларидағи бирон сўзни олиб ташлаш ҳам, бирон сўз кўшиш ҳам мумкин эмас.

Абдула Қаҳҳорнинг ёзувчилик маҳоратини белгилайдиган фазилат фақат бугина эмас. Энг муҳими – ёзувчи асар қаҳрамонларини тирик одамга айлантирган. Китоб ўқиётиб ўша одамларнинг қиёфасини аниқ кўргандек, овозини эшитгандек бўласиз. Уларнинг қувонч ва дардига шерик бўласиз. Бирини яхши кўриб қоласиз, биридан нафратланасиз. Аслида адабиётнинг бош вазифаси ҳам, асар ёзишдаги энг қийин муаммо ҳам шу!

Абдула Қаҳҳорнинг фақат ҳикоялари эмас, роман ва қиссалари ҳам эл орасида машҳур бўлиб, кўлма-кўл ўқилгани ва ўқилаётгани бежиз эмас. “Сароб” – “Ўткан кунлар”дан сўнг ўзбек адабиётида яратилган жиддий роман бўлди. Талабалар ҳаётидан ҳикоя қилувчи бу асар адабиётимизда яратилган пухта психологик романлардан биридир. Ҳолбуки, Абдула Қаҳҳор бу асарни ёзганида ўттиз ёшга ҳам бормаган эди. Мустабид тузум қиличини қайраб турган, Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир каби алломалар “халқ душмани” деган тұхмат билан ўлимга маҳкум этилган бир паллада ёзилган роман муаллифи бошига талай савдолар тушган. Бироқ роман ҳар қандай синовлардан омон чиқди ва охир-оқибат халқимизнинг маънавий мулкига айланди.

Абдула Қаҳҳорнинг “Синчалак”, “Ўтмишдан эртаклар” қиссалари ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. Кўплаб тилларга таржима қилинди ва ўзбекнинг бой маънавий оламини дунёга танитишга салмоқли ҳисса кўшди. Албатта, бугунги



Сўз заргари Абдулла Каҳҳор шогирдлари Ўткир Ҳошимов, Хайрийдин Салоҳ, Учқун Назаров билан

китобхонга, айниқса, ёш авлодга “Ўтмишдан эртаклар”даги воқеалар чўпчакдек кўриниши мумкин. Бу ҳақда муаллиф нинг ўзи ҳам ярим ҳазил-ярим чин қилиб айтиб ўтган. Бироқ асар воқеаларининг ҳаммаси ҳаётдан олинган, қиссада халқимизнинг ўтмишдаги турмуши, аянчли қисмати, тенгсизлик ва ноҳақликлар ғоят аниқ тасвирланган. “Синчалак” оса ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида ёзилган, бир қарашда “сиёсатга мосрок” асардек кўринса ҳам, қиссада ўқувчи хотирасига михланиб қоладиган одамлар кўп. Адабнинг бир қадар истеҳзоли табассум билан ёзган сатрларида шундай яширин маънолар борки, буни тушунган тушунади...

Абдулла Каҳҳор драматург сифатида ҳам бой мерос қолдирди. “Шоҳи сўзана” комедияси жаҳоннинг кўплаб театрида миллионлаб томошабинларга намойиш қилинди ва олқишига сазовор бўлди. Бу асарнинг мухим фазилатларидан бири – унда драматург ўзбек халқининг содда-донишмандлиги, жўмардлигини самимият билан тасвирлайди. Спектаклни кўрган томошабин асар қаҳрамонларини, демак, ўзбек халқини чин дилдан яхши кўриб қолади. “Аяжонларим” комедияси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

...Хақиқат дегани кў-ў-ўп яхши нарса. Аммо бир “камчилиги” бор: ҳамиша ҳам ширин бўлавермайди. Аччиқ ҳақиқат кў-ў-ўп фойдали нарса. Аммо унинг ҳам бир “камчилиги” бор: ҳаммагаям ёқавермайди. “Тобутдан товуш” сатирик комедиясида ана шундай “ёқимсиз” ҳақиқатлар аччиқ киноя билан фош этилгани учун ёзувчи бошига анча-мунча маломатлар ёғилди. Олтмишинчи йилларда бутун шуролар юртида бошланган “пуфлаб” қаҳрамон ясашлар, қўшиб ёзиш ва порахўрликлар бора-бора ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини сезган адид бу асарни бекорга ёзмаган эди.

Драматург ҳақ эканини, бундай иллатларни азбаройи жони ачигани учун қаламга олганини вақтнинг ўзи исботлади...

Абдулла Қаҳҳор ниҳоятда ўқимишли, жаҳон адабиётидағи ҳар бир янгилик, ҳар бир йўналишни дикқат билан кузатиб борадиган аллома адид эди. Рус адабиётининг буюк нағояндлари – Чехов ҳикояларини, Лев Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” эпопеясини, Пушкиннинг насрый асарларини, Гоголининг мумтоз драмаларини ўзбек тилига таржима қилганининг ўзи ҳам Қаҳҳор домланинг адабиётимиз ва маданиятимиз олдидағи улкан хизматларидан дарак беради.

Абдулла Қаҳҳорнинг тағин бир хизмати – чинакам маънодаги ўта қаттиқўл ва адолатли устоэлигидир. Адид ярқ этган истеъдод пайдо бўлса, ёш адид ёки шоирнинг биринчи асари эълон қилиниши биланоқ қандайдир бир ички сезги билан билар, қаламкашни излаб топар, тўғри йўлга солар, муаллиф бошига “булут” келса, қатъият билан ҳимоя қилар эди. Саид Аҳмад ва Шухрат домла, Одил Ёкубов ва Пиримкул Қодиров, Озод Шарафиддинов ва Матёқуб Кўшжонов, Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов, Ўлмас Умарбеков ва Тўлапберган Қаипбергенов, Учқун Назаров, Носир Фозилов, Умарали Норматов, Шукур Холмирзаев, Гулчехра опалар ва Ойдин Ҳожиева Қаҳҳор сабоғидан баҳраманд бўлди.

Устоз истеъдодли қаламкашларни авайлар, уларнинг ютуғидан қувонар, аммо шоша-пиша хом асарлар ёза бошласа, қаттиқ койиб, тўғри йўлга солар, адабиёт майдонига тасодифан ёки бирон манфаат излаб кириб қолган талантсизларни эса жинидан ҳам ёмон кўрар, кези келганда, уларнинг истеъдодсиз эканини, адабиёт равнақига нафи тегмаслигини очиқ-ойдин айтиб қўя қолар эди.

Адиб олтмиш ёшга тўлиши муносабати билан унинг шогирдларидан бири Учқун Назаров қисқа метражли ҳужжатли фильмни суратга олди (Учқун Назаров таникли адибина эмас, таникли киночи ҳам).

Кинони суратга олиш жараёнида рўй берган бир воқеани эслаш фойдадан холи бўлмаса керак, деб ўйлайман. Шундай қилиб, ёзувчилар боғидаги азamat арғувон дарахти остида устоз ва шогирдлар “кинога тушдик”. Бир манзара суратга олиниб бўлгач, Абдулла Қаҳҳор Учқун Назаровга мурожаат қилди: “Битта гапни қайтадан съёмка қилишга тўғри кела-ди. Мен “адабиётга мушукка ўхшаб, эшик қолиб туйнукдан тушадиганлар бор”, дебман. Аслида “ўғри мушукка ўхшаб” дейишим керак эди, “ўғри” деган сўзни айтмабман”. Эҳтимол у пайтларда кино тасмалари камёброқ бўлганми ёки қайта-қайта суратга олишлар бир қадар чарчатганми, ҳаммасини бошидан бошлишга учча рағбат бўлмади.

Шунда Озод домла ўринли гап айтди: “Энди, домла, эшик қолиб туйнукдан тушганидан кейин ўғри мушук бўлмай, тўғри мушук бўлармиди?”. “Шунаقا-ку, – деди устоз кулим-сираб, – адабиётга эшик қолиб туйнукдан тушадиганларни жўн мушукка ўхшатсак, мушукнинг ҳақи кетади-да!”

Устоз бадиий ижодни “сабаби тирикчилик” деб ҳисоблаш ўринсиз эканини, истеъдод инсонга Худо томонидан берилган ноёб инъом бўлиб, уни “майдалаб сотиш”, моддий ва маънавий манфаат воситасига айлантириш гуноҳ бўлишини кўп таъкидлар ва ўзи ҳам шу қоидага қатъий амал қиласар эди.

...Одатда, ҳар қандай яхши асар иккита холис, аммо бешафқат ҳакам синовидан ўтади. Бири – китобхон синови, бири – вақт синови. Абдулла Қаҳҳорнинг кўплаб ҳикоялари, роман ва қиссалари, драматик асарлари ҳар икки синовдан ёруғ юз билан ўтди. Бугунги авлод ҳам адиб асарларини катта қизиқиши ва ҳаяжон билан ўқишига имоним комил. Кечаги кун ҳақидаги асарларни мутолаа қилган ёш авлод бугунги кунни теранроқ қадрлашга ўрганади. Адиб асарларининг сехри шунда...

Халқнинг рангин олами

Улкан шоир ва жамоат арбоби Faфур Fулом бетакрор истеъдод соҳиби эди. Унинг шеъриятида арслон наърасини эслатувчи қудрат бор. Теран фалсафа бор. Шоир энг оддий нарса ҳақида ёзганида ҳам кенг қамровли фалсафий умумлашмалар чиқара олади.

Fафур Fулом ҳар жиҳатдан тўқис, жамики орзусига эришган ижодкор деса бўлади. Эл ҳурмати, давраларнинг тўри, унвонлар, нишонлар... Айни пайтда у занжирангандан шерни ҳам эслатади. Ҳар бир сатрни ёзаётганида шўро сиёсатининг таҳдидли кўланкаси елкаси оша кузатиб турганини ҳис этиб қалам тебратишга мажбур бўлгани сезилади. Шу жиҳатдан бу аллома шоир кўп гапларни айттолмай кетгани ҳам рост...

Албатта, Faфур Fулом биринчи навбатда – шоир. Зўр шоир! Шу билан бирга, унинг насрини асарларини ўқиган китобхон адабнинг ичакузди ҳажвияларида, завқ билан ўқиладиган ҳикоя ва қиссаларида аллома истеъдодининг яна бир киррасини топади. Уларнинг кўпчилиги Вақт синовидан ўтган ва яна узоқ яшайдиган асарлардир. Менимча, Faфур Fулом, айнан, насрини ёзаётганида елкасидан босиб турган юқдан бир оз халос бўлгандек туюлади. Қалби буюрганича, хоҳласа кулиб, хоҳласа истехзо қилиб, хоҳласа йиғлаб, қалам суради. Уларда ижодкор халқ ҳаётини, халқ тилининг минг бир жилосини мукаммал билиши аниқ кўринади.

“Шум бола” қиссасини олиб кўрайлик. Аслида бир етимнинг аянчли қисматини тасвиrlовчи бу асар қандайдир “муғомбirona” табассум билан ёзилган. Қиссани ўқиётиб ҳам куласиз, ҳам изтироб чекасиз. Ақалли бозор манзарасини олинг. Ўзбек бозорини Faфур Fуломчалик “кифтини келтириб” тасвиrlай олган қаламкаш бўлмаса керак. Шовқин-сурон, “оби худойи” деб текинга сув тарқатаётган савобталаблар, “Ё Оллоҳ дўст, ё Оллоҳ”, деб зикр тушаёт-

ган қаландарлар – ҳаммаси худди кино тасвири каби кўз ўнгингизга келади. Кўмир саройи олдидағи майдончада “от ўйин” томоша қилаётган шум боланинг ҳолатини эсланг. Кўйнидан анор чиқариб, иккига бўлиб ейди. Шунда... боядан бери тантанавор ғартиллаётган карнайининг ҳам, нола чека-ётган сурнайнинг ҳам овози ўзидан-ўзи сусайиб, виқирлаб чиқа бошлайди. Нордон анор еяётган болани кўриб оғзи сув очиб кетган сурнайчининг сўлаги тўлиб қолган сурнайининг уни ўчади. Кўса сурнайчи “гийқ” этиб сурнай чалишни тўхтатади-да, болага ўшқиради: “Хой қиззаталоқ бола, чиқ даврадан, анорингни бошқа жойга бориб е!” Бунаقا манзарани “ичидан тўқиб” чиқариб бўлмайди. Уни тасвирлаш учун ўз кўзи билан кўриш, ҳатто ўз бошидан ўтказиш лозим. Аммо “ўз бошидан ўтказиш” ҳам камлик қилади. Халқ ҳаётининг икир-чикирларигача бу қадар ёрқин тасвирлаш учун истеъдод керак.

Гафур Фулом асарларида макон ва замон тушунчалари бенихоя аниқ. Адид бир оғиз сўз билан ўз қаҳрамонининг бутун таржимаи ҳолини тасвирлаб қўйиши мумкин. Бир сўз билан бутун бир даврга баҳо бера олади. Бунга унинг талай насрый асарлари мисол.

Менга қолса, адид ҳикоялари орасида “Менинг ўғригина болам”ни энг забардаст асарлардан бири деган бўлур эдим. Ҳикоянинг фазилати шундаки, унда ўзбекнинг олами мана-ман деб кўриниб туради. Бир қарашда бу асар машҳур адид О’Генрининг “Ҳамдарлар” ҳикоясини ёдга солгандек бўлади. О’Генри ҳикоясининг қаҳрамони – ўғри. Гафур Фулом ҳикоясининг қаҳрамони ҳам ўғри. Ҳар иккала ҳикояда ўғри билан уй эгаси апоқ-чапоқ бўлиб кетади. Бироқ Гафур Фулом асарида бошқа бирон халққа ўхшамаган ўзбекнинг олами ярқ этиб кўринади. Нари борса, шапалоқдек келадиган бу ҳикояда қанчадан-қанча дард бор. Ғалати бағрикенглик бор. Ўқувчининг қалбини илитиб турадиган нур бор!

Шундай қилиб, куз кечаларидан бирида саксондан ошган кампир бу бевафо дунёning кулфатларидан уйқуси қочиб, нос чек-и-б ўтирибди. Турмуши noctor. Вояга етмаган тўрт етимнинг қисматини ўйлаб оғир хаёлларга чўмган. Буни қарангки, шу пайт томда ўғри пайдо бўлади. Бошқа жой куриб қолгандек, айнан, кампирнинг рўпарасига келганда

аксириб юборади. Кампир носини туфлаб ташлаб, унга дашном беради: “Үғригина болам, касбинг нозик, тумов-пумо-вингни ёзиб чиқсанг бўлмайдими?” Үғри ҳам томдан туриб кампирга дашном беради: “Бувижон, сиз ҳам бироргина кеча тинчингизни олиб ухласангиз бўлмайдими, бизнингтирикчилигимизнинг йўлини тўсаверасизми?”

Шу тариқа гап-гапга уланиб, кампир тўрт етимнинг келажагини ўйлаб эзилаётганини, үғри эса, замон оғирлашиб, ишсиз қолганини, иккита боласи, хотини, қари онаси-ни қандай боқиши билмай шу йўлга кирганини айтади. Кампир бу хонадонда ҳеч вақо йўқлигини айтиб, үғрига Каримкори, Одилхўжа, Матёкуббой деганларни кига бориши маслаҳат беради. Үғри бу маслаҳат жўяли экани, аммо ўша бойларни кига боргудек бўлса, қўлга тушиши аниқлигини айтиб, ҳасрат қиласди. Кампир унга чин дилдан ачинади: “Бу гапинг ҳам тўғри, үғригина болам. Аммо-лекин эҳтиёт бўл, эл-юртнинг олдида тағин бадном бўлиб қолмагин!”

Кампир нима қилиб бўлса ҳам, үғрининг ҳожатини чиқаришни ўйлади. “Кутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам... Ошхонада битта ярим пудлик қозон бор. Аллазамонлар уйимизда одамлар кўп эди, катта қозонда ош ичардик... Шуни олиб кета қол. Сотиб бир кунингга яратарсан, үғригина болам...” Үғрининг жавобини қаранг! “Йўқ, йўғ-е, буви, ёмон ният қилманг. Ҳа-хув дегунча бу кунлар ҳам унут бўлиб кетади... Ҳатто бу қозон ҳам кичиклик қилиб қолади. Ўша етимларнинг ўзига буюрсин!”

Қизиқ, кампирнинг ўзи-ку “қоққанда қозиқ, осганда хурмача” бўлиб ўтирибди. Аммо үғрининг “қутлуғ уйдан қуруқ кетиши”ни хоҳламайди. Үғрининг жавобини қаранг! Оиласини боқолмай эгри йўлга киришга мажбур бўлган одам кампирга далда беряпти. Етим ҳақини олишдан бош тортяпти!

Кампир үғрига ошхона ёнидаги тутдан сирғалиб тушиб, бир вақтлар боғдан келган ёнғоқ тўнкадан тараша учириб беришни сўрайди. Мақсад қумғон кўйиб, чой қайнатиб, уйдаги бор-йўғи иккитагина зогоранинг бирини баҳам кўриш. Үғри бу таклифга ҳам кўнмайди. “Йўғ-е, буви! Тўнка ёриб-ку берарман, аммо чой ичолмайман, чунки кун ёришиб қолса, мени таниб қоласиз. Жудаям юзимни сидириб ташлаганим йўқ, андишам бор, уяламан”.

Шу ўринда, айнан мана шу паллада ўзбекнинг олами ярқ этиб очилади! Кампир шу қадар бағрикенгки, борини шу бечора билан баҳам кўргиси келади. Ўғри шу қадар андишлики, кампир уни таниб қолишидан уялади. Шу қадар инсофлики, етимларни қақшатганидан кўра оч ўтиришни афзал кўради!

Ўқувчи ҳар иккала қаҳрамонни яхши кўриб қолади. Ҳар бир сўзига, ҳар бир имосига ишонади. Уларга беихтиёр ҳамдард бўлади ва, ҳатто ҳаваси келади! Бундай вазиятни шу қадар кутилмаган йўналишда тасвирлаш учун катта, жуда катта, ноёб истеъдод керак!

Гафур Гуломда эса бундай истеъдод мўл-кўл эди...



Адибнинг машаққатли мактаби

Рус адиблари орасида: “Биз ҳаммамиз Гоголнинг шинелидан чиққанмиз”, деган ибора бор. Шу гапни “ўзбекчалаштирсак”, ўтган асрнинг 60-йилларида адабиётга кириб келган авлод шоирлари “бизFaфурҒуломнинг”, адиблар эса “биз Ойбекнинг, Абдулла Қахҳорнинг тўнидан чиққанмиз”, деса муболага бўлмайди. Сабаб, биз – уруш ва ундан кейинги йиллари мактабга борганлар FaфурҒулом шеърлари, Ойбек романлари, Абдулла Қахҳор ҳикоялари билан “танглайи кўтарилган” авлодмиз. У паллада Қодирий, Ҷўлпон, Фитрат деган улуғ ижодкорлар ўтганини эшитган бўлсак-да, уларнинг биронта асарини ўқиган эмасдик.

Афсус, мен Ойбек домланинг сұхбатида бўлиш баҳтига эриша олмаганман. Бунга ўзим сабабчи бўлсан керак. Негаки, бирон марта бу улуғ адиб эшигини тақиlldатиб боришга журъат қилмаганман. Бошқа устозим – Абдулла Қахҳор эса бир қатор тенгқурларим қатори менинг ҳам илк машқларимни ўқиб, хат ёзган ва шу сабаб Қахҳор домла сабоқларини олиш насиб этган... Шунга қарамай, Ойбек иштирок этган катта-кичик йигинларда биз талабалар ҳам бир чеккада қисиниб-қимтиниб ўтирганмиз. Ойбек домла қатнашган издиҳомга аллақандай осойишта, вазмин руҳ киргандек бўлар, устоз адиб йирик-йирик кўзларидаги тे-ран маъно, ҳам виқорли, ҳам ўта самимий туйғу бу инсонни ич-ичидан ёритиб, нурлантириб турганга ўхшар эди. Ойбек ўзининг салобати билан ҳаммани “босиб турган”дек бўлар, айни пайтда унинг бутун қиёфасида боладек беғуборлик ҳам барқ уриб турар эди...

Мана шу улкан истеъдод, табиийлик ва самимийлик адиб асарларида ҳам намоён бўлади. Зеро, асар муаллиф қалбининг кўзгуси, ёзувчининг “фарзанди”.

Ойбек ижодининг ёрқин қирраларини ҳам, адиб босиб ўтган мактабнинг машаққатли ва чалкаш сўқмоқларини ҳам

биргина “Кутлуғ қон” романы мисолида күрса бўлади. Аслида хавф-хатарга тўлиқ бу мактаб “сабоқлари” Ойбек домла тенгқурлари бўлмиш ижодкорларнинг ҳаммасига тааллукли. Бир наъра тортса, жаҳонни ларзага солишга қодирFaфур Fулом шеърларида ўқтин-ўқтин “улуғ оға”нинг тарихий хизматларини эслатиб туришга мажбур бўлгани, Абдулла Қаҳҳор энг тагдор, энг ҳаққоний ҳикояларини минг бир қобиққа ўраб “едириш” йўлини излагани бежиз эмас. Золим сиёсат кечагина ёнингда турган эл эътиқодини қозонган ижодкорларни, ҳақиқий ҳалқ фидойиларини “ҳалқ душмани” деб қирғин қилган, ўзинигина эмас, болаларини ҳам қамоқда чиритаётган паллада ижод қилиш қилич дамида юриш билан тенг эди (мустақиллик йилларида онги шаклланган авлод буни тасаввур ҳам қилолмайди).

Мана шу доимий хавотир кўп йиллар ўзбек насрининг намунаси ҳисобланган “Кутлуғ қон” романидаги ҳам сезилиб туради. Синчиклаб ўқисангиз бу ҳолатни англашингиз қийин эмас. Асарнинг деярли ҳар саҳифасида камбагал қароллар бойларнинг золимлиги, бу дунёнинг адолатсизлиги, ўзининг қорни чалақурсоқлиги ҳақида шикоят қиласи. Романдаги бойларнинг ҳаммаси ёмон: Мирзакаримбой – золим, алдоқчи, Салимбойвачча – қотил, Тантибойвачча – қиморбоз, бузуқ, унинг отаси кўчада занглаган мих ётса, туфлаб уйига ташийдиган мумсик... Ойбекдек улуғ адид ҳам “Бу ёзувчи “синфиийлик позицияси”ни билмайди ёки билса ҳам атайлаб бузиб кўрсатади!” деган даҳшатли айбномага йўлиқмаслик учун (демак, Сталин қамоқхоналарида суяги чиrimаслиги учун) айнан шундай тасвир воситаларидан фойдаланишга мажбур бўлган (эҳтимол бугунги китобхон буни билмас, бироқ ҳушёр ўқувчи роман саҳифалари қатида қандай ваҳимали “сирлар” яшириниб ётганини англаши қийин эмас...).

Адид табиат манзарадари – қаҳратон совуғи, саратор иссиғи, чечаклар ранги кабилар тасвирида яйраб-яшнаб, эмин-эркин қалам тебратади. (Табиат сиёсатга бўйсунмайди!) Шунингдек, ўзбек удумлари – тўйлар, тортишмачоқлар, куёв жўралар бошидан ун сепишларни маҳорат ва ички ҳаяжон билан тасвирлайди...

Одатда, ҳар қандай бадиий асар, айниқса, катта прозаик полотнода китобдаги одамлар қанчалик “тирик”, нечоғли

жонли бўлиши жуда мухим, айтиш мумкин, ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Асар қаҳрамонига “жон ато этиш” эса шунчаки, осон юмуш эмас. “Кутлуғ қон”даги энг тирик ва шу туфайли узоқ эсда қоладиган одамлардан бири – Ёрмат. У ҳалол меҳнати билан рўзғор қимирлатиб турган, ўта содда, бир қадар мақтанчоқ, ҳовлиқма одам. Асар бошида бир лавҳа бор. Йўлчи даладаги бедани ўришга киришиш олди-дан Ёрмат унга бедазорни кўрсатиб, “Мана, бедам!” деб керилади. Йўлчи беда яхши ўсганини айтиб, “Сизникими?” деб сўраса, Ёрмат “Мирзакаримбой отаси”нинг остонасида ўн олти йил ишлаганини, шу боисдан “сеники-меники” деган гап йўқлигини айтади. Гёё бойнинг яrim давлати ўзиникидек. Бойваччаларнинг гапига (зиёфатига) бозордан ҳориб-чарчаб қўй етаклаб келганида калла-почанинг бир улуши ўзига тегишидан хурсанд, бой тўй қилса, тартиб сақлашга балогардон. (Гёё тўй ҳам ўзиникидек!) Охироқибат кўрган каромати шу бўладики, кўзининг оқу қораси Гулнорнинг ўлиги бойникидан чиқади!.. Ёрматнинг қарийб йигирма йиллик меҳнатига олган ҳақи эса Салимбойваччанинг исловотхонада бир кечада бузук аёлларга сарфлаган пулининг ярмига ҳам етмайди! Ёрматнинг Гулнор ўлимидан чеккан изтироблари табиий ва самимий бўлгани учун ҳам ўқувчини ларзага солади...

Қизиги шундаки, романдаги энг жонли образлардан бири Нури! У асарда кўп кўринавермайди. Бироқ тирик одам сифатида китобхоннинг хотирасида сақланиб қолади. Негаки, унинг хатти-ҳаракатлари ғоят табиий. Нури ўн саккизга чиқсан, соғлом, тўқ, бой оиласда ўсган қиз. Унинг жунбуши, туйғулари жиловсиз. Албатта, у Йўлчини яхши кўрмайди. Аммо ёш, келишган йигитнинг қучоғига киришни жудаям хоҳлайди. Бу йўлда минг хил баҳоналарни ўйлаб ҳам топади. Нури “эзувчи” синф вакили сифатида, салбий образ сифатида тасвиранган. Бироқ “салбий”ми, “ижобий”ми, у – тирик одам.

“Кутлуғ қон”да яна бир боб бор. (Битгагина, ихчамгина боб.) Унда Йўлчи тухмат билан қамоқقا тушгач, қамоқхонада Петров деган инқилобчи “мастеровой” билан танишуви тасвиранади, тўғрироғи, баён қилинади. Петров Йўлчини ўзининг “революцион руҳи ва севгиси билан тарбиялайди”

(романда айнан шундай дейилган). Қисқа вақт ичиде Петров Йўлчининг “онгини ўстиради”, умрида қўлига китоб-дафтар олмаган йигитнинг саводини ҳам дарров чиқара қолади. Иккоквлари қамоқдан қочишади... Баённинг маъноси шу.

Тасаввур қилинг: Ойбекдек тажрибали адаб қамоқ манзараларини, у ердаги мухит, темир эшиклар, инсонлигини шунтаёзган ашаддий жиноятчилар, тўнкамижоз соқчиларни аниқ-равшан тасвирилаши мумкинми? Қамоқдан қочиб кутулиш осон эмас. Ёзувчи мана шу драматик ҳолатни ёрқин бўёқларда чизиши мумкинми? Албатта, мумкин эди! Ва ҳатто керак эди! Хўп, адаб нега шундай қилмаган? Бу саволга китобхон эмас, ёзувчи сифатида жавоб беришим мумкин. (Агар адашсам, устознинг руҳи мени кечирсин!) Гап шундаки, асарни яратиш жараёнида бу бобни ёзиш нияти ўзи бўлмаган. Эҳтимол романнинг биринчи варианти (қўлёзма)-да ҳам бу боб бўлмагандир?! Сўнг кимдир ёки кимлардир романда “улуг рус халқининг мазлум халқлар революцион онгини ўстириб “одам қаторига қўшишдаги” тарихий ролини кўрсатиш лозимлиги”ни “эслатиб қўйган” ёки шундай қилмаса, “чатоқ бўлиши”ни англатган! Ойбек домла ўлганининг кунидан “Бор-э, шуни қўшсам кутуламанми сенлардан!” дегану беш-олти варақли шу ахборотни қоғозга туширган. “Сиёсий хушёр” мунаққидлар эса “Кутлуғ қон”нинг айнан мана шу жойини байроқ қилиб кўтарганлар! “Мана, социалистик реализм намунаси бунақа бўлади!” деб айюҳаннос согланлар. Донишманд Ойбек эса индамай кулимсираб қўя қолган. “Социалистик”ми, “носоциалистик”ми, чинакам реализмни, ҳаёт ҳақиқатининг бадиий ҳақиқатга айланишини романнинг бошқа талай саҳифаларидан топиш мумкин.

Гулнор бўйнидан боғлангандек бўлиб Мирзакаримбойга эрга тегади. Бойга тегади ва ёши етмишни қоралаган чолдан... ҳомиладор бўлади! Мана шу – ҳақиқий реализм! Истеъоди ўртачароқ ёки ҳаётни теран билмайдиган ёзувчи бўлса, Мирзакаримбойнинг ёш қизга уйланишини яrimкалака тарзида тасвирилаб, шарти кетиб, парти қолган чолни “масхара” қилиши ёки Гулнорнинг бўйида бўлишини умуман ўйлаб кўрмаслиги ҳам мумкин эди. Ойбек эса бундай қилмайди. Албатта, адаб Гулнорнинг ҳомиладор бўлиши унинг ўлими учун хукм эканини, бойнинг ўғил-қизлари,

куёв-келинлари мерос васвасаси учунгина ёш “она”дан кутулиш йўлини излаши муқаррарлигини билган. Бу эса романдаги воқеалар оқимининг мантиқий ривожига хизмат қилган. Аммо Гулнор бўйида бўлганини англаган ҳолатни шу қадар теран, психологик аниқ тасвирилаган, буни фақат катта санъаткоргина эплай олади.

Гулнор тасодифан хизматкорлар яшайдиган хонага кириб қолади ва қозиқقا илинган, чанг босган эски дўппига кўзи тушади. Бу Йўлчининг дўпписи эканини эслайди ва дўппининг чангини қоқиб, бағрига босади, кўзларига суртиб ўпади... Ҳақиқий аёл психологияси! Бироқ унинг дардли онлари бу билан тугамайди. Мана, ўша ҳолатнинг давоми:

“Ташқарида капитарларнинг “ғу-ғу”си, чумчукларнинг чирқиллашидан бошқа товуш йўқ... Гулнор бирдан чўчиб кетди: қорнида бир ниманинг сезиларли равишда урганини туйди... **Дарров англади: у ҳомиладор!** Шу онда қалтираган, оёкларида қитдай куч қолмаган каби ерга ийқилаёзди... Кўз олди қорайиб, борлигини оғриқ-алам сиқиб олди... Бошида ҳорғин, паришон фикрлар учди. “Бахтсиз бола! Тезгина дунёга қадам қўйиб, дадангнинг набиралари, эваралари кетидан пилдираб югурмоқчимисан? Мана мен – онанг сени унутибман! Ўз борлиғингни ўзинг билдиридинг. Мирзакаримбойнинг боласи, унинг эварасидан ҳам кичик боласи!”

Иккита ўта драматик ҳолат – севган кишисини (қамоқца тиқилган Йўлчини) қўмсаш ва чол Мирзакаримдан болали бўлганини дафъатан ҳис этишни бир вақтда тасвирилаш тагида чукур, жуда чукур маъно ётади. Бундай ҳолатни айнан шу тарзда тасвирилаш учун йирик санъаткор бўлиш керак.

Ойбек домланинг тили содда ва жозибали, ниҳоятда табиий. Романни қайта ўқишида бир нарсага эътибор бердим. Ёзувчи бутун бошли асар давомида “ва” деган боғловчини, нари борса, тўрт ёки беш марта ишлатган экан. Шунда ҳам муаллиф тилидан. Асар персонажлари эса гап орасида бирон марта “ва” демайди. Жуда зарур бўлиб қолса “ҳам” деган боғловчини ишлатади. Ниҳоятда табиий жараён! “Ва”ни араблар кўп такрорлайди. Оддий ўзбек эса (“оддий” эмас, “нооддий”, яъни тил билимдони ҳам) жонли суҳбатда “ва”ни деярли оғзига олмайди... Бу ғалати ҳолатга эътибор берга-

шимнинг сабаби асардаги одамлар тилига атайлаб ёки “шунчаки чиройли бўлсин”, деб “ва”ни солиб қўйиш асарнинг табиийлигини бузишини биламан.

Бу – шунчаки йўл-йўлакай кузатув... Романда бир қарашда оддий, аммо китобхон хотирасида муҳрланиб қоладиган ғалати эпизодлар бор. Мана, шундай ҳолат. Салимбайвачча заҳар солган таомни ичган Гулнор ўлим билан олишиб ётибди. Шунда щўрлик она – Гулсумнинг эсига бир “дори” тушади. У қаердадир эшигтан. Заҳар ичган одамга қўй қумалогини сувга эзис ичирилса, даво бўларкан! Гулсум зиналардан думалаб тушиб оғилхонага югуради ва бир кафт қўй қийини косага эзис Гулнор томон ошиқади...

Ўлим тўшагида ётган фарзандининг жонига ора кириш учун ҳар нарсага тайёр она ҳолатини бундан теранроқ тасвирлаш қийин.

Хуллас, Ойбек домла ижодини синчиклаб ўрганган киши бу улкан адаб нақадар машаққатли ижод мактабини ўтагани, дилидаги армонларнинг кў-ў-ўп қисмини қоғозга тўколмай ҳасратда кетганини, бироқ замона зайдининг зуғумларига қарамай, китобларида қатор-қатор инсонларга “жон ато” қилганини, Қаҳҳор домла ибораси билан айтганда, ўзбекнинг “адабий оиласи”ни бойитишга катта улуш қўшганини тушунади.



Менинг Зулфия опам

Бундан ўттиз йил бурун бошимга мусибат тушди: онам вафот этди... Икки кун олдин – 8 март байрамида ўйнаб-кулиб ўтирган одам тўсатдан кўз юмди... “Ота-она ўлмоғи мерос” деган гап бор. Бироқ яқин кишининг вафоти доим адолатсизликдек туюлаверади. Айниқса, у бир лаҳзада йўқ бўлиб қолса...

Хуллас, оғир изтиробга тушдим. Кечалари онам тушла-римга киради. Унинг олдида бурчимни ўтолмаганим, етарли меҳр бера олмаганим баттар азоблайди. Охири тоққа чиқиб кетдим. Аммо хотиралардан қочиб бўлмайди-ку! Шунда олим дўстим Абдуғафур Расулов жўяли маслаҳат берди: “Шу туйғуларнинг ҳаммасини қофозга тўкиб солинг. Асар ёзинг!”

Маъюс изтироб билан йўғрилган дастлабки парчаларни “Саодат” журналига олиб бордим. Эртасигаёқ Зулфия опа қўнғироқ қилди. Очиқ чехра билан кутиб олди.

– Онангиз содда ва донишманд аёл эканлар. Ҳикоянгизни дарҳол босамиз.

Ташаккур билдириб, чиқиб кетмоқчи эдим, Зулфия опа тўхтатди:

– У ёғини нима қилмоқчисиз?

Ростини айтсам, унча тушунмадим. Бироқ ёши улуғ одамдан “Қайси маънода у ёғи?” деб сўрашга иймандим.

Зулфия опа ҳолимни англаб, жилмайди.

– Ахир бу бутун бошли китобнинг мавзуси-ку! Ўзбек аёли, оддий ўзбек онасининг қанчалар жафокашлиги, бағрикенглиги, меҳридарёлиги, борингки, донишмандлигини кўрсатадиган асар бўлади! – Бир зум жим қолиб, қатъий фикрини айтди. – Гап бундай: сиз китобни бобма-боб ёзаверасиз, журналимиз ҳар сонида бобма-боб ёритиб бораверади. Хоҳласангиз, бир йил, хоҳласангиз, икки йил. Ишонинг, бу жуда теран китоб бўлади!

...Чиндан ҳам бир йил давомида “Саодат”да ўша китоб сонма-сон босилди ва шу тариқа “Дунёнинг ишлари” деган

асар дунёга келди. Назаримда, китоб ўқувчиларга маъкул бўлди, бошқа тилларга таржима қилинди, бир неча қайта чоп этилди...

Асарнинг туғилишига эса Зулфия опа далда берди, аниқроғи, сабабчи бўлди. Албатта, шеър ва достонлари юз минглаб китобхонларни ларзага солган, мушоираларда овози баланд жаранглаган, талай совринлар, шу жумладан, халқаро мукофотлар билан тақдирланган Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия ҳақида кўт гапириш мумкин. Мен эса муҳтарам опамизнинг биргина қирраси – ёш ижодкорларга меҳри ҳақида бир чимдим айтдим, холос.

Имоним комилки, истиқлол нури билан янада тиниклашган, янада теранлашган бугунги адабиётнинг турли авлодга мансуб вакиллари – шоиру шоирапар, адibu адibalар, олиму олималар орасида “Менинг Зулфия опам!” деган сўзни меҳр ва фахр билан айтадиганлар кўп. Одатда, катта истеъдод номини олис йиллар ва манзилларга, аввалио китоблари, қолаверса, шогирд ва фарзандлари етказади. Зулфия опада униси ҳам, буниси ҳам бор!



Халқнинг суюкли адиби

Бир фарзанд вояга етиши учун ота-онанинг қанча меҳнати сингади. Бир дараҳт ҳосилга кириши учун боғбон қанча азият чекади! Бир одамнинг қаддини ростлаб эл-юртга нафи тегиши учун қанча устоз парвариш қиласди. Шу маънода ҳамма қатори менинг устозларим ҳам оз эмас. Мактабда саводимни чиқарган, университетда сабоқ берган, биринчи асаримни эълон қилган устозларнинг барчасини бирдек ҳурмат қиласман. Бироқ шулар орасида ўзим алоҳида эҳтиром билан қадрлайдиган, кувончли дамларда ҳам, бошимга “булут” келган онларда ҳам ёнимда турган, ҳамиша тўғри йўл кўрсатган икки инсонга айрича ихлос қўйган эдим. Бири – Озод Шарафиддинов, бири Сайд Аҳмад aka эди... Афсуски, бутун Сайд Аҳмад aka ҳақида ҳам “эди” дейишга тўғри келади...

Сайд Аҳмад тўла маънода халқ ёзувчиси эди! Устоз билан мамлакатимизнинг турли чеккаларида бўлганмиз. Одамлар бу атоқли адибни ҳамма ерда бошига кўтаргудек бўлишар, бир лаҳза бўлса-да, сухбатини олиш учун ёпирилиб келишар, кувончини ҳам, ташвишини ҳам ёзувчи билан сидқидилдан бўлишар эдилар. Бунинг боиси Сайд Аҳмад aka оддий инсонларнинг турмушини, қувонч ва армонларини жуда яхши билар, ўзининг теран ва гўзал асарларида шу туйғуларни тасвирлар эди.

Адибнинг тўнғич ҳикояларидан тортиб “Уфқ” трилогия-сигача, кичик ҳажвияларидан тортиб ўнлаб мамлакатларда саҳналаштирилган “Келинлар қўзғолони” комедиясигача ўзбек халқининг содда-денишмандлиги, бағрикенлиги, жўмардлиги манаман деб кўриниб туради.

Биргина “Келинлар қўзғолони”ни олинг! Фарб томошабини комедияни кўрганида бир нарсага ҳайрон қолиши табиий. Фармонбиби ёши бир жойга борган кампир бўлса, оддий нафақахўр бўлса, савод масаласи ҳам “жуда мақтанадиган”

даражада бўлмаса, нега казо-казо лавозимда ишлайдиган ўғиллари, келинлар унинг олдида икки букилиб таъзим қиласди? Нега ҳар гапига “Хўп бўлади, ойижон”, деб туради? Қизиги шундаки, айнан ўша ажнабий томошабин бир жиҳатдан ҳайрон бўлади, иккинчи томондан Фармонбibi билан унинг оиласини, фарзандларини яхши кўриб қолади! Дунёда ўзбек деган халқ борлигига, унинг ота-онани эъзозлаш деган ғаройиб удуми борлигига қойил қолади! Шу ҳолатнинг ўзиёқ Саид Аҳмад деган улкан санъаткор ўз халқининг фазилатларини жаҳон саҳнасига олиб чиқди, деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам адид санъатига тасанно айтсан, истеъдодига таъзим қилсан арзийди...

Саид Аҳмад юзлаб дилкаш ҳикоя, ўнлаб қисса ва роман яратган адигина эмас, ўнлаб шогирд тарбиялаган устоз ҳам эди. Халқ ёзувчиси бўладими, оддий талабами, ким яхши асар ёэса қувониб кетар, худди ўз устози Абдулла Қаххор каби ўша қаламкашни, албатта топиб, бошини силар эди. Саид Аҳмад мактабидан баҳраманд бўлганим билан фахрланаман. Ҳали айтганимдек, устозим билан мамлакатимизнинг деярли барча туманларида бўлганман. Саид Аҳмад кириб борган даврага айрича файз қўнар, ўша хонадон нурга тўлиб кетгандек бўларди. Кўплар Саид Аҳмадни дунёдаги энг бахти, хушчақчақ инсон деб ҳисоблар, аммо бу одам қалбида қанчадан-қанча армонлар борлигини ҳаммаям билавермас эди...

Саида Зуннунова гўзал ва дардли шеърлар ёзган шоира эди. Саида Зуннунова теран мантиқли ҳикоялар ёзган адид ба эди. Саида Зуннунова вафодор аёл, пўлат иродали инсон эди...

Устозим Саид Аҳмад аканинг хонадонида кўп бўлганман. Саида опанинг дастурхонидан туз ичганман. Бир қанча асаларим кўлёзмасини Саид Аҳмад aka билан бирга Саида опа ҳам ўқиган. Самимий, жўяли маслаҳатлар берган.

Бир сафар Саид Аҳмад aka билан Водилга бордик. Устоз ўзининг “теша тегмаган” хушчақчақ гурунги билан давранни обод қилиб ўтирди. Иттифоқо бир киши Саида опанинг ҳаётдан эрта кетгани ҳақида ўқиниб гапириб қолди. Саид

Аҳмад ака индамай ўрнидан турди-да, сигаретининг учини эзғилаган кўйи нари кетди. Анчагача устоздан дарак бўлмагач, кўнглимга ғулғула тушди. Излаб борсам, сой бўйидаги катта-кон харсангтош устида сигарет чекиб ўтирган экан.

Сувнинг шовуллашидан келганимни эшитмадими, қайрилиб қарамади. Яқин бориб қарасам, ботиб кетаётган күёшга тикилиб ўтирибди. Икки кўзи жиққа ёш! Кўрқиб кетдим. “Унақа қилманг, устоз”, деб елкасига кафтимни кўйган здим, чукур хўрсинди. “Болам, бу дунёга нуқул азоб чекиш учун келган эканман”, деди-да, юзини кафти билан тўсиб олди...

Шу кеча бошига тушган савдоларни бирма-бир айтиб берди. Умрининг энг баҳтли онлари ҳам баҳтсизлик билан қоришиб кетганини айтди. Саида опага уйланган куни Тошкентда тўй бўлган, Андижонда – аза! Ўша оқшом Саида опанинг укаси тўсатдан вафот этиб қолган... Ёш келин-куёв бир-бирининг дийдорига тўймай туриб, 1950 йил баҳорида кўчада кетаётган ёш ёзувчини икки сўхтаси совуқ икки қўлидан ушлаб, машинага тиққан-у, ҳе йўқ-бе йўқ “Халқ душманисан!” деб ўн бир ой “одиночка”га ўтқазиб кўйган. Гуноҳи нималигини билмаган одамнинг, айниқса, кўнгли қофоздек оппоқ ижодкорнинг салкам бир йил қоронғи камерада бир ўзи ўтиришини тасаввур қилинг! Буниси ҳам майли. Ёзувчи Саид Аҳмад қамалгач, шоира Саида Зуннуновани ҳам сиқувга оладилар. Ёзувчилар уюшмасида мажлис қилиб, “Ёки “Эрим халқ душмани – ундан воз кечаман”, деб тилхат ёзib берасан, ёки ёзувчилар сафидан ўчириласан”, деб шарт қўядилар.

Ўша машъум йилларда эрининг “халқ душмани” эканини тасдиқлаб, газетага ёзив чиққанлар ҳам, эрини қаматиб юборганлар билан “апоқ-чапоқ” бўлиб кетган хотинлар ҳам бўлган... Балки шоирани ўртага олиб “талаган” ҳамкаслар Саида Зуннуновадан ҳам шуни кутгандир. Аммо Саида опа бошқача йўл тутган: “Майли, эримни “халқ душмани” дейишим мумкин. Аммо менинг ҳам битта шартим бор. Мени эрим билан юзлаштиринглар! Эрим ўз оғзи билан “Ҳа, мен халқ душманиман”, деса, ўшанда ишонаман!”

Шоирани ҳақорат қиласидилар. Ёзувчилар уюшмасидан ҳайдайдилар. Асаларини босиши тақиқлаб қўядилар. Ёш келинчак билан қайнона оч қолади. Шунда Саида опа келин-

лик бисоти – тилла тақинчоқларини сотиб, машинка харид қиласди. Қозоқ адаби Мухтор Авезовнинг Давлат нашриётида чиқаётган “Абай” романни таржимасини машинкадан чиқаради ва меҳнати эвазига ҳақ олиш учун нашриётга боради.

Ўша йиллари нашриётда Касабов деган машхур бухгалтер ишлаган экан. Унинг лақаби “Қассобов” бўлган. Сабаби – қалам ҳақи олишга келган одам борки, “Қассобов”га “чўтал” тўлашга мажбур бўлган. Ҳатто Ойбек, Ғафур Гулом каби алломалар ҳам “Қассобов”га шириккома беришган...

Шундай қилиб, Саида Зуннунова ҳам “машинисткалик” қилиб топган пулини олиш учун нашриётга боради. Ўзига тегишли бўлган ҳақни олгач, “Қассобов”га улуш ташлаб чиқиб кетади. Шунда бухгалтер унинг орқасидан югуриб чиқади. Йўлак бошида унга етиб олиб, бундай дейди:

– Кизим, келиб-келиб сендан пул оламанми? Ма, ўзингга ишлат! Сен, қизим, хафа бўлма. Худо хоҳласа, эринг қутулиб келади. Бу кунлар унутилиб кетади!

Хўрликлар кўравериб, ҳақоратлар эшитавериб, юраги тош қотиб кетган, бутун иродасини муштига туғиб, ҳеч кимнинг олдида бир томчи ёш тўқмасликка қасам ичган Саида опа, қўни-қўшнилар у ёқда турсин, унча-мунча қариндошлар ҳам “халқ душмани”нинг хотинидан юз ўтирган бир пайтда етти ёт бегона одамдан бу гапни эшитиб, дод солиб йиглаб юборади!

Агар мен ҳайкалтарош бўлсам, Саида Зуннунованинг бoshини силаб турган Касабов ҳайкалини яратардим!

Сайд Аҳмад ака шунча кўргуликларга қарамай, нолимади, ҳаётдан безмади. Аксинча, бир-биридан гўзал, нурли асарлар яратди. Адаб ижоди мустақилликдан сўнг янада самарали бўлди. Мустабид тузум зуғуми туфайли бошига тушган шўришлар тасвирланган китоблари бугунги ёш авлодни Истиқлонни қадрлашга ундовчи хитоб каби янграйди.

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман. Яратганинг тарозуси бехато ишлайди! Сайд Аҳмад Бадбаҳтдала деган қорсаҳросининг мис конида минг бир азобда ўтказган йиллари ни Аллоҳ унга нурли қилиб қайтариб берди. Ўзининг ибораси

билин айтганда, бир вақтлар она шахри – Тошкентдан қўлига кишан уриб “халқ душмани” сифатида бадарға қилинган адаб Халқ ёзувчиси бўлди. “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган унвонга сазовор бўлди.

Сайд Аҳмад аканинг ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган тагин бир бойлиги бор. Бу – Китобхон меҳри! Имоним комил, янгидан-янги авлодлар Сайд Аҳмад исмли улуғ адаб асарларини яна кўп йиллар бағрига босиб ўқийди!



Виждони уйғоқ инсон

Озод Шарафиддинов ҳақида ҳар бир шогирди бир оғиздан гапирган тақдирда ҳам каттакон китоб бўлиши аниқ. Биринчидан, Озод аканинг юзлаб шогирди бор. Иккинчидан, домланинг фазилатлари, ҳёти ва ижодининг ўрнак бўларли жиҳатларининг ўзи алоҳида асар.

Мен университетда сабоқ берган, ижод сирларини ўргатган барча домлаларимни самимий ҳурмат қиласман. Бироқ шулар орасида икки киши – Озод ака ва Матёкуб Кўшжонов айрича таассурот қолдирган. Озод аканинг бирон дарсга папка ёки “шпаргалка” кўтариб кирганини эслай олмайман. Домла қайси мавзуда дарс ўтмасин, “лекция ўқиши”ни эмас, айнан сабоқни назарда тутяпман, шу қадар теран фикрларни ўртага ташлар, шу қадар шавқ ва шиддат билан сабоқ берар эди, бошқа факультет, ҳатто бошқа олий ўқув даргоҳларидан ҳам талабалар кириб, домланинг фикрларини жон қулоги билан тинглар эдилар.

Озод аканинг имтиҳон олиши ҳам ғалати эди. Бир сафар қўлимдаги чиптага қараб, саволларга “булбулигўё” бўлиб жавоб берётганимда домла шартта гапимни бўлиб, “Тушундик, мулла, бу ёғини қойил қиласкансиз, энди айтингчи...” деб ўша пайтдаги рус ва жаҳон адабиётининг энг ёрқин вакиллари ижоди ҳақида нималарни билишимни, қайси бир асари ҳақида фикрим қандайлигини суриштирди. Кейин билсам, домла бизни бировларнинг китобидаги сўзларни “ёдламай”, мустақил фикрлашга ўргатган экан...

Озод Шарафиддинов фан докторлиги диссертациясини ёқлаган эмас. Бироқ шогирлари орасида ўнлаб фан доктори бор. Домланинг теран тадқиқотли китoblари, юзлаб мақола ва бадиаси Озод аканинг билими чуқурлигидан, жонкуяр тадқиқотчи эканидан дарак беради.

Ҳар қандай шоир ёки адаб ўз асарини устозлари ва танқидчи дўстларига ўқитгиси, улардан жўяли маслаҳат олгиси келади. Озод ака кўплар қатори менинг ҳам нарса-

ларимни қўлёзмадаёқ ўқиган. Ҳеч қачон осмонга кўтариб мақтамаган. Нари борса, “Ничево, яхши асар бўпти”, деб қўя қолган. Бироқ асар эълон қилинганидан кейин баъзи танқидчилар каби “катталиқдан тушиб қолишдан қўрқмай” яхши асар ҳақида мароқ билан, шоирона шавқ билан мақолалар ёзган. Муаллифнинг ўзи кўрмаган ёки эътибор бермаган нуқталарни ҳам топиб, асарнинг фазилати нимада эканини, қайси кемтигини қандай тузатиш мумкинлигини ҳам кўрсатган. Домла вафотидан кейин кўп ўтмай архивимни тартибга солаётуб, 1982 йили “Дунёнинг ишлари” қиссаси ҳақида Озод ака нашриётга ички тақриз сифатида ёзган “Дунёда офтоб борки...” деган мақолани топдим. Чиройли хусниҳат билан ёзилган 18 саҳифали бу қўлёзма гўзал шеър каби завқ билан ўқиладиган тайёр асар эди!

Кўп адид ва шоирлар Озод Шарафиддиновни “танқиднинг шоири” дейишгани бежиз эмас.

Устоз билан кўп, жуда кўп сафарларда бўлганмиз. Озод ака, Субутой Долимов, Умарали Норматов, наманганлик олим ва шоир Нуриддин Бобохўжаев билан Қирғизистоннинг Саричелак кўриқхонасига тоғлар оша борганимиз, Озод ака бошчилигига Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов – тўрт киши йаш шахридан Тоғли Бадахшонга етиб боргунча юзлаб чақирим йўл босганимиз... буларнинг ҳар бири алоҳида тарих. Қаерда бўлмайлик, ҳатто энг овлоқ қишлоқ ва овулларда ҳам Озод аканинг бирон шогирди кучоқ очиб кутиб олганини ўнлаб марта кўрганман. Улар устозни қанчалик ҳурмат килса, домла ҳам шогирдларини шунчалик иззат қилас, ҳаммаси билан худди тенгкурдек муомалада бўлгани учун улар ҳам устозни чин дилдан яхши кўрар эди. Бироқ Озод ака ҳаммага ҳам “ширинзабонлик” қиласвермас, аксинча, жиндай ёлғон, ялтоқилиқ, сохталикни кўрса, ловуллаб ёниб кетар эди.

Вилоятлардан бирида Озод домла ва бир қанча шоир, адиллар билан учрашув бўлди. Ўша олий ўқув даргоҳининг бир домласи (кейинчалик билсак, “сиёсий хушёр” партком котиби экан) ўзининг “принципial олим” лигини кўрсатиб қўйгиси келдими, ҳарқалай, ҳе йўқ-бе йўқ, тўсатдан Солженицинга ёпишиб кетди. “Гулаг архипелаги” романи шўро воқелигига тухмат, асар муаллифи “халқ душмани” деб авжига чиқаётганида Озод ака чидаёлмади. “Менга

қаранг, мулла, – деди қаҳр билан, – ўша китобни ўзингиз ўқидингизми, бу асар чиққан эмас-ку бизда, ўқимаган аса-рингизнинг яхши-ёмонлигини қаёқдан била қолдингиз? Сиз қанақа олимсиз, қанақа домласиз, ўзи?” деб бояги кишининг “патини тўзитиб” ташлади. Талабалар қарсагидан каттакон зал “портлаб кетгудек” бўлди.

Бунақа воқеаларнинг кўпига гувоҳ бўлганман.

Саксонинчи йилларнинг охирида Озод ака билан Фарғонанинг “Рапқон” сиҳатгоҳида беш йил кетма-кет оиласий дам олишимизга тўғри келди. Шогирд сифатидаги кузатувимдан келиб чиққан хulosани лўнда қилиб айтсан, Озод Шарафиддиновнинг энг юксак инсоний фазилати – ВИЖДОНИ УЙФОҚ инсон эди! Бу фазилат аввало адабиётга, адаб ва шоирларга муносабатида, қолаверса, олимнинг қатъий амал қиласидан принципларида кўриниб турарди. “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” деган савонни ўртага кўйиб, соф виждан билан жавоб қилиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди...

Яна бир гап. Чўлпондек буюк шоирнинг пок номи тикланиши, асарлари нашр этилиши, унга ҳайкал қўйилишида Озод аканинг ҳам хизматлари улкан бўлди. “Жаҳон адабиёти” журналининг ташкил этилиши ҳам Озод ака номи билан боғлиқ. Домла умрининг охирги йилларида оғир хасталикка чалинган бўлишига қарамай, бир лаҳза вақтини ҳам бекор ўтказмади. Фаол ижод қилди, ўзи раҳбарлик қилаётган журнал нуфузини оширишга катта ҳисса қўшди.

Домла бир умр юрт озодлиги, Ватан мустақиллигини орзу қилди, бу тарихий юмушга салмоқли ҳисса қўшди. Ўз навбатида Истиқлол ҳам Озод Шарафиддиновнинг ҳалол ва фидокорона, айтиш мумкинки, жасурона хизматларини юксак баҳолади. “Ўзбекистон Қаҳрамони” деган унвонга лойик кўрилди. Буни адолат тантанаси десак, тўтри бўлади.

Озод домланинг беозор ҳазиллари

“Шпанা”

Дорилфунунни янги битирган кезларим эди. “Одамлар ёнима деркин” деган қиссам китоб бўлиб чиққан... Озод Шарафиддинов, Субутой Долимов, Умарали Норматов, наман-

ганлик қадрдонимиз Нуриддин Бобохўжаев ва яна бир-икки мезбонлар Саричелакка бордик. Тоғ устидаги кўл бўйида ётиб дам олдик. Кун бўйи чўмиламиз, ош-овқатни ўзимиз қиласмиз. Бутун оламдан ажралиб, бир ҳафта радио эшитмасликка, соқол олмасликка, хуллас “ёввойи” бўлиб юришга қарор қиласмиз... Ўн кунлардан кейин юк машинасида тоғдан қайтиб тушдик. Соч-соқоллар ўсган, кийимлар афтодаҳол.

Янгиқўрғон марказида тўхтаб тамадди қиладиган бўлдик. Йўл-йўлакай аллақандай саноат магазинига кирдик. Чиройли қиз пештахта ортида китоб ўқиб ўтирган экан. Озод ака одатдаги “қитмирлик” билан сўради:

– Синглим, нима китоб ўқияпсиз?

Қиз гаши келиброқ бошини кўтарди. Индамай китобнинг муқовасини кўрсатди. Бу – менинг китобим эди. Ёш ёзувчи бунаقا пайтда қандай ахволга тушишини биласиз. Хурсандман. Нуқул илжаяман.

– Бунақа бемаъни китобларни ўқиманг, – деди Озод ака “шумлик” қилиб.

Қизнинг жаҳли чиқиб кетди.

– Ўзингиз бемаъни! Китобни тушунмасангиз, гапириб нима қиласиз! – деди жеркиб.

Бизнинг оғиз – қулоқда.

Озод ака менга қараб кулди.

– Кўрдингми, мухлисларинг кўпайиб қопти. – Кейин қизга тушунтирди. – Қўлингиздаги китобни мана шу бола ёзган. Беринг, дастхат ёзиб беради.

Қиз менга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, жаҳл билан бижиллади:

– Э, йўқол, шпана!

Довдираф қолдим. Қийқириқ, кулги... Айниқса, кекса Субутой домла тиззасига уриб-уриб кулади.

Йўқ, Озод ака амаллаб қизни ишонтирди. Қўлидан китобни олиб, “Хурматли фалончихонга...” деб энди дастхат ёза бошлаганимда ичкаридан башанг кийинган, тилла тишли киши чиқди (магазин мудири бўлса керак).

– Хўш, нима шовқин? – деди қовоғини солиб.

Озод ака нима гаплигини тушунтирди. Мудир ҳаммамизга бирма-бир қараб чиқди-да, мендан сўради:

- Хужжатинг борми?
- Обке паспортингни! – деди Озод ака жаҳли чиққан бўлиб.

Машина кабинасида қолган паспортимни олиб келишга мажбур бўлдим. Мудир олдин паспортга, кейин менга, ундан кейин китоб муқовасига қаради. Узоқ ўйланиб қолди.

- Фамилияси ўхшайди, – деди салмоқлаб, – сурати ҳам ўхшайди, аммо кўриниши ёзувчига ўхшамайди.

- Ана! – Субутой домла тантана билан кўрсаткич бармоғини осмонга бигиз қилди. – Ана! Одам танишни биларкансан-ку, ўғлим. Ёзган дастхатини кўргин! Ёзувчиям шунаقا хунук ёзадими? Афтини қара, афтини!.. Тошканинг хулигани-ку бу! Ҳа, қизим-а, содда қизим-а! Шунинг гапига ишондингми?!

Сотувчи қиз жаҳл билан мен дастхат ёзган варақни йиртди-да, ғижимлаб ерга улоқтириди...

Маҳалланинг “шоири”

Маҳалламиизда Тошмат ака деган киши бор. Содда, дўлвор, қулоғи оғирроқ. Шунинг учун бўлса керак, шангиллаб гапиради. Қизимнинг тўйи куни Озод домла бошқалардан анча эрта келдилар. “Ўз қўлим билан бир “аччиқ-чучук” қилгим келди”, деб шакароб қилишга тушиб кетдилар. “Қўя қолинг, устоз, шу ишни бошқалар ҳам қиласди”, десак, кўнмай, олманинг соясида ўтириб олиб пиёз арча бошладилар.

Бир маҳал Тошмат ака шангиллаб сўраб қолди.

- Анави қоровулга чой-пой бердингми?
- Қанака қоровул? – десам, Озод акани кўрсатди.
- Анави-да! Идорангнинг қоровулими, ахир?

Кулиб юборай дедим. Озод аканинг шу ўтириши чиндан ҳам ғаройиб эди. Пастак курсичада ўтирибдилар. Тиззага эски сочиқ ташлаб олган, кўлида пичоқ, олдида арчилган пиёз.

– Эсингиз жойидами! – дедим Тошмат аканинг қулоғига – Ахир бу киши машҳур олим Озод Шарафиддинов бўладиларку!

– А? – Тошмат ака бир сапчиб тушди. – Шу киши-я? – Кейин овозини пастлатиб сўради. – Эшитиб қолмадиларми ишқилиб?

– Менимча, эшилдиар, – дедим “шумлик” қилиб. – Қаранг, қовоқларини солиб олдилар. Ие, күзларига ёш ҳам келди шекилли, ишқалаяптилар...

Тошмат ака довдираб қолди. Дарров домланинг чойини янгилади. Иссиққина нон олиб борди.

– Ишқилиб күнгиллари оғримаган бўлсин-да, – деди қайтиб келиб.

– Ҳозир индамай қўя қолинг, жаҳлларидан тушсинлар, кечқурун узр сўрайсиз, – дедим.

Кечқурунги зиёфатда Тошмат ака нозик меҳмонлар даврасида ўтирган домланинг олдига серқатнов бўлиб қолди. Ҳали газакни янгилайди. Ҳали шўрва олиб боради.

Домла ўтирган давра ёнига бориб “Камчиликлар йўқми?” деб сўраган эдим, Озод ака норозироқ оҳангда жавоб қилди:

– Камчилик йўғ-у, битта нарса ортиқчалик қилиб турибди. Анави одам мунча бошни қотиради? Ҳар минутда кела-верадими?

– Ким?

– Ҳов анови дўппили одам.

– Э, уми? – дедим бепарволик билан. – Маҳалламизнинг шоири-ку.

Нарироқ боришим билан Тошмат ака пилдираб келди.

– Домла хафамасмилар ишқилиб?

– Хафа эмаслар-ку, тарвуз сўраяптилар (биламанки, домла тарвузни жинидан ёмон кўради).

Тошмат ака бирпасда аллақаердан каттакон тарвуз то-пиб чиқди. Иккига бўлиб “коса” қилди. Домланинг тепасига бориб узоқ туриб қолди. Алланималарни гапирди. Охири Озод ака қўлинни пахса қилиб бир нима деган эди, тарвузни кўтарганча нари кетди.

Айланиб яна ўша даврага бордим.

– Худо хайрингизни берсин, анави одамга айтинг! – деди домла тажанг бўлиб. – Гапни гапга қовуштирадими-йўқми?

– Шоир-да, шоир! – дедим юпатиб. – Сизга ихлоси баланд экан, китобларингизни “сув” қилиб ичиб юборган экан.

– Ихлоси учун раҳмат! – деди Озод ака баттар тутоқиб.

– Нега мунча хиракиқ қиласи? Икки гапнинг бирида, кечи-ринг, дейди. Нияти нима ўзи?

– Нима бўларди! – дедим мен ҳам “зарда” билан. – Ўттиз йилдан буён ёзган шеърларини тўплаб юрган экан. Кирқ битта обший дафтар бўпти. Домла шуни опкетсалар, деяпти.

Шундай дедим-да, бурилиб кетавердим.

Тошмат ака тағин йўлимни тўсиб чиқди.

– Яна домланинг жаҳллари чиқяпти шекилли?

– Шунақага ўхшайди, – дедим ўйланиб. – Энди бир иш қиласиз. Домла шоирларни яхши кўрадилар. Мен ҳам шоирман, деб қўя қоласиз. Шунда хурсанд бўладилар.

Бу сафар кабобни икковлашиб олиб бордик.

– Кечирасиз, домлажон... – деди Тошмат ака лаганинг рўпарасига қўйиб – Биздан хафамасмисиз ишқилиб?

Домла “яна келдингми?” дегандек чимирилган эди, Тошмат ака овозини барадла қўйиб шанғиллади:

– Аммо-лекин, домлажон, шифирни боплайсиз-да! Мен сизни ғазалларизни йиглаб-йиглаб ўқийман! У ёгини сўрасангиз, домлажон, ўзим ҳам шоирман, ғазал-пазал, шифир-пигир дегандай...

– Чўрт побери! – Озод ака ўрнидан туриб кетди. – Мен бу ерга сизнинг шифирингизни эшлишига келдимми? Одамни ўз ҳолига қўясизми-йўқми?

Ўшандан бери Тошмат ака ҳар кўрганда “Домла мендан хафамасмилар?” деб сўрайди. Озод ака эса “Шоир кўшнингизга айтинг, Худо хайрини берсин, шифирини опкемасин”, дейди.

“Мехрибон” шогирд

Ёзда Озод Шарафиддинов билан Фарғонада дам олдик. Тўй мавсуми авжига чиққани учунми, Худонинг берган куни саҳарги ошга таклиф қилишади. Хўроz қичқирмасдан туриш малол келади. Аммо айтилган жойга бормаслик ҳам одоблизик.

Бир куни Озод ака иккинчи қаватдан хушламайроқ тушди.

– Чўрт побери, кечаси билан биқиним оғриб чиқди, – деди нолиб. – Даволанишга келганмизми, тўйма-тўй юришгами?

Санаторий дарвозасида, одатдагидек, машина кутиб турган экан. Физиллатиб олиб кетишиди.

Тўйхонага киришимиз билан “Умарали ака-а-а!” деган ҳайқириқ янгради. Сўриток тагида ўтирган найнов, саксо-вулдек чайир одам сапчиб туриб биз томонга келаверди. Эрталабдан “отиб” олгани кўриниб турибди. Оёқлари чалишиб кетяпти. Икки юзи тўйиб мosh еган хўроznинг тожидек қипқизил. Яна бир марта “Умарали ака-а-а!” деди-да, Озод акани даст кўтариб чирпирак қилиб айлантира бошлади. Домланинг у юзидан, бу юзидан ўпавериб шилта қилиб ташлади.

– Бормисиз, Умарали ака? Соғмисиз, домлажон? Эшикэллар тинчми, домлажон? Неваралар чопқиллаб юрибдими, домлажон? Соғинтириб юбордингиз-ку, домлажон!

Ўпгани ҳам бор бўлсин! Ҳар “домлажон” деганида Озод акани силкитиб-силкитиб қўяди. Озод ака “Мен... мен” дейди-ю, “Умарали эмасман”, дейишига бояги одам кўймайди. Домла “кечаси билан биқиним оғриб чикди” дегани эсимга тушиб, ачиниб кетяпман.

Бир зумда Озод ака бошигача терлаб, қизариб кетди. Нуқул ҳансираф нафас олади.

Бояги одам домлани ерга қўйди-да, менга юзланди.

– Шоир ака-а-а! – деди ҳайқириб. Кураш тушадиган полвонлардек қулочини кенг ёйганича тепамга бостириб кела-верди. Қарасам, қовурғамни дазмоллаб ташлайдиган! Шоша-пиша қўшқуллаб сўрашган бўлдим-да, ўзимни одамлар орасига урдим.

Домла иккаламизни алоҳида хонага олиб киришди. Озод ака ҳамон ҳансираф нафас олар, пайдар-пай рўмолча билан юзини артар эди.

– Бояги одам ким? – дедим нон ушатаётиб.

Домла эшитмадими, жавоб бермади.

– Ким ҳалиги одам? – дедим чой қуйиб.

Домла бир чимирилди-ю, тагин индамади.

Ҳар қалай ўша “мехрибон шогирд” кимлигини жудаям билгим келарди.

– Домла, – дедим, – бояги одам ўзимизда ўқиганми?

Озод ака базўр чидаб ўтирган эканми, бирдан портлади.

– Ҳой! – деди қўлини пахса қилиб. – Қанақа эзма одамсиз? Жимгина ўтира оласизми, йўқми? Билмайман! Эшитдингизми? Танимайман! Умуман танишни ҳам хоҳламайман! Ўз ҳолимга қўясизми-йўқми?

Дамим ичимга тушиб кетди. Ташқари чиққанимизда “шумлигим” тутди. Озод аканинг қулоғига секин шипшидим.

– Умарали ака! Анови шогирдингиз келяпти. Хайрлашмоқчи шекилли.

Озод ака алант-жаланг қаради-да, ўзини машинага урди.

– Ҳайданг, – деди эшикни ёпиб. – Ҳайданг, чұрт побери! Тезроқ кетайлик шу ердан.

Балога қолган сурнайчи

Бундан бир неча йил илгари Озод домла билан Фарғонанинг “Рапқон” сиҳатгоҳида бир неча мавсум оиласый дам олдик. Фарғоналикларни биласиз, меҳмон билан “бир чўқим” ош устида ҳангомалашмаса, кўнгли жойига тушмайди. Устига-устак, домланинг шогирдлари кўп. Хуллас, ҳар оқшом чойхона гурунги бўлади. Озод ака шахматни спорт устаси даражасида ўйнар эди. Кўпинча ошхўрлик билан “шахмат жанги” кўшилиб кетади. Бир ҳафта ичида бутун бошли сиҳатгоҳда Озод ака билан беллашадиган “мард” қолмади.

Орадан икки ҳафталар ўтгач, бу “қоида” бузилди. Ёши нари борса ўттизлардаги кўримсиз, пачаққина йигит бало чиқиб қолди. Домла билан баравар олишади. Ўзи оддий шўпир экан. “Жанг” авжига чиққан шундай кунлардан бирида Бешариқдан Абдуғафур билан Илҳомjon деган укаларимиз, Кўқондан эски қадрдонимиз Охунжон ака келиб қолишиди. Бир сўрида ош қилаётган меҳмонлар билан мен, Озод аканинг күёви Фатхуллажон, наригисида домланинг оиласи Шарофат ая билан менинг аёлим ўтиришибди. Чеккароқдаги сўрида эса бояги “пачок” билан домла шахмат суряпти.

Хуллас, ош дамланди. Зиёратга келган йигитлар “домлани чақиринг, сұхбатларини олайлик”, деб имо қилишди. Яқин борсам, Озод аканинг пешонаси тиришган. “Цейтнот”га тушганга ўхшайди. Бирпас сабр қилиб турдим-да, ётиғи билан хабар қилдим:

– Ош дамланди, домла...

Озод ака эшиздими-йўқми билмайман. Шахматдан бoshини кўтартмади. Орадан яна анча фурсат ўтди. Бу сафар меҳмонлардан бири ёнимизга келди.

– Домлажон, ош ланж бўлиб кетмасин.

Озод ака “хўп” деди-ю, қайрилиб қарамади. Нихоят дом-
ланинг аёллари – Шарофат ая келдилар.

– Домлажон, меҳмонлар Сизнинг суҳбатингизни олишга
келган. Кутиб қолишиди.

Озод ака умуман жавоб қилмади. Фикри-зикри шах-
матда. Анави сурбет рақиби эса бамайлихотир илжайиб
ўтирибди.

Орадан тағин анча фурсат ўтди. Охири менинг аёлим
сўрига яқин келди. Домлага гапиришга журъат қилмади, ше-
килли, менга шипшиди:

– Ош совиб қоляпти, адаси, меҳмонларнинг олдида
ноқулай бўляпти.

Худди шу пайт анави палакат “Шоҳ!” деб сипоҳ сурди.
Домла шахт билан бошини кўтариб менга чақчайди:

– Хотинингиз мунча кўп гапиради, а?! Бошқа хотин ол-
сангиз бўлмайдими?!

“Исонинг алами Мусодан” деган ғап қанчалик
тўғрилигини ўшанда билганман...

Озод аканинг меҳри ҳам, койиши ҳам нихоятда самимий
бўлгани учун шогирдлари уни чин дилдан ардоқлар эдик...

“Памилдори” операцияси

Ўғлимнинг тўйи куни сахарлаб дарвоза олдида машина
тўхтади. Чиқсан, Озод Шарафиддинов “Волга”нинг чап эши-
гини очиб рулда ўтирибди.

– Даҳадан келяпман, – деди домла. – Қани, дарров капот-
ни очинг.

Юхонани очсан, икки пақир памилдори турибди.

– Ўз қўлим билан тердим, – деди Озод ака тантанали
оҳангда. – Идишларни тез бўшатинг-да, қоғоз-қалам олиб
чиқинг.

Қоғоз олиб чиқсан эдим, буюрди:

– Ёзинг! “Тилхат. Менким, ушбу ҳужжатни имзо чекувчи
Фалончи Пистончиев шуни эътироф этаманки, Озод Шара-
фиддинов тўйимизни жамики сабзавот маҳсулотлари билан
тўла таъминлади”. Ёздингизми? Энди қўл қўйинг!

Табиийки, бу ғап ўша заҳоти тўйхонага тарқалди. “Па-
милдори” операцияси пишишиб қўйилди. Эрталабки ош

дастурхонига памилдори ҳам тортилди. Домла ёнимда турган эди, маҳалла оқсоқолларидан бири келиб, у киши билан қўшқўллаб кўришди.

– Ўғлим, – деди менга қараб, – ошинг яхши бўпти-ю, аммо памилдориси, айниқса, зўр экан-да! Экканнинг қўли дард кўрмасин!

Озод ака мамнун томоқ қириб қўйди.

Зум ўтмай иккинчи одам келди.

– Илоё ёшлар баҳтли бўлсин! – деди қироат билан. – Дастурхон хў-ў-ўп тўкин бўпти-да, укам. Раҳмат! Айниқса, памилдорини айтинг! Асал-а, асал! Ишонсанг, мен ош еганим йўқ, нукул памилдори едим!

Озод ака камтарона ерга қараб турибди. Қариндошлардан бири памилдорини мақтаб-мақтаб, жиндай танқид қилиб ҳам ўтди.

– Памилдори хўп яхши пишибди-ю, сал майдароқ эканми? Олхўри деб ўйлаппан.

Шу пайт Эркин Воҳидов келиб қолди.

– Ўткиржон! – деди гапни узоқдан бошлаб. – Ёзда тўй қилишнинг шуниси яхши-да. Қовун-тарвуз мўл, мева-чева кўп... Манави олчанинг чиройли пишганини қаранг, деб, тўрттагинасини кафтимга олиб еб кўрсам, данаги йўқ! Қарасам, памилдори экан! Қаёқдан топдингиз бунақасини?

Зимдан қарасам, Озод аканинг қовоғи тушиб кетяпти.

Сайд Аҳмад ака узоқдан мени койиб келаверди.

– Сен ярамасга қачон ақл киради-а? Янгилик яратаман деб ҳар балони ўйлаб топаверасанми? Ош дастурхонига итузум қўйиш қаёқдан чиқди! Қаёққа қараса, талинка-талинка итузум!

Озод ака буниисига чидай олмади.

– Чўрт побери! – деди қўл силтаб. – Мен тўйга памилдори эмас, тариқ опкелганман. Бўлдими? Кутулдимми энди??

Теран мантиқли олим

Ўтган асрнинг 60–70-йилларида адабиётга кириб келган адид ва шоирларнинг кўпчилиги Тошкент Давлат университетининг (хозирги Ўзбекистон Миллий университети) бағридан чиққан. Бу авлод вакилларини маълум маънода омади чопган ижодкорлар деса бўлади. Биринчидан, ўша йиллари совет сиёсатида оз бўлса-да, эрк шабадалари эсиб, хаётнинг мураккаб жиҳатлари ҳақида қалам тебратиш имкони туғилган, бу эса узоқ йиллар давом этган “ёпиқ” мавзулар замонидан озми-кўпми қутулиб, эркинроқ ижод қилиш имконини яратган эди. Иккинчидан, университетда Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов ва яна бир қанча устозлар талабаларни янгича фикрлаш, муттасил изланишга ундар, ёш шоир ва адиларнинг илк машқлари университетда қизғин муҳокама қилинар, бир сўз билан айтганда, бу даргоҳда чинакам ижодий мухит бор эди. Кейинчалик ўзбек адабиёти тараққиётига салмоқли улуш қўшган қаламкаш ва олимлар айнан шу даргоҳдан “учирма” бўлгани бежиз эмас...

Домлаларимизнинг феъл-атвори ҳам, дарс ўтиш усули ҳам ҳар хил эди. Масалан, Озод домланинг “лекция”лари ўта жўшқин, фикрларга бой, эскича тафаккур қилувчи бошқа домлаларникига мутлақо зид бўларди (уларни илмий тилда “лекция”деб аташ ҳам қийин эди).

Матёкуб аканинг дарслари эса вазмин, осойишта, мантиқи чуқур, аммо зерикарли эмас, янги мулоҳазаларга бой бўлгани учун ғоят қизиқарли ўтар, шунинг учун ҳам бундай устозлар сабогини талабалар соғиниб кутишар, бошқа факультетлардан, ҳатто бошқа институтлардан ҳам талабалар келиб, шу устозлар сабогини тинглар эдилар. Матёкуб домла дарс пайтида ҳам, бошқа жойда ҳам бирон марта овозини баланд кўтариб ёки ҳаяжонга берилиб гапирганини эшигтан эмасмиз. Ҳар қандай вазиятда ҳам оғир-босик, теран мантиқ билан фикрловчи, ўз фикрини тағин ўша – чуқур мантиқ билан ифодаловчи одати бор эди.

Талабалар Матёқуб ака урушда мерган (снайпер) бўлган дейишарди. Қайсиdir китобда ўқиганим бор. Мерган-снайпер бўлишнинг биринчи талаби – сабр-қаноатли бўлиш, ҳеч қачон шошилмаслик экан. Чиндан ҳам мерган, зарур бўлса, қор остида соатлаб қимир этмай ётиши, душман кўзга кўринишини кутиши, шунда ҳам асло шошилмай, уни яхшилаб мўлжалга олиши шарт. Домла ўзи тадқиқ этаётган асарларни ҳам ғоят синчковлик билан ўргангани, ижод сирлари ни мукаммал таҳлил этгани, бирон асар ҳақида ҳеч қачон шоша-пиша хулоса чиқармагани кўриниб туради. Ойбек тасвиридаги кенг қамровни, Қаҳҳор ижодидаги зичликни, устоз адид ва шоирлар ижодий поэтикасини чуқур ва атрофлича таҳлил қилган олим, шубҳасиз, Матёқуб Кўшжоновдир.

Бир кўчат ўсиб мевага кириши учун неча йиллар керак, неча боғбоннинг меҳри, парвариши керак. Бошқа сафдошларим қатори мен ҳам ўзимни устозлардан ёлчиган шогирд санайман. Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад, Асқад Мухтор, Зулфия опа, Шуҳрат домла, Ғулом Каримов, Озод Шарафиддинов, Матёқуб Кўшжонов, Умарали Норматов... каби устозларимдан ҳамиша қарздорман.

Табиийки, ҳар қандай ижодкор ўз асарини адабий жамоатчилик, кенг ўқувчилар қандай кутиб олганини билгиси келади. Айниқса, атоқли адабиётшунос мунаққидларнинг фикри қадрли бўлади. Менинг бир қанча машқларимга домла Матёқуб ака ҳалол ва холис мулоҳаза билдириб, каттакатта мақолалар ёзгани билан фахрланаман. Уларда шунчаки мақтов ёки танқид эмас, чуқур таҳлил, жўяли фикрлар ярқ этиб кўзга кўриниб туради (домланинг тақризларига асос бўлган хусусият айнан шу – теран таҳлил ҳисобланади). “Нур борки, соя бор” романни журналда эълон қилинганида анча катта боб бор эди. Унда асар қаҳрамони Помир тоғига – Бадахшонга бориши, олис ва машаққатли сафар тафсилотлари тасвирланган эди. Бу сафар чиндан ҳам бўлган, устозим Озод Шарафиддинов бошчилигида Ўш шаҳридан Тоғли Бадахшонга – Хоруғга салкам минг чақирим йўлни денгиз сатҳидан беш минг метр баландликдаги довонлардан ошиб ўтиб борганимиз, ҳаво етишмаслиги туфайли “тутак” деган касалликка йўлиқиб, мазам қочиб қолгани ҳамон ёдимда. Асар журналда эълон қилингач, бу тафсилотлар роман

“түкимаси”га унчалик сингмагандек туюлди. Шу боис уни китоб нашридан чиқариб ташладим. Китоб чоп этилгач, Матёқуб ака құнғироқ қилиб қолди: “Романдан Тангриберган линиясими олиб ташлаб яхши қылмабсиз”, деди. Бу боблар асарга сингмай турғандек туюлғани учун шундай қылғанимни айтдым. “Барибир, – деди домла, – ўша манзаралар, машаққатли сафар тафсилотлари романни тұлдириб турған эди. Қолаверса, уни асар түкимасига сингмаган деганингиз түғри эмас. Бөш қаҳрамоннинг қисматидаги ҳолат – севган қызининг турмуш куриб кетиши, Шерзоднинг дунёга сифмай қолгудек бўлиб, олис ва хатарли сафарга жұнаши бу тасвиirlарни оқлаган...”

Шу сұхбатдан бир нарсани англағадим. Демак, домла бирон асар ҳақида шунчаки фикр билдирибгина қолмай, ўша китобнинг кейинги қисмати нима бўлгани, муаллиф ўз ижодига қай даражада масъулият билан қараётганини мунтазам кузатиб боришини одат қылган экан.

...Кейинги пайтларда домланинг кўриш қобилияти сустлашиб қолганига қарамай, у киши адабиётда пайдо бўлган барча “пичоққа ярайдиган” асарларни кузатиб бориши, хонадонидаги қадрдонлари – янгамиз, фарзандлари ёки шогирдларига ўқитиб эшитганлари, уларга фаол муносабат билдириб келганининг ўзиёқ таҳсинга лойиқ...

Матёқуб Кўшжоновнинг дунёга келиб орттирган энг катта бойликларидан бири – унинг шогирдлари, десак, муболага бўлмайди. Олим ва адиллар, шоир ва мұнаққидлар орасида Матёқуб аканинг юзлаб шогирди бор. Умрининг сўнгти йилларида домла “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. Бу адолатли мукофот эди. Негаки, домла адабиётимиз учун, маънавиятимиз, умуман, халқимиз учун чиндан ҳам буюк хизматлар қилди!

Учинчи боб

Сағдаштар



Элнинг ардоқли шоири

Қайси ёзувчининг китобини ўқиганда асардаги одамларни шунчаки “персонаж” эмас, тирик инсон деб қабул қиласангиз, севган қаҳрамонингиз ўлиб қолса, қаттиқ изтиробга тушсангиз, ўша адид ҳақиқий ёзувчи бўлади. Қайси шоирнинг ақалли тўрттагина шеърини атайлаб эмас, азбаройи қалбингизни ларзага солгани учун узоқ йиллар ёдлаб юрсангиз, ўша ҳақиқий шоир бўлади. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Ўзингиз ихлос қўйган шоир ёки адебнинг китобини ўн йил, йигирма йилдан кейин қайта ўқиганда тағин ҳаяжонга тушсангиз, ундан аввал пайқамай қолган янги маъно топсангиз, буниси жуда зўр ижодкор бўлади!

Элимизнинг ардоқли шоири Эркин Воҳидов шунаقا ижодкор. Унинг бундан қирқ йил аввал ёзган талай шеърларини бугун ўқисангиз, тағин ҳаяжон оғушида қоласиз. Шоир сатрларида аввал унча эътибор бермаганингиз янги тагмаънони англағандек бўласиз. Қизиги шундаки, бир қарашда шоир шеърлари осонгина ўқилади, тезда ёд бўлади. Ҳолбуки, кўп китобхонлар ижоднинг бир сирини билмайди. Осон ўқиладиган асар қийналиб ёзилади. Роҳат қилиб ўқиладиган асар азоб билан туғилади. Сабаби – ҳақиқий санъат асари муаллифнинг юрак-юрагидан отилиб чиқади. Китоб мутолаа қилаётган ўқувчи ҳаяжонидан кўра китоб ёзайтган шоир ҳаяжони ўн хисса ортикроқ бўлади.

Эркин Воҳидов ана шундай – чин юракдан, куйиб-ёниб ёзадиган шоир. Унинг шеъриятида, ўз ибораси билан айтганда, баҳорий илиқлигу наҳорий тиниклик бор. Улар чин дилдан қилинган хитоб. Қувончи ҳам, ўқинчи ҳам, шодлигию андуҳлари ҳам табиий! Энг муҳими – Эркин ака шеъриятида инсонга нисбатан теран ҳамдардлик бор! Инсон қисматига дил-дилдан хайриҳоҳлик билан, куюнчаклик билан муносабат билдиради шоир. Бу фазилат унинг миттигина шеърларидан тортиб “Рухлар исёни”, “Нидо” синга-



Бир умрлик дўст-қадрдонлар

Художник Сабир Абдусаломов. Фото: Абдусаломов Сабир, Абдусаломов Равиль

анча жиддий тус олган эди. Бу нотўғри қараш эканини, Навоий ва Фузулий, Бобур ва Огахилар ўлмас асарлар яратган ғазал жанрида бундан кейин ҳам гўзал ва умрбоқий шеърлар ёзиш мумкин эканини айнан Эркин Воҳидов “Ёшлик девони”да исботлаб берди. Бу китобга кирган ўнлаб ғазал фақат ҳофизлар томонидан қўшиқ қилиб куйланиб қолмай, уларни кўплаб ёшлар ҳаяжон билан ёддан ўқийдиган бўлди.

Эркин ака ижодининг муҳим жиҳатларидан бири шоир фалсафасининг теранлигидир. Бу унинг қасидаларида, “Рұхлар исёни” достонида айниқса яққол кўринади. Бир қарашда оддий туюлган “Қўллар” қасидасидаги сатрларга эътибор беринг:

*Ғазал баҳш этган оламга,
Ажал келтирган одамга.
Бу тифдир, бу гули раъно,
Бу қўллардир, бу қўллардир.
Севар ёрга гул узган ҳам,
Очиқ кафтини чўзган ҳам,
Тилаб хайру эҳсон танҳо
Бу қўллардир, бу қўллардир.*

ри достонларигача, теран фалсафий қасидаларидан тортиб, майин, хушчақчақ ҳажвга йўғрилган туркумларигача барчасида кўзга ташланиб туради.

Ўтган аср ўрталарида, айниқса, 60–70-йилларда ғазал жанри, жумладан, аруз вазни ўз вазифасини ўтаб бўлди, бу шеърий йўсинглар “ишиқ бокий” ва “ишиқ фоний” тасвириланган мумтоз шеърият услуби эди, энди улар янги замон шиддатини акс эттиришга ярамай қолди, деганга ўхшашиб фикрлар

*Жаҳон даъвосини этган,
Жаҳондин лек очиқ кетган.
Искандар илки бедаъво
Бу қўллардир, бу қўллардир...*

Такрор айтаман, осонгина ўқиладиган бу сатрларда “осонгина” ҳазм қилиш мушкул бўлган жуда теран маъно ётиби.

Ёки “Инсон” қасидасини яна бир карра синчиклаб ўқиб кўринг:

*Ким фарангি, ким ҳабаш,
Ирқ, қон талаш, имон талаш.
Шулми инсондек яшаш,
Армон ўзинг, афғон ўзинг!*

Бу сатрларни Эркин Воҳидов минг бир изтироб билан ёзганига ишонаман. Чиндан ҳам инсон дегани қандай мавжудот ўзи? Бир бурда нонга қорни тўйса-ю, дунёнинг бутун бойлиги камлик қиласа? Олис коинотда юз йилдан кейин қандай синоатлар рўй беришини айтиб берса-ю, эртага ўзининг нима бўлишини билмаса?! Чумолига озор бермаса-ю, ўз отасини гарибхонага тиқиб қўйишга уялмаса?! Гоҳо ўйлаб қоламан. Истеъдодли бир рассом бўлса-да, инсоннинг ғалати суратини чизса. Унда одамзоднинг бир юзи қуёшдек чарақлаб турса, бир юзи кўмирдек қаро бўлса. Бир кўзида меҳр, бир кўзида қаҳр чақнаб турса... Начора, одамзод шундай номукаммал, ғофил банда! Шоир “Инсон” қасидасида шундай портрет чизгандек кўринади...

“Ўзбегим” қасидасини эса Ўзбекистон ҳақида, ўзбек халқи ҳақидаги гимн, десак хато бўлмайди. У фақат фахрия эмас. Унда алам ва изтиробга тўлиқ сатрлар ҳам озмунча эмас. Шу боисдан ҳам етмишинчи йилларнинг “ҳушёр” сиёsatдонлари “Ўзбегим” учун шоир бошига кўп савдолар солган эди. Бунинг эвазига эса халқ “Ўзбегим”ни бағрига босиб ардоқлади. Бир мактабда юзга яқин ўқувчи болалар қасидани жўр бўлиб ёддан ўқиганини кўрганман! Шоир учун бундан катта мукофот йўқ...

Хуллас, ўз акамдек қадрдон бўлиб қолган халқ шоири

Эркин Воҳидов ҳақида айтадиган гапларим оз эмас. Эркин аканинг бир инсоний жиҳати тӯғрисида алоҳида тўхталгим келади. Шоир-да, бир оз қувгина, бир оз тагдоргина, анча майингина юмор туйғуси бор. Аслида истеъдодли одамлар ҳажвга мойил бўлади. Бу “дард” бир жиҳатдан биз шогирдларга устоз Сайд Аҳмад акадан “юқсан” бўлиши ҳам мумкин. Дўстлар даврасида кўп сафарларда бўлганмиз, сайдёҳатларга чиқсанмиз, олис-яқин қишлоқларда китобхонлар билан учрашувлар қилганмиз. Шу аснода бирбири мизга беозор, дилкаш “шумликлар” қилган пайтларимиз ҳам бўлган. “Жўрабошимиз” Сайд Аҳмад aka билан боғлиқ “шумлик”лардан бирини эътиборингизга ҳавола киласман.

Йўли топилди

(Эркин Воҳидов эллик ёшга тўлишига бағишлаб
Ўзбекистон Миллий университети талабалари билан
ўтказилган учрашувда сўзланган нутқ)

Эркин Воҳидов университетни энди битирган пайтидаёқ таниқли шоир эди. Ўзингиз биласиз, олий ўқув юртини битирган одам олдида уйланиш муаммоси кўндаланг бўлади. Шу масала юзасидан Эркин aka Сайд Аҳмад акага маслаҳат солибди.

– Оқсоқол, – дебди, – хабарингиз бор, бир-иккита китобим чиқди. Уч минг сўмча пулим ҳам бор. Лекин қайси бирiga етказишни билмаяпман: машина олайми, уй солайми, хотин олайми? Машина олсам, уй сололмайман, уй солсам, уйланолмайман, уйлансан машина гул қолмайди... Нима қиласай?

Сайд Аҳмад aka пешонасини Рашид Абзининг гармонидай тириштириб чукур ва узоқ ўйга толибди. Охири чехраси ёришиб, бундай дебди:

– Болам, мен хўп ўйладим. Хисоблаб кўрсам, уч минг сўм пулинг ҳаммасига етаркан. Маслаҳат шуки, сен автобус сошиб олгин! Автобус – машина деган. Рулини қаёқقا бурсанг кетаверади. Бу – биринчидан. Автобуснинг ичи кенг-мўл

бўлади. Кўч-кўронингни олиб кирсанг тайёр уй бўлади. Бу – иккинчидан. Учинчидан, автобус бўлганидан кейин ичида кондуктори ҳам бўлади. Ўша кондукторни хотин қилиб қўя қоласан! Кўрдингми, окагинанг айлансин, ман санга ҳеч қачон нотўғри маслаҳат бермайман...



Адибнинг нурли олами

Адашмасам, 1964 йил бўлиши керак. Бизлар университет талабаси эдик. Ўлмас Умарбековнинг “Севгим-севгилим” қиссаси талабалар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Ҳажми унча катта бўлмаган бу қисса ўша замон “қолиплари”га сифмайдиган бошқача, “ғалат” асар бўлиб, Ойпопукнинг ўлими ўқувчини ларзага солиб юборарди. Қолипга сифмаслигининг боиси шуки, одатда ҳар қандай асарда яхшилик ёмонлик устидан албатта ғалаба қозониши, ижобий қаҳрамонлар албатта “муроду мақсадига етиб”, “совет турмуш тарзи”нинг порлоқ ғалабаси билан тугаши шарт эди. Бу асарда эса китобхон севиб қолган қиз ўзини ўлдиришга қасд қиласди...

Шундай кунлардан бирида “Ёзувчилар уюшмасида мажлис бўлармиш, “Севгим-севгилим” муҳокама қилинармиш”, деган гап чиқди. “1 май” кўчасида жойлашган Ююшманинг чоғроқ залига одам сифмай кетди. Муҳокама узоқ давом этди. Умарали Норматов, Абдуғафур Расулов каби олимлар (у пайтда иккови ҳам ёш мунаққидлар эди) қиссанинг фазилатларини ҳаяжонланиб гапиришди. Аммо кўпчилик китобхонлар, айниқса, биз талабалар “кутган” ва қўрқиб турган хуружлар ҳам авжига чиқди. Бир қанча танқидчилар бу совет ҳаётига тўғри келмайдиган “пессимистик” асар эканини, ёзувчи китобхон раҳмини келтириш учун асар қаҳрамонини атайлаб ўлдирганини ниҳоятда жиддийлик билан, “асосли” далиллар орқали айтишди. Гўё совет кишисининг йиғлашга, изтироб чекишга, ноҳақликка қарши исён кўтариш ва борингки, ўлишга ҳам ҳаққи йўқдек. Гўё ҳамма нуқул кулиши, нуқул курсандчиликдан ўтакаси ёрилиши шартдек!

Шунда Саида Зуннунова айтган бир гап аниқ эсимда қолган: “Қиссанинг охирида кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Икки томчи аччиқ ёш... Бу – асарнинг ниҳоятда ҳаётнийлиги, ёзувчи маҳоратининг юксаклигидан дарак беради!”

Қиссани, айниқса, Саид Аҳмад ака кескин ҳимоя қилиб тапириди. Ўлмас Умарбеков бу асари билан ўзининг катта истеъод дэгаси эканини кўрсатганини айтди. Шу тариқа “Севгим, севгилим” қиссаси таъқиблардан бир қадар қутулди. Аммо шундан кейин ҳам асарга “сентиментал”, “йиғлоқи” деган маънодаги тош отишлар анча давом этди. Ҳолбуки, бу қисса шахсга сифиниш деган даҳшатли оғатни фош этувчи ўзбек адабиётидаги илк асар эди!

Адибнинг ўнлаб ҳикоялари, “Ёз ёмғири”, “Булгор қўшиқлари”, “Одам бўлиш қийин” каби қисса ва романлари китобхонлар орасида кўлма-кўл бўлиб кетди. Негаки, уларда ҳаёт нафаси бор эди. Ҳақиқат тасвирланган эди. Ўлмас аканнинг асарлари ёзувчи қалбидан отилиб чиқсан куйга ўхшар, китобхон юрагида, шуурида нурли туйғулар уйғотарди. Айниқса, “Ёз ёмғири” қиссаси ва “Одам бўлиш қийин” романни ўзбек адабиётида катта воқеа бўлди. Улар қатор тилларга таржима қилингани, юз минглаб нусхада нашр этилгани бежиз эмас.

Ўлмас ака нурли инсон эди, унда чин маънода теран ва нозик ички маданият кўриниб турар, ёзувчи билан бир марта суҳбатлашган одам ўз-ўзидан яқин биродарга айланиб қолгандек бўлар эди.

Ўлмас Умарбеков кўп йиллар катта вазифаларда хизмат қилди. Ўзбекистон Радиосида ишлаётганида ҳам, Ёзувчилар уюшмасини бошқарганида, Вазирлар Маҳкамасида катта мансабда хизмат қилганида, Маданият вазири бўлганида ҳам ҳаммага бирдек муомала қилди. Бироннинг дилини оғритганини, димоғи “шишиб кетганини” кўрганимиз йўқ. Аксинча, ҳамиша одамларга кўмаклашишга, адолатли бўлишга ҳаракат қилди...

Адибнинг драматургия соҳасидаги ижоди ҳам салмоқли. “Шошма, қуёш”, “Кузнинг биринчи куни”, “Комиссия”, “Қиёмат қарз” драмалари Ўзбекистондагина эмас, қатор бошқа республикалар театрларида ҳам саҳналаштирилди ва юз минглаб томошабин олқишига сазовор бўлди. Бу асарлар орасида, айниқса, “Қиёмат қарз” ажралиб туради. Драмада ўзбек халқининг жўмардлиги, имон-эътиқоди, инсофи яққол кўриниб туради. Бу асарни ҳам ўта миллий, ҳам теран умумбашарий драма дейиш мумкин. Адиб ниҳоятда топиб

ном қўйган “Қиёмат қарз” дегани соф ўзбекча сўз. Шу билан бирга, Сулаймон отанинг ҳар бир ибораси, ҳар бир ҳаракати ўзбек турмуш тарзини яхши билмайдиган ҳар қандай миллат томошабинини ҳам ишонтиради ва ларзага солади.

Ўлмас Умарбеков ҳақида кўп мақолалар, китоблар ёзилган. Шулар орасида устоз Саид Аҳмаднинг “Киприкда қолган тонг” асари алоҳида ажралиб туради. Бу асарда Ўлмас ака қандай тасвириланган бўлса, худди шундай – ҳар жиҳатдан тўқис ва нурли инсон, бетакрор адаб эди...

Яна бир гап. Ўлмас аканинг атоқли адаб бўлишида кенойим Зухра опанинг катта ҳиссаси бор. Биз, устоз Саид Аҳмад ака ибораси билан айтганда, “нармалний” ёзувчилар ҳам, “аллақандай қаланғи-қасангилар” ҳам айнан Ўлмас аканинг дастурхонида кўп бўлганмиз. Ҳар сафар Зухра опа ўз қадрдонлари, ўз укаларини кутгани каби очиқ чехра билан қарши олган. Ўзи давра сұхбатларига кўп-да аралашмаса ҳам Зухра опа (опамизнинг умри узоқ бўлсин!) адабиётни, ижод заҳматларини нақадар теран тушуниши, ҳис этиши ҳамиша яққол кўриниб турар эди. Ўлмас Умарбеков ўзидан бой адабий мерос қолдирди. Яхши фарзанд, порлоқ хотиралар қолдирди. Йигирманчи аср ўзбек адабиёти ҳақида гап кетганда, шубҳасиз, Ўлмас Умарбеков номи ярақлаб туради!



Кулиш осон, кулдириш қийин

Дунёда кулиш билан йиғлашдек табиий нарса йўқ. Одам қувонса, кулади, хафа бўлса, йиғлади... Бироқ китоб ёзиб бирорни кулдириш ёки йиғлатиш бениҳоя мушкул юмуш. Бунинг учун истеъдод, Худо берган истеъдод керак.

Неъмат Аминов мана шундай туғма истеъдод соҳиби эди. Адибнинг ичакузди ҳикояларини, қатор ҳажвий қиссаларини, “Ёлғончи фаришталар” романини кулгисиз, табассумсиз ўқиш мумкин эмас.

Абдулла Қаҳҳор адабиётга ярқ этиб кирган ёш истеъдодларни қанчалик нозик дид билан пайқаган, уларни қанчалик жиддий кузатган, керак пайтида қанчалик ҳимоя қилган бўлса, тағин бир устоз адиб Сайд Аҳмад aka ҳам худди шундай йўл тутди. Неъмат Аминовнинг илк ҳикоялари пайдо бўлиши биланоқ, “Бухоролик шу бола зўр ёзувчи бўлади!” деди ва ёш адиб асарларини диққат билан кузатиб борди. Ютуғидан қувонди, камчиликларини рўйирост айтиб, йўлга солди.

Неъмат Аминов адабиётга Бухоро нафасини, Бухоро көлоритини олиб кирди. Мунаққидлар ибораси билан айтганда, қаҳрамонларнинг бутун бир галереясини яратди. Биргина “Қоровул” ҳикоясининг ўзида китобхон хотирасидан узоқ йиллар ўчмайдиган характер манаман деб кўриниб туради. Абдулла Қодирий тили билан айтганда, ҳажв-юморнинг кўринишлари кўп. Аммо энг қийини – ҳажв орқали характер яратиш. Неъмат Аминов айнан шу қийин йўлни танлаган ва шу боисдан ҳам ўқувчининг хотирасига маҳкам ўрнашиб қоладиган тирик одамларни адабий оиласага олиб кирган адибdir.

Ёзувчининг “Қирқ учинчи почча”, “Тилла табассумлар”, “Қитиғи ўлмаган қиз”, “Қаҳқаҳа” китоблари, “Ёлғончи фаришталар” романи кўп йиллар аввал ёзилган. Бироқ уларни бугун ўқиган китобхон ҳам маза қилиб кулади. Кулади ва

ўйга толади... Гап шундаки, адиг ўз қаҳрамонларини жиндай табассум, жиндай истеҳзо билан тасвиrlайди. Бироқ уларни масхараламайди, камситмайди. Улар нега шундай бўлиб қолди, деган саволни айтмаса ҳам, ўқувчини шуни ўйлашга даъват этгандек бўлади. Бу эса муаллифнинг кулгиси остида яширин дард борлигини кўрсатади.

Неъмат Аминов ўзбек адабиётида биринчи бўлиб ҳажвий-сатирик роман ёзган адиг сифатида тариҳда қолишига ишонаман. “Ёлғончи фаришталар” асари бундан кейин ҳам кўплаб китобхонларга манзур бўлиши табиий. Чунки уларда ҳаракат қилувчи образлар шунчаки “персонажлар” эмас, тирик одамлар. Бу масалада Неъмат ака бир томондан Чеховдан, иккинчи томондан (айниқса, тил орқали инсон фельини очиша) Абдулла Қодирийдан, теша тегмаган иборалар топиш, манзараларни ярқ этиб китобхон кўз ўнгига келтириб қўйиш маҳорати масаласида устоз Саид Аҳмад акадан ижод сирларини ўргангани кўриниб туради.

Ёзувчининг энг катта баҳти – ўқувчи меҳрини қозониш. Ўқувчи меҳрини зўравонлик қилиб ҳам, ялиниб ҳам, “пора бериб” сотиб олиб ҳам қозониб бўлмайди. Китобхон ёзувчи ни ё яхши кўради, ё яхши кўрмайди. Учинчи йўл йўқ! Неъмат Аминов ўқувчилар севган адиг эди. Тошкентдаги автодўкон директори Абдураҳмон исмли дўстим (адабиёт “жинниси”) бир куни қаттиқ тайинлади: “Илтимос, Неъмат аканинг би-и-ир сухбатини олайлик. “Красний партизон” воқеасини ўз оғзидан битта эшитай!”. Ақалли биргина шу ҳолатнинг ўзиёқ оддий ўқувчи меҳри нақадар самимий, нақадар табиий эканидан дарак беради.

Неъмат Аминовнинг “сухбатини олишни хоҳлаганлар” кўп эди. Сабаби, адигнинг ўзи ўта одамохун, дилкаш инсон эди. Бунга ажабланмаслик керак. Ёзувчининг одам сифатида ким эканини кўп ҳолларда унинг ёзган китобига қараб бемалол билиш мумкин. Неъмат ака шундай ёзувчи эди. Хушчакчак, ҳазил-мутойибага ўч, бағрикенг.

“Шарқ юлдузи”да бирга ишлаган кезларимизда, кўплаб сафарларда ҳамроҳ бўлганмиз. Неъмат аканинг талай инсоний фазилатларини кўрганман. Аксарият истеъодли одамларда ҳазил-хузул, юмор ҳисси кучли бўлади. Неъмат Аминовнинг ўзи ҳажвчи бўлгани учун унда бу туйғу,

айниңса, ёрқин күриниб турар, шу боисдан ҳам у киши билан ҳамсуҳбат бўлиш, ҳангомалар эшитиш ғоят мароқли эди. Неъмат ака атрофда рўй берадиган воқеаларга шу қадар аниқ, шу қадар “образли” қилиб, ўзбекчасига айтсак, “тўн кийгизиб” ҳикоя қилардик, беихтиёр дилингизга нур ёғилиб киргандек бўларди.

Неъмат аканинг тағин бир камёб фазилати – дўстларга садоқатли эди. Бироннинг бошига ташвиш тушса, ўша заҳоти стиб келар, қўлидан келганича ёрдам берарди. Буни мен ўз қисматимда ҳам кўрганман. Неъмат Аминов оғир пайтларда доим ёнимда турган.

Неъмат Аминовнинг палаги тоза эди. У кишининг отала-ри – донишманд Уста бобо сұхбатларидан, ўйтларидан мен ҳам баҳраманд бўлганман. Халқимизнинг содда-буюклигини, камтар-донишманлигини шу мўътабар инсон қиёфасида кўрганман. Неъмат Аминов ота ўйтларига ҳамиша содик қолди ва китобхон қалбига ёруғлик олиб кирадиган асалар яратди. Унинг китоблари ҳали кўп марталаб нашр этилади, яна кўплаб авлодларнинг маънавий мулки бўлиб қолади, деб ишонаман.

Неъмат акани эслаб ўтириб, тағин бир нарсани кашф қилгандек бўлдим. Адид шогирд танлашни ҳам билар экан: Неъмат Аминовнинг шогирдлари кўп эди. Бугунги талай ҳажвчи ёзувчилар Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Сайд Аҳмад мактабини ўрганиш билан бир қаторда Неъмат Аминов ижодий тажрибасидан ҳам баҳраманд бўлган. Лекин улар орасида фақат ҳажвчилар эмас, жиддий жанрда ёзадиган истеъдодлар ҳам оз эмас. Шулардан бири истеъдодли ёзувчи Ашурали Жўраевдир!

Ашурали Неъмат Аминов хотираси йўлида бир фарзанд юмушини бажарди, десак муболага бўлмайди. Неъмат Аминовнинг бирон хотира кечаси, бирон тадбири, биронта китобининг тақдимоти Ашуралисиз ўтган эмас. Ашурали Жўраев уларда қатнашибгина қолмайди, ҳаммасига ўзи бош-қош бўлади.

Ҳикматларда, ярлақаган бандасидан содик шогирдлар қолади, дейилгани бежиз эмас. Шу укамизнинг умри узок бўлсин. Ўстозига лойиқ ижодкор бўлиб юрсин!

Бирлашган нашриётнинг учинчи қаватида бухгалтерия, ёнида касса бор эди. Ҳамма газета-журналларнинг ходимлари ойда икки марта озми-кўпми қалам ҳақи олиш учун касса туйнуғи – “амбразура”га кўксимиизни “қалқон” қиласдик. Бундай “қаҳрамон”лар кўп бўлгани учун гоҳо “очирид” анча чўзилиб кетар эди. Бир куни Неъмат Аминов кассадан қирқ сўмми-қирқ беш сўмми қалам ҳақи олибди. У пайтда бу – анча катта пул эди. Неъмат акадан кейин навбатда турган ёши улуғроқ, ҳазил-мутойибага ўч бир шоир дашном берибди:

– Сен, ярамас, катта-катта гонорар оласан, “Акамнинг ҳоли нима кечди?” деб мендан хабар олмайсан. Куз келди, эрта-индин ёғин-сочин бошланади. Менга биттагина шапка олиб берсанг, ҳақинг кетадими?

Неъмат ака шоирнинг олмадаккина бошига бир зум қараб турибди-да, ваъда берибди:

– Индинга келинг, сизга айвонли, чиройли шапка совға қиласман.

Бир кундан кейин шоир “совға”дан хабар олгани келибди. Неъмат ака ҳамкаслар гувоҳлигида чиндан ҳам яп-янги шапкани “яхши кунларингизга кийинг”, деб “эгаси”га топширибди. Шоир кийиб кўрса, шапканинг катталигидан “айвони” бурнигача тушиб кетибди. Шоир жаҳл билан шапкани бошидан ечибди.

– Қозондек шапкангни бошимга ураманми! – дебди хуноб бўлиб.

Неъмат ака уни “юпатибди”:

– Ҳечқиси йўқ. Пайтава ўраб кияверасиз!

Зиёли бўлиш осонми?

Қанақа одамни зиёли дейиш керак? Зиёли бўлиш учун нима қилиш лозим? Ҳар куни соқолини қиртишлаб оладиган, чиройли кийинадиган, бегона аёлнинг қўлидан ўпид кўришадиган одам зиёли бўладими? Ёки қайси кийимга қандай бўйинбоғ мос келишини ёддан биладиган, киборлар даврасидаги зиёфатга борганида ўнг томондаги олтита пичоқ билан чап томондаги олтита санчқининг қай бирини қандай таомга ишлатишни билмай эсанкираб қолмайдиган, бир эмас, бир неча тилни биладиган киши зиёлими? Ёинки зиёли бўлиш учун, дейлик, мингта китоб ўқиши, академик унвонига эга бўлиш шартми?

Албатта, зиёли одам учун бундай фазилатлар керак. Бироқ, назаримда, буларнинг ўзи камлик қиласди. Аввало, инсоннинг қалби ва руҳини ич-ичидан ёритиб, илитиб турдиган нур бўлмоғи лозим. Бу нур имон билан имонсизлик, виждан билан виждонсизлик, инсоф билан инсофсизлик, бир сўз билан айтганда, одамийлик билан ҳайвонийлик чегарасини ажратиб турмоғи шарт.

Яратганга шукроналар бўлсинки, умримда қалби нурга тўлиқ одамларнинг анчасини кўрдим. Мен кўрган ва билган ана шундай инсонлардан бири – Иброҳим Гафуров. Иброҳим ака олим ва мунаққид, шоир ва адаб, таржимон ва талай ёшлиарнинг устози. “Ҳаё – халоскор” деган иборани фақат зиёли одамгина айта олади. Иброҳим Гафуровнинг кейинги китоби шу ном билан аталади. Яхши ижодкорнинг ўзи эътироф этиши ёки этмаслигидан қатъи назар, асосий китоби бўлади. Назаримда, Иброҳим Гафуровнинг шу асарини унинг асосий китоби ёки “умр дафтари” дейиш мумкин. Сабаби, бу тўпламда олим, мунаққид, таржимон, адаб ва шоирнинг ҳаёт ҳақида, макон ва замон ҳақидаги қарийб эллик йиллик кузатувлари, хуласалари, ўқинч ва кувончлари, ўзининг ибораси билан айтганда, таваллоси акс этган. Китобда синчков,

ўйчан, қалбидა бир қадар маъюслик сезилиб турган инсон кечинмалари, хотиралари жамланган.

Она ҳақида ёзмаган қаламкаш йўқ. Иброҳим Faфуровнинг “Она ризоси – роҳат” лавҳасидаги жумлага эътибор беринг: “Онам аллақачон ўтиб кетдилар. Руҳлари бу орада неча бор ойга бориб келгандир. Менга негадир руҳлар ойга сафар қиласидилар, деган тасаввур ўрнашиб қолган. Қаердан? Билмайман...” Бу сатрларни тушуниш эмас, ҳис қилиш керак!

Иброҳим Faфуровнинг асосий касби – олимлик, мунаққидлик. Бироқ (бу гапни аввал ҳам айтганман) Иброҳим Faфуров агар мунаққид бўлмаса, шоир бўларди. Олим бўлмаса, адаб бўларди. Таржимон бўлмаса, рассом бўлар эди. Сабаби, унинг асарларида, тадқиқот ва таржималарида шеърият оҳанглари бор. Яхши адигба хос аниқ тасвир бор. Анвойи ранглар бор.

Китобдаги “Менинг романларим” ҳам, “Мансуралар” ҳам ўзига хос оҳанг ва бўёқда ёзилган. Уларнинг айримларидағи жимжимадор, “бурама” жумлалар ғалати туюлиши мумкин. Аммо бунинг сабаби муаллиф атайлаб шундай ёзганида эмас. У қалбида, онгида жўш урган фикр ва туйғулар оқими қандай туғилган, қандай шаклланган бўлса, шундайлигича қофозга туширган. Йўл хотираларида ҳам шунчаки таъкидлаб ўтилган манзаралар борки, истеъодли қаламкашгина шундай ёзиши мумкин. Водилга боришни муаллиф бундай тасвирлайди: “Икки кишилик купе тинч ва саранжом эди. Тун бўйи поезд бизни аллалади”. Хўп, “бизни аллалади” деган ўринли иборани ўртачароқ адаб ҳам ёзиши мумкин. Кейинги жумлага эътибор беринг: “Перронда Йўлдош ака ЧАРАҚЛАБ турибди”. Бунисини энди оддий қаламкаш ёзиши қийин. Шу бир жумланинг ўзида Фарғонанинг ноёб шоири ва адаби Йўлдош Сулаймоннинг тўлиқ портрети, бутун бошли характери мужассам. Чиндан ҳам раҳматли Йўлдош Сулаймон ҳамиша чараклаб турарди. У киши кириб келган хонадон ёришиб, кенгайиб кетгандек бўлар эди.

Оқдарё сафарига Саид Аҳмад ака, Эркин ака, Иброҳим ака бирга боргандик. Қишлоқ ёнбошидаги адирларни сайр қиласидик. Иброҳим ака ҳаммадан ажраб, олисдаги тошлар орасидан чучмома, лола териб юрганига кўзим тушган эди. Шу ҳолатни у бундай тасвирлайди. “Гўзал чучмолалар очи-

лар экан, Кўлтўсинга қуюлиб тушган баланд адир ва тог ёнбағирларида тошларга БИҚИНИБ очилган лолалар беҳад гўзал ва тароватли эди...” Булар шоирона сатрлар эмасми?

Китобдаги кундаликларни ўқиганда муаллифга ҳавасим келди ва ўзим йўл қўйган битта хатони англаб етдим. Ажаб, дунёнинг шунча жойида бўлибман-у, негадир кундалик ёзмабман. И.Faфуровнинг бир қарашда қисқа, ортиқча тафсилотларсиз кундаликларида аввало ўзи учун қадрли, қолаверса, китобхон учун ҳам керакли бўлган шундай нуқталар борлигига қувондим.

Кундаликлардан бир парча: “13 феврал. Якшанба. Ойнинг тўртинчи кечаси. Дараҳтлар титраб, қалтираб туради. Уларга тегиб бўлмайди. Февралнинг бундай кунлари одамлар ёлғиз қолишга мойил бўладилар. Осмон булат... баъзи ёқларда булатлар ичига ажойиб шуълалар тушиб турибди. Баъзи ёқларда булатлар худди оқ докадай, бошқа томонларда эса бурқсиган тутундай қорайган...” Бу тасвир қайси адидникдан кам?

Устоз Озод Шарафиддинов хотирасига бағишиланган бир мақоласида И. Faфуров “танқидчилик – менинг тушунишмча, муҳаббат изҳор қилиш”, дейди. Имоним комилки, шўро замонида “хушёр” танқидчилар “хўш, мулла, сиз кимга муҳаббат изҳор қилмоқчисиз, кимга маддоҳ бўлмоқчисиз?” деб унинг ёқасидан олиши ҳеч гап эмасди. Негаки, танқидчи деганда салкам “прокурор” тушуниларди. Мунаққид “тишли-тирноқли” бўлиши керак, деган ёзилмаган қонун бор эди. Ҳатто, саксонинчи йилларда ҳам бир “ашаддий” танқидчи биродаримиз “танқид фош этиш санъатидир”, деб нутқ сўзларди. “Барака топкур, одатда жиноят фош этилади, роман ёзган адид ёки достон ёзган шоир жиноятчимики, фош этасан!?” дейиш қийин эди... И. Faфуров фикрини давом эттириб, “бу сўзга, гўзал сўзга муҳаббатдир”, дейди. Мана шу гапда чукур ҳақиқат бор. Аввало ижоднинг ўзи муҳаббатдан бошланади. Бинобарин, Сўз билан ишлайдиган хунар эгасининг қалбида энг аввало муҳаббат бўлади! Мунаққид эса шу туйғу асарда қай даражада ўз ифодасини топганини теран ҳис этмоғи ва тушунмоғи керак. Шу талабдан келиб чиқиб, асар фазилатларидан суюниб, камчиликларидан куюниб ёзган мунаққидгина ҳақиқий танқидчидир!

И.Faфуров “Гўзалликнинг олмос қирралари”, “Шеърият – изланиш демак”, “Ям-яшил дараҳт”, “Ўттиз йил изҳори” китоблари, “Унутмас мени боғим”, “Она юрт куйчиси”, “Ўртоқ шоир”, “Прозанинг шоири” каби йирик тадқиқотларида айнан шу талабдан келиб чиққани кўриниб туради...

Албатта, И. Faфуров тақризларида айрим шахсий мулоҳазалар бўлиши, улар асар муаллифига маъқул келиши ёки келмаслиги мумкин. Бироқ яхлит олганда, мунаққид шеъриятни шоир, насрни адид даражасида ҳис қилади ва шу нуқтадан тадқиқ этади. Шу жиҳатдан Иброҳим аканинг талай мақола ва тадқиқотлари Озод домла асарларини эслатади. Иккинчи томондан эса улардаги теран ва осойишта мантиқ яна бир устозимиз Матёкуб Кўшжоновни ёдга солади. Кўп тақризларнинг яна бир жиҳати бор. Одатда биринчи китоби чоп этилган, биринчи каттароқ асари журналда чиққан қаламкаш бир томондан қувонч, иккинчи томондан хавотир аралаш умид билан “катта ёзувчи ва шоирлар, катта олимлар нима деркин?” деб кўзи жавдираб туради. Бундай паллада бир оғиз мантиқли ва ширин сўз билан ёш истеъоддининг кўнглини тоғдек кўтариб, келажакда мукаммал асарлар яратиши учун қанот боғлаш ҳам, бир оғиз ўринсиз пичинг билан парвозга шайлланган қанотини қайириб қўйиш ҳам мумкин. И. Faфуров бугунги кунда эл ифтихорига айланган талай шоир ва адиллардан тортиб, эндиғина адабиёт оламига кирган ёшлар ҳақида ҳам меҳр ва ўзига хос талабчанлик билан кўплаб мақолалар ёзган.

Бундан анча аввал И. Faфуров Шайхзода, Усмон Носир, Миртемир, Саид Аҳмад ижодига оид тадқиқотларида бу атоқли қаламкашлар оламини ич-ичидан ёритишига жазм қилган ва кўп жиҳатдан бунга эришганди. Булардан-да теранроқ, тагмаъносини англаш мушкулроқ, сирлироқ алломалар ҳақидаги ишлари ҳам тадқиқотчининг ўз юмушига жиддий тайёргарлик ва масъулият билан ёндошганидан дарак беради.

Олимнинг ҳазрат Навоий ва Бобораҳим Машраб, ҳазрат Яссавий ва Бобур ҳақидаги тадқиқотларида чуқур илм ва нозик ҳис бор. Туйғу бор! Улар шавқ билан ўқилади. Китобхонни буюк алломалар оламига етаклаб кирганидек, уларнинг руҳи покига ошно қилгандек бўлади. Бу ҳам теран илмли олим ва туйғулари бой ижодкорга хос фазилат.

“Хаё – халоскор” китобида “Достоевский билан сұхбат”, “Фридрих Нитше – тафаккур ва хаёлот сеҳргари”, “Нитше шиддати”, “Панчатаңтра” қандай китоб?”, “Колумбиялик кошиф” (Фабриэл Фарсия Маркес) мақолалари бор. Шундай улуғ ижодкорлар ва уларнинг асарлари ҳақида И. Faфуров ёзишга маънан ҳақли. Фақат олим сифатида эмас, таржимон сифатида ҳам. Театрда “саҳна орти заҳматкашлари” деган ибора бор. Булар драма ёки комедиянинг тўлақонли бўлиши учун драматург ва режиссердан кам меҳнат қилмайдиган, аммо номи ҳадеб кўринавермайдиган кишилардир. Безакчи рассом, оператор, овоз оператори, мусиқа яратувчи ёки танловчи, чироқчи, либосчи ва бошқалар. Баъзан таржимон меҳнати ҳам шундай – саҳна ортида қолиб кетиши мумкин. Таржимон номи муаллиф номи билан бир хил ҳарфда, кетма-кет, ёнма-ён ёзилмайди.

Холбуки, ўзим ҳам баъзи асарларни таржима қилган одам сифатида биламан, таржимон заҳмати муаллиф меҳнатидан у қадар кам эмас. Бир қарашда таржимон бор нарсани шунчаки ўз тилига ўғиргандек кўринади. Лекин бадиий таржимонда шеърий асарни ағдариш учун шоирлик, насрий асар таржимаси учун адиллик истеъоди бўлиши шарт!

Иброҳим Faфуров Солженицин ва Фолкнер ҳикояларини, Хемингуэйнинг “Алвидо, курол”, “Чол ва денгиз”ини, Мопассаннинг “Азизим”, Нозим Ҳикматнинг “Сурур” романларини, Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат (Кунда)”, “Чингизхоннинг булути”, ҳинд эпоси “Пантачантра”ни ўзбек тилига ўғирди. Айниқса, Достоевскийнинг “Жиноят ва жазо”, “Телба”, “Қиморбоз”, Маркеснинг “Бузрукнинг кузи” романларини ўқиб, “ҳазм қилиш”нинг ўзи анча мушкул. Тасаввур қилинг. Ҳинд эпоси билан Достоевский ёки Айтматов асарларида қандай яқинлик бўлиши мумкин? Турк адабининг романни билан Хемингуэйда ўхшашлик борми? Француз адаби билан колумбиялик ёзувчининг тасвири бир-биридан “минг чақирим” нарида турмайдими? Иброҳим Faфуров Нитше асарини “Зардушт таваллоси” деб атайди. Нега, масалан, “Зардушт дейдики” ёки “Зардушт ҳикматлари” эмас, айнан “Зардушт таваллоси”? Fan шундаки, “тавалло” деган сўзда рух бор. Ички ҳаракат, динамика бор. Ва бу сўз айнан шу асар руҳини акс эттиради.

Маркеснинг “Бузрукнинг кузи” романини ўқиганимда беихтиёр хаёлимдан “асар ўзбекчага таржима қилинса яхши бўларди, уни Иброҳим ака ўзбекчага ўгирса, ўрнига тушарди”, деган фикр ўтган эди. Бу – таржима учун шу қадар мураккаб романки, “эргашган қўшма гаплар” билан шу қадар қоришиб кетганки, гоҳо битта жумланинг ўзи китобда бутун бир саҳифани ташкил қиласди. Байни Колумбия чангалзорларида бўладиган анаконда илонининг ўзи: боши бору, думидан дарак йўқ! Сюжет йўналиши баланд тоғдан тушаётган сел оқимига ўхшайди. Бу оқимда синган шафтоли шохининг муnis гули ҳам, илдизи билан қўпорилган дараҳт ҳам, маймуннинг ўлиги ва ўпирилиб кетган ҳожатхонанинг қолдиғи ҳам – барчаси аралаш-қуралаш ёпирилиб келаверади. Нега шундай, деган савол тугилади. Сабаби шуки, тасвирланаетган объект (аникроғи субъект)нинг ўзи шунаقا. Бўғма илондек ялтироқ ва бўғма илондек маккор. Бўғма илондек силлиқ ва бўғма илондек жирканч, шафқатсиз. Шундан келиб чиққан ҳолда адибнинг фикрлар оқими ҳам тизгинсиз услубдан бирон нуқтасини ўзгартиргмаган ҳолда дунёning нариги бурчида ижод қилаётган, биз учун бутунлай бегона бир олам ҳаётини тасвирлаган Маркесни соғ ўзбек тилида “сўзлата олган”.

Кўп йиллик қадрдоним ИброҳимFaфуров етмишни қоралаб қолди. Етмиш ёш – шунча умр бергани учун Яратганга шукrona қиладиган, босиб ўтилган йўлга бир қадар вазминлик ва ўйчанлик билан назар соладиган ёш. Иброҳим ака шу йиллар давомида бир зиёли инсон қилиши мумкин бўлган талай ишларни уddyалади. Бир-биридан теран асалар, тадқиқотлар яратди, таржималар қилди, шогирдлар орттириди. Қадрдон дўстимга узоқ умр, баракали ижод, саломатлик тилайман.

“Моҳият” газетаси, 2007 йил 26 октябр

Кар қулоқнинг очилиши

Дунёда иккита беғубор инсон бўлса, биттаси – Йўлдои Сулаймон эди.

Дунёда чин юракдан қаҳ-қаҳ уриб куладиган одам икки та бўлса – биттаси Йўлдош ака эди (охирати обод бўлсин!).

Бир даврада устоз Саид Аҳмад аканинг Йўлдош акада хавотирланиб айтган гапини эшитганман.

– Йўлдошли, – деди Саид Аҳмад ака, – мен сениң қаришингдан кўрқаман-да, укам!

– Нега унақа дейсиз, устоз? – деди Йўлдошли ака.

– Нега бўларди, – Саид Аҳмад ака астойдил тушунтир бошлади. – Худо узоқ умр берсин-ку, қариб-чуриганингд бир куни росмана куламан деб кучинг етмай қолади-д; “пирт” этиб жонинг чиқиб кетади-ёв!

Бу гапга Йўлдошли ака одатдагидан ҳам қаттикроқ кулди. Агар “кулгу – ҳар қандай дардга даво” деган гап тўғр



Шоир Йўлдош Сулаймон билан кўйконлик муҳлислар даврасида

бўлса, айнан Йўлдош Сулаймон ҳақида айтилган бўлади. Бу воқеани ўзим кўрмаган бўлсам ҳам, устоз Сайд Аҳмад акадан эшитганман.

Соддароқ бир одам макка ёйиш учун томга чиқибди-да, палакат босиб, йиқилиб тушибди. Шу кўйи қулоғи том битиб, бирор ёнбошига келиб замбарак отса ҳам эшитмайдиган бўпкотпи. Кунлардан бирида шу одам чойхона сўрисида тасодифан Йўлдош Сулаймоннинг ёнига ўтириб қолибди. Даврада Сайд Аҳмад ака ҳам бор эканлар. Устоз бир латифа айтганда Йўлдош ака бояги кар томонга қараб “воҳ-воҳ-вооо-о-оҳ!” деб бир кулган экан, гаранг бирпас у ёқ-бу ёққа аланглабди-да, тўсатдан: “Эшитяпман, эшитяпман!” деб бақирибди. Сўнг Йўлдош акани қучоқлаб, “Қулоғимни очганинг учун раҳмат, укажон!” деб у юзидан, бу юзидан ўпавериб, ялаб ташлабди.

Йўлдош аканинг ўзига хўп ярашган қорамагиз юзи бир-пасда башарасига ҳовучлаб ун сепилган занжининг афтидек оппоқ бўлиб қопти.

Эртасига ўша одам азза-базза зиёфат қилиб, Йўлдош аканинг елкасига тўн ёпиб, бошига марғилон нусха дўппи кийгизибди...

Шунақанги ҳожатбарор инсон эди Йўлдош Сулаймон!



Софдил инсон эди

Халқимизнинг ажойиб одатлари бор. Мархум ҳақида гап кетса, у ким бўлишидан қатъи назар, “Худо раҳмат қилсин, яхши инсон эди”, дейиш бор. Шундай инсонлар бўладики, унинг яқин кишиларигина эмас, таниш-билишлари ҳам айнан шу гапни чин дилдан, фахрланиб айтадилар. Раҳматилла Иноғомов шунаقا инсон эди. Бағрикенг, софдил, ҳаммага бирдек самимий муносабатда бўлувчи...

Раҳматилла ака кўп йиллар Миллий университетда ишлади. Қардош халқлар адабиёти, Украина, Белорусия, Озарбойжон адабиёти ҳақида, уларнинг етук намояндлари тўғрисида талай китоблар ёзди. Бу жуда хайрли юмуш эди. Ҳомланинг энг яхши китобларидан бири, шубҳасиз, элимизнинг атоқли ва ардокли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов тўғрисидаги “Шоир бўлиш осонми” асаридир. Албатта, катта ижодкор ҳақида кўплар китоб ёзиш мумкин. Бироқ Раҳматилла аканинг китоби фақат шоир Эркин Воҳидовгина эмас, инсон Эркин Воҳидов ҳақидаги тадқиқот ҳамдир. Сабаби иккалалари кўп йиллик қадрдан дўст эдилар. Дўст ҳақида рисола ёзиш эса ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, китоб қаҳрамони ҳақида айтадиган гапинг кўп бўлади. Қийинлиги шундаки, ўша “жуда кўп гап” орасидан энг муҳимларини танлаб олиш янада қийинроқ бўлади. Раҳматилла Иноғомовнинг китобида айнан шу “олтин меъёр” топилган ва бу асар Эркин Воҳидов тўғрисидаги энг яхши тадқиқотлардан бири бўлиб қолди.

Раҳматилла Иноғомов кейинги йилларда “Жаҳон адабиёти” журналида ҳам хизмат қилди. Дунё адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек китобхонининг мулкига айлантиришга салмоқли ҳисса кўшди. Айниқса, машҳур адаб Сомерсет Моэмнинг жаҳон адабиётининг ноёб намуналаридан бири бўлмиш “Оймома ва чақа” романи бунга мисол бўла олади. Асарда истеъдод эгаларига ҳеч қачон осон

тутиб бўлмаслиги, Тангри берган истеъдод ўта нозик, ўта ноёб нарса экани ниҳоятда теран очилган. Бу – Раҳматилла Иноғомовнинг минглаб китобхонларга аталган сўнгги тухфаси бўлиб қолди.

Биз адид ва шоирлар, олим ва мунаққидлар улфат бўлиб кўп сафарларга чиққанмиз. Кўп ҳамсухбат бўлганмиз. Орамизда Раҳматилла аканинг ўрни бошқача эди. Раҳматилла аканинг ҳамиша кулимсираб туриши, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзини камтар тутиши, сухбати ширинлиги, яхши шахматчилиги, мулоҳазакорлиги ҳамманинг эҳтиром билан қарашига сабаб бўларди..

Таниқли олим, самимий ва дилбар инсон Раҳматилла Иноғомов хотираси дўстлари хотирасида узоқ яшайди.



Ўзбекнинг соддаси

Тошкент дорилғунунининг домласи Баҳодир Ғуломов боладек бегубор, содда одам эди, раҳматли. Сафарга чиқадими, ўтиришга келадими, деярли ҳар гал навбатдаги “шумлик”нинг қурбони бўлиб, ё чойхона паловга, ё зиёфатга “тушар”, “тушмаганига” кўймас эдик.

...Боботоғда, арча тагида давра қуриб ўтирибмиз. Баҳодир ака “тандир” пишгунча “жиндек мизғиб олиш” учун ёнбошладиу пинакка кетди. Кейин мотори яхшилаб созланган “Жигули”дек бир текис, осойишта хуррак ота бошлади. Қарасак, пиджагининг ички чўнтағидан паспорти кўрпачага тушиб қолибди. Табиийки, паспортни “ўғирладик”.

Озод Шарағиддинов “текширув” операциясини ишлаб чиқди. Бизни тоққа олиб чиқсан “РАФ” машинасида мезбонлардан бири билан азза-базза пастга тушиб, бўлажак ҳангомани пишишиб чиқди.

Тандир кабоб пишганда домла уйғонди. Ейилди, ичилди. Кечга томон шариллатиб жала қуиб берди. Машина сирғалиб-сирғалиб, амаллаб пастга тушиб олди. Ҳамон момақалдироқ гумбурлайди, ёмғир челаклаб қуиб турибди. Бийдек даланинг қоқ ўртасида бир милиционер машинани тўхтатди. “РАФ”га чиқиб совуқдан тишлари такиллаганча гапирди:

– Кечирасизлар, ҳужжатларингизни кўрсатинглар!

Жаҳлимиз чиқсан бўлиб, паспортларимизни кўрсата бошладик.

Баҳодир ака типирчилаб қолди.

– Бошпуртим йўқ-ку! – деди хавотирланиб. – Ҳалигина ёнимда эди.

Худди шу пайт милиционер йигит домланинг яқинига келди.

– Марҳамат, сизнинг ҳужжатингиз!

– Ҳалигина бор эди, – деди Баҳодир ака аланглаб. – Мана, булар гувоҳ, бошпуртим бор эди.

– Нима гап ўзи, чўрт побери? – деди Озод ака аччиқланган бўлиб.

– Хавфли жиноятчи тоқقا қочган, деган хабар бор. – Милиционер йигит Баҳодир акага қараб қўйиб давом этди. – Ўзи кексароқ, кўзойнак тақиб юради, тилла тиши бор, дейишган.

– Вой, бу мени айтяпти, шекилли. – Домла бутунлай эсанкираб қолди. Яйловнинг қоқ ўртасида милиционер нима қилади, нега энди машинани текшириши керак, деган гап хаёлига келмабди. – Мен жиноятчи эмасман, укажон, – деди ялининиб. – Олимман, Тошкентдан келганмиз. Мана, ҳаммалари гувоҳ.

– Мен бу одамни танимайман! – деди Озод ака жиддий қиёфада. – Ҳозир, йўлдан машинага чиқди.

– Вой, домла, эсингизни единギзми? – Баҳодир ака ҳаммамизга жавдираб қаради. – Унақа ҳазил қилманлар. Мени ҳаммаси танийди.

Биз ҳам Баҳодир акани “танимадик”.

– Пастга тушишингизга тўғри келади. – Милиционер кулиб юбормаслик учун тескари қаради.

Домла хўп ялинганидан кейин уни “кафиллика” оладиган бўлдик. Эвазига битта зиёфат қилинадиган бўлди.

Милиционер шофёр ёнига ўтириб уф тортиди.

– Қойил-е, икки соатдан бери кутаман-а! Ҳаммаёғим шилтаи шалаббо бўлди-ку!

– Нима деяпти? – деб сўради Баҳодир ака овозини пасайтириб.

– Жим! – дедим лабимни тишлаб. – Жаҳли чиқиб турибди. Мелиса билан ҳазиллашиб бўладими? Омон қолганингизга кувонмайсизми?

– Рост айтасиз. Қуруқ тухматдан асрасин! – Баҳодир ака кунушиб ўтириб олди-да, шаҳарга киргунимизча бир оғиз ҳам гапирмади.

Эртасига домланинг паспортини “топиб”, суюнчисига яна битта ош қарздор қилдик.

Қоракүлга борадиган бўлдик. Озод ака, Баҳодир ака, Абдуғафур Расулов, Бегали Қосимов поездга ўтириб жўнадик. Бир маҳал, тонг палласида проводник купе эшиги ни тақиллатди.

– Жон акалар, – деди ялиниб. – Вагон йўлагида югуриб юрган одам сизларнинг шеригингизми? Айтинглар, бир соатдан бери у ёқдан-бу ёқса чопади. Қийналиб кетдик, бечора... Устига-устак, хотин-халаж ювингани ўтишга қийналяпти.

Норозилик билан тўнғиллаб, ўрнимиздан туришга мажбур бўлдик.

– Бирон нарсасини ўғирлаб қўйинг, иккинчи саҳарлаб ҳаммани безовта қилмайдиган бўлади, – деди Озод ака.

Баҳодир аканинг яп-янги дўпписи вагон токчасида ётган экан. Олиб, жомадонимга солиб қўйдим. Домла терлаб-пишшиб кириб келди.

– Ҳа, дангасалар, турдингларми? – деди илжайиб.

Қоракўл бекатида поезд икки дақиқа тўхтар экан. Ҳаммамиз тушиб кетяпмиз-у Баҳодир ака нуқул тимиристланади. “Нима бўлди?” десак, “дўўпим бор эди, тополмаяпман”, дейди.

Озод ака жеркиб берди.

– Қанақа одамсиз ўзи, сизнинг дўўпингиз деб поезд тўхтаб туармиди? Бўлинг тезроқ!

Пастга тушишимиз билан Озод ака жуда жиддий қилиб гап бошлади.

– Бу томонларда менингит касали тарқаган, дейишади, эҳтиёт бўлинглар.

– Менингит нимадан бўлади? – сўради ҳамроҳларимиздан бири ўзини гўлликка солиб.

– Нимадан бўларди, шамоллашдан-да!

– Энг кераклиги бош-да, – деди Бегали фалсафий оҳангда.

– Менингитга йўлиқкан одам уч кунда ўлади. – Озод ака қаттиқ тайинлади. – Айниқса бошни эҳтиёт қилинглар!

Баҳодир ака секин ёнимга келди.

– Укажон, – деди. – Мабодо биронта ортиқча дўўпингиз йўқми?

Эшитмаган киши бўлиб кетавердим.

– Бу – организмга боғлик, – деди кимдир. – Менингит бирорвни уч кунда, бирорвни уч соатда ўлдиришиям мумкин.

– Укажон! – деди Баҳодир ака илтижо қилиб, – биттагина ортиқча дўппингиз йўқми?

– Ортиқчаси йўқ-ку, ўзимники бор. Сизга кичкина келармикан дейман...

– Майли, вақтинчага бўлсаям, – деб домла энди гап бошлиши билан Озод ака мени уришиб берди.

– Бош кийимни бирорвга бериб бўлмайди. Тем боле сафарда юрганда!

Баҳодир ака яна ялинишга тушди:

– Хўп десангиз, дўппингизни сотиб олардим.

Оғринган киши бўлиб портфелимни очдим.

– Йигирма беш сўмга олувдим, – дедим иккиланиброк.

– Ўттиз сўм! – Озод ака гапни кесди. – Бу ёқларда дўппи киммат.

Ўттиз сўмга “бор-барака” қилдик. Пул менга, дўппи Баҳодир акага ўтди.

– И-я, ўзимники шекилли? – домла юпқа кўзойнагини тақиб дўппига узоқ термилиб қолди.

Озод аканинг “жаҳли чиқиб” кетди:

– Беринг, пулини қайтариб беринг! Бир одам ўз ҳаётини хавф остида қолдириб яхшилик қиласа-ю, бу киши...

– Йўқ, йў-йўқ, – Баҳодир ака дўппини маҳкам чанглаб олди. Бошига кийиб мамнун жилмайди. – Тўғри айтибсиз, сал кичикроқ экан. Майли, бўлаверади. – Дўппини ечиб яна томоша қилди. – Қаранг, сизникини гули ҳам бошқачароқ экан.

Мени ранжиди, деб ўйлади шекилли, кўнглимни кўтарди:

– Хафа бўлманг, укажон, эрталаб йўлакка чиқиб кетаётганимда купе эшиги олдида афти хунукроқ бир одам турганди. Меникини ўша ўғирлаган. Тошкентга борсак, сизга ўзим яхши дўппи олиб бераман. Раҳмат, укажон!

Оҳангарондан қирқ чақирим нарида, тоғ тепасида Арапшон бува деган булоқ бор. Машина бормайди. Беш-олти

киши отлиқ йўлга тушдик. Келинчак деган жойда фарғоналик чорвадорларнинг ўтовида тунаб қолдик. Алламаҳалгача гурунглашиб ўтиридан. Баҳодир ака эса ўтовнинг бир чеккасида мазза қилиб уйқуни уриб ётиби. Ора-сира ўртачароқ хуррак ҳам отиб қўяди.

– Чўрт побери, ҳозир уйқуни уради-да, сўфитўргай ўйғонмасдан туриб олиб ҳаммани безовта қилади, – деди Озод ака. – Бир иш қилмаймизми?

Эрталаб бажарилиши керак бўлган “операция” пиши билди. Унга иштирок этишга ўтов эгаси – Чимирвой акани ҳам кўндиридан.

Эрталаб чой устида Чимирвой ака салмоқлаб гап бошлиди.

– Мехмонлар, сизларни кўриб бошимиз осмонга етди. Қанийди, сиздек улуғ одамлар ҳар куни келса... Кўриб туриб-сизлар, бизда гўшт кўп. Сўрасангиз ўзимиз берамиз. Ўғирлаш шарт эмас. Тоғликлар кўли эгри одамни ёмон кўради.

– Нима, ҳали сиз бизни ўғри гумон қиляпсизми? – деб ўрнимиздан туриб кетдик.

Чимирвой ака кулиб юбормаслик учун ўзини зўрга тутиб давом этди.

– Биламан, сизлар таникли одамларсиз. Бирингиз – олим, бирингиз – ёзувчи... шундоқ бўлгандан кейин сўрасангизлар ўзимиз...

– Э, оч жомадонингни! – Озод ака бақириб юборди. – Ҳамманг оч!

Ўзибиринчи бўлиб жомадонини очиб ичидаги нарсаларни тўкиб ташлади. Сочик, тиш чўтка, бало-баттарлар ҳаммаёқقا сочилиб кетди. Кейин Умарали ака, Абдуғафур ака, Бегали, мен жаҳл билан жомадонимизни тўкиб кўрсатдик. Баҳодир ака каттакон портфелини шахт билан очиб бир силтаган эди, ичидан эски газетага нари-бери ўралган тўртта каттакон пишган гўшт бўлаги лоп этиб ерга тушди. (Кечаси ўзимиз солиб қўйган гўштлар.)

– Ие? Вой? Во-о-ой! – Баҳодир ака турган жойида тахта бўлиб қолди. Юпқа кўзойнаги ортидан ҳаммамизга жовдидраб қарайди.

Чимирвой ака, “ана”, дедиую у ёғини гапирса кулиб юборишини билиб ўтовдан қочиб чиқиб кетди.

– Күрдингизми, мезбон сизнинг қилиғингизга чидолмай қочиб кетди!

– Шунинг учун ҳаммадан олдин тураркансыз-да!

– Сиз бизни шарманда қилдингиз!

– Ўғри деган ном орттирдик!

Ҳаммаёқдан талаб ташладик, “айбини” бўйнига қўйдик.
Баҳодир ака минбаъд бошқалардан аввал уйғонмасликка,
Тошкентга борганидан кейин битта чойхона палов қилишга
ваъда бериб аранг қутилди.

...Тилла одам эди Баҳодир Гуломов!





Түртинчи боб

Хамкасблар



Шахсан ўртоқ Комилов!

Таниқли таржимон, шоир ва муҳаррир Низом Комилов жуда дилбар одам. Ўзини тутиши, салмоқлаб, вазмин гапириши, юриш-туриши, муомаласи шунақанги ярашиб тушадики, баъзан ҳазиллашамиз: мабодо Низом ака Америкада туғилганидами, камида сенатор бўлар эди!

“Ҳужжатни чўз!”

Бир куни Учқун Назаровнинг “Волга”сида далага чиқдик. Гурунглашдик, яйрадик. Қайтаётганимизда хийла хижолат-пазлик бўлди. Аксига олиб, айни шаҳарга кираверишдаги ГАИ пости рўпарасида Учқун ака тезликни ошириб юборди. Хуштак “чур” этди, тўхтадик. Учқун ака қовоғини солиб машинадан тушди. Табиийки, Шукур Холмирзаев билан мен ҳам тушдим.

ГАИ ходими – ёш сержант, ўлгудек қайсар бола экан, “права”ни қўлига ушлаб олган. У десак – бу дейди, бу десак – у дейди...

Боядан бери машинадан тушмай ўтирган Низом ака охири эшикни очди. Туфлисига гард юқтирумаслик учун қадамини авайлаб босиб, яқин келди.

– Менга қаранг, укам, – деди қошини чимириб. – Нима, сиз Учқун Назаровни танимайсизми?

– Йўқ! – деди сержант.

– Шукур Холмирзаевни-чи?

– Йўқ!

– Ўтқир Ҳошимовни-чи?

– Йўқ!

Низом ака бир зум жим турди-да, қатъият билан сўради:

– Балки сиз шахсан Низом Комиловнинг ўзларини ҳам танимайман, дерсиз?

Сержант бола эсанкираб қолдими, ўзини бунчалик нотавон кўрсатгиси келмадими, ийманиброқ жавоб қилди:

– У кишини эшитганман...

– Ўша киши мен бўламан! – Низом ака қатъият билан бу-юрди. – Беринг ҳужжатни! Одам деган ким билан муомала қилаётганини билиши керак!

...Сержант эс-ҳушини йигиб олгунча, биз маррага етиб бўлдик.

жуда чиройли оҳангда рубоб чалар, ширави овозда қўшиқ айтар эди. Баъзи сатрлари ҳамон ёдимда қолган.

*Қошингни қароси ювса кетарми,
Сенингдек тоза гул боғда битарми?
Сенингдек тоза гул боғда битганда
Сўраб борсам боғбон менга сотарми?*

Мирзакарим ака билан Тўлқин ака янги уйланган, домлалар инсоф қилиб, уларга ора-чора уйига бориб-келишга рухсат беришар эди. Шундай кунлардан бирида ҳаётимда янги хушхабар эшитдим. Тўлқин ака уйидан қайтиши билан мени суюнчилади: “Сизга Абдулла Қаҳҳордан хат кепти, факультетга кираверишдаги хатлар ётадиган столда турган экан”, деди. Бу мен учун энг қувончли хабар эди!

Гап шундаки, “Чўл ҳавоси” деган биринчи қиссамни мен эмас, ёш адид дўстим Муроджон Мансуров “Шарқ юлдузи” журналига элтиб берганини айтган эди (ростини айтсан, мен баъзан керагидан ортиқ тортинчоқлик қиласман. Шунинг учун асарни журналга ўзим олиб боришга ийманган эдим). Хуллас, Тўлқин аканинг гапидан тушундимки, қисса журналда босилган, уни энг талабчан устоз Абдулла Қаҳҳор ўқиган. Улуғ адиднинг биринчи асари босилган ёш шоир ва ёзувчиларга ўз муносабатини билдириш одати бор эди. Тўлқин акадан “Хат қани?” деб ҳовлиқиб сўрасам, уйига ташлаб келганини, аммо хатни очиб ўқимаганини айтди. Кейинги ҳафталар қандай ўтганини билмайман. Хатни тезроқ ўқигим келади. Муҳими шуки, Абдулла Қаҳҳордек талабчан устоз оддий талабанинг биринчи машқини ўқиган! Майли, асар устозга ёқмаган, мени койиган бўлса ҳам розиман. Муҳими – устознинг назари тушибди. Ўша кунлари Тўлқин ака ҳам мен билан баравар ҳаяжонланиб юрди. “Аслида хатни олиб келаверсам бўларкан”, деб бир неча бор афсусланди.

Хуллас, пахтадан қайтган кунимиз иккаламиз қопимизни орқалаб Тўлқин аканинг уйига югурдик. Келинойи хатни эҳтиётлаб қўйган эканлар. Тўлқин ака иккаламиз қўлимиз ҳаяжондан титраб хатни очиб ўқидик. Абдулла Қаҳҳордек талабчан адид “Чўл ҳавоси”ни ўқиб севиниб кетганини, “бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг кела-

жаги порлоқ бўлишини” айтган ва айни пайтда “шу аланга ҳеч қачон пасаймасин, ижодингиз ҳеч қачон тутамасин”, деб олдиндан дашном ҳам берган экан...

Шундай қилиб, ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири айнан Тўлқин Алимов билан боғлиқ. Кейинчалик Тўлқин ака билан нашриётда бирга ишладик. Кўп сафарларда, дам олишда бирга бўлдик, ҳар хил одамларни, ҳар хил ҳолатларни кўрдик... Ўтган асрнинг иккинчи ярми ва бу асрнинг бошида ўзбек китобхонларини жаҳон адабиёти намуналари билан таништириш ва ошно қилишда етук таржимон, малакали муҳаррир Тўлқин Алимовнинг салмоқли улуши бор. Тўлқин ака дунё адабиётидан ўнлаб роман ва қисса, юзлаб ҳикояни ўгириб ўзбек китобхонига етказди. Бу ниҳоятда оғир ва савобли юмуш...

Яна бир гап. Тўлқин ака ҳар қандай вазиятда ҳам тўғри сўзни айтадиган ҳалол ва софдил инсон! Мен бунга кўп марта гувоҳ бўлганман.



Содда ростгўйлик

1982 йилдан 1985 йилгачаFaфур Гулом номидаги нашриётда бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишладим. Турли йилларда бу даргоҳда Ҳамид Гулом, Рамз Бобоҷон, Жуманиёз Жабборов каби етакчи шоирлар раҳбарлик қилган эди. Бу жамоада Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Омон Матжон, Шоир Усмонхўжаев, Низом Комилов, Иброҳим Faфуров, Мирзиёд Мирзоҳидов, Тўлқин Алимов, Ҳасан Тўрабеков, Лола Тоҳиева каби элга машҳур шоир ва адиллар, таржимон ва олимлар билан бирга ишлаш мароқли эди. Орамизда энг кўп китоб ўқийдиган, кези келса тушлик қиласидиган пулига ҳам китоб сотиб оладиган таниқли олим, таржимон ва муҳаррир Маҳкам Маҳмудов (умри узоқ бўлсин!) алоҳида ажралиб турарди. Табиатан камтарин, аммо ҳар қандай вазиятда ҳам рост гапни айтиш ва ёзишдан чўчимас эди. Бунга ўзим ҳам гувоҳман.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида “Нур борки, соя бор” романи ёзилди. Ёзувчилар уюшмасидаги муҳокамада маъқулланди. У пайтда мен “Тошкент оқшоми” газетасида ишлар эдим. Одатга кўра, асар журналда босилиши ёки нашриётда китоб қилиб чиқарилиши учун “ички тақриз” ёзилиши шарт эди. Роман умуман маъқуллангани билан уни босадиган азamat топилиши қийин кечди. Чунки асарда ўша йиллардаги иллатлар – порахўрлик, савдо соҳасидаги қаллобликлар, ўзбек деҳқонининг оғир меҳнати тасвирланган эди. Хуллас, энг яқин дўстим бўлмиш танқидчилар ҳам “ички тақриз” ёзишдан қўрқди. Охири қўллэзмани Маҳкам акага бердим. Маҳкам ака бир ҳафтада романни синчиклаб ўқиб, “асар албатта чиқиши керак”, деган хулоса ёзиб берди... Орадан кўп ўтмай икковимиз бир даргоҳда – Faфур Гулом номидаги нашриётда, битта хонада ўтириб ишлайдиган бўлдик.

Маҳкам ака асарни чуқур тушунадиган муҳаррир эди-ю, бир “камчилиги” бор эди. Хоҳлаган пайтда йўқ бўлиб қолар,

сўнг бир олам қўлёзмани таҳрир қилиб қўлтиқлаб келарди. Яна бир одати – ўзининг паришонхотирлиги туфайли рўй берган ҳангомаларни ўзи завқ билан айтиб берарди.

– Кечакалати иш бўлди, – деб гап бошлади бир куни. – Тўсатдан хотиннинг иситмаси кўтарилиб кетди. Дори ичсам, қўшни ҳамшира укол қилсаям бўлмаяпти. Охири биринчи баницага оборадиган бўлдим. Уйда ёлғиз қолиб кетмагин, деб тўққиз яшар ўғлимни ҳам ёнимга олволдим. Баница дарвозасига келганда ўғлимга тайинладим:

– Мана шу ерда қимиirlамай турасан, мен онангни жойлаштириб чиққанимдан кейин уйга кетамиз, тушундингми?

– Тушундим, ада! – деди ўғлим.

То аёлимни дўхтирларга кўрсатиб касалхонага ётқизгунимча анча вақт ўтди. Қайтиб чиқсан, ўғлим йўқ! Ердаем йўқ, кўқдаем. Кўрқиб кетдим. У ёққа чопаман, бу ёққа чопаман... Бу ёғи қоронғи тушиб кетяпти. Бир маҳал қарасам, дараҳт тагида бир бола турибди.

– Ҳой бола! – дедим яқин бориб. – Шу ерда бўйи сендек келадиган, сеникига ўхшаган пальто, телпак кийган болани кўрмадингми?

Шунақа десам, нима дейди, денг?

– Ада, ўша бола менман-ку! – дейди.

Мен ўғлимни дараҳт тагига турғазиб қўйиб, ўзим симёғоч тагини қидириб юрган эканман...

Бир куни Маҳкам ака янги машина сотиб олди: “Жигули”. Тажрибасиз шопир бўлгани учунми, хаёл олиб қочганиданми, машинаси ё ариққа тушиб, ё “қаноти” пачақланиб юрар эди. Ҳаммамизнинг машинамиз Навоий кўчаси 30-уйдаги тўрт қаватли бино орқасида, боғнинг бир чеккасида турарди. Бир куни Ҳасан Тўрабеков, Тўлқин Алимов, Низом Комилов боғ чеккасида суҳбатлашиб турсак, Маҳкам ака тепадан тушиб келди-ю, машинасига ўтирди. Шошиб турган экан шекилли, моторни юргизиб машинани тислантира бошлади. Машина орқага қараб кетяпти-ю, Маҳкам аканинг икки кўзи олдинда. Қарасак, “Жигули” каттакон дараҳт томон шиддат билан тисарилиб бораяпти. Ҳаммамиз хавотирга тушиб қолдик. Нуқул бақирамиз:

- Маҳкам ака!
- Ҳой, Маҳкамжон! Тўхтанг!

Маҳкам ака парво қилмайди. Охири, бақириб-чақиришимизни эшитди шекилли, “А?!” деди. Фақат “А?!” деган товуш билан “қарс!” этган товуш баравар эшилди. Яқин бориб қарасак, машинанинг бампери пачақланибди.

– Машинани тислантирганда орқага қараш керак-ку! – деди Ҳасан ака қуйманиб.

Маҳкам ака пачоқ бўлган машинасига қараб, аччиқланди.

– Мана шу дараҳтни қайси аҳмоқ эккан, а? – деди зарда билан.– Бошқа жой қуриб қолганмиди? Машинам иккинчи марта уриляпти. – Бир зум ўйлаб турди-да, қўл силтади. – Майли, бош омон бўлса, дўппи топилади. Яхши устам бор, тўғрилаб беради...

Бир куни Маҳкам ака одатдагидек ишга кечикиб келди.

– Яхши дам олдингизми? – десам, ноҳушроқ оҳангда жавоб қилди:

– Кеча ишдан кейин ҳам бу ёққа келиб кетганман.

– Биронта қўлёзма қолиб кетган эканми? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Қўлёзма эмас... – Сўнгра воқеани тафсилоти билан тушунтируди. – Кеча трамвайга чиқиб уйга кетяпман-у, нуқул бир нима эсимдан чиқсанга ўхшайверади. “Нима эсимдан чиқди?” дейман, ҳеч хаёлимга келмайди. Бир маҳал трамвай деразасидан қарасам, Тинчлик бекатидаги бензакалонка олдида элликтacha машина навбат кутиб турибди. “Э-э-э-э, машина эсдан чиқибди-ку!” деб шунча жойдан овора бўлиб қайтиб келдим!

Ана шунаقا беғубор инсон Маҳкам Маҳмудов!

Нурли оқшомлар

1966 йилдан 1982 йилгача – роса 16 йил “Тошкент оқшоми” газетасида бўлим мудири бўлиб ишладим. Кейин билсам, бу йиллар менинг ҳаётимдаги энг сермазмун, энг сермаҳсул, энг нурли йиллар бўлган экан. Албатта, одамнинг ҳаёти шахмат тахтасидаги пиёданинг юришига ўхшайди. Гоҳ оқ катакдан ўтади, гоҳ қора катакдан. У дамлар нуқул байрамдан иборат бўлди, десам тўғри бўлмайди. Нохушликлар ҳам бўлган, жудоликлар ҳам... Лекин барибир, менимча, “Тошкент оқшоми”да ишлаган даврим ҳаётимнинг энг ёрқин йиллари, десам муболаға бўлмайди.

“Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга қулок сол”, “Нур борки соя бор”, “Дунёнинг ишлари”, “Инсон садоқати”, “Тўйлар муборак” каби асарлар шу йилларда дунёга келди. Яна муҳими шуки, “Тошкент оқшоми”да бениҳоя фидойи, бениҳоя софдил инсонларни учратдим. Шулардан бири, газетанинг бош муҳаррири Саъдулла Кароматов эди. Саъдулла aka ҳақиқий журналист, ҳақиқий муҳаррир эди.

Тошкент зилзиласидан кейин янги очилган газетанинг алоҳида таҳририят биноси ҳам, анжомлари ҳам йўқ эди. Бизлар эски банк биносида ишлардик. Банкнинг цемент поли шу қадар жонга тегардики, мен болалигимдан бод қасалига йўлиққаним учун кўпинча этик кийиб юришга мажбур бўлардим. Кўп ҳолларда биз кечаси билан таҳририятда қолиб кетардик.

“Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари ўзбек ва рус тилларида чиқар, Максим Каримов, Солих Ёқубов, Тўлқин Расулов, Раҳматулла Файзуллаев, Алиназар Эгамназаров, Носир Муҳаммад, Абдулла Пўлатов, Карим Норматов, Тўхтамурод Тошев, Владимир Чеботин, Надежда Понякшина, Элла Адайкина, Маҳмуд Комилжонов каби қаламкашлар бир оила аъзосидек иноқ бўлиб кетган эдик.

Саъдулла Кароматов газетанинг бош муҳаррири сифатида ўз ходимларини қаттиқ ҳимоя қилишни биларди. Ўша

пайтда “Тошкент оқшоми” бутун республикага тарқаларди ва бунинг сабаби унда жуда жиддий, мухим чиқишилар бўлиб турарди.

“Адабиёт ва санъат”, “ХХ аср овози”, “20-йиллар адабиёти” каби саҳифалар газетхонларга манзур бўлган эди. Биз мумтоз адабиётимиз ҳақида олимлар, мутахассисларнинг кўплаб чиқишиларини қилганимиз. Газетада профессор Эргаш Рустамовнинг Аҳмад Яссавий ҳақидаги мақоласи ва ҳазрат Яссавийнинг ҳикматларидан намуналар берилгани эсимдан чиқмайди. Қизиғи шундаки, газетанинг ўша сони тасодифан Курбон ҳайити кунида эълон қилиниб қолган. Шунда “Тошкент оқшоми” таҳририяти бу ишни атайлаб қилди, ўқувчиларга Курбон ҳайитни эслатиш учун қилди, деб муаллифни ҳам, таҳририят ходимларини (жумладан, мени ҳам) анча судра-судра қилишган.

Яна бир воқеа эсимда. “Тошкент оқшоми” саҳифаларида “Муқаддас қасамни бузганлар” мақолам эълон қилинди. Мақолада ўз соҳасини яхши биладиган фидойи шифокорлар жуда кўплиги аниқ мисоллар билан айтилган. Лекин шу билан бирга улар орасида Гиппократ қасамини бузганлар, беморлардан ниманидир тاما қиласидиган шифокорлар ҳам йўқ эмаслиги ёзилган эди.

Ўша куни котиба мени бош муҳаррирнинг хонасига таклиф қилди. Кирсам, Саъдулла aka телефонда ким биландир жуда асабийлашиб гаплашяпти. Унинг бир гапи ҳамон қулоғимда турибди. Саъдулла aka телефоннинг нариги томонидаги одамга: “Сиз оммавий ахборот воситалири тўғрисидаги қонунни бузяпсиз, мен сизга ҳали чиқмаган газетани ўқишига беришга мажбур эмасман!” деди ҳайқириб.

Шундан кейин бош муҳаррир менга шаҳар ижроқўмига боришим лозимлигини, у ерда “Муқаддас қасамни бузганлар” мақоласи муҳокама қилинишини айтди.

Ўртачароқ зални тўлдириб, анча одам ўтирган экан. Улар орасида шаҳар Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, шаҳар прокурори, Соғлиқни сақлаш вазири, унинг ўринбосарлари, турли академиклар, профессорлар, шифокорлар бор эди. Мақолани шоша-пиша рус тилига таржима қилишибди. Ўқиб беришди. Табиийки, мақола йигилганларга ёқмади. Ўша пайтдаги ижроқўм раҳбарларидан бири опахон (у кишининг исмларини айтишим шарт эмас) менга қаттиқ дашном

берди. “Сиз мутлақо нотұғри иш қилибсиз. Масалан, эртага “Тошкент оқшоми” газетасыда чиққан мақола ҳақида “Америка овози” ёки “Би-Би-Си” дүнёга жар солиб, совет врачлари пораҳүр, тамагир экан, деб эълон қилса нима дейсиз?” Мен айтдым: “Бириңчидан, мен биронта шифокорга тухмат қилганим йўқ. Шифокорларни қаттиқ ҳурмат қиласман. Биз ўзимиздаги камчиликлар ҳақида гапирмасак, мухолифларимиз албатта гапиради. Агар биз ўзимизнинг нуқсонларимиз ҳақида шивирлаб гапирсак, улар бақириб гапиради. Биз ўз нуқсонларимизни куюниб гапирмасак, улар суюниб гапиради. “Ёзувчи – халқ тили ва виждонидир!” Бу – менинг гапим эмас, Леонид Ильич Брежневнинг гапи. Халқнинг тили ва виждони эса халққа рост гапни айтиши керак”.

Биламанки, Брежнев бу гапни айтмаган. Аммо мажлисда ўтирганлар Генсек¹ бу гапни айтмаган, деёлмади. Чунки Брежневнинг ўзи ўша кезлари ёзувчиларнинг “каттаси” бўлиб қолган. “Кичик ер”, “Тикланиш” деган китоблари чиққан. Катта-кичик мажлисларда “Биз – ёзувчилар” деб гапиради. Бояги гапни айтган бўлса, айтгандир-да. Моҳият-эътибори билан рост гап-ку!

...Шундан кейин йиғилишдаги вазият ўзгарди. Шамол бошқа томон эса бошлади. Мажлис ахли ҳақиқатан ҳам орамизда шундай шифокорлар борлиги, унча-мунча тана қиладиганлар ҳам йўқ эмаслиги ва ёзувчи бу ҳақда адолатли мақола ёзганлигини таъкидлашди. Йиғилишда қатнашаётган таниқли шифокорлар – мени меҳр билан даволаган профессор Рауф Абдуллаев, машхур кўз дўхтири Маҳамаджон Комилов ва бошқалар битта тамагир шифокор бўлса ҳам бизда бундай шифокорлар бўлмаслиги керак, деб таъкидладилар. Хуллас, қораланишга шайланиб турган мақола оқланди...

Мен “Оқшом”да ниҳоятда яхши инсонларни учратдим. Шулардан бири, ҳеч шубҳасиз, Тўлқин Расулов эди. Рус тилида “Душа коллектива” деган ибора бор. Яъни “жамоанинг жони” дегани. Тўлқин Расулов “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари жамоаларининг “жони” эди.

¹ Ўрисча “Генеральный секретарь” (Бош котиб) бирикмасининг қисқартма шакли. – Мұхаррір.

Ҳаммани “Азизим” деб чақирап, ўзининг иши ҳар қанча кўп бўлишига қарамасдан ёнига кимдир бирор дард билан келса ёки маслаҳат сўраса, ҳамма ишини йиғишириб қўйиб, ўшанинг гапига қулоқ солар, маслаҳат берарди. У барчани баравар яхши кўрар эди. Худо раҳмат қилгур ойим Тўлқин акани “бешинчи ўғлим” дер эдилар.

Тўлқин ака билан сирдош дўст эдик. Ҳар йили 8 март арафасида иккаламиз ўз онамизга янги кўйлакми, жем-пирми ёки бошқа кийимми олиш учун дўконларни айланардик. Тўлқин ака ўзининг ўғил-қизини, мен ўзимнинг ўғил-қизимни олиб баҳор пайтлари Қозогистон қирларига, лолазорга борардик. Ўша ерда варрак ясаб учирардик.

Мен нимаики ёзсан, асарларимни ўқиган ва ҳар гал ниҳоятда жўяли, ниҳоятда тўғри маслаҳатлар берган. Тўлқин аканинг ўзи ҳам жуда дилбар ҳикоялар, теран мақолалар ёзарди.

Тўлқин Расуловнинг яна бир хусусияти – у ниҳоятда хушчақчак, ҳазил-мутойибага уста эди. Ҳар қандай “фантазия”ни рост қилиб айтар, айтганда ҳам ҳаммани, ҳатто ўзини ҳам ишонтириб юборарди. Масалан, ўта гўзал бир аёл Тўлқин акага муҳлис бўлгани учун уни туғилган кунига таклиф этади. Тўлқин ака иши кўпайиб кетиб бир соат кечикиб борганида ҳам қишининг қаҳратон совуғида қалтираб уни автобус бекатида кутиб туради... Кейинги ҳикояда эса нима учундир ўша аёл Тўлқин акани туғилган кунига чақириб, саратон кўёшида қоврилиб бир соат қутади...

“Бу воқеани аввал айтганингизда муҳлисингиз қишида туғилган эди-ку”, десангиз, бунга ҳам дарров жавоб топилярди: “Қишдан кейин ёз келади-да, азизим!”

“Нур борки, соя бор” романни етмишинчи йилларнинг ўрталарида ёзилган. Унинг дунёга келишида Тўлқин Расуловнинг ҳиссаси катта. Менинг бир одатим бор. Бўлажак асарни йиллаб ўйлаб юраман. Асар “пишиб етилгач”, қоғозга тушиш жараёни тез кечади. Аммо бирон сабаб билан орада узилиш бўлиб қолса, ёки кимдир халақит берса, ёзишдан “совиб” қолишим мумкин. Бундай пайтда халқ ибораси билан қўполроқ қилиб айтганда “тўлғоқ қочиб кетади”, шекилли. “Чала туғилган бола” нима бўлиши маълум. Демак, асардан воз кечиб қўлёzmани ташлаб юборишга тўғри келади. Менда бундай ҳолатлар бўлган.

Хуллас, роман қоғозга тушаётганда таҳририятда иш бошдан ошиб ётар, ижод қилишга вақт йўқ эди.

Бир куни Тўлқин акага шикоят қилдим. Янги асар бошлаб қўйганимни, бироқ нуқул “узилишлар” бўлаётгани учун романни тўхтатишга мажбур бўлаётганимни айтдим.

Ўша кезлари адабиёт бўлимида мен билан анча йиллар ишлаган шогирдим Носир Муҳаммад Эронга, элчихонада ишлаш учун кетган, иккинчи қаватдаги хонада бир ўзим ўтирас эдим.

– Азизим, – деди Тўлқин ака “дардим”ни эшитиб. – Ёзишингиз учун шароитни мен яратиб бераман! Эшикнинг катили қани?

Ҳайрон бўлиб, хонанинг катилини қўлига берган эдим, Тўлқин ака телефон гўшагини кўтарди-да, дуч келган рақамни териб “гудок”нинг овозини ўчирди. Сўнг шитоб билан юриб эшикдан чиқди-да, нариги томондан катит солиб, шарақ-шуруқ қилиб қулфлади.

– Гап бундай, – деди эшик орқасида туриб. – Сиз уч соатгача йўқсиз! Авлиёси келиб тақиллатса ҳам жавоб берманг! Мен “Ўткиржон зарур иш билан кетган”, деб ҳаммани огоҳлантириб қўяман. Бемалол ёзаверинг!

Чиндан ҳам анча кунгача мен тушдан кейин ишхонада “йўқ” бўлдим. Романнинг катта қисми қоғозга тушди. Кейин таътилга чиқиб, асарни якунлаб келдим ва қўлёzmани биринчи бўлиб Тўлқин акага ўқитдим. Жўяли маслаҳатларини қабул қилиб, керакли ўринда фойдаландим.

Таҳририятдаги йигитлар Пушкин парки (ҳозирги Абдулла Қодирий бори)даги чойхонага бориб “бир чўқим” ош устида сухбатлашиб ўтирадиган одатимиз бор эди. Тўлқин ака чойхона паловни “сайратиб юборар”, кўпинча менинг зиммамга кочегарлик вазифаси тушар, икковлашиб Чорсу бозоридан ошнинг харажатини қилиб, сўнг чойхонага йўл олардик. Табиийки, ошга албатта қалампир ҳам солинар, Тўлқин ака гўшту ёғдан тортиб, қалампиргача ўзи танлаб ҳарид қилас эди.

Бир сафар бозорга тушсак, қалампир сотадиган танишимиз йўқ. Унинг ўрнида тажанглиги юзидан кўриниб турган кексароқ киши ўтирибди.

– Отахон, гармдори қанчадан? – деди Тўлқин ака.

Чол “фалончадан” деб нархини айтди.

- Аччиқми? – деди Тұлқин ака.
- Аччик. – Чол энсаси қотиброк юзини үгирди.
- Жудаям аччиқми? – қайта сұради Тұлқин ака.
- Ҳа! – деди чол жеркиб.
- Үзингиз экканмисиз?
- Менга қара! – деди чол түнғиллаб. – Олсанг, ол, бўлмаса тошиングни тер!

Тұлқин ака илжайди:

- Оламан, отахон, албатта оламан! Мол эгасига ўхшамаса, ҳаром ўлади! Үзингиз шунақа заҳар бўлсангиз, эккан қалампирингиз аччиқ бўлмай қаёққа боради?!

Тұлқин Расулов ҳаммага бирдек меҳрибон, дилкаш инсон бўлгани учун улфатлари ҳам кўп эди. Айниқса, Ўтан ака деган қадрдони кунора иш тугашига яқин кириб келар, Тұлқин ака уни кўриши билан бир соатли юмушини ўн беш дақиқада саронжомлаб, иковлон “бир пиёла чой” ичишга йўл олар эдилар. Кунлардан бирида дўстимиз Солихжон Ёқубов Тұлқин акага ғалати гап айтди:

- Тұлқин ака! Мабодо сиз Навоий театрига мусиқачи бўлиб ишга кирсангиз, театр нариси билан бир ҳафтада ёпилиб кетади.

Табиийки, биз ҳам, Тұлқин ака ҳам бунинг сабабини билишга қизиқдик.

- Опера ва балет театрида литавра деган асбоб бор, – деб тушунтириди Солихжон. – Иккита баркашга ўхшаган мусиқа асбоби. Бир-бирига урилганида “вош-ш-ш” этган овоз чиқариб мусиқага тантанавор тус беради. Дейлик, сиз литавра чалишингиз керак. Бутун балет давомида литавра тўққиз марта “вошиллаши” керак. Асарнинг бошида уч марта, ўртасида уч марта, охирида уч марта... Балет бошланганидан кейин беш-үн дақиқа ўтганда залга Ўтан ака кириб келади. Сиз уни кўрган заҳоти литаврани бир йўла ўн беш марта “вош-вош-вош” қилиб урасиз-да, иккала баркашни улоқтириб юбориб, Ўтан ака билан кўчага чиқиб кетасиз. Эртасига театр ёпилади – қолади!

Раҳматли Тұлқин ака бундай ҳазилларга хафа бўлмас, аксинча, ўзи ҳам қотиб-қотиб кулар эди.

Иш тифиз бўлгани учунми, кўп асабийлашиб чарчаганимиз учунми телефонда ҳазиллар қилас эдик. Масалан, “Тўйлар муборак” комедиясидаги ҳолат ўзимизда бўлган. Содда ҳамкасбимизни бир ойгача алдаб, у ёқдан-бу ёқса роса югутирганмиз. Тўғриси, менда шумроқ одат бор эди: овозимни ўзгартириб гапиришга уста эдим.

Бир куни Тўлқин акага овозимни ўзгартириб телефон қилдим: “Бу “Оқшом”ми? “Ха”, деган жавоб келди. “Тошкент медицина институтидан телефон қиляпмиз, ахборот керакми?” десам, Тўлқин aka қувониб кетди. “Домла, бир оз тўхтанг, ҳозир мен ручкамни овлолай”, деди ҳовликиб. Мен: “Езинг, Сарлавҳа “Ноёб операция” дедим. Тўлқин aka ёзишга тушиб кетди. Ахборотнинг мазмуни тахминан бундай эди: Уч кун олдин Тошкент Давлат тиббиёт институтининг иккинчи хирургия бўлимидаги жаҳонда тенги йўқ ноёб операция қилинди. Бу операция устида фалончи-фалончи академиклар, профессорлар иштирок этишди, деб аллақанча номларни қалаштириб ташладим. Юқори курс талабалари ва практиканлардан фалончилар, деб яна ўндан ортиқ одамнинг исми-шарифини айтдим. Ноёб операция икки соату 45 дақиқа давом этди. Бундай операция тиббиёт тарихида биринчи марта бўлгани учун уни “Америка овози”, “Би-Би-Си” радиолари ҳам эълон қилди”. Гапни чўзавердим, чўзавердим, охири ёзвериб қўли чарчаб кетди, шекилли, Тўлқин aka: “Ўзи қанақа операция?” деб сўраб қолди. Мен ҳамон ўша овозда давом этдим: “Тошкент вилоят Бекобод туманидан келтирилган бемор Аҳмад Валиевнинг чап қулоги ўзидан ўзи ўсиб кетаверган. Бир ой ичидаги ўсиб-ўсиб, филнинг қулоги билан баравар бўлиб қолган. Шифокорлар унинг 32 сантиметрини кесиб ташлаб, 8 сантиметрга келтириб қўйишидди. Шу билан операция ниҳоясига етди”. Шуни айта туриб, ўзим ҳам қаҳ-қаҳ уриб кулиб юбордим.

Тошкентда Озарбайжон адабиёти ва санъати декадаси бўлаётган эди. Ахборот бўлимнинг мудири Абдулла Пўлатов менга қўнғироқ қилиб, маслаҳат сўради: “Ўткир, сарлавҳани “Озор халқининг байрами” десам бўладими?” “Абдулла aka, эсингиз жойидами? – дедим зарда билан. – Сиз озор



“Оқшом” чиларнинг нурли оқшомлари

халқининг байрами десангиз, байжонлар нима қиласди? Масалан, дунёда күшалоқ исмли халқлар бўлади, кўшалоқ исмли шаҳарлар бор. Будапешт шахрини олайлик. Дунай дарёсининг бир бетида “Буда”, иккинчи бетида “Пешт”. Шунинг учун Будапешт дейилади. Ёки Чехословакия. Агар Ўзбекистонда Чехословакия маданият кунлари бўлса, сиз чех халқининг байрами десангиз, словаклар тўполон қилиб юборади-ку! Озарбайжонлар ҳам шунаقا. Озорлар билан байжонлар ҳам бор. Масалан, Эронда 3 миллион байжон яшайди. Яхшиси, сарлавҳани “Озар ва байжон халқлари байрами” деб қўйинг”.

Абдулла ака: “Шунақами?” деди-ю, икки соат ўтгач, қовоғи осилиб мен ўтирган хонага кирди. “Менга нимани ўргатувдингиз? Саъдулла Кароматов сўкиб-сўкиб чиқариб юборди-ку!”

Шунга ўхшаш ҳазиллар бир томондан одамнинг руҳини кўтарар, иккинчи томондан эса инсонларни бир-бирига яқин қиласди.

Энди ўйласам, ўша йиллар ёшликтининг энг гўзал, энг тансик дамлари экан. Ўтганларни Аллоҳ раҳмат қилсан. Колганларга умр берсин...



Бешинчи боб

*Аттарағыныздан
оданнан*



Оқсоқол “генерал”

(Киракаш ҳайдовчининг ҳангомаси)

– Ўтириңг, ақа! Ҳангамалаше-е-еб кетамиз! Яхши-ям раҳматли отамдан қолган мана шу “Жигули” бор экан! Ёшиям ўттииздан ошди-ёв жийронтойнинг! Эски бўлсаям, кунимга яраб турибди. Тирикчиликнинг айби йўқ. Ишдан бўш пайтимда киракашлик қиласман. Бир замонлар битта такси тўхтаса, ўнта одам югуриб бораради. Ҳозир битта одам қўл кўтарса, ўнта машина ғийқиллаб тўхтайди. Шўпирлар орасида “Менинг мижозимни обқўйдинг!” деб ёқа бўғишадиганлари бор! “Хой, барака топгур, карвон кўп, ризқи бошқа, ўлар ердамассан”, десангиз, “Насиҳатингни укангга қил”, дейди. Вой, тавбангдан кетай!

Мол бозор кунлари “Шўробозор”га тушиб тураман. Кўй-пўй харид қилганларни элтиб қўйсам, ҳарна, беш-үн сўм тушиди, насибага яраша.

Бир куни сахарлаб бозорга бордим. Баҳор эди. Майдалаб ёмғир ёғиб турибди. Жийронтойни тўхтатиб разм солсам, дарахт тагида бир чол турибди. Бозордан харид қилган қўйининг арқонини ушлаб олган. Чолнинг олдига ҳали у шўпир боради, икки оғиз гаплашади-да, бурилиб кетади. Ҳали бу шўпир боради, қўл силтаб нари кетади. Охири, мен ҳам бордим. Одатда, йўловчи шўпирдан “Фалон жойгача қанча сўрайсиз”, деб аниқлаштириб олади. Шўпир кира ҳакини айтади. Бир хиллари бор. Отасининг хунини сўрайди-да, “ками бор”, деб ҳам қўяди. Бозордаги чайқовчи бўй кет-э, шоввоз!

Хуллас, яқин бориб, чолга салом бердим.

– Хизмат, отахон, қаерга обориб қўяй? – десам, чол неғадир бош чайқади.

– Айтганим билан барибир обормайсан, шўпир болам, – деди.

Ҳайрон бўлдим.

- Нега обормас эканман? – десам, кулди.
- Негалиги шуки, күй харид қиласман деб бир тийин ҳам пулим қолмади, – дейди.
- Бўпти, отахон, уйингизга борганда ҳисоб-китоб қиласмиз, – деган эдим, бош чайқади.
- Иложим йўқ. Уйдагиларнинг бири ишга, бири ўқишга кетган. Кампиримда хемири йўқ... Аммо уйим яқин. Рози бўлиб, текинга олиб бориб кўйсанг, дуо қиласман, – деди.

Қараб турсам, чолнинг юзида нур бор. Ёлғондан ҳазар қилиши кўриниб турибди. “Савоб ҳам керак-ку одамга”, дедим ўзимга ўзим. Барibir шаҳар томон юраман. Йўл усти экан, ташлаб ўтақолай, дедим-да, икковлашиб қўчқорнинг оёғини жуфтлаб боғлаб юхонага солдик.

Йўл-йўлакай гурунглашиб кетдик. Чол яқинда эварали бўлган экан. Бунинг устига Наврўз байрами келяпти. Шунинг учун маҳалла-кўйни йигиб издиҳом қилмоқчи экан. Оқсоқолнинг уйи чиндан ҳам узоқ эмас экан: нариси билан тўрт чақиримча. Зум ўтмай манзилга етиб келдик. Чол болаҳонали уйнинг дарвозасидаги қўнғироқни босган эди, ичкаридан ярашикли кийинган ўттиз-ўттиз беш ёшлардаги йигит чиқди. Олдин оқсоқолга, кейин менга салом берди. Тавозе билан кўшқўллаб кўришди.

– Менга қара, датсент! – деди чол зарда билан. – Анави кўйнинг оёғини ечгин-да, ҳовлидаги тутга арқонлаб кўй! Бўл тез!

Йигит “хўп бўлади, отажон”, деб машина томон югурди. Икковлашиб кўйни туширдик. Йигит кўй етаклаб кетаётган эди, чол тағин ўша зардали оҳангда сўради:

- Аканг қани?
- Уйдалар, – деди йигит.
- Тез чиқсин бақقا!

Йигит: “Хўп бўлади, отажон”, деганча кўйни судрагудек бўлиб, ҳовлига кириб кетди.

– Буниси домла, – деди оқсоқол тушунтириб. – Институтда дарс беради.

Чол гапини тугатмасидан ичкаридан мелиса кийими ни кийган подполковник чиқиб келди. У ҳам худди укасига ўхшаб салом берди. Иккаламиз билан кўшқўллаб кўришди.

– Энди бизга рухсат, отахон, – деган эдим, чол “шошмай тур”, деб имо қилди-да, подполковникка буюрди:

– Қани, қашланмайсанми, начайник!
– Хўп бўлади, отажон, қанча керак? – деди подполковник чўнтағидан ҳамён чиқариб.

– Йигирма минг.

Ўғли минг сўмликлардан кераклигини ажратиб чолга узатган эди, оқсоқол жеркиб берди:

– Менгамас, шўпир йигитга бер!

– Хўп бўлади, отажон! – Подполковник шундай деб, пулни менга узатди.

Ҳайрон бўпқолдим.

– Отажон, – дедим тушунтириб, – бошида келишганмиз: пул керакмас, дуо қилсангиз бўлди.

– Дуо ҳам қиласман. – Чолнинг чехраси бир қадар ёришди.

– Сен бунинг савлатига парво қилма, – деди ўғлини кўрсатиб.

– Бу падпалковник бўлса, мен генералман! Бу хонадоннинг лашкарбошиси мен бўламан!

Подполковник пул узатган кўйи жилмайиб туарар, мен бўлсам, кира ҳақини олишни ҳам, олмасликни ҳам билмай гарансиб қолган эдим.

– Олавер, акангники табаррук, – деди чол. Сўнг бир зум сукут сақлади-да, тушунтирди. – Ҳали бозорда пулим йўқ деганим бежиз эмас эди. Қани, кўрай-чи, одамларда инсоф, ҳиммат, бирорвинг ҳожатини чиқариш, деган нарсалар борми, бор бўлса, кимда – шуни билмоқчи эдим. Отангга раҳмат, шўпир болам! Сендақалар борлигига шукр!

– Барибир бу пул кўп, – дедим ростини айтиб.

– Ишинг бўлмасин! – деб чол силтаб ташлади. – Кам десанг, аканг яна қўшади!

Подполковник бирпас турса кира ҳақи “болалаб” кетишини билди шекилли, пулни чўнтағимга тиқди. Тағин “хизматингизга рози бўлинг, укажон”, деб ҳам кўйди.

– Мана энди дуо қиласман, – деди чол кўл очиб. – Топган-тутганингга барака берсин! Уловингнинг тагидан доим шамол ўтиб турсин, шўпир болам! Ҳар хил балолардан Ўзи арасин! Сен ҳам менга ўҳшаб, манави акангга ўҳшаб пирибадавлат бўлиб юргин!

Машина томон юрган эдим, чол ўғлига тайинлади:

– Менга қара, начайник! Мана шу машинанинг номири ни ёзиб ол! Йигитларингга айт: бу машинани ҳеч ким, ҳеч қаерда тўхтатмасин, уқдингми?

– Хўп бўлади, отажон! – деди подполковник.

Чолнинг ўғли чиндан ҳам ДАН соҳасида ишлайдими-йўқми, унисини билмадим-ку, ўшандан бери машинамни бирон жойда тўхтатишгани йўқ. Ҳатто бир-икки марта қўча четида турган инспектор йигитлар менга чест берганини ўзим кўрдим!



“Дев” билан “болакай”

Ишга кетаётиб, икки кўча нарида турадиган Уйғун исмли йигитча билан ҳамроҳ бўлиб қолдим. Уйғун аллақайси институтда ўқир, боксга қизиқишини, бир-икки марта мусобақаларда қатнашганини эшигтганим бор эди. Аммо юриш-туриши спортчиларга ўхшамайди. Қораҷадан келган, ўрта бўйли, гавдаси ихчам, вазни нари борса, эллик килонинг у ёқ-бу ёғида. Жуда тарбияли, мулойимтабиат. Маҳаллада тўй-ҳашам бўлса, елиб-югуриб хизмат қиласди...

Бу гал ҳам одоб билан салом берди, ҳол-аҳвол сўрашди.

Шу пайт йўл четидаги темир гаражнинг очиқ дарвозасидан яп-янги “Нексия” тисарилиб чиқди. Ҳайдовчи машинани йўлга кўндаланг қўйиб, тўхтатди. Чап эшиги очилиб, қалин мўйловли, полвонкелбат йигит тушди. Енгиз кўйлак кийган. Қўлида дамургич. Ҳар билаги чойнакдек келади. Баъйни мультфильмдаги Девнинг ўзи!

– Ҳов, бола, бу ёққа кел! – деди бармоғини илгак қилиб.

Иккаламиз ҳайрон бўлиб қарадик.

– Мени чақирияпсизми, ака? – деди Уйғун.

– Ҳа, сени! – деди “Дев” зарда билан. – Манави орқа баллон бўшаб қопти. Шунга юз эллик марта насос уриб юбор! Бўл тез!

– Узр, ака! – деди Уйғун қўлинини кўксига қўйиб. – Ўқишига шошиб турувдим...

– Ўқишига борасанми, катта холангникигами, гапни айлантирма!

– Мен кеч қоляпман, ака, – деди Уйғун тағин узр сўраб.

– Ушла дедим! – “Дев” қўлидаги дамургични узатганча, иккинчи қўли билан Уйғуннинг елкасига чанг солди.

Ростини айтсам, йигитчага раҳмим келди. Бу зўравон ҳозир бир мушт урадию бечорани ерга қозикдек қоқиб ташлайди!

Шунда...

Нима бўлганини англамай қолдим. Фақат “тасира-тусур”, “тасира-тусур” деган товуш эштилди. Бир дақиқада эллик марта мушт тушириш мумкинлигини шунда кўрдим. Қарасам, дамургич кўча четида ётибди. “Дев” йўқ! Уйғун гараж дарвозаси олдида турибди.

Бир маҳал ер тагидан “вой-вой”лаган овоз келди. Югуриб бордим. Гараж ичидаги чуқурдан тағин бир марта додлаган овоз келди. Кап-катта одам вой-додлайверса, ғалати бўларкан. Энгашиб қарасам, “Дев” чуқур ичидаги ётибди. Башараси моматалоқ бўлиб кетган. Бурнидан қон оқяпти.

– Кўлни беринг, ака! – деди Уйғун энгашиб. Бир чанг солиб билагидан ушлади-да, юз килоли “юқ”ни чуқурдан тортиб чиқарди.

– Кечирасиз, ака, – деди одоб билан. – Машинангизга келаси сафар дам уриб бераман.

“Дев” бир-икки марта “ғийқ-ғийқ” этди-ю, нима деганини тушунмадим...

Кейин билсам, бу азамат маҳаллага янги кўчиб келган, ҳаммага буйруқ бериб ўрганган зўравон экан...

Ҳар қалай ўшандан кейин машинасига ўзи дам урадиган бўлди.



ЭТИК

Бир вақтлар “Австрийский” этик урф бўлган эди.

Чиндан ҳам, қошиқдек бежирим, тез тўзимайди... Ўша кезлари хизмат сафари билан Вена шаҳрига бордим. Табийки, зиммамдаги ишлар бироз санжоб бўлгач, этик харид қилиш учун ўзимиз қўнгган мусофирихона яқинидаги магазинга кирди. Худди ўша мен харид қилмоқчи бўлган этиклар ярақлаб турибди. Нархини сўраб, бир қадар нокулай аҳволга тушдим. Мен уч жуфт этик олишим керак: аёлимга, қизимга, келинимга. Пулим эса бор-йўғи икки жуфтга етапти.

Сотувчи хижолат бўлаётганимни кўриб, таржимондан нима гаплигини сўради.

– Жанобга уч жуфт этик керак экан, – деб тушунтириди таржимон. – Пуллари етмаяпти.

Шунда ғалати иш бўлди. Сотувчи “айн момент” деб жилмайди-да, тортмасидан бир варак қофоз олди. Чиройли, текис ҳусниҳат билан бир нималарни ёзиб, таржимонга узатди. Кейин яна ниманидир шошилмай тушунтириди.

– Данке шёйн! – деди таржимон миннатдор бўлиб. Сўнг менга қараб “кетдик” деб йўл бошлади. – Фалон кўчадаги фалон шоппингнинг, фалон қаватига чиқсан, шу пулингизга шунаقا этиқдан уч жуфтини олишимиз мумкин экан, – деди тушунтириб.

Чиндан ҳам бир неча чақирим наридаги магазинда ёнимдаги пулга худди ўшандай этиқдан уч жуфтини харид қилдик...

Бир-биримизни биринчи ва сўнгги марта кўриб туришимизга қарамай, менга яхшилик қилган аёлнинг инсофига ҳамон қойил қоламан.

“Гиргиттон буви”нинг япон невараси

Ҳали мактабга қатнамасдим. Куз палласи томоғимга тепки келиб, бўйним шишиб кетди. Ойим иримини қилиш учун “Гиргиттон буви”ни книга олиб чиқди.

Дунёда “Гиргиттон буви”дан мулойим, ундан меҳрибон одам бўлмаса керак. Ҳамма билан “бувинг гиргиттон” деб айланиб-ўргилиб кўришади...

Бувининг ҳовлисига кирсак, этакдаги девор тагида аллақанча ёнғоқ думалаб ётибди. Кечаси шамолда тўкилган бўлса керак. Югуриб бориб тера бошладим. Бир маҳал айвон томондан “Гиргиттон буви” нинг овози келди:

– Ҳай-ҳай, гиргиттон, тегма, тегма ёнғоқقا!

Шундай деб илдам келди-да, қўлимдаги ёнғоқларни олиб, пастак девор оша нарёқса улоқтира бошлади. Сўнг ҳазон орасида ётган бошқа ёнғоқларни ҳам энкайиб терганча, девор ортига ташлади. Бувининг бундай “қизғанчиқ”лигига ҳайрон бўлиб туриб қолдим. Ниҳоят, тўкилган ёнғоқлар қолмаганига ишонч ҳосил қилгач, қўлимдан етаклади.

– Юрақол гиргиттон, санга бошқа ёнғоқ бераман!

Пастак бостирмага олиб кирди-да, саватда уйилиб ётган ёнғоқларни ҳовучлаб олиб, дўппимни тўлдириб берди...

Сўнг тушунтириди:

– Деворнинг нарёғида қўшнининг ёнғоғи бор. Сен терган ёнғоқ қўшнининг дараҳтидан тўкилган бўлиши мумкин. Бирорвинг ҳақини ўзидан сўрамасдан олса гуноҳ бўлади, гиргиттон!..

Бу гапларни унутиб юборган эдим-ку, орадан кўп йиллар ўтиб тағин ёдимга тушди.

Япониядан бир гурӯҳ мартабали меҳмонлар келишди. Улар орасида Япония парламенти раҳбарларидан бири ҳам бор эди. Шу кишига ҳамроҳ бўлиб Самарқандга бордик. Меҳмон икковимиз ва таржимон бир машинада кетяп-

миз. Самарқанд қишлоқ туманидан бораётиб, яшнаб ётган боғ олдидан ўтдик. Йўл чети кета-кетгунча шафтолизор. Зарғалдоқ шафтолилар гарқ пишган. Ҳар бири кичикроқ чойнақдек келади. Меҳмон ниманидир завқланиб гапирди. Таржимон меҳмон жаноблари бу боғ кимники эканини сўраётганларини айтди. Япония, Корея, Хитой сингари мамлакатларда шафтолига айрича ихлос қўйишларини эслаб, ҳайдовчидан машинани тўхтатишини сўрадим. Йўл четидаги ариқчадан ҳатлаб ўтиб, қўлимга сикқанча шафтоли узиб олдим. Буни қарангки, нарироқда темир қувурдан сув оқиб турган экан. Шафтолиларни чайиб, олиб келдим. Меҳмонга узатдим. Меҳмон одоб билан жилмайди, аммо қатъян бош чайқади. Ўз тилида ҳаяжонланиб, бир нима деди.

– “Мумкинмас”, деяпти, – деди тилмоч таржима қилиб.

– Ташвишланманг, жаноб, – дедим тушунтириб. – Бояги сув ифлос эмас, водопровод кранининг суви. Бу туман тўлиқ водопроводлашган. Бемалол еяверинг, мана, ўзим бошлаб бера қолай.

Меҳмон тағин бош чайқади. Таржимонга бир нималарни куйманиб тушунтириди.

– Мумкин эмас! – деди таржимон меҳмоннинг гапини сўзма-сўз ағдариб. – Жаноб шафтолининг эгасига ҳақ тўламадилар. Шунча мевани сўроқсиз олиб чиқдилар. Мумкинмас.

Биз ўтиб бораётган жой менга бегона эмаслигини, бу ерга кўп келганимни, туманнинг ҳокими яқин танишим эканини айтдим.

Барибири, гапларим ишончсиз чиқаётганга ўхшаётганини ўзим ҳам сезиб турардим...

...Кўз ўнгимда икки букланганча ёнғоқ териб, пастак де-вордан қўшниникига улоқтираётган “Гиргиттон буви” пайдо бўлиб қолгандек эди.

...Шунда дунёдаги бутун башариятни Оллоҳ яратганига, улар орасида феъл-автори, инсоф-виждони бир-бирига жуда ўхшашлари оз эмаслигига яна бир карра имон келтирдим...

Дуо қилишни биладиган одам

Маҳалламиизда мункиллаб қолган чол бўларди. Кўклам палласи чойхонанинг кучала чиқарган тол тагидаги сўрисида маҳси-калишли оёғини чўзиб, чой ичиб ўтирас, биз мактаб болалари ўқишдан қайтаётиб салом берсак, қироат билан алик олар эди:

– Во алайкум ассало-о-ом! Мулло бўлинг. Умрингиздан барака топинг! Сизнинг юз ёшга чиққанингизни кўриб ўзим қувониб юрай, бўтам!



От минишнинг қоидаси

Боботоққа борганимда қизиқ воқеа бўлган.

Ярим кечагача чўпонлар билан ҳангомалашдик. Тандиргўшт едик... Мезбонлар қоп-қора чайир бир йигитни кўрсатиб, мана шу Бўривой кийик боласини қўли билан тутиб олган, деганларида тўғриси, ишонмадим. Тошкентдан келган “оқбилак”ларга нима десанг лақиллайверади, деб ўйлашса керак-да. Одам кийикка ета оларканми?

Шунақа-ку, эртасига... Ҳаммамиз отлик, янаем тепароқ яйловга йўл олдик. Анча юрдик. Бир маҳал белга урадиган ўтлоқ ўртасидаги “қора уй” олдига келиб ҳамма отдан туша бошлади. Мен ҳам ўзимни ерга ташлаган эдим, чап оёғим узангига қисилиб қолди. Мен учун бу кулгили ҳолат эди. Қўлим ерда. Оёғим узанги билан от қорни орасига қисилиб қолган. Ҳарчанд уринганим билан чиқаролмайман. Кулиб юбордим.

Қарасам, отдан тушган мезбонлар турган жойида қотиб қолибди. Ҳаммасининг кўзида даҳшат... Ўттиз қадамча нарида турган Бўривой, ишонсангиз, тўрт ҳатлашда тепамга етиб келди. Отимнинг жиловини маҳкам чангллади. Шу орада бошқалар ҳам келишди. Оёғимни узангидан ажратиб, турғизиб қўйишиди. Йўл бўйи жимгина келган от эса, бирдан кулоқлари чимрилиб, кишинаб юборди. Бўривой жиловни қўйиб юбориши билан думини гажак қилганча, дуч келган томонга югуриб кетди.

Мен ҳамон ҳеч нимага тушунмай турардим.

– Бир ўлимдан қолдингиз, ака! – деди Бўривой ҳансираф.
– Оёқ узангига қисилиб қолса, от ҳуркади. Ҳурқдими – таомом! Осилиб қолган одамни тепиб, югураверади. Одам текки еб, тошларга урилиб, бир халта этга айланади... Яхшиям вақтида улгурдик...

Сийрак соқолли кекса чўпон эса елкамга қоқди:

– Кудойга бир ёзганинг бор экан, улим! Отқа минувдан олдин тушувни ўйлаб қўюв керак...

Томсувоқ

Қишлоқда куз палласи томсувоқ қилиш удуми бўларди. Унинг ёзилмаган қоидаси бор. Биринчидан, ҳеч ким томини ёлғиз ўзи сувамайди – ҳамма ҳашарга келади. Иккинчидан, бева-бечора, қўли қисқа хонадоннинг уйи энг биринчи галда томсувоқ қилинади. Кейин, навбатма-навбат давом этаверади...

Ўқитувчимизнинг ҳашарига кўп одам йиғилди. Уйи катта йўл ёқасида эди. Шундок, кўча четидан лойҳандак қазилган экан. Сомон, катта йўлнинг кўпчиб ётган тупрогига қовушиб, обдан юмшади. Ўқитувчимизнинг Азим ака деган қўшниси ишбоши бўлди. Бирор ҳандаққа тушиб лой солиб бериб турибди, бирор пакирлаб лой ташийди, яна бирор томда туриб, илгак билан тортиб олади, бошқаси ҳафсала билан сувайди...

Эрта пешиндаёқ ҳамма ишни қойил қилиб ташладик. Ҳовли ўртасидаги тут тагида овқатланиб ўтирасак, ўқитувчининг кекса онаси келиб қолди. (Кейин эшитсан, бир ҳафта илгари кўзи ёриган қизиникига кетган экан.) Кампир ҳассасини дўқиллатиб тўппа-тўғри ўқитувчимнинг олдига борди.

– Нима қилдинг?! – деди ўғлини саломига алик ҳам олмай. – Нима иш қипқўйдинг?!

Ҳаммамиз ҳайрон бўлиб қолдик. Муаллим ўқувчиларининг олдида, айниқса, мулзам бўлди, шекилли, қизариб кетди.

– Нима қипман, ойи? – деди кўзларини пирпиратиб.

– Дард! – Кампир ҳассаси билан ерни нуқиди. – Санга қачон ақл киради, нодон бола! – Кейин Азим акага юзланди. – Бу-ку аҳмоқлик қилишга қипти, сиз қаёқда эдингиз? Нега кўчадан лой қилдиларинг?! Кўчанинг тупрогига тегиб бўладими, нобакор! Кўпчиликнинг ҳақи-ку бу! – Бир зум ҳарсиллаб турди-да, тўсатдан йиғлаб юборди. – Ман юртнинг ҳақига сувалган том тагида турмайман! – Шундай деди-ю, супа лабига бориб, терс ўтириб олди...



Синфдошлар. Ярим асрни ортда қолдираиб...

...Хаммамиз қайтадан томга чиқдик... Сувоқ қилишдан күра лойни күчириш қийин бўларкан. Битта қолдирмай, киртишлаб, томдан туширдик. Пақирлаб ташиб, кўчадаги лойҳандакни тўлдириб кўйдик...

Орадан йиллар ўтиб, кампир кўз юмганида тумонат одам уни ўша кўчадан сўнгги манзилга кўтариб борди...

Кўча тупроғи илиқ эди... Майин эди...

Шукр қилған...

Бир синфдошим бор эди. Отаси “катта жой”да ишлар, бадавлат яшашар эди. Маҳаллада биринчи бўлиб телевизор олишган эди. Синфдошим яхши ўқирди. Еттинчи синфни битирган куни мотоциклли бўлди. Мактабни олтин медаль билан тутатди.

Йиллар ўтди. Бир куни кўришиб қолдик.

- Ишлар қалай? – десам, зарда билан қўл силтади:
- Расво! Домлам ўлгудек мараз! Кандидатлик ишимни чўзиб ётиби.

Йиллар ўтди. Тағин кўришдик.

- Ишлар қалай?
- Расво! Ўғлим кўп ичади. Кеча яп-янги машинанинг пачагини чиқариб келди!

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

- Ишлар қалай?
- Расво! Қизимнинг турмуши нотинч. Қайноаси ёмон. Судлашмоқчиман.

Йиллар ўтди. Синфдошим бетоб деб эшийтдим. Шифохонага борсам, ранги бир ҳолатда ётиби.

- Соғлиқ қалай?
- Расво! Қанд касали деган палакат адойи тамом қилди. Ўлиб-ўлмайман, тузалиб-тузалмайман!

Тавба, деб гапирай-ку, фаришталар омин деган эканми, узоққа бормади, бечора...

Яна бир синфдошим бор эди. Отаси урушдан яримжон бўлиб қайтган, тўкилиб кетай деб турган кулбада туришарди. Яхши ўқирди. Лекин медалга “илинмади”.

Йиллар ўтди. Бир куни кўришиб қолдик.

- Ишлар қалай?
- Худога шукр, яхши! Мебель фабрикасида ишләяпман. Кундузи дурадгорлик қиласман. Кечаси уч кунда бир коровулман. Яқинда велосипед олдим.

Йиллар ўтди. Тағин кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, яхши! Ўғлим ўқишини битириб, чет элга ишга кетди.

Йиллар ўтди. Яна кўришдик.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, яхши! Қизим фарзанд кўрди. Неварамга бешик олишга кетяпман!

Йиллар ўтди. Синфдошим бетоб деб эшитдим. Худди ўша, бошқа синфдошим ётган шифохонада экан. Ранги бир ҳолатда.

– Соғлиқ қалай?

– Худога шукр, яхши! Буйрак жиндай шамоллабди. Берган дардига шукр!

Яқинда уни тағин кўрдим.

– Ишлар қалай?

– Худога шукр, яхши! Тўнғич неварамнинг бўйи чўзилиб қолди. Худо хоҳласа, беш-олти йилда невара куёв кўраман. Тўйга келасан-а?!



Ҳабиба бувининг чоли

Анча йиллар бурун туман касалхонасида даволанишга тўғри келди. Шифохона ёнгоқзор боғ орасида жойлашган, аскарларнинг казармасига ўхшаган бир қаватли бино. Узун йўлак. Қатор палаталар... Бизнинг палата олти кишилик эди.

Биринчи куни кечкурун дўхтири эмлагач, қотиб ухлаб қолибман. Бир маҳал ғалати товушдан уйғониб кетдим. Кимдир деразани тақииллади. Сўнг қайсиdir дераза ғийқиллаб очилди.

– Оббо! – деди ёнимдаги каравотда ётган бемор норози тўнгиллаб. – Анави чол тағин сўфи уйғонмасдан келди! Ҳар куни шу аҳвол!

– Тузукмисан, Ҳабиба? – деган овоз эшитилди. Чолнинг қулоги оғирроқ шекилли, шангиллаб гапирарди. – Қаймоқ обкелдим. “Тирмизинг”да чой борми? Иссикқина ичиб ола қол, Ҳабиба!

Девор ортидан аёл кишининг куйманиб гапиргани эшитилди:

– Нима зарил саҳари мардонлаб, отаси? Ҳали болалар билан келардингиз. Неча марта айтаман, овора бўлманг, деб!

– Чойингни ичиб ол! – деди чол тағин овозини барабла қўйиб. – Овораси бор эканми? Бомдод намозини ўқиб келавердим-да!

Беморлар уйғониб кетди... Ҳар куни бўладиган “ҳангома”ни айтиб беришди. Чол саҳарлаб бирон тансиқ егулик кўтариб келар, то кампир “иссиққина” чой ичиб олгунча пойлаб тураг экан.

Ҳабиба буви майиздеккина бўлиб қолган, аммо икки юзи қип-қизил, нурли кампир экан. Тушлиқда чол тағин келди. Ўғли биланми, невараси биланми. Бир қўлида ҳасса. Бир қўлида тугилган белбоғ... Чол-кампир япроқлари сарғайган азамат ёнгоқ тагидаги узун ҳарракада ўтириб, узоқ сухбатлашдилар.

Шу топда иккови бир шохга қўниб турган иккита мусича-
га ўхшаб кетарди.

Бир куни кампирни ҳамхоналари – бемор қиз-жувонлар
ўртага олишди:

– Буви, чолингиз сизни нега бунча яхши қўрадилар?

Кампир бийронгина экан.

– Шунча йил бирга яшагандан кейин яхши қўради-да! –
деди ишонч билан. – Яхши қўрмай қаёққа борарди!

Бу ёқдан эркак bemorлар ҳам гапга солишди:

– Тўйдан олдин чолингиз билан неча марта свиданиега
боргансиз, буви?

– “Свидананг”ни бошимга ураманми, – деди кампир бео-
зор койиб. – Эл қатори совчи қўйиб, уйланган. Гўшангада юз
қўришганимиз...

Орадан йиллар ўтгач, ўша чол-кампирни кўп эслайдиган
бўлдим. Шунда бир ҳақиқатни англадим. Ёши ўтган сайин
одам меҳрга муҳтож бўлиб қоларкан. Шунинг учун ҳам бир-
бирига кўпроқ меҳр бергиси келаркан.



Шокир вағ-вағ

Болалик кезларим маҳаллада “Шокир вағ-вағ” лақабли чол бўларди. Икки юзи қип-қизил, полвонкелбат қария исми жисмига монанд. Тепақўрғонда беш ўғил, беш келин, йигирма-ўттиз невара-чевара билан истиқомат қилас, фарзандлари ҳам ўзига тортган, норғул, меҳнаткаш йигитлар эди. Чол табиатан беозор, дилкашгина бўлса ҳам, бир одати чатоқ эди: аччиғи чиқса, овозини баралла қўйиб: “Падарингга лаънат!” деб чунонам бақирардики, товуши етти маҳаллага эшитилар эди. Қизиги шундаки, ўз ўғилларини ҳам шунаقا деб койир, чамаси, ўзини лаънатлаётганини ўйлаб ўтирмасди.

Кунлардан бирида тоқати тоқ бўлган катта келини чолни инсофга чақирибди.

– Бўлди-да энди, дада! – дебди. – Нуқул болаларингизга “падарингга лаънат” деяверасизми?! Сиздан ўрганиб, ўғилларингиз ҳам бир-бирини шунаقا деб сўқадиган бўлиб қолди!

Шокир вағ-вағ баттар тутикашиб кетибди.

– Мен ҳам падарингга лаънатларнинг шу қилиғига ҳайронман-да, келин! – дебди шангиллаб. – Бу падарингга лаънатларга неча марта айтаяпман, “ҳой падарингга лаънат, бир-бирини “падарингга лаънат”, деб сўқмагин, уят бўлади, десам, бу падарингга лаънатлар тагин бир-бирини “падарингга лаънат”, деб сўқади-да! Оббо падарингга лаънатнинг болалари-ей!

Етти қават сўкишни Шокир вағ-вағга чиқарган, деган гап ўшандан қолган...

“Атеист”

Атеизм – худосизлик тарғиботи жуда кучайган кезлар эди. Ҳатто ўз акасининг тобутини күтариб қабристонга олиб боргани ва жаноза ўқитгани учун бир коммунистни партиядан ўчиришгача бориб етишди. “Жонажон партия”дан ўчирилиш эса қамалиш, жуда бўлмагандан, ишдан ҳайдалиш дегани эди...

Шундай кунлардан бирида олисроқ вилоятга тўйга бордик. Мени меҳмон сифатида сийлашди, шекилли, давра тўрига – туман партия раҳбарларидан бирининг ёнига ўтқазиб қўйишиди.

Орадан бир оз ўтгач, ёши улуғ бир меҳмон келиб, даврага қўшилди. Келин-куёвни дуо қилиб деди:

– Икки ёш қўша қарисин! Ували-жували бўлиб, узоқ умр кўрсин. Оллоҳу акбар!

Ҳаммамиз фотихага қўл очдик. Фақат ёнимдаги “раҳбарча” ўшшайиб ўтираверди. Ҳайрон бўлиб қараганимни кўриб, изоҳ берди:

– Мен Худога ишонмайман: атеистман!

Ростини айтсам, энсам қотди. Хаёлимга бир “шумлик” келди.

– Узр, – дедим атеистга. – Гапга чалғиб, Сиз билан тузук-куруқ сўрашолмадим ҳам. Эшик-эллар тинчми? Болачақалар чопқиллаб юришибдими? Планлар юзми?

Саволларим шу қадар табиий, самимий эдики, “атеист” қўлини кўксига қўйди:

– Худога шукур! Худога шукур! – дея бошлади.

Нарироқда ўтирган меҳмон “пик” этиб кулиб юборди. Атеист аввалига нима бўлганини тушунмади, шекилли, бир зум аланг-жаланг бўптурди-да, сўнг зарда билан ўрнидан туриб, жўнаб қолди.

Палаги нопок

Ҳали мактабга қатнамасдим. Орамизда “Елим” лақабли бола бўларди. Текканга тегиб, тегмаганга кесак отар, ҳатто ёши катта болалар ҳам ундан узокроқ юришга ҳаракат қиласади. “Елим” лақабини олишига сабаб – у отаси урушга кетганидан кейин икки йил ўтиб туғилган, онасининг айтишига қараганда, “қорнига ёпишиб қолган” экан.

Бир куни Елим ёмон иш қилди. Қаердандир ориқлаб кетган қора мушукни топиб келди. “Хозир сенларга томоша кўрсатаман”, деди-да, мушукнинг думига чизимча боғлаб, бигиллатиб, дараҳт шохига илиб қўйди. Анҳор бўйидаги тошлардан кўйлагининг этагига тўлдириб келди. Кейин бешолти қадам орқага чекиниб, мушукка тош ота бошлади. Болалардан бири “унақа қилма”, деса, “унда ўзингни тошбўрон қиласман”, деб хезланди. Елим тошларни шошилмай, узоқ мўлжалга олиб отар, мушук ҳар гал тош текканда аянчили миёвлар, типирчилаб, ўзини у ёқдан бу ёққа ташлар, аммо кутулиб кетолмас эди. Охири бечоранинг оғзидан қон кела бошлади. Биз болалар даҳшатдан қотиб, қилт этмай турар, нима қилишни билмас эдик. Бир маҳал мушукнинг кўзидан яшил олов сачраб кетгандек бўлди-да, сўнгги бор миёвлаб, тинчиди қолди...

Ўша куни рўй берган воқеани ичимга сиёдиролмай онамга айтиб бердим. Онам отамга айтган, шекилли, кечқурун адам бизни ёнига чақириб танбеҳ берди:

– Ўша бола билан ўйнасаларинг, таъзиiringни бераман! – Сўнг, бир зум ўйлаб турди-да, кўшиб қўйди. – Балки болада гуноҳ йўқдир. Палаги нопок...

Отамнинг гапини яхши тушунмаган бўлсам-да, Елимдан нарироқ юрадиган бўлдим... У еттинчи синфни битириб, бошқа ўқимади... Университетда ўқиб юрган кезларим Елим одам ўлдириб, ўн йилга кесилиб кетганини эшитдим...

Орадан анча вақт ўтди. Билмадим, ўттиз йилми-ўттиз беш йилми... Куз кечаларидан бирида дарвоза тақиллаб қолди. Чиқсан, телпак кийган нотаниш одам турибди.

– Танимадинг-а? – деди эски қадрдонлардек елкамга қўл ташлаб. – Мен... Фалончиман.

Ростини айтсам, бунақа исмли одамни эслай олмадим. Отини қайта сўраган эдим, илжайди:

– “Елим”ман!

Шундагина “эски қадрдоним” ёдимга тушди.

– Сенга бир масалада келдим, – деди мақсадга кўчиб. – Ўғлим арзимаган нарса билан қамоқقا тушиб қолди. Терговчи билан гаплашсам, жаа-а “заражат” қилиб юборяпти. Шунга бир ёрдам бериб юборсанг...

– Мен терговчини танимайман, – дедим ростини айтиб.

– Сен уларни танимасанг, улар сени танийди-ку! Сал тушсин-да, мундоқ! “Кўки”дан ўн бешта сўраяпти!

Очиғи, ўғлининг “арзимаган нарса билан” қамалганига ишонмадим. Бунақа ишларга аралашмаслигимни айтдим. Елим хафа бўлмади.

– Бўпти, сен бўлмасанг, бошқаси топилиб қолар, – деди-да, кетаверди...

Ўғлининг қисмати нима бўлганини билмайман-ку, орадан тағин беш-олти йил ўтиб, нохуш хабар эшилдим. Елим хотин, бола-чақаси билан ажрашиб, кўшни маҳалланинг чеккароқ кўчасидан ҳовли сотиб олган экан. Қиши кунларининг бирида үйига ўт кетибди. Ўт ўчирувчилар оловни ўчириб, ичкари кирса, Елимнинг куйиб кетган жасади ётганмиш. Негадир оёқ-кўли сим билан чандилаб боғлаб ташланган эмиш...

Бечорага ачиндим. Отамнинг гапи ёдимга тушди: палаги нопок...

“Разведка”

(Жангчи тоғамнинг “ишонса ҳам бўлаверадиган”
ҳангомаси)

Урушда Берлингача бориб, яримжон бўлиб келган тоғам бўларди. Ҳаммани “болам, бўтам” деб гапирав, шириңсўз, жуда хушчақчақ одам эди. Аммо уруш ҳақида гапиришни ёқтирумасди. Биз болалар “Урушни айтиб беринг”, десак, “Қўй, болам, у кунларни эсимга солма”, дерди. Фақат бир марта ҳол-жонига қўймаганимиздан кейин ажойиб ҳангомани ҳикоя қилиб берган.

– Қирқ бешинчى йилнинг апрел ойи, Берлинни ана оламиз-мана оламиз, деб турилган кезлар эди. Бир куни палковникнинг лична ўзи “Лейтенант Абдусаматов, сенга муҳим топшириқ бор, бу Генштабнинг буйруги”, деб қолди. Аскарларимиз Одер дарёси бўйидаги кичик бир шаҳарча остонасида турар, шаҳарнинг бир қисми қўлимизга ўтган, бир қисми душманда қолган эди. “Тонг қоронғусида шаҳарга кириб, қайси кўчада немиснинг қанча танки, қанча замбарамги борлигини билиб келасан”, деди. “Ўртоқ полковник, мен разведкачи эмасман, алоқачиман”, десам, “Буйруқ муҳокама қилинмайди, бажарилади!” деб бақириб берди. Кейин ётиғи билан тушунтирди. “Сен билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди, башаранг ҳудди немисникига ўхшайди: кўзинг кўк, сочинг сариқ”, деди. “Шунаقا-ку, немис тилида бир оғиз ҳам гапиролмайман-да”, десам, “Зарари йўқ, сен соқов немис бўласан”, деб эгнимга штандартенфюрер либосини кийгишиб қўйишиди.

Шундай қилиб, десанг, “штандартенфюрер” бўлиб шаҳарчага кириб бордим. Полковник тўғри айтган экан. Кўп уйлар вайрон бўлган, ит эгасини танимайди. Ҳар ким ўз жонини асраб қолиш пайида. Бирор у ёққа югуради, бирор бу ёққа... Ярим соатча юргандан кейин анча дадил тортдим. Танк, пушка деган нарсалар кўринмайди. Аммо кўчанинг

икки четидаги олмалар шунаقا чиройли гуллабдикі, одамнинг ҳаваси келади. Шунга маҳлиё бўлиб кетаётсан, бафармони Худо, ердан чиқдими, осмондан тушдими, шундоқ рўпарамдан немис генерали чиқиб қолса бўладими?!

Савлатидан от хуркийди, лаънатининг! Тиззаларим қалтираб, таққа тўхтаб қолдим! Нима қилишни билсам, ўлай агар! Бу ёфи нима бўлганини ўзим билмайман! Қўлимни кўксимга қўйиб “Ассалому алайкў-ў-ўм”, деб юборибман! Генерал ҳам тўхтаб қолди. Ҳозир отиб ташлайди деб ўйлаб, ўзим ҳам тўппончамга қўл юбордим. Шунда ғалати иш бўлди. Генерал киройи одоб билан “Ва алайкум ассалом!” деса бўладими?!. Бақа бўпқопман! Карасам, ёнида адъютанти йўқ! Овозини пасайтириб, “Сиз ҳам ўзбекмисиз?” деди. “Худди шундай, эсе-е-ер генерал!” деган эдим, “Шаҳар парки ичида тўртта “Фердинант” танки, черков ёнида бешта замбарак бор. Душманнинг асосий қисмлари шаҳар ғарбида”, деди-да, йўлига кетаверди. Эртасига билсам, “генерал” ҳам ўзимиз қатори лейтенант, қўшни қисмда хизмат қиласидиган разведкачи экан.

Урушда шунақаси ҳам бўптуради, жиян!..



Менинг “самарска” биродарим

Бундан бир неча йил аввал денгиз бўйига дам олишга борган эдим. Бир куни тушлик пайтида нариги столда ўтирган ёши улуғроқ киши менга қараб-қараб қўяётганини кўриб, ҳайрон бўлдим.

Тушликдан чиқсан, бояги одам ошхона рўпарасидаги харракда ўтирибди.

– Кечирасиз, сизни бир минутга мумкинми? – деди.

Ёнига бордим. Қўл олишиб сўрашгач, қаердан келганимни сўради.

– Тошкентдан, – деган эдим, қайтадан кўришди.

– Бешёғоч жойидами? – деб сўради.

– Жойида.

– Мачит-чи? Мачит ҳам борми?

Аввалига бу одам қайси мачитни сўраётганини тушунмай турдим-да, сўнг англадим: Абулқосимхон мадрасасини гапирияпти. Мадраса ҳам жойида эканини айтдим.

– Хайрият! – деди сухбатдошим енгил тортиб.

– Сиз мадрасани қаердан биласиз? – деб сўрадим.

– Мен “самарскаман”. Исмим Виктор Алексеевич, – деб таништирди ўзини. – Ҳозир Ставрополда яшайман. Ўттизинчи йиллари Самара губерниясида авж олган очарчилик туфайли минглаб одам Тошкентга ёпирилиб борган. Неверовнинг “Тошкент – нон шаҳри” китобида тўғри ёзилган.

– Кейинчалик ўзбек режиссёри Шуҳрат Аббосов шу китоб асосида фильм ҳам яратган, – дедим эслатиб.

– Кўрганман. Ажойиб фильм, – деди ҳамсұхбатим.

Ёш болалик пайтимда одамларни кўп безор қилган “шпаналар” ҳақидаги вахимали гаплар қулогимга чалинган эди. Шу эсимга тушиб, юмшоқроқ қилиб сўрадим:

– “Самарскалар” Тошкент бозорларини бирпасда “шмон” қилиб ташлаган, дейишади. Шу гап ростми?

– Рост! – деди ҳамсұхбатим. – Русларда бир мақол бор. “Голод – тебе не тётка” (“Очлик – катта холанг эмас!”) Кўз

олдингда онанг ёки отанг очликдан шишиб ўлганини кўргач, ҳеч нимадан тап тортмайдиган бўлиб қоларкансан. – Виктор Алексеевич ўйга толди. – Тошкент чиндан ҳам нон шаҳри экан. Ҳаммамизнинг жонимизга ора кирди, меҳмондўст, бағрикенг ўзбек халқи олдида қарздормиз.

– Мачитни нега сўрайпсиз? – десам, суҳбатдошим бир зум сукут сақлади.

– Отам йўлда кетаётиб ўлган эди. Тошкентга борганимизда етмишга яқин оилани мачитга жойладилар. Онам иккаламиз ўн йилдан ортиқ ўша ерда яшадик. Қизиги шундаки, мачитдаги хоналар ёзда салқин, қишида иссиқ бўлар, печка ёқишининг ҳам кераги йўқ эди. Шундай иншоотни бунёд этган ота-боболарингизга таъзим қилиш керак. Тошкент бизнинг иккинчи ватанимиз бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам сиз билан землякмиз десам, хато бўлмайди.

Хуллас, “самарска” биродарим билан таътил тугагунча кўп бор ҳамсуҳбат бўлдик.

Чор Россияси Тошкентни босиб олмасидан олдин бунёд этилган Абулқосимхон мадрасасида ўз вақтида минглаб толиби илмлар таҳсил олган. Мўътабар зоти шариф Абулқосимхон эшон 1892 йили Тошкентда “вабо қўзғолони” бошланганида, мустамлакачилар армияси эски шаҳарга бостириб кириб, қирғин бошламоқчи бўлиб турганида ўша пайтдаги генерал-губернатор ҳузурига кириб, бу хунрезлини тўхтатишга кўндирган эканлар.

Ўтган асрда ҳам бу даргоҳда Абдулла Қодирий, Фитрат, Мунаввар қори Абдурашидхонов каби улуғ сиймолар таълим олган.

Мадраса очлик-муҳтоҷлик важидан олисдан юртимизга келиб қолган ўнлаб оиласаларга узоқ йиллар беминнат бошпа-на бўлган.

Худонинг қудратини қарангки, имонсизликни шиор қилиб олган шўролар давлати юртимиздаги юзлаб мачит ва мадрасаларга ўт қўйган, портлатган, ҳатто чўчқахонага айлантирган кезларда ҳам бу обида вайрон бўлиб кетмаган...

Шуларни ўйлаганимда денгиз бўйида танишганимиз “самарска” биродаримнинг “Шундай бинони бунёд этган ота-боболарингизга раҳмат”, дегани эсимга тушаверади...

Буюк аждодларимизнинг охирати обод бўлсин!

Бақачорсуниңг гүжаси

Бундан анча йил илгари телевидениеда “Баҳс” деган күрсатув бўлар эди. Нон уволидан қўрқиш, оилани муқаддас санаш, баъзи соҳалардаги ошна-оғайнигарчиликка чек қўйиш заруратига оид, маънавий қадриятлар ҳақидаги ошкора баҳслар кўпинча тўғридан-тўғри эфирга узатилар, шундан бўлса керак, “Баҳс”нинг мухлислари кўп, айrim кўрсатувларга минглаб хатлар келар эди.

Киши кунларининг бирида “Баҳс”да фаол иштирок этувчилардан бир гурухини томошибинлар билан учрашув ўтказиш учун Кўқонга таклиф қилишди. Улфати чор бўлиб поездга ўтиридик-да, “Қайдасан, Кўқон?!” деб жўнадик. Ёши улуғимиз – машхур фольклоршунос олим Малик Муродов.

Халқ оғзаки ижодининг бебаҳо дурданаларини умр бўйи тўплаган атоқли олим Музаяна Алавиянинг шогирди Малик Муродов ўз соҳасининг чуқур билимдони, ниҳоятда дилкаш, бағрикенг инсон эди. Малик ака билан Қурама тоғларидан тортиб Муборак чўлларигача кўп жойларда бўлганмиз. Ҳамма ерда бу инсонни самимий хурмат билан қарши олишганини кўрганман. Яна бир дўстимиз – таниқли шоир Тўлқин (Имомхўжаев) билан университетда кетма-кет ўқиганмиз. Тўлқин аканинг ўзи ҳам, шеърияти ҳам беғубор, камсуқум ва тиниқ истеъдоди кўриниб турар эди. Яна бир олим – Ғаффор Мўминовнинг Ҳамза Ҳакимзода ижодига бағишлиланган анча китобларини, Ойбек, Миртемир каби устозлар ҳақидаги мақолаларини ўқиган бўлсан-да, ўзи билан яқиндан таниш эмасдим. “Одамни билмоқчи бўлсанг, ё кўшни тур, ё сафарга чиқ”, деганлари тўғри. Ғаффор ака чеҳраси ёруғ, кўзи кулиб турадиган, камтарин, мулойим табиатли киши экан...

Хуллас, тўртовлон ҳамроҳ бўлдик. Ҳазил-хузул, аския авжига чиқди...

Поезд Кўқонга саҳарлаб кириб бораркан, шунда бир масалада хомлик қилганимизни англадик. Учрашув соат ўн

бирга белгиланган. Биз эса поездда келишимизни айтмаган-миз. Бу ёқда совук қақшатиб турибди, у ёқда кечаси деярли уйқу бўлмаган. Шунда Малик Муродовдан жўяли маслаҳат чикди: “Юринглар, Бақачорсуга бориб, гўжа оши ичамиз! Кўқонда гўжани боплашади!”

Бақачорсу бозори уччалик узоқ эмас экан. Чиндан ҳам саҳармардондан бозор гавжум, шовқин-сурон... “Гўжани қаерда сотади?” десак, ҳамма елка қисади. Шу пайт ўрта бўйли, тиниқ юзли бир йигит рўпарамиздан чикди-ю, минг йиллик қадрдондек ҳаммамиз билан қучоқ очиб кўришди. “Бир пиёла чой ичиб кетиш”га ундади. Малик ака имо қилган эди, “дардимиз”ни тушунтиридим.

– Чой шарт эмас, укажон, бир қошиқдангина гўжа ичмоқчи эдик...

– Бизда-да ўша сизлар сўраган таом! – Йигит шундай деди-да, яп-янги “Жигули” машинасини рўпара қилди. Тўртовимизни ўтқазиб олди.

Аниқ кўз ўнгимда турибди. Торгина, аммо ниҳоятда озода, қорлари кураб бир туп азamat дарахти тагига уйиб кўйилган ҳовлига, сўнг дид билан безатилган, исириқ ҳиди анқиб турган шинам хонага кирдик. Мезбон бир зумда дастурхонни тўлдириб ташлади. Ҳеч фурсат ўтмай иссиққина мастава ҳам келди. Малик ака маставани мақтаб-мақтаб ичаркан, “Кўрасизлар, Кўқоннинг гўжаси бундан ҳам зўр бўлади”, дейди...

Шунда мезбон мени секин имлади. Йўлакка чиққанимизда, сўради:

– Домла, гўжа деб нимани айтияпсизлар?

– Бўлди, керакмас, укажон! – десам ҳам барибир унамади. Шунда тушунтиридим:

– Оқ жўхорини туйиб қилинадиган таом бор-ку, ўшани айтишяпти.

Мезбон самимият билан қотиб-қотиб кулди:

– “Кўча ош” демайсизми, домла! Бизда уни “кўча ош” дейдилар!

Эътиroz билдиришимизга қарамай, бир оздан кейин худди ўша Малик ака мақтаган “гўжа” ҳам муҳайё бўлди...

Мезбон қўярда-қўймай ўзининг дўконига олиб кирди. Ўша пайтда удум бўлган саноат моллари дўконида мудир

бўлиб хизмат қилас экан. Ҳар биримизга бир кийимлик атлас ўраб берди. Пулини берсак, “Кўқонликлардан тошкентлик янгаларга совға”, деб туриб олди... Ундан ҳам қизиги – исми шарифини сўрасак, қатъян бош чайқаб, айтмади:

– Тошкентга борганда ўзим сизларни топиб оламан. Худо хоҳласа, ака-ука бўлиб қоламиз.

Орадан анча йиллар ўтгач, устоз Озод Шарафиддинов билан Кўқон яқинидаги Рапқон сиҳатгоҳида ёз палласи оиласвий дам олдик. Шу баҳона қўқонлик яна бир адабиёт мухлиси Охунжон ака билан қадрдан бўлиб кетдик. Бир гал Охунжон акага бизга шунча ҳиммат кўрсатган ўша йигит ҳақида сўзлаб бердим. Иккаламиз уни излаб Бақачорсу бозорини айландик. Бозор ҳамон гавжум, дўконлар яна кўпайган эди. Бироқ эски биродаримизни тополмадик. Охунжон ака барибир уни излаб топишга ваъда берди...

Яна талай фурсат ўтгач, хушхабар айтди:

– Ўша йигитни топдим! Исми Солижон экан. Ишлари зўр! Ҳаммангизга салом айтди...

Истеъдодли адиб ва кинорежиссер Учқун Назаров бир вақтлар Кўқон театрида бош режиссер бўлиб ишлаган ва бу шаҳарнинг одамлари ҳақида шундай деган эди:

– Кўқонликлар охириги кўйлагини сотиб бўлса ҳам меҳмоннинг кўнглини олмасдан қўймайди! Дунёда кўқонликлардай меҳмоннавоз халқ йўқ!

“Бақачорсу” ҳангомаси, нотаниш қадрдонимиз бу фикрни тўлиқ тасдиқлайди.



Оппоқхўжа аканинг боғи

Сижжакда Оппоқхўжа ака деган қадрдонимиз бўларди (охирати обод бўлсин). Нихоятда бағрикенг, ширинсўз одам эди. Домла Баҳодир Ғуломов, Абдуғафур Расулов, мен деярли ҳар йили ёз пайти дам олишга чикар, кундузи Чорвокда чўмилиб, ҳафта – ўн кун Оппоқхўжа аканинг боғида ётиб дам олар эдик. Энг қувончлиси – боғда булбул бор эди. Тонг отар-отмас хониш қиласар, биз булбулнинг сайрашига маҳлиё бўлиб ором олардик...

Бир сафар дам олишга кечикиброқ – ёзнинг ўрталарида бордик. Бу сафар негадир булбул сайрамади. Тонг отгач Оппоқхўжа акадан сўрадим:

- Булбул кетиб қолдими?
- Йўқ, – деди Оппоқхўжа ака. – Булбул бор. Аммо энди сайрамайди: бола очди.

Узоқ ўйга толдим. Аллоҳнинг қудратини қаранг, фақат инсонга эмас, оддий паррандага ҳам шунча меҳр берган экан...



Лафз

Тошкентда Мамат акани танимаган одам йўқ эди. Халқ ҳофизи Мұхаммаджон Каримов борган тўйга айрича файз кўнарди. Ёши бир жойга бориб қолган, ихчам гавдали ҳофиз мумтоз ғазалларни шу қадар теран тушуниб, шу қадар тиник овозда айтар эдики, тингловчилар беихтиёр сехрланиб қоларди.

Мен Мұхаммаджон Каримовнинг сўнгти қўшигини эшитганман. Қай бир йили Хумсонга дам олишга бордик. Мамат аканинг ўн ҷоғли улфати ҳам оромгоҳ яқинида Угам дарёси бўйидаги чойхонада маскан тутиб, бир-икки ҳафта дам оладиган одати бор экан.

Бир куни оромгоҳдаги дам олувчилар илтимоси билан Мамат ака концерт берадиган бўлди. Очиқ майдонда юзлаб одам тўпланган. Ҳофиз икки-уч қўшиқдан сўнг Фузулий ғазалини айта туриб, ҳушидан кетиб қолди. Уч кундан кейин...

...Мамат аканинг ҳамма биладиган ажойиб одатлари бор эди. У “закалат-пакалат” деган сўзни бирон марта оғзига олмаган. Қаерга борса, сидқидилдан хизмат қилган. Бир тўйни чала ташлаб, иккинчисига юргумаган. Тўй эгаси ҳақ берса, олган, бермаса, дуо қилган. Башарти тўй қилаётган кишининг қўли қисқароқлигини пайқаб қолса, тўпланган пулни ҳам “тўяна” деб ташлаб кетган...

Энг муҳими – “Мамат аканинг темир дафтари” эл аро машҳур эди. Дейлик, маҳалланинг ямоқчиси тўйга айтиб келди. Ҳофиз “темир дафтари”ни варақлаб кўрган ва ўша куни бўш бўлса, “Худо хоҳласа, албатта хизматда бўламан”, деб дафтарига ёзиб қўйган. Иттифоқо, ярим соатдан кейин бирон катта мансабдор ёки донғи кетган бойвачча келиб қолади-ю, худди ўша куни тўй қилаётганини айтиб, таклиф этади. Ҳофиз: “Иложим йўқ, бир одамга ваъда бериб қўйганман, сўзимдан қайтмайман”, деб рад этади. Ҳеч қандай илтимос, ҳеч қанча пул, ҳеч қандай дағдаға ўтмайди! Вассалом!

Бунинг отини лафз дейдилар!



Олтинчи боб

Чайхона шуруни



Сиёсий ҳушёр раис

1968 йили ҳазрат Навоий туғилганининг 525 йиллиги нишонланди. Мөхмонларга дастёрлик қилиш ўша кезлари университетни янги битирган бизга ўхшаш ёш қаламкашлар зиммасига юкланди. Менга Украина билан яна бир гурух топширилди. Украинадан келган мөхмонларнинг бошлиги таникли драматург Яков Баш экан. Унга ажратилган хонага киришимиз билан мендан биринчи сўраган саволи бу бўлди:

- Тошкентда нечта ўзбекча мактаб бор?
- Ўзбекча мактаб кўп, – дедим ростини айтиб.
- Тахминан қанча? Беш-олтига борми? – деб такрор сўради мөхмон.

Жиндай ғашим келди.

- Нега беш-олтига бўларкан, Тошкентдаги мактабларнинг ярмидан кўпида миллий тилда ўқитилади!
- Унда яхши экан, – деди Баш, – фалон республика пойтахтида (қўшни республикалардан бирини айтди) миллий тилда дарс ўтиладиган мактаб битта қолибди. Фақат битта! Бошқа ҳаммаси “русскоязычный”!

Украиналик мөхмон жуда жиддий масалада куйиниб гапираётганини англадим. Тўғри, бизда ҳам иложи борича ўзбекча дарсларни камайтириб, “улуғ” тилга кўчириш одати бор эди-ку, аммо қўшнимиздаги каби фожиали даражага етмаган эди. Аммо “Лағмонхона” деган сўзга айримларнинг тили келишмагани учун “Лагманная” деб ёзиб қўйишлар, кинотеатрлар, боғ ва хиёбонларни ёппасига улуғ инқилобчилар номи билан аташлар, ҳар қандай мажлисни рус тилида олиб боришлар авжига чиққани ҳам бор гап эди.

Шундайлардан бирига ўзим гувоҳ бўлганман. Устоз Сайд Аҳмад ака бошлиқ бир гурух адаб ва шоирлар бир вилоятга бордик. Колхозчи-дехқонлар ҳаётини “ўрганиш” учун катта-кичик залларда учрашувлар қилиш одат тусига кирган эди.

Хуллас, донғи кетган хўжаликлардан бирида галдаги учрашув бўлди. Хўжалик раиси “тўй ичидаги чалларни ҳам

ўтказиб юборадиганлар” тоифасидан экан, ижодий учрашувни ҳисобот мажлисига айлантириб юборди. Кейинги йилларда колхоз эришган ютуқлар ҳақида узоқ гапирди. Фақат бир камчилиги – рус тилини билиш масаласида “мундайроқ” экан.

– Тавариш калхозники! – деди бақириб. – Пilon хлопка гатоп. Пilon маса гатоп! Пilon кокана гатоп! Пilon живот – дея шу ерда тутилди.

“Живот... живот...” деди-ю, “животноводства” деган сўзга тили келишмай терлаб кетди, шўрлик! Мен ёнида ўтирган эдим. Секин билагидан тутдим:

– Ўзбекча гапираверинг, раис бува, залда ўтирганларнинг ҳаммаси ўзбек-ку!

– Иби! – деди раис бош чайқаб. – Бу ерга шоли биргад бошлиғи тавариш Пак ўтирибди.

Ўртароқ қаторда ўтирган пастаккина бўйли йигит дик этиб ўрнидан турди.

– Ўзбекча гапираверинг, раис бова, – деди овозини барагла қўйиб. – Мен ўзбекчани яхши биламан.

Раис яна бош чайқади:

– Бу аписални сабрани, пиратакол ёзилопти!

Начора! Тағин ярим соат “сиёсий ҳушёр” раиснинг алмойи-жалмойи гапларини эшишишга мажбур бўлдик.



Носқовоқ

- Саксонбой ота! Ойниса бувим анчадан бери күрин-майдилар. Яхши юрибдиларми?
- Юрған бўлса керак. Қизиникига кетган.
- Нега кетадилар?
- Носқовоғим йўқолиб қолган эди. Шуни сен йўқотгансан, деб дўқласам, “Сизга мен керакми, носқовоқми”, деб гап қайтарди. “Носқовоқ керак!” десам, аразлаб қизиникига ке-тиб қолди...
- Ие, чатоқ бўпти-ку! Кампиингизсиз қийналиб қолгандирсиз?
- Қийналишга қийналдим. Келинимга “Таҳорат суви иси-тиб бер”, деёлмасам...
- Носқовоқ топилдими, ахир?
- Топилди. Белбоғимга туғиб юрган эканман.
- Бўпти-да! Бувини обкемайсизми энди?
- Йўқ! Йигит кишининг гапи битта бўлади: менга носқо-воғим керак!



Ақллилик балоси

– Биласан, ўртоқ, мен ёшлыгимдан отни яхши күраман. Шу... кейинги пайтда отим күп касалланадиган бўлиб қолди. Мол дўхтири муолажа қилса, анча ўзига келади-да, кейин тагин мазаси қочади. Ҳайронман, отим күп оғрийди-ю, эшагимга бало ҳам урмайди...

– Нимасига ҳайрон бўласан! Жониворлар ҳам одамга ўхшайди. От – ақлли жонивор, кўп ўйладиди. Эшак эса гирт аҳмок. Шунинг учун касал ҳам бўлмайди!



Уволига қоламиз

(Жияним Рустамнинг ҳангомаларидан)

Кўп йиллар сидқидилдан хизмат қилган эски “Москвич” машинамни миниб бораётиб, ҳовлимизга ярим чақирим қолганида йўл қоидасини буздим – катта кўчадаги узлуксиз чизиқни кесиб ўтдим. Ердан чиқдими, осмондан тушдими, ДАН ходими таёгини кўтариб, “тўхта” деб имо қилди. Шундагина эрталаб ишга кетаётганимда кийимими алмаштирганим, ҳайдовчилик гувоҳномам бошқа костюмимнинг чўнтағида қолгани эсимга тушди. Кўрмаган киши бўлиб, тўхтамай кетавердим. Ходим чуриллаб хуштак чалди. Қарасам, аҳвол чатоқ. Ўттиз-қирқ қадам нарига бориб машинани тўхтатдим. Ўнг эшикни очиб, овозим борича бақирдим:

– Бу ёқقا келинг! Тезроқ келинг! – Эшиқдан қўлимни чиқариб имо қилдим. – Келинг, деяпман!

ДАН ходими иккиланиброқ яқин келди.

– Нима гап? – деган эди, баттар ҳовлиқтиридим:

– Ўтилинг, тез ўтилинг!

Ходим беихтиёр олдинги ўриндиққа ўтирди.

– Нима бўлди? – деди ҳеч балога тушунмай.

– Чатоқ бўлди, укажон! – дедим бош чайқаб. – Ҳозир етиб бормасак, бир бегуноҳнинг уволига қоламиз. – Шундай дедиму машинани мингга қўйиб ҳайдаб ҳовлимиз дарвозасига етиб келдим. – Бир минутга, – дедим-да, уйга кириб ўн дақиқача йўқ бўлиб кетдим. Нариги кийимдаги “правам”ни чўнтақка солиб ташқари чиқдим. ДАН ходими ҳамон машинада ўтирас эди.

– Сиз дўхтирмисиз? – деди хавотирланиб. – Оғир беморингизнинг ҳаёти хавф остидами?

– Йўқ, – дедим ростини айтиб. – Мен математикман. Ҳаёти хавф остида қолган “бемор” ўзим эдим. “Захар танг қилиб” қовуғим ёрилиб кетай деб турган эди. Яхши йигит экансиз, савобга қолдингиз.

Ходим нима дейишини билмай нуқул кипригини пирпиратади.

– Энди, укажон, гап бундай, – дедим ётиғи билан. – Кутлуг уйдан қуруқ кетма, деган гап бор. Ўзиям тушлик пайти бўпқолди. Бирга “абед” қиламиз.

Мехмонни қўярда-қўймай уйга олиб кирдим. Келинингиз мастава қилган экан. Сузиб келди. Йигит овқатдан уч-тўрт қошиқ олгач, бирдан миясига “тепди” шекилли, кўзимга синчиклаб тикилди:

– Менга қаранг, ака, – деди. – Ростини айтинг. Ҳали мен тўхтатганимда “права”нгиз ёнингиздамиди-йўқми?

– Э, укажон! – дедим кулиб. – “Правам” ёнимда бўлса мени “захар танг” қилмасди, сиз тушликни “исталавой”да қилган бўлардингиз!

Йигит одамоҳунгина экан, маза қилиб кулди... Ўшандан бери қачон кўчада кўришиб қолсақ, мен эски “Москвич”имнинг сигналини чаламан, у қўл силтаб саломлашади...



Сериал

- Тинчликми, Асадбек? Машинанг жиндай авария бўпти, деб эшитдик?
- Шунаقا бўлди... Шу сериал деган нарсани қайси аҳмоқ ўйлаб топган, а?
- Ўзингга зиён-заҳмат етмадими, ишқилиб? Чўлоқланиб юрибсан?
- Оёғимни қўявер. Эчким ўлиб қолди.
- Ие, нега ўлади?
- Хотиним аразлаб онасиникига кетди!
- Нега аразлайди?
- Телевизорим синди. Ўзиям сандиқдек келарди!
- Нега ўзидан-ўзи синади?
- Жуда эзма-чурик экансан-да! Айтяпман-ку, сериални қайси аҳмоқ ўйлаб топган? Хотиним – “сериал жинниси”! Ҳар куни кечқурун телевизор рўпарасига ўтириб олиб “сериал” кўради. Икки йилдан бери ахвол шу! Ўтган ҳафта кечга томон бозорга тушгандик. Ҳар қадамда “ҳой, сериалим бошланди, тезроқ бўлинг!” деб биқинимга туртади. Машинага ўтириши билан: “Тезроқ юринг, ўн беш минут қолди”, деб яна қисталант қилди. “Мингга қўйиб” ҳайдаб кетаётсам, палакат босиб, аллақандай велосипед минган бола лип этиб олдимдан чиқиб қолса бўладими? Машинани четга бурган эдим, йўл ёқасидаги дарахтга урилиб, ўнг қанот билан чироқ дабдала бўлди. Аксига олиб бирпасда ДАН назоратчиси етиб келди. Назоратчи “протокол” тўлдириб, нуқул мени сўроқ қиласди. Хотин эса: “Ана, сериалимнинг ярми ўтди, ана, ҳализамон тугаб қолади”, деб хархаша қиласди.

Уига алламаҳалда етиб келдик. Мен машинани таъмирлашга шунча пулни қаердан оламан, деб жоним халак, хотин эса: “Сизнинг машинангизни деб сериал кўролмадим, Сония хоним эридан ажрашдими-йўқми, энди қандоқ биламан?” деб нолийди.

Ўзинг биласан, ўртоқ. Шаҳар жойда мол боқишиң қийин. Биттагина эчкимиз бор эди. Яхшими-ёмонми, бир куни-мизга яраб турувди. Хотинга: “Эчкидан хабар олмайсанми?” десам, “Битта кўтириш эчки деб нуқул мени овора қиласиз, Сония хонимнинг эридан баттар золимсиз”, дея жаврай-жаврай ҳовли этагига кетди. Бир маҳал “Вой, эчки бўлмай адо бўлсин, арқонига ўралашиб ҳаром ўлиб қопти”, деб кириб келяпти. Югуриб кетаётсам, мени юпатди. “Кўяверинг, бош-кўзингиздан садақа, сериалдаги Усмонбейнинг юлдузга сапчидиган саман оти ўлганида, битта эчки нима бўпти”, дейди!

“Мана сенга Усмонбей! Мана сенга Сония хоним!” деб, телевизорни икки қўллаб кўтарганча улоқтириб юборганимни биламан!.. Падар қусур зилдек оғир экан, нақ оёғимга тушса дегин!

Хотин “нимади, нимади кўйди?” демайди. “Энди сериалнинг давомини қандай кўраман?” дейди. “Сериални энангникида кўрасан!” деб бақирган эдим, аразлаб онаси-никига кетворди!

– Оббо! Чатоқ бўпти-ку, Асадбек! Майли, сикилма. Хотининг қайтиб келади. Келмай қаёқقا борарди? Сериал тамом бўлганидан кейин эри, уй-жойи борлиги эсига тушиб қайтиб келади. Уч йилдами, тўрт йилдами, майли-да!





“Хар бир асарым – дардим маҳсули” (2007)



Мутолаа (1971)



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор билан (1980-йиллар)



'Шарқ юлдози' жамоаси янги сон муҳокамасида. Тик турғанлар (чапдан): Исақон Султон, Икром Отамурод, Нуруллоҳ Мұхаммад Рауфхон, Юсуф Абдулло, Әртиқ Абдуллаев, Муроджон Мансур. Үтирганлар: Үткір Ҳошимов, Омон Аухтор, Тоҳир Малик (1985)




Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Умарали Норматов билан дилдан сұхбат (1990-йиллар)



Сенглик – дастурхон, китоблар – неъмат.
Жодкорлар табиат қүйинда (Нурота, 1997)



Стоз Озод Шарафиддинов бошчилигидаги гурух билан ижодий сафарда
1990-йиллар)



Сұз ила оқанғ қовушганида... (1990-йиллар)



Іжодий учрашув олдидан. Чапдан: Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ықубов, жокдорлар Нормурод Нарзуллаев, Эркин Аззам, Мурод Мұхаммад Дұст, Әмөн Матжон, Умарали Норматов билан (1990-йиллар)



Ҳазрати Имом (Ҳастимом) зиёрати: Үткір Ҳошимов, Иброҳим Гафуров,
Әрқин Воҳидов, Умарали Норматов, Иқбол Мирзо, Абдуғафур Расулов,
Ҳамидулла Болтабоев (2008)



Ҳамкаш вә дүст Носир Фозилов билан (1989)



Юттахт миллий бояи. Ёзувчи ижодкорлар – адабиётшунос олим Иброҳим Ҳафуров, шоиралар Шарифа Салимова, Ойдин Ҳожиева, рассом Ортиқали Ҳозоқовлар даврасида (2002)



Ўзбекистон Қаҳрамони Сайд Аҳмад адабининг ижод ва ҳаётдаги устози эди (2001)



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили
(Омбудсман) Сайёра Рашидова билан халқаро анжумандада (Бангладеш, 1999)



Бангол велорикшасида (1999)



Вилоятларга сафар (1991)



Учрашувдан сұнг... (1990-йиллар)



Ўзбекистон телевидениеси орқали
амойиш этилган “Баҳс” кўрсату-
уни мухлислар ҳануз эслайдилар
1983)



Алимардон Тўраев – “Баҳор қайт-
майди” видеофильмидаги роли билан
элга танилган Ўзбекистон халқ
артисти Лутфулла Сабдуллаев билан
богда сұхбат (2006)



Іжодкорлар гурунги. Чапдан: Хуршид Дўстмуҳаммад, Ўткир Ҳошимов, Эркин
Юхидов (2003)



Азиз дұст Тұлқын Расулов билан (1970-йиллар)



Моҳир таржимон Низом Комилов ҳамда ёзувчи Мурод Муҳаммад Дуст билан (1980-йиллар)



Қадрдоң құдаси Үрфон Отажон, қайнукасі Турғунжон, набираси Фахриәр билан (2010)



Набираси Ҳумоюн билан (2001)



Набираси Мұхаммадәр билан (2001)



Умр ўўлдоши Ўлмасхон ая, ўғли Фарруҳ, келини Нодирахон ва набиралари билан
(2001)



Набираси Шоҳруҳ билан (2009)



Набираси Диљоромхон билан (2011)



Оға-инилар, қадрдоңлар (үртa қаторда адебнинг ақалари Эркинхон ва Тўлқинхон, 2001)



Адаб оиласи Озодахон ая билан (2010)



Бебақо хазина – фарзандлар, набиралар... (2011)



“Додажон, мен билан футбол ўйнайсиз!” (2011)



“Эй жуфтى ҳалолим, не ғамимиз бор...” (2001)



Сүнгги суратлардан

Ҳаётни ўрганиш

(Рассом дўстим айтиб берган ҳангома)

Чиллалик куёвман. Келинингиз дидликкина чиқиб қолди. Замонавий. Энг яхши фазилати – вақтни тӯғри тақсимлайди.

Масалан, худди қўнгироғи бураб қўйилган соатдек роппа-роса еттида уйғонади. Бир ярим соат тошойна олдида ўтиради. Тароқ билан упани, қалам билан бўёқни шунақаям чаққон ишлатади, шунақаям чаққон ишлатади!

Кейин роппа-роса тўққизда мени бекатга етаклаб чиқади. Фаросатнинг зўрлигини қаранг. Трамвай тўққиздан уч минут ўтганда келишигача билиб олган, барака топкур.

Унинг ишхонасига – ательега етиб борамиз. Шундоққина бикинида қаҳвахона бор. Ўша ерда нонушта қиласиз. Келин деганни куруқ нон-чой билан боқиб бўлармишми? Аччиққина қаҳва, ёғлиқкина қаймоқ, юмшоққина пироженое, зар қофозли шоколад бўлмаса, кўнгли тўлмайди. Кейин у ишига кириб кетади. Мен ҳаллослаб Рассомлар уюшмасига югурман.

Роппа-роса соат иккода ошхонага етиб боришм керак.

Ўртоқларим масхара қилгандай кетимдан қараб қолишади. Кулса-кулаверсин, менга нима. Куёв деган келин билан бирга овқатланмаса, томогидан овқат ўтармишми?

Кечқурун ҳам шундай. Роса соат еттида яна ательега йўл оламан. Кейин ресторонга кириб, алла-паллагача ўтирамиз. Келинингизнинг айтишига қараганда, уйда овқат пиширгандан кўра ресторанда меҳмон бўлиш соғликка фойдали эмиш... Шанба-якшанба кунлари магазин айланиш. Энг “модний” кийимлар сотиб олиш...

Хуллас, ҳаммаси рисоладагидек кетаётган эди-ю, бу ёғи чўнтақда шамол ғириллайдиган бўлиб қолди.

Тўйдан бўён опам уч марта келиб киримизни ювив кетди. “Деразаларнинг чангини қара, ким айтади келинлик уй деб”, деди койиб. Койиса койийверсин! Энди дераза артаман деб учинчи қаватдан тушиб кетсинми келин бечора!

Шундай дейман-у, опамнинг бир маслаҳати маъқул келиб қолди. “Бу кетишда пул етказиб бўладими, рўзгорингни бутлаб ол”, деди. Бозордан картошка, пиёз, сабзи, кўкат, гўшт деган нарсаларни, хўжалик магазинидан қозон, чўмич, капгир деган буюмларни сотиб олдик.

Душанба куни келинингиз мени тонг отмасидан уйготди.

– Туринг, – деди ширин қеришиб, – анави стол устида турган ялтироқ нарсанинг оти чойнак бўлади. Ошхонага чиқиб жўмракни бурасангиз, сув деган нарса тушади. Кашандасиз, гугурт деган нарсани биласиз. Ўшани чақсангиз, газ деган нарса ёнади. Ўн беш дақиқада чой деган нарса қайнайди.

Бошимни қашлаб туриб қолдим.

– Шундоқ-ку, лекин бу ёғи қанақа бўларкин? – дедим бўшашиб.

– Вой, – деди келинингиз чиройли киприкларини пирпратиб, – ким айтади сизни рассом деб, ҳаётни шунаقا қилиб ўрганмасангиз, қачон дурустроқ асар чизасиз?

Одам боласи қилолмайдиган иш йўқ экан. Бир бало қилиб чой қайнатиб келдим. Келинингиз ойдек бўлиб тошойна олдиди ўтирибди. Қўлида тароқ, ҳаракатлари бирам чиройли! Мени кўриши билан шунақаям ширин кулдики...

– Алтингизни қаранг, – деди ойнага рўпара қилиб.

Мундай қарасам, чап юзим қоракуяга беланибди. Қачон теккан, қаерда теккан, билсам, ҳар нарса бўлай!

– Майли, ҳаётни ўрганасиз, – дейди келинингиз ҳамон кулиб.

Бугун келинингизнинг сартарошхонага борадиган куни эди.

– Причёскамни ўзим ҳам қилавераман, – деди мулойимлик билан, – сиз ошхонага чиқинг. Стол тагида картошка деган нарса турибди. Ўшани пичноқ деган нарса билан арчасиз, ёғ деган нарсани қозонга солиб қиздирасиз-да, гўшт деган нарсани пиёз деган нарсага қўшиб қовурасиз.

“Оббо! Ҳаётни ўрганиш шунаقا бўлса, ўлсин”, дейман ичимда. Начора, рассомман, ўрганишим керак.

Овқат шўр бўлиб қолган экан, келинингиз дидликкина эмасми, дарров йўлини топди. Сув деган нарсани илитиб, куйиб юборсам, қовурдоқ шўрвага айланиб, тузи расо бўлар экан.

Энди дам олай деб турганимда, яна иш чиқиб қолди. Ванна деган нарсага сув тұлатиб, күйлак-майкамни, келиннинг ич кийимларини порошок деган нарса солиб ишқаласам, тоза бўлармиш. Кейин уни дазмол деган нарса билан текисласам, ҳаётни ўрганармишман.

Хуллас, ишларим юришгандан юришиб кетди. Овқат қилиш, пол артиш, кир ювиш, дазмол босиш, йиртиқ-ямок, тугмача қадаш, ҳатто пирог пиширишгача ўрганиб олдим. Энг яхиси, ишхонада эртадан кечгача мудрашга кўникиб кетганимни айтмайсизми?

Баҳонада ресторанга борищдан қутулдик.

Келиннингиз мен қилган чўзма лағмонни яхши кўради, қўлим ширинлигини айтиб мақтайди. Ўзи ҳар шанба, якшанба дугоналари билан меҳмонгами, “гап”гами, палакат босиб чироқ ўчиб қолса, овози ҳам ўчиб қоладиган хонанданинг концертигами бориб туради. Мен уйда қолиб, ҳаётни ўрганаман.

Ҳаммаси рисоладагидек кетаётган эди-ку, бир куни ғалати иш бўлди. Иккаламизни судга чақириб хат келди.

– Бу нима? – деди келиннингиз ҳайрон бўлиб.

– Буми? Бу қофоз деган нарса бўлса керак, – дедим илжайиб. – Қофоз деган оппоқ нарсага қалам деган қора нарса билан ариза деган нарсани ёзган эдим. Уч бекат нарида суд деган маҳкама бор экан, ўшанга ташлаб келувдим.

Келиннингиз негадир хавотирланиб ўрнидан туриб кетди.

– Қанақа ариза? – деди киприкларини пирпиратиб.

– Ажрашиш ҳақидаги ариза.

– Вой, нимага ажрашасиз, жоним?

– Мен ҳаётни ўрганиб бўлдим, – дедим пинагимни бузмай. – Энди бошқасига ўргатасиз!

“Соқов” лайча

(*Вилоят театри актёрининг ҳангомаларидан*)

Вилоят театрида ишлаб юрган кезларим эди. Театрни биласиз. Гоҳ спектакль кеч тугайди. Гоҳ узоқ хўжаликка бориб, томоша кўрсатишга тўғри келади. Кўпинча уйга тун ярмида қайтамиз.

Аёл киши минг тушунгани билан барибир ҳар хил хаёлга боради-да. Кеч келсам, тергайдиган одат чиқарди.

Ўйлаб-ўйлаб йўлини топдим. Дарвозанинг битта калитини киссага солиб юрадиган бўлдим. Кеч келсам, ими-жимида ҳовлига кираману сўрида ухлайман. Эртасига хотиним, қаерда эдингиз деса, кун ботмасидан келганман, сенинг ғиши-ғишишандан безор бўлиб, овқат ҳам егим келмади деб, баланд келадиган бўлдим.

Шу орада, десангиз, ён қўшним ит боқди. Бойвачча одам. Умрида китоб ўқимаган. Актёр деганда масхарабозни, ёзувчи деганда извогарни тушунади. Хуллас, қўшним ит боқди. Лақаби – “Арслон!” “Арслонбой”ни нима деб таърифласам экан? Ит десам, росмана итнинг ҳақи кетади. Кучукбачча десам, “Арслон”нинг. Чойнақдан каттароқ, футбол коптогидан кичикроқ лайча. Аммо овоздан берган. Бир акилласа, бутун маҳаллани уйғотади. Тенор овоз “вак-вак-вак”, “вак-вак-вак” деганда, манаман деган апчаркалару бўрибосарлар жимиб қолади. Тағин шунақанги зийракки, кўчадан пашша учеб ўтса, оламни бошига илади: “вак-вак-вак”, “вак-вак-вак”!.. Кечаси билан уйқу йўқ. Кўшнига: “Итингизнинг жаги мунча очик, туни билан тинчлик бермайди”, десам, асқия қилди:

– Кечаси сиз билан лапар айтгиси келгандир-да! Боқса, яхши артис чиқади!

Буниси-ку майли. Хоҳлайманми-йўқми, қўшнимнинг дарвозаси олдидан ўтишим керак. Уч юз қадам наридаги

кatta күчадан бурилишим билан лайча “янгажон, эрингиз келяпти, бохабар бўлинг”, дегандек акиллашға тушади. Дарвозага калит солсам, нариёқда хотин пойлаб турган бўлади.

Охири чидай олмадим. Бир куни ишга кетаётib, қўлимга тухумдеккина кесак олдим (каттароғи билан уришга ачиндим, ўлиб-нетиб қолмасин жонивор). Кўшнининг дарвозасини қия очишим билан лайча акиллаб югурди. Кесак отдим.

“Арслон” деганча бор экан ярамас! Ёнига бориб тушган кесакни росмана итларга ўхшаб, ҳидлаб ҳам кўрмай, ғажиб ташлади-да, мен томонга отилди. Шошилинчда дарвозани қия очик қолдирган эканманми, катта кўчага “кузатиб кўйди”.

Кўшни кун ўтиб ҳазил қилди:

– Кеча оқшом районга борганмидингиз? Соат ўн иккидан саккиз минут ўтганда “Арслон” сизга салом бердими?

Э, саломинг билан қўшмозор бўл, дегим келади-ю, кўздек қўшни...

– Хўп эътиборлисиз-да, қўшнижон! – дейман. – Қилган яхшилигингиз мендан қайтмаса, итингиздан қайтсин!

Дам олиш кунимиidi, эсимда йўқ, хотин тандир қизитиб, нон ёпди. Қарасам, тандир тагида ярим пақир картошка турибди. Хотин нон чекичлашга киришган заҳоти ўртачароқ картошкани тандирдаги чўқقا кўмиб кўйдим. Хотин нонни узиб уйга кириши билан картишкани косов учида чўғдан ажратиб олдим. Қўл куймаслиги учун рўмолчага солиб, қўшниникига физилладим.

Кўшнининг дарвозасини қия очдим. Картошкани югуриб келаётган ит томонга думалатиб юбордим.

“Арслон” қайноқ картишкани гарчча тишлади! На чайнаб ютади. На чиқариб ташлайди. Танглайига ёпишиб қолган! Икки марта “вийқ-вийқ” деди-да, мингга қўйиб, ҳовли эта-gidаги макказорга уриб кетди!

Шу-шгу “соқов” бўлиб қолди, жонивор. Кўчадан пашша тугул, экскаватор ўтса ҳам, ғиринг демайди! Ора-чора қўшнимдан сўрайман:

– “Арслонбой” жимиб кетдими?

– Инига кириб машқ қиляпти, – дейди қўшни бўш келмай. – Катта ашула айтмоқчи!

– Ниятига етсин, – дейман мен ҳам сир бой бермай. – Умри сизникідан ҳам узоқ бўлсин. Кўп ақлли ит-да! Эгасига тортган...

“Арслон” чиндан ҳам узоқ умр кўрди. Ўн беш йилдан ортиқ. Аммо бирон марта овози чикмади. Фақат, мени кўрса, “вийқ” дейди-да, ўзини жўхоризорга уради.





Ettinhy 606

Kuñgabia
cumarañ
cañibap



Давлат сири

Анча йиллар илгари рўй берган бир воқеа эсимдан чиқмайди. “Тошкент оқшоми” газетаси ходимларидан тўрт-беш киши шаҳардаги ошхоналардан бирига кирдик. Овқатланиб бўлгач, чойхоначидан чой сўраган эдик, “Чойнакни ўзларинг топ!” деб жеркиб берди. Директорни чақирдик. Воқеани айтишимиз билан директор чойхоначига бақириб кетди: “Қанақа одамсан ўзи, нега чойнакни яшириб кўясан, дарров чой дамла, янги чойнакка, уқдингми?” дедида, хонасига кириб кетди.

– Акалар, – деди чойхоначи бу гал тавозе билан, – илтинос, чойнак топиб келинглар.

– Кизиқ экансиз-ку, директор нима деди? – десак, чойхоначи овозини пасайтирди.

– Чойнак йў-ўқ, жон акалар, ишонинглар, чойнак йўқ!

– Нега шу гапни директорнинг олдида айтмадингиз?

– Нима деб айтаман? Менда тил йўқ, хўпми, тил кесилган...

...Ўшандан кейин мажлисдами, бошқа ердами, керакли гапни айтмасдан мум тишлаб ўтирганларга, сен ҳам “чойхоначи”га айланибсан, деб ҳазиллашадиган бўлдик.

Дўппини ерга қўйиб, ўйлаб қарасак, мана, етмиш йилдан ошди, ҳаммамиз “чойхоначи” бўлиб юрган эканмиз. Бугунги ошкоралик замонида айтсак бўлади, шекилли, совет давлатининг энг кучли қуролларидан бири – давлат сири бўлиб келган. Тилини тиймаганларга қўйиладиган моддалардан бири – давлат сирини очиш деган айбнома бўлган. Не-не адид ва шоирлар, олим ва зукколар ўз юртининг ўзгалар томонидан босиб олинганини ёзгани ва бу билан давлат сирини фош қилгани учун “миллатчи” сифатида отилган.

Олдинига 37-йиллардаги, сўнг 50-йиллардаги оммавий қатағонлар миллионлаб инсоннинг ёстигини қуритди. Буларнинг барчаси давлат номидан амалга оширилган. “Дав-

латсири”, “давлатга қарши күпорувчилик”, “давлатга қарши ташвиқот” деган қандайдир мавхум, сири ва ваҳимали тушунчалар одамлар бошида қиличдек муаллақ турган.

Албатта, ҳар бир давлатнинг ўзсири бўлади. Дейлик, ҳеч бир давлат, ҳатто энг яқин қўшнисига ҳам ўзининг мудофаа сирларини айтмайди ва тўғри қилади. Аммо эслихушли, кўзи очиқ ҳар бир одам кўриб турган нарсани “давлатсири”га айлантириш ва, ҳатто қорани оқ, оқни қора, деб талқин қилиш охир-оқибат ўша давлатнинг, ўша жамиятнинг обрўсини тўқади.

Бундан қарийб юз эллик йил бурун чор Русияси Туркистонни босиб олди. Қилич билан, милтиқлару замбараклар билан. Бу – Россиянинг машхур подшоҳларидан бири Пётр Биринчи орзуининг рўёбга чиқиши эди. Ҳар қандай босқинчилик урушида бўлгани сингари қон тўкилди, минглаб одамнинг ёстиғи қуриди.

Аҳолининг бир азоби икки бўлди. Бир томондан, ўзимизнинг бошлиқлар зуғуми, иккинчи томондан, дуч келган маҳаллий халқ вакилларини бемалол савалайдиган келгинди “тўралар” ва “миршаблар”. Устига-устак, вабо тарқади. Охир-оқибат 1882 йил ёзида Тошкентда “Вабо қўзғолони” бошланди.

Оқпошонинг аскарлари эски шаҳарга кириб қирғин бошлай деб турганида бутун Туркистон ўлкасида катта обрў қозонган муҳтарам Абулқосим эшон ўша пайтдаги Туркистон генерал-губернатори Вревский ҳузурига ариза ёзил киради ва чор аскарлари тинч аҳолини қирса, ҳар иккала томон учун ҳам натижаси аянчли бўлишини ётиғи билан тушунтиради. Шу тариқа Тошкент бир қирғинбаротдан омон қолади.

Ўтган аср охирида эса Дукчи эшон қўзғолони бўлди. Қўзғончилар босқинчи аскарлардан 23 нафарини ўлдирадилар. Табиийки, қўзғолон бостирилди. “Фитначи-лар маркази” ҳисобланмиш Мингтепа қишлоғи тўпга тутилди. Кампирлару чоллар, оналару бешикдаги болалар кириб ташланди. Дукчи эшоннинг ўзи у ёқда турсин, умуман, қўзғолонга алоқаси бўлмаганлар ҳам дорга осилди. Жазо маросимиға минглаб одамлар ҳайдаб келинди. Дорнинг рўпарасига энг бегуноҳ вужудларни – беш-олти яшар ўғил ва қиз болаларни турғазиб қўйдилар. Тирик одамнинг

типирчилаб ўлаётганини кўрган гўдаклар дод солса, кўрқиб қочмоқчи бўлса, “томуша”ни охиригача кўришга мажбур килдилар. Кўрсинг! Кўрксин! Қанча кўркса, шунча яхши...

Кейин янаям “қизиқ” ҳангомалар бошланди. Туркистон ўлкасида қалам қиртиллатган айрим маддоҳ “шоири замон”лар ярим подшонинг буйруги билан Дукчи эшонни мағзавага қориб, ҳажв битди.

Инқилобдан кейин бирмунча муддат бу юриш босқинчилик уруши бўлганлиги тарихан тўғри баҳоланди. Бироқ вақт ўтиши билан мазкур воқеа “давлат сири” пардасига ўралди. Тарихчилар “Ўрта Осиёning Россияга қўшилиши” деган иборани ўйлаб топдилар. Бу ҳам камлик қилди чоғи, “Ўрта Осиёning Россияга ихтиёрий қўшилиши” деган гап чиқиб қолди. Бундан ўттиз йиллар аввал, ҳатто ана шу қонли сананинг юз йиллигини байрам қилишни таклиф этган “денишманлар” ҳам чиқиб қолди. Балки қонга ботирилган Тошкент аҳолиси ўз “халоскорларини” гулдасталар билан кутиб олгандир? Карнай-сурнай ҷалиб, байрам қилгандир? Унақа десак, жангларда қўлида қилич билан шахид бўлганларнинг қони тутмайдими? Кауфман, Скобелев, Головачеев, Черняев, Верёвкин ва яна талай қонхўр генераллар буйруги билан отилган, осилган, чопилган минглаб бегуноҳнинг руҳи нима бўлади?

Абдулла Қодирийга қўйилган энг катта айб нимада эди? Шунда эдики, “Ўткан кунлар” қаҳрамони Отабек Авлиёта яқинида чор аскарлари билан урушда қаҳрамонона жанг қилиб, шахид бўлади. Биргина жумла! Қодирий бу гап билан рус халқини ҳақорат қилгани йўқ, фақат Чор Русияси босқинчиларини “босқинчи” деб ўз номи билан атади.

* * *

Мантиқан ўйлаб кўрайлик: қайси давлат бошқа бир давлат устига азбаройи ўша халқни баҳтиёр қилиш учун аззабазза қилич тортиб боради? Мақсад битта: юртнинг бойлигини талаш. Халқни асоратга солиш. Қул қилиб ишлатиш. Лениннинг ўзи айтиб қўйибди-ку, Чор Русиясининг Туркистонни истило қилиши босқинчилик, мустамлакачилик уруши эди, деб! Тўғри, асримиз бошларида Туркистонда бойваччалар учун очилган “рус-тузем” мактабларида маҳаллий

миллат болаларига Европа андозасидаги дунёвий билимлар ўргатила бошланди. Мазкур мактабларнинг тараққийпарвар хизматидан кўз юмиш инсофдан эмас. Афсуски, бу ўринда ҳам тишга тегадиган нозик бир ҳолат бор. “Туземец” дегани русча-ўзбекча луғатда “маҳаллий ҳалқ”, “туб аҳоли” деб таржима қилинган. Машҳур рус олими Владимир Дальning “Великорус жонли тилнинг изоҳли луғати” китобида ҳам асл маъно шундай. Бироқ мазкур луғатда мана бундай жуммалар ҳам бор: “Туземец. Местный, относящийся до известной страны... Туземные жители части Океании стоят на низшей ступени человечества”. (В.Даль. “Толковый словарь живого Великорусского языка”. Москва. “Русский язык” нашриёти. 1980 йил. 4-жилд. 440-саҳифа).

Демак, “туземец” дегандан “ўзга ерлик” дегандан ташқари “қолоқ, ярим ёввойи”, деган маъно англашилади. Ажаб, неча асрлардан бери жаҳон илмига бекиёс улуш қўшган Беруний ва Ибн Сино, Хоразмий ва Улугбек сингари алломалар ватани бўлган Ўрта Осиё ҳалқларини жаҳоннинг бир чеккаси – Океаниядаги ёввойи қабилалар билан бир қаторга қўйиш ашаддий шовинизм эмасми?

Бир ҳалқнинг иккинчи бир ҳалққа “маданият тақдим этиши” ҳақидаги фикрга келсак, уни тарафкашлик билан талқин қилиш мумкин эмас. Дарё жилгалардан пайдо бўлганидек, ҳалқлар маданияти ҳамиша бир-бирини бойитиб боради. Тўтри, кейинги асрларда хонлик ва амирликларга бўлиниб кетган Туркистон маданий тараққиёт, илм-фан ривожи масаласида анча оқсаб қолган эди. Бироқ бу соҳада Россиянинг узоқ-яқин губерниялари ҳам Ўрта Осиёдан қолишмасди.

Атоқли рус адаби Михаил Булгаковнинг “Жаҳолат” (“Тъма Египетская”) деган ҳикояси бор. Шаҳардан олис рус қишлоғига борган икки нафар дўхтир ўзлари гувоҳ бўлган ҳангомалар ҳақида гапиришади. Улардан бири ғалати воқеани айтиб беради. Киш кунларидан бирида дўхтиренинг хузурига поч-пўстин кийган, кўринишидан анчайин маданиятли одам киради. Ўпкаси шамоллаб қолганини айтиб, даволашни сўрайди. Дўхтир унинг ўпкасини эшишиб кўради. Кўлига Францияда чиқсан хантал қофоз (горчишник) бериб, шуни курагингизга ёпиштириб ётсангиз, тузалиб кетасиз, дейди. Уч кундан кейин бояги бемор қайтиб келади. “Нега

мени алдадинг, берган доринг фойда қилмади, пулимни қайтар!” деб даъво қиласи. Дўхтириң қараса, бемор хантал қозғозни почаб-пўстин устидан ёпиштириб юрган экан.

Бу ҳикояга жавобан иккинчи дўхтириң янаям гаройиб ҳангомани айтиб беради. Совук қиши кечаларидан бирида олис қишлоқда ёш бир аёл уч кундан бери туғолмай қийналётганини айтиб, ёрдам беришни илтимос қилишади. Дўхтириң чанага ўтириб, манзилга боргунча бир ўлимдан қолади. Чана ўрмонда адашиб кетади. Бир амаллаб манзилга етадилар. Дўхтириң бехуш ётган жувонни текшириб кўради. Қараса, бола туғиладиган жойга қанд тиқиб қўйилганмиш. “Бу нима қилик?..” деса, унга тушунтиришади: “Хутордаги доя кампир шундай қилди. Ёш бола ширинликка ўч бўлади, чақалоқ қандга андармон бўлиб, тезроқ чиқармикан, деб шундай қилдик”.

Ёзувчи сифатида ишонч билан айта оламанки, бунаقا ҳикояларни ўйлаб топиш мумкин эмас. Ўша паллада Россияда оддий халқ маданияти қай ахволда бўлганини Чехов, Гогол асарларидан ҳам истаганча топиш мумкин.

Сталин замонида рост гапириш тақиқланди. Ҳамма нарса “сирли” бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Булгаков асарлари қатағон қилинди. Шунинг учун Кодирийлар, Чўлпонлар ўлдирилди. Шунинг учун бутун бошли халқларнинг имлоси неча карра ўзгартирилди. Тили, урф-одатлари, дини яқдил бўлган халқлар ўртасида чегаралар тортилди.

Мақсад, бир томондан, уларни тарихдан жудо қилиш, иккинчи томондан – орага раҳна солиш эди. Тарихдан узилган халқнинг келажаги бўлмайди. Юрий Цезарь давридаги шиор иш берди: майдалаб ташлагин-да, ҳамкорлик қилавер!

Тарихни “сув қилиб” ичиб юборган “мутахассислар” Октябрь инқилобидан аввал Ўзбекистонда фақат икки фоиз одам саводли бўлган, деб “исботладилар”, ундей бўлса, юзлаб мадрасалардаги мударрислар, маҳалла ва қишлоқлардаги юз минглаб домлалару отинойилар одамларга илм-сабоқ бермасдан нима қилиб юрган экан? Охир-оқибат аён бўлди, Ўзбекистонда салкам ўттиз фоиз аҳоли, вояга етган эркаклару аёлларнинг қарийб учдан бири ўқиш-ёзишдан хабардор, яъни, саводи чиққан экан. Одамни ўқинтирадиган жойи шундаки, бошқаларни қўя турайлик-ку, ўзимиздан чиққан

“балолар” – ўзбек олимлари ҳам яқин ўтмишда биз гирт са-водсиз эдик, деб ёзишдан уялмадилар. Улар учун “номзод-лик” ёки “докторлик” диссертацияси ёқлаб, тезроқ “олим” бўлиш, кўпроқ маош олиш муҳим эди... Барака топгурлар, биз шунчалик нотавон бўлсан, Беруний ва Хоразмийлар, Ибн Сино ва Улугбеклар, Навоий ва Бобурлар қаёқдан келган, деган саволга жавоб йўқ. Башарти шундай деб сўрасангиз, “миллатчи” бўлар эдингиз.

Олтмиш йиллар нарида сунъий равишида қилинган чегара тортишлар бугунга келиб, ўзининг аччик мевасини беряпти. Бермаса, бердирадиган, халқларни шунга даъват қилиб, гижгижлайдиганлар, афсуски, ҳамон бор. Тоғли Қорабоғда, Молдавияда, Ўзган ва Ўшда хунрезликни бошлаганлар ким? Нима учун миллатлараро муносабатлар бунчалик кескинлашиб кетди? Сабабини қаердан излаш керак?

Наҳотки минг йиллардан бери қон-қардош, қуда-андা бўлиб яшаган халқлар бир-бири билан қирпичоқ бўлса? Оддий одамларнинг соддалигидан фойдаланаётган кучлар йўқмикин? Эҳтимол худди шунинг ўзи айрим кучлар қўлида қурол бўлувчи давлат сиридир. Икки қўчкор сузишса, бўрининг насибаси бутун бўлади, деган мақол бор...

Халқлар, миллатлар ўртасидаги дўстлик – юксак инсоний фазилат. Иккинчи жаҳон урушини эслайлик. Жанг майдонларида барча миллат вакиллари бирдек жон олиб-жон берди. Уруш бўлаётган жойлардан етим қолган юз минглаб болалар Ўзбекистонга келтирилди.

Янаям нарироққа назар солсан, Октябрь инқилобидан кейин Ўзбекистонга келган бир қанча атоқли рус олимлари тарихимизни ўрганиш, фан ва техникани ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар маҳаллий халқ тилини, удумларини, тарихини чукур ҳурмат қиласар эдилар. Шу билан бирга, совет мамлакатида даҳшатли очарчилик авж олган кезлари Тошкентга ёпирилиб келган, талончилик қилганлар ҳам бўлган. Бироқ улар ҳақида ёзиш у ёқда турсин, гапириш ҳам мумкин эмас, бу давлат сири эди. Аслида булар давлат сири эмас, айнан давлатнинг ўзи вужудга келтирган фожиаларнинг меваси эди.

Кези келганда, ўзимча кузатганим бир холосани айтгим келади. Уруш арафаси ва уруш йиллари Ўзбекистонга келган

қардошларимиз сўнгги йилларда “Ўзбек иши” деган баҳона билан бу юртда “тартиб ўрнатиш” учун бостириб келганлардан кескин фарқ қиласди. Бир мисол. Чилонзордаги “дом”имизнинг биринчи қаватида Клава хола деган кампир яшайди. “Дом”даги жами бола уни ўз онасидек яхши кўради. Бир кун қарасангиз, рус қизалоғини, эртасига ўзбек боласини кўтариб юрганини кўрасиз. Ажаб! Баъзи қариндошларимиз қизимизнинг туғилган кунини унутса унугади, Клава холанинг эсидан чиқмайди. Нафакасидан пул ажратади-да, ақалли бир бўлак шоколад кўтариб, азза-базза табриклагани киради. Рус қўшнilarимиз орасида ўзбекнинг тўйида хизмат қиладиган, азасида эшик олдида таъзим қилиб турадиганлар оз эмас.

Қизиқ! Шунча йиллардан бери Ўзбекистонга қанча одам кўчиб келяпти? Ким улар? Иттифоқ тасарруфидаги корхоналар нима ўзи? Нима ишлаб чиқаради? Уларда қанча одам ишлайди? Кимлар ишлайди? Махсулоти қаёққа кетади? Республикамизнинг сувидан, еридан, уй-жойларию мева-чевасидан, энергия қувватидан фойдалангани учун, экологик муҳитни бузгани учун бу ўлкага ҳақ тўлайдими-йўқми?

Булар ҳаммаси узоқ йиллар давлат сири бўлиб келди. Иттифоққа қарашли заводми, демак, давлат аҳамиятига молик. У ёғи билан ишинг бўлмасин. Тамом-вассалом!

Туриб-туриб ҳайрон қоламан. Масалан, Жанубий Африка Республикасида бир йилда қанча олмос қазиб олишини биламиз. Матбуотда чиққан. Аммо Ўзбекистондан ҳар йили қанча ер ости бойликлари олисларга ташмалаб кетилишини сўраш мумкин эмас эди. Давлат сири.

Пахтани “оқ олтин” деб атаемиз. Ўзбек деҳқони бир тонна пахта етиштириш учун қандай меҳнат қилишини биламиз. Аммо марказий худудларга олиб кетилган миллионлаб тонна “оқ олтин”ни қайта ишлаш натижасида давлатга неча миллиард даромад келишини сўраш ҳам мумкин эмас: давлат сири!

* * *

“Олисдаги пойтахт” матбуоти кейинги пайтларда Ўзбекистонга, ўзбек халқи бошига ёғдирмаган маломат тоши қолмади. Биз “текинхўр” бўлдик, “боқиманда” бўлдик,

“кўшиб ёзувчи” бўлдик. Аниқлаб кўрайлик: кимнинг нонини текинга ебмиз? Кимга “бизни боқиб ол”, дебмиз? Ўша ёқдан келган “қонун ҳимоячилари” “ӯзбек иши” деган ифлос иборани оламга достон қиласдилар. Гдлян, Иванов деган золимлар минглаб бегуноҳ инсонларни қамоққа тиқди. Бу Сталин замонидаги хунрезликнинг такори эмасми? “Ӯзбек иши” деган ифлос тамғани ўйлаб топганлар ва юртимизда фашистдан баттар қирғин бошлаган “қонун ҳимоячилари”нинг “сири” фош бўлиб қолди.

Бир нарсага шукронा қилсак арзийди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов “ӯзбек иши” деган тухматнинг илдизи қаердалигини аниқлаш ва бегуноҳ қамоққа олингандар қисматини ўрганиш ҳақида Республика Олий судига махсус топшириқ берганидан минглаб бегуноҳ инсонлар тергов пайтида, қамоқ камераларида азоб чекаётгани очилиб қолди. Адолатни тиклашга шахсан И.А.Каримовнинг ўзи бошчилик қилаётганини кўргач, “у ёқдан” махсус топшириқ билан келган гдлянчи жаллодлар (уларни бошқача ном билан атаб бўлмайди) думини қисиб қолди.

* * *

Ўзбекистонни ёмонотлиқ қилганлар бошқа жабҳалар қатори маънавий ҳаётимиизга ҳам путур етказганлар.

Яқинда “Средазгипроводхлопок” деган институтда бўлдим (номининг зўрлигини қаранг: айтишга тилингиз келишмайди). Буниси-ку, майли. Шундай катта даргоҳда биронта ўзбекча ёзув йўқ! Ҳолбуки, институт маҳаллий аҳоли энг зич бўлган эски шаҳарнинг қоқ ўртасида жойлашган. У ёқ-бу ёқдан гаплашгач, директордан сўрадим:

- Нима учун институтда биронта ўзбекча ёзув йўқ?
- Биласизми, – деди директор чайналиб. – Бу ерда асосан руссоязничий ходимлар ишлайди. Фаши келиши мумкин.
- Нега фаши келаркан? Мен сизга русча ёзувларни олиб ташланг деяётганим йўқ. Фақат, тепасига ўзбекчани ҳам ёзиб қўйсанглар бўлмайдими?
- Бўлади-ку... – директор тагин чайналди. – Гап шундаки, яқинда бир ходимимиз ёнбошимиздаги бозордан сомса олишга борса, сомсапаз: “Ўзбекча гапирмасанг, сомса сотмайман”, дебди. Шу тўғрими?

– Нотўғри! Лекин сизлар сомсапаз эмас, зиёли одамлар сиз!

– Умуман тўғри... Фақат одамларнинг ғаши келишидан кўрқамиз.

Ҳайрон бўлдим. Наҳотки тил билиш шунчалик ёмон нарса бўлса?!

Наҳот институт ходимлари эшик тепасига ёзиб кўйиладиган “Хуш келибсиз!” деган гапга ҳам энсаси қотса!

Албатта, гапни майдалаштириб ўтиришдан наф йўқ эди. Суҳбатдан аён бўлдики, институтда ишлайдиган мутахассисларнинг асосий қисми “русскоязичний” ходимлар экан. Кизик, Тошкент ирригация институтини битираётганлар орасида маҳаллий ҳалқقا мансуб бўлган биронта эсли одам йўқми?

Бу воқеани бежиз эсламадим. Москва олимлари, борингки, ўзимизнинг тилшунослар ҳам “авлиёдек” ҳурмат қиладиган академик Д.Лихачёв ҳам гўё мамлакатда бўлаётган тўс-тўполонларнинг бош сабаби жумхуриятларда миллий тилнинг давлат мақомини олишидир, деган даъво билан чиқди. Бошқа жумхуриятларни билмадим-ку, Ўзбекистонда ўзбек тилини ривожлантириш бошқа бирон тилни камситиш ҳисобига бўлаётгани йўқ. Аксинча, барча миллат вакилларининг маданият марказлари, театрлар, саройлар ишлаб турибди. Қардош тилларда мактаблар очиляпти. Бундан кўз юмиш ўта нонкўрлик бўлур эди.

Шуҳасиз, “дом”даги барча миллат болаларининг бувисига айланиб қолган кекса аёл Клава холага “Ўзбек тилида гапир-масангиз, кўчиб кетинг”, дейиш бориб турган ноинсофлик бўлади. Бироқ Ўзбекистонда умрбод яшашга қарор қилган зиёли одам, биринчи навбатда, каттаю кичик амалдор шахслар давлат тилини ўрганиши керак!

Сўнгги пайтларда Москвадаги талай газета ва журналлар тагин Ўзбекистонни нишонга олиб қолдилар. “Войдод, Ўзбекистондан одамлар қочиб кетяпти! Войдод, миллатчилик авжига чиқди!”. Қачон? Ким? Қаерда? Қайси ўзбек қайси қўшнисига кўчсанг кўч, йўқса, ўлдираман, дебди?

Ажаб! Етмиш йилдан бери бу ёққа қанча одам кўчиб келаётгани “давлат сири” эди-ку? Нега энди кетиш “сир” бўлмай қолди? Газеталарда аллақандай ваҳимали рақамлар

ҳам пайдо бўлди. Ўзбек халқи қанчалик байналмилалчи халқ эканини дунё билади. Пашибадан фил ясашга ҳаракат қилаётганлар республикамиз халқларини ва, биринчи навбатда, ўзбек билан русни гижгижлашга уринаётган қора нијатли шахслардир. Улар ақалли бир нарсани тан олгиси келмайди. Ўзбекистондан кўчиб кетаётганларнинг аксарияти Сталин зуғуми билан юргидан ҳайдалган, энди ўз Ватанига талпинаётган баҳтиқаро қирим татарлардир! Ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани айтишим мумкин.

Фарғонага борганимда курсдош дўстимни кирдим. Қарасам, ёши элликларни қоралаб қолган бир аёл дўстимнинг онасини қучоқлаб йиғлаяпти. “Мен сизни онам деганман, опажон, қилган яхшиликларингизни унутмайман, берган нон-тузингизга рози бўлинг!” дейди. Кейин билсам бу аёл ўша зуғумли замонда Ўзбекистонга бадарга қилинган қрим татарлардан бири экан. Ниҳоят ўз Ватанига қайтиш йўли очилгач, Кримга жўнаб кетиш олдидан дўстимнинг онаси билан хайрлашаётган экан.

* * *

Совет мамлакатида кўп юмушлар доим катта-кичик “кампаниявозликлар” билан бошланган. Бундан икки-уч йил аввал Россиянинг эгалари ташлаб кетган ноқоратупроқ ерларни обод қилиш учун тажрибали деҳқонларни жалб этиш “кампания”си авжига чиқди. Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам ўша ерларга бориб ишлашга рағбат билдирганлар бўлди. Уларнинг нияти – эгаси ташлаб кетган майдонларда ҳалол ишлаб, обод қилиш эди. Буни қарангки, бундай холис ниятга қарши қаратилган “дод-вой”лар бошланди. Тағин ўша марказий матбуотда! Куйида келтирилган мисолни айтишга ирганади киши. Лекин далил сифатида айтиш керак.

Мана, москвалик “миллатпараст” Шарапов деган кимсанинг фикрлари: “Мен яқинда Пушкин қадамжолари бўйлаб автобус сафарида оғир ҳис-туйғулар билан қайтдим. Негаки, бир неча бор қулоғимга чалинган ва ўқиган нарсаларимни ўз кўзим билан кўрдим. Бизнинг рус қишлоқларимизга Ўрта Осиёнинг туб аҳолиси жойлашиб олмоқда. Бу ҳодисаларга қараб туриб юрагинг ўртаниб кетади. Бундан тахминан бир

йил аввал Киров обlastига ўзбек пудратчилари келаётгани ҳақидаги хабарни радиодан эшигтан эдим. Энди эса Нелидовский районидаги чинакам рус ерлари ўртаосиёликлар миллатига мансуб кишиларга берилаётганини ўз кўзим билан кўрдим.

Аввалига колхоз-крепостнойлик ҳуқуки воситаси билан бизни ўз ерларимиздан ҳайдадилар... Кейин эса бизнинг тарихий ота юртимизга бегона ҳалқларни жойлаштиришга киришдилар. Ҳукуматимиzinинг бу қилиғи мени ҳайрон қолдиради. СССРдан кўчиб борган эмигрантлар араб ерларига жойлашса БМТдан туриб “Бу одамлар ушбу юртда аввал яшамаган”, деб зътиroz билдиради. Айни паллада ҳақиқий рус ерларини бу юртда ҲЕЧ ҚАЧОН яшамаган ҳалқлар эгаллаб олса, миқ этмайди.

...Бизга бироннинг ери керак эмас. Шундай экан, бошқалар ҳам бизнинг ерларимизни эгалламасин. Бу тадбир, хоҳлаймизми-йўқми, рус ҳалқини этник жамоа сифатида йўқ қилишга қаратилган.

Осиёлик келгиндилар рус дехқонларинигина эмас, рус маданиятини ҳам йўқ қилади, негаки бизнинг қишлоқларимиз – ҳаммамизга обиҳаёт бериб турган рус маданиятнинг булоқларини рус бўлмаганлар эгаллаб олади. Бизни булоқларимиздан жудо қилишяпти! Киров обlastига кўчиб келган ўзбеклар руснинг қийик ёқа кўйлакларини ҳеч қачон тикмайди, турклар эса рус чолғуларини чалмайди ва елецқ кашталарини тўқимайди. Хўш, кейин нима бўлади? Камида Ўшдагига ўхшаш жанжаллар чиқади. Иш ёмонликка бориб етса, охир-оқибат бизни еримиздан сиқиб чиқаришади...” (С. В. ШАРАПОВ. Москва. “Наш современник” журнали. 1990 йил, 9-сон. 190–191-бетлар.)

“Ўртоқ” С.В. Шараповнинг мақоласини ўқиган одам даҳшатга тушади. Демак, аллақаёқдан келган осиёлик “ёввойи”лар рус ерларини эгаллаб олмоқда, маҳаллий аҳолини сиқиб чиқармоқда...

Мақола муаллифи шовинист бўлмаса, оддий бир ҳақиқатни тушунган бўлар эди. Гап шундаки, Ўзбекистоннинг айрим вилоятларидан бир қанча тажрибали дехқонлар Русянинг баъзи областларидағи сағиз (“нечерноземье”) – ноқоратупроқ, аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ҳосил

бермайдиган ерларига пешона тери тўкиб обод қилиш ниятида борганлар. “Ўртоқ” Шарапов Киров областининг туб аҳолиси ўз жойини ташлаб нима учун шаҳарга қочиб кетганини нега ёзмайди? Бу бехосият жойларни ўзбек дехқони бориб обод қилса, “босқинчилик” бўладими? Нима, энди улар тўнини ечиб ташлаб сарафан кийсинми? Атлас ўрнига кашта тўқисинми? Дутор эмас, балалайка чалсинми?

Мақола муаллифининг ёдидан кўтарилган бўлса, эслатиб кўйишга тўғри келади. Ўтган асрда Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгач, катта шаҳарларга, бу ўлканинг энг серҳосил ерларига минглаб ўта жангари, ароқхўр ва дангаса мужикларни кўчирган. Ҳатто уларга черковлар ҳам қуриб берган. Маҳаллий аҳоли улардан безор бўлиб яқинига йўламаган. Ҳеч ким улардан “кимсан, нега келдинг”, деб ҳам сўрамаган. Эҳтимол Шарапов Киров обlastida ҳалол меҳнат қилиш нијатида борган ўзбек дехқонларини ҳам бундан бир ярим аср аввал Чор Русияси подшолиги томонидан “туземецлар” юртига бадарға қилинган жанжалкаш ва ароқхўр “мужиклар”га ўхшатаётгандир. Ҳалқимизнинг феълини бутун дунё билади. Марҳамат, “ўртоқ” Шарапов! Хоҳласангиз бутун, хоҳласангиз эртага Ўзбекистонга келинг! Маҳаллий ҳалқ билан оға-ини бўлиб кетган биродарларимиздан сўраб кўринг, бирон киши рус, белорус, украин, корейс ёки латиш қўшнисидан, сен нега сурнай чалмаяпсан, сен нега тўн киймаяпсан, сен болангни нега ўзбек мактабида ўқитмаяпсан, деб ақалли бирон марта сўраганми? Сўрамаган ва сўрамайди ҳам!

Одамнинг яхши ёки ёмони бўлиши мумкин. Бироқ ҳалқнинг, миллатнинг ёмони бўлмайди. Ҳалқлар орасига нифоқ солувчилар эса энг ашаддий кимса бўлади. Шараповнинг қитмири мақоласидан шунинг ҳиди келяпти.

Мен бир инсон ва бир қаламкаш сифатида ҳалқлар дўйстлигини ҳамиша юксак тушунча деб билганман (ҳазрат Навоий қаламидан қолган мерос). Ҳар нарсадан бир “иш-кал” топадиган айрим “дўйстларим” мени маҳаллийчилик ва, Худо асрасин, миллатчиликда айбламаслиги учун айтиб қўяй: барча миллат вакилларини, жумладан, қардош рус ҳалқини теран ҳурмат қиласман. Ўнлаб рус биродарларим бор. Қолаверса, бошқа қаламкашлар қатори мен ҳам жаҳон адабиёти дурдоналари билан айнан рус тили орқали ошно

бўлганман. Бошқалар қатори ўзимнинг бир қанча асарларим ҳам, аввало, рус тили орқали хорижий тилларга ўтирилган. Аммо миллий муносабатлар таранглашиб турган ҳозирги паллада марказий матбуотда бизнинг юртимиз, ҳалқимизга тухматдан иборат чиқишлиар кўпайиб кетганини кўрганда юрагим орқага тортиб кетади. Эслаб кўринг, яқин орада ўша газета ва журналларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган эзгу юмушлар, ҳалқимиз фазилатлари ҳақида биронта нурлироқ мақола чиқдими? Ёлғон бўлмасин, у ёқдаги газеталардан бирида яқинда “сенсацион” мақола эълон қилинди. Ўзбекистонда ароқ “пачти текин” эмиш, егулик-ичгуликлар сероб, мевани “ит искамас” эмиш.

Ҳа, Ўзбекистон чиндан ҳам Ҳизр назар солган юрт. Содда ва меҳнатсевар, меҳмондўст ҳалқи бор. Бироқ ҳамма жойда бўлганидек, бизда ҳам “тош-тарозу” бор. Ишлаган – тишлайди!

1990 йил

Ношир изоҳи. Ўша йили мақола газетада бир қадар қисқартиришлар билан босилган. Буниси тўлиғи.



Авлодларга нима деймиз?

Эски күлөзмаларни варақлаб ўтириб, дафъатан шу сүзларга күзим түшди: “Авлодларга нима деймиз?” Остида: “Фантастик қисса”... Бир варақ коғозда бошқа сүз йүқ әди.

Хар бир қаламкашда шунақа ҳолатлар бўлади. Ёзилажак асарнинг дастлабки нияти хаёлингизда пайдо бўлади, узоқ муддат ўйлаб юрасиз. Ҳатто унинг дастлабки саҳифаларини коғозга ҳам туширасиз. Аммо асар ёзилмай қолади. Бунинг сабаблари кўп. Туғилажак асар ҳали етилмаган, яъни чидаб бўлмас заруратга айланмаган бўлиши, сиз айнан шу нарсани қоғозга туширишга иккиланган бўлишингиз мумкин... Хуллас, иш чала қоладиу хаёлингизнинг бир чеккасида узоқ вақт “яшириниб” ётаверади.

Энди ўйлаб қарасам, бу қиссани ўн йилча илгари ёзмоқчи бўлганман-у, фантастика жанрида тажрибам йўқлиги учун асар қоғозга тушмай қолган экан. Ният эса (хомаки сюжет) бундай бўлган. Ўз сайёрасининг ҳамма имкониятларидан фойдаланиб бўлган одамлар бошқа бир сайёрани кашф этишади. Жаннатсимон бу жойда ҳамма нарса муҳайё. Ер-сув ҳам, ҳайвоноту наботот ҳам. Одамлар табиатга тағин ҳужум бошлайдилар. Ерлар ўзлаштирилади, дарёлар бўғилади. Ер чарчай бошлиши билан кимёвий дорилар тиқиширилади. Хуллас, энг осон йўлдан бориб табиатнинг сувини сиқиб ичиш авжга чиқади. Бора-бора ерлар кулга айланади, денигизлар курийди. Охир-оқибат бу ўлкада ҳам шамол эсмайдиган, ёмғир ёғмайдиган, қушлар учмайдиган бўлиб қолади. Бир вақтлар гуллаб-яшнаб ётган жой қип-қизил сахрога айланади. Одамлар: “Бу жойдан ҳам оладиганимизни олиб бўлдик, энди бошқасини излаймиз”, деган қарорга келишади. Шунда донороқ бир киши ўз аждодлари кўп йиллардан бери қилиб келган ишлари табиатга хиёнат эканини, шу фожиаларни кўриб турган ёшлар ўз оталарини кечирмасликларини, мабодо бошқа сайёра кашф этилгудек бўлса ҳам, энди

эски йўлдан бормаслик кераклигини тушунади. Келажак ав-
лод олдида маънавий жавобгарликни ҳис этади.

Шундай қилиб, бу асар қоғозга тушмаган. Аммо шун-
га ўхшаш манзарани фантастикада эмас, реал ҳаётда бу-
гун кўриб турибмиз. Йиллар давомида ерлар пала-партиш
ўзлаштирилди, заҳарли моддалар аёвсизлик билан ишла-
тилди. Агар Орол денгизи ҳам ҳалокатга учраса, ўша нота-
ниш сайёрада бўлиб ўтган аянчли ҳодисалар Ўрта Осиёда
рўй бермайди, деб ҳеч ким кафолат бера олмайди!..

Ҳозир Оролни асраб қолиш муаммоси устида кўп баҳсли
фикрлар айтиляпти. Мен иқтисод, қурувчилик, мироблик,
география, гидрогеология, минералогия ва яна талай “гия-
гия” соҳаларидан узоқман. Оролни сақлаб қолиш учун
иши нишадан бошлаш керак, қаердан канал қазиш керак:
Сибирь дарёлариданми, Каспий денгизиданми, агар канал
курилмаса нима бўлади, денгизни асраб қолишга қанча
маблағ кетади, бу маблағни қаердан оламиз?.. деган кўп
саволларнинг биронтасига жўялироқ жавоб беролмайман.
Орол масаласида айтилаётган минглаб таклиф ва тавсия-
ларга ақалли битта ҳам янгилик кўшолмайман. Мен бошқа
нарсани айтмоқчиман. Ёзувчи сифатида ўзимнинг ақлим
озми-кўпми етадиган масала юзасидан – бу муаммоларнинг
маънавий томонига оид фикрларни айтгим келади.

“Ёзувчи – ҳалқ виждони”, дейдилар. Бу шунчаки чирой-
ли ифода учун айтилган гап эмас. Ч.Айтматов, А.Нурпеисов,
Т.Қаипбергенов сингари машхур адиллар денгизни ас-
раб қолиш учун ўз жамғармаларидан биринчи бўлиб пул
ўтказдилар. Шунинг ўзи ҳам ёзувчининг ҳалқ дардига ше-
рик эканлигини ифодалайди. Шунинг ўзи ҳам маънавият
деган тушунчага бориб тақалади. Атоқли рус олими, акаде-
мик Фёдоров бундан кўп йиллар илгариёқ Орол денгизини
аянчли қисмат кутаётганини, бу қисмат бора-бора Ўрта Осиё
минтақаси ҳаётини хавф остида қолдиришини куюниб ёз-
ган экан. Бу ҳам маънавият белгиси!

Афсус, Сибирь дарёларининг арзимаган бир улушки
ни Оролга буриш лойиҳасига, биринчи бўлиб бизнинг
ҳамкасларимиз – ёзувчилар қарши чиқдилар. Ўзбекистон
Фанлар академиясининг вице-президенти Эркин Юсу-
повнинг куюниши бежиз эмас. “Сибирь дарёларининг бир

қисмини Ўрта Осиёга юбориш масаласини олиб кўрайлик. Сўнгги йилларда марказий матбуот саҳифаларида “Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга буриш”, “Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиёга оқизиш” деган ваҳимали гаплар кўпайиб кетди. Айрим кишилар ваҳимага тушиб, мамлакатнинг шимолий ҳудудларида рўй берадиган экологик фалокатлар ҳақида айюҳаннос сола бошладилар. Ахир, масаланинг моҳияти бундай эмас-ку! Сибирь – Ўрта Осиё канали қурилганида бу каналдан Объ дарёси йиллик оқимининг фақат олти фоизигина юборилиши ҳақида ҳеч ким гапирмаяпти” (“Дўстлик – бебаҳо бойлигимиз”. “Тошкент оқшоми” газетаси, 1987 йил 5 ноябрь.)

Орол кўз ўнгимиизда ўлаётгани ҳақиқат-ку! Келинг, биргалашиб ўйлаб кўрайлик. Денгиз нега ҳалок бўляпти? Очифини айтган-да, пахта режаси осмон баравар кўтарилиб кетгани, кўплаб янги ерлар ўзлаштирилгани, пала-партиш омборлар курилгани, дарёлар бўйида талай саноат корхоналари бунёд этилгани олиб келди бу оқибатларга!

Москалик олим, профессор И.Степанов куюнчаклик билан бундай дейди: “Бизнинг давлатимиздаги миллатлар табиатнинг умумий ресурсларидан биргалашиб ва самарали фойдаланиш учун уюшмаганмиди? Ахир, Сирдарё ва Амударё сувларининг катта қисми пахта плантацияларига, мамлакатимизнинг пахта мустақиллиги учун курашга, тоғлардаги конларда мавжуд рудаларни ишлаб чиқаришга, пўлат эритишга сарфланди-ку! Мана шу одамлар, мана шу ер ва сув оғир уруш йилларида халқни асраб қолишга хизмат қилдику!” (“Звезда Востока” журнали, 1987 йил 7-сон).

Инсоният ақлини танибдики, табиат ишига аралашади. Учib кетаётган қушни овлаш ҳам, дарё ёки денгиздаги балиқни тутиш ҳам, ерга кетмон уриш ҳам – аслида табиаттага аралашиш. Инсон боласи бусиз яшай олмайди. Аммо табиатдан фойдаланишнинг ҳам ўз қонунияти, ўз маънавияти бор. Ов мавсуми йилда бир марта бўлади. Океандаги балиқлар режасиз тутилмайди. Ақл билан қазилган, асрлар мобайнида табиат мувозанатининг бузилишига олиб келмаган сунъий дарёлар ҳам, сунъий денгизлар ҳам оз эмас. Афсус, бизда кўп ишлар кейинги 20–30 йил мобайнида мавсумий манфатни кўзлаб қилинди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистоннинг ўзида деярли уч миллион гектар сугориладиган ер ўзлаштирилди.

1924 йилда Ўзбекистонда 200 минг тонна пахта тайёрланган бўлса, ҳозир бу рақам беш миллион тоннадан ошди. Тарихчilar пахта мустақиллиги учун кураш деган шиор биринчи даражали масалага айланган даврларни яхши билишади. Пахта мустақиллиги дегани, мамлакатни шунчаки мато билан таъминлаш дегани эмас эди. Бу – Совет давлатини чет элларга қарам қилиб қўймаслик, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий қудратини юксалтириш демак эди. Бироқ кейинги ўн йилликларда кўп ишларда пала-партишлик, келажакни ўйламасдан “табиатга хужум қилиш” авжига чиқди. Айтайлик, туз конининг устига 8,3 миллиард кубокилометрлик Туямўйин сув омборини қуриш лойиҳасини чизгандар, шуни амалга оширганлар, охир-оқибат атрофдаги улкан майдоннинг шўрлаб кетишига, қанчадан-қанча яхши ерларнинг ишдан чиқишига сабабчи бўлганлар нима учун халқ олдида, жилла қурса, маънавий жавобгарлик ҳиссини туймайди! Ақл бовар қилмайдиган далиллар. Кейинги йигирма йил ичida Ўзбекистонда ҳар йили юз минг гектар янги ер ўзлаштирилган. Айни пайтда йилига саксон минг гектар яроқли ер яроқсиз ҳолга келган. Мутахассисларнинг ҳисобига кўра, ердан нотўғри фойдаланиш туфайли сугориладиган майдонларнинг тўртдан бир қисми ишдан чиқсан. Давлат хазинасидан миллионлаб пул олиб, янги ерлар очган ирригаторлар нимага бу ёгини ўйламаган?!

Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигидаги айрим шахслар олимлар ва ёзувчилар билан сұхбатда: “Оролга бир грамм ҳам сув бермаймиз, бизга бу денгизнинг кераги йўқ”, деб барадла айтганда нимани ўйлади экан? Қачондан бошлаб уларнинг дарди халқ дардидан айри тушадиган бўлиб қолди? Креслога ёпишиб олиш шунчалик бўладими?

Албатта, мелиораторнинг вазифаси – янги ер очиб, янги канал, янги сув омбори қуриш. У шунинг учун пул олади. Лекин келажакни ўйламасдан бугунги хузур-ҳаловатни, бугунги унвонни, бугунги шон-шухратни байроқ қилиб олиш – “Жаҳонга ўт кетса-кетсин – оловида менинг шўрвам пишилин”, деган ваҳшиёна қаравшага ўхшамайдими?

Алам қиладиган жойи шундаки, олтмишинчи-етмшинчи йилларда субъективизм, волюнтаризм иллатла-

ри, айниқса, авжига чиқди. Тезроқ планни ошириб бажара қолсам, тезроқ орден ола қолсам, ном чиқара қолсам, деган ният күпларнингшиорига айланди. Менга деса денгиз қуриб-қақшаб кетмайдими, мен кўпроқ пахта бераман. Менга деса ер кулга айланиб кетмайдими, мен дори соловераман. Менга деса болалар гирт саводсиз бўлиб қолмайдими, мен режани биринчи бўлиб бажариб, мукофот оламан. Эрта билан ишим йўқ, мен бугунни биламан. Мана, уларнинг шиори қандай эди! Бундай қараш калтабин, чаласавод одамлардагина бўлса, ҳай майли, деса бўлар. Туппа-тузук мутахассислар ҳам денгиз қуриши туфайли йигирма минг квадрат километр майдонда янги сахро пайдо бўлганидан, Оролнинг сувсиз қолган сатҳида ўн миллиард тонна туз тўпланиб қолганидан, атрофдаги ҳар гектар экин майдонига йилига етти юз килограмм туз шамол билан ёпирилаётганидан ҳамон кўз юмишга, “у ёғи бир гап бўлар”, дейишга уриняпти.

Тор манфаатдан келиб чиқиб фикрлаш одамни майдаштириб кўяди. Бироқ тағин бир касаллик борки, бу хасталик муқаррар тарзда маънавий инқизозга олиб боради. Бу касалликнинг номи – қўрқоқлик. Кўп йиллар жамиятимизда бу хасталик, тиббий ибора билан айтганда, сурункали тус олди. Бунинг учун одамлар ҳам, жамият ҳам айбдор эмас эди. Бунинг учун ўттизинчи йиллар ўртасида бошланиб, Сталин вафот этгунча давом этган шахсга сифинишнинг даҳшатли оқибатлари айбдор. Ҳозир ёши олтмишнинг нари-берисида бўлган одамлар билан сұхбатланиб кўринг. Ўша замонлар ҳақида “учлик” деган мудҳишибора ҳақида, “халқ душмани” деган тамғанинг даҳшати, ярим кечаси уйидан олиб чиқиб кетилган кўйи қайтиб келмаган бегуноҳ одамлар тўғрисида ҳалиям овозини пасайтириб гапиришади.

Грузин кинематографларининг “Тавба-тазарру” деб номланган рамзиятга тўлиқ ажойиб фильми, А.Ахматованинг инсоний изтиробларга тўлиб-тошган, бундан эллик йил илгари ёзилган “Марсия” асари, А. Твардовскийнинг аёвсиз реализм рухи билан сұгорилган, бундан йигирма йил илгари яратилган “Хотира ҳуқуқи” достони, нихоят, А.Рибаковнинг Сталин шахсига сифинишнинг халқ бошига солган саноқсиз кулфатларини фош этувчи “Арбат болалари” романи яқиндагина дунё юзини кўрди. Ўша асарларда тасвирангтан

воқеаларни ўз кўзи билан кўрган, ҳатто ўз бошидан кечирган одамларда қандай шижаот бўлсин?! Одам ҳақиқатни айтолмаган жойда қандай қилиб маънавий баркамоллик намоён бўлсин?! Чала ҳақиқат чинакам ҳақиқат эмас-ку!

Энг ёмони шундаки, кўп йиллар давомида “биз ҳаммамиз улкан ишнинг ижрочиларимиз, буйруқ берилдими, бас, бажаришга мажбурмиз”, деган қарааш қон-қонимизга сингиб кетди.

Оқибат нима бўлганини кўриб турибмиз. Пахтадаги кўшиб ёзишлар режанинг ошиб кетишига, тўғрироғи, режанинг ошиб кетиши кўшиб ёзишларга олиб келди! 80-йиллар бошида ғалати ҳодисалар бўлган эди. Бирон хўжаликка бориб қолсак, учрашув охирида райком секретари ёки колхоз раиси қизиқ гап айтар эди: “Қаранг, хурматли колхозчилар, хўжалигингизга севимли ёзувчиларимиз ташриф буюришиди. Келинг, шу ёзувчилар хурмати учун гектаридан тағин 2 центнердан қўшимча пахта топширамиз, деб мажбурият оламиз. Қани, бир қарсак бўлсин!” Одамлар қарсак чалишарди... Қизиқ, нега энди аллақандай ёзувчиларнинг меҳмон бўлиб келиши пахтакорга қўшимча мажбурият юклashi керак? Учрашувдан кейин типирчилаб қолардим. Райком секретари ёки колхоз раисига ялинардим: “Кўйинг шу гапларни, гектаридан қўшимча 2 центнер пахта олиш осонми?!” Райком ёки колхоз раиси эса кулиб, кўл силтар эди: “Парво қилманг, бу ҳам бир рағбат-да!” Хўш, бу “рағбат” “паст”дан бўлдими ёки “юкори”данми? Аллақандай ёзувчининг ташриф буюриши билан қўшимча мажбурият қабул қилиш орасида нима алоқа борлигини оддий пахтакор билмасди-ку! “Рағбат” шу бўлдики, минглаб бегуноҳлар ҳозир қамоқда ётиби. Мен ҳаммадан кўра, емаган сомсага пул тўлаётган ўша “винтчалар”га ачинаман.

Бу ҳам етмагандек, баъзи марказий газеталарда “ўзбек иши” деган уйдирма гап ўрмалаб қолди. Гёё бу ҳангома учун бутун ўзбек халқи айбордек...

1982 йилнинг кеч кузи эди. Ноябрнинг охирлари. Ғафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлардим. Жамоамиз Пискент районига ҳашарга чиққан. Уч кун аввал қор ёққан. Ерда тизза бўйи қор, азamat пахтакорлар ва шаҳарлик ҳашарчилар вилоят бўйича ҳамон кунига камида

бир фоиздан пахта “топшириб”, далада жавлон уриб ётибди. Хўжаликка жамоадан хабар олгани бордик. Дала шипшийдам. Қордан бошқа нарса йўқ. Ҳашарчилар штабининг бошлиғи – туман ижроқуми раҳбари бизни қошини чимириб кутиб олди. “Сизнинг жамоангиз текинхўр, колхоз нонини бекорга еб ётибди, пахта термайди!” деди. Мен чидаб турулмадим: “Қани ўша терадиган пахта?” Шундай дейишим билан вакил ёниб кетди: “Бунақа гапни фақат ашаддий халқ душмани айтади!”

Ростини айтсам, этим жимиirlаб кетди. 37-йиллардаги, 50-йиллардаги “халқ душмани” деган совук ибора яна чиқиб қолдими? Ахир, йўқ пахта деб бу ерда минглаб одамларнинг ивирсиб юриши, касал бўлиши колхоз учун ҳам, шаҳар корхонаси учун ҳам кони зиён-ку?! Рост гапни айтиб, халқ манфаатини химоя қилиш “душман”лигу ёлғон план учун одамларни лақиллатиш дўстликми? Мен бу гапларни айтолмадим. Хўш, бундай кайфият бор жойда қанақа маънавият бўлиши мумкин?

Пахта – қишлоқ хўжалиги экинлари орасида энг оғир меҳнат талаб қиласидиган, айни пайтда, энг қимматбаҳо хомашё саналади. Буни олимлар яхши биладилар. Пахта илмидан узокроқ одамларга тушунарли бўлиши учун бир мисол келтиришим мумкин. Биласиз, асримиз бошида Тунгускага метеорит тушган. (Олимлар, кейинчалик ўша нарса метеорит эмас, жуда катта қор массаси дейишади. Майли, ҳозир гап бунда эмас). “Самовий меҳмонлар” тушган жойда жуда катта майдондаги ўрмонларни ўт олган. Қаттиқ зилзила бўлган. Юз чакирим наридаги асрий қарағайлар чўрт узилиб кетган. Орадан кўп йиллар ўтгач, одамлар ўша жойларни бориб текшириб ҳайрон бўлишган. “Вокруг света” журналининг ёзишига қараганда, “Тунгуска фожиаси”дан кейин дарахтлар шиддат билан ўса бошлаган. Мутахассислар бу ғайритабиий ҳолат устида узоқ бош қотиргач, бир нарсани аниқлашган. “Самовий меҳмон” космосдан Ерда учрамайдиган микроэлементларни олиб тушган экан. Олимлар ўша элементларни лаборатория усулида синтез қилишган. Маълум бўлишича, бу моддалар ҳар қандай ўсимликнинг унумдорлигини икки-уч ҳиссагача ошириб юборар экан. Мухбирлар: “Бунақа минералларни кўплаб ишлаб чиқарса

бўлмайдими?” деб савол беришганида олимлар: “Бўлади, аммо бундай ўғит жуда қимматга тушади, ўзини оқламайди, мабодо харажатини қопласа ҳам, фақат ингичка толали пахтада қоплайди”, деб жавоб қилишган.

Қиммати жиҳатидан оқ пахта ҳам ингичка толали пахтадан қолишмайди. “Оқ олтин” деган ибора бежиз айтилган эмас. Биз эса кўп йиллар пахтакорни “олтин қўллар” деб оғиз кўпиртиридиг-у, масаланинг бошқа томонини четлаб ўтавердик. Пахта ҳақида кўп баландпарвоз гапларни гапирдиг-у, пахтакорнинг ўзини унутдик.

Кейинги йилларда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида меҳнат қилувчиларнинг ўртача иш ҳақи бир ярим-икки хисса ошиди. Фақат пахтакор меҳнатига тўланадиган ҳақ деярли ўзгармай қолди. Дехқон эса арзимаган маош олиб, бола-чақаларини қандай қилиб боқиши билмай гарангсиб қолди. Бундай пайтда қанақа маънавият бўлиши мумкин?

Албатта, бу ўринда айримлар эътиroz билдириши мумкин: “Пахтани жудаям олtinga тенглаштириб қўйдингиз, у сиз айтганчалик қимматли хомашё эмас”. У ҳолда ҳақли савол туғилади. Нега бўлмаса қишли-қировли кунларда одамларни тўртинчи нав пахтани ҳам йигиб олишга даъват этамиз? Ахир, бунақа пахта ўз таннархини қоплаш у ёқда турсин, хўжаликларга кони зиён-ку...

Профессор К.Таксир “Правда” газетасининг 1987 йил 28 июль сонида эълон қилинган мақоласида ёзади: “Пахтанинг зонал нархини қайта кўриб чиқиши масаласи – пишиб етилган масала. Негаки, пахтага тўланадиган ҳақ эскирди. Ва у ёки бу соҳадаги реал шароитга мос келмай қолди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлаштирилган коэффициентлари ҳам ўзгартишга муҳтож. Буларнинг ҳаммаси СССР Нарх-наво давлат комитети томонидан, СССР Меҳнат давлат комитети томонидан зудлик билан чоралар кўришни тақозо этади”.

Ёзувчилар, жумладан, рус ёзувчиси Владимир Соколов Ўзбекистон далаларида заҳарли моддалар Иттифоқ миқёсидан йигирма беш марта кўп ишлатилаётгани, ер заҳарга тўйиб кетгани, одамлар оғир хасталикка йўлиқаётгани ҳақидаги масалани биринчи бўлиб кўтарди.

Биз эса яқин-яқинларгача кузда касалхоналар жигар хасталиги билан оғриган bemорларга тўлиб кетиши, бу касаллик

айниңса, болаларга ёмон таъсир қилаётгани, дүхтирлар эса кимёвий моддадан заҳарланган одамга “заҳарланди” деб ташхис қўёлмаслиги ҳақида гапира олмас эдик.

Бир вилоятда антиқа “ташаббус” бошланганини эшигтганим бор. Боғча болаларига бир дўпидан пахта териш мажбуриятини юклашибди. “Ахир бу золимлик-ку, боғча боласи пахтада нима қиласди?” десам, илжайишган эди. “Бунинг оти, муҳтарам ёзувчимиз, меҳнатга кўнникма ҳосил қилиш, дейилади”, дейишди. Биз ёзувчилар мактаб болаларининг ойлаб пахта териши ҳақида ҳам ёза олмасдик. Жуда журъат қилсақ, “Юқори синф ўқувчилари қалб амрига бўйсуниб, ота-оналарига кўмаклашяпти”, деб қўя қолардик. Баъзан марказий матбуотда Ўрта Осиёдан армияга чақирилган йигитчаларнинг нимжонлигини, жигари, буйраги, ошқозони хасталигини ёзишади. Начора, одам ўзи хоҳлаб касал бўлмайди. Бугун армия сафига чақирилаётган йигитчалар далаларга кимёвий дорилар аямасдан тиқиширилган худди ўша даврда – кейинги йигирма йил орасида туғилиб ўстган болалар. Кўпинча қишлоқ боласи рус тилини яхши билмайди, деб шикоят қиласмиз. Аввал сўраб кўринг, қишлоқ мактабини битириб олий ўқув юргига келган бола она тилида ёзган иншода нечта хато қиласкин? Ўттизтами, элликтами? Биз бунинг сабабларини билар эдик, аммо уларни айта олмасдик. Шу гапларни айтмаган, айта олмаган ёки айтиши мумкин бўлмаган шароитда қандай маънавият бўлсин?

Бундан кўп йиллар илгари Ўзбекистон Фанлар академиясида буюк адаб Абдулла Қодирий ижодига бағишланган мажлис бўлган эди. Ўша мажлисда бошқа бир устоз адабимиз Абдулла Қаҳҳор жуда образли мисол келтирган эди. Эмишки, қадим замонда бир филчани тутиб олиб, занжир билан қозиққа боғлаб қўйишибди. Фил қирқ йил қозиқ атрофида айланибди. Охири ўша занжир чириб, узилиб кетибди. Фил жонивор бўлса, ҳамон қозиқ атрофида айланармиш...

Таассуфки, ҳамон эскича фикрлаш, ҳамон эски қозиқ атрофида айланиш психологияси кучли. Айтайлик, бир рус адаби Байкал кўлининг тақдири учун жон куйдириб мақолалар ёзса, уни тўғри тушунамиз. Ҳақли равищда ижодини ҳам, жасоратини ҳам қадрлаб, қаҳрамон даражасига кўтарамиз. Ўзбек ёзувчиси “Орол ўляпти, ерларимиз ишдан

чиқяпти, эртага нима бўлади?” деса, “Кўй, маҳаллий манфатни ўйлаш яхши эмас”, деб ақл ўргатувчи корчалонлар пайдо бўлади.

Орол фожиасининг “маҳаллий манфаат”га нима дахли бор? Ахир бу бутун мамлакат миқёсидаги муаммо-ку. У ёғини сўрасангиз, мутахассислар Ҳиндикуш тоғларига ёғадиган қор ҳам бир чеккаси Орол устида рўй берадиган буғланишларга боғлиқ эканини айтяпти.

Ха, кўп йиллар биз рост гапни айтиш ўрнига, “ёқадиган” гапларни достон қилдик. Мақсадга энг қисқа, энг осон йўлдан боришни ўргандик. Ҳолбуки, энг осон йўл ҳар доим ҳам энг тўғри йўл бўлавермайди. Пала-партиш омборлар курдиг-у, ирригация ва мелиорация тизимларини такомиллаштирумадик. Кўпроқ янги ер очамиз дедиг-у, ялпи ҳосилни кўпайтириш пайида бўлдиг-у, эски, ишга яроқли ерларни шўрлантириб юбордик. Оширилган режа, қўшимча режа, муқобил режа деган нарсаларни ўйлаб топдиг-у, кўшиб ёзиш хасталигига дучор бўлдик. Алмашлаб экиш ўрнига ерга заҳар тиқишитирдик. Режани тезроқ бажарамиз деб болаларимизни чаласавод қилиб қўйдик. Бу – пахта яккаҳокимлигининг аччиқ мевалари эди. Тўғри, пахта стратегик аҳамиятга эга бўлган жуда керакли ўсимлик. Аммо фақат пахта учун майдонларни кенгайтириб, боғлардан, яйловлардан айрилдик. Пахта яккаҳокимлиги авж олмасидан илгари республикамиз майдонининг ўн беш фоизи ўрмонлар, боғ-роғлар бўлган. Ҳозир бу рақам уч фоизга, суғориладиган ерларда эса бир фоизга тушиб қолди. Ҳатто асосий майдони қумликтан иборат бўлган қардош Туркманистонда ҳам боғлар бизнинг республикамизга нисбатан кўпроқ – ўн тўрт фоиз экан. Охир-оқибат шу даражага етдики, Сибирдаги дўконда шафтотининг килоси уч сўм, Тошкент бозорида беш сўмга чиқди.

Пахтакор туманлардаги дехқон битта қовун ёки икки кило олма учун туман марказига боради. Бу қанақа тескари ҳақиқат? Устига-устак, катта-кичик минбарлардан “Ўзбекистонни қачонгacha гўшт, сут, картошка билан бошқалар таъминлайди?” деган таъналарни эшитиб қоламиз. Одамларнинг деразаси тагигача пахта экиб ташланган бўлса, нима қилиш керак? Артезиан қазиб яйловларгача қуритиб юборган бўлсак, гўшт-ёғни, сутни қаердан

олайлик?! Имконият яратилса, Ўзбекистон буғдой, чорва, мева, полиз маҳсулотлари билан бутун мамлакатни таъминлашга қодир. Аммо карамни пахтазор ичига экиб бўлмайди-ку. Пахтазор ўртасида ўрик ёки ёнғоқ ўстириб бўлмайди-ку!

В.Соколов “Литературная газета”нинг 1987 йил 18 ноябр сонида босилган “Орол қисмати” мақоласида куюнчаклик билан шундай далилларни келтиради. Иқтисодчилар таклифи: “Келгусида (15–20 йил) республика ўсиб бораётган аҳолисини гўшт, сут, картошка, сабзавот, мева-чева, узум билан (умумиттифоқ фондига тушадиган қисмини ҳам ҳисоблагандан) таъминлай олиши, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотини бошқа ҳар қандай вариантдагидан кўра 2–2,3 миллиард сўмлик кўп ишлаб чиқариши мумкин, бироқ бунинг учун у бор-йўғи бир миллион тонна пахта хомашёси тайёрлаши керак”.

Бугунги кунда пахта деган қимматбаҳо хомашёга жаҳондаги ўттиз мамлакат кўз тикиб турибди. Улар толани валюта – соғ олтинга сотиб олади. Кўп давлатларда юзлаб корхона пахта билан ишлайди.

Ўзбекистон Фанлар академияси ишлаб чиқариш кучларини ўрганиш кенгашининг раиси, академик С. Зиёдуллаев келтирган далиллар республикамиз дехқонлари, айниқса, пахтакорнинг меҳнати бутун мамлакат миқёсида чуқур маънога эга эканини яна бир бор тасдиqlайди. Ҳозир Ўзбекистонда етиштирилаётган пахта толасининг деярли тўқсон фоизи умумиттифоқ учун, қолаверса, экспорт учун ишлатилади. Бу дегани миллиондан ортиқ одам, икки миллион гектар суғориладиган майдон, ўттиз кубо-километр сув умумиттифоқ манфаати учун, бир қисми экспорт учун хизмат қиласи.

Афсуски, пахтакор меҳнати нима эканини ҳамма ҳам яхши билавермайди. Бунинг учун биз ижодкорлар ҳам айбдормиз. Гүё ўзбек дехқони итининг туваги олтиндан бўлиб кетгандек, “оқ олтиннин олтин кўллар яратади” (умрида бир кило пахта териб кўрмаган, лекин негадир “Ўзбек пахтакорларининг отаси” деган унвон олган Брежневдан чиқсан гап!) қабилида баландпарвоз очерклар ёзган ёзувчилар айбдор. Пахта териш деганда атлас кўйлакли қизларнинг ашула айтиб, далада кезиб юришини намойиш қилган телевизор-

чилар айбдор. Ўзбек деганда нуқул нос чекадиган, эшак ми-ниб юрадиган чолларни соя-салқин чойхонада ёнбошлаб, бедананинг пит-пилдиғи остида паловни ураётган қинғир-қийшиқ одамларни “миллий колорит” деб тасвираган виж-донасиз киночилар айбдор!

В. Соколов ўз мақоласида бундай дейди: “Ўрта Осиёни ба-давлат ўзбеклар (тожиклар, туркманлар, қирғизлар) палову қовун еб “оқ олтин” туфайли бойлик орттираётган субтро-пик жаннат ҳисоблаш ўта ноинсонийлиқдир”.

Бу адолатли гапларга яна нимани қўшиш мумкин? Та-ассуфки, Сибиргами, Узоқ Шарққами борсангиз, ўзбек де-ганда бозорда узум сотадиган чайқовчини тушунадиган-лар бор. Ўзбек дехқонининг меҳнати айрим калтафаҳмлар ўйлаганчалик осон эмас. Теримчи бир кило пахта териши учун икки юз эллик чаноққа қўл юбориши лозимлигини, бир кунда юз кило пахта терадиган одам ғўза устига йигирма беш минг марта таъзим қилишини ҳаммаям билавермайди.

Модомики, Сибирь дарёларининг суви келмас экан (кўп йиллар шунга умид қилинган, ҳатто омборлар қурилишида ҳам шимолдан сув келиши ҳисобга олинган), модомики, Ка-спийдан Оролга канал қазиш режаси мавҳум экан, Соколов ёз-ганидек, пахта майдонларини экологик фожиага олиб келмай-диган даражада қисқартириш, дарё сувларининг бир қисмини Оролга ташлаш, алмашлаб экишни, деққончиликнинг бошқа турларини кенгрок ёйиш керак бўлар.

Такрор айтаман, мен мутахассис эмасман, нима қилса яхши бўлишини исботлашга ожизман. Аммо яқин 20–25 йил ичida рўй бериши муқаррар бўлган фожиадан кўз юмиш ҳам мумкин эмас.

Бугунданоқ жиддий бош қотириш керак бўлган яна бир масала. Республикамиз аҳолиси ўсиб боряпти. 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон худудида 4,3 миллион киши яшаган бўлса, ҳозир 19 миллион жон истиқомат қиласи. Бу ўринда аҳоли табиий ўсишини ҳам, бошқа минтақалардан келаёт-ганлар ва уларнинг оиласини ҳам қўшиб ҳисоблаш керак. Афсуски, энг тўғри йўлдан эмас, энг қисқа йўлдан бориш психологияси ҳамон унутилгани йўқ. Орол ўлса ўлаверсин, деган мудҳиш қараашдаги “олимлар” бугун янайм антиқароқ гап айтишяпти.

Эмишки, Орол ҳавзаси атрофидаги худудлар күм остида қолса, энг осон йўли бор экан. Шу атрофда яшаётган юз минглаб аҳолини Шарқий Сибирга кўчирса, олам гулистон эмиш. Моҳият эътибори билан бу гапда мантиқ йўқ. Шу боисдан бунақа “назариялар” ҳозирча шунчаки таклиф тарзда айтилаётган экан, унга ҳозирданоқ нуқта қўйиш керак. Биринчидан, гап одамларни кўчириш-кўчирмаслик устида эмас, денгизни сақлаб қолиш ҳақида бориши шарт. Иккинчидан, юз минглаб одамларни ота юртидан кўчиришнинг психологик жиҳатини эсдан чиқармаслик керак. Қолаверса, кўплаб одамларни бир жойдан иккинчи жойга олиб боришдаги харажатлар, ўша ерни ўзлаштиришдан келадиган фойданинг шубҳалилиги назардан қочмаслиги керак. Тиббиёт ходимлари айтадиган “адаптация” – мослашув деган тушунча ҳам бор. Бундай ишларни оғизнинг бир чеккаси билан ҳал қилиб бўлмайди. Шарқий Сибирнинг табиий шароити Ўрта Осиё ерлариникидан яхши эмасдир, ахир?! Шунга кетадиган маблағ Оролни саклашга етиб ортиб қолса, ажаб эмас.

Професор К.Таксирнинг мақоласига мурожаат қилайлик. “Иқтисодчилар Ўрта Осиёда одамларга иш жойи яратиш учун кетадиган маблағ мамлакатимизнинг бошқа жойларидагига нисбатан анча кам бўлишини айтмокдалар. Ҳар бир одам ҳисобига комплекс яашаш шароитини яратиш учун бу ерда 1200 сўм маблағ кифоя. Бу эса Ғарбий ва Шарқий Сибиръ ҳудудларидағига нисбатан уч ҳисса арzon, демакдир. Яна қанақа далил керак?”

Бу ўринда яна бир далилдан кўз юмиш ҳам енгилтаклик бўлур эди. Республикамизда аҳоли зич яшайди (Орол денгизи атрофидаги рўй бериши мумкин бўлган вазиятни ҳисобга олмаган тақдирда ҳам). Масалан, Андижон фақат мамлакатимизда эмас, жаҳон бўйича аҳоли энг зич жойлашган вилоятлардан саналади. Ҳозирнинг ўзида Ўрта Осиёда меҳнатга лаёқатли одамларнинг бешдан бир қисмини иш билан таъминлаш муаммоси кўпчиликнинг бошини қотиряпти.

В. Соколов “Орол қисмати” мақоласида бу муаммони ҳал этишнинг энг оқилона йўли ҳақида тўхталиб ўтади: “Бизда кўп нарса қайта кўришга муҳтоҷ. Шу жумладан, Ўрта Осиёга мамлакатнинг техник ва сувсевар экинларини етиштириш пешонасига ёзилган аграр минтақадай қарашни ҳам қайта

қўриш керак... Нафақат пахта майдони, балки мамлакат устахонаси – Ўзбекистон учун муносиб келажак мана шу".

Доно гап. Орол денгизини, демакки, бутун Ўрта Осиёни экологик ҳалокатдан сақлаб қолиш, иккинчи томондан эса кўпайиб кетаётган одамларни иш билан таъминлашнинг йўли битта: саноат корхоналари қуриш керак. Корхона бўлганда ҳам, ортиқча сув талаб килмайдиган, ҳавони бузмайдиган, аҳолини иш билан таъминлайдиган, энг муҳими, харидоргир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар яратиш лозим. Нохуш бўлса ҳам, бир далилни айтишга тўғри келади. Турғунлик йилларида Ўзбекистонда кимё корхоналари кўпайиб кетди. Улар орасида мамлакатнинг бошқа худудлари қатъий рад этган заводлар ҳам бор. Яна қизиғи шундаки, бундай экологик зарарли корхоналар айнан катта шаҳарларнинг ўзида ёки бикинида қурилган. Аллақаердан хомашё келтириб, Ўзбекистонда кимёвий маҳсулотлар ишлагандан кўра, шу ердаги хомашё ҳисобига бошқа маҳсулот ишлаб чиқариш ҳар томонлама фойдали эмасми?

Нима учун ўзимизда минг машақкат билан етишириладиган пахта толасидан ўзимиз энг замонавий кийимлар тикмаймиз? Нега фотоплёнка, корд ишлаб чиқармаймиз? Бошқа ерларда чиқарилаётган тикув машиналари, кирювгичлар, борингки, автомобиль ишлаб чиқаришга бизнинг ақлимиз етмайдими? Ўзбекистон ўз маҳсулоти – пахтанинг тўқсон тўрт фоизини хомашё сифатида арzonга сотса, ундан олинадиган сўнгги маҳсулотга нисбатан юз карра кам ҳақ олаверади. Деярли сув текин!

Бундан хомашё ва ўша хомашёдан олинадиган охирги маҳсулот, яъни одамларга сотиладиган тайёр нарсанинг таннархи ва реал фойда масаласида ўйлаб қўриш керак бўлган катта муаммолар келиб чиқади. Ўзбекистонда кўплаб ширин-шакар мевалар етишириш мумкин. Хўш, тонналаб меваларни бошқа жойга нисбатан арzon баҳода сотгандан кўра (мева эгасига етиб боргунча барибир сифати бузилади, натижада яна ўша мевани етиширган хўжалик зиён кўради), ўшандан бир қисмини мармелад, компот, консерва, конфет қилиб сотиш мумкинми? Шунаقا маҳсулотларни мамлакатимизга, ҳатто чет элларга сотсак, бирор қўлимиизни ушлаб турмайди-ку. Одамлар ҳам иш билан таъминланади-ку.

Ёки пиллани ўзимиз етиштирамиз, қоракўл ўзимизда кўп, шундай экан, нима учун аъло даражали, бичими бежирим қоракўл пальтолари, шохи матодан тикиладиган кийимларни ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин эмас?

Ниҳоят, яна бир масала. Пахта ва ундан олинадиган, тўғрироғи, пахтадан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар масаласи. Узр, эзмалик бўлса ҳам, баъзи рақамларни келтиришга тўғри келади. Бир тонна хом пахтадан 340 килограмм гача тола, 580 килограммгача чигит олинади, 580 килограмм чигитдан 112 килограмм ёғ, 10 килограмм совун, 270 кило кунжара, 170 кило шелуха, 8 кило линт, пластмасса, порох, линолеум, киноплёнка, фотоплёнка, карт, нитроглицирин, бўёқ материаллари чиқади. Майли, чигитга оид бўлган ёғ, совун, линт ва бошқаларни гапирмай кўяқолайлик-да, тола масаласини ўйлаб кўрайлик. (Холбуки, тағин бир нарсанни айтмаслик, барибир ноинсофлик бўлади. СССРда ишлаб чиқариладиган барча ўсимлик ёғининг 25 фоизи – роса тўртдан бир қисми ўзбек пахтасининг чигитидан олинади!) Хисобимизни соддалаштириш учун тоннани килограммга айлантириб кўяқолайлик. Бир тонна пахтадан 340 кило тола олинса, 340 кило толадан 35000 квадрат метр газлама ишланса, демак, бир кило толадан 340 грамм тола, шунча толадан 3,5 квадрат метр газлама ишлаб чиқарилади. Айтайлик, бир завод бир кило пахтадан 340 грамм тола олди, бошқа бир фабрика шунча толадан 3,5 квадрат метр газлама ишлади, тағин бир фабрика шунча газламадан эркакларнинг икки кўйлагини ишлаб чиқарди. Сифатли, чиройли тикилган иккита кўйлак ўртacha 40 сўм туради. Бир кило хом пахтанинг харид нархи-чи? Ўртacha 60 тийин. Майли, бир кило пахтадан тола ажратиб олиш, ип йигириш, мато тўқиш, бўяш, ниҳоят, кўйлак ҳолига келтириш учун одамлар меҳнатига тўланадиган ҳақ, энергия, станоклар, мойлар, транспорт, яна бошқа нарсалар учун кетадиган маблағ 20 сўм бўлсин, борингки, 30 сўм бўлсин. Коладиган нақд фойда 10 сўм бўлақолсин. Лекин барибир 60 тийин билан 10 сўм ўртасида катта фарқ бор (чигит ва ундан ишланадиган маҳсулотларни бу ҳисобга киритмадик. Пахта толаси фақат мато эмаслигини, пул ва облигация коғозлари (госзнак) пахта толасидан ишланишини ҳам айтмай кўя қолайлик).

Шу пайтгача айтилмай келинган, аммо энди гапирмаса бўлмайдиган оддий бир ҳақиқат бор: қайси ҳудуд, қайси республика, ҳатто қайси мамлакат нуқул хомашё базаси бўлиб қолаверса, ўша юртнинг косаси ҳеч қачон оқармайди. Негаки, тайёр маҳсулотнинг нархи хомашё нархидан ҳамиша бир неча баравар қиммат бўлаверади.

Нихоят, яна бир масала. Қаламкаш сифатида мени, айниқса, ҳаяжонга соладиган маънавиятга алоқадор гап. Хоразм, Бухоро сингари жаҳоншумул шаҳарлар худди ўша Орол денгизи атрофида жойлашган. Булар жаҳон цивилизациясининг ноёб намуналари саналади. Хўш, мўгуллару араблар босқинидан омон қолган гўзал обидалар нега энди келиб-келиб бизнинг замонда вайрон бўлиши, қум остида, туз тагида қолиши керак?!

Орол ҳалокати, Ўрта Осиёдаги экологик мувозанатнинг ўзгаришига боғлиқ тағин бир муаммо ҳақида қисқача тўхталишга тўғри келади.

Маълумотларга қараганда, Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда, айниқса, Қорақалпоғистонда болалар ўртасида ўлим ҳодисаси кўп. Айрим мутахассислар бунинг сабабини аёлларимиз кўп туғишида кўради ва натижада туғишини чеклаш керак, деган фикрни илгари суряпти. Лекин русларда яхши гап бор: “А” дедингми, “Б”ни ҳам айт!”. Бу масалада нуқул бирёқлама ўйлаш қандай бўларкин? Назаримда, яна ўша эски касал – энг яқин ва энг осон йўлдан бориш хасталиги бу соҳада ҳам хуруж қиляпти. Она-болага малақали тиббий хизмат кўрсатишдан кўра, “Камроқ туғсанг, ўласанми?!“ деб дағдага қилиш осонроқ. Бироқ бу ўринда аёлларимизнинг меҳнат шароитини, майший аҳволини ҳам хисобга олиш керакми-йўқми? Аёллар маслаҳатхоналари, акушерлик пунктлари, боғча ва яслилар бўлмаганидан кейин, педиатрия хизмати, профилактика ҳаминқадар бўлганидан кейин аҳвол шу тарзда давом этаверади-да!

Мутахассислар, кўп туғилиш болаларнинг кўп ўлишига олиб келяпти, деганида масаланинг фақат бир томонига эътибор берадиганини бир мисол билан исботлаш мумкин. Қорақалпоғистон болалар туғилиши жиҳатидан биринчи ўринда турмайди. Болаларнинг хасталаниши ва ўлиши жиҳатидан эса “юксак” ўринни эгаллайди. Шунингдек, бо-

лаларга педиатрия хизмати кўрсатиш, боғча ва яслилар билан таъминлаш жиҳатидан охирги ўринларга тушиб қолган. Демак, ёш болаларнинг хасталаниши фақат туғишига эмас, туғилган болага тиббий хизмат кўрсатиш сифатига ҳам боғлиқ!

Кўп йиллардан бери қаламкаш сифатида, борингки, бир одам сифатида ўзимни ташвишга солиб келган бу муаммоларни қоғозга тушираётганимда бир андиша ҳамиша хаёлимда турди. “Тўсатдан шунча масалаларни қалаштириб ташлаш шартмиди?” деган савол туғилиши мумкин. Биринчидан, тўсатдан эмас, бу масалалар аллақачон пишиб етилган. Иккинчидан, улар бир-бири билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, биттасини ўйласангиз, иккинчиси чиқиб келаверади. Шубҳасиз, булар ниҳоятда мураккаб муаммолар. Бир силтov билан ҳал бўла қолмайди. Лекин начора, ҳаётнинг ўзи шуни тақозо қиляпти...

Столим устида ҳамон ўша бир варак қоғоз ётибди: “Авлодларга нима деймиз?” Ёзилмаган фантастик қиссанинг сарлавҳаси. Имоним комилки, мен уни ёзолмайман. Фантастика менинг соҳам эмас. Бироқ бугунги реал воқелик фантастикадан кўра ҳам кенгроқ миқёсли, мураккабга ўхшайди. Орол денгизини сақлаб қолиш, ҳадеб режа кетидан қувмаслик, еримиз ўлиб адо бўлмаслиги учун самарали чоралар кўриш, республикамизни нуқул хомашё етказиб берувчи минтақа эмас, оқибат натижада хомашёдан кўра бир неча баробар каттароқ моддий фойда келтирадиган, саноати ривожланган ўлкага айлантириш, болаларимизнинг саломатлигини, илмли бўлишини ўйлаш, қўли гул ишчи кадрларни тайёрлаш – буларнинг ҳаммаси “Авлодларга нима деймиз?” деган саволнинг ўзак масалаларига бориб тақалади. Эҳтимол, фантастик асар қаҳрамонлари бир ердан оладиганларини олиб бўлганидан кейин бошқа жойга кетиб қолар. Биз бундай қилмаймиз! Зоро, Ўзбекистон бизнинг Ватанимиз. Она юртимиздир.

1988 йил



Саккизинчи боб

Адабий қылар



Бир-бириңизни асрайлик

Хамкасб дўстларимга очиқ хат

Дўстлар, келинг, бир лаҳза юзма-юз ўтириб, ўзимизни қийнаётган масалаларни бақамти гаплашиб олайлик. Жаҳл қилмасдан, эҳтиросларга берилмасдан... Биламан, биз – ёзувчи халқи ҳиссиётли одамлармиз. Бироқ эҳтирос билан айтиладиган фикрларни осойишта гаплашса ҳам бўлади-ку, тўғрими?

Ўтган йили Кўқон яқинида – Бувайдада китобхонлар билан учрашув бўлган эди. Ёдимда, минг кишилик зални тўлдириб ўтирган одамларнинг кўзидағи ҳаяжон, адабиётта, ёзувчиларга бўлган чексиз эҳтиром мени қаттиқ ларзага солганди. Шунчалик китобсевар халқимиз бор. Оддий меҳнаткашлар ёзувчига шу қадар қаттиқ ишонади, шу қадар ихлос билан қарайди. Бундай самимий меҳрни оқлаш учун яхши китоб ёзишининг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун қаламкаш ўз халқининг фидойи фарзандига айланиши керак... Аммо ўшанда яна бир нарса хаёлимга келган эди. Мана шу залда ўтирган минг киши, мабодо имкон топса-ю, қаламкашларимиз даврасида тез-тез бўлиб турадиган сұхбатларга аралашиб қолса, нима бўларди? Ўз назарида энг зиёли қатлам ҳисобланган биз – ёзувчиларнинг “даҳанаки жангларимиз”ни, майда жанжалларимизни кўрса нима қилган бўларди? Нечтасининг адабиётдан ихлоси қайтарди! Нечтаси китоб дўкони ёнидан ўтса, тескари қарайдиган, “ёзувчинг шу бўлса, китобини ўқимаганим бўлсин”, деган қарорга келарди! Ўша изтиробли саволлар ҳамон дилимни ўртайди.

Биродарлар, ўйлаб кўрайлик, мажлисларимиздаги гапларимиз майдалашиб кетмаяптими? Ёзувчининг халқ олди-даги бурчи ҳақида, ижодкор маҳорати ҳақида қачон, қайси йиғинда профессионал сұхбат қилдик?! Бунинг ўрнига қайси директор анжуманда кимгадир сўз берилмай қолгани,

қайси бир учрашувда кимгадир кўпроқ, кимгадир озроқ гул тутқазилгани, кимдир шеър ўқиб, кимгадир навбат тегмагани, қайси бир йиғилишда кимгадир баландроқ, кимгадир пастроқ қарсак чалингани, кимнингдир ижодий кечасида кимдир мақтаброқ, кимдир мақтамайроқ гапиргани, кимнингдир китобига кўпроқ, кимникигадир камроқ тақриз чиққани асосий мавзу бўлмаяптими? Ўзингиз танангизга ўйлаб кўринг: халқ меҳрини, китобхон муҳаббатини зўрлик билан қозониб бўлмайди-ку. Ҳар қандай асарнинг баҳосини энг холис икки ҳакам – китобхон билан вақт белгилайди. Қолаверса, адабиёт дегани йўловчилар билан тўлган автобус эмаски, бир эшиқдан бирор кирганида иккинчи эшиқдан бошқа бирор тушиб қолса. Ижод осмони кенг. Унга хоҳлаганча юлдуз сифади. Юлдуз бўлиш эса истеъдодга, фақат истеъдодга боғлиқ. Ижодда бирорнинг ўрнини бирор эгаллай олмайди. Адабиётимизнинг тамал тошини қўйган мумтоз адиларимиздан тортиб, бутунги оқсоқолларгача, ўрта авлоддан то энг ёш укаларимизгача ҳамманинг ўз ўрни бор. Кимни кўпроқ яхши кўриш масаласини эса китобхоннинг ўзи ҳал килади. Бунинг учун минбарга чиқиб, обрў талашиш шарт эмас. Бу оддий ҳақиқатни тушуниш унчалик қийин эмасдир ахир!

Ҳаётимиизда ошкоралик замони бошланганидан хурсандмиз. Аммо баъзи ҳамкасларимиз ошкораликни суистемол қилмаяптимикин? Ростини айтганда, ҳозир газеталарда, журналларда, нашриётларда ишлаш осон эмас. Бу билан мен эски замонда ишлаш маъқул эди, демоқчи эмасман. Аксинча, бугунги кунда бўш асарларнинг олдини тўсиш, чинакам бадиий маҳорат билан ёзилган китобларга кенг йўл очиш имкони туғилди. Албатта бу соҳада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар, йўл қўйиб келинаётган камчиликлар оз эмас. Булар ҳақида баҳамжиҳат ўйлашимиз керак. Бироқ ошкораликни фақат ўз манфаати йўлида тушунаётганлар ҳам йўқ эмас.

Шундай қаламкашлар борки, асар яратишга қанча нўноқ бўлса, шикоят ёзишга шунча уста. Асарни эпақага келтириб ёзолмайди, юқори идораларга ариза битишни эса қойил қилиб ташлайди. Шунча одамни овора қилиш ўрнига асари ни пухтароқ ёёса-ку, олам гулистон! Йўқ, у “ўз ҳукуқи”дан

унумли фойдалангиси келади. Ҳозир ижодий ташкилотларда замонавий матал пайдо бўлган: “Асар ёзолмаган одам шикоят ёзишни қойил қиласди”. Начора, бу ҳам – аччик ҳақиқат!

Яна бир мисол. Айтайлик, бир танқидчи дўстимиз газета ёки журналга мақола олиб келади. Мақолада тадқиқотдан кўра андишасизлик билан айтилган даъволар, ҳатто айбномалар кўпроқ бўлади. Тахминан мана бундай: “Фалончи ёзувчи фалон ёшга кириб ҳеч нима ярата олмади. Мана энди биз унинг ҳақиқий башарасини фош қиласми”. Мақола муаллифига тушунтирумокчи бўласиз. “Жон биродар, агар ўша ёзувчи ёки шоир бу ёруг дунёда шунча йил яшаб, шунча ижод қилиб, бир сатр ҳам дуруст нарса ёзолмаган бўлса, шуни илмий асосда исботлаб беринг. Қолаверса, бу гапларни бечоранинг юзига тарсакилаб ургандек қилиб айтиш шартмикин...” Мақола муаллифи дарҳол “хужум”га ўтади. “Нима, сиз уни ҳимоя қиляпсизми?! Кимингиз бўлади? Агар мақолани қисқартирангиз, шундай қилганингиз ҳақида бошқа жойга ёзаман. Бу менинг шахсий фикрим, ҳозир ошкоралик замони, фикримни айтишга ҳаққим бор”. Начора, мақола босилиб чиқади. Орадан ўн кун ўтар, ўн беш кун ўтар... “Пўстаги қоқилган” ёзувчи ёки шоир жавоб мақоласини кўтариб келади. “Фалончи танқидчи мени ҳақорат қилибди. Мана жавоб”. Ўқиб кўрасиз. Энди ёзувчи ёки шоир бояги танқидчининг чангини чиқариб юборган бўлади. Адолат, ҳақиқат даъво қилаётган худди ўша танқидчи қайси катта амалдор ҳақида нечта мақола ёзганлиги, ҳозир жинояти очилган қайси шахс номига бир вақтлар қандай мақтov гаплар айтгани... Яна тушунтирумокчи бўласиз. “Хой, биродар, кўяқолинг энди, майда гапларни кўпайтиришнинг нима кераги бор”, десангиз жавоб тайёр. “Ўша танқидчи сизнинг кимингиз бўлади? Нега у мени ҳақорат қиласди-ю, мен индамай туришим керак? Агар мақоламни бермасангиз ўзингизни шарманда қиласман, сиз гуруҳбозлик қиляпсиз”. Начора, бу мақола ҳам чиқади. Орадан яна ўн кун, ўн беш кун ўтади. Энди танқидчининг шогирдлари ўз устозини ҳимоя қилиб келади. Бу мақола ҳам чиққудек бўлса, ёзувчининг шогирдлари ундан ҳам каттароқ жавоб ёзади. Қарабсизки, занжирли реакция бошланиб кетади. Адабиётнинг туб масалалари бир чеккада қолиб, икки гуруҳнинг жиққа-мушт жанги бошланади.

Дўстлар, тўғри тушунинглар. Мен ҳеч кимга насиҳатгўйлик қилмоқчи эмасман. Бирорга ақл ўргатиш ниятим ҳам йўқ. Бу гапларни азбаройи жоним куйганидан айтяпман.

Кейинги пайтларда пайдо бўлган яна бир одат ҳақида тўхталишга тўғри келади. Нима учундир талай қаламкашларда адабиётни фақат мен яратаман, менга-ча бўлган адабиёт – адабиёт эмас, деганга ўхшаган тушун-ча бордек кўринади. Бу ўринда гап ёшлар ҳақида кетяпти, деб ўйламанг. Умуман ҳамма авлод вакилларида ҳам шундай фикрлайдиган ҳамкасларимиз йўқ эмас. Тўғри, одам ўзига ишонмагунча катта ижодкор бўлолмайди. Бироқ бу ишонч ўзига бино қўйишга айланса, хоҳласак-хоҳламасак бир авлодни иккинчи авлодга, бир қаламкашни иккинчи қаламкашга қарши қўйиш бошланади. Бу эса ўз навбатида яна гурухбозлилка олиб келади. Бу – масаланинг бир томони.

Иккинчи томондан эса биз кўп йиллик адабий таж-рибаларимизга, устозларимизга беписандлик билан қарасак, гумроҳлик қилган бўламиз. Хоҳлаймизми-йўқми, ҳаммамизнинг униб-ўсган ижод тупроғимиз битта. Хоҳлаймизми-йўқми, ҳаммамизнинг танглайимиз у ёги Ҳазрат Алишер Навоий, бу ёги 20-йиллардан бошланган реалистик адабиёт намояндадарининг асарлари билан кўтарилиган... Агар бир авлод ўзидан олдинги авлодларнинг изланишларини инкор этса, кейингилар ҳам бу авлод изла-нишларини bemalol йўққа чиқариши мумкин. Қолаверса, етмиш йил мобайнида ижод қилган оталаримиз ва акалари-мизнинг қандай шароитда яшагани, қай алпозда асар ёзга-нини ҳам унутмайлик.

Баъзи мисолларни эслаб кўрайлик. “Обид кетмон” яхши асар. Аммо бадиий маҳорат жиҳатидан “Ўткан кунлар”дан анча орқада (бу менинг шахсий фикрим). Хўш, нега шундай? Назаримда, Кодирий бу асарини қалб зарурати даражасига айланмасидан туриб, дарди пишиб етмасидан туриб ёзган. Тўғрироги, Кодирийни ўтмишни улуғлашда айблашганидан кейин, замонавий мавзуда китоб ёзмасанг, аҳволинг чатоқ, деб пешонасига нуқийверишганидан кейин асар қоғозга тушган. Эҳтимол, улут адибимиз бу қиссани орадан ўн йил-лар ўтиб ёзганида, “Обид кетмон”нинг бадиий қуввати “Ўткан кунлар”дан кам бўлмас эди. Ёки Faфур Fуломни олай-

лик. Faфур Гуломдек буюк санъаткор эҳтироси, фалсафаси-нинг бир қисми “улут оға”лар ва “улут доҳий”ни мадҳ этишга сарф бўлди. Бунинг сабабини билиш қийин эмас. Шундай даврлар бўлганки, бегуноҳ одамни, устига-устак халқ яхши кўрган одамни “халқ душмани” деб қамоқقا тиққанлар. Си-бирда ўрмон кестиригандар, ўша бегуноҳ қамалган одамнинг бегуноҳ ўғилчаси ёки қизчаси эса “Бахтли болалигимиз учун доҳиймиз Сталинга раҳмат!” деб бақиришга мажбур бўлган. Ёинки, Абдулла Қаҳҳорнинг “Кўшчинор чироқлари” романини синчилаб ўқиб кўринг. Аслида романнинг биринчи варианти бошқача ёзилган. Бироқ замон тазиёки билан Қаҳҳордек одам, ҳар бир сўзни заргар сингари тарозига тортиб ишлатадиган санъаткор бу асарни ўз ибораси билан айтганда, “ёзиш эмас, ясашга” мажбур бўлган.

Шуларни дастак қилиб “Ўткан кунлар”дек шоҳ асар ёзган Қодирийни, “Вақт”, “Софиниш”, “Сен етим эмассан” сингари ёниқ фалсафий асарлар яратган Faфур Гуломни, мумтоз хикоялар, “Сароб” романини битган Қаҳҳорни, “Навоий”ни яратган Ойбекни оз бўлса ҳам камситишга ҳаққимиз борми? Ойбек домла “Кутлут қон”дек романига аллақандай Петров деган образни киритишга мажбур бўлганини, бу образ асарга мутлақо “ёпишмай” кўричақдек осилиб ётганини тушуниш учун катта ақл керак эмас-ку! Биз бундай устозларга таъзим қилишимиз, уларнинг маҳоратини чуқурроқ ўрганишимиз жоиз эмасми?

Бугун ёши етмишнинг нари-берисида бўлган ёки умри вафо қилмай ҳаётдан кўз юмган “иккинчи авлод” деб аталмиш оқсоқолларимиз ҳақида “бу авлод вакиллари ҳеч нима яратмади”, деган фикрни ҳам эшишиб қоламиз. Инсоф қилинглар, аввало бу адиллар бошига тушган кунларни унутмайлик. Улар энди йигит ёшига етганида – 37-йилларда кирғинбарот бўлди. Кетидан уруш бошланди. Энди енгил нафас оламан, деб туришганида “калла олиш” бошланиб кетди... Ҳозирги талай “етмишвойлар” кўнглидаги гапларни очиқ-ойдин ёзолмаслиги, истеъдоди тўла рўёбга чиқмаганлиги ўша замон тўфонларига боғлиқ эмасми? Нима бўлганда ҳам бу устозларимиз орасида истеъдодли адиллар, шоирлар йўқ эмас-ку. Биз бу авлод вакилларининг ўзига хос ижодий тажрибаларини ўрганишимиз, яхши асарларидан

кувонишимиз, улар йўл қўйган камчиликлардан холосалар чиқаришимиз фойдали бўлмайдими?

Биродарлар! Ёзувчи – халқ виждони деган гап бежиз айтилган эмас. Айниқса бугунги кунда кимнинг қандай ижодкор эканлиги халқ дардини, мамлакат ташвишини қанчалик чукур хис этаётганига, бу юмушларга елкасини қанчалик тутиб бераётганига боғлиқ. Келинг, аччиқ бўлса ҳам бир ҳакиқатни эътироф этайлик: биз катта ташвишларни қўлдан келганча ҳал этиш, бу ишда жамиятга ёрдам бериш ўрнига майда-чуйдалар билан ўралашиб қоляпмиз.

“Қайта қуриш”, “Турғунлик” баҳонасида бизнинг юртимизга отилмаган тош қолмади. Марказ матбуоти бизни “қўшиб ёзувчи” деди, “текинхўр”, деди, “ўзбек иши” деган “тарихий жиноят” дунёга достон қилинди. Аввал сўраб кўрайлик: қўшиб ёзишга ким мажбур қилди? Бутун бошли халқни бадном қилиш кимга шунчалик керак бўлиб қолди? Энг ачинарлиси, шундай оғир паллада “халқ виждони” хисобланмиш биз – ёзувчилар халқни ҳимоя қилиш учун нима каромат кўрсатдик? Бундай тухматларга ўзбек адибла-ри эмас, Чингиз Айтматов зарба берди.

Қадимги Византия маданияти қадимги Россия маданияти тараққиётига қанчалик ҳисса қўшган бўлса, қадимги ўзбек маданияти ҳам ўрта Осиё халқлари маданияти тараққиётига шунчалик ҳисса қўшди, деган гапни биз ёзмадик, Чингиз Айтматов ёзди!

Шахсга сифиниш тўфонлари-ку энг сара гулларимизни ер билан яксон қилиб кетди. Ҳали айтганимдек, қолганларнинг ҳам қаламини озми-кўпми тўмтоқ қилди. Кейинги 20–30 йил-чи? “Турғунлик даври” деб аталмиш паллада нималар бўлди? Биз бир-биримизни қадрлашни унутиб қўйдик. Эслаб кўринг. Бинафшадек нозик, бинафшадек гўзал Миртемир домланинг ҳурматини ҳар доим ҳам ўрнига қўйдикми? Тарихнинг улуғ билимдони Миркарим Осим ҳаётида бирон марта раҳмат эшитдими? Ажойиб адид Явdat Илёсовнинг қадрига етдикми? Турғун Пўлат, Хайриддин Салоҳ билан Юсуф Шомансурнинг-чи? Ахир улар кўча чангитиб юрган безорилар эмас – Шоир эди-ку! Мирзакалон Исмоилий бир чеккага суриб қўйилганда биронтамиз ғинг дедикми?.. Улар ҳаётдан ўтди.

Устоз Абдулла Қаҳҳорга сабот билан содик қолгани учун Шұхрат ака камситилганида, Озод Шарағиддинов китобларини чиқариш пайсалга солинганида бизлар нима қилдик? Үзимизнинг ошиғимиз олчи туриши пайида бўлмадикми?

Лоқайдлик бир карра гуноҳ бўлса, ичқоралик минг карра гуноҳ!

Ижодкор – ёш боладек гап. Бир оғиз ширин сўз билан етти қават осмонга чиқиб кетади, битта совуқ гап эшитса, етти қават ер тагига кириб кетиши мумкин. Қаламкаш кайфияти аввало ҳамкасларининг муносабатига боғлиқ. Истеъдод – халқ мулки, деймиз. Ёзилган ҳар бир яхши ҳикоя, ҳар бир жиддий танқидий мақола, ҳар бир гўзал шеър халқ бойлиги деймиз, бироқ үзимиз баъзан ўша мулкка ғашлик билан қараймиз. Ҳамкасларининг ютуғидан қувониш ўрнига ҳасаддан ёрилиб кетгундек азоб чекувчилар ҳалиям оз эмас.

Биродарлар, жиндай бағрикенг бўлайлик, ахир! Ёрқин истеъдодлар ҳар куни туғилавермайди. Ҳозир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида олти юздан ортиқ аъзо бор. Энди китобхонлардан сўраб кўринг. Шулардан қанчасининг асарларини чин дилдан севади, ихлос билан ўқиёди, асари чиқишини интиқлик билан кутади? Нари борса эллик, боринг ана юздадир.

Ўзбекистонда йигирма миллион аҳоли яшайди. Шундай қилиб, йигирма миллион одам юз нафар қаламкашга айрича эҳтиром билан қарайди?! Ақалли ўша миллионлар хурмати учун юз нафар ёрқин истеъдодларга биз ҳам эҳтиром кўрсатайлик. Ҳеч бўлмаса уларга ҳалақит бермайлик. Минг хил ғийбатлару шикоят ҳатлари билан асабини қақшатмайлик. Үзимизнинг икки пулга қиммат “роман”, “достон”, “ҳикоя” ёки танқидий мақоламиз қайси нашриёт ёки журналдан қайтса, ўша ташкилот раҳбарлари бошидан мағзава ағдаришни бас қиласайлик.

Албатта, адабиёт фақат катта истеъдодлар учун ажратилган майдон эмас. Истеъдод даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Юзта дарахт, ҳатто чинор бўлганида ҳам, ўрмон бўлолмайди. Ижод оламида ҳар кимнинг ўз ўрни бор. Бадиияти ўртачароқ асарлар доим бўлган ва бундан кейин ҳам бўлади. Бундай асарлар ҳам нашр этилиши табиий. Гап бунда эмас.

Гап шундаки, ловуллаб ёнган истеъдодларни халқ қанчалик кўп севса, унга ғашлик қиласиганлар ҳам шунчалик кўпайиб бораверади. Бундайлар китобхонлар орасидан эмас, ўзимизнинг орамиздан чиқади. Ҳолбуки, бугун биз бир-биримизни қанчалик ардокласак, эртага эл-юрт меҳр кўйган қаламкашлар шунча кўпаяверади.

Комил ишонч билан айта оламанки, кейинги ўн йиллар орасида адабиётимизга ниҳоятда бақувват, истеъододли авлод кириб келди. Бу укаларимизнинг ҳар жиҳатдан равнақ топиши ҳаммамизнинг бағрикенглигимизга боғлиқ эмасми? Шубҳасиз, ёшлар максималист бўлади, ўз йўлини топиб олгунча аллақанча кўчаларга кириб чиқади. Уларга тўғри йўл кўрсатиш, самими маслаҳат бериш бизнинг – озми-кўпми тажрибали адиларнинг вазифамиз-ку!

Дўстлар! Тағин бир андишани айтмай иложим йўқ. Тўғри, бу – эски касал. Аммо ҳозир ҳам давом этяпти. Орамизда шундай ҳамкасларимиз борки, халқ севган қаламкашлардан, қандай қилиб бўлмасин, бирон иллат топишга уринади. Эринмасдан қачон, қандай камчиликка йўл кўйганини ўрганади (табиийки, изланган одам хато қилмай иложи йўқ). Мабодо, бу соҳада ҳеч нима тололмаса, шахсий ҳаётидан иллат излайди. Бундан ҳам ишқал тополмаса, анчайин тайёр қуролни ишга солади. Фалончи писмадон жойда ишлашидан фойдаланиб, ўз китобларини чиқаряпти, дейдиди, шу далилни дов-дастгоҳ қилиб анжуманларда шовқин кўтаради, мўътабар ташкилотларга кетма-кет ифво ёзишдан ўзини тўхтата олмайди. Шубҳасиз, амалини суиистеъмол қилган қаламкашлар аввал ҳам бўлган, ҳозир ҳам йўқдемаймиз. Бироқ бир нарсани ҳам унутмайлик. Асар аввало китобхон учун ёзилади-ку! Агар асар чиндан ҳам яхши бўлса, уни китобхон интиқлик билан кутса, нега энди чиқмаслиги керак?! Оддий ўқувчига кимнинг қаерда ишлашидан кўра ёки кимнинг қаерда ишлаганини билишдан кўра асарини ўқиш муҳимроқ эмасми? Халқимиз, айтайлик, Ойбек қачон қайси лавозимда ишлаган, деб сўрамайди: нима асар ёзган, дейдиди... Мен бу билан талай таникли адиларимиз ўз зиммасидаги бурчни сидқидилдан бажараётганини камситмоқчи эмасман. Бошқа нарсани айтмоқчиман. Инсоф билан,adolat билан ўйлаб кўринг: Асқад Мухтор ёки Одил Ёқубов, Ўлмас

Умарбеков, Ҳалима Худойбердиева... (бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин) бирон ташкилотда ишлаётгани учун, эртадан кечгача минг хил ғалвалар билан овора бўлаётгани, ижодга эса уйқуси, дам олиши, борингки соғлиги ҳисобидан амаллаб вақт ажрататётгани учун бу қаламкашларга маломат тошлари отишимиш инсофизилк эмасми? Бунинг учун уларга, аксинча, раҳмат дейишимиз керак эмасми? Ёки улар бир жойда ишламаса тирикчилиги чатоқ бўлиб, куни ўтмай қоладими? Асари чикмайдими? Куни ўтади, асари ҳам чиқади, аммо тўда ва тўдачаларга бирлашиб олган истеъдодсизларнинг ўз мўлжалари бор. Улар нашриёт, газета ва журнallарда ўртачароқ истеъдод ўтиришини, иложи бўлса, умуман ҳақиқий ижоддан йироқ одам бошлиқ бўлишини хоҳлайди. Негаки шундай қилинса, ўзига йўл очилишини мўлжаллайди. Аслида бу – амалга ошмайдиган хомтама. Ижодга алоқадор ҳар бир ташкилот раҳбари, ўзи роман ёки достон ёзиш-ёзмаслигидан қатъи назар, асарга талабчанлик билан ёndoшаверади.

Билмаган одам ҳайрон бўлиши мумкин. Истеъдодсизлар нима учун тез бирлашади-ю, истеъдодлilar нега гурӯҳ тузмайди? Бунинг сабаби жуда оддий. Истеъдоддан мосуво ижодкор якка ҳолда ҳеч ким эмас. Бирлашганда эса маълум кучга айланади. Шунинг учун улар тез тил топишади. Катта истеъдодлар эса юлдузга ўхшайди. Одатда ҳар бир юлдузнинг ўз меҳвари бўлади. Аммо улар ҳеч қачон бир-бирини рад этмайди. Айни пайтда бир-бирига ўхшамайди ҳам. Шу ўринда бир нарсани айтгим келади. Биродарлар, ишонинглар, истеъдод қанча катта бўлса, шунча ҳимоясиз ҳам бўлади. Бир қарашда бу гап ғалати туюлиши мумкин. Бироқ аслида, барибир шунаقا. Катта истеъдодларнинг қалби ҳамиша зириллаб туради. Чунки унда дард кўп бўлади. Истеъдодлар нукул оёғининг тагига қараб ивиришиб юрмайди. Нигоҳи узоқларда бўлади. Майда-чуйда, ғирром “кураш усуллари”ни билмайди. Хоҳламайди ҳам. Шундай экан, уни чалиб йикитишдан осони йўқ. Тарихда бунга мисоллар жуда кўп. Қодирий билан Усмон Носирларни ичиқора одамлар қурбон қилишган. Ойбек ва Қаҳҳорни баҳиллар майиб қилишган. Эсимизни йиғайлик, биродарлар! Шунча қурбонлар етмайдими?! Шу ҳолда кетсак, эртанги куннинг Қодирийларини, Усмон Но-

сирларини бой бериб қўймасмикинмиз? Эртанги куннинг Ойбекларини, Қаҳҳорларини майиб қилмасмикинмиз?

Қаҳҳор домла айтгандек, адабиётнинг атомдек кучини ўтин ёришга, аниқроғи, бир-бири мизнинг бошимизни ёришга сарфламайлик.

Биламан, бу гапларни ўқиган ҳамкасларимиз орасида таъна қилувчилар топилиши, “Нима, сиз қайта қуришга, ошкораликка қаршимисиз?” деган эътиrozлар билдирилиши мумкин. Начора, ҳаётда ҳар хил одам бўлгани каби ижод оламида ҳам минг турфа одам бор. Бироннинг қўлига яхши ниятда гул тутсангиз, миннатдор бўлади, бошқа бирор эса сиз тутган гулни олиб, ахлатга ташлайди. Бундайлар бизнинг орамизда йўқ, деёлмайман. Ҳатто, мана шу оддий ҳақиқатга, ёзувчи дегани аввало инсон бўлмоғи керак, деган фикрга ҳам ғашлик билан қарайдиганлар ўз орамиздан чиқмайди, деб кафолат бера олмайман. Бундайлар ошкораликни рўкач қилиб, минг хил эътиroz билдириши мумкин. Улар, хўш, нега энди, ўтмишдаги иллатлардан кўз юмишимиз керак, нега истеъдодлilar билан истеъдодсизларни баравар кўришимиз керак, деб айюҳаниос солишига ишонаман. Жиндек виждони бор одам мен бундай фикрлардан тамомила узоқлигимни ҳис этиб турган бўлиши керак.

Дўстларим! Такрор айтаман, мени тўғри тушунинглар, бу гапларни азбаройи куюнганимдан айтяпман. Яқдил бўлайлик, хайрли мақсадлар йўлида бир-бири мизни қўллаб-кувватлайлик! Модомики ёзувчи халқ фарзанди экан, шу номга лойиқ иш қилайлик. Бир ёқадан бош чиқариб, улкан вазифаларни бажаришда жафокаш халқимизга, Ватанимизга ёрдам берайлик!

1988 йил

Қалбнинг оппоқ дафтари

(Ўқитувчининг обрўси ҳақида)

Ривоят қилишларича, кунлардан бирида султон Ҳусайн Бойқаро овга чиқишини ихтиёр этди. Унга ҳазрат Алишер Навоий ҳамроҳ бўлди. Овдан қайтар эканлар, бир қишлоқдан ўтдилар. Кўча четида турган олти-етти ёшлардаги болакай салом берди. Султон Ҳусайн кўлини кўксига қўйиб, алик олдию ўтиб кетаверди. Алишер Навоий эса болани кўриб, отини тўхтатди. Пастга тушиб, бола билан кўшқўллаб кўришди. Кейин тағин отига миниб, йўлда давом этди. Навоийнинг бу иши шаҳаншоҳни ҳайрон қолдирди.

– Мавлоно, – деди у Навоийга юзланиб, – сиз салтанатнинг вазири бўлсангиз, бунинг устига, жаҳонга таниқли шоир бўлсангиз, наинки гўдак бир болага шунчалар муруват кўрсатурсиз?

– Олампаноҳ, – деди Навоий жилмайиб. – Гап болада эмас. Гап шундаки, бир вақтлар шу боланинг отаси маним саводимни чиқазган эрди. Мен устозимнинг етти пушти олдиди ҳамиша қарздормен...

Бу воқеа чиндан ҳам бўлганми-йўқми, бироқ Навоийдек зукко инсондан худди шундай ҳаракатни кутиш ҳеч кимни ажаблантирмайди. Умуман ҳамма халқлар ҳамма замонларда ўқитувчини буюк инсон ҳисоблаган. Ўзбеклар ҳурмат қилган кишисини, илмли одамларни “домла” деб иззатини жойига қўяди. Озарбойжонлар “муаллим” деб эҳтиром кўрсатади. Тожиклар “устод” дейди. Руслар учун “учитель” деган сўз кенг маънони англатади. Бироқ бу сўзларнинг ҳаммасини ягона маъно – катта ҳурмат маъноси бирлаштириб туради.

Давлатимиз педагогларга ғамхўрлик қилиб келмоқда. Шунга қарамай, айрим одамларнинг ўқитувчилик касбига муносабати мени кўп ўйлантиради. Бугунги кунда ўқитувчининг обрўси қай даражада?

Эсимда, ўшанда ёш бола эдим. Бироқ аниқ ёдимда турибди: эллигинчи йилларда ғалати қоида бор эди. Бировнинг қизига ўқитувчидан совчи келса, ота-онаси деярли иккиланмай рози бўларди. Ҳозир ўқитувчидан қизига совчи келса, энсаси қотадиган ота-оналар оз эмас. Лекин, айтайлик, база мудиридан совчи келса, деярли иккиланишмайди. Илгарилари давранинг энг тўрида ўқитувчи ўтиради. Ҳозир... Билмадим, ҳар қандай давранинг тўрида ҳам ўқитувчи ўтиравермайди.

Яқинда “бойвачча” йигитлар даврасида ўтириб қолдим. Хўп замонавий кийинган, кўринишидан зиёлином, тилла тиш кўйган йигит ғалати латифа айтиб берди. Бир одамнинг боласи ўлгудек шўх экан. Бунинг устига нуқул “икки” оларкан. Бироқ дадаси бадавлат киши экан. Бир куни ўқитувчи унинг уйига ҳасрат қилиб келибди. “Шундоқ, шундоқ, болангизнинг хулқи ёмон, ўқишининг мазаси йўқ, бу кетишида одам бўлиши қийин”, дебди. Отаси ўйлаб ўтирмасдан, қўл силтабди: “Барибир уйда ҳам бекор юради-да, мактабга қатнаб турсин, жуда бўлмаса, муаллим-пуаллим бўлар”. Даврадагилар хохолаб кулишди. Мен зил кетиб ўтирадим. Эҳтимол бу шунчаки хушчақча латифадир. Лекин унинг тагида жуда мудҳиш маъно бор. Наҳот ўқитувчи деган касбнинг қадри шунчалик пасайиб кетган бўлса?! Бунинг учун ким айбдор? Ахир бундан йигирма-ўттиз йил илгари биз мактабда ўқиганимизда ўқитувчига фақат болаларнинг эмас, ота-оналарнинг эҳтироми ҳам ғоят кучли эди-ку. Қишлоқдами, шаҳардами энг табаррук касб ўқитувчилик касби саналарди-ку.

Бир воқеа. Бундан уч йил илгари педагог Одил Қаюмов вафот этди. Ўша куни Тошкентдаги катта маҳаллалардан Дўмбиробод кўчасига одам сиғмай кетди. ДАН ходимлари маҳалла марказидан қабристонгача бўлган масофада уловлар ҳаракатини тўхтатиб қўйишга мажбур бўлишди. Бу одам Дўмбирободдаги тўнгич мактабнинг тўнгич директори эди. Бироқ уфақат педагог, фақат директор эмасди. Одамлар нима иши тушса, шу киши билан бамаслаҳат қиласади. Кўпинча кечқурунлари мактаб ҳовлисида йиғилишлар бўларди. Ҳали кетмонини уйига қўйиб улгурмаган колхозчилар, кийими-

дан керосин ҳиди анқиб турган тракторчилар чордана қуриб ўтириб олиб, Одил аканинг янгроқ нутқларини эшитишарди. Одил ака дунё сиёсати ҳақида, американлик уруш оловини ёқувчилар ҳақида ҳаяжонланиб гапирганида ҳамма маҳлиё бўлиб қоларди. Бошқачароқ қилиб айтганда, Одил ака шунчаки ўқитувчи эмас, қишлоқнинг энг илғор зиёлиси эди.

Хўш, ҳозир педагоглар орасида шундай ўқитувчилар йўқми? Бор! Оз эмас. Қишлоқда ишлайдиган Асқар Жўраев деган физик дўстим бор (дарвоҷе, бу йигит шоир Султон Жўранинг жияни бўлади). Ҳар гал шу дўстим билан сухбатлашганимда унинг илм доираси нақадар кенглиги-га қойил қоламан. Энштейннинг нисбийлик назариясини менга шу йигит тушунтириб берган. Майли, бу-ку ўзининг соҳаси. Бироқ у адабиётни жонидан яхши кўради. Бу йигит билан қайси соҳада гаплашманг, бемалол фикрлашади. Ўз ўқувчилари билан дўстдек, ака-укадек маслаҳатлашади. Шу боисдан педагоглар ҳам, болалар ҳам уни яхши кўришади. Қишлоқнинг энг обрўли одамларидан.

Республикамиз педагогларининг қалдирғочи Қори Ниёзий, ўзининг “Алифбе”си билан миллионлаб ўзбек болаларининг саводини чиқарган Оқил Шарофиддинов, республикамиз педагогикаси тараққиётига улкан улуш кўшган ва қўшаётган Саид Шермуҳаммедов – бунга ўхшаш эл ардоғидаги кўплаб устозларни ҳамма чин дилдан ҳурмат қиласи. Яна ўн минглаб оддий ўқитувчилар борки, улар ҳақида шогирдлари ҳаяжон билан тўлиб-тошиб ҳикоя қилишлари мумкин. Бироқ барибир кейинги йилларда ўқитувчи деган унвоннинг олий даражаси айрим кишилар назарида ўзгарганлиги ҳам рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Хўш, бунинг сабаби нима? Назаримда, бунинг ўқитувчига боғлиқ бўлган субъектив сабаблари ҳам, боғлиқ бўлмаган объектив сабаблари ҳам бор.

Келинг, энг аввал ўқитувчининг ўзига боғлиқ бўлган томонларини олайлик. Бундан ўттиз-кирқ йил илгари шаҳарда ҳам, дайниқса, қишлоқда ўқитувчи даражасидаги илмли одамлар кам эди. Ўқитувчи билган нарсани, у ўқиган китобларни кўпчилик билмас, кўпчилик ўқимаган бўларди.

Энди шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам барча илмли. Ҳар бир қишлоқда икки-уч нафардан олим бор. Мана

шу илм тараққиёти олдида ўқитувчи ярқ этиб ажралиб кўринмайдиган бўлиб қолди. Кечаги шогирд бугун ўқитувчининг ўзидан кўра кўпроқ илмга эга. Хўш, бундай вазиятда у нима қилиши керак? Бундай ҳолатда фақат бир йўл билан ўз мавқеини сақлаб қолиши мумкин: нуқул конспект тузиш билан овора бўлмасдан, ўз устида мунтазам ишлаб бориши керак эди. Ҳолбуки, ўқитувчилар орасида ўз фанини наридан-бери билиб олиб, дарсга кириб-чиқиб юрадиганлари оз эмас. Ҳафтада фалон соат дарси бўлса, шуни ўтиб фалон сўм ойлигини олса, бўлди. Бошқа нарса билан иши йўқ. Бундай вазиятда педагог, албатта, бошқалардан ажралиб туролмайди-да! У фақат ўқитувчи бўлибгина қолмасдан зиёлilarнинг етакчиси бўлиши керак.

Кейинги пайтларда матбуотда ўқитувчининг кийиниш маданияти ҳақида гаплар бўлди. Бу масалага бир томондан қараш, менимча, тўғри эмас. Яъни, педагог албатта қордек оппоқ ёқали кўйлак, қирраси чиқариб дазмолланган шим кийиб юриши, галстук тақиши шарт, дейишади. Шаҳар ўқитувчиси учун бу шартлар балки мос келар. Бироқ қишлоқ ўқитувчисининг аҳволи анча мушкулроқ. Чунки у болалар билан қўшилиб далага чиқади. Уйида молига, томорқасидаги экинига қарashi керак. Демак, у хоҳлайдими-хоҳламайдими, қишлоқ ўқувчисининг кўзига эски кўйлак, дазмолланмаган шим, чанг босган этикда кўриниши мумкин. Қишлоқда ҳамма нарса ҳамманинг кўзи ўнгida бўлади. Бироқ бу гап ўқитувчи мактабга соқол олмай исқирт кийиниб борсин, деган маънони мутлақо англатмайди. У мактабда, йиғилишларда, тўй-маъракаларда ниҳоятда зукколиги билангина эмас, ташқи маданаяти билан ҳам ажралиб туриши керак. Бу борада болалар ҳам, бошқа ҳамқишлоқлари ҳам ундан бирдай ўрнак олиши лозим. Бу шубҳасиз, ўқитувчининг ўзига боғлиқ бўлган масала.

Албатта, педагог дехқончилик қилса (айниқса, қишлоқ жойда), экин-тикин қилса, бунинг ҳеч бир ёмон жойи йўқ. Аммо ўқитувчининг ўзига боғлиқ бўлган ва ҳамманинг олдида унинг обрўсини уч пул қиласидиган бир масала бор. Афсус, минг афсуслар бўлсин, педагоглар орасида боланинг илмига эмас, унинг ота-онаси тутган мавқега қараб баҳо

қўядиганлари бор. Фалончи амалдорнинг тантиқ қизчасига “уч” ўрнига “тўрт” баҳо қўйилса, Фалончижон отаси хурматидан “уч” ўрнига “беш” олса, буни нима деса бўлади? Бу билан педагог ўзининг обрўсини шамолга совурса, майли дердик. Ҳа энди бунга лойиқ одам эканки, шундай қилибди, деб кўя қолардик. Лекин бу ерда бошқа, ниҳоятда жиддий масала бор. Дунёда икки тоифа одамлар энг сезир одамлар бўлади. Бириси – ижодкорлар, бириси – болалар. Худди ўша амалдорнинг “уч” ўрнига “тўрт” олган қизчаси билан бир партада ўтирган дугонаси ҳеч нимани пайқамайди деб ўйлайсизми? Худди ўша “хурматли одам”нинг ўғилчаси билан бир партада ўтирган ўртоғи ҳеч нимани кўрмайди, деб ўйлаймизми? Биласизми, бу қандай оқибатга олиб келади? Буни кўрган болалар фақат ўқитувчидан ҳафсаласи пир бўлиб қолмайди. Фақат илмдан совиб қолмайди. Буни кўрган болалар умуман ҳаётга бошқача муносабатда бўлишини ўрганади! Айтинг, маънавият билан чайқовчилик қилишни жиноятнинг қайси даражасига киритиш керак? Наҳотки, болаларга маънавиятни ўргатадиган педагог шунчалик пасткашлик қилса?! Биз хоҳлаймизми-йўқми, педагоглар орасида шундай шахслар оз бўлса-да, бор.

Энди ўқитувчи деган шарафли касбнинг қадри озмикўпми пасайишига олиб келган баъзи объектив сабаблар ҳақида – педагогнинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабаблар тўғрисида гаплашиб олсан.

Аввало, шуни айтиш керакки, одамларда (ҳаммада эмас, бироқ озчиликда ҳам эмас) молпарастлик психологияси бор. Эҳтимол бу яхши яшаш, яхши еб, яхши кийиниш истагидан келиб чиққандир. Бундай интилишнинг айби йўқ.

Бироқ бу интилиш чегарадан чиқиб кетса, ҳалолми, ҳаромми – қай йўл билан бўлмасин ҳаммадан кўпроқ пул топиб яшашга интилиш пайдо бўлган жойда “фойдаси кам”, “даромади йўқ” касб эгаларига, жумладан, ўқитувчига ҳам хурмат пасаяди. Бундай кишилар одамни кимдан қандай фойда келишига қараб баҳолашади. Ўқитувчи бировга, айтайлик, қимматбаҳо дублёнкани “шапкасиз” олиб беришни эплолмайди. Бу унинг вазифасига ҳам алоқасиз. Бировга навбатсиз квартира олишига кўмак беролмайди ва ҳоказо

ва ҳоказолар. Ҳамма нарсани ўзига келадиган фойда билан ўлчайдиган одамлар эса, ўқитувчи ҳақида бояги айтилган латифага ўхшаш ифлос гапларни түқиб юришади. Улар учун ўқитувчи – “шунчаки” ўқитувчи. Бошқа ҳеч ким эмас. Бироқ бундай одамлар битта энг муҳим нарсани эсдан чиқаришади. Яхши дублёнкани нари борса беш йил кийиш мумкин, яхши квартирани охир-оқибат навбат билан олса бўлади. Бироқ ўқитувчининг вазифасини буларнинг биронтаси билан солишириб бўлмайди. Унинг меҳнати бугун ёки эртага кўринмаслиги мумкин. Бироқ бизнинг боламиз йигирма йилдан кейин нима бўлиши худди мана шу касб эгасига – педагогга боғлиқ. Агар педагог ёмон дарс берса, бунинг аччиқ мевасини ўқитувчидан кўра кўпроқ ўзимиз еймиз. Ана ўшанда дод-войнинг фойдаси кам бўлади. Одамлар ўртасидаги мол-дунёга ҳирс қўйиш катталардан кўра болаларга кескинроқ таъсир қиласди.

Бир мисол. Яқинда бир ўқитувчи ўртоғим ҳасрат қилиб қолди. Уйида катта жанжал бўлибди. У ҳатто оиласи билан ажralишга ҳам тайёр. Ҳамма гап тўққизинчи синфда ўқийдиган қизидан бошланган. Қизчанинг синфдош дугонаси бор экан. У дугонасининг уйига тез-тез чиқиб юрган. Бир куни дадасига очикдан-очиқ “баёнот” берган: “Мен мактабни битиришни хоҳламайман. Минг яхши ўқиганим билан барибир бой бўлолмаймиз. Ана, ўртоғимнинг ҳовлисида фонтангача бор. Дадаси универмаг директори!”

Эҳтимол яна бечора савдо ходимни рўкач қиляптими, деган таъна туғилар. Ростини айтишим керак, савдо ходимларида ҳеч қандай хусуматим йўқ. Савдо ходимлари орасида жуда яхши дўстларим, ўз вазифасини ҳалол бажарадиган йигит-қизлар кўп. Мен уларни чин дилдан ҳурмат қиласман. Бироқ наридан-бери ўрта маълумот олган айрим юлғич савдо ходимининг ҳовлисида “фонтан отилиб турса”, бу далил баъзи имони сустроқ одамларга таъсир қилиши мумкин. Ўқитувчи дўстимнинг қизи ҳали ёш. Бироқ дўстимнинг айтишига қараганда қизчада бундай кайфият уйғонишига кўп жиҳатдан онаси сабабчи бўлган. Хотин топиш-тутишининг мазаси йўқлигини айтиб, ҳар куни эрини “эговлаган”. Албатта, ҳар ким ўз вазифасини бажаради. Ўқитувчи болаларга ҳам илм, ҳам таълим беради. Бинокор иморат қуради. Врач

беморни даволайди ва ҳоказо. Савдо ходимининг вазифаси давлат корхонаси чиқарган нарсаларни ҳалққа сотиш. Бу ҳам ниҳоятда қийин касб. Кўпчилик билан муомала қилиш осон эмас. Лекин касбини қинғир даромад маибаига айлантирадиган шахслар йўқ ҳам эмас. “Дефицит” деган бало бор. Шу бало бор экан, айрим ўлғичларнинг ошиги олчи бўлаверади. Чунки кўпинча “дефицит” сунъий равишда йўқ жойдан бор қилинади.

Шубҳасиз, бизда ҳар бир касб ўзича шарафли. Ҳар ҳунарнинг ўз вазифаси, ўз фалсафаси бор. Педагоглик касбининг фалсафаси ҳаммадан кўра мураккаброқ. Мурғак боланинг оппоқ қалб дафтарига инсонлик деган сўзни ўйиб ёзиш ҳукуқи фақат ўқитувчига берилган. Айтайлик, дехқон ерга нобоп уруғ сочса, бир йил ҳосилсиз қолади. Агар педагог боланинг калбига нобоп уруғ сочса-чи? Бу нарса бир умрлик фожиага олиб келади? Бу фожиа бир кишининг эмас, кўпларнинг фожиасига айланади. Ҳаётда ҳамма нарса бир-бири билан боғлиқ-ку. Шу боисдан мен бошқа биронта касбни ўқитувчилик ҳунари билан тенглаштира олмайман.

Яна бир муаммо. Шу йил ёзда бир қишлоқда тўйда бўлдим (келинг, манзилини айтмай қўяқолай). Тўйни район ижроя комитетининг раиси очди. Келин билан куёвни табриклиди. Кейин тўсатдан пойгакроқда ўтирган мактаб директорига кўзи тушиб қолдию қўлида микрофон билан мурожаат килди:

– Ия, домла сиз ҳам шу ердамисиз? Кеча болаларни чопикқа нега кам олиб чиқдингиз?

Ростини айтсан, жоним ҳиқилдоғимга келди. Биринчидан, бу ерда тўй бўляяпти, райисполкомнинг мажлиси эмас. Бунаقا гапнинг ўрни йўқ. Қолаверса, мактаб директори колхознинг раиси ҳам, агрономи ҳам эмас. Райижроком раисининг мактаб директорини ҳамқишлоқларининг кўзи ўнгига, унинг устига тўйда “Болаларни нега чопикқа олиб чиқмадинг?!?” деб тергашга нима ҳаққи бор?! Педагогни, мактаб директорини ҳамма ўртасида обрўсизлантиришга ким ҳукуқ берди, ўша ижроқўм раисига?!

Баъзан ҳайрон қоламан. Нари борса, тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган колхоз бригадири мактаб директорининг ёқасидан олгудек бўлади. Бунда педагогнинг обрўси қаёққа

кетади? Ахир худди ўша раис, худди ўша бригадирнинг болалари ҳам мактабда ўқийди-ку. Худди ўша педагог унга дарс беради, таълим беради-ку! Ахир тўйда ўша директорнинг қўлида ўқиган ва ўқийдиган йигит-қизлар хизмат қилиб юрган эди-ку.

Балки мен хато қилгандирман, бироқ ўша тўйда ижроқўм раиси директорни қанчалик “бурчакка тақаган” бўлса, эртасига мен ҳам раисни шунчалик “бурчакка тақадим”. Албатта, раис узр сўради, “шароит шунаقا бўлиб қолгани”ни айтди.

Шубҳасиз, бу ўринда директорнинг ҳам айби бор. Киши ўзини-ўзи қадрламаса, бошқалар олдида ҳам қадр топмайди. Аввало ўз ҳуқуқини, даражасини билиш керак. Педагог деган ном қанчалик шарафли эканини билмаганларга тушунтириб қўйиш керак. Ижроқўм раиси район раҳбарларидан бири экан, педагог обрўсини тушириш тугул, аксинча, кўпчилик ўртасида осмон қадар кўтариши керак эди.

Кейинги йилларда тағин бир масалани кўп ўйлайман. Қайси мактабга борманг, юз фоиз ўзлаштириш учун ҳаракат қилиб ётибмиз, дейишади. Бу жуда улуғ интилиш. Бизда илм олиш – бепул. Давлатимиз ҳар бир ўқувчи учун кўплаб маблағ сарфлайди.

Бинобарин, боланинг синфдан синфга кўчмай қолиши моддий жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам зарар. Бироқ бу ўринда нуқул режа бажаришини ўйлаш ҳар доим ҳам ўзини оқлармикин? Кейинги пайтларда ўқув программалири мураккаблашиб кетди. Шундай экан, синфда ўқийдиган ўттиз бола орасида, айтайлик, бир-икки ўқувчи ўзининг табиий қобилиятига қараб, у ёки бу фанни ўзлаштира олмаслиги мумкинми? Хўш, бундай болани сунъий равища синфдан-синфга кўчириш қандай бўларкин? Менимча, бунинг иккита зарарли томони бор. Биринчидан, ҳозирги аср фан асли, техника асли. Мактабни битирадиган бола қаерда, ким бўлиб ишлашидан қатъи назар, илмли бўлишга мажбур. Чаласаводлик билан кўлга киритилган аттестатни етуклик аттестати деб бўлмайди. Иккинчидан (менимча, энг муҳими ҳам шу бўлса керак), ўқитувчи ўқувчига “икки” ўрнига сунъий равища “уч” кўйди, дейлик. Бу нарса ўқитувчининг оёқ-қўлини боғлаб ўқувчига топшириш деган гап эмасми? Болалар шум бўлади. Ўқисам ҳам, ўқимасам ҳам, домла барибир

ёмон баҳо қўймайди, деган фикр онгига ўрнашдими, бу боладан илмли одам чиқиши қийин. Бундан ташқари, худди ўша бола билан бир партада ўтирган бошқа ўқувчида: “Фалончи ўқимаса ҳам “уч” олади, мен ўқисам ҳам “уч” оламан” деган фикр уйғонмайди, деб ким кафолат бера олади? Бу хил ўйлаган боланинг илмга, мактабга, умуман, ҳаётга муносабати қандай бўлади? Ахир, ўқитувчи фақат илмли одамни эмас, умуман инсонни тарбиялайди-ку. Бу ҳолда педагогнинг тарбиячилик хусусияти қаерда қолади?!

Назаримда, республика педагогика фанлар илмий текшириш институти зиммасида ҳам ўқитиш методикасини такомиллаштириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Ҳали бу масала ҳам маромига етган деб бўлмайди.

Мактабда рус тили ва адабиётини ўқитган Марям опадан бир умр миннатдорман. Балки менинг қаламкаш бўлишимда шу опанинг ҳам ҳиссаси каттадир. Рус адабиётiga муҳаббатни шу ўқитувчим уйғотган. Республикаизда рус тили ва адабиётини ўрганиш ва ўқитишига жиддий эътибор берилмоқда. Бироқ ўзбек тили ва адабиётини ўрганиш бўйича қилинаётган ишлар етарлими? Бу масала бирон мактаб педагогика кенгашида, вилоят ва туман миқёсида муҳокама қилиндими? Кейинги пайтларда юқори синфларда ўзбек тили ва адабиёти дарслари камайтирилди. Қизик, нега энди айнан ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш соатлари камайиши керак? Тўгри, ҳозир илмий-техника ривожи асри. Лекин бу дегани одамларда эзгулик туйғуси камайиши мумкин, деган гап эмас-ку? Ахир адабиёт дегани аввало гуманизм дегани, инсонийлик дегани-ку. Шундай экан, мактабларда ўзбек тили ва адабиёти қандай ўқитилаётганини, менимча, жиддий таҳлил қилиш керак.

Ниҳоят, яна бир масала – олий ўқув юртларига талабаларни қабул қилиш масаласи. Биз хоҳлаймизми-йўқми, барибир илмли, истеъоддли болалар бу ёқда қолиб, билими саёзларни институт курсисига ўтқазиб қўйиш ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бирор таниш-билиш билан, бирор пул билан, бирор “рўйхат” билан – хуллас, бунинг “йўллари” кўп. Тасаввур қилинг. Мактабда аъло баҳога ўқиган бола олий ўқув юртига имтиҳон топшираётганида негадир “бали” ет-

май қолса-да, худди ўша бола билан бир синфда ўқиган “бойвачча”нинг чаласавод ўғли ё тантиқ қизчаси ҳамма имтиҳонлардан ўтиб, талабалик курсисига ўтириб олса, нима бўлади? Нариги йигитча ўқинмайдими? Бу дунёда адолат йўқ экан, деб ўйламайдими? Энг муҳими, жамиятимиз эртага ўз соҳасининг ҳақиқий билимдони бўлиши мумкин бўлган бир истеъдодни йўқотмайдими?

* * *

Мен мактабда саводимни чиқарган, тарбия берган ўқитувчиларим, университетда илм ва ижод сирларини ўргатган домлаларимдан қарздорман, улар олдида таъзим қиласман. Умуман ўқитувчи, устоз номларини эҳтиром билан тилга оласман.

Балки шунинг учун ҳам баъзи фикрларни кескинроқ айтгандирман. Аслида бу ҳам ўқитувчига бўлган чукур хурматимдан. Домлалар буни тўғри тушунишади, деб умид қиласман.

Модомики гапни ҳазрат Навоийдан бошлаган эканмиз, яна шу улуғ зотнинг сўзлари билан якунлай қоламиз:

*Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмииш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин минг ганж ила.*

Азиятлар чекиб бизга илм берган, бундан кейин болала-римизга илм берадиган, бинобарин, яна ўн-йигирма йилдан кейинги авлодни бугун шакллантираётган ўқитувчи деган инсонга яна бир бор таъзим қилгим келади.

1981 йил

Ватан ичра Ватан

Бошқа бирон миллатни камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, бизнинг халқимиз қадим-қадимдан оилани муқаддас хисоблаган. Ота-онанинг фарзанд олдидағи, фарзанднинг ота-она олдидағи, эр-хотиннинг бир-бiri олдидағи бурчи ва садоқати олий инсоний қадрият сифатида улуғланган. Бунга кўп мисоллар келтириш мумкин.

Энг қадими ёдгорликлардан бири – “Авесто”да ҳам оила бебаҳо тушунча эканлиги алоҳида таъкидланган. Муқаддас китобларда “Ота рози – Худо рози”, “Жаннат оналарнинг оёги остидадур” каби ҳикматли тушунчалар баён этилгани бежиз эмас. Буюк бобомиз ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” асарида оила ҳақида, ота-онани эъзозлаш тўғрисида ғоят теран мулоҳазалар баён этилган.

*Боши фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Икки жаҳонингга тиларсан фазо,
Ҳосил эт ушбу иккисин ризо.
Тун-кунунгга айлагали нур пош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш...*

Ҳазрат оила аҳиллиги улут неъмат эканини ҳам чиройли ташбеҳда тасвирлайди:

*Тоқ киши айшини бил нигун,
Уйга қачон хомил эрур бир сутун?*

Үйни битта устун кўтариб туролмайди, оила аҳил бўлсагина муродига етади, деб таъкидлайди бобокалонимиз.

Халқимиз оила қуриш масъулиятига асрлар давомида жиддий эътибор берган. “Куда бўлгунча хўп синаш, куда бўлгач хўп сийлаш”, “Кудачилик – минг йилчилик”, “Она-

сини кўриб қизини ол”, “Кушнинг ҳам уяси бузилмасин!”, “Гўдакни етим қилиш – энг оғир гуноҳ” каби тушунчаларга минг йиллардан бери амал қилиб келинаётгани бежиз эмас...

Албатта, оила аввало икки ёшнинг бир-бирига кўнгил қўйишидан бошланади. Бироқ бу бўлажак оиланинг дебочаси, холос. Ҳали олдинда талай синовлар туради. Болалигимда хотирамга ўринашиб қолган баъзи гаплар нақадар доно удумларимиз бўлганини ёдимга солади. Икки оила куда бўлишга қарор қиласа, у томон бу томоннинг, бу томон эса у томоннинг “етти пуштини” синчиклаб текшириб чиқар эди. Куда бўлмишнинг авлод-аждодида ўғрилар, нашавандлар, пиёнисталар, тутқаноқлар, қиморбозлар, савдоийлар (замонавий ибора билан айтганда “шизофреник”лар), хотин кўйганлар ёки эридан ажрашганлар йўқми, деган саволлар синчиклаб ўрганиларди.

Ота-боболаримизнинг бу анъанаси бугун ҳам давом этмоқда. Бўлажак қудалар бир-бирини обдан ўрганиши, ёшларнинг тўй олдидан тибиёт кўригидан ўтиши муҳим ва зарур тадбирлардир. Зеро, оиланинг том маънода мустаҳкам бўлиши шу жиҳатларга ҳам боғлик.

Истиқлол йилларида оила тушунчасига алоҳида эътибор билан қаралгани, кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш учун маҳсус қарорлар чиқарилгани, ёш оилаларни қўллаб-кувватлаш тадбирлари белгилангани, бирон сабаб билан етим қолган болаларни ҳар томонлама қулай “Меҳрибонлик уй”лари ўз қучоғига олаётгани юртимизда ёш авлод соғлиғи ва тарбиясига қанчалик катта эътибор берилаётганини кўрсатади.

Маълумотларга қараганда, ўтган йили юртимизда икки юз мингдан ортиқ янги оила рўйхатга олинган. Бу кичкина рақам эмас. Афсуски, озми-кўпми муддат яшаб, ажрашиб кетаётган оилалар ҳам бор. Бунинг сабаблари ҳар хил. Бирбирини тушунмаслик, ўзаро майда-чуйда гаплар, жанжаллар, худбинлик, молпарастлик, пулпарастлик...

Ҳар иккала томоннинг тинкасини қуритадиган дабдабали тўйлар, қачондир, кимлардир ўйлаб топган “маросимлар” ёш оила ҳали дунёга келмасиданоқ орага совуқчилик тушираётгани бор гап. Бундан ташқари, оилаларнинг бузилиб кетишида ҳаёт тарзи бизга мутлақо бегона бўлган айрим чет эллик “хайриҳоҳлар”нинг ҳам улуши бор.

Президентимиз: “Биз маънавий ҳаётимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни кенг қарор топтиришда тобора кучайиб бораётган, бизнинг миллий табиатимизу, урф-одатларимизга мутлақо зид бўлган ҳар қандай заарли таъсирлар, бузғунчи ғояларга қарши туришда, азалий қадриятларимизни асраб-авайлашда оиласи мустаҳкам таянч деб биламиз”, деб алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Бизнинг турмуш тарзимиздан бехабар, дунёқараши бизга зид бўлган “дўстларимиз” ўзларига маъқул бўлган “гарб” дунёқарашини дастак қилиб, ҳаммага ақл ўргатадилар. “Жинс эркинлиги бўлмас экан, инсон эркин бўлолмайди, оила ва никоҳ дегани инсон ҳуқуқларини чеклаб қўяди”, деб шовқин солищдан уялмайдилар. Ҳолбуки, “жинс эркинлиги” деганинг ўзи бузуқликни тарғиб қилишдан бўлак нарса эмас. Қўполроқ қилиб айтган-да, “жинс эркинлиги” инсон билан ҳайвон орасидаги фарқни йўқотади, вассалом!

Жаҳон адабиёти ва санъатида оила мавзуси етакчи ўрин тутган асарлар оз эмас. Бунга ажабланмаслик керак. Чунки энг жиддий ижтимоий масалалар ҳам кўпинча оиласи муносабатлар негизида пайдо бўлиши мумкин. Шекспирнинг “Кирол Лир” фожиаси, Лев Толстойнинг “Анна Каренина” романи, Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссанини эсланг. Қодирий домланинг илк сахна асари “Бахтсиз куёв” драмаси ёки классик романи “Ўткан кунлар”да, Ҳамзанинг “Майсарапнинг иши” асарида ҳам оиласи муносабатлар жиддий ўрин тутади. Афсуски, шўро замонида ҳар қандай асардан “партиявийлик” талаб қилинар, инсоннинг оиласи қисмати тасвирланган асарларга “ғоявий саёз”, “майда-чуйда гап” деб қаралар эди.

Ўтган аср ўрталарида драматург Баҳром Раҳмоннинг “Юрак сирлари” драмаси сахналаштирилган эди. Шўрлик драматургни ҳам, режиссер ва актёрларни ҳам “тошбўрон” қилмаган танқидчи қолмади, ҳисоб. Негаки, унда “жонажон компартия”нинг етакчи роли кўрсатилмаган, оддий оиласи нинг оддий турмуши тасвирланган, деб ҳукм чиқардилар. Ҳолбуки, спектаклга томошабинлар ёғилиб келар, кўплаб муҳлислар асар қаҳрамонларининг монологини ёддан айтиб бериши мумкин эди. Сабаби – бу асарда улар тумтароқ

шиорларни эмас, ўзига ўхшаган одамларни кўрар, уларнинг биридан ўрнак олса, бирининг хатоларидан хулоса чиқарар эди.

Ийллар давомида ҳар қандай танқид ва тазийкларга қарамай оила мавзуси ўзак қилиб олинган асарлар яратилаверди. Бунга устоз Сайд Аҳмаднинг “Келинлар кўзғолони” комедияси мисол бўла олади. Ўзбек Академик драма театри (ҳозирги Миллий театр)да саҳна юзини кўргунча бу комедия атрофида озмунча “жанглар” бўлгани йўқ.

Сайд Аҳмад ака ярим ҳазил-ярим чин қилиб, бир ҳангомани айтиб юрар эди. Комедия муҳокамасида театр-шунослардан бири: “агар шу асар саҳнага чиқса мен отими ни бошқа қўяман”, деб қасам ичишгача борган экан. Ўша “мулла” отини бошқа қўйганми-йўқми унисини билмадим-ку, “Келинлар кўзғолони” турли мамлакатлар саҳнасида қўйилиб, юз минглаб томошабинлар олқишини қозонди. Айрим “доно” мунаққидлар бу асарда ўзбек совет кампири масхара қилинган, бу социалистик реализм услубига зид, деб “ноғора чалган” эдилар. Ҳолбуки, асарда онанинг до-нишмандлиги, ҳалқимизнинг гўзал удумлари улуғланган эди! Комедияни кўрган томошабин ҳалқимизни яхши кўриб қолади.

Совет замонининг ҳар қандай ҷекловларига қарамай, ўзбек саҳнасида оила мавзуси билан боғлиқ талай асарлар дунёга келди. Абдулла Қаҳҳорнинг “Оғриқ тишлар”, Уйғуннинг “Парвона”, Ҳамид Ғуломнинг “Тошболта ошиқ”, Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” каби асарлари минглаб томошабинларга манзур бўлди. Шуҳрат, Иzzат Султон, Ўлмас Умарбеков, Ҳайдар Мухаммад драмалари, шунингдек, Эркин Хушвақтовнинг сўнгги йилларда саҳналаштирилган ва томошабинга манзур бўлган асарларида ҳалқимизнинг гўзал удумлари тасвирланган.

“Мустаҳкам оила йили”да адабиётда ҳам, театр ва кино санъатида ҳам оилани муқаддас тушунча деб санайдиган ҳалқимиз қадриятлари тўғрисида янгидан-янги асарлар яратилаверади. Зоро, биз оилани Ватан ичидаги Ватан деб биламиз ва бу билан фаҳранамиз!

2012 йил, феврал

Халқа қайтарилған хазина

Шұро сиёсатининг энг катта хатоларидан бири – әзтиқодни йўқ қилиш, худосизликни тарғиб этиш эди. Әзтиқодсиз одам имонсиз деганидир. Имонсиз одамдан эса ҳар қандай разилликни кутиш мүмкін. Негаки, у ҳеч кимга ва ҳеч нимага ишонмайди. Ўн йиллар давомида минглаб художй қатағон қилинди, қувғинга учради. Мачитлар чўчқаҳонага айлантирилди. Черковлар ёқилди. Синағоллар портлатилди. Аммо миллионлаб инсонлар қалбидан Тангрига бўлган әзтиқодни сиқиб чиқаришни эплай олмадилар.

Эсимда бор. Эллигинчи йилларда ўн тўрт ёшга тўлган ҳар бир ўқувчи, албатта, комсомол сафига кириши шарт эди. Ва комсомолга қабул қилаётгандарнинг биринчи бўлиб берадиган саволи “Худо борми-йўқми?” деган сўроқ эди. Ўшанда ҳар бир бўлажак комсомол аввал ичида “Ўзинг кечир, Худо!” деб сўнг “Йўқ”, дея жавоб беришга мажбур эди. Бошқачароқ қилиб айтганда, сиёsat ёш йигитча ва қизчаларни ўзи истамаган ҳолда мунофиқлик қилишга мажбур этарди... Тағин бир гап: балки мен ноҳақдирман. Аммо негадир бир нарсага ишонгим келади. Ҳатто энг ашаддий худосиз ҳам ўлими олдидан ақалли бир сония Яратганга илтижо қилмаган бўлиши мүмкін эмас...

Шундай қилиб, саксонинчи йилларда “қайта куриш”, “ошкоралик” деган тушунчалар пайдо бўлди. Бироқ ҳали Компартия ҳокими мутлақ бўлиб турган, “пахта иши”, “ўзбек иши” деган тухмат билан ўзбек ҳалқи бошига кулфатлар ёғилган, акасини дағн этиш учун қабристонга борган ука коммунист бўлатуриб шундай “сиёсий кўрлик” қилгани боис партиядан ўчирилган, ҳалқнинг гўзал ва азалий байрами – Наврўз тазиикә учраган бир паллада муқаддас Китобнинг ўзбек тилидаги маъно таржимасини чоп этиш осон иш бўлмаган. Бу хайрли юмушга 1989 йилда киришилди. Таржимон Алоуддин Мансур билан таржима хусусида бир неча

бор батафсил сұхбатлашилди. Бу масала Ізувчилар уюшмасыда ҳам мұхокама қилинди. Бироқ гап айланса, калтакнинг каттаси журнал таҳририяти бошида синиши аниқ эди. Шу боисдан аввало Куръони каримни, араб тилини, дин тарихини биладиган, қолаверса, керак пайтда журнални қатъий химоя қилишга қодир мутахассис ва ижодкорлардан иборат маҳсус таҳрир ҳайъати тузилди. Ҳайъатга Абдулазиз Мансур, Алибек Рустамов, Озод Шарағиддинов, Эркин Вохидов, Нематилла Иброҳимов, Ислом Шоғуломов, Умарали Норматов, Носир Фозилов ва бошқалар киритилди. Хайриддин Султонов, Анвар Турсун, Омон Мухтор, Аъзам Ўқтам нашрға тайёрловчи маҳсус мұҳаррирлар сифатида тасдиқланди.

Бу – ниҳоятда мураккаб, масъулиятли ва биринчи бор амалга оширилаётган вазифа бўлгани боис таҳрир мұҳаррирлари ҳар бир сўз, ҳар бир ибора устида синчилаб иш олиб бориши керак эди. Омон Мухтор журнал таҳририятида ишлар, Хайриддин Султонов, Анвар Турсун ва Аъзам Ўқтамлар бошқа жойда хизмат қиласа ҳам, деярли ҳар куни таҳририятга келиб, матн устида ишлашар эди.

Ниҳоят, 1990 йил марта ойида Куръони каримнинг дастлабки суралари “Шарқ ўлдузи”нинг 3-сонида босилиб чиқди. Адашмасам, ўша пайтда журнал тиражи 150 минг нусха эди. Журнал тезда тарқалиб кетди ва... ўзимиз кутган “ғалвалар” бошланди. Адабий журналда “диний асар”нинг босилиши, атеистларнинг ғашини келтириши аниқ эди. Бир томондан улар ҳақли: совет сиёсатини тарғиб қилиши керак бўлган нашр динни “пропаганда” қиласа! Устига устак, таҳририят ходимларининг ҳам, таҳририят аъзоларининг ҳам кўпи партия аъзоси бўлса! Албатта, бундай эътиrozлар ҳали журнал чиқмасиданоқ бошланганди.

Бироқ асосий “зарба” бошқа ёқдан келиб тушди. Куръони карим таржима қилиниб, журналда босилишига олимлар, академиклар қарши чиқдилар. Албатта, ҳаммаси эмас, бир гурӯҳ ўта “билимдон” ва ўта “жангарилари”!

Бош мұҳаррир сифатида мени Марказкомга таклиф қилишди. Ҳар қандай вазиятда ҳам “тўнини ечиб майдонга тушиб кетадиган” Озод ака, афуски, ўша куни университетда, дарсда экан. Таржимон Қирғизистонда. Таҳририят аъзоларидан бошқа олимларни топишнинг ҳам иложи бўлмади.

Юқори ташкилотга бир дақиқа ҳам кечикиб бориш мүмкін эмас. Яхшиям, баҳтимизга атоқлы адабиётшунос ва тилшунос, араб тилини мұкаммал биладиган олим Алибек Рустамов бор экан! Журнал масъул котиби Носир Фозилов, олим – үчовлашиб, айтилған жойға бордик.

Марказқұмнинг мастьул ходими бизни очиқ чехра билан-кутиб олди. Муомаласидан у кишининг журналга хайрихоҳ экани сезилиб турарди. Кўнглишимиз анча равшан тортди. Мен кам деганда ўн нафар “олиму фузало” қамчи ўқталиб келган бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Йўқ, академиклар номидан бир киши – қадимшунос (археолог) олим расман вакил бўлиб келган эканлар. Мухтарам олимнинг “позицияси” мустаҳкам, талаби кескин ва қатъий эди. Ўша баҳсда ҳар жиҳатдан мантиқли, қиличдек кескир мулоҳазалар билан “рақибини” мот қилиб ташлаган Алибек Рустамовдан ҳамон миннатдорман! (Дарвоҷе, Алибек aka орадан кўп ўтмай мустақиллик шарофати билан академик унвонига сазовор бўлди!)

Хуллас, икки ўртада шундай “савол-жавоблар” бўлиб ўтди.

Масала жиддий, вазият қалтис бўлгани учунми, ўша “сұхбат”ни деярли сўзма-сўз эслаб қолганман.

– Куръон таржимаси билан “Шарқ юлдузи” шуғулланиши шартми? – деб сўрадилар муҳтарам академик.

– Бўлмаса ким шуғуллансан?

– Ўзбекистон ССР Фанлар академияси бор. Бунақа жиддий ишлар академияда қилинади, сизлар шеър босинг, ҳикоя босинг.

– Марҳамат, академия ҳам шуғулланаверсин.

– Академия шуғулланса, Куръон таржимаси ўн йилда ҳам чиқмайди! – деди Алибек Рустамов ишонч билан. – Буни мен яхши биламан.

Академик бошқа важ топди:

– Куръонни таржима қилиш мүмкін эмас. У фақат араб тилида ўқилиши керак!

– Китоб инглиз, француз, немис, испан, рус тилларига аллақачон таржима қилинган-ку!

– Улар христиан мамлакатлари!

– Туркия, Покистон, Афғонистонда миллий тилларда нашр этилгани-чи? Уйғур тилига таржима қилингани-чи? Улар ҳам насронийими?

Мұхтарам академик бу сафар ҳам бўш келмадилар.

– Тўғри, бу тилларда ҳам таржимаси чиққан. Аммо яхлит китоб бўлиб чиққан. Куръонни майдалаб босиш мумкин эмас!

– Хафтияк нима? Куръони каримнинг еттидан бири эмасми? Эски мактабларда Хафтияк ўқитилган-ку!

– Ҳафтияк – китоб. Журнал эса вақтли нашр. Куръонни журналда босиб бўлмайди.

– Нега ахир?

– Чунки Куръон муқаддас китоб, журналингизни бирор йиртиб номақбул жойда ишлатсан...

Буниси энди мантинқа сигмайдиган гап эди.

– Ҳой, барака топгур! Қандайdir бефаҳм нон бурдасини ахлат кутисига ташлашидан кўрқиб новвой нон ёпмай кўйиши керакми энди? Бизнинг одамлар орасида бунақа бетавфиқлар йўқ!

– Бўлса-чи?

Анчадан бери жим ўтирган Алибек аканинг йирик-йирик кўзлари чақнаб кетди.

– Ҳой, мулла! – деди овози жаранглаб. – Сизнинг соҳангизнинг Куръонга нима алоқаси бор? Дин тарихини биласизми ўзи? Мен араб мамлакатларида ишлаганман! Ҳамма газеталарда, ҳар куни Куръон сураларидан парчалар босилади! Китобни давомли қилиб босиш мумкин эмас, деган гап – абсурд! Мантиқ йўқ! Ундан кўра, нима учун журнал академиядан сўрамай бу ишни бошлади, деб қўяқолмайсизми? Билиб қўйинг, нимани босиши журнال таҳририяти ҳал қиласди! Академия шу ишга жазм этган экан, марҳамат, ўзи ҳам нашр қиласерсин!

Мұхтарам академик фикридан қайтмади:

– Барибир, журнални тўхтатиш керак!

– Қўлингиздан келса, тўхтатинг! Аммо билиб қўйинг, обуначилар нашр нега тўхтаб қолди, деса, “Мен шуни хоҳладим”, деб жавоб берасиз! Қолаверса, 150 мингта журнал тарқалиб бўлди. Бу – 150 минг сўм дегани! Кейинги сони ҳам тайёрлаб қўйилди. Унга ҳам шунча маблағ кетган. Ҳаммасини тўлайсиз (у пайтда бу – жуда катта пул эди).

– Буниси ўз йўлига, – деди Алибек ака фикримни кувватлаб. – Учаламиз телевидениеда чиқиш қиласиз.

Сиз нашрни тўхтатиш кераклигини исботлайсиз, биз эса тўхтатиш мумкин эмаслигини! Қани, одамлар кимни маъқулларкин?

Муҳтарам академик ўз фикридан қайтмади. Марказком ходими индамай, кулимсираб ўтиради. Билдимки, у киши ким ҳақ эканини билиб турибди. Бироқ вақтида ҳаракат қилинмаса, майда гаплар газак олиб кетиши, нашрни тўхтатишга қодир кучлар ишга киришиши мумкин эди.

Бахтимизга ҳал қилувчи сухбат мамлакат раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов ҳузурида бўлди. (Бу пайтда Ислом Абдуғаниевич Марказкомнинг биринчи котиби эди). У киши нашр атрофида бўлаётган тортишувлар ҳақидаги гапни дикқат билан эшлитиб, бу хайрли ишни тўхтатмаслик, нашрни давом эттириш тўғрисида қатъий топшириқ берди.

Шу тариқа Юртбошимизнинг бевосита раҳнамолигида Муқаддас китоб тарихда биринчи марта замонавий ўзбек тилида чоп этилди.

Албатта, кейин ҳам бир томондан жоҳил атеистлар, иккинчи томондан жоҳил мутаасиблар “чўқилаб” кўришди. Лекин бошланган хайрли юмуш хайрли якунланди... Аллоҳга шукр!

1994 йил



Мантиқсизлик мантиқ бўлса...

Чўлпон шеъриятини ўқиганда кўз ўнгимга бундай манзара келади: айни баҳор... кечаси салқин тушган... тонг отди... сиз бедазор четида турибсиз... осмонда тонг қуёши чарақлаяпти... бедаларнинг ҳар битта япроғида биттадан офтобчалар ловуллаб турибди... минглаб офтобча...

Сиз дунёдаги ҳамма ташвишларни, жамики майдагапларни унутинг-да, беда япроқларида ёниб турган қўёшчаларга узоқ тикилиб, хаёл суринг. Шунда кўнглингиз сўз билан ифодалаб бўлмайдиган нурли ва маҳзун туйғуларга тўлади. Йиғлагингиз келади. Фақат, бедазорга бостириб кирманг: офтобчалар тўкилиб кетади...

Чўлпоннинг насрый асарлари, хусусан, “Кеча ва кундуз” романи ҳақида нима дейиш мумкин? Бу асар тўғрисида фақат иккита мулоҳаза айтишга журъат қиласман. Биринчидан, “Кеча ва кундуз” – ноёб истеъодли, катта шоирнинг насрый асари. Айнан, шоирнинг насрый асари! Жиндай кўтаринки, жиндай шоирона руҳи билан, жозибали тили билан. Иккинчидан, бу роман Чўлпон ўша пайтдаёқ Европа адабиётини синчиклаб ўрганганидан дарак беради.

Албатта, шоир ижоди ҳақида кўп гапириш, асарларини таҳлил қилиш, баҳслашиб мумкин. Ушбу хийла мушкул ва шарафли юмушни қилни қирқ ёрадиган ҳурматли олимларимизга ҳавола этиб, мен бошқа масала ҳақида гапиргим келади.

20-йиллар ўзбек адабиёти осмонида юлдузлар оз эмас эди. Айниқса, ёрқин порлаб турган иккита юлдуз бўлиб, бири Абдулла Қодирий, бири Чўлпон эди. Бу икки истеъодод, икки катта шахс бири насрнинг, бири назмнинг қаноти бўлиб, ўзбек адабиётини, демакки, ўзбек миллатини баланд самоларга олиб чиқди, олис манзилларга етказди. Аммо, афсус, иккала қанотни ҳам синдирилар... Нега шундай бўлди?

Бундан икки йил илгари, “Шарқ юлдузи” журналида “Кеча ва кундуз” романни эълон қилинаётганида жиддий тўсиқлар пайдо бўлди. Асар нашрини тўхтатиб қўйиш хавфи туғилди.



“Шарқ юлдози” журнали таҳририятидаги жамоадошлар

Мұхаррир сифатида, эртами-кечми, шундай гап чиқишини билар әдим. Эркин Воҳидовнинг “Истанбул фожиаси”, Пиримкул Қодировнинг “Авлодлар довони” асарларини өзлон қилиш ҳам осонликча кечган эмас (кези келгандың айтиш керак, яғында Қуръони каримнинг таржимаси чиқиш арафасида ҳам “эҳтиросли ва муросасиз” курашлар бўлди. Ҳолбуки, 88-йил қаёқдаю 90-йил қаёқда? Ҳаётимиздаги инқилобий ўзгаришлар суръати шиддат билан кечяпти. Лекин инсон онгидаги силжиш ҳаётдаги ўзгаришга нисбатан ҳар доим секинроқ ва қийинроқ рўй берар экан).

Романи босишига бир вакътлар Чўлпонни қатағон қилган кучлар тўғаноқ бўлдилар (албатта, очиқасига эмас, зимдан иш пиширишга уриндилар). Начора, кураш ўз номи билан кураш. Баҳслашасан, асабийлашасан... Кечалари ухламай чиқасан... Ўша кезлари уйқусиз тунларда бир хулосага келдим. Аслида бу – фавқулодда янгилик эмас, оддий ҳақиқат эди.

Етмиш йил мобайнида, эҳтимол ундан ҳам анча олдиндан бери жамиятимизни каловлатиб келган сабаблардан бири – тўпоригина, жўнгина нарса эди. Биз амалда эришиб бўлмайдиган нарсани ҳақиқат даражасига кўтаришга уринибмиз. Ҳамма бир хилда фикрлаши керак, бир хилда хурсанд бўлиши, маъқуллаши, бараварига “яшасин!” деб

ақириши... хуллас, бир хилда яшаши шарт! Табиий, бундай тиринишда мантиқ йўқ. Хўп, мантиқсизликни ягона мантиқ даражасига, ёлғонни рост даражасига кўтариш учун нима ҳилиш керак? Биттагина йўли бор: у ҳам бўлса, одамларни кўрқиб яшашига мажбур этиш. Кўрқитишнинг усуллари ўп. Туҳмат қилиш, қоралаш, қамаш, ўлдириш... шу тариқа иш “мантиқ” иккинчи “мантиқ”ни туғдирди. Бу шунақсанги таҳшатли “мантиқ” эдикি, ўйласонг, юрагинг орқага ториб кетади. Тасаввур қилинг: мен кўлимда курол билан ўшнимнинг хонадонига бостириб кирдим. Мен хоҳлаганча шайсан, мен хоҳлагандек фикрлайсан, мен буюрган йўлдан орасан, дедим. Кўшним кўнмади. Мен уни отиб ташладим. Ўшнимнинг боласи мени ёмон кўриб қолди, менга қарши ураш бошлади. Мен уни “аксилинқилобчи”, “миллатчи”, босмачи”, деб эълон қилдим. Бутун дунёни шунга ишонтишга уриндим. “Ажойиб мантиқ”!

Бу – ҳаётдаги, сиёsatдаги воқелик эди.

Ижодда-чи? Мазкур “мантиққа” (яъни, мантиқсизликка) айрон қолганлар, ишонмаганлар, жиндай монелик илганлар қамоққа тикилди, маҳв этилди. Ажабланарлии, мамлакатимиздаги ҳамма жумҳуриятларда ҳақиқатни йтган, эл-юрт манфаатини ҳимоя қилган халқ фарзандари “халқ душмани” деб эълон қилинди. Янаям “ғаройиб тантрик!”

Назария нима бўлди? Дейлик, адабиёт назарияси? Нима ўларди, минг хил “изм-изм”лар ўйлаб топилди. “Мана, сенга ўртта ёки бешта моддадан иборат “изм”. Шу қолипга тушаан. Қолип тўлмаса бир ҳисса балога қоласан, қолипга сифмай олсанг, икки ҳисса. Ажаб, Данте “Илоҳий комедия”ни ёзатганида қандай “изм”ни ўйлаганийкин? Алишер Навоий Фарҳод ва Ширин”ни ижод қилаётганида-чи? Шекспир ўз ўюжиаларини қоғозга тушираётганида-чи? Александр Солженицин “ГУЛАГ архипелаги”ни қайси “изм”га мослаб ёзди? Ҳддий бир ҳақиқат бор: чинакам ёзувчи бир варақ оқ қофоз илан юзма-юз қолганида “изм”ларни ўйлаб ўтиrmайди. Ҳнинг қалбида, хаёлида, кўз ўнгидаги инсон туради. Инсон исмати, туйғулари, одамнинг ҳаёт билан, жамият билан муносабати туради.

Албатта, адабиётшунослик илми қаламкаш ижоди қайси ўналишдан борганини ёки бораётганини ўрганиши, таҳлил

этиши, хулосалар чиқариши табиий. Бироқ ижодкорга қолипни олдиндан тайёрлаб кўйиш от аравани эмас, арава отни тортиб кетишига ўхшамайдими?

“Изм”лар қолипига сифмаган ёки сифишини хоҳламаган истеъодлар (бадиий ижодда ҳам, фанда ҳам) қатағон қилинди. Энг ёрқин истеъодлар, энг доно ақллар “ёт унсур”га айланди. Қалбсиз ва бошсиз таналар эса гаройиб матал ихтиро қилдилар: “Аҳмоқ ўйлаганини айтади, доно керакли гапни”. Сен шундай ёзгинки, қаҳрамонинг одам бўлиши шарт эмас, ҚАҲРАМОН бўлсин. Кулганда фақат БИЗнинг одамларга ўхшаб кулсин, йиғлаганда фақат БИЗнинг одамларга хос йиғласин. Қаранг, нақадар оламшумул “мантиқ”!

Бир тасаввур қилиб кўринг. Наҳот Маргарет Тэтчер ўз на-бирасини ўзбек кампиридан кўра камроқ яхши кўрса? Кўз ўнгизга келтириңг: американлик миллиардернинг яқин кишиси қазо қилди. Миллиардер марҳум тепасида йиғлаб турибди. Иттифоқо, Ўзбекистонинг олис бир қишлоғида худди шу соатда оддий ўзбек дехқонининг яқин одами ҳам оламдан ўтди. Дехқон ҳам марҳум устида йиғлаб турибди. Кимёгарлар текшириб кўрсин: дунёнинг у бурчида ғам чекаётган бир одам билан дунёнинг бу бурчида изтироб чекаётган иккинчи бир одамнинг кўзёши бир-биридан фарқ қиласмикин? Инсоннинг қувонч ва изтироблари чегарани тан олармикин? Катта-кичик “изм-изм”ларга бўйсунармикин?

Чўлпон шеърияти шабнамга ўхлаши бежиз эмас. Шоир тўйғулари шабнамдек шаффоф, шудрингдек покиза ва, энг муҳими, табиий эди. Табиийлик эса ёлғон мантиқни ҳазм қилолмайди. Чўлпон ва чўлпонлар ёлғон мантиққа бўйсuna олмагани учун ҳам маҳв этилди. Адолат шабадалари энди-энди эса бошлагандан кейин ҳам ғалати гаплар бўлди. Эсланг: “Чўлпон, Фитрат ва бошқалар фуқаро сифатида оқланди, ижодкор сифатида оқланмади”. Ростдан бир чақирим узок, ёлғонга бир энлик яқин турадиган бундай ярим ҳақиқатни, чорак, нимчорак, ним-ним чорак ҳақиқатни ўйлаб топгандарга тасанно, демай илож йўқ! Қаранг, фуқаро сифатида оқланибди-ю, ижодкор сифатида қоралигича қолаверади. Барака топ, шоввоз!

Холбуки, булар ҳақиқий истеъодлар, ҳақиқий ижодкорлар эди. Яъни, фуқаро сифатида нимани ҳис қилса, ижодкор сифатида шуни қогозга рост туширган. Модомики, улар

фуқаро сифатида оқланган бўлса, демак... ёзган асарлари ҳақ экан-да!

Мана, қаерда ётибди ҲАҚИҚИЙ МАНТИҚ! Агар шу тафаккур йўлидан борадиган бўлсак, кўп йиллар айтишга қўрққанимиз,adolatli фикрга келамиз. Чўлпон ва бошқаларнинг “миллатчилик руҳида ёзилган” деб баҳоланганд асарларига тухматомуз, биртарафлама ёндошилган. Адолат ва адолатсизлик, миллий ғуур ва миллатчилик, ҳақиқат ва уйдирма аралаш-қуралаш қилиб юборилган.

Шукроналар бўлсинки, янги замонлар келди. Билмадим, эҳтимол яна ўн йиллардан кейин бу гапларни достон қилиб ўтириш эриш туюлар. Лекин ҳозир айтмасак бўлмайди. Ўша мантиқсизликлар қайтадан ягона ва ўзгармас “мантиқ” қа айланмаслиги учун ҳам бу гапларни айтиш керак. Қодирийлар Чўлпонлар, Фитратлару Беҳбудийлар, Элбеклару Усмон Ноシリларнинг чирқиллаган руҳи бугун бу ҳақиқатни бор овозда айтишини тақозо қиласпти. Шундай қилмасак, шахидлар арвоҳи бизни кечириши қийин.

1990 йил



Түккизинчи боб

Саёхатнома





Шудрингли ўтлоқлар

Туйнукдаги юлдузлар

Энг оғир кишанинг – уйингнинг остонаси, деган ҳикматни қайси донишманд айтган бўлса, топиб гапирган экан. Кундалик ташвишлар, югар-югурулар билан шу қадар ўралашиб қоласизки, остона ҳатлаб, узокроқ жойга чиқишига юрагингиз бетламай туради. Лекин остона “кишанидан” чиқиб олгандан кейин, рухингизда алланечук енгиллик сезасиз. Сафар гашти вужудингизга майин бир куй каби сингиб кетади.

Бизлар етти киши эдик. Бешовимиз тошкентлик “меҳмонлар”, яна икки киши мезбонлар эди. Энг олдинда йил бўйи совитилган саман отининг жиловини маҳкам ушлаб Абдуманноп ака борарди. Унинг чинакам чавандозлар каби эгарга ёпишиб ўтиришини, офтобда қизарган силлиқ чехрасини кўрган киши бу одам неваралик эканига ишонгиси келмайди. Унинг бутун ҳаракатларида йигитлик шижоати жўшиб туради. Абдуманноп ака Четсув қишлоғидаги Байнал-Минал қишлоқ йигинида бир неча йил раислик қилган, ҳозир ҳам уни ҳамма оқсоқол деб атайди.

Чавандозларнинг энг охирида Шамат ака боради. Турмуш машаққатлари унинг кўз қарашларида, онда-сонда айтиб қоладиган гапларида, эрта оқарган соchlарида ўз тамғасини қолдирган. У урушда қатнашган, бир кўлидан айрилган, бир неча йил илгари ўзи яшаб турган уйни тоғ оралиғидаги Эртош қишлоғининг бошланғич мактабига бўшатиб бериб, Оққўрғонга кетган, кейин яна қишлоғига қайтиб келган. Чавандозликда у ҳам “оқсоқол”дан қолишмайди.

Фақат биз – “меҳмонлар” бир соат юрар-юрмас, от мишиш машинада ястаниб ўтириш эмаслигини билиб қолдик. Аввалига юмшоққина туюлган эгар энди шундай азоб беришга тушдики, бетоқат бўла бошладик. Аммо манзил олис. Олтмиш чақирим йўл босиб, Арашонбува деган жойга боришимиз керак.

Отлар пишқириб-пишқириб қўяди. Тоғ сўқмоғидан кўтарилаётганда, бўйни терлаб, ёли ёпишиб кетади. Ҳарсиллаб нафас олади.

– Эгарда ҳадеб қимирлайверманглар. Бир текис ўтириб, отни ўз ҳолига қўйиб беринглар, – деб маслаҳат беради Абдуманноп ака.

“Бир текис ўтиринглар...” Айтишга осон. От тиккага кўтарилаётганда, эгарнинг қошига ёпишамиз. Пастга тушиш ундан ҳам азоб. Негадир ҳозироқ от қокилиб кетадигандай, бўйнидан ошириб ташлаётгандай туюлаверади.

Атроф сокин. Белга урадиган ўтлар шабадада оҳиста тўлқинланади. Негадир, қушлар ҳам сайрамайди, чигирткалар чирилламайди. Гўё бутун табиат мана шу улуғвор сукунатни бузишни ман этиб қўйгандай. Фақат отлар пишқиради. Түёқ товушлари бўғиқ гурсиллайди. Аҳён-аҳёнда сой учрайди. Тошларга урилиб айқираётган сув товуши анчагача кулоқ остида шовиллаб туради.

– Мана шу қирдан ошсак, Қизилчага етамиз. У ёғи Келинчаккача ўн беш чақирим, – дейди йўл бошловчимиз қамчи билан имо қилиб.

Кўл чўзса етгудек “мана шу” қирдан ошиш учун ҳам беш чақирим юриш керак.

Яна ўша туёқ товушлари. Яна ўша сокин гўзаллик. Қирнинг тепасига чиққанда, орқага қарасангиз, бошингиз айланиб кетади. Ажиб ҳақиқат: одам босиб ўтган йўлига эмас, босиб ўтиши керак бўлган йўлига қарashi керак. Аммо барибир, олисда – пастликда қолган баҳмал ўтлок, илон изи сўқмоқ оловдай иссиқ қўринади кўзингизга.

Ниҳоят, олдинда – яssi адир ўртасида ялтираб оқаётган сой, соҳилда турган уч-тўрт ўтов кўринди. Отлар манзил яқинлигини билгандай қадамини тезлатди.

– Уркинбойнинг ўтови, – деб тушунтирди ҳамроҳимиз. – Фарғонадан келган чўпонлар шу ерда тўхташган.

Сойдан ўтишимиз билан иккита каттакон ит акиллаганча югуриб келди. Ўрта бўйли, елкалари хиёл туртиб чиққан киши ўтовдан чиқиб қарши олди.

– Келинглар, – деди у қисиқроқ кўзларини йилтиллатиб. Унинг дўрдоқ лаблари яхши юмилмас, негадир тишлари туртиб чиққанга ўхшаб қўринарди.

Отдан тушгандан кейин, бир лаҳза қадам босолмай қолдик. Оёқлар акашак бўлиб қолибди.

– Қалай, от қоқиб ташламадими! – деди уй эгаси табассум билан.

Бир соат дам олар-олмас, ҳамроҳимиз яна шоширди:

– Ҳаво айнияпти. Тезроқ етиб олмасак, қоронғига қолиб кетамиз. Йўл қалтис.

Уй эгаси ҳам қаршилик билдирамди:

– Келинчакда эртага қиёмат тўй бўлади. Улоқ бўлади.

...Яна ўша паст-баланд йўллар бошланди. Фақат, энди осмонни булут ўраган, аччиқ совуқ турган эди. Қизиқ, саратонда қаҳратон...

Кунботар чоғида тик жарлик тепасига келдигу, ажиди бир манзарани кўрдик. Уч юз метрча пастлиқда қатор ўтовлар тизилишиб турар, хотин-халаж, бола-чақалар товуши, отларнинг кишнаши кулоққа чалинар, ўтовлар олдида олов ялтирас эди.

– Улоқ катта бўладиганга ўхшайди. Қаранг, юздан ортиқ от тўпланибди.

Яқин келишимиз билан бир неча йигитлар югуриб-елиб жиловни тутишди.

Ўтов ичидарров олов ёқилди. Совқотган баданга иссиқ юргуди.

– Фарғонанинг чўпони борки, баҳор келиши билан шу томонга кўчиб чиқади, – деди ўтов эгаси Бўзвой ака тушунтириб. – Яйловлар кенг, ўт сероб. Мана энди тўй мавсуми бошланди. Тўйлар бир-бирига уланиб кетаверади.

...Тун ярмидан оққандада атроф тинчиб қолади. Фақат итлар акиллайди. Советилган отлар бетоқат кишинаб қўяди. Кўшни ўтовда бола йиғлайди. Онаси алла айтади. Ўртадаги арча ўтиннинг чўғи ёқут нукралардай қизариб кўринади. Ўтов керагасига илиб қўйилган ялтироқ тақинчоқлар, бир чеккадаги сандиқ тунукларида шафақ ўйнайди. Туйнукдан эса ёрқин, пастак юлдузлар мўралайди. Улар жимгина бокувчи ўйчан кўзлар каби тикилиб тураверади-тураверади, беихтиёр хаёл олиб қочади кишини.

Ривоят қилишларига қараганда қадим замонларда бир қишлоқни ёв босибди. Йигитларни қиличдан ўтқазиб, қизларни оёқости қилишибди. Ёлғиз бир келинчак душман-

га бўйсунмабди. Тоғ-тошлар ошиб, мана шу ерга, икки тоғ орасидаги ўтлоққа келиб, у ёғига ўтолмай қолибди. Душман кўлига тушгандан кўра, тошга айланиб қолай деб илтижо килибди. Чиндан ҳам тошга айланиб қолибди. Ўшандан буён бу ер Келинчак деб аталармиш.

Бора-бора ҳаммаёқ жимиб қолади. Ўчоқдаги чўғ сўнади. Ташқарида отлар кишнамайди, итлар ҳуримайди. Ҳамма уйқуга кетади. Фақат туйнукдан боқиб турган юлдузлар бедор. Вафодор келинчак хотирасини кўриқлагандай ўйчан тикилиб туради...

Ҳар нарсанинг ўз гашти бор

Яқингина жойда бузоқнинг чўзиб маърашидан уйғониб кетдим.

Ўтов туйнути ёришиб, унда кечаги юлдузлар ўрнида ложувард осмоннинг бир бўлаги кўриниб турарди.

Оқшомда ҳаммани қақшатган совуқ тугаб, илиқ, тароватли тонг отган эди. Ўтовлар аллақачон уйғонган, ҳаммаёқда тўй тараддуди сезилар, ҳар ер-ҳар ерда қозон осилган, болакайлар иргишлаб ўйнашар, чамаси кечаси тағин улокчилар келишган бўлса керак, отлар янайм кўпайган эди. Кунчиқар томондаги тепалик ортидан қуёш мўралади. Шу ондаёқ унинг нурлари бутун ўтлоққа сепилгандай майсалар юзида нурли нуркалар ярқираб кетди.

Қачондир болалигимда шудрингда ялангоёқ юриш даво, деган гапни эшитгандим. Ким билсин, балки ростдир. Тизза бўйи ўтлоқда шудринг кечиб югуриш чиндан ҳам гаштили экан. Кўл чўзса етгудек қорликлардан шалдираб тушаётган сойда сесканиб-сесканиб ювиниш ҳам, сувнинг шовиллашига қулоқ солиб узоқ хаёлга чўмиш ҳам ҳаёт гаштили эканини таъкидлаётгандек бўларди.

Пешинга яқин ўтлоқ янайм гавжум бўлиб кетди. Тўй хизматчилари елиб-югурди, бирор лаганда ош ташийди. Бирор келган меҳмоннинг отига ўт ташлайди. Яйловларда камёб бўладиган нарсаларни атайлаб олиб келган атторлар эгар, юган, бигиз, қамчисини мақтайди.

– Шоир келди, тўй ана энди қизийди, – деди кимдир тантана билан.

Эчкидеккина ихчам, аммо чайир от минган ўрта бўйли киргизни ҳамма ўраб олди. У бекасам тўн кийиб, кўш белбоғ

боғлаб олган эди. “Шоир” илтифот кутиб ўтиrmай, эгардан тушмасданоқ ўқиб кетди:

*Менинг отим Болтавой,
Излаб келдим элингга,
Кувват берсин белингга...*

Тўй эгаларидан бири “шоир”нинг оғзидан муттасил оти-либ чиқаётган пала-партиш мисралар оқимини тўхтатиш учун бўлса керак, қичқирди:

– Шомақсудни бир мақтанг...

“Шоир” ўзига аталган пулни олдию, сахий Шомақсудни мақтаб кетди:

*Бўзбошим бўлганида,
Бўз болам ўлмасмиди.
Ялпизим бўлганида,
Ёлғизим ўлмасмиди...
Сахий мезбон Шомақсуд,
Мақсудингга етарсан,
Илгарилаб кетарсан...*

Хуллас, ким пул берса, ўшанга узоқ ҳамду санолар ўқилди. Охири мақтовталаб сахий қолмади шекилли, “шоир” тер куйиб келаётган пешанасини арта-арта эгардан тушди.

– Энди улоқ бўлади, – деди йўл бошловчимиз адир этаги-ни кўрсатиб. – Қаранг, уч юзга яқин от тўпланипти.

“Мақтov” билан овора бўлиб сезмай қолибмиз. Ўтвлардан ярим чақиримча нарида тўда-тўда отлар тўпланиб турар, бо-шини қийик билан танғиб олган чавандозлар улоқ бошланишига ишора кутгандай бетоқат югуришар эди.

Нихоят, отлар бир ерга тўпланди. Тўй эгаси улоқни ерга осилтиргудай судраб бориб ўртага ташлади-ю, ўзи чеккага чиқди. Фала-ғовур бўлиб кетди. Ҳамма отлар бир томонга қараб тўлқиндек сурила бошлади.

– Улоқ оғир кўринади, – деди йўл бошловчимиз синчик-лаб қараб. – Икки ёшлик новвосни ташлаган экан. Чавандозларга қийин. – У мийиғида кулиб қўйди. – Совринига от қўйилибди.

Қамчи садолари, отларнинг нола чекиб кишинаши, қизишиб кетган чавандозларнинг сўкиниши осмонни титратди. Жийрон от минган бир чавандоз, энгашган кўйи, новвосни чангллаганча даврадан чикди. Анча жойгача судраб келди-ю, кейин бошқалари уни ўраб олишди. Бир оздан кейин отлар тўлқини терс томонга сурилиб кетди. Бояги жойда ўша жийрон от билан эгаси қолди. У негадир бошқа чавандозлар кетидан югурмас, юзини чангллаганча, эгарда мункайиб қолган эди.

Яқинроқ келдиг-у, унинг қийиқча танғилган пешанасидан қон оқаётганини кўриб ҳайратдан оғиз очиб қолдик. Бу – ўн олти-ўн етти ёшлардаги қотмагина йигитчча эди.

Кимдир яқин бориб, жийрон отнинг жиловидан ушлади-да:
– Ювениб ол, – деди йигитчага.

Йигит бошини кескин кўтарди-да, кафти билан пешанасини артиб, жеркиб берди.

– Ишингиз бўлмасин! – У отига шундай шиддатли қамчи урдики, жийрон бир сапчиб, қуюндай учиб кетди.

– Парво қилманг, – деди Абдуманноп ака қулиб. – Бу йигитлар пишиб кетган. Ҳамма нарсанинг ўз гашти бор. Улоқнинг лаззати ҳам мана шунда... Аммо бугун кураш ажрим бўлмайди. Биронтаси мэррага улокни олиб чиқишга кўзим етмай турибди. Кетдик, йўлдан қолмайлик.

...Орқага, тўда-тўда отлар югуриб юрган водийга қарай-карай яна йўлга тушдик. Қизиқ, улокда чавандоздан кўра отнинг хизмати кўпроқ тақдирланади. Мабодо, учқур от эгаси ўзи тўдага киришни хоҳламаса, отини энг олғир чавандозга бериб туриши мумкин. Чавандоз эса ундан мукофот олади.

Отлар ҳам, ўзимиз ҳам толикқач, Ёйиқ деган жойда тўхтадик. Чиндан ҳам бу ерда тиниқ бир сой ёйилиб оқар, атрофда оппоқ гулхайрилар очилиб ётар, аммо дараҳт кўринмас эди. Умуман, бу атрофларда дараҳт ҳам, қушлар ҳам кўзга онда-сонда чалинарди.

– Ўша қорнинг тагига етсак, марра бизники, – деди йўл бошловчимиз кун ботар томондаги чўққини кўрсатиб.

Энди отлиқ юришга анча кўнишиб қолган бўлсак ҳам, яна эгарга ўтириш малол келар, аммо ўзга чора йўқ эди. Кун қайтиб тағин совуқ турди.

Ўтлаб юрган отларимизни эгарлаётганимизда, саккиз-тўққиз ёшлардаги қирғиз қизалоқлар келиб қолишли. Қизил

күйлак кийган, майдалаб ўрилган сочига пилик тақсан бу қизалоқлар бирданига пайдо бўлганига ҳайрон қолдик. Улар узун этакларини қайириб тезак териб юришарди. Чамаси, пастроқда – сойнинг нариги бетида кўриниб турган овулдан келишган бўлса керак.

– Овулга қўниб ўтармишсизлар, – деди қизалоқларнинг тикроғи йўл бошловчимизга қараб.

Овул етти ўтовдан иборат бўлиб, сайҳон майдонга жойлашган, чекка-чеккада ўтин сочилиб ётар, ўтов панасида ўтирган хотин-халаж бири кечки овқат пиширар, бири шолча тўқиши билан банд эди.

Арашонга кеч қолдиларинг, у ерда кўрпа-тўшак йўқ. Ҳамма йўловчилар шу ерда тунаб ўтишади. Сизлар ҳам қолинглар, – деди ўртадаги ўтов олдида ўтирган гавдали аёл.

Эркаклар кўринмайди-ку, нокулай бўлмасмикин, – деди Абдуманноп ака иккиланиб.

Келинчакка – улоқقا кетишган. Эртага қайтишади.

Аёл бизнинг қололмаслигимизни эшитгандан кейин ўтовдан кўрпача, пўстин олиб чиқди.

– Бўлмаса совқотиб қоласизлар, қайтишда ташлаб ўтарсизлар.

Етти ёт бегона кишиларга шундай самимий муомала қилган қирғиз аёлига миннатдорчилик билдириб, тағин йўлга тушдик.

Дунё кенг

Киррадор тошлар сочилиб ётган паст-баланд сўқмоқлардан юравериб, отлар ҳам толиқди. Баъзиларининг туёқлари тушиб, оёғи қонаб кетган эди. Фақат йўл бошловчимизнинг саманигини ҳамон тизгинга бўй бермай илдам борар, кўйиб берса учеб кетгудек ҳоли бор эди. Энг орқада эса Шамат аканинг жийрони худди эгаси каби жимгина, аммо бир текис, событ қадамлар билан юриб келарди.

Манзилга етиб келганимизда қуёш ботиб кетди. Шундоқ бошимиз устида қад кўтариб турган тогда қор кўринар, муздай шамол изилларди. Тоғ белида жойлашган кулбанинг тош девори орасидаги пастак эшик очилиб, ёши етмишлар атрофидаги чол пешвоз чиқди. У яктак кийиб олган, баланд гавдасини гоз тутиб тураг, ўсиқ қошлари остидан кўкишроқ кўзлари мағрур боқар эди.

– Келинглар, – деди у ҳаммамиз билан қўл олишиб сўрашаркан. Аммо таъзим-тавозе қилиб ўтиради. Чолнинг бутун вужуди “мен меҳнат кишисиман, бу ерда, ягона кулбамда одамларга паноҳ беришим мумкин, хоҳласанг шу, хоҳламасанг билганингни қил”, деб турарди.

Тик турсангиз бошингиз шифтга тегадиган, ўртасида устун қаққайиб турган кулбага кирдик. Ҳужра деворлари тошдан тикланган, хомсувоқ ҳам қилинмаган, ёзув дафтари-дек кичкинагина туйнуқдан оқшомнинг ўлимтик нури ара-лаш совуқ кириб турарди. Девор ва томи қурумдан қорайиб кетган, зах ерга тўшалган намат устига икки-учта шапарак кўрпачалар ташланган эди.

Зум ўтмай қоронғилик чўкди. Чол ўнинчи лампа кўтариб кириб, устундаги михга осди. Абдуманноп ака эски таниш бўлгани учунми, чолни гапга солди.

– Бу ёққа чиққанингизга анча бўлгандир, ота? Чол ўсиқ қошлари остидан унга қараб қўйди.

– Бир ҳафта бўлди, – деди босиқ овоз билан, – кеча қор ёғди. – У ҳаммамизга синовчан қараб қўйди-да, индамай чиқиб кетди.

– Бу ерда июлнинг бошида ҳам қор бўлади, – деб тушун-тирди Абдуманноп ака. – Августнинг ярмидан бошлаб тағин қор босади.

Бир оздан кейин юzlари қип-қизил, кўхликкина кампир кирди. У чолнинг тамомила акси эди. Қарашлари жонли, сўзамол экани кўриниб турарди. Косада эчки қатиги узатар-кан, Абдуманноп ака билан сўрашиб олди.

– Қишида бу атрофларда қор уч метрга чиқади-ку, уйни босиб қолмайдими, – деди йўл бошловчимиз ҳужранинг омонат деворларига имо қилиб.

– Э, босиб қолмайди, оқсоқол, – деди кампир кўзларида мулоийим ўт ёниб. – Эриб, икки четидан оқиб кетаверади.

Қизиқ, тоғнинг қоқ белида жойлашган шу кулбани сув четлаб ўтишига ақл бовар қилмасди.

Овқатланиб бўлишимиз билан йўлбошловчимиз яна қистади.

– Бўлинглар, булоққа тушамиз.

Бисотимиздаги бор иссиқ кийимларга ўралиб олсак ҳам совуқ вужудимизни титратар, чамаси, кечаги қорнинг захри ҳали кетмаган эди.

Шоша-пиша ечиндигу, атрофи цементлаб ҳовузча қилинган булоққа ўзимизни урдик. Сув илик, ўттиз даражадан юқори бўлгани учун роҳатбахш эди.

– Шу кунларда Тошкентда одамлар иссиқдан қочиб, ўзини сувга уряпти. Бизлар бўлсак, совуқдан қочиб, иссиқ сувга тушиб ўтирибмиз, – деди кимдир.

Рост гап. Иссиқ минерал сувнинг тафти чарчаган танларга ором берар, киши бош кўтариб чиққиси келмасди.

Узоқда – Ёйик сойнинг тепасидаги қир ортида тўлин ой кўринди. Бир лаҳзадан кейин мулойим нур бутун водийни, узокларда ялтираб ётган сойни, паст-баланд тепаликларни сукунат туманига буркади. Боя булоққа тушганда ҳаммамиз бир-бирилизга гап бермай чуғурлашган эдик. Ҳозир бўлса ой нури ўзининг майнин, сукутли юки билан елкамиздан босаётгандек жимиб қолдик. Ҳозир ҳар ким ўз хаёли билан банд эди. Аммо ҳаммамиз ҳам бир нарсани – дунё бепоён эканини, унинг ўз қонунлари, ўз сехри борлигини ўйламай иложимиз йўқ эди. Мана шу булоқ ҳам, ой нури ҳам, сутдек сукунат остида ўзининг муздай тўлқинларини яраклатиб ётган сой ҳам табиатнинг мангу бир сехри эмасми? Бизнинг оламга ўт сочгудек ташвишларимиз, ғам-кулфатларимизу қувончимиз, олижаноблигимизу худбинлигимиз – барчаси майда нарсалар эмасми? Табиатга яқин турган киши тозароқ бўлади, деганлари шу эмасмикин?

Ҳар ким ўз туйғуларига берилиб, узук-юлуқ савол-жавоблар билан ҳужрага қайтиб тушганимизда, тун ярмидан оғган эди.

Чол бизни кутиб турган экан.

– Кўрпа-тўшакнинг мазаси йўқ, – деди у хотиржам қиёфада.

– Булоқни сиз ҳовузча қилиб қўйганмисиз? – деди сухбатдошларимиздан бири.

– Ҳа, мен.

– Цементни қаёқдан олгансиз?

– Вертолётда олиб келишган.

– Булоқ сувини докторлар текшириб кўришганми?

– Қайдам, – чол совуққон жавоб қилди, – бир келишганди. Одамлар ўзича яра-чақага, бел оғрик, оёқ оғриғига даво дейишади.

Чол бирпас қараб турди-да, чироқни пасайтирди.

– Отларга ўт ташлатиб қўйдим. – У шундай деди-ю, чиқиб кетди.

Кўрпача билан пўстин берган қирғиз хотин рост айтган экан. Амаллаб тиқилишиб олдик-да, донг қотиб ухлаб қолибмиз...

– Энди қорга чиқамиз, – деди йўл бошловчимиз нонушта устида.

Булокдан юқорилаб яна бир қоядор тепаликни ошгач, кўмкўк кўлга кўзимиз тушди. Кўлнинг нариги соҳилида – новвот ранг қоялар қоплаган тик жарлиқда қор оқариб ётарди.

– Бу Туморкўл, – тушунтирди ҳамроҳимиз. – Умуман, бу ерда кўл кўп. Туморкўл, Чукуркўл, Тулпоркўл... Оҳангарон дарёси шу ердан бошланади. Кўлларнинг энг каттаси – Тулпоркўл.

Отлар сескана-сескана тик сўқмоқдан ўтгач, қаршимизда яна бир кўл пайдо бўлди. Кўл жуда чуқур бўлса керак, суви қорайиб ётар, нариги соҳилда палаҳса-палаҳса муз бўлаклари кўзга ташланар эди.

Қирғоқка етганимиизда ҳамроҳларимиздан бири сувга кўлини тиқди-ю, дарров тортиб олди.

Жуда совуқ экан.

Шунинг учун бу ерда балиқ бўлмайди. Бу сувда ҳеч қандай жонивор яшамайди. Геологларнинг айтишича, Тулпоркўл денгиз сатҳидан 3200 метр баландда жойлашган экан.

Ривоят қилишларича, бу сувда фақат бир тулпор от яшармиш. У йилда бир марта – кечаси сувдан чиқиб, яна сув тутика кириб кетармиш. Қадим замонларда бир йилқичи шу тулпордан тойчоқ олиш ниятида ўз биясини олиб келиб, кўл бўйида тунаб қолибди. Чиндан ҳам келгуси йили бияси ажойиб бир тулпор қуулунлабди. Кулун йил эмас, кун саийин ўсиб бораётганини кўрган йилқичи яна биясини олиб келибди. Той ҳам онасига эргашиб келибди. Йилқичи кўл соҳилида ётиб, кутиб турибди. Ярим кечада сув тулпори кўлдан чиқибди-ю, бияга қарамай, тойчоқни эргаштириб сув тубига кириб кетибди.

Неча кундан бўён сухбатимизга онда-сонда аралашаётган Шамат aka ҳозир ҳаяжонланибми, завқланибми, шу афсонани ҳикоя қиларкан, кўзларида ўт чақнаб кетди.

Кўл эса, бизнинг сухбатимиздан бехабар, кўёш нурида майин мавжланиб жимгина тўлқинланар, фақат олисда –

нариги соҳилдаги музлар орасидан тушаётган сув бўғиқ шо-виллар эди.

– Анави Келинчакдаги тўйда шеър ўқиган “шоир” эси-нгиздами? – деди Абдуманноп ака қайтаётганимизда. – Ҳар гапида бўзбошим бўлганида, бўз болам ўлмасми, деган эди-ку. Ҳозир ўша бўзбошни кўрасиз. У фақат қорга яқин жойларда ўсади.

Бўз ранг майдада гулли гиёхларни йиғиб яна кулбага тушдик. Чолда қуритилган бўзбош бор эди. Дамлаган эди, кўкчойдек тиник, қаҳрабо рангли чой чикди. Ичимликнинг хиди ўткир, хушбўй эди.

– Медицинада бўзбошдан фойдаланишадими, йўқми билмайман, – деди йўл бошловчимиз. – Аммо бир ҳафта ичида ўзим синаганман. Қон босимини кескин тушираркан.

...Иссиқ Арашон булоғи ҳам, вазмин сукут сақлаб турган тошлар ўртасида тунлари чироқ порлатиб, одамларга йўл кўрсатган чол кулбаси ҳам, афсонавий Тулпоркўл ҳам орқада қолди.

Чол тадбирли экан. Отларни яхшилаб тўйғазганиданми, Ёйикдаги қирғиз овулига тез етиб келдик. Балки юриб ўтилган йўлдан қайтиш ҳамиша осон туюлиши учун шундай кўрингандир. Ўзининг борини биздан аямаган қирғиз аёлига раҳмат айтиб, йўлимизда давом этдик.

Эрта оқшомда Келинчакка етиб келдик. Тўй пастдаги огулга кўчган экан. Эртасига Қизилчада – Уркинбойнинг ўтови олдида тўхтадик. Уркинбой эшик қаршисида тавозе билан кутиб олди. Қисиқроқ кўзларида табассум билан таъзим қилди.

– Зиёратлар қабул...

Арашон бувага кетаётганимизда эрлари тўйга кетган бўлса ҳам бир ўтовни бўшатиб бермоқчи бўлган, қўниб ўтишимизни илтимос қилган қирғиз аёл, ўзгалардан ўнларча чақирим узоқда – тоғлар орасида одамлар учун чироқ ёқиб ўтирган мағрур чол билан унинг мулойим кампири кўз ўнгимиздан кетмас эди...

1971 йил

Покистон сафари

Бизлар тўрт киши эдик. ИброҳимFaфуров, Аҳмаджон Мелибоев, Дадаҳон Нурий ва мен. Ватанимиз мустақилликка эришганига атиги ярим йил бўлган, бошқа соҳалар қатори чет эл билан ҳаво йўллари орқали алоқа ўрнатиш масаласи ҳам энди ҳал бўлаётган, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси том маънода қанотини ростлашга киришган палла эди.

Қисқа қилиб айтганда, қадимиий қўшинимиз Покистон билан қисқа муддат бўлса-да, танишдик, турли газета ва журналлар таҳририятида бўлдик. Мұҳими, қаерга бор-майлик, покистонликлар юртимиз Истиқлонидан чин дилдан қувонганини кўриб турдик. Ўша кезлари ушибу сафар ҳақида матбуотда чиқишилар бўлди.

Куйидагилар тўрт адаб ҳамкорлигига ёзилган сафар таассуротларининг бир қисми.

Кечикиб учдик. “Аэрофлот” самолёти Тошкентдан тунги соат ўн иккida эмас, эрталаб соат учда парвоз қилди. Умуман, учолмай қолишимиз ҳам мумкин экан. Авваллари Москва – Карочи – Ханой рейси Тошкентда қўниб ўтиши шарт ҳисобланган. Ҳаво кемаси Покистон ёки Вьетнамга Тошкентдан учадиган чет эл йўловчиларни ҳам олиб кетган (биз чиқадиган самолётни кутиб ўтирганлар орасида ҳам вьетнамликлар бор эди).

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси бошлиғи Фани Мазитович Рафиқов раҳбарлигидаги расмий делегация Тошкент – Карочи авиайўналишини очиш масаласи бўйича икки кун олдин жўнаб кетган, биз – бир гуруҳ қаламкашларни эса жаҳонга машҳур “Табани” ширкати Покистонда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” ваколатхонасининг очилиш тантаналарида қатнашиш учун таклиф қилган эди.

Ҳарқалай, омадимиз чопди, шекилли, Москвадан учган самолёт экипажи Тошкентта қўниб ўтишга рози бўлибди.

Тошкент қўналғасининг божхонасида ўзбек йигитлари кўпайиб қолганини кўриб, хурсанд бўлдик. Муомаласи – табиий, сиз билан роботга эмас, одамга ўхшаб гаплашади.

...Икки соату қирқ дақиқада Карочига қўндинк. Тошкент анчайин совук эди, бу ерда эса иссик. Биздаги сентябрь ўрталарини эслатади. Чегарачилар назоратидан ўтиш, декларация тўлдириш сингари расмиятчиликлар бу ерда ҳам ўзига етгунча экан.

“Табани” ширкати вакиллари очиқ чехра билан кутиб олишди. Табиийки, бегона юртга борган одам энг олдин ўша жойнинг табиати, одамлари, кўчаларига қизиқиб қарайди. Тошкент билан Карочининг вақт минтақаси бир хил. Аммо иклими тропик. Шаҳар Арабистон денгизи соҳилида жойлашган. Кўчалар четида меваси ҳандалақдай келадиган коқослар, қип-қизил гулли толлар (толгул), сарв дараҳтлари кўзга ташланади. Одамларнинг чехраси очиқ. “Ўзбекистон” десангиз, қардошини топғандай қувониб кетади. Кийиниши ўзига хос. Эркаклар бошига оқ тўрдўппи, эгнига оппоқ, узун кўйлак-лозим, нимча кийган (ниҳоятда ярашиқли ва қулай либос).

“Покистонда хотинлар чодрага ўралиб юради”, деган гап ёлғон. Аёллар ҳам бежирим ва кулаги либосларда юрибди.

Дарвоқе, Карочи қўналғасида ҳаммаси бир хил пуштиранг кўйлак ва лозим кийган, бўйнига чиройли ёпқич ташлаб олган гўзал қизларни кўриб, аввалига булар ўзимизнинг “Баҳор”га ўхшаб, чет эл гастролига кетаётган ансамбль бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Адашибмиз. Булар Покистон халқаро авиалинияси самолётларида хизмат қилувчи стюардессалар экан.

Шаҳар ниҳоятда катта. Айтишларича, Карочининг бўйи 35, эни 30 чақирим келаркан. Аҳолиси ўн миллион. Эътироф этиш керак, шаҳар озода эмас. Кўчалар четида ахлат уюмлари кўп. Пиёдалар қатнайдиган йўлкаларнинг ўзи йўқ ҳисоб. Борлари ҳам қаровсиз... Баланд, замонавий бинолар ҳам, пастқам бостирмалар ҳам, бойлар маҳаллий шароитга мослаб, дид билан қурдирган қават-қават уйлар ҳам бор. Четдан борган меҳмоннинг кўзига ярқ этиб ташланадиган тағин бир

манзара – афсус, тиланчи кўп! Аёллар, чоллар, ёш болалар... Лекин уларга қараб мамлакат фаровонлиги ҳақида хулоса чиқариш унча тўғри эмас. Тиланчилар бу ерларда маҳсус бир тоифа.

Карочида одам кўпроқми, машинами – билиш қийин. Япониянинг “Тойота”, “Ниссан”, “Сузуки”ларидан тортиб, мотороллерни ҳам, йўловчи ташишга мослаштириб олинган рикшаларгача, велосипедлардан тортиб тия араваларгача – ҳаммасини учратасиз. Бу кўчаларда фақат самолёт билан фил юрмайди, холос. Айниқса, автобуслар ғаройиб: нақ келиннинг сандиги дейсиз! Ҳаммаёғига ялтироқ тунука безаклар қоқиб ташланган. Ҳатто чироғининг тепасига “тиллақош” тақиб қўйганлар ҳам бор. Устига-устак, рангли расмларни айтмайсизми? Бирида арслон, бирида йўлбарс, бошқасида бургут, дарёлар, ўрмонлар тасвири... Борингки, дарахт шохидаги сайдабонни турган балиқ расмиям бор, десак лоф бўлмайди. Ҳар ким ўз машинасида алоҳида ажралиб, кўзга ташланиб, кўзни кувонтириб туришни истайди. Чуруги чиқиб кетган автобуснинг “лаб-лунжини” тўғрилаб, бўяб, нақ ясатиқлик сандиқдай қилиб кўядиган устахоналар кўп. Автобусга сифмай қолган йўловчилар орқа томондаги нарвончадан пилдириб томига чиқиб олди-да, бемалол кетаверади. Хоҳласа, томга узала тушиб ётиб олади. Ишқилиб, манзилига етиб олса бўлгани. “Бас”нинг (автобусни “бас” дейишади) пул йигадиган вакили эшик остида осилиб туриб, дам-бадам қийқириб кўяди.

“Табани”нинг Тошкентдаги ваколатхонасида ишлайдиган Абдул Босит Абдул Азизнинг “Тойота”сида бир соат юрмасимииздан “тамом бўлдик”. Ҳар лаҳзада беихтиёр хитоб қиласиз: “И-и-и!”, “Вой-й-й!”, “Кўзингга қара, Абдул Босит!..”

Биринчидан, кўчалар тор. Иккинчидан, йўлчироқ (светофор) йўқ ҳисоб. Учинчидан, улов инглизча усулда – чап томонлама ҳаракат қиласи. Худди рўпарангиздан машина чиқиб қолаётгандай бўлаверади. Ва ниҳоят, биз ўрганган ҳаракат қоидаларининг ўзи бу ерда йўқ. Орқадан келаётган машина ўнг томонингдан ҳам, сўл томонингдан ҳам суриб кетаверади. Бир қарасанг, нақ ғилдирак тагидан велосипедчи зипиллаб ўтиб қолади. Чорраҳада бир зум тўхтасанг, газета сотувчи болами, тиланчи хотинми югуриб келади. Маши-

на деразасини тақиллатиб, садақа сүрайди. Филдирак тагига тушиб қолмасайды, деб капалагингиз учади. Йўқ, филдирак тагига тушмайды. Худди мохир дорбозлардек машиналар оқими оралаб зипиллаб учади.

– Жон ука! – деймиз Абдул Боситга ялиниб. – Сенинг машинангда юриш чангальзорда йўлбарс миниб сайр қилишдан баттар экан. Илтимос, секинроқ ҳайдагин, барака топкур!

Абдул Босит ним қора кўзойнаги ортидан кулиб қараб қўяди-да, “Тойота”ни тағин “мингга” босиб кетаверади... Ушбу қоидасизлик тагида бир қарашибда кўзга ташланмайдиган, ёзилмаган қоида борлигини кейин тушундик. Биринчидан, бу кўчаларда секин юришнинг иложи йўқ. Ортингиздан келаётганларга халал берасиз. Колаверса, ҳайдовчилар бир-бирини самимий ҳурмат қиласди. Шошиб турган бўлсангиз, сигнал берасиз ёки деразадан қўл чиқариб имо қиласиз, нариги ҳайдовчи ҳеч оғринмай ўтказиб юборади. Кўчани йўловчи кесиб ўтадиган махсус жой йўқ. Пиёда хоҳлаган жойидан ўтиб кетаверади. Ҳайдовчи бунисига ҳам оғринмайди. Ҳай-ҳай, бунақа ҳолат бошқа жойда бўлсами, ҳар чорраҳада битта аварияни, ёқа бўғишиб турган ҳайдовчиларни кўрардингиз!

Бозорда ҳамма нарса бор. Сурмадан тортиб тилла тақинчоқларгача, сақичдан тортиб қимматбаҳо уй жиҳозларигача. Эски гап бўлса-да, такрор айтишга тўғри келади. Харидор сотувчига эмас, сотувчи харидорга ялинади. Майли, савдолашинг, майли, ярим нархига олинг, фақат нимадир харид қилсангиз, бас. Мева бозорларида тарвуз олдида редиска, ананас ёнида пиёзни кўрасиз. Афсус, бозорлар ифлос, пашша кўп, оқава кўп.

Ҳар ким тирикчилик ғамида. Қадамингизда ҳунарманчиллик устахоналари: мисгарлик, ўймакорлик, ганчкорлик, заргарлик, қандолатпазлик... Кичик корхоналар бозорларни минглаб хил маҳсулотлар билан тўлдириб ташлаган.

Шаҳарда кўп миллат вакиллари истиқомат қиласди. Бироқ миллат суриштириш уят ҳисобланади. “Миллатингиз нима?” десангиз, бир оғиз сўз билан жавоб оласиз:

– Муслим.

Масжидлар кўп. Бироқ ҳаммани намоз ўқийди, деб бўлмайди. Биз жойлашган замонавий “Фаран” мусофириҳо-

насининг рўпарасида ҳам масжид бор экан. Пешин намозини кузатдик. Нариси билан йигирма-ўттиз чоғли одам тўпланди. Бироқ бу юрт одамларида бошқа бир фазилатни кўрдик: ҳар кимнинг кўнглида мусулмончилик доирасидан чиқмаслик керак, деган чукур ишонч бор. Бироннинг мулкига кўз олайтираслиқ, дилозорлик қилмаслик, каттага хурмат, кичикка мурувват...

...Эртаси куниёқ рўзномалар бир гуруҳ ўзбек адиблари Покистонга ташриф буюришганини хабар қилишди. Дастлабки мулоқотлар бошланди. Ҳамкасларимиз бизни савол-жавобларга кўмиб юборишиди.

Покистон ахборот агентлиги марказининг бошлиғи Мұхаммад Асрор Хон билан бўлган сухбатимиз қизиқарли ўтди. Агентлик ходимларининг саволларидан маълум бўлишича, мамлакатларимиз бир-бирига анча яқин бўлишига қарамай, уларда бугунги Ўзбекистонга доир зарур ахборотлар деярли йўқ ҳисобида. Борлари ҳам узук-юлук. Собиқ советнинг баъзи бир масъулиятсиз оммавий ахборот воситалари тарқатаётган уйдирмадан иборат “ахборот”лар эса Шарқ мамлакатларида мустақил Ўзбекистон Республикаси тўғрисида янгилик тасаввур туғилишига сабаб бўлмоқда.

Биз Асрор Хонга Ўзбекистон ва Покистон миллий ахборот агентликлари ўртасида алоқа боғлашни, мухбирлар айирбошлишни ва шу асосда икки мамлакат халқлари хаётига оид маданий, иқтисодий ва бошқа янгиликларни мунтазам ёритиб туришни таклиф этдик. Таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Бундан бирмунча муддат аввал Покистон миллий матбуотининг асосчиларидан бири, машхур журналист ва адаб Мир Халил Раҳмон оламдан ўтган экан. Ул муҳтарам зотнинг хотираларига Куръон тиловат қилдик. Оталари ишини давом эттираётган ўғиллари билан танишдик. Мир Шакил Раҳмон Покистоннинг нуфузли ижтимоий-сиёсий рўзномаларидан бири – “Жанг”га муҳаррирлик қиласди. Газета ҳар куни икки марта (эрталаб ва кечқурун) бир миллион нусхада жаҳоннинг бешта йирик шаҳарларида нашр этилади. Обуначи йўқ, жами нусхалар ўша куниёқ қўлда тарқатилади. Бир нусха “Жанг” – 4 рупий, жума сонлари 5 рупийдан сотилади.

Нинани ташласангиз ерга тушмайдиган, қатор-қатор машиналар билан түлиб-тошган гавжум Карочи күчаларида ўз “Тойота”сини бирда йўлбарсдай бўкиртириб, бирда балиқ мисол эпчил хатти-ҳаракат билан олға чоптириб бораётган Абдул Босит ниҳоят, бизни шаҳар ташқарисидаги яйдоқ чўлнинг ўртасида ястаниб ётган катта асфалт йўлга олиб чиқди.

Бу ёғи Белужистон. Мана шу йўл тўғри Афғонистоннинг пойтахтига олиб боради.

– Худо хоҳласа, келажакда Тошкент – Термиз – Ко-бул – Пешовар – Карочи шаҳарлари бўйлаб автомобиллар қатнайдиган асосий йўл мана шу бўлади. Ҳозир биз Тошкент томон бир неча ўн километр юриб тарихий қадамни қўямиз, – деди мезбон ҳазил аралаш жиддий оҳангда.

Пасту баланд, тап-тақир чўл бағрини қилич дамидай кесиб ўтган йўлдан эллик чақиримча юрганимиздан сўнг ўнг томонда оппоқ деворлар билан ўралган қўргон кўзга ташланади. Машина бурилиши билан дарвоза қанотлари икки томонга тортилиб “очилди”.

Ичкирага кирдигу сахро ўртасида бунёд этилган “жаннат”ни кўриб ҳайратланиб қолдик. Атрофда турли-туман анвойи гуллар барқ уриб очилиб ётибди. Райхонларнинг муаттар ҳиди ҳаммаёқни тутган.

Бизни Тошкентда бир неча бор учрашиб гурунглашган эски қадрдонимиз, “Табани” фирмасининг тўқимачилик корхоналари куриш бўйича етакчи мутахассиси Мухаммад Юсуф қучоқ очиб кутиб олди. Яқинда куриб ишга туширилган корхона фаолияти билан танишишга таклиф этди.

Қарийб ўн гектарча келадиган майдоннинг бир қисмини корхона цехлари ҳамда маъмурий бинолар эгаллаган. Мўъжазгина биринчи бинода пахта чигитидан ажратилиб, маҳсус қувур орқали иккинчи бинодаги дастгоҳларга юборилади. У ерда пахта навлари ажратилиб, арқоқ шаклини олади ҳамда енгил, узун саватчаларга тартиб билан жойланади. Учинчи бинода арқоқ йигириллади, ип шаклини олади. Охирги бинода эса ип пишитилади, ғалтакларга ўралади... Бу жараённинг ҳаммаси замонавий машиналар ёрдамида бажарилмоқда. Ишнинг сифатини эса алоҳида хоналарга ўрнатилган маҳсус компьютерлар орқали назорат қилиб турлади.

Дунёда энг юксак навли пахта етиширадиган бизнинг юртда эрта-индин бундан-да замонавийрок, мукаммалроқ корхоналар яратилишини ўйлаб дилимиз равшан тортди.

Карочида одам кўп. Жуда кўп. Бу ерда катта-кичик барчанинг юрагида ахлоқ жуда чукур илдиз отган. Турли-турфа одамлар издиҳоми қайнаб ётган шоҳқўчаларда на бировга олайган, на жаҳл отига миниб тортишган, на шилқимлик ёки енгилтаклик қилган, на беҳаё қараган ё қилиқ қилганларни учратасиз. Бир-бирларига ғоят одоб-икром билан муомала-да бўлишади.

Европа ва Америка илм-фани, техникаси, цивилизацияси Покистонга ҳам анча шитоб билан кириб келяпти. Аллоҳ айтган: “**Аллоҳ барча нарсани (Ўз) билими билан қамраб олган**” (*Талоқ*, 12). Мен оламни илм билан қамраб оламан. Коинотдаги ва, жумладан, Ер юзидағи барча ҳодисаларнинг замирида сирли илм ётади. Илмсиз яратилган бир зарра йўқ. Худди шунингдек, одам ҳам ҳамма нарсани илм заминига курсагина тўхтовсиз тараққиётта эришади. Чамаси, Покистон ўзининг барча қийинчиликларига қарамасдан бунга мисол бўла олади.

Тўрт кунда Покистоннинг эмас, Карочининг ўзини ҳам кўриб улгуриб бўлмайди. Кўрдик, дейиш мумкин. Билдик, дейиш мумкин. Бу ерларни билиш учун узоқ хотиржам ке-зиш керак. Бу ерлар унча-мунча жойлар эмас. Одамзод маданиятининг бешикларидан бири шу ерларда, Арабистон ден-гизи бўйларида ва Иид дарёси ҳавзаларида рўёбга чиқсан.

Бир қарашда Карочи у чеккасидан бу чеккаси қирқ чақиримга чўзилган, кечасию кундузи ухламайдиган бо-зорнинг ўзи. Шарқ ўзи тутгал ва мукаммал бозор. Фақат буни катта ҳарфлар билан ёзиш керак: БОЗОР деб! Бозор, авва-ло, ҳунармандчилик. Буни ҳам катта ҳарфлар билан ёзиш керак. Сўнг савдо расталари. Ҳунармандчилик дўконлари ва савдо расталари кўз илғамас узоқликларга чўзилиб кета-ди. Ҳунармандлар ва савдогарлар ҳамма нарсаларни тўкиб ташлаганлар. Пул топиш қобилиятига эга бўлсангиз, истаган нарсангизни ҳеч бир жон койитмай оласиз.

Покистонликлар ўзларига қаттиқ ишонишади. Бу ерлар-да эътиқодли одамлар яшайди.

1992 йил, феврал



Үнинчи боб

Сұхбаттар



Ҳар бир асарим – дардим маҳсули!

Бу сұхбат, янглишмасам, май ёки июн ойларида бўлиб ўтиши, кейин август бошида – машҳур адабимизнинг қутлуғ 70 ёши арафасида матбуот юзини кўриши лозим эди. Унинг ортга сурълганига иккита сабаб бор. Биринчиси, Ўтқир ака сал тоблари қочиб, шифохонада даволандилар. Иккинчи (балки, асосий) сабаб шу бўлдики, Ўтқир ака “Олдимизда шундай улуғ байрам – юрт мустақилигининг 20 йиллиги турганида, оддий бир ёзувчининг туғилган санаси нима бўлибди, сұхбатни кейин қиласмиз”, дея азза-базза туриб олдилар. Нимаям қилардик, менгўр-салафлари орасида камтарликларию самимиликлари билан ажралиб турадиган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўтқир Хошимов билан сұхбатимиз, мана, бугунга насиб қилган экан...

Одам қандай бўлса, асариям шунаقا...

– Кела-келгунча сўлим маҳаллангизни томоша қилиб келдим. Ҳадеганда, ёзувчиларнинг Дўрмондаги шжодхонасига боравермаслигингиз сабабини тушунгандайман. Аммо раҳматли устоз Сайд Аҳмад тирикликларида “бир оёғингиз ўша ерда” эди, чамамда...

– Устоз, кўпинча, Эркин ака Воҳидов билан менга кўнғироқ қилиб: “Ке, болам, юртга ош беряпман, уч кишилик”, дердилар. Борсак, ҳақиқатан ҳам ажойиб қўлбола ош дамлаб қўйган бўлардилар, унинг устида гангир-гунгир сұхбатлашардик. Кўп ҳангомалар кечарди. Кейинчалик қоғозга туширганларим – “Сайд Аҳмад сафарда” ҳангомаларидағи “Беҳи операцияси”ям, “Бемор пиёз” ҳам, “Гуруч операцияси” ва бошқалариям фирт ҳаётдан олинган. Бир куни ҳуқуқшунос олим Акмал Сайдов бир гапни айтиб қолди. Билишимча, Сайд Аҳмад ака мени “Анави ярамас нега чекишни ташлади”, дея койибдилар. Шунда Акмалжон:

“Домла, бу яхши-ку!”, деса устоз: “У чекиб юрганида ошнагайнилари совға қылган “Родопи”дан менга ҳам беш-үн пачка тегиб туарди, энди мен нима қиласан”, дермишлар ярим чин қилиб...

– *Мана бу ҳовли бизга “Дунёning ишлари” орқали чакка ўтган томларигача таниш бўлган ота ҳовлингиз, шекилли? Яширмайман, шунақа пайтда бир бошқача ҳиссиётлар кечаркан кўнгилдан...*

– Тўғри топдингиз. Биз ота-онамизда беш фарзанд эдик – опам ва тўрт ака-ука, мен учинчи ўғилман. Ойимнинг айтишларича, менга исм берилишиям сал ғалатироқ бўлган. Бойси – ота-онам мендан олдин кўрган ўғил фарзандларининг оти ҳам ўткир бўлиб, у вафот этган экан. Ўша боланинг номи ўчиб кетмасин, деб менгаям шу исмни қўйишган. Болалигим эса... Уйимиз ўша, Сиз эслатган “Дунёning ишлари”да тасвирланганидан ҳам хароброқ эди, совуқдан ҳатто деворларнинг ички томониям қиров босиб кетарди. Менинг болалигим уруш даври авлодининг болалиги қандоқ бўлса, ўшалардан биттаси-да. Бу ҳақда жуда кўп ёзганман... Бу ер опам, ака-укаларим – ҳаммамизнинг киндик қонимиз тўкилган уй. Орадан кўп йиллар ўтиб, ўша кўхна уй ўрнига замонавий иморат солинди.

– *Бошда эслаганимиз – устозингиз Саид Аҳмаднинг жуда кўп гаплари, баъзи одамларга берган таърифлари бугун мутойиба мавзусига айланиб кетган. Домла, бир ёзувчи оғайнингиз 60 ёшга кирганида уни “соқоли ичига қараб ўсган чол” дея, бошқа бирорвга қаратада “Бизнинг давримизда шу ёшга кирган одам носқовоғини белига осиб, “ҳақ” деб юргувчи эди, бунинг гижинглашини қара”, дея мулозамат қилганлар. Айтмоқчиманки, гўринг нурга тўлгур ёзувчимиз бугун ҳаёт бўлганларида Сизга қараб ҳам бир гап топар эдилар, худди Сизни бир пайтлар “Мен ёш бола деб ёнимда юрган одам мундоқ қарасам, шунча ишларни қилиб улгурибди. Чинорнинг улканлиги узоқдан қарасанг, бор бўйи билан кўринаркан”, деб эътироф этганларидек. Келинг, ўзингиздан сўраб қўя қолай – одам етмиши ёшда нималарни ҳис қиларкан?*

– Эркин Воҳидов таърифлари бўйича айтадиган бўлсам, етмиш – мақтанадиган ёш эмас: белингдан қувват кетиб,

ён-атрофга анча бошқача нигоҳ билан қарай бошларкансан. Аммо ҳаммасини босиб кета оладиган бир түйғу онгу шууримни банд этиб улгурди – бу ёшда одам берган умрию неъматлари учун Яратган олдида буюк бир шукроналик түйғусини ҳар қачонгидан ҳам күпроқ түяркан. Шу нүктадан қараганда, бугун ҳаётга терангина боқиб, шукр қилиб ўтирибмиз.

– Бошқа тенгдош салафларингизга қараганда Сизнинг таржимиаш ҳолингиз, ҳатто айрим деталларигача шахсан менга, жумладан, китобхонга ҳам анча очик, таниши туюлаверди. Масалан, қаерда, қай шароитда туғилганингиз, насл-насабингиз, кимларга ошно тутинганингиз, хуллас, китобхон буларнинг барчаси билан бошқа ёзувчиларникудан фарқли тарзда, анча таниши. Буни машҳур одамларга нисбатан мудом қизиқиши зўр бўлгани билан изоҳлайдиган бўлсак ҳам бўлар-у, аммо бошқа машҳур ёзувчиларнинг ҳаётини Сизчалик билмаймиз-да... Шу ҳақда ўйлаб кўрганмисиз?

– Шунча йиллик ижодий тажрибамдан бир нарсага амин бўлганманки, одам қандай бўлса, унинг асариям шундай бўларкан. Масалан, ичи қора одамнинг асаридаям ўша “хислат” бўй кўрсатиб туради, қитмир бўлса, асарининг қаҳрамонлариям шу “фазилат”дан бебаҳра бўлмайди, тажанг ёзувчининг асаридаям тажанглик рухи ҳукмрон. Чунки ижодкорнинг қалби асарга кўчмаса, у асар эмас. Муаллиф хоҳласа-хоҳламаса, қалбининг бир бўлаги асарга кўчади. Энг муҳими – ёзганларинг китобхонни ларзага солишида. Ўқувчи китобингни бағрига босиб ўқиса, асар қаҳрамонлари қисматини узоқ йиллар эслаб юрса, ўша китобни қайтадан мутолаа қилганида ундан янги маънолар топса, ёзувчи учун энг катта баҳт шу.

Асар дард билан туғилади, деганлари тўғри. Китоб қаҳрамонларининг қувончи ҳам, изтироби ҳам муаллиф қалбидан ўтишини Қутбиддин исмли шифокор укам ўзимга ўзимдан кўра яхшироқ тушунтириб берган эди. Кунлардан бирида у шундай деди: “Дунёning ишлари”нинг сўнгги сахифасини, “Икки эшик ораси”да Мунавваранинг нобуд бўлишини, “Тушда кечган умрлар”да Шаҳнозанинг Рустам қабрини силаб, йиғлаётганини ўқиётганимизда кўзимдан

ёш чиқиб кетган. Мен-ку, китобни ўқиётіб шу ақвога тушдим. Сиз уни ёзгансиз-ку! Шундоқ экан, Сиз касал бўлмай мен бўлайми?”

Дарвоқе, шифокорлар ҳақида гап кетганда айтишим керак – бу йил мен учун маълум маънода синов йили бўлди. Шундай синов бергани учун Оллоҳга шукр. Ўшанда бир нарсага амин бўлдим – дўхтирлар орасида ўз бурчини чин дилдан ўтайдиган фидойи, соф виждонли инсонлар жуда кўп экан. Абдуғаффор исмли жарроҳ йигит уч кеча-кундуз бошимда ўтириди. Кечалари уйгониб кетиб: “Уйингизга боринг, келин хавотир оладилар”, десам, “Хавотир олмайди, бугун дежурман”, дейди. Минг раҳмат, шундай инсонларга. Худо хоҳласа, ўша шифокорлар ҳақида ёзиш ниятим бор.

Китобхон бебаҳра қолган асарлар

– *Ҳар бир ёзувчининг ўз “амплуа”си бўлади, яъни, адаб ё жиiddий жанрда асарлар ёзиб, эътирофга сазовор бўлади ва ёки яккаш ҳажвий асарлари билан машҳур бўлади. Ижодингизни кузатган одамга шу нарса маълум бўладики, Сиз ҳам жиiddий, ҳам ҳажвий асарлар борасида “улоқни олдирмагансиз”...*

– Адабиётимиз тарихида икки жанрда ҳам қалам тебратиб ном қозонгандар айтарли кўп эмас. Улар Абдулла Қодирий,Faфур Гулом, Абдулла Қаҳҳор ва Саид Аҳмад. Менини энди ўша улуғ устозлардан олган таълимнинг маҳсули, холос. Ҳажвий асарларимни тўплаб, алоҳида бир китоб қиласаммикин, деб ўйлаб юрибман ўзи. Бироқ ҳажвий ёки сатирик асар ҳаммага ҳам ёқавермайди. Масалан, “Икки карра икки – беш” қиссамни бир танқидчи роса “чангини чиқариб” савалаган эди.

– *Ўзим ҳам ҳозир ўша танқидлару танқидчилар ҳақида сўрайман, деб турган эдим. “Икки карра икки – беш”нинг нимаси ёмон экан? Умуман, адабий танқидчилик, етакчи ва талабчан олимлар Сизнинг ижодингиз ҳақида кўп ва хўб ёзишган. Аммо ўз вақтида баъзи танқидчилар “бoshингизда ёнғоқ чаққанини” ҳам биламиз...*

– “Икки карра икки – беш”да бир лавҳа бор, яъни, Кўшоқвой баланд ёнғоқдан йиқилиб тушади ва боши ёрилади. Биз ҳазиллашиб “Худо урган” деб атайдиган биртанқидчи китобнинг худди ўша жойига ёпишиб олиб, “Нега шунча баланддан йиқилиб тушган бола ўлмайди”, деб туриб олган. “Ахир, бу ҳажвий асар, бунақа асарларда, хоҳласа түя денгизда сузуб юриши, дараҳт шохида балиқ сайраб ўтириши ҳам мумкин”, десангиз, тушунишни ҳам хоҳламайди. Унинг ҳажвияни умуман тушуна олмаслигини билардик, аммо жиддий асарларни худди шу тахлит тутуриқсиз мантиқ билан ўлчаганига “дод” деб юборардингиз баъзан. Бир учрашувда Эркин Воҳидов ўша танқидчи ҳақида гапириб: “Ўрмонда бўри санитар вазифасини бажаради, яъни майиб-мажруҳ ҳайвонларни еб, қириб ўрмонни тозалайди. Фалончи адабиётнинг “санитар”и, фақат бўридан фарқи шундаки, яхши асарларни ғажийди”, деган эди.

Танқидларга келсак... Бир мажлисда “Шамол эсаверади” деган қиссамни, Владимир Тендряковнинг “Мақтовнинг умри қисқа” асаридан кўчирган, дея даъво қилишган. Нима қиласримни билмай, Адбулла Қаҳҳорнинг олдиларига борсам, у киши ўзларига хос ним жилмайиш билан: “Кўяверинг, унақа бўлса, ўша Тендрякови, аслида, мендан кўчирган, чунки “Нурли чўққилар” асарим унивидан олдинроқ эълон қилинганди. Танқидчингиз бориб, даъвосини олдин ўшанга қилсин. Бир мавзуда ўнта ёзувчи ўн хил асар ёзиши мумкин”, дея мени юпатган эдилар. Каминага фақат адабиёт танқидчилари эмас, баъзи ҳамкасларимиз ҳам хужум қилинганди. 70-йилларда “Иқрорнома” деган ҳикоям эълон қилинганди. Унда пахта устидан дори сепадиган самолёт бир дехқоннинг қизалогини заҳарлаб ўлдиради. Эртасига дехқон ўша аэропланни милтиқдан отиб туширади. Мен, ўзимча “усталик қилиб”, воқеаларни Туркияга кўчирган эдим. Шунда бир мажлисда “сиёсий хушё” ёзувчи акамиз “Бу йигитча воқеа Туркияда бўлиб ўтади, деб ёзгани билан, аслида ўзимизни назарда тутяпти. У пахта сиёсатининг душмани”, дея бақрайиб менга айб қўйди. Яхшиям, Озод Шарафиддинов: “Ёшларга ҳадеб айб қўяверсак, ким асар ёзади!?” деб зарба бергани эсимда. Аммо ўша ҳикоянинг қўлёзмаси ҳам, эълон қилинганди газета ҳам архивимда қолмаган. Жаҳл устида майда-майда қилиб йиртиб ташлаганман.

– *Худди ўшанақа “йиртиб ташланған” ва китобхон бебаҳра қолған асарларингиз кўпми?*

– Кўп эмас-у, бор. 80-йилларда денгизга дам олишга борганимизда “Эртага куз” деган роман бошлаб, чамаси юз вараклар қоралаган эдим. Кейин қарасам, ундаги мавзуни бир романга сифдиролмас эканман, яъни, трилогия қилиш керак экан. Лекин трилогия ёзиш эски услуб бўлгани боис, ўзимга ёқмади ва ўша асарниям йиртиб ташладим. Биласиз, ҳар қандай ижодкор ўз ижодини шеър ёзишдан бошлайди. Менинг ҳам баъзи шеърий машқларим бор эди ва улардан ҳам сиз айтмоқчи, китобхон бебаҳра қолған.

– *И-е, бу ёғи қизиқ бўлди-ку... Келинг, ўша шеърларингиизни бизга кўрсатинг. “Ўткир Ҳошимовни шоир сифатида билдик”, деб мақтаниб юрардик...*

– Уларни барибир кўрсатмайман, чунки ўзим учун ёзилган. Фақат биттаси “Узун кечалар” хикоясига кирган, шунда ҳам асар қаҳрамони адид бўлгани учун. Ўзим ёши бир жойга борганда шеъру рубоийлар ёза бошлаганларнинг устидан кулиб юрардим. Тағин менам ўшандоқ кулгуларга нишон бўлиб юрмай...

Асар қаҳрамонлари тирик одам бўлмоғи керак

– *Ижод жараёнида “разведка қилиш” деган тушунча бор. Яъни, адид салмоқлироқ асар яратишдан олдин кичик ҳажмдаги бирор насрый ёки назмий асар ёзиб, қаламини синааб кўради. Худди созанда куй чалишдан олдин “тингир-тингир” қилиб машқ қилганидек... Сиздаям шундай бўлганми? Агар буни сир дея ошкор қилишини истамасангиз, узр...*

– Нега энди сир бўларкан? Бемалол айтишим мумкин. Классик ёзувчилар ёки устозлар мисолида ҳам худди шу нарсани кузатиш мумкин. Масалан, Лев Толстой “Хожимурод” қисссини ёзишдан олдин Кавказ ҳикоялари туркумини ёзид қаламини синааб кўрган, Шолохов ҳам “Тинч Дон” романидан олдин шу мавзуга яқин қатор ҳикоялар ёзган, Ойбек домла “Куттуғ қон”дан олдин “Ўч” достонини ёзид, мавзуга “кириб олган”. Буларнинг ҳаммаси ўша сиз айтган “разведка”га

мисол бўла олади. Ўзимдаям худди шундай ҳолат кечган. Масалан, “Баҳор қайтмайди” қиссасидан олдин шу мавзууда “Ҳалокат” деган драма ёзганман, “Тушда кечган умрлар” романидан сал олдинроқ айни мавзууда “Нега? Нега?” деган хикоя ёзилган. Ижодда бундай тажрибалар кўп бўлади.

– *“Баҳор қайтмайди”ни тилга олдингиз. Эшишишимча, шу қиссангиз эълон қилиниб, телевидениеда унинг инсценировкаси намойиш этилгач, машҳур ҳофиз Фахриддин Умаров сиздан ўткалаган экан-а?..*

– Фахриддин ака телеспектакль эфирга кетгач, ранжиғани рост. Чунки ундаги қўшиқларни Ҳожакбар Ҳамидов ижро этган, у эса, табиийки, Фахриддин Умаров йўлида айтар – ҳофизнинг энг яқин шогирди эди. Шуни айтишим керакки, мен ҳали шу пайтгача Фахриддин Умаровчалик китобга ошно, классик шоирлар ижоди бўйича унча-мунча олимларни йўлда қолдириб кетадиган ҳофизни билмайман. Мендан хафа бўлганда у кишига: “Ака, мен битта ҳофиз ҳаёти ҳақида бутун бошли асар ёзадиган даражада гўл эмасман. “Баҳор қайтмайди” истеъдоднинг парвози ва инқирози ҳақидаги, қолаверса, умуман, инсон қисмати ҳақидаги асар”, деганман...

– *Бошқа томондан кимdir асарда ўзини “кўриши” – ўша асарнинг ҳаётийлигидан далолат беради-ку. Масалан, менга “Нур борки, соя бор” романидаги журналист Шерзод кечинмалари – ўзингизницидек туюлади. Бошқа асарларингиз, хусусан, “Дунёнинг ишлари”, инчунин...*

– Тўппа-тўғри, ҳар бир асар воқеликлари ҳам, қаҳрамонлари ҳам ён-атрофда, шу заминда биз билан бирга нафас олаётган реал одамлар тақдирига асосланган. Жумладан, “Икки эшик ораси” романи воқеалари ўзим туғилиб ўғсан жойларда, Дўмбирабод, Қатортол, 16-шифохона худудида, ундан у ёғи Жанубий вокзал атрофидаги жойларда кечган. Романдаги Ҳусан дума ҳаётда ҳам шундай аталган инсон, Ориф оқсоқолнинг ҳаётдаги прототипини Мулла Розиқ ота дейишарди. Хуллас, одамлар ҳар қандай бадиий асарда, энг аввало, ўзини кўриши керак. Шу ўринда бир мисол айтишим мумкин. Романдаги Парча айнан ҳаётда бўлган аёл. Биласиз, у сал телбароқ. Жиддий асарга шундай образ киритиш шартмиди, деган табиий савол туғилади. Ҳолбуки,

Парча шунчаки довдир эмас, ўзи хоҳламаган ҳолда рост гапни айтиб қўяди. Ҳаётда ҳам кўпинча мингта донишманд айтолмаган ҳақиқатни битта телба айтиши мумкин. Шу боисдан Парча романда ўзига хос катта юк ташиган образдир.

Адабиётда ҳеч ким ҳеч кимнинг ўрнини эгаллай олмайди

– Ижодингиз ҳақиқатдан ҳам ҳавас қиласи даражада. Аммо менда ҳам, кўпчилик китобхонларда ҳам бир иштибоҳ туғилади. Кейинги йилларда йирикроқ асаригизни ўқимадик...

– Менинг бир одатим бор – ўзимни мажбуrlаб асар ёзишни ёмон кўраман. Бадиий асар тирик фарзанд қаби ўзи туғилмоғи шарт. Бундай вазият етилганда менда ёзиш жараёни шундай кечадики, йиллаб хаёлимда пишишиб юрган воқеалар жуда тезлик билан қоғозга тушади. Ёзув столига бир ўтирсам, у ердан мени ҳеч ким турғазиб ололмайди. Масалан, “Баҳор қайтмайди” – 20 кунда, “Тушда кечган умрлар” – 30 кунда ёзилган. Лекин асар воқеалари йиллаб хаёлимни ўғирлаб юрган. Энг узок муддат ёзилган асарлар “Икки эшик ораси” билан “Дунёнинг ишлари”дир. Биласиз, “Икки эшик ораси” катта полотно, кўлёзмаси минг саҳифадан ортиқ. “Дунёнинг ишлари” эса, гарчанд ихчам китоб бўлсада, бир йил давомида ёзилган. Чунки ундаги ҳар бир ҳикоя – алоҳида мустақил асар. Ҳар қандай асар тирик мавжудот, ёзувчининг боласи экан, ўша мавжудотнинг ҳар бир аъзоси, чунончи, онги шаклланиб улгуриши керак. Шундан кейингина ўша қаҳрамонларнинг ўзи “мени ёз” деб қолади ва ўшандан кейин асар “туғилади”.

– Демак, ўша “бала”ни “кесарево” усулида туғдириб олишга рози бўлмайсиз?..

– (Кулги кўтарилади). Йўқ, ҳаммаси табиий кетиши лозим.

– Ўткир ака, ижодкор ҳам тирик одам. Улар орасида ҳар хил феълли одамлар бўлиши мумкин. Дейлик, ҳатто қалам аҳли орасида ҳам ичи қора ва ҳасадгўйлар учраб туришини сезганимда, жуда бошқача аҳволга тушаман....

– Афсуски, шундай. Кўзингиз тушган бўлса, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида улар ҳақида анча равшан ёэилган. Мен ҳасадгўйни кутурган итга ўхшатаман. Фарқи шундаки, қутурган ит дуч келганни қопади. Ҳасадгўй эса энг яхшиларини танлаб қопади. Бунақалар ҳамма замонда бўлган, шекилли. Бошқалар ўнгланмасин, ҳеч ким мендан ўзиб кетмасин, деган ичи қора ва худбин одам ҳеч қачон, ҳеч кимга яхшилик соғинган эмас. Бир гап айтайми? Салкам ўттиз миллионли ўзбек ҳалқи учун 100 та буюк ёзувчи, 100 та буюк шоир, 100 та буюк рассом, 100 та буюк санъаткор камлик қилади. Уларнинг салмоғи кўпайиши учун одам, айниқса, ижодкор дегани бошқаларнинг ютуғидан қувона билиши, уни имкони бўлса, қўллаб-қувватлаши керак. Лозим пайтда суяй билиш, оёғидан чалмаслик ҳам катта жасорат аслида. Балки санъатда бирор актёрнинг ролини бошқаси ўйнагиси келиб, “Аттанг, шуни мен ўйнашим мумкин эди”, дея ғиshawa қилиши, уддасидан чиқса, ўйнай олиши ҳам мумкинdir, аммо ҳеч замонда, ҳеч бир ёзувчининг ўрнига бошқаси “У бўлмаса, асарни мен ёзардим”, деёлмайди. Адабиётда ҳеч ким, ҳеч кимнинг ўрнини эгаллай олмайди.

Яхшилигинг ёмонликка хизмат қилмасин

– “Дафтар ҳошиясидаги битикларингиз”да кўплаб фалсафий ҳикматлар қатори иши тушганда одамнинг изидан қолмай, ҳатто “Ўғиллик даъво қылган”, иши битгач, қорасини кўрсатмай кетган баъзи каслар ҳақидаги ғоят ҳаётий бир мисолни қаламга олгансиз. Хўш, ўша “Энди ахтариб юрилган ўғиллар”га бўлган муносабатингиз бугун қандай?

– Бунақа “ўғил”ларни ҳам, “жиян”ларва “биродар”ларниям қанчасини кўрдим, Комилжон. Иши тушганда, тонг отмасидан эшигингизга келиб ахвол сўрайдиган, сиз қўнғироқ қилишингиз билан овозингизни таниб “Ассалому алайкум”, дея қироат билан салом берадиган, иши битганидан кейин ўзингиз қўнғироқ қилиб, салом берсангиз бир оз ўйлаб туриб, ўшандаям “Яхшимисиз?” деб қўя қоладиганларни ҳам кўрдим. Майли, ҳар кимнинг омадини берсин. Олдинлари

бу нарсаларни юрагимга яқин олардим. Бугун энди унчалик эътибор бериб ўтирмайман. Бошида айтдим-ку, бу ёшда одам ҳаётга сал бошқачароқ қааркаркан, деб. Одам боласининг кўлидан бирор иш келса, уни қандайдир тана билан эмас, бегараз қилиши керак. Йўқса, савобга ўтмайди.

– *Бу 70 ёшингиздаги чиқарган фалсафангизми?*

– Йўқ, мени дунёга келтириб вояга етказган ота-онамдан қолган ўгит. Бизга болалигимиздан ёлғондан ва ҳаромдан ҳазар қилишни ўргатишган.

– *Дарвоқе, ёлғонга муносабатингиз?..*

– Бир гап айтсан, ҳайрон қолманг. Ҳозир ҳам мени ҳатто ёш болаям алдаб кета олиши мумкин. Ўзим тўғри гапирганим учун ҳаммани шунаقا деб ўйласам керак.

– *Сизнинг ўша ишонувчанлигинги ортидан “чув туширишган” пайтлар ҳақида бирорта мисол келтира оласизми?..*

– Халқнинг ўзи айтган бир гап бор: яхшилик қилиб, сувга ташла – балиқ билмаса, Холиқ билади. Бу гапда теран ҳақиқат бор. Лекин кимгадир қилган яхшилигинг ёмонликка хизмат қилиши ҳам мумкин экан. Бундан бир неча йил аввал бир аёл боласини етаклаб келиб, йиглайвериб энка-тинкамни чиқариб юборди. Эри ўзини ҳимоя қиласман деб бехосдан “қотил” деган ном оттириб қамалиб кетган экан. Аёлга, айниқса, гўдак боласига раҳмим келганидан унинг ишига аралашдим. Мутасадди ташкилотларга илтимос қилиб, аёлнинг эрини муддатидан олдинроқ қамоқдан чиқариб юборишиларини сўрадим. Орадан маълум вақт ўтгач, кўчада тасодифан яна ўша аёлни кўриб қолдим. “Қалай, куёв яхши юрибдиларми?” деб сўрасам, у: “Худо олсин, эрим яна биттасини ўлдириб қўйди”, деди. Танамдан муздай тер қуилиб, қаттиқ афсусландим. Буни қарангки, бирорвга қилган яхшилигим, бирорвнинг ҳаётдан эрта кетишига сабаб бўлибди. Жуда қаттиқ ўкинганиман ўшандада...

– *Сиз ижтимоий ҳаётдаги воқеликларга ва, энг аввалио, аёлнинг жамиятдаги ўрнига ҳеч вақт бефарқ бўлмаган одамсиз. Айтинг-чи, бугун худди шу мавзу атрофида хаёлингиздан нималар ўтмоқда?*

– Аёллар ҳақидаги фикрларим 50 йил олдин қандай бўлган бўлса, бугун ҳам шундай. Агар дунёда аёл зоти бўлмаса, эр-

каклар ваҳшийлашиб бир-бирини қириб юборган бўларди. Мен учун энг муқаддас тушунча – ОНА. Агар дунёдаги бор аёлларга, энг аввало, она деб қарасак, ҳаммаси жойига тушиди. Аммо ўша буюк номга ҳамма аёллар ҳам муносиб, дейишдан ўзимни тийган бўлардим. Бу гап такрор бўлса, узр сўрайман. Менга қолса, етимхона дарвозаси тепасига шундай сўзларни ёздирардим: “Хой она! Сен бу даргоҳга “мехр” деган ниҳонни ташлаб кетяпсан. Ундан “қаҳр” деган дараҳт униб чиқиши эсингда бўлсин”. Уруш йиллари олислардан олиб келинган ўн минглаб етим болани бағрига босган ўзбек аёллари орасида боласини “Туғиши мендан, бокиб олиш давлатдан”, дея етимхоналарга ташлаб қочаётган аёллар борлигига ўқинаман.

Яна бир фикр. Минг афсуски, ўз танасини сотиб кун кўраётган аёллар ҳам, боғ ва ҳиёбонлардаги ҳарракаларда йигитнинг тиззасига ўтирволиб, “чўлп-чўлп” ўпишиб юраётган қизалоқларимиз ҳам, баҳтини олислардан излаётган қизжонларимиз ҳам йўқ эмас. Тавба, деб гапирайлик, ҳаммамизнинг ҳам фарзандларимиз ёки набираларимиз бор. Уларни Фарбдан келаётган “эркин мұхаббат” деб аталувчи беҳаёликдан асраш ҳам сиз билан бизнинг вазифамиз...

Биз буюк халқ фарзандларимиз. Шунга муносиб бўлайлик!

Комилжон Шамсиддинов сұхбатлашиди.
“Аъло кайфият” газетаси, 2012 йил

Ижодкорга ўн савол

“Совет Ўзбекистони санъати” журнали
анкетасига жавоб

1. Ижодда ақл ва ҳис-туйғунинг роли ҳақида фикрингиз қандай?
2. Илк муҳаббат ва унинг ижодга таъсири ҳақида нима дейсиз?
3. Қандай одам ва қандай гуноҳни кечирмаслик керак?
4. Ҳеч ёлғон гапирганмисиз?
5. Нимадан ташвишдасиз?
6. Буюк шахслардан кимларни севасиз? Нега?
7. Ёмон одам деганда аниқ бир кишини кўрсата оласизми?
8. Мукаммал одамни учратганмисиз?
9. Сизга қайси ўзбек санъаткори (ёзувчи, рассом, актёр, хонанда, созанда) ёқади? Нега?
10. Бўлғуси ва ёш ижодкорларга энг қисқа маслаҳатингиз?

1. Бу икки тушунчани бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Бола туғилганида аввал боши, кейин қалби ёки аксинча, аввал қалби, кейин боши пайдо бўлмайди. Ижодда ақл билан ҳис-туйғу ҳамиша уйғун бўлмоғи керак. Ушбу икки тушунчани ажратмоқчи бўлганлар ҳам ҳеч нимага эришолмаган. Бир вақтлар “соф санъат учун” деб шовқин солганлар санъат асарида ғоялар бўлмаслиги керак, деганга ўхшаш фикрни олға суришган эди. “Рационалистлар” эса, асарда фақат фикрнинг ўзи бўлиши керак, “оҳ-воҳлар” керакмас, деганга ўхшаш ғояни илгари суришди. Бироқ ҳар иккала фикр тарафдорлари ҳам боши берк кўчага кириб қолди. Ёзувчи асарида ақл ўргатмайди. Доимо ҳаётий ҳодисалардан маълум хуносалар чиқаради. Ўқувчини нимагадир ундейди. Ле-

кин бу файласуф ёки назариётчи олимникидан бошқачароқ бўлади. Ёзувчи китобхоннинг онгига таъсир қиласди. Бироқ бу таъсир китобхоннинг қалби орқали, туйғулари орқали рўй беради. Жаҳондаги жамики классиклар туйғуларга бой асарлар ёзишган. Мен ҳам хис-туйғуларга бой асарларни севаман, ўз машқларимда ҳам шундай бўлишини хоҳлайман.

2. Илк муҳаббат... Нима десам экан? Бу шунақа бир нарсаки, на ушлаб, на эшишиб, на кўриб бўлади. Худди атиргулнинг ҳидига ўхшайди. Уни факат хис этасиз. Хис этасизда, маст одамдек бошингиз осмонга, оёғингиз ерга тегмай муаллақ юраверасиз. Менда ғалати бўлган эди. Тўққизинчи синфда ўқиб юрганимда бир қизчани яхши кўриб қолдим. Кечалари ухламай чиқаман. Айтадиган гапларимни рақам билан тартибга солиб оламан. Ўзини кўрганимда эса аразлаган одамдек бир чақирим нарига қочаман. Охири, титраб-қақшаб, қўлига хат тутқаздим. Эртасига у... ўхшатибгина бурнини қийшайтирди бурилди-кетди. Оҳ, менинг чеккан изтиробларим... Ҳамон ўша довдир муҳаббатим аҳён-аҳёнда тушимга кириб қолади... Бу, албатта, биз тушунган онгли маънодаги муҳаббат эмас. Бироқ нима бўлганда ҳам муҳаббат деган туйғу ҳамиша муқаддас. Ақалли битта жиҳати учун: қалбida муҳаббати бор одам ёвуз бўлмайди. Бирорни ўлдириш, бирорвга ёмонлик қилиш қўлидан келмайди. Шунинг учун ҳам муҳаббат деган сўзни меҳр деган сўз билан доим ёнма-ён кўйишади.

Муҳаббатнинг ижодга таъсири масаласига келсак, менимча, бу қудратли кучнинг аҳамияти санъаткор учун ниҳоятда катта. Ҳозирги замон атом физикаси фанида “ускоритель” – “тезлаштирувчи” деган қурилма бор. Бу қурилма ядро реакциясини тезлаштириб беради. Муҳаббат ҳам қаламкаш учун, умуман, санъаткор учун мана шундай вазифани ўтайди. Қалбida муҳаббат олови ёнган шоир ёки ёзувчининг ижоди бирданига барқ уриб кетади. Айниқса, эришилмаган муҳаббат, ҳижронда қолган севги ҳақида кўп ажойиб асарлар яратилган. Ростини айтганда, эришилган муҳаббат ҳар қанча қувончли бўлмасин, ҳижронли муҳаббатнинг таъсири барибир кучлироқ...

3. Эътиқодсизликни. Ҳеч кимга ишонмайдиган, ҳеч нимага эътиқод қилмайдиган одам ҳар қандай ёвузликдан

қайтмайди. Виждонсизликни. Одам ҳәётда хато қилиши, гуноҳ қилиши мумкин. Бироқ қиликни қилиб қўйиб, “Мен виждоним олдида покман”, деб лабини ялаб турадиган одам виждонсиз бўлади. Бунақа одам ўзининг разиллигига виждонни “шерик” қилиб олади. Яъни, виждонсизга айланади.

Нихоят, тағин бир тоифани – ҳасадгўйларни жуда ёмон кўраман. Ҳасадгўйнинг психикаси ғалати: ўзи бир нарсани эплайлмайди, эл назарига тушган одамга ғайирлиги кела-ди. Фалончи бўлмаганида менинг ишим юришиб кетарди, деб ўйлади. Ўзи билмаган ҳолда изтироб чекади. Ҳаром кураш усулларини ўйлади. Шунинг ўрнига хайрли ишлар қилса-ку, ўзи ҳам ўсиб-унади... Баъзан ижодкорлар ораси-да ҳасад ружу қилишга ҳеч ақлим бовар этмайди. Айтайлик, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст сингари укаларим эртага мендан яхшироқ ижод қиласа, мен нега уларни тирсагим билан туртишим керак? Ахир, бу адабиётга хиёнат қилиш билан teng-ку!

4. Бу саволга ким “йўқ” деб жавоб берса, куртдаккина қилиб яна бир марта ёлғон гапирган бўлади. Табиийки, ҳаммамиз ҳам гуноҳкор бандалармиз. Аммо бу – ижодда ҳам истаганча ёлғон тўқиши мумкин, дегани эмас. Ижти-моий ҳәётда, ижодда ёлғон гапириш, яъни, ўзи ишонмаган нарсаларни ўзгаларга тикиштириш миллионлаб китобхонни алдашдир. Албатта, бу – ҳаёт нусхасини бадиий асарга кўчириш, деган маънони англатмайди. Ҳар қандай чинакам бадиий китобда умумлашмалар бўлади. Бироқ бу умумлаш-малар ҳаёт ҳақиқатининг ўзидан ҳам кенгроқ, ҳаётйроқ бўлиши керак. Бунга эришиш эса, аввало, истеъдодга боғлиқ.

5. Одамзод қизик, Ташвиш бўлмаса уни ўзи қидириб топа-ди... Кейинги пайтларда самимият камайиб кетяпти. Шунақа шахслар борки, самимий одамни аҳмоқ деб ҳисоблайди. Кейинги пайтларда садоқат тақчил бўлиб қоляпти. Эҳтимол, мен адашаётгандирман. Кошки шундок бўлса!

6. Қаламкаш бўлганим учун ўз соҳамиздаги одамлар ҳақида гапиргим келади. Навоий билан Толстойни. Ҳеч қачон ўз эътиқодидан қайтмагани учун. Инсон боласини пок ва баҳтиёр қиёфада кўришни истагани учун. Чингиз Айтма-товни. Ўз ҳалқини жаҳонга танитгани учун. Айтишларича, Финляндия президенти Урхо Кекконен Москвага келгани-

да, ундан “Нимани хоҳлайсиз?” деб сўрашганида у: “Чингиз Айтматов туғилиб ўсган овулни бир кўриш орзусидаман”, деб жавоб берган экан. Навоий номли театр биносида Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг катта анжумани бўлаётганида залнинг турли жойида ўтирган африкаликлар, америкаликлар қўли билан имо қилиб “Ана, Айтматов, ана, Айтматов”, дея ҳаяжонланиб бир-бирларига кўрсатишар эди. Бу бахт фақат ёзувчининг ўзигагина эмас, ҳалқига ҳам, умуман, мамлакатимизга ҳам тааллукли деб биламан.

7. Одам сифатида мен кимни яхши кўришим, кимни ёмон кўришимнинг унчалик аҳамияти йўқ. Нима қипти, менга ёқмаган одам бошқа бирорга бинойидек туюлиши мумкин. Тирик одам айбсиз бўлмайди. Бироқ мен ҳам одам сифатида, ҳам қаламкаш сифатида жинимдан ёмон кўрадиган шахслар бор. Мана шулар ҳақида гапиришим мумкин. Булар ўз вазифасини чўталсиз бажарса, кечаси билан тиканак устига ағанагандек ухлайолмай чиқадиган порахўрлар; ёлғоняшиқ ахборот берадиган, ўзининг амали бир поғона ошиши йўлида ҳеч кимни аямайдиган, ҳалқни ҳам, давлатни ҳам алдайдиган амалпастлар; кези келса, отангдан улуғ одамга насиҳат қиласиган, ахлоқий кодексдан лекция ўқийдиган, аммо ўзи, қизи тенги ходимини йўлдан уриб, “ажина базм” қиласиган ипириски шахслар, ўзи нари борса саккиз йил ўқиб, академикдан бадавлатроқ яшайдиган ва бу ҳам етмагандек, диёнатли одамлар устидан куладиган юлгичлар – шунга ўхшаш иллатларни жуда ёмон кўраман. Булар ҳақида қатъий ва ҳалол позицияда туриб жиддий асарлар ёзиш керак, деб хисоблайман.

Кунлардан бирида бир танқидчи дўстим айтиб қолди: “Нур борки, соя бор” романингиздаги кўп гаплар эртаниндин ҳал бўладиган майда масалалар, шу проблемалар ҳал бўлса, асарингизнинг қиймати қолмайди-ку”, деди. Қанийди, шунаقا масалалар тезроқ ҳал бўла қолса-ю, асарим қимматини йўқота қолса. Рози эдим. Аслида, булар ўша танқидчи дўстим айтганидек, “майда-чуйда” гаплар эмас. Ахир ўша нопок амалдорнинг, ўша порахўрнинг, ўша юлгичнинг, ўша маънавий пуч шахснинг башарасига тупурсангиз, бир зарраси ўша кимса ноўрин эгаллаб ўтирган ҳалол курсига ҳам сачрайди-да. Булар енгил-елпи масалалар эмас.

Йўқ, аксинча, жамият тараққиётига ниҳоятда қаттиқ ҳалал берадиган жуда жиддий масалалардир.

8. Йўқ, учратган эмасман. Менга мукаммал бўлиб туюлган одам бошқаларга номукаммал бўлиб кўриниши ҳеч гап эмас. Умуман, беайб Парвардигор, деган гап тўғри. Шундай бўлсада, бир нарсани кўп ўйлайман. Мен болалигимда ўз отамни мукаммал одам деб ўйлардим. Отам бир умр оддий ишчи бўлган. Кўпчиликка намуна бўладиган, кўпчилик қойил қоладиган биронта қаҳрамонлик кўрсатган эмас. Аммо ғалати одати бор эди. Ноҳақликни кўрса, ловуллаб ёниб кетарди. “Ётиб олиб” олишарди. Мана шу қайсарликни менга юқтиргани учун мархум отамдан доим миннатдорман.

9. Ўзимизнинг адиллардан Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Гулом, Саид Аҳмадни, Эркин Воҳидовни ёқтираман. Ижодидаги самимият учун, куйиб-ёниб ёзгани учун. Рассомлардан Ўрол Тансикбоевни севаман. Ўлкамиз табиатининг салобатини, гўзаллигини жуда катта масштабда куйлагани учун Актёр Шукур Бурҳоновни яхши кўраман. Фоят улкан табиий таланти борлиги учун. Рақс санъатининг сирлари-ни унча яхши тушунмасам-да, Мукаррама Турғунбоевани жуда қадрлайман. Ўзбек санъатини жаҳон миқёсига олиб чиққани, шу тариқа кўп миллатли совет санъатининг ривожига катта улуш қўшгани учун.

10. Ҳақиқатни, ўзингиз ягона ҳақиқат деб ҳисоблаган нарсани ёзинг. Ижодда ёлғончилик қилган одам ўзидан бошқа ҳеч кимни алдай олмайди.

1980 йил

Мұхими – инсонни тасвирилаш

*“Тошкент оқшоми” газетаси ходими, ёзувчи
Тұлқин Расулов билан сұхбат*

– **Үткіржон, Сиз Тошкентда туғилиб ўсгансиз! Сұхбатимизни она шаҳримиз Тошкент билан бошласак. Айтинг-чи, пойтахтимизнинг нимаси Сизга, айниқса, ёқади?**

– Ҳа, мен Тошкент фарзандыман. Бу билан фахрланаман. Бордию мен Фарғона ёки Бухорода туғилиб ўсганимда эди, табиийки, ўзимнинг худди ўша она шаҳарларим билан фахрланган бўлур эдим. Ёки, айтайлик, тақдир тақозоси билан Саҳрои Кабирнинг қоқ ўртасида, бадавийлар оиласида дунёга келганимда, ҳеч шубҳасиз, жаҳонда энг гўзал, энг гуллаган ўлка шу, деган бўлардим. Бунинг ажабланадиган жойи йўқ. “Дунёнинг ишлари” қиссасида Она кичкинтой ўғлига айтади: “Сен Тошкентни яхши кўришинг керак. Тошкентни яхши кўриш учун ўзимизнинг Дўмбирибодни яхши кўргин, хўпми?”

Оддийгина оҳангда айтилган бу гап асарга бежиз кири-тилмаган. Ватан деган улуғ тушунча ҳар кимнинг ўз осто-насидан бошланади. Ўзи туғилиб ўсан тупроқни ҳурмат қилмайдиган одам ватанпарвар бўлишига шубҳа қиласман. Ўз онасига қўл кўтарган кимса Ватанига хиёнат қилмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди.

Киндик қонинг тўкилган тупроқни нимага яхши кўрасан, деган саволга жавоб бериш хийла мушкул. Одам ўз онаси-ни нима учун яхши кўради? Онаси бўлгани учун. Вассалом! Агар бу саволга кенгроқ миқёсда, озми-кўпми эс-хушини танийдиган киши сифатида жавоб излайдиган бўлсак, шундай дегим келади. “Пойтахт миссияси” деган тушунча бор. Бундан кўп йиллар илгари тогли Бадахшон автоном областига бордик. Област раҳбарларидан бири бундай деди: “Мен Ба-

дахшонда туғилғанман. Аммо Тошкентни иккинчи ватаним дейман. Чунки Тошкент менга илм берди, ҳаётнинг катта йўлига олиб чиқди. Тошкентдан бир умр қарздорман”.

Кейинчалик ҳам республикамиз пойтахти ҳақида мамла-катнинг турли чеккаларида ҳаяжон билан айтилган бунаقا сўзларни кўп эшийтдим. Шунда ер юзида Тошкент деган улуғ бир шаҳар борлигидан беҳад фахрландим. Бу туйғу айrim демагоглар қурол қилиб оладиган “маҳаллийчилик” эмас, жўнгина, инсоний туйғу.

Агар оддий бир одам сифатида чеккароқдан назар ташласак, шаҳримизнинг осмони ёруғлиги, мўл-кўлчилиги, одамларнинг самимияти ҳайрон қолдиради кишини. Ундан ке-йин... ҳеч эътибор берганмисиз, Тошкентнинг суви ниҳоятда ширин.

– *Сиз шаҳар фарзандисиз. Аммо асарларингизда асосан қишлоқ ҳаёти тасвирланади. “Дунёнинг ишлари”, “Ква-зарлар”, “Икки эшик ораси”...*

– Жудаям унчалик эмас. Аввало, асарда, айниқса, йи-рик асарларда фақат шаҳар ёки фақат қишлоқ ҳаётини тас-вирлаш, нима десам экан, унчалик тўғри эмас. Айниқса, ҳозирги пайтда шаҳар ҳаёти қишлоқ ҳаёти билан чамбарчас боғланиб кетган. Демак, асар қаҳрамонлари шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам тасвирланиши мумкин. Ҳозир Сиз санаган асарларда ҳам шаҳар ва қишлоқ ҳаёти, назаримда, узвий кўрсатилган. Биринчидан, реалистик тасвир талабининг ўзи шу. Қолаверса, тағин бир гап бор. “Шоир қишлоқда туғилиб, шаҳарда яшайди”, дейишади. Бу иборада чуқур ҳақиқат бор. Гап шундаки, табиатга яқин бўлган кишиларнинг туйғуси нозик, теран бўлади...

Мен бир жиҳатдан қисматимдан розиман. Негаки Дўмбиробод яқин ўттиз йиллар илгари ҳам қишлоқ эди. Эрта куз тонгларида бедазордаги шудрингнинг товланиши, оқшомлари қишлоқ устида муаллақ туриб қолган тутуннинг ранги, кўклам кечалари қурбақаларнинг чўзиб-чўзиб қуриллаши, кеч кузда қиров қўнган тош нокларнинг ўзидан-ўзи тўп этиб оёқ остига тушиши, ҳозирги Чилонзор ўрнидаги минглаб чилонжийдаларнинг чанг қўнган япроқлар орасида қизариб кўриниши – буларнинг ҳаммаси бола қалбимга ажаб бир рангларни, тасвирлаб бериш қийин бўлган оҳангларни

муҳрлаб кетган... Ишонасизми, ҳали-ҳануз қўлимга қалам олганимда ўша ранглар, ўша оҳанглар жунбушга келади. Қишлоқ менга худди ўша ғалати ҳисларни берди. Шаҳар эса иоқеликнинг моҳиятини тушунишни ўргатди.

Баъзи асарларда қишлоқни шаҳарга ёки, аксинча, шаҳарни қишлоққа зид қўйишга ўҳшаган маънони сенгиз қолсан, ғазабим қўзийди. Халқни хароб қиласиган энг даҳшатли ёв – маҳаллийчилик! Айниқса, ижодкор учун бу нарса кечирилмас гуноҳ. Бинобарин, мен қаламкаш сифатида ҳамиша ҳаётни бутун бир жонли организм деб тушуман. Шундай тасвирлашга уринаман. Қолаверса, қаламкаш ҳеч қачон бир маҳалланинг, бир қишлоқнинг, бир шаҳарнинг ёзувчиси бўлмаслиги керак. Биз учун ягона бир тушунча бор: ўзбек адаби деган шарафли ном! Ўзи туғилиб ўстган жойга бекиёс меҳр эса бу тушунчани асло сусайтирумайди, аксинча кучайтиради.

– *Ўткиржон, Сиз билан “Оқшом”да кўп ишлар бирга ишладик. Айтинг-чи, журналистика Сизнинг ижодингизда қандай роль ўйнади?*

– Биласизми, Тўлқин ака, менга қолса, ҳар бир қаламкаш албатта газета мактабини ўташи шарт, деган бўлар эдим. Бу гап янгилик эмас, Абдулла Қодирий,Faфур Ғулом, Сайд Аҳмад – ҳаммалари журналистика мактабини бошдан кечиришган. Гап шундаки, журналистика, айниқса, газетада ишлаш одамга кўп фазилатларни ўргатади. Биринчидан, газета ўз ходимини тез ишлашга мажбур қиласди, иккинчидан, ҳар куни ўйлашга кўникутиради. Ниҳоят, энг муҳими: одамни муҳимдан номуҳимни айириб олишга, яъни, ҳодисаларнинг моҳиятини чуқурроқ англашга ўргатади. Мен “Темирийўлчи” газетасидан тортиб, “Совет Ўзбекистони”гача кўп редакцияларда ишладим. Оддий хат ташувчиликдан тортиб, бўлим мудиригача бўлган босқичларни кўрдим. Сиз айтгандек, “Тошкент оқшоми”да ўн олти йил умрим ўтди. Энди билсам, ўша йиллар ҳаётимнинг энг жўшқин дамлари экан. Кувончлар ҳам бўлди, йўқотишлар ҳам. Лекин муҳими – озми-кўпми ҳаётни ўргандим. “Нур борки, соя бор” романнининг бош каҳрамони Шерзод Самандаров газета ходими эканлиги бежиз эмас.

– *Агар яна газета редакциясида ишлаш лозим бўлса, шилармидингиз?*

– Йўқ! Менимча, қирқ ёшдан кейин газетада ишлаш оғир. Бироқ шу ўринда бир гапни айтгим келади. Баъзи қаламкаш укаларимга ҳайрон қоламан (олдиндан айтиб қўйяй: шеъриятда ҳам, насрдаю драматургияда ҳам ажойиб авлод етишяпти, мен уларнинг ютуғидан чин дилдан қувонаман). Ёши нари-бериси билан ўттизлар атрофидаги бир қанча ижодкор икки-учта китоб чиқарадио “эркин ижодкор” бўлиб олади. Бирон жойда ишлай деса, ижодга ҳалақит беришидан қўрқади. Бу – анчайин жўн масала эмас. Бирон жойда кун бўйи ишлаб, кечаси уйқу ҳисобига ижод қилиш осонмас. Аммо ҳамма катта ижодкорлар шундай қилган. Негаки, кундалик меҳнат одамни ички интизомга ўргатади. Қолаверса, Абдулла Қаҳҳор тўғри айтган: машҳур бўлишга шошилманг, яхши ёзувчини халқнинг ўзи кўтаради. Оқилона гап!

Ишламай юриб, “соф ижод” билан шутгулланадиган укаларимга айтгим келади: “Иложи бўлса, газетадами, журнал ёки нашриётдами ишлаш керак. Ишонинглар, бу нарса ижодга ҳалақит бермайди, аксинча, кўмаклашади!” Бу билан ҳеч кимга ақл ўргатмоқчи эмасман. Ижодда ҳар кимнинг ўз йўли бор. Шунчаки, кўнглимдаги гапни айтдим, холос.

– *Кейинги пайларда чет эл адабиётига тақлид қилиб ёзилган асарлар пайдо бўляпти. Айниқса, ҳозир “мода” бўлган Лотин Америкаси адабиётига эргашувчилар анчагина топилади. Сизнингча, бундай изланишлар қандай натижка беряпти? Умуман, нуқул янгича шакл излаш тўғрими?*

– Янгича тасвир ифодаларини излашнинг ёмон томони йўқ. Ҳар бир қаламкаш ўз йўлини топишга уринса, буни кутлаш керак. Менимча, ҳар қандай шакл мазмунни чукуроқ очишга хизмат қилмоғи керак. Агар ижодкор олдида янги уфқлар очса, ҳар қандай форма ҳам фойдали. Эсимда бор: бизнинг студентлик йилларимизда “Аруз эскирди, Навоийлару Фурқатлар замонидан қолган ифода усули энди бизга керак эмас”, деган гапни жуда жиддий исботлашга уринганлар кўп бўлган эди. Худди ўша йиллари Эркин Воҳидов аруз имкониятлари чексиз эканини, бугун ҳам, эртага ҳам бу вазнда энг замонавий асарлар яратиш мумкинлигини исботлади. Истеъоддли прозаик Ҳожиакбар Шайхов эса ўзбек адабиётига илмий-фантастика жанрини амалда биринчи бўлиб олиб кирди ва жуда яхши иш қилди.

Ижодкор қайси жанрни, қайси услугни танлашни ўзи ҳал қиласи. Бутунги ўзбек шеъриятида, айниқса, ёшлар поэзиясида энг замонавий услубларни қўллаш адабиётимиз олдида янги уфқлар очяпти. Бунга қувонсак арзиди! Насрда эса бу уриниш хийла оғир кечяпти. Мухими, янгича услугга ёргашиш тақлид бўлиб қолмаслиги керак. Тақлид, ҳарчанд янги бўлиб туюлмасин, барибир шўрвасининг шўрваси бўлиб қолаверади. Бу – биринчидан. Иккинчидан, қаламкаш жаҳон адабиётидан яхши хабардор эканини кўрсатиб қўйиш учунгина ёки ҳамма нарса шаклга боғлиқ, деган ақидагагина амал қилиб асар ёёса, менимча, узоққа бора олмайди. Негаки, ҳар бир бадиий асарда албатта миллий руҳ бўлиши керак. "Умуман одам" деган тушунча – мавҳум категория. Ҳар бир қаҳрамон ортида конкрет одам турмоғи керак. Конкрет персонажнинг оёғи эса миллий заминда туради. Бу ҳақда Шолохов жуда тўғри айтган: "Китобингни ўқиган киши хоторинг чётидан қандай анҳор оқиб ўтишини, деразанг тагида ўсиб ётган ёвшан қандай хид таратишини ҳис этмаса, сен ёзувчи ўмассан!" Бу гапда чуқур ҳақиқат бор.

– *Ўткиржон, устоз Абдулла Қаҳдор биринчи асарингиз* – "Чўл ҳавоси" қиссангизга оқ йўл тилаб: "Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади", деб башорат қилган эди. Шундан бери Сизнинг ўттизга яқин китобингиз чиқди. "Баҳор қайтмайди" ва "Қалбингга қулоқ сол" қиссалари учун Ёшлар мукофотининг лауреати бўлдингиз. "Дунёнинг шилари" асарингиз Ойбек мукофотига сазовор бўлди. "Икки эшик ораси" романнинг Давлат мукофоти билан тақдирланди. Тўғрисини айтсам, бу роман бошқа асарлардан жиiddий фарқ қиласи. Романда Сиз ҳам янгича услуг излагансиз. Бош қаҳрамон масаласида ҳам турли фикрлар айтилди.

– Асарнинг бош қаҳрамони ким, деган саволни талай учрашувларда эшитдим. Баъзилар бош қаҳрамон – Музаффар Шомуродов дейишди. Менимча, унақа эмас. Романнинг бош қаҳрамони иккита: биринчиси – халқ, иккинчиси – урушга қарши нафрат. Бир қараашда бу анчайин мавҳум гап бўлиб туюлиши мумкин. Аммо аслида барибир шунақа: асарнинг бош қаҳрамони урушга нисбатан нафрат ва халқ. Модомики, иккинчи жаҳон уруши 50 миллион одамнинг ёстигини

куритган экан, демак, романнинг бош қаҳрамони халқ. (Булар асарда конкрет одамлар тимсолида кўрсатилган.) Модомики, уруш шунча одамларнинг уволига қолгани етмагандек, тугагандан кейин туғилган болаларни ҳам ўлдираётган экан, модомики, Ер куррасини янги уруш оловида қовуришдан тап тортмайдиган олчоқлар ҳалиям бор экан, романнинг яна бир бош қаҳрамони – урушга қарши хитоб! Менинг нијатим шу эди. Бу ният қай даражада амалга ошганини китобхон айтгани маъқул.

Услуб масаласига келсак, менимча, асардаги услуб изла-нишлари ўқувчига малол келмаслиги, китобхон: “уни қаранг, мана бу ерда ёзувчи янгича усул кўллабди”, деган гапни хаёлига ҳам келтирмаслиги керак. Китобдаги ҳар бир нарса ўқувчига табиий туюлсин. Муаллиф хоҳладими-йўқми, барибир доим янгича ифода усулларини ўйлашга мажбур. Бироқ романда мутлоқ янгича услуб қўлланган дейиш, менимча, тўғри эмас. Асар тузилиши ўзгачароқ эканлиги рост (аслида бу ҳам янгилик эмас). Лекин бу иш атайлабдан қилинган эмас. “Икки эшик ораси”да анъанавий йўлдан борилганида, асар трилогия бўлиши керак эди. Биринчи китоб колхозлаштириш даври – Ориф оқсоқол, Хусан дума, “Қора амма”лар линияси; иккинчи китоб уруш даври – Кимсан, Робия, Умар закунчи, Раъно, Шомуродлар линияси; учинчи китоб урушдан кейинги давр – Музаффар, Мунаввар линияси.

Мен атайлаб бу йўлдан бормадим. Сабаби шуки, бундай қилинганида услуб, гарчанд муаллифга маълум қулайлик яратган тақдирда ҳам, эскича бўлиб қоларди. Иккинчидан, асар драматизми ҳам озми-кўпми сусайган бўларди. Мен воқеаларнинг ҳаммасини битта китобга сиғдиришишга ҳаракат қилдим. Аммо бу ўринда ҳам одатдаги йўлдан қочдим. Яъни, 30-йиллардан 70-йилларгача юз берган воқеаларни бир бошдан тасвирламасдан, қаҳрамонларнинг ҳаётидаги энг муҳим, драматик ҳолатларни кўрсатишга ҳаракат қилдим. Мураккаб жойи шундаки, асарнинг бир боби 30-йиллар ҳақида ҳикоя қилса, бошқа боби 50-йиллар, яна бир боби 70-йилларга кўчади. Бундан ташқари романда тўққиз персонаж, тўққиз хил тақдир, тўққиз хил феъл-атворли одам ўз ҳаётининг турли нуқталаридан туриб гапиради. Уларнинг ҳикоя қилиш усули ҳам, феъли ҳам бир-бирига ўхшамаслиги

керак. Устига устак, ҳикоя қилувчи персонажларнинг ёши масаласи ҳам бор. Айтайлик, ўқувчи – Музаффарнинг ҳикоя қилиш оҳанги гўдак Музаффарнидидан, студент Музаффарники ўқувчи Музаффарнидидан, қизалоқ Робия ҳикояси она Робиянидидан кескин фарқ қилмоғи шарт.

Асарни биринчи шахс тилидан ҳикоя қилиш ёзувчига кўп ноқулайликлар туғдиради. Табиат тасвирлари, психологик ҳолатларни ифода этиш қийин бўлади. Умар закунчини олайлик. У шахста сифиниш даврининг типик вакили. Табиийки, у ўзини ўзи ёмон демайди. Шу сабабли, агар эътибор берган бўлсангиз, Умар закунчи ҳикояси деярли ҳамма жойда ички монолог тарзида берилади. Кўнглида бир нарсани ўйлайдибошқа нарсани гапиради.

Шу боисдан китобхон асарни ўқишида чалкашиб кетмасмикин, деган ташвишда эдим. Хурсандман, китобхонлар асарни тушунди эмас, чин юракдан ҳис этишди.

– *Ўткиржон! Кейинги пайтларда олисдаги марказий матбуотда Ўзбекистон бошига тоғора-тоғора мағзава ағдариши кучайди. “Текинхўр”, “порахўр”, “қўшиб ёзувчи”, деган гаплар авжига чиқди. Бу гапларга қандай қарайсиз?*

– Бу гаплар бўхтон. Тўғри, Ўзбекистонда кўшиб ёзишлар бўлган. Чунки Москвадаги энг катталарнинг ўзи “Фалон миллион тонна пахта берасан, бўлмаса, жазоланасан!” деган. Гап фақат бунда эмас. Эсингиздами, яқин-яқинларда ҳам бир латифа “мода” бўлган эди. Арман радиосидан сўрабдилар: “Нима учун Париждаги кўрикда уч юлдузли арман конъяги олтин медаль олди-да, беш юлдузлиши шимилдириқ ҳам ололмади?” деса, арман радиоси жавоб қилибди: “Ваа-а-ах! Ўзимиз ҳам ҳайронмиз: иккаласи битта бочкадан куйилган эди-ку!”

Бунинг оти қўшиб ёзиш бўлмай нима?

“Ўзбек иши” деган иборанинг ўзи гирт ҳақорат! Ўзбек “боқиманда” бўлиб бирорнинг нонини еб қўйибдими? Бошқалардан камроқ ишлаб кўпроқ даромад олибдими? Яқинда виждонли бир рус олимни ғалати далилни айтди. Ўзбекистон аҳолиси гўшт истеъмол қилишда Совет мамлакатидаги республикалар орасида энг охирги ўринда турар экан!

Қашқадарёда бўлганимда кекса дехқон билан сұхбатлашдик. Отахон бундай деди: “Шунча йил меҳнат

қилдик, пахта экдик, вақти келса, болаларимиз ойлаб ўқишдан қолиб пахта терди, вақти келса, 30 сүм маош билан рўзгор тебратдик. Охир-оқибат шунча маломатга қолдик, болам...”

Ўшанда мен кўп нарсаларни ўйладим. Аввало, Ўзбекистонда шундай воқеалар рўй берди дегани, бутун республика шунаقا, дегани эмас. Ҳалол меҳнат қилган ва қилаётгандар, фидокор кишилар қаддини баланд тутиб юриши керак! Бундайлар кўп. Жуда кўп. Мен бир нарсани ҳеч тушунмайман. Масалан, Ўзбекистондан бир ҳаромхўр одам, марказдаги бошқа бир ҳаромхўрга тола ўрнига “дипломат”да пул олиб борган бўлса, нега нуқул пора берганни гапирамиз-у пора олганларни гапирамаймиз?! Ошкоралик шарофати билан матбуотда яқинда бир сир очилиб қолди. Шахсан Генсек ўртоқ Брежневнинг ёрдамчиси ҳам порахўр бўлган экан! Ҳолбуки, умрида пахта етиштириш машаққатини кўрмаган Леонид Ильич “ўзбек пахтакорларининг “отаси” деган “унвон” олган эди...

– **Танқидга муносабатингиз?**

– Шу кунгача асарим бўш деган қаламкашни ҳам, танқидни жон дилдан яхши кўраман, деган одамни ҳам учратганим йўқ. Аммо фойдали ва ҳалол танқид адабиёт тараққиёти учун жуда зарур. Деярли ҳар бир жиддий машқимни кўлёзма ҳолида қаламкаш дўстларим, устозларим қатори етакчи танқидчиларга ҳам ўқитишга ҳаракат қиласман. Асар муҳокамасида албатта жўяли ва фойдали фикрлар чиқади.

– **Ўткиржон, мен кўпдан бери бир нарсани ўйлаб юраман. Сизнинг талай асарларингиз, хусусан, “Нур борки, соя бор”, “Дунёнинг ишлари” китобларингизнинг туғилиш жараёнига гувоҳ бўлганман. Бошқа адаблар қатори Сизнинг ҳам ижодингизни ҳалол ва талабчанлик билан баҳолаётган танқидчилар кўп. Илк қиссангиз “Чўл ҳаво” сидан тортиб, “Икки карра икки – беш” гача, бутун ижодингизни синчиклаб кузатиб бораётган бошқа қаламкашлар қатори сизнинг ҳам ютуқларингиздан қувониб, камчиликларингиздан куюнадиган Озод Шарафиддинов, Матёқуб Кўшжонов, Умарали Норматов, Салоҳиддин Мамажонов, Нуриддин Шукуров, Собир Мирвалиев, Иброҳим Гафуров, Абдуғафур**

Расулов, Михли Сафаров сингари кўплаб олимларни сидқидилдан ҳурмат қиласман. Шунингдек, кўп асарларга баъзан бирёқлама, ҳатто тушунмасдан, ҳис қиласдан баҳо берадиган танқидчилар ҳам йўқ эмас. Масалан, Норбой Худойбергановнинг баъзи мақолалари мени ҳайрон қолдиради. Мен роман ёки достон ёзмоқчи эмасман. Норбой ака мени ҳам “савалаб” қолмасайди, деган ташвишим йўқ. Илмий иш ёзиши ниятим ҳам йўқ. Шу сабабдан адабиётнинг оддий бир муҳлиси сифатида анчадан буён ўйлаб юрган фикрларимни айтмоқчиман. Тўғри, Норбой Худойберганов талабчан танқидчи. Бу – яхши. Аммо у кишининг талабчанилиги гоҳо ўринсиз даъвога айланиб кетмаяптими?

Баъзан шундай таассурот қоладики, гўё бу танқидчи Сизнинг нима асарингиз чиқса, албатта, бир ишқал чиқаришга, қусур излашга шайланиб турганга ўхшайди. Мана мисоллар, “Нур борки, соя бор” рус тилида эълон қилиниши билан “Литературная газета”да бу асар роман эмас, умуман ҳеч нарса эмас, деган маънодаги мақола билан чиқди. Москвалик олим В.Бондаренко мұнаққидининг фикри бирёқлама эканини холисона айтди. Албатта, романда камчиликлар бўлиши мумкин. Аммо бу билан асарни йўқча чиқариш ҳам, менимча, тўғри эмас.

“Дунёнинг ишлари” эълон қилинди. Мазкур олимимиз қиссадаги “Оқ мармар, қора мармар” бобини таҳлил қилиб, наҳотки фарзанднинг онага меҳри пайпоқ олиб бериш билан белгиланса, деб асарнинг ҳаммаёғи баёндан иборат, деган хулоса чиқарди. Бу ерда гап пайпоқ ҳақида эмас, меҳр ҳақида кетаётганини ёш бола ҳам тушунади. Атоқли олим Озод Шарафиддинов танқидчининг даъволари беъмани эканини чуқур мантиқ билдирган мулоҳазаларини ўқиганимда, Норбой Худойберганов умуман кулги, юмор ҳиссидан узоқ экан, деган хуносага келдим. Чунки Саид Аҳмаднинг “Келинлар қўзғолони”, Эркин Воҳидовнинг “Олтин девор” асарлари ҳақида ҳам бу киши асоссиз фикрлар айтган эди. Сизнинг қиссангизга берган баҳосини ўқиб, тўғриси, таъбим тирриқ бўлди. Танқидчи мақоласида Сизнинг ижод йўлингиз ҳақида “мақтov” гап-

ларни айтган бўлади. Яъни, “Баҳор қайтмайди”, “Урушининг сўнгги қурбони” сингари яхши асарлар ёзган фалончи... қабилида “ижобий” гаплар айтади. Аслида бу мақташ эмас, камситиши. Негаки, айтилган асарлар бундан ўн беш-йигирма йил аввал ёзилган. Гўё ўшандан кейин адабий жамоатчилик қизғин кутуб олган “Қалбингга қулоқ сол”, “Нур борки соя бор”, “Инсон садоқати”, “Дунёниг шиллари” ва ниҳоят, “Икки эшик ораси” каби асарлар ёзилмагандек... Буниси ҳам майли. “Икки карра икки – беш”даги қаҳрамон нима учун дараҳтдан ишқалиб тушади ўлмайди, деган гап танқидчини қаттиқ ташвишига солади. Нега шундай бўлганига унинг ҳеч ақли бовар қишлоғиди. Шу баҳонада асарни ёлғонга, шунчаки хабарга чиқаради. Танқидчининг баҳолаш мезонининг ўзи нотўғри. Буни олимлар Р.Муқимов, Х.Узоқов ҳам ўз мақолаларида исботладилар. Мен ҳам Норбой акага Х.Узоқов берган саволларни тақрорлагим келади. Агар “Икки карра икки – беш” қаҳрамонларининг ғайритабиий саргузаштларига шионмасак, нега Шчедрин қаҳрамонлари ўзидан-ўзи ким-сасиз оролга бориб қолади? Нимада боради? Қайиқдами? Самолётдами? Нима учун боради? Нима сабабдан Гоголь асаридағи Бурун аравага тушиб, сайд қилиб юради? Буруннинг оёғи борми? Бўлса, қаёқдан олди? О.Генрининг қаҳрамонлари нега оддий одамларга ўхшамаган саргузаштларни бошидан кечиради? Нима сабабдан Насриддин Афанди ҳеч ўлмайди? Ва ниҳоят, нима учун оддий мактаб ўқувчиси бемалол тушунадиган ҳажв қонуниятларини фан доктори тушунмайди?

Яна бир мисол. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида “Бир-биримизни асройлик” деган мақолангиз босилди. Кўнглида жиндек одамгарчилик туйғуси бор кишилар фақат қаламкашларни эмас, умуман барча зиёлиларни катта мақсад йўлида биргалашиб меҳнат қилишга, майда туйғуларга берилмасликка, борингки, оддий инсонийликка чорловчи бу гапларни қониқиши билан кутуб олди. Кўп қаламкашлар бунга ўз муносабатини билдириди. Бу сафар ҳам айнан Норбой Ҳудойберганов “Йўқ, бир-биримиз билан жиққамуши бўлаверамиз”, деган маънода жавоб қилди. Тўғриси, танқидчи нима демоқчи эканини

биз яхши тушунмадик. Топган гапи шуки, гүё Сиз талант-сизларни ҳимоя қилган эмишсиз. Бу, юмшоқ қилиб айт-ганда, тирноқ тагидан кир излашдан бошқа нарса эмас.

Ниҳоят, “Литературная газета”да Норбой Худойберганов тағин бир чиқиши қылдика, буниси энди кишини айниқса, ҳайрон қолдиради. Танқидчининг бу мақоласи ҳам бошдан-оёқ асосан Сизга қаратилган. Ва бошдан-оёқ “Дунёнинг ишлари”ни камситишга мўлжалланган. Мунаққиднинг гапларидан келиб чиқадиган хулоса мана бундай: “Дунёнинг ишлари” рус тилида чоп этилганида унга москвалик танқидчилар ҳеч бир муносабат билдирамади, яъни жиiddий олимлар асарни тан олмади. Ўзбек олимлари эса бу асарни мақтаган эдилар. Ҳолбуки, Норбой Худойберганов ўшандаёт, бу асар яхши эмас, деб огоҳлантирган эди. Лекин шундай катта олимнинг гапига ҳеч ким қулоқ солмади...

Галати саволлар туғилади. Москва нашириётларида ҳар иши минглаб китоб чиқади. Марказдаги танқидчилар айнан “Дунёнинг ишлари”ни ўқимаган бўлса ёки мақтамаган бўлса, шу билан асарнинг қиммати пасайиб қоладими? Бир ҳалқ вакили бўлмиши қаламкаши тасвирлаган миллий руҳ иккинчи бир ҳалқ вакили бўлмиши танқидчининг қараашларига доим ҳам мос келавермаслиги мумкин. Айтийлик, “Ўткан кунлар” романи ёки Эркин Воҳидов шеърлари хақида рус олимлари мақтаб мақола ёзмаса, бу билан ўша асарларни ёмон дейши керакми? “Дунёнинг ишлари” хақида шжобий фикр билдирган М.Кўшижонов, О. Шарафиддинов, У.Норматов, С.Мамажонов, Н.Шукуровлар ножиддий, яъни “бачкан” олимлар экан-да? Наҳот шундай бўлса?..

Кечирасиз, Ўткиржон, гапни чўзиб юбордим, мақсад Сиздан сўрамоқчиман; ўз асарига берилган бунақанг “баҳо”дан ёзувчиларнинг дили оғримайдими? Бунақа пайтда муалифнинг ўзи ҳам баҳсга киришса бўлмайдими?

— Менинг танқидчи билан олишиб ўтиришга вақтим йўқ. Норбой Худойберганов “ўзига хос” мунаққид. Унинг ўз “татфаккур тоғораси” бор. Ўша тоғорага сиққанларни мақтайди, сифмаган асарни, нега бунақа бўлди, деб “савалайди”. Майли, асарга китобхон билан вақт баҳо беради. Эҳтимол Норбой Худойберганов ҳам қайсиadir нуқтада ўзича ҳақдир...

– Бўлса бордир. Аммо чинни косанинг сифатини билиш учун уни чертиб кўриб жарангини эшитиш мумкин-ку! Бунинг учун уни муштлаб синдириш шарт эмас. Майли, бошқа нарса ҳақида гаплаша қолайлик. Менимча, “Икки карра икки – беш” қиссангиизда атайлабдан киритилган-дек туюладиган бир ҳолат бор. Кўшоқвой анча вақт индамай юради-да, ўзининг йигитлик номуси раис томонидан топталганидан кейингина исён кўтаради. Айтайлик, раис билан Наргиза ўртасида ўша “ҳангомалар” рўй бермаганида асар нима бўларди?

– Нозик савол. Гап шундаки, асардаги раис қабиҳ ва маккор одам. Унинг шундай ҳаракат қилиши табиий, деб ўйлайман. Агар раис, Кўшоқвой, Наргиз ва бошқа каҳрамонлар ўзгача одамлар бўлганида асар ҳам бошқача бўларди. Негаки, бадиий асарда аввало инсон тақдирни, ҳарактери воқеаларни ҳаракатлантирувчи куч бўлади. Бу – биринчидан. Иккинчидан, қиссада зийрак ўқувчи илғаши мумкин бўлган иккита подтекст бор (узр, бу гапни асарни “тушунтириш” учун эмас, кези келгани учун айтаяпман). Нима учун Кўшоқвой доим раисга ишониб юрдию кейин “портлади?” Гап шундаки, аввал-боши унинг ўзи ҳамма нарсага ишонадиган содда йигит. Қолаверса, Кўшоқвой у ёқда турсин, если-хушли одамларнинг ҳам кўпчилигига ғалати одат бор. Ҳар қандай балоқазо ўзидан четлаб ўтса, бас. У ёғи билан иши бўлмайди. Ўзининг боши деворга текканидан кейингина ҳаракатга тушиб қолади. Ҳаётимиизда ўша нохуш ҳолатларнинг авж олишига бир чеккаси одамларимизнинг лоқайдлиги ҳам сабаб бўлган.

– Илк устозингиз Абдулла Қаҳҳор бўлганини биламан. Айтинг-чи, яна кимларни ўзингизга устоз ҳисоблайсиз? Шогирдларингиз ким?

– Абдулла Қаҳҳор талай ёшлар қатори менинг машқларимни ҳам кузатиб борган. Асар бўш бўлса, аямаган, яхши бўлса, ҳимоя қилган... Ўринсиз “хужум”лар бўлганида Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Шухрат домла, Матёкуб Кўшжонов, Умарали Норматов каби устозларим (ҳаммаларини бирма-бир санаб улгуриш қийин, шу боисдан узр сўрайман) кўнглимни кўтаришган, адолат томонда событ туришган. Машқларимни инжимай ўқиб, мулоҳазасини

очиқ ва ҳалол айтадиган катта-кичик қаламкашлар, тенгқурларим, талай танқидчи дўстларим, кези келса, ёши кичикроқ укаларим – ҳаммасини устоз деб биламан. Ижод шундай бағрикенг майдонки, ҳамма бир-биридан ўрганади. Абдулла Қодирий, Ойбек, Faфур Ғулом, Лев Толстой, Михаил Шолохов, Чингиз Айтматов, Мопассан, Эрнест Хемингуэй каби улкан адилар эса билвосита (ўз асарлари билан) устозлик қилган.

Шогирдлар масаласига келсак, Хайриддин Султонов, Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст, Нортўхта Қиличев, Эркин Усмонов ва талай бошқа адиларга яхши ниятда оқ йўл тилаганман. Улардан қай бири мени ўзига устоз санайди, қай бири йўқ, буниси муҳим эмас. Муҳими, бу қаламкашлар яхши асарлар ёсса, кифоя. Кейинги авлод орасида Нурулло Отахоновдан умидим катта. Тағин бошқа кўп прозаиклар адабиётимизга кириб келяпти. Бугун биз эришолмаган мараларга эртага шу адилар эришишини чин дилдан орзу киласман.

– Охирги савол. Китобхонларнинг таклиф ва эътирозларига қандай қарайсиз?

– Ҳаммаси китобхон муносабатига боғлиқ дейиш ҳам, китобхон саводсиз, унинг гапи бир пул, дейиш ҳам хато. Тўгри, китобхонлар орасида, фалон қаҳрамоннинг тақдири нима бўлди, энди уйланадими (ёки турмушга чиқадими) қабилидаги жўн хат йўлловчилар ҳам бор. Бироқ асаддаги фазилат ва камчиликларни қаламкаш ва танқидчидан ҳам нозикроқ тушунадиган китобхонлар борлиги халқимизнинг бадиий савияси ўсиб бораётганидан дарак беради. Келадиган хатлар орасида профессионал жиҳатдан мукаммал бўлмаса-да, ҳаёт билан ижодни солишириб, жиддий хуносалар чиқарилган мактублар кўп. “Квазарлар” қиссасида осма тарози йигирма килодан ортиқ юк торта олмаслигини билар-бilmас ёзган эканман (kitobxon taъnasи билан туздим). “Икки карра икки – беш”да 60-йилларда раис “Жигули” сотиб олиши тасвирланган экан. Бу деталь ҳақиқатга хилоф эканини ҳам китобхон айтди. Бинобарин, китобхон ҳаётнинг айрим элементларини қаламкашдан яхшироқ билади. Айни чоқда баъзан оддий ўқувчи, адил “автоматик” тарзда, асар воқеалари мантиқидан келиб чиқиб тасвирла-

ган ҳаётий деталларни муаллифнинг ўзидан ҳам яхшироқ пайқаши, катта-катта олимлар сезмаган нуқталарни топиши мумкин. Масалан, наманганлик уруш қатнашчиси Х.Абдуллаев “Икки эшик ораси”даги кичик деталь – “Юлдаш” деган гапда қанчалик чуқур ҳақиқат борлигини анчамунча мунаққиддан кўра теранроқ ҳис этган. Ёш педагог Ақида Шамсиева “Умар закунчи ёмон одамми?” деган маҳсус мақоласида (афсус, бу мақола хат тарзида ёзилган, матбуотда чиқмади) Умар закунчи ва Раъно фожиасини батзи олимлардан кўра аниқроқ таҳлил қилган. Андижонлик оддий бир аёл эса шу кунгача ҳеч ким эътибор бермаган кичик детални топиб, ундаги маънони аниқ топган. “Романин иккинчи марта ўқиётганимда бир гапга эътибор бердим, – деб ёзади у. – Асар бошида, “Тўй” деган бобда ғалати ҳолат бор. Ёш бола Музаффар, уйкусираб, таванхонага киради. “Қора амма” ёнида ўтирган, овози ҳам, ўзи ҳам қўпол Башар холани кўради ва негадир ўша нотаниш хотиннинг ёнига боргиси келади... Роман охирида маълум бўладики, Башар хола унинг онаси экан, эмизган экан...”.

Олимлар ҳам эътибор бермаган бу нуқтани оддий китобхон топганига қойил қолдим. Хуллас, бутунги китобхон анойи эмас. Шунаقا саводли ўкувчига лойик асар ёзгинг келади.

1988 йил



Ҳақиқат учун курашмоқ керак

“Совет Ўзбекистони санъати” журнали анкетасига жавоб

1. Ҳаётда ўзингиз йўл қўйган бирор хато Сизга сабоқ бўлғанми? Шу ҳақда сўзлаб бера оласизми?

“Иш бор жойда хато бор”, “Ҳеч нима қилмаган одам ҳеч қандай хато қилмайди”, деган гаплар бежиз айтилмаган. Ҳаётда хато қилмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Бироқ баъзан шундай хатолар бўладики, бир умрли сабоқ бўлиб қолади. Менда ҳам шундай ҳолатлар бўлган. Иккита мисол айтишим мумкин. Кунлардан бирида онам бундай деб қолди: “Ўғлим, битта суратга тушиб келсак”. У ҳеч қачон бунаقا демаган эди. Негадир кулгим келди. Ойимнинг гапи ёш боланикидек кўринди. “Кўйсангиз-чи”, дедиму чиқиб кетдим. Орадан икки ҳафта ўтгач ...онам тўсатдан вафот этди. Қарасам, бирга тушган биттаям суратимиз йўқ экан. Кейин... Рассом дўстимга онам билан ўзимнинг алоҳида-алоҳида тушган иккита суратимизни элтиб бердим. Иккаламизни ёнма-ён ўтқизиб портрет ишлаб беришини ялиниб илтимос қилдим.

Университетда ўқиб юрганимда биринчи повестим эълон қилинди. Асар ҳақида яхши мулоҳазалар билдирилди. Студентлар ўртасида обрўйимиз ошиб кетганини кўрсангиз! Ҳатто газета-журналлардан “Янги асарингизни бизга берсангиз”, деган илтимослар ҳам бўлди. Бунаقا пайтда бизга ўхшаган довдирлар нима қилади? Босар-тусарини билмай қолади-да! Биз ҳам шу неъматдан бенасиб қолмадик. Журналлардан бирига бўшгина ҳикоямизни “тантана” билан топширдик. Кўп ўтмай ҳикоя эълон қилинди. Шунда Абдулла Қаҳҳор ғалати гап айтди. “Мулла Ўткир, бир нарсага ҳайронман: баъзи одамлар “ҳали ўлганим йўқ, яшаб юрибман”, деб ўзини кўрсатиб қўйиш учун асар эълон қилишади”. Ўша кундан бошлаб ёзиладиган асар қалбимнинг амрига айланмагунча қўлимга қалам олмайдиган бўлдим.

2. Ўзингизни кечиролмаган дақиқалар бўлганми?

Қайси куни кундалигимни вараклаб ўтирсам, бир вақтлар ёзиб қўйган мана бу сўзларимга кўзим тушди: “Танҳо қолганида ўзи қилган ёмонликлар учун, абрахликлар учун ўзини лаънатладиган одам ким бўлишидан қатъи назар виждонли одамдир. Албатта, бунинг учун виждан-дан ташқари озми-кўпми фаросат ҳам керак”. Модомики шундай сўзлар ёзилган экан, демак, ўзимни кечиролмаган дақиқалар бўлган.

3. Бирорлар сизни алдаганда хаёлингиздан нималар кечади?

Ёлғон гапирмайдиган одамнинг ўзи йўқ. “Умримда бирон марта ёлғон гапирган эмасман”, деган одам яна бир марта ёлғон гапирган бўлади. Қадимги мутафаккирлар “Одамлар ўртасида нифоқ туғдирадиган ростгўйликдан одамлар орасида иноқлик туғдирадиган ёлғон афзал”, деб бежиз айтишмаган. Тасаввур қилинг: сиз ўлим тўшагида ётган bemor ҳузурига кирдингиз. Унинг умр шами эрта-индин ўчишини билиб турибсиз. Бироқ шу вазиятда “Ха, энди эртага ўласизда”, деб рост гапни айтасизми ёки “Ранги-рўйингиз яхши, насиб этса эрта-индин тузалиб кетасиз”, дейсизми?

Табиийки, вазият одамни хоҳласа-хоҳламаса баъзан ёлғон гапиришга мажбур қиласди. Бироқ ёлғоннинг ёлғондан фарқи бор. Менимча, ёш болага кўра-била туриб, тагин боланинг эмас, ўзининг манфаатини кўзлаб ёлғон гапириш – бориб турган қабиҳлик. Шу боисдан бўлса керак, болалигимда алданганларим менга, айниқса, ёмон таъсир қилган.

Студентлик пайтимда ҳам энг яқин одамларимдан, энг яхши дўстларимдан панд еган пайтларим бўлган. Қизик, олдинига бирор мени алдаса алам қиласди. Кейинчалик алдовни кўрсам, ғазабланадиган бўлдим. Бора-бора бошқача ҳолат рўй берадиган бўлди. Ҳозир бирор менга ёлғон гапирса, алданаётганимни юз фоиз бўлмаса-да, умуман сезиб тураман. Шунда алам билан, ғазаб билан бирга кўнглимда яна бир туйғу уйғонади. Мени алдаётган ёки алдашга уринаётган одамга нисбатан ачинишга ўҳшаган бир хис пайдо бўлади. Бир чеккаси шу бечорага ҳам раҳмим келади.

Бироқ ҳаётда шундай ёлғонлар ҳам бўладики, бошдан-оёқ қабоҳат, разолатга хизмат қиласди. Айтайлик, қайсиdir

колхоз раиси пахта пунктидан пахта сотиб олиб, планни 130 фоиз бажарди. Натижада раис орден ёки медаль билан мукофотланди. Колхозчи эса тузукроқ маош ҳам ололмади. Негаки, унга тўланадиган маош бошқа ёққа кетган. Хўш, у қандай хаёлга боради? Кўзи кўр эмаски, раиснинг “қаҳрамонлиги” фирт ёлғонлигини кўрмаса! Хўжалик пахта планини ошириб бажарса-ю, колхозчи маош ололмаса, алам қиласдими? Энг ёмони оддий колхозчида ҳамма нарсага шубҳа билан қараш, ишончсизлик пайдо бўлади...

Тағин бир тоифа одамлар – демагогларнинг ёлғонидан кўрқаман. Негаки, демагог ҳар қандай ёлғонни ростга ўхшатиб айтади. Керак бўлса окни қора, қорани оқ деб “исботлаб” ҳам беради. Буниси энди даҳшатли ёлғон. Кўп яхши одамлар демагоглар ёлғонию тухмати туфайли азият чекишган.

4. Ҳақиқат ҳақида тасаввурингиз.

Инсон боласи минг йиллардан бўён ҳақиқатни излаб, ҳақиқат учун курашиб, қўлга киритишига интилиб келади. Эҳтимол, бир замонлар одамлар ўзи излаган ҳақиқатни ердан тополмагани учун “ҳақ” деб осмонга илтижо қилгандир. Аслини олганда ҳақиқат деган тушунчанинг ўзи маълум маънода нисбий нарса. Бир одам учун қабиҳлик бўлиб туяулган нарса бошқа одамга ҳақиқатдек кўриниши мумкин. Ҳамма гап одамнинг дунёқарашига боғлиқ. Масалан, бизга асло ёқмайдиган баъзи қусурли одамларнинг ўз ҳақиқати йўқ деб ўйлайсизми? Айтайлик, амалпараст одам бир поғона баландроқ кўтарилиши учун бошқаларга хиёнат қилишни айб деб билмайди. Порахўр бирордан пора олаётганида ёки бирорвга пора узатаётганида тўғри иш қиляпман, деб ўйлади. Унинг тасаввурода гўё ҳамма шундай қиласди. Гўё шунинг ўзи ҳақиқат. Ичиқора одам соғдил одамнинг иши юришганини кўрса, бу дунёда ҳақиқат қолмапти, деб нолийди. Жуда бўлмаса, тирноқ орасидан кир излаб минг жойга шикоят ёзади-да, то ҳақиқат рўёбга чиққунича асабийлашганингизни кўриб, ҳузур қиласди. Унинг назарида бошқаларнинг дили вайрон бўлишию ўзининг кўнгли хушнуд бўлиб юриши айни ҳақиқат. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Лекин барibir умумбашарий маънодаги чинакам ҳақиқат бор. Бу – фақат ўз манфаати

учун эмас, инсоният манфаати учун, ер юзидаги ҳаёт манфаати учун кураш ҳақиқатидир. Инсоният ақлини таниганидан буён унинг энг соғдил, энг зукко фарзандлари мана шундай ҳақиқат учун курашиб келишган. Улар учун битта ҳақиқат бор. У ҳам бўлса, инсонни баҳтли қиёфада кўриш. Албатта, ҳақиқат дегани осмондан ҳадя сифатида одамнинг бошига ташланадиган садақа эмас. Бунинг учун курашмоқ керак.

5. 2000 йилда дунёни қандай тасаввур этасиз?

2000 йилда нима бўлишини олдиндан айтотмайман. Бироқ бир нарсани аниқ биламан: XXI асрда ҳам инсон инсонлигича қолади. Бундан минг йиллар илгари одамлар ўртасида қандай муносабатлар хукм сурган бўлса, кейинги асрда ҳам шундай муносабатлар у ёки бу шаклда давом этади.

Ёзувчилардан бири қизиқ воқеани хикоя қиласди. У Туркияга борганида археология музейига киради. Қараса, ойнаванд жавонда сопол бўллаги ётган эмиш. Сополга алланималар ёзилганмиш. Адиб музей ходимиidan “Бу нима?” деб сўраганида ғалати жавоб эшигади. Бу бир келиннинг қайнонасидан шикоят қилиб эрига ёзган хати экан. Ажабки, ушбу хат бундан уч минг йил илгари ёзилган экан. Демак, уч минг йил муқаддам ҳам одамлар ўртасида ҳозиргидақа муносабатлар бўлган экан-да. Бинобарин, келгуси асрда ҳам одамлар туғилади, эзгулик учун ўзича курашади, севади, бола-чақали бўлади, хато қиласди, гоҳ енгигиб, гоҳ енгилади, хуллас, яшайди.

Бироқ XX асрнинг ўтган асрдан жиддий фарқлари бўлгани каби XXI асрнинг ҳам йигирманчи асрдан фарқи бўлади. Бу нарса, аввало, инсон тафаккурининг янада мураккаблашишида акс этса ажаб эмас. Қолаверса, асримизнинг охирига бориб аниқ фанлар кескин тараққий этади. Космосни тадқиқ этиш, ер юзидаги, океан тубидаги бойликлардан кенг фойдаланиш ривожланади. Хуллас, илмий-техника фанлари равнақи янада тезлашади. Шунга қарамай айrim тақчилликлар бўлиши ҳам мумкин. Ер юзидаги энергетика ресурсларининг камайиш хавфи тўғрисида олимлар бекорга ташвишланиб гапираётгани йўқ. Экология масаласида ҳам одамни ташвишга соладиган ҳолатлар кўп. Невара-чевараларимиз биз ҳидлаган гуллар атридан, биз томоша қилган

чечаклар рангидан завқдана олармикин? Ҳамма нарсанинг қадри ўзи йўқолганидан кейин билинади. Энг мураккаб қонуниятларни кашф этишга қодир инсон энг оддий ҳақиқатларни англашга ожизлик қилиб қолади.

Маънавият масалаларига келсак... Тўғриси, бир нарсадан хиёл чўчийман. Туйғулар хийла ўтмаслашиб қолмасмикин? Айтайлик, бундан йигирма йил илгари боғнинг бурчагида ўпишиб ўтирган йигит билан қизни кўришса, “бетинг курсин”, дегандек ижирғаниб ўтишарди. Ҳозир метро вагонида ўпишиб ўтирган йигит билан қизни кўрган йўловчилар ҳеч нима бўлмагандек сухбатлашиб кетишаверади. Тағин йигирма йилдан кейин бошқачароқ нағмаларни кўрганда ҳам унчалик эътибор бермайдиган бўлиб қоламизми, деб ўйлайман. Эҳтимол, хато қиларман. Негаки, ибо, ҳаё деган туйғулар ҳам инсон қонида қадимдан бор-ку. Бироқ бошқа нарса ҳам мени ташвишга солади. Бора-бора инсоний муносабатларда ҳамма нарсани ҳисоб-китоб билан тарозига солиб ўлчаш одатий ҳол бўлиб қолмасмикин? Яъни, тахминан мана бундай: “Мен фалончининг қизига уйлансан, фалон ишим юришади, мен пистончининг ўғлига турмушга чиқсан, дадамнинг мана бу ишига фойдаси тегади, муҳаббат эса ўткинчи нарса”, деган тушунча кенгайиб кетмасмикин? Ахир бундай тушунчалар ҳозирданоқ ўзининг “ғаройиб” меваларини беряпти-ку! Майли, бу ўринда ҳам тушкун бўлмайлик. Эҳтимол, бундай бўлмас.

Менга қолса, 2000 йилга энг катта тилагим шуки, уруш бўлмасин! Ер курраси деб аталмиш мана шу миттигина сайёрамиз XXI асрга омон-эсон етиб борсин.

1987

Дард билан туғилувчи мўъжиза

*“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг
мухбири билан суҳбатдан*

– Ўткир ака, умуман санъатни, жумладан, бадиий адабиётни чинакам мўъжиза деб атайдилар. Сизнингча, бу жуда ҳам “ошириб” юборилган ташбеҳ эмасми?

– Йўқ! Менга қолса, бадиий ижод санъатнинг ҳамма турлари орасида энг сирли мўъжиза деган бўлардим.

Тасаввур қилинг: сиз санъат музейига кирдингиз. Потолнолардаги рангларни, табиат ёки инсон тасвирини, ҳайкалларни ўз кўзингиз билан кўрасиз. Ёки театрга тушдингиз. Актёрлар қиёфасини, хатти-ҳаракатларини кўриб, гап-сўзларини ўз қулогингиз билан эшитасиз. Концертда эса музикани қулогингиз билан тинглаб, раққосанинг ҳаракатларини кўзингиз билан томоша қиласиз. Ана шу кўриш, эшитиш сизни ҳаяжонга солади, қалбингизда ҳиссий таъсир уйғотади.

Китоб ўқигандачи? Сиз қаламкашнинг ўзини кўрмайсиз, овозини эшитмайсиз. Фақат китобдаги маълум белгиларни, яъни, ҳарфларни, сўзларни, жумлаларни кўрасиз. Аммо қулогингиз остида ажаб оҳанглар жаранглай бошлиди, ғалати ранглар, одамлар қиёфаси, инсон туйғулари, тақдирлари кўз ўнгингизда жонланади. Ўша одамларнинг бирини севиб қоласиз, биридан ранжийсиз. Гоҳ куласиз, гоҳ кўзингизга ёш келади. Бундан беш юз йил аввал яшаган Навоийнинг шеърлари сизни ларзага солади. Дунёнинг нариги чеккасида яшаётган Маркеснинг фалсафасига ошно бўласиз... Шунинг ўзи мўъжиза эмасми? Дунёда яхши нијатли одамлар бор экан, бадиий ижод деган чегара билмас мўъжиза ўлмайди. Фақат бир нарсани илова қилиш керак. Ҳақиқий мўъжизакор асар дард билан туғилади. Оғир, аммо ширин дард билан...

– *Хар бир ижодкорнинг ўз услуби бўлади. Бу унинг асарларида ўзини намоён қилиб туради. Сизнинг асарларингиз ҳақида ёзишганида “самимий” деган иборани кўп тилга олишади. “Самимий ёзади”, дейишади. Бу, албатта, яхши. Лекин бутун ижодингизни шу хусусият билан боғлаша ўринли бўлармикан?*

– Бу гап қаердан чиққанини билмайман. Носамимий ёзиш мумкинми? Носамимий дегани ёлғон, мунофиқона гапириш дегани! Одам ўзи ишонмаган нарсага қандай қилиб бошқаларни ишонтиурсин! Мен ёлғон ёзяпман, сен эса аҳмоқ бўлиб ишонавер, деганими бу?! Ёзувчи ўзи беқиёс ишонган, ягона ҳақиқат деб билган нарсани ёзади. Ўша нарса юрагини ларзага солиб, чидаб бўлмас заруратга айланганидан кейин қўлига қалам олади. Қолаверса, бу услугуб эмас, ижоднинг оддий шартларидан бири. Ёзувчининг ўқувчига айтадиган “дарди” қанчалик салмоқли, қанча теран бўлса, ҳикоя оҳангидам шунча самимий бўлаверади.

– *Инсонийлик ва инсон қадри. Бу – адабиётнинг адабул-абад мавзуси бўлиб келган. Айни пайтда, бу мавзу сизнинг асарларингиз – “Чўл ҳавоси”дан тортиб “Баҳор қайтмайди”, “Калбингга қулоқ сол”, “Нур борки, соя бор”, “Дунёнинг ишлари”да, ҳатто сўнгги асарларингиз “Квазарлар”, “Икки эшик ораси”, “Икки карра икки – беш”нинг асосида ҳам қизил ип бўлиб ўтади. Драмаларингизда унга яна қайта мурожаат қиласиз. Тўғри, бу мавзуга ҳар гал ҳар томондан ёндашасиз, унинг турли қирраларини акс эттирасиз. Хўш, бу мавзуга қайта-қайта мурожаат қилишингизнинг сабаби нимада ва сизни ижодкор сифатида ўз-ўзингизни такрорлаб қўйиши ҳавфи чўчитмайдими?*

– Хафа бўлманг-ку, бу фикрингизга ҳам қўшилмайман. Тўғри, инсон қадр-қиммати масаласи адабиётнинг ўзак мақсадига – гуманизмга бориб туташади. Бу мавзуга ҳар бир қаламкаш қайта-қайта мурожаат қилиши мумкин. Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим”, “Алвидо, Гулсари”, “Бўронли бекат”, “Оқ кема” асарларида худди шу муаммонинг турли қирраларини кўрамиз. Аммо бу асарларнинг ҳар бири ўзича бир чўққи. Илтимос, сиз ҳам, газетхонлар ҳам, айниқса танқидчи дўстларимиз: “Ўзини Айтматов билан қиёслабди”, деманглар. Мисол тариқасида айтяпман, холос.

“Нур борки, соя бор”, “Икки эшик ораси”да менимча, бошқа масалалар биринчи планга кўйилган. (“Икки эшик ораси”да уруш ва инсон, тўғрироғи, уруш ва имон масаласи, ҳаёт фалсафаси, одамларнинг мураккаб қисмати тасвирангандан. “Икки карра икки беш”да эса ҳаётимизда рўй берган нохуш ҳолатларнинг инсон маънавиятига нақадар аянчли таъсир қилиши кўрсатилган. Бу мақсадлар қанчалик ифодасини топганини китобхон айтгани маъқул).

Такрор масаласига кёлсак. Биласизми, мен ёзувчи қисматини нотаниш оролга бориб қолган одам қисматига ўхшатгим келади. Тасаввур қилинг: денгизда фалокат рўй бердию бир одам кимсасиз оролга чиқиб қолди. У нима қилади? Бошпана қуради, тирикчилик йўлини излайди. Кўлидан келса, овчилик, дехқончилик қилади (Робинзон Крузога ўхшаб). Кейин дуч келган биринчи кема билан она юртига қайтади.

Асар ёзаётган (айниқса, катта асар бошлаган) қаламкаш ҳам оппоқ қоғоз билан рўпара келгандай шундай ҳолга тушиди. Қоғоз унинг учун кимсасиз орол. Аммо у бу оролга адашиб бормайди. Ўз ихтиёри билан боради. Ўша оролда фақат бошпана қуриб, тирикчилик қилмайди. Ўзи кашф этган оролда аҳоли яратади. Бу аҳоли – асардаги қаҳрамонлар. Ёзувчи ўзи кашф этган оролга, ундаги одамларга шунчалик бояганиб қоладики, уларни ҳеч тарк этгиси келмайди. Аммо эртами-кечми, оролни тарк этиши керак. Ўз ихтиёри билан...

Мен “Дунёнинг ишлари” руҳидан узоқ вақт чиқиб кетолмадим. Кўлимга қалам олишим билан Она образи кўз олдимга келарди. Ўша доирадан чиқиб кетиш учун бутунлай бошқа нарсани ёзиш керак эди. Нихоят, “Икки эшик ораси” бошланганидан кейин аввалги “орол”ни тарк этдим. Тўғри, романда ҳам Она образи – Қора амма бор. Бироқ у бутунлай бошқа Она.

Роман услугуб жиҳатидан ҳам бошқача бўлиши керак эди. Назаримда трилогияга етарли материални бир китобга сингдириш мумкин бўлган услугуб топилди. Тўққиз нафар персонаж ўз ҳаётининг энг драматик ҳолатларида бошидан ўтганларни ҳикоя қилади. Аммо бу ҳикоялар ҳам мустақил бўлиши, ҳам бошқа ҳикоялар билан узвий боғланиб кетиши, бир-бирини тўлдириши керак бўларди. Бу осонми,

қийинми? Менимча – қийин. Ҳикоя қилувчиларнинг феъл-атвори, ёши, касби, дунёқараши, романда тутган гоявий юки ҳар хил. Устига-устак, улар турли замонда туриб, турли одамларга, даврга, ҳолатга баҳо бериши керак. Яна бир нозик жиҳати. Биринчи шахс тилидан ҳикоя қилиш муаллифи чеклаб қўяди. Табиат тасвири, ҳолат тасвири, психологик “үтиш”ларни реалистик тасвирлаш оғир бўлиб қолади. Масалан, Умар закунчини олайлик. У жуда мураккаб одам. Мунофиқлик ҳам етарли. Асар муаллиф тилидан ҳикоя қилинса, бу образни тасвирлаш осон. Бироқ закунчининг ўзи ҳикоя қилганида-чи? Мен мунофиқлик қилдим, демайдику! Шунинг учун эътибор берган бўлсангиз, романда Умар закунчи ҳикояси деярли ҳар гал психологик монолог тарзida берилади. У бир нарсани ўйлади-ю, амалда бошқача ҳаракат қиласди. Бир гапни ўйлади-ю, одамларга бошқа гапни гапиради.

Хуллас, анъанавий йўлдан борилса, “Икки эшик ораси” чўзилиб кетган, демак, асар драматизми сусайган бўлур эди. Янги қиссада эса “Икки эшик ораси”даги оғир, фожиали драматик ҳолатлардан чиқиб кетиш учун жуда хушчақчақ оҳанг танлашга тўғри келди.

– *Ижодкор ўзи ёзган асарни бошқалар кўмагисиз холис баҳолай оладими? Агар баҳолай олса, сиз ўз асарларингиз тўғрисида танқидчи сифатида нималар дея олардингиз?*

– Биласизми, нимани орзу қиласман? Шундай китоб ёлангки, уни ўқиётган китобхон ларзага тушса! Ўқиб бўлгандан кейин кечаси билан ухломай тўлғаниб чиқса. Асар қаҳрамонларининг қисматини ўйлаб, бир неча кун гарангсиб юрса...

– *Ёзиш жараёнидаги энг қийин нарса нима ва у сизда қандай кечади?*

– Танбалман! Ёзишга киришишим жуда қийин. Аммо асар бошланганидан кейин жон-жаҳдим билан ишга киришиб кетаман. Бевосита ёзиш жараёни жуда тез кечади. Роҳат қилиб ишлайман. “Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга қулоқ сол” каби асарлар нари-бериси билан бир ойда ёзилган. “Икки эшик ораси”нинг биринчи варианти ҳам беш-олти ойда қофозга тушган. Бироқ қайта ишлаш жараёни – “қора меҳнат” жуда узоқ чўзилади. Эзиг ташлайди кишини...

– Тенгқұрларингиз ва кейинги авлод – ёшлар ҳақида андай фикрдасыз? Уларнинг ютуқ ва камчиликлари ни-тада деб ўйлайсиз?

– Учқұн Назаров прозадан узоқлашиб түғри қилмади. Құн аканинг ажойиб қисса ва ҳикоялари бор эди. Ҳалиям ўлса бу адібнинг катта асарлар ёзишини хоҳлардим. Шукур Қолмирзаевнинг ҳикояларига ҳавасим келади. Ёшлардан Хайдариддин Султонов, Эркин Аъзам, Мурод Мұхаммад Дўст з овозига эга бўлган қаламкашлар. Хайдариддиннинг тили-а, Эркиннинг топқирлигига, Муроджоннинг психологик олатларни янгича талқин этишига ҳавас қиласман. Улардан ейин ҳам прозаикларнинг янги авлоди этишяпти. Баъзила-и ғарбдан андоза олишга уриняпти. Менимча, шунчаки ан-доза кўчириш яхши эмас. Бу ҳам изланиш мashaқати бўлса ерак. Муқаммал соддаликка (жўнлик эмас, муқаммал соддаликка) эришган ижодкор чинакам ижодкор бўлади.

– Сизнингча, ёзувчилик бурчи нимадан иборат?

– Виждони буюрганини ёзиш. Ҳалқдан ажраб қолмаслик. амон ва инсон дардини унутмаслик. Ўз устида тинимсиз шлаш. Ўзига шафқатсиз бўлиш. Балки бу гаплар баландпар-оз туюлар. Начора, барibir бор гап шу.



“Ир умр ҳалқнинг дарди билан...

- Шу кунларда сизга ором бермаётган муаммолар нима?

— Кузда Нукусга борган эдим. Түлепберген Қайипбергенов: “Юр, сенга Амударёни кўрсатаман”, деди. Бордик. Нари борса Тошкентдаги Анҳордан сал кенгроқ, қоп-қора сув оқяпти. Қирғоқда бетон плиталар, занглаған арматуралар, бир пой резинка этик, латта-путталар қалашиб ётибди. “Шуми Амударё?” десам, “Шу!” деди. Бундан ўн беш йил илгари дарёнинг ўзани икки километр экан. Икки километр! Ҳозир 50 метр. Сувини ичиб бўлмайди. Одамлар артезиандан сув ичишади. Дарё бўйида чанқоқ... Орол қуриб боряпти. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухорони бугун қум аралаш туз босяпти. Эртага бутун Ўрта Осиё миңтақаси хавф остида қолади... Ҳамкасларимиз – рус адиллари Сибирь дарёларини буриш лойиҳасига тиш-тирноғи билан қарши чиқдилар. Билмадим, мен мутахассис эмасман, балки улар ҳақдидир. Аммо Орол нима бўлади? Бутун бир миңтақа нима бўлади? Билмадим...

1987



Тил – чиганоқ ичидағи гавҳар

– Сүхбатимиз бошида сүз ҳақида ғаплашсак...

– Ҳар қандай бинонинг қурилиш материали бўлади. Дейлик, мана шу биз ўтирган бино беш юз мингта ғиштдан қурилган. Агар ўнта ғиштни кўчирсан тешик бўлиб қолади, йигирматасини у ёқ-бу ёқса олиб ўтсан, ҳусни бузилади, элликтасини олиб ташласак, бино қулаб тушиши мумкин. Адабиётда ҳам шундай. Адабиётнинг иш материали – сўз. Афсус, шунаقا асарлар бор, юзта сўзини олиб ташласангиз ҳам, элликта сўзининг ўрнини алмаштирангиз ҳам ҳеч нарса ўзгармайди. У бинога эмас, вайронага ўхшайди! Ўзини ҳурмат қиласидан ижодкор асар тилига эътибор бериши шарт.

Абдулла Қахҳор айтганди: “Мен сўзни тонналаб олиб, граммлаб сотаман”. Лекин бундай сўзга хасис ижодкорлар кўп эмас.

Тил, сўз дегани жуда жиддий қурол. Тил – чиганоқ ичидағи гавҳар. Тил – қин ичидағи ханжар. Уни ҳуда-бехудага намойиш қилиш ярамайди.

– Фикрни қандай ифодалаш керак? “Қин ичидағи ханжар”ни қайси ҳолатда намойиши этиши зарур?

– Сўз дегани, тил дегани – мулоқот, фикр алмашув воситаси. Лекин шундай соҳа вакиллари борки, уларда сўз шунчаки алоқа воситаси эмас. У бутунлай бошқа, қудратли куч. Булар шоиrlар, ёзувчилар, журналистлар, сухандонлар, нотиқлар, актёрлар... Уларда сўз фақат фикрни ифодалаб қолмайди. Сўзда ранг, оҳанг, туйғу мужассам бўлади.

Бундан анча йил илгари Қора денгиз бўйига борганимда узоққа қатнайдиган кема капитанининг ёрдамчиси билан танишиб қолдим. Ғалати одати бор эди. Денгиз ичкарисига сузиб борарди-да, чалқанча ётганча соатлаб газета ўқирди. “Денгиз – менинг уйим, бўронда ҳам чўкмаслигим керак, чунки мен дengizchiman”, дер эди.

Яна бир мисол. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида совет хоккейчилари билан канадаликлар ўртасида “аёвсиз жанглар” бўларди. Канадаликлар орасида Бобби Халл деган жуда моҳир ва “жангари” ўйинчи бор эди. Рақиблари билан муштлашавериб соғ жойи қолмаган, “минг чандиқли одам” лақабини олган Боббидан “Хоккейчи бўлиш учун биринчи ўринда нима қилиш керак?” деб сўрашганида “Бошқалар текис ерда юрганида ўзини қандай эркин ҳис қиласа, хоккейчи муз устида шундай юриши, оёғида конки борлиги хаёлига келмаслиги керак”, деб жавоб қилган эди.

Шу мантиқдан келиб чиқадиган бўлсақ, ҳақиқий қаламкаш ҳам сўзлар уммонида ўзини денгизчидек эркин ҳис этмоғи, қачон қандай сўз ишлатишни билмай иккиланиб қолмаслиги зарур. Одатда, асар туғилиши жараёнида керакли сўзларнинг ўзи қўйилиб келади. Бироқ “қўйилиб келган” сўзларнинг дуч келганини ишлатиш тўғри эмас. Чинакам ижодкор ўнта муқобил сўз орасидан битта энг муҳимини танлаб олиши, яъни сўз уммонида сузаётисб, “бўш чиғаноқ”ни эмас, ичида “гавҳари бор чиғаноқ”ни олиб чиқиши керак.

Қаҳрамон руҳиятидан келиб чиқиб, ҳатто битта манзара ҳам турлича тасвиirlаниши мумкин. Масалан, “Шабада эсди, дераза ортидаги терак япроқлари эркаланиб рақсга тушди”. Бу битта манзара. “Тўсатдан қаттиқ шамол турди, дераза ортидаги бир туп терак япроқлари жонсарак қалтираб қолди”. Бу бутунлай бошқа манзара. Ҳар икки манзара бошқа-бошқа маъно ташыйди.

– Сўз бойлигини кўпайтириш учун нима қилиш керак?

– Кўп ўқиш керак. Лекин фақат китоб ўқиш билангина сўз бойлигини ошириб бўлмайди. Сўзни одамларнинг ўзидан олиш керак. Фақат ўзбек тилидагина аёсия деган жанр бор. Бошқа бирорта ҳалқда учратмаймиз. Бунда битта сўзнинг тагига ўнта маъно яширинади.

Яна бир хазинаси – бозор. Масалан, Гафур Ғулом бозордан бери келмаган...

Бадиий тил адабий тилдан бой. Чунки адабий тил маълум қолипга, меъёрга эга. Уни топ-тоза қилиб ювиб қўйилган идишга ўхшатса бўлади. Бадиий тилда эса шева ҳам, касб-хунарга оид сўзлар ҳам, қарғиш ҳам, сўкиш ҳам бўлиши

мумкин. Уларнинг яшашга ҳаққи бор, уларни образ қилиб асарга олиб киришга ёзувчининг ҳаққи бор.

– *Абдулла Қаҳҳор* ўз атрофига истеъдодли ёшларни тўплагани, уларга тўғри йўл кўрсатгани ва айни пайтда ҳимоя ҳам қилганини яхши биламиз. Ўша ёшларнинг аксари машҳур шоир, ёзувчи бўлиб етишди. Сиз ҳам атоқли адабнинг шогирдларидан сиз. Абдулла Қаҳҳорнинг айнан шу ишини шогирдларидан бирортаси давом эттира олдими?

– Қаҳҳор домла талабчан, қаттиқкўл, шу билан бирга, жуда ҳақгўй эди. Шу жиҳатдан у кишини ёқтирмайдиган одамлар ҳам, албатта, бор эди. Тасаввур қилинг, кимдир пешанаси тиришиб роман ёзади, сўнг Абдулла Қаҳҳорга олиб келиб кўрсатади. Домла унга: “Асаринг икки пулга қиммат” деган жавобни айтади. Икки-уч йиллик меҳнати тўғрисида бундай гап эшитиш ҳавасмад қаламкашга алам қиласди. Ўзининг айбини кўрмайди-да, домладан хафа бўлади.

Қаҳҳор домла керакли ўринда: “Сиз бошқа тирикчилик қилинг, адабиётни овора қилманг”, деб айта олган. Аммо пайти келганда яхши ёзувчини етарлича ҳимоя ҳам қилган. Саид Аҳмад ва Озод Шарафиддиновлар ҳам зарур бўлса койиб, керак пайтда ҳимоя қилишарди. Аслида, танқидсиз, танқидчиликсиз адабиёт ривожланмайди. Чунки танқид бўлмаса, баҳолаш мезонининг ўзи қолмайди.

Танқидчилик бугунги кунда, афсуски, ўзининг вазифасини етарли даражада бажармаяпти. Шунаقا “асар”лар бор, улар нашр қилиш тугул, ўқишига ҳам арзимайди. Бунаقا нарсалар адабиётга ихлосни сўндиради. Хурматли фан арбоблари, фан номзодлари, шу ҳақда ёзсанглар бўлмайдими, десак, “Бунаقا китоблар танқиддан тубан”, деб жавоб беришади. Танқиддан тубан деб ёзинг бўлмаса, десангиз, кўнишмайди.

– *Ҳозир бир марталик “ижод намуналари” кўпайиб кетяпти...*

– Ҳақиқатан ҳам, бир марта ўқиладиган китоб, бир марта кўришга арзийдиган кино, бир марта эшитишга ярайдиган кўшиқ оз эмас. Булар бир марта ишлатиладиган нинага ўҳшайди. Нинанинг-ку фойдаси бор. Биз айтиётган асарлар одамни касал қиласди, маънавиятини сийқалаштиради. “Ижод эркинлиги” деган тушунча бор. Аммо ижод эркинлиги экан деб ҳамма нарсага қарсак чалавериш ҳам тўғри келмайди.

Илгари телевидениеда битта күшиқ эфирга кетади-ган бўлса, ҳам матни, ҳам мусиқаси, ҳам ижроси синовдан ўтказиларди. Махсус бадиий кенгаш кўриб чиқарди (бу цензура маъносида эмас). Ўша кўшиқни миллионлаб одамлар эшитади-ку! Ҳозир айрим кўшиқчилар мусиқасиниям, сўзиниям ўзи ёзди; керак бўлса, ўйнаб ҳам беради. Санъатми шу? Худо унга шундай қобилиятларнинг ҳаммасини ато этган бўлса, барчасини қойил қиласа-ку, ҳалоли бўлсин. Бир иккитлар буюк ижодкор Висоцкийда шундай иқтидор бор эди. Аммо ҳаммаям Висоцкий бўлавермайди. Шуни айтсангиз, хафа бўлишади. “Бунинг оти “шоу”, бозор иқтисодининг талаби шу”, дейдилар. Бозор иқтисоди дегани шеъриятни, мусиқани, санъатни чайқов бозорига солиш дегани эмас-ку! Жиллақурса, маънавиятнинг энг нозик қуроли – сўзни, отабоболаримиз асрлар давомида авайлаб, бойитиб келган тилни ҳурмат қиласлилар!

Бугун экранга чиқаётган фильмларнинг кўпчилигига академик ҳам, талаба ва фаррош ҳам шевада гапиради. Бунинг оти шевани билиш эмас, тилни билмаслик деб аталади.

Бунга ўхшаш кўнгилсиз ҳолатларни адабиётда ҳам кузатиш мумкин.

– *Оғзаки адабиёт намуналарида ўқиганмиз, қадимда “синчи” деган касб эгаси бўлган. У яхши, зотдор отни бир кўришдаёқ фарқлаган, қандай қудратга эга эканини айта олган. Танқидчиларни худди шу синчига ўхшатса бўладими? Бўлса, бугун уларнинг кўзи қаёқда?*

– Мана шу “синчи” деган ибора учун сизга раҳмат. “Танқидчи” дегани русча “критик” сўзидан таржима қилинган. Аслида, синчи дейиш керак. Қозоқлар шунаقا дейишади. Синчи – синовчи дегани. “Алномиш”да бор: отнинг неча қулоч қаноти борлигини, зоти қанақалигини синчи топиб беради.

Танқидчи холис бўлиши керак. Агар бошданоқ асаддан хато қидириб, хато топишга уринса – прокурорга; аксинча, китобни, муаллифи яхши жойда ишлайди, фойдаси тегиб қолар, деб ўқий бошласа, адвокатга айланиб қолади. Танқидчининг прокурор бўлишгаям, адвокат бўлишга ҳам ҳаққи йўқ. Танқидчи аслида синчи бўлиши керак.

– *Абдулла Қаҳҳор “Биринчи домлам” мақоласида дастлабки сабоқни Гоголдан олганини, яна бир мақоласида*

Чехов муборак кўзойнагини тақиб қўйгач, дунёни бошқачароқ кўриб, англай бошлиғани ҳақида ёзади. Шу маънода, сиз дастлабки сабоқни кимдан олгансиз, ким сизга кўзойнагини тақиб қўйган?

– Ёзувчиларда устоз-шогирдлик бошқалардан фарқ қиласди. Масалан, актёр шогирдига қанақа рол ўйнаш кераклиги ни гапириб, ўша ҳаракатни ўзи баъжариб ўргатиши мумкин. Рассом қўлига қалам олиб чизиб кўрсатади, тикувчи маши-нанинг кулогини қанақа бурашни, тепкини қандай босиши-ни ўргатиб қўйиши мумкин. Ёзувчи Иликда бунақа бўлмайди. Фалондақа ёзгин деб айтилмайди, фалондақа ёзмагин деб огоҳлантириш мумкин. Менга энг кўп таъсир қилган ёзувчи Абдулла Кодирий бўлган. Билвосита, бевосита эмас. Тил маҳоратини аввало Кодирийдан, қолаверса, Абдулла Қаҳҳор билан Саид Аҳмад акадан ўргангандан ўрганиш керак. Кўпчилик истеъододли ёзувчиларда жиддийлик билан юмор мужассам бўлади. Бир китоби чи ўқисангиз, йиғлайсиз, бошқа китобини ўқисангиз, куласи³.

– *Суҳбатингиз учун раҳмат.*

Ориф Толиб ва Адҳам Аъзам суҳбатлашиди.
“Овоза” газетаси, 2008 йил





Үн бириңчи боб

“Ошавай
таксидү”
күзатчулари



“Чўл ҳавоси”дан “Икки эшик орасига”тacha

Устоз ёзувчи Абдулла Қодирий ҳаётига оид бир воқеа кўп тилга олинади. Адид одатда ўз асарларини қиши палласида ёзар экан. Кунлардан бир кун ёзувчининг умр йўлдоши уйга кирса, Қодирий домла йиғлаб ўтирганмиш. Аёли: “Сизга нима бўлди?”, деса, Қодирий: “Кумуш ўлиб қолди!” деган экан. Адабиётдан узок одам учун бу афсона бўлиб туюлиши мумкин. Лекин ижод жараёнидан озми-кўпми хабардор одам бу – айни ҳақиқат эканига шубҳа қилмайди...

Ўткир Ҳошимов билан турмуш қурганимизга қирқ йил бўлди. Худога шукр, ўғил-қиз, қўша-қўша набиралар кўрдик. Турмушимиз нуқул байрамдан иборат, десам, рост гапирган бўлмайман.

Олтмишинчи йилларда адабиётга кириб келган Худойберди Тўхтабоев, Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Учқун Назаров, Неъмат Аминов каби истеъодди шоир ва ёзувчилар ижод оламига янги ҳаво олиб киргандек бўлдилар. Инсонни тасвирлайдиган асарлар дунёга кела бошлади. Энди билсак, бунинг сабаби, бир томондан, 60-йиллар охирида жамиятда пайдо бўлган ҳийла эркин фикрлаш бўлса, иккинчи томондан, бу ижодкорларнинг кўпчилиги Тошкент давлат университетида таҳсил кўрган, чуқур билимли, ҳақгўй, талабчан устозларнинг сабогини олган экан. Шундай шогирдлар қаторида Ўткир Ҳошимов ҳам бор эди.

Ёқиб юборилган қўлёзмалар

Янги асар дунёга келаётганда адид хаёлчан, бир қадар тажанг бўлиб қолади. Кечами-кундузми, ҳамма нарсани унтиб ёzáди. Лекин асар битмагунча ҳеч кимга кўрсатмайди. Биз ҳам ёзувчи ишлаётган пайтда безовта қилмаймиз, нима ёзилаётганини ҳам сўрамаймиз (оиласда шундай тартиб

бор). Адиб ёзганидан ўзининг кўнгли тўлса, чехраси очилиб бизга беради. Шу тариқа оила аъзолари қўлёzmани биринчи бўлиб ўқиймиз. Асар ҳақида айтилган фикрларни муаллиф оғринмай қабул қиласди. Сўнг деярли барча асарлар Сайд Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Иброҳим Гафуров, Носир Фозилов, Тўлкин Расулов каби устоз ва дўстлари назаридан ўтказилган.

Башарти асар муаллифнинг ўзига ёқмаса-чи? Бундай ҳоллар бир неча марта бўлган. Адиб қўлёzmани йиртиб, ёқиб ташлаган (баъзан ҳатто матбуотда янги қиссадан парчалар босилгандан кейин ҳам).

1982 йили Пицундага бордик. Ёзувчилар ижодий уйидан жой беришди. Мен болаларни денгизга олиб бораман. Адаси деярли хонадан чиқмай ишлайдилар. Орадан ўн кунлар ўтди.

Бир гал хонага қайтсан, ёзган нарсаларини йиртиб ташляяптилар. Ҳай-ҳайлаб бир қисмини олиб қолдим. Қўлёzма сарлавҳасини шунда кўрдим. “Эртага – куз”. Юз бетлар ёзилган экан, деярли ҳаммаси йиртилиб бўptи.

– Нега ундей қилдингиз? – десам, кўл силтадилар.

– Бўлмайди! Сиғмаяпти! Хом!

Қўлёzmанинг омон қолган сахифаларини ўқиб кўрсам, бинойидек. Нима “бўлмагани”, нима “хом” лигини орадан уч йил ўтгач, “Икки эшиқ ораси” романи қоғозга тушганидан сўнг англадим. “Икки эшиқ ораси”дек салмоқли, фалсафий, психологик роман аввалги услубга ҳам, қолип (композиция)-га ҳам сиғиши мумкин эмас экан.

“Икки эшиқ ораси” романи минглаб ўзбек хонадонлари-га кириб борди. Деярли уч юз минг нусхада, ўн марта нашр этилди. Бошқа тилларга таржима қилинди. Дарсликлар ва ўкув дастурларига киритилди.

“Тушда кечган умрлар” романининг дунёга келиши тари-хи ҳам ўзига хос. 1991 йили Ўткир Ҳошимов таваллудининг 50 йиллиги нишонланди. Шу арафада адабнинг устозлари-дан бири – Умарали Норматов шогирдига жўяли маслаҳат берди:

– Одатда ижодкорлар ўз тўйига янги асар билан келади. Сиз ҳам янги асар ёзинг!

Адиб Умарали аканинг шу таклифини айтганларида се-виниб кетдим.

– Домла түғри гапирибдилар, – дедим. – Ҳамма ижодкорлар шундай қиласы. Сиз бўлсангиз, анчадан бўён каттароқ асар ёзганингиз йўқ.

– Гапим негадир ёзувлига ёқмади.

Бошқалар нима қилса, ўзининг иши. Мен кучаниб ёзмайман! Асар туғилгиси келса, ўзи туғилади. Орадан кўп ўтмай, ўткир ака бетоб бўлиб қолди. Шифохонага ётдик. Дўхтирлар жарроҳлик операциясини қиласиз, деб шоширади, адаси кўнмайдилар. Кеч куз эди. Бир оқшом ўткир ака балконга чиқиб, узоқ ҳаяллаб қолдилар. Изиллаб шамол эсиб турибди. Жоним ҳалак бўлиб, ичкари киринг, дегим келади-ю, ийманаман.

Бир маҳал ўзлари палатага кириб, “Қоғоз борми?” деб сўрадилар. Касалхонада қоғоз нима қилсан? Шу кеча шифохона палатасида тонг отгунга қадар чироқ ўчмади. Эрталаб тутунга тўлиб кетган хонага кирган дўхтир койиди:

– Ўзингиз бу аҳволда бўлсангиз, устига-устак босиб чекаверсангиз, нима, жонингизда қасдингиз борми?

Дўхтир чиқиб кетиши билан адаб ўз қарорини айтди.

– Уйга кетамиз.

Уйга қайтдик. Аммо асар ёзиш яна орқага сурилди. Орада сафар чиқиб қолди. ИброҳимFaфуров, Аҳмаджон Мелибоев, Дадаҳон Нурий ва ўткир Ҳошимовни Покистонга юборадиган бўлишибди. Адаб сафарга боришни сира хоҳламас, бир гапни қайта-қайта такрорлар эди:

– Шу сафарга мендан бошқа одам борса бўлмасмикин?!

Йўлдан қолишининг иложи бўлмади. Орадан анча ўтиб, “Тушда кечган умрлар” романи эълон қилингач, китобхонлар билан учрашувларнинг бирида Иброҳим ака чет эл сафари ёзувлига асло татимаганини айтиб бердилар. “Ўткиржон сафарда юрди-ю, чамаси ҳеч нимани кўргани йўқ. Фикри зикри бошқа ерда эди. Кейин билсам, роман ёзаётган экан”, дедилар.

Сафардан қайтиши билан адаб деярли кеча-кундуз тўхтовсиз ишлаб, романнинг илк вариантини бир ойнинг нари-берисида ёэди. Қандайдир мунгли руҳ сезилиб турган асар бундай бошланар эди: “Куз ўлим тўшагида ётган беморга ўхшайди. Оёқ остида касалманд хазонлар инграйди”. Бу – ўша кеч куз оқшоми ёзувлчи касалхона балконига чиқиб кузатган манзара бўлса, ажаб эмас.

Бу романнинг йўли ҳам ёруғ бўлди. Кўп марта нашр этилди, бошқа тилларга таржима қилинди. Агар мустақиллик бўлмаганди, бу асар дунё юзини кўрмаслиги аниқ эди. Негаки унда мустабид тузум фош қилиб ташланган.

Ача холанинг муҳраси

1980 йили ойимлар (қайнонам) Ҳакимахон ая вафот этдилар. Аллоҳ раҳмат қилсин, хокисор, меҳрибон ва доно аёл эдилар. “Дунёнинг ишлари” китобида Она қиёфаси айнан тасвирланган. Адид бу жудоликдан жуда қаттиқ изтиробга тушди. Шусиз ҳам ўта таъсирчан одам янада маъюс, хаёлчан бўлиб қолди. Охири Абдуғафур Расулов, Баҳодир Гуломов (домланинг жойлари жаннатда бўлсин) билан маслаҳатлашиб, Сижожакка – Оппоқхўжа ака деган қадрдонлариникига чиқиб кетишиди. “Дунёнинг ишлари” китобининг дастлабки боблари ўша ерда туғилган.

“Дунёнинг ишлари” бошқа асарларга ўхшаб тез ва шиддат билан ёзилгани йўқ. Ҳар бир ҳикоя мустақил асар сифатида туғилган. Аммо уларнинг ҳаммасида она сиймоси бор. Бу китобнинг дунёга келишида атоқли шоира Зулфия опанинг хиссаси катта. Адид бўлажак китобнинг биринчи бобларини “Саодат” журналига олиб борганида Зулфия опа бу яхши асар бўлишини таъкидлаб, уни давом эттириш кераклигини, журнал эса уни сонма-сон босиб боришини айтган эканлар. Адид ҳар бир сўз, ҳар битта деталь устида диққат билан ишлашни одат қилган.

Бир воқеа эсимдан чиқмайди. “Дунёнинг ишлари”да Ача хола, деган лўли тасвирланган. Бир куни ёзувчи Ача холани болалигида кўп кўргани, фол очганини ҳам томоша қилгани, аммо фол пайтида ишлатадиган, ҳозирги нарда ўйинидаги саккиз қиррали тошга ўхшайдиган нарсанинг номи нималигини билолмаётганини, асар тўхтаб қолганини айтди. Тош қурғур нима деб аталишини билиш шарт! Ўйлаб-ўйлаб лўлига фол очтирадиган бўлдик. Чорсу бозорини кираверishiда лўлилар ўтирас эди. Албатта, ёзувчини кўплар танийди. Фалончи фол очтириб ўтирибди, деган гап чиройлимас. Хуллас, бозорга икковлашиб борадиган бўлдик. “Фол очиришга” киришдик. Лўли бир балоларни айта бошлаган эди, адаси ҳуржунингда тош борми, ўша билан очасан, дедилар.

Лўли кичкина саккиз қиррали тош чиқарди. Ёзувчи бунинг оти нима, деб сўраган эди, лўли фалон сўм берсанг, айтаман, деди. Керакли пулни олгач, бу муҳра эканини айтди.

Ёзувчи болалигига кўрган тошнинг номи “муҳра” эканини билиб олгач, “Менинг Ача холам” боби чала қолган жойидан давом этди. Тошнинг номини келтириш шартмиди, деб сўрасам, бадиий асарда, айниқса, насрый асарда ҳамма парса аниқ бўлиши шарт, мана энди китобни лўли хотинлар ўқиса, менинг устимдан кулмайди, деб гапни ҳазилга бурди.

Илтижо

Шундай қилиб, китоб бир йилда дунёга келди. “Дунёнинг ишлари”нинг энг сўнгги сахифалари қандай туғилгани ҳамон кўз ўнгимда. Баҳор эди. Кечаси гумбирлаган товушдан уйгониб кетдим. Момақалдироқ бўлаётган экан. Қарасам, адаси хонада йўқлар. Айвонга чиқдим. Соат тўртдан ўтибди. Секин ёнларига бордим. Адип унсиз йиғлаяпти. Кўз ёши томган сахифаларни беихтиёр ўқидим. Ўқиб, йиғлаб юбордим. Бу “Илтижо” деган боб эди. Мана ўша сатрлар:

“Ойи, мен келдим. Эшиятпизми, ойи, мен яна келдим... Қаранг, ойи, тағин кўклам кирди. Эсингиздами, ҳар шили баҳор кириши билан сизни далага олиб чиқардим. Сиз чарақлаган офтобни, тиниқ осмонни, кўм-кўк майсаларни кўриб қувонардингиз. Эсингиздами, невараларингиз териб келган бойчечакларни кўзингизга суртиб, “омонлиқ-сомонлиқ” қиласардингиз...

Бугун... ўзингизнинг устингиздан бойчечак ўсиб чиқибди... Йўқ, йўқ, ойижон... йиғлаётганим йўқ. Биламан, мен йиғласам, сиз безовта бўласиз. Ҳозир... ҳозир ўтиб кетади. Мана, бўлди...

Эсингиздами, ойи, сиз укамга алла айтардингиз. Мен алланинг оҳангига маст бўлиб ухлаб қолардим. Ўша бешикда мен ҳам ётганман. Аллангидан мен ҳам ором олганман. Нима қиласай, ойи, мен алла айтишини билмайман. Қабрингизни силаб кўйсам ором оласизми?.. Мана, ойижон, мана... Йўқ, йўқ, йиғлаётганим йўқ. Ҳозир, ҳозир ўтиб кетади”.

Балки, бу парчани алоҳида ўқиган одам унчалик ҳаяжонга тушмас. Бироқ “Дунёнинг ишлари”ни бир бошдан ўқиб, Онани қаттиқ севиб қолган китобхон бу сатрларни ўқиганда ларзага тушмай қолмайди. “Илтижо” бобини кўзда ёш билан

ёддан ўкиб берган күплаб талаба ва ўқувчиларни кўрдим. Дарвоҳе, “Икки эшик ораси” романининг “Зилзила”, “Тушда кечган умрлар” романининг “Оппоқ-оппоқ қорлар ёғди” бобини ларзага тушиб, ёдаки ўқиган китобхонлар ҳам оз емас. Балки, муаллифнинг ўзи уларни росмана йиглаб ёзгани учун ҳам шундайдир. Нима бўлганда ҳам адиблар йигиси ўқувчининг қалбига нур олиб киради.

Ўлмасхон Ҳошимова,
адабиётшунос, педагог
2011 йил, август



Довдирлар нимага керак?

Ўткир Ҳошимов асарларини синчиклаб ўқиган китобхон телбанамо, эси кирди-чиқдироқ ёки шунчаки “тупроқдан ташқари” шахслар тез-тез учраб туришини кузатади. Танқидчилик бунга унчалик эътибор бермаган. Чиндан ҳам бунағанги “думбул-тентак”ларни асарга киритишдан мақсад нима?

“Дунёнинг ишлари”да “Маҳалланинг шайхи” деган боб бор. Маҳаллада ҳеч ким унинг отини билмайди. Ҳамма “Шайх” деб чақиради. Шайх болалигида варрак учирман деб томдан йиқилиб тушган. Ҳожи буви унинг ёрилган бошига кигиз куйдириб босганда бола йиғламаган. Қайтага кули-и-и-б ётаверган. Ўшандан бери унинг йиғлаганини ҳеч ким кўрмаган. Нуқул илжаяди. Асосий юмуши маҳалладаги тўй ва маъракаларда самовар қўйиш. Тилининг учи оғзига сигмай, доим чиқиб туради, “з” деёлмайди, “дз” дейди. Ҳамма уни хоҳлаганча эрмак қиласди. У эса хафа бўлиш нималигини билмайди... Хуллас, телба бир кимса. Фақат асар бош қаҳрамони Она у билан соатлаб гаплашиб ўтиради. Муаллиф “Онам бу девона билан нимани гаплашишига ақлим стмайди”, деб шунчаки қистириб ўтади...

Аслида Шайхнинг ҳам кўнглида ўзига яраша дарду аламлар бор. У ҳам бошқалар қатори меҳрга муҳтоҷ.

“Онамнинг йигирмаси бўлаётган эди. Фира-шира тонг отаётганида эшиқдан лапанглаб Шайх кириб келди.

– Ия, ана, Шайх келиб қолди! – деди аллаким тантана билан. – Қани, самоварга ўзинг қарай қол!

Аммо Шайх ҳовли бурчагида турган самоварлар томон юрмади. Ҳеч кимга қарамай бир ҳатлаб айвон зинасидан чиқди-да, ойимнинг хонасига йўналди. Аёллардан бири унинг йўлини тўсди:

– Ҳой, Шайх ўлгур, қаёқقا? У ерда қариялар ўтиради.

– Қоч, – деди Шайх кўзини олайтириб. Кейин онамнинг хонасига кирди-ю, тўсатдан ўзини ерга отди.

– Ойи? – деди хириллаб. – Ойи!

Ёқасига чанг солиб бир тортган эди, қўйлаги шир этиб йиртилди-да, қоп-қора, бақувват елкалари титраганча оғзидан кўпик сачратиб ҳайқирди:

– Ойи! Ойи!

У ҳар “Ойи” деганида бошини ерга урар, ерни муштлар эди.

Бирпасда пешонаси моматалоқ бўлиб кетди.

– Ойи! Қаёққа кетдийз, ойи!” (Ўткир Ҳошимов “Сайлана-ма”. Икки жилдлик. Биринчи жилд. “Нурли дунё”, 31–32- бетлар)

Бу манзарани ўқиган китобхон ларзага тушмаслиги мумкин эмас. Негаки, у телбанамо Шайхнинг изтироблари нақадар самимий эканини ҳис этади.

Қолаверса, ҳамма камситиб келган бу одамга Она инсон деб қараганини, унга меҳр берганини англайди. Шу аснода асарнинг бош қаҳрамони Она маънавий жиҳатдан нақадар бой инсон бўлганини ҳис қиласди. Албатта, муаллиф бу гапларни айтиб ўтирумайди. Тагмаъонни китобхоннинг ўзи то-пиб олади...

“Икки карра икки – беш” ҳажвий қиссасида эса дала-дум-бул Кўшоқбой – асарнинг бош қаҳрамони. Қиссада совет замонида авж олган ёлғон-яшиқлар, ҳавои “қаҳрамонлик”лар фош этилган. Кўшоқбой ким нима деса, лаққа тушади. Ҳаммага ишонади... Обком бова, Райком бова, Жовли Менглиевич сингари ҳаромхўрлар Кўшоқбойдан “қаҳрамон” ясайдилар. Негаки, у турфа хил “ўйин”ларни тушунмайди. “Катта”лар нима буюрса, қулоқ қоқмай бажаради. Шунга қарамай, Кўшоқбой бутун асар давомида ўзидан ғалати бир нур таратиб турганга ўхшайди. Негаки, унинг соғдил инсон эканини ўқувчи ҳис этади. Асаддаги “Арпатехника” қоидалари” бобини эсланг. Марказдан келган радио мухбири “оқ олтин” ижодкорлари фидокорона меҳнатдан сўнг мириқиб тушлик қилиб, газета-журнал ўқиётганини, бაъзилари соя-салқин дала шийпонида рангли телевизор томоша қилаётганини айтади. Ҳолбуки, дала шийпони дегани деразаси синган ҳужра, йиртиқ шолча. Соя-салқин маскан дегани

эса саратон офтобида ҳансираб ётган пахтазор... Шу тариқа “пахтазор лочини, қаҳрамон бригадир” Кўшоқбой билан сұхбат бошланади. Кўшоқбой микрофонни ёриб юборгудек бўлиб, аввалдан ўзига ўргатиб қўйилган гапларни такрор-лайди.

“Мухбир ака, – дедим тантанали оҳангда, – план – қонун, мажбурият – виждон, деган гап бор. Биз қанча мажбурият бўлса, бажараверамиз!

Мухбир микрофонга эгилди.

– Кўшоқжон, – деди менга эмас, микрофонга қараб. – Халқимизда ажойиб ҳикматли гап бор. Даромадга яраша буромад деганлар. Айтинг-чи, бригада аъзоларининг даромади қандай? Шу жумладан ўзингизнинг ҳам?

– Даромаднинг мазаси йўқ, – дедим хўрсиниб. – Яқинда синглимни узатаман деб дадамнинг бели чиқиб кетди. Шаҳар жойда қанақа билмадим-у, бизнинг удумимиизда қиз узатган ота-она ақалли тўққизта кўрпа қилиши керак. Дадам шўрлик тўққизта кўрпага чит излаб Тошкентгача бориб келса денг! Ҳайронман, мухбир ака, пахта планини қанча ошириб бажарсак, чит, сатин, сочиқ деган матаҳлар шунча камайиб кетяпти.

... – Стоп! Жон ука! – Мухбир астойдил ялинишга тушди.

– Барака топгур, укажон, ютуқлардан гапир! Колхоздан гапир!..

– Хуллас, – дедим ўйланиб. – Ҳўжалигимизнинг доно раҳбари Тошмамат Алимов бошчилигида йил сайин ҳосилдорликни ошириб бажаряпмиз...

– Ўртоқ Салимов, – деди мухбир микрофонга энгашиб.

– Газеталарда Сизни уста пахтакор, ҳатто эгат орасида туғилган бола деб ёзишган. Айтингчи...

– Ёлғон, – дедим бақириб. – Сўрадим. Энам мени каҳратон қишида, сандал четида туққан экан!” (Ўткир Ҳошимов. “Икки карра икки – беш”. Қисса ва ҳикоялар. 1987 йил. 108–109-бетлар).

Шу тариқа Кўшоқбой ўша кезлари одат тусига кирган кўзбўямачиликни фош қилиб қўяди. Атайлаб эмас, азбаройи соддалиги, виждони тозалиги учун. У шу қадар гўлки, бир ҳовуч олчоқлар ҳарчанд ҳаром ишлар қилмасин, “катта”ларнинг ишига аралашишни гуноҳ санаб, буюрил-

ган юмушларни бажариб юраверади. Бироқ Раис бова ўзи йўлдан урган невараси тенги қиз – Наргизани “оталик қилиб” унга узатганида, “суюнчисига пат-пат” (мотоцикл) совға қилганида бирдан хуши жойига келгандек бўлади. Унинг исёни ҳам ўзига хос. Бировга шикоят қилмайди, катта идораларга югурмайди. Тўғридан-тўғри Раис бовани пичоқлаб ўлдиришга ҷоғланади. Бироқ у ҳатто “энг разил кимсанинг ҳам қонини тўқадиган” қотил эмас. Сўнгги лаҳзада Раис бова ҳадя этган “пат-пат”ни бир тепиб, эгасининг ёнига ғилдиратиб юборади. Раис бованинг башарасига тупуриш билан чекланади. Шу ҳаракатнинг ўзи ҳам унинг бошига янги балолар ёғдиради.

Китобхон бу думбул йигитнинг содда изтиробларига бе-ихтиёр шерик бўлади. Бу асарда ҳам ёзувчи айтмаган, бироқ китобхоннинг ўзи илғаб оладиган яширин маънолар бор. Адид ўша пайтдаги ҳаёт мантиқи ҳавоий қаҳрамонликка мойил эди, деб ишора қилаётгандек бўлади. Бундан ташқари, одамларимиздаги лоқайдлик балоси қандай фожиаларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлаётганга ўхшайди. Кўшоқбой то ўзининг боши “так” этиб деворга урилмагунча кўзи очилмай юраверади. Охир-оқибат буни ўзи ҳам тушиниб, эътироф этади.

Ниҳоят, асарда бизнингча, тағин бир тагмаъно бор. Эҳтимол, Кўшоқбой бошқаларнинг қўлида қўтирчоқ бўлишга ҳам, меҳнатни ўзи қилиб, роҳатини ўзгалар кўришига ҳам, борингки, очин-тўқин турмуш кечиришга ҳам чидаб юравериши мумкин эди. Аммо йигитнинг ғурури, эркаклик но-муси топталганига чидаёлмайди. Шу боисдан ҳам Раис бова ҳадя этган “пат-пат”дан ҳазар қилади. Хотинини урмайди, сўқмайди, унинг ҳолига ҳам ачинади, бироқ Наргиза билан яшай олмайди... Телбами, довдирми, унда орият бор. Ўзбек йигитининг орияти! Хуллас, китобхон содда, дўлвар бу йи-гитни беихтиёр яхши кўриб қолади.

“Қатағон” трагедияси ўз номи билан фожиа. Саксонинчи йилларда марказ зуғуми билан Ўзбекистон бошига тушган чексиз кулфатларни фош этувчи жиддий асар. Шундай фожианинг илк саҳнасида Лўли тимсолининг пайдо бўлиши, бир қадар алмойи-алжойи гаплар айтиши даъфатан томо-шабинни ҳайрон қолдириши мумкин. Нариси беш-олти

дақиқа давом этадиган бу саҳна нима учун керак бўлиб қолди? Ҳанифанинг эри Панжи Жуманов қуруқ тухмат билан қамоққа тикилган. Ҳанифа... бир этак бола билан мушкүл ахволда қолган. Лўлини фол очиришга чақирган (ҳаётда бунақаси бўлиб туради). Лекин хуржун кўтарган фолбин қаёқдаю Ўзбекистонга “тартиб ўрнатиш” учун келган “адолатпеша” Мясников (тагмаъноси Қассабов), унинг югурдаги – маҳалий хуқуқшунос Бердиев (тагмаъноси “у ёқдан” бериладиган “унвонлар” учун ўз хешларининг қўлига кишан солиб берадиган) қаёқда?

Табиий – Лўлининг жаврашлари Мясниковга ҳам, Бердиевга ҳам малол келади.

Мясников Бердиевга, Лўлини ҳайдаб юбор, деб имо қиласди.

“Бердиев (Лўлига): – Бўлди-да энди, қисқа қилинг!

Лўли (давом этиб): – Шу хонадонда қўша-қўша тўйлар бўлсун! Ёмонларнинг нияти ўзига йўлдош бўлсун! Кун кўрсун, рўшнолик кўрмасун!

Бердиев: – Э, бўлди, деяпман! Сени ким чақирди ўзи?

Лўли: – Омин, Оллоҳу акбар! (Бердиевга) Ҳай, менга қара, бача! Сен ким ўзе? Нега дуони белига тепасан? Сан дуоданам улуғме? Мани келин бача чақирган. Ман фол очгони келго-о-он!

Мясников: – Нима деб алжираяпти?

Бердиев: – Мени чақиришган, дейди. Фол очаман дейдими-ей. (Лўлига) Бўпти, йўлингдан қолма!

Лўли: – Ман кета-а-ай? Қаёққа кетаман? Сан кет!

Бердиев: – Йўқол дейман! (Лўлининг тўрvasига чанг солади).

Мясников: – Фол очарканми? (Бармоғини илгак қилиб, Лўлига “бери кел” деб имо қиласди. Кафтини очади).

Бердиев (ҳайратланиб): – Михаил Васильевич...

Лўли (Ҳассасини дўқиллатиб Мясниковнинг олдига боради): – Очайме? Фол очайме? (Унинг кўзига узоқ тикилиб) Санни кўзинг хунук. (Кўлига қараб). Кўлингдан қон ҳиди келопте!

Мясников (Бердиевга): – Нима дейди?

Бердиев (Мясниковга): – Ёмон гап айтяпти, Михаил Васильевич! (Лўлига ёпишади). Қани, туёғингни шиқиллат!

Лўли: – Тегма манго! Тегма дейман! Саниям қўлингдан қон ҳиди келопте.

Ошхонадан чойнак-пиёла кўтариб, Ҳанифа чиқади.

Ҳанифа. – Вой! Вой, ўлмасам! (Бердиевга) Нега ҳайдайсиз бечорани?

Бердиев. – Йўқол! (Лўлининг тўрвасини улоқтиради.)

Лўли: – Тегма тўрвамга, тегма! (Ҳанифага.) Уйингда амал бо-о-ор, келин бача, уйингда амал бо-о-ор! Сан буларни нега киргиздинг уйингга! Булар ямон одам! Нияте ямо-о-он!” (“Шарқ ўлдузи” журнали, 1999 йил, 2-сон. 46-бет).

Драматургиянинг ёзилмаган қоидасига кўра саҳнада милтиқ кўриндими, у албатта, отилиши шарт. “Қатағон”да эса Лўли асар воқеаларининг кейинги ривожида бирон марта иштирок этмайди, бироқ бу “ўткинчи” тимсол асарга бежиз киритилмаган. Лўли асар бошида Мясников билан Бердиевга “Санларнинг қўлингдан қон хиди келопте!” дегандаёқ томошабинни яқин орада рўй берадиган фожиалардан огоҳ қилгандек бўлади. Буни қарангки, Лўлининг чирқиллагани бежиз эмас экан. Бу ҳақиқат фожианинг сўнгги дақиқаларида аён бўлади. Дунёдаги “энг адолатли”, “энг инсонпарвар” жамият ҳисобланмиш советларнинг “адолат посбонлари” Панжи Жумановнинг айбини исботлай олмагач, хотини Ҳанифани ҳибсга оладилар. Гўё Ҳанифа наркобизнес билан шуғулланган эмиш. Унинг ҳожатхонасидан Бердиев наша топиби... Шундагина томошабин Лўлининг асар бошида айтган ноласини эслайди. Ҳанифанинг уйидаги ўша мудхиш “амал”ни – нашани Мясников қўйиб кетган. Саҳнада бирлаҳза кўринадиган “ўткинчи” тимсол – Лўли хотин асар сўнгига фавқулодда жиддий мазмун касб этади.

Ўткир Ҳошимов ижодида “Икки эшик ораси” романни, шубҳасиз, катта ўрин эгаллайди. Озод Шарафиддинов, Матёкуб Кўшжонов, Умарали Норматов, ИброҳимFaфуров каби етук олимлар бу асарга юксак баҳо бергани бежиз эмас. Нисбатан қисқа муддатда роман етти марта уч юз мингдан ортиқ нусхада чоп этилди, мактаб ва олий ўқув юртларининг дарсликларига киритилди. Романда бир-бирига ўҳшамайдиган ўнлаб инсон қисмати тасвиirlанган. Уларнинг кўпичи фожиага тўлиқ шахслар. Қизиги шундаки, бу йирик поплотнода ҳам думбул-тентак аёл – Парча бор. Муаллиф Парчанинг портретини чизиб ўтиrmайди. Бир ўринда кичкингой Музаффар тилидан бундай дейди: “Парча холани ёмон

кўраман. Парча хола девдек хотин. Мўйловиям бор. Нукул шўрвангнинг суягини манга бер, ман тозалаб берай, дейди. Суягимни бермай десам, кўрқаман, ўзимни еб қўяди". Бу ёш боланинг содда тасаввури. Тағин бир жойда Парча "мангаям салласи катта эр ато этармикан", деб "хў-хўлаб" кулади. Роман қаҳрамонларидан бири Робия тилидан "қачонлардир Парчани эрга беришгани, куёв чимилдиққа кириб, Парчанинг юзини очиши билан дод солиб қочиб қолгани, ўша-ўша бу юртларга қадам босмай кетгани" хабар қилинади... Яна бир ўринда эса Парча: "Рост этасиз, опа, мани қоронғида кўрса, катта одамам кўрқади-ку", деб эътироф этади...

Хуллас, Парча "анақароқ" хотин. У роман давомида мунтазам кўринавермайди. Бироқ ҳар кўринганида китобхоннинг эсида қоладиган бирон гап айтади ёки бирон иш қилади.

Уруш тинкасини қурилган одамлар оч-яланғоч... "Қора хат"нинг кети узилмайди... Асаблар таранг...

Шундай оғир кунларнинг бирида зах ва совуқ омборда пиёз саралаб ўтиришганида Башор опа маъюс хотинларнинг кайфиятини оз бўлса-да, кўтариш учун Парчани эрга бериш масаласида гап қўзгайди.

– Унақа бўлса, Закунчига айтаман, эртага совчи юборади.

– Ким? – деди Парча бакрайиб.

– Колхозда нечта Закунчи бор?! – Башор опа, шуниям билмайсанми, дегандек чимирилиб қаради. – Раисни айтаман! Умар закунчини!

– Э, уям бўмайди! – Парча пиёз думини шахт билан юлиб четга отди. – Кўрқаман, кўзи ёмон!

Башор опа астойдил жаҳли чикқандек хитоб қилди:

– Вой, кўнглингизнинг кўчасидан ўргилдим! Шундоқ раисга обераман десам, сиз ноз қиласизми?

Ажаб, ҳеч аразламайдиган Парча опа бирдан тўрсайиб олди.

– Керакмас! – деди йиғламсираб. – Кўзи ёмон!" (Ўткир Ҳошимов. "Сайланма". Икки жилдлик. Иккинчи жилд. "Умр савдоси", 159-бет).

Бу гапидан довдир аёлнинг қалби нақадар сезгирилиги, қолаверса, бошқалар Умар закунчининг номини эшитгани-

да қалтириб турса, Парча кўнглидагини дангал айтишдан тоймаслиги кўринади. Умуман, Парча ҳамма ерда ўзи билмаган ҳолда ҳақиқатни айтиб, разолатни фош қилиб қўяди. Далада иш қизиган, аллақанча хотин-халаж тушлик қилиб ўтирганда Парча Раънога қараб туроди-да, беихтиёр хитоб қилади: “Вуй, Раънохонни очилиб кетганини қарайла! Эри урушда юрган хотингаям ўҳшамилла-я!” Содда-дўлворлик билан айтилган бу гапдан Раънонинг ичидан қиринди ўтиб кетгандек бўлади. Раис эса уни “provokация қилиш”да айблайди.

“Provokация қилиш” у ёқда турсин, бу сўзни айтишга ҳам тил келишмайдиган довдир Парча ҳайрон. Раъно билан Раиснинг жириллашида эса гап бор. Ўзларининг сири фош бўлишидан қўрқади. Парча, аслида, ёмон ниятда эмас, кўнглига келганини айтди-қўйди! Нима қипти шу билан? Қизиги шунаки, кейинроқ Умар закунчи Парчадан ўчини олади. Золим раис шу телбанамо муштипар аёлни қамчи билан аёвсиз савалаётиб, ўзи “тиллахона”га йиқилади, бошдан-оёқ нажасга беланади. Бу манзарани ўқиган китобхон руҳида қандайдир ички мамнуният пайдо бўлади, довдир Парча “доно” Раисдан кўра тозароқ эканини ҳис этади. Яна бир ўринда Раъно аллақачон ўлиб кетган, деб юрган ўғли Музаффар тирик эканини бошқалардан эмас, айнан Парчадан эшигади... Китобхон уни мана шу содда-дўлворлиги учун ёқтириб қолади...

Шундай қилиб, биринчи саволимизга қайтайлик. Ўткир Ҳошимов асарларига бундай “телба-тескари” кимса нега киритилган? Бизнингча, муаллиф уларни шунчаки асарни “бойитиш” учун эмас, ҳаёт воқелигини чукурроқ акс эттириши учун роман ва қиссаларига олиб кирган. Бунаقا девонаи ҳақгўйлар ҳаётда бор ва асарларда ҳам бўлиши лозим. Дарвоқе, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобида адабнинг ўзи бу саволга аниқ жавоб берган: “Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Нима учун энг теран фалсафий асарда кўпинча телба қатнашади? Нима учун энг жиддий асарда масхарабоз ўралашиб юради? Файласуфнинг етти ухлаб тушига кирмаган доно фикрини телба билмайди, деб ўйлайсизми? Дунёнинг устуниман, деб юрган азаматлар ўлашга ҳам қўрқадиган ҳақиқатни масхарабоз айтмайди, деб ўйлайсизми?”

Демак, Ўткир Ҳошимов “Довдирлар кимга керак?” деган саволга аввалдан жавоб топиб қўйган ва ўз асарларида “телбалар”нинг “донолар”дан кўра анчайин донороқ эканини тасвирилашга муваффақ бўлган.

Ўлмасхон ҲОШИМОВА,
2003 йил



Ижодкорнинг аёли бўлиш осон эмас...

“Бекажон” газетаси мухбири Умид Али билан суҳбат

– Ўлмас опа, ўзингизни мухлисларга яқиндан танишишсангиз...

– Тошкент Давлат университетининг филология факультетини битирганман. Касбим – тил-адабиёт ўқитувчisi. Университетни битиргач, аспирантурада ўқиб, номзодлик диссертацияси устида ишлай бошладим. Бироқ шарорит тақозоси билан илмий ишимни охиригача етказишнинг иложи бўлмади. Мен бунга ачинмайман. Кўп йиллардан бери 1-Тошкент педагогика колледжининг аҳил, оқибатли жамоасида ишлаб келмоқдаман. Касбимни, фидойи жамоамизни жуда қадрлайман.

– Ўткир ака билан илк учрашувиңгиз ҳақида сўзлаб берсангиз...

– Биз битта факультетда ўқиганмиз. Ўткир акангизнинг биринчи китоби учинчи босқичда ўқиётганида нашр этилган. Тўртингчи босқичда эса “Чўл ҳавоси” асари эълон қилинди. Абдулла Қаҳҳордек қаттиққўл устознинг бу асарга юқори баҳо бериши ёш адабни бир лаҳзада машхур қилиб юборган. Оддий талабанинг каттагина асари эълон қилиниши, кўпчилик назарига тушиши ҳар доим ҳам бўлавермайди. Адид бошқа курсдошларидан фарқ қилас, ҳар хил давраларга қўшилмас, талабаларнинг йиғинларида иштирок этмас, дарслар тугаши билан шошилиб кетиб қолар эди. Шунинг учун уни бир қадар жиддий, ҳатто анчайин мағрур деб ўйлашарди. Тўртингчи босқичда ўқиётганимизда Бўка туманига пахта теримига бордик. Шунда Ўткир Хошимов бошқалар ўйлагандек мағрур, одамови эмас, камтар, ҳатто ўта камтар, дилкаш одам эканини ҳис этдим. Бошқаларга кўп қўшилмаслиги, дарсдан чиқа солиб кетиб қолишининг

сабаби эса бошқа экан. Оилавий ахволи анча танг бўлгани учун аввал сиртқи бўлимда ўқиб, турли газеталарда хат ташувчи, мусахҳих бўлиб ишлаган, кейинчалик кундузги бўлимда ўқиётганда ҳам “Тошкент ҳақиқати” газетасида адабий ходим бўлиб ишлар, ҳам ўқиши, ҳам ишни эплаш учун тиним билмас экан... Хуллас, пахта теримига боргани-миздаги сұхбатлар бизни руҳан яқин қилиб қўйди.

– *Ижодкорнинг аёлига қийин дейишади.*

– Бу гапда жон бор. Ижодкорнинг аёли бўлиш осон эмас. Адибнинг ўзи баъзи учрашувларда “менга ўхшаган, бир гап камлик, иккитаси кўплик қиласидиган одам билан шунча йил чидаб яшаётган аясига раҳмат”, – деб қўядилар. Шукр.

Адип асар ёзаётганда, айниқса, йирик асар ёзаётганда анча инжиқ бўлиб қоладилар. Бундай пайтларда ҳатто митти набираларимизгача “додажониси” ишлаётгани, уларга ҳалақитбериш мумкин эмаслигини билиб, шўхлик қилишдан тийилиб қолишади. Оиламизда қатъий қоида шундай.. Шунча “чекланишлар” эвазига бизлар янги тугилган асарнинг биринчи ўқувчилари бўламиз.

– *Хаётингиздаги энг қувончли воқеа қайси?*

– “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”да бир гап бор. “Инсон боласининг ҳаёти шахмат таҳтасидаги пиёданинг юришига ўхшайди. Гоҳ оқ катақдан ўтади, гоҳ қора катақдан...” Ҳамма қатори менинг ҳаётимда ҳам нурли ва нурсиз кунлар бўлган. Кўп йиллар бирга яшаган инсон ҳаётидаги қувончли онлар, фарзандларимиз камоли, набираларни багримга босиб хузур қилиш, турли сафарларда кўрган фараҳли хотираларни энг баҳтли кунларим десам бўлади.

– *Ўткир ака “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”нинг дебочасида мазкур асарни Сизга бағишилаганини эътироф этган, бу китобнинг юзага келишида сизнинг ҳам ҳиссангиз бўлганми?*

– Бу масалада ёзувчилардан кўра шоирларнинг аёлларини омадлироқ дейиш мумкин. Биронта шоир йўқки, умр йўлдошига шеър ёзмаган бўлсин. Ўткир акангиз “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”ни менга бағишилаган эканлар, демак, шундай бўлиши керак, деб ҳисоблаганлар. Аслида шоирнинг аёли бирон сатр шеърни, адибнинг аёли бир саҳифа ҳикояни ёзишиб юбормайди. Ижод ўта шахсий жа-

раён. Аммо менимча, ижодкорнинг деярли ҳамма асаридан оиласи мухит, айниқса, умр йўлдошининг билвосита иштироки бўлади. Бу – ижодкор учун иложи борича қулай шароит яратиб беришга табиий интилиш самараси, шекилли. Бошқа асарларни билмадим-ку, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”да менинг ҳам озми-кўпми иштироким бўлса керак. Икки инсон ҳаётнинг аччиқ-чучукларини бирга тотгач, хоҳласа-хоҳламаса ўзи гувоҳ бўлган воқеаларни биргалиқда муҳокама қиласди, хulosалар чиқаради. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” эса адебнинг ҳаёт, жамият ва инсон ҳақидаги теран кузатувлари ва фалсафий хulosаларидан иборат. Уларнинг кўпини афоризм – ҳикматлар деса бўлади. Ундаги ҳар бир сатр йиллар давомида қандай туғилганини яхши биламан. Бу китоб узоқ йиллар яшашига ишонаман.

– *Ўткир аканинг қайси китобларини тақрор-тақрор севиб ўқигансиз?*

– Адебнинг ҳамма асарларини яхши кўраман. Негаки уларда қанча туйғу, қанча дард борлигини биламан. Неча бор тақрор ўқиманг, доимо янги фикр, дард, армон топасиз. “Баҳор қайтмайди”, “Нур борки, соя бор”, “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”, “Инсон садоқати” асарлари яна узоқ йиллар одамларни ҳаяжонга солади, деб ўйлайман.

– *Ўткир аканинг инсоний жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз.*

– Бир нарсага эътибор берганмисиз? Ўткир Ҳошимов асарларида самимият кўриниб туради. Сабаби бу инсон ўзи бениҳоя самимий, софдил. Ёлғондан ҳазар қиласиган, адолатсизликни кўрса ёниб кетадиган, Озод Шарафиддинов домла ёзганларидек, “бошига қилич келса ҳам, рости ни айтадиган” инсон. Афсуски, бундай одамларга ҳаётда осон бўлмайди. Одатда ҳақиқий ёзувчи ўз халқининг содик фарзанди бўлиши керак. Адебнинг ўзи бир ўринда “ёзувчи ҳақиқат, ягона ҳақиқат деб билган нарсани ёзмоғи керак”, дегани бежиз эмас. Бадиий асарлар-ку, ўз йўлига. Адебнинг “Муқаддас қасамни бузганлар”, “Қалбнинг оппоқ дафтари” мақолалари, “Дўстлик ҳурматдан бошланади”, “Мантиқ қани?”, “Давлат сири”, “Менга нима?” бадиаларининг ўзида қанча дард, қанча шижоат бор.

Оиламиз табиатан ортиқча ҳашамларсиз, “бировдан олдин, бирордан кейин” дегандек, оддий яшашга ўрганған. Аканғиз фарзандларга, айниқса, набираларга жуда меҳрибонлар. Болаларға ҳатто баланд овозда ҳам гапирамагилар. Уларнинг бир гаплари доимий шиоримизга айланған: “Оилани муқаддас деб билмаган одам учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ”.

– *Орзу-армонларингиз ҳақида фикрлашсак.*

– Набираларимизнинг камолини, тўйларини кўрсак, набира қуёвнинг пешонасидан ўпид қутласам, набира келиннинг қўлидан бир пиёла чой ичсам... Аллоҳ шу кунларга етказсин.

– *Газетамизга тилакларингиз.*

– “Бекажон”нинг доимий мухлисиман. Ўткир акангизнинг бир гапи бор: “Аёл шундай жумбоқлар китобики, ҳали ҳеч ким уни охиригача ўқий олган эмас”. Ниятим, газетангиз “Жумбоқлар китоби”нинг янгидан-янги саҳифаларини ёритиб борса...

2006 йил, март



Ўткир Ҳошимов учун қадрли икки асар

“JannatMakon” журнали мухбери
Мавлуда Тошпўлатова билан суҳбатдан

“Баҳор қайтмайди”, “Дунёнинг ишилари”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар”... Бизни аллақачон ўзига асир этган бу таниши номлар замирида не-не инсонлар тақдиди, баҳт ва фожиаси мужассам. Уларнинг ҳар бири ҳаяжон ва завқ билан ўқишига лойиқ. Уларнинг ҳар бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов истеъдодининг ёрқин ифодасидир. Биз адабнинг кўплаб қаҳрамонларини ёддан биламиз. Лекин уларнинг дунёга келиши нечоғли маشاққатли эканлигини, умуман, ёзувчи дунёсию инжиқ табиатини ҳаммадан кўпроқ биладиганлар – унинг яқинлариидир...

– Ёзувчи билан яшашиб масъулиятини қачон тушуниб етгансиз? Бунга бирор воқеа сабаб бўлганми?

Ўлмасхон Ҳошимова: Ёзувчи билан яшашиб масъулиятини олдиндан билардим. Кишида ижод жараёни бошланган пайт оламдан узилиш содир бўлишини бирга ўқиб юрганимиздаёқ ҳис қиласдим. Ўзи билан ўзи банд бўлиб қоларди. Хаёлпараст, инжиқ, тажанг одамга айланарди – буни билардим, лекин бирга яшашиб давомида бу анча чуқур эканини ҳис қилдим. Университетни битирганимдан кейин мени аспирантурага тавсия этишди. Аспирантурада ўқиб юрган пайтимда, илмий ишимни тугаллаш олдидан фарзандли бўлдим. Ҳам фарзандга қарапдим, ҳам Ўткир акага. Бу кишининг ўзи ўнта болага татийдиган одам...

– Ўткир Ҳошимовни ота сифатидаги эътиборли томонларини нималарда кўрасиз?



Ўлмасхон Ҳошимова: Очиги, мен ҳамма оталарни шундай бўлишини истардим. Чунки Ўткир ака болаларга ўта меҳрибон, эътиборли, керак пайтида талабчан бўлиб, ўта қаттиқўллик қиласидилар. Бизда ҳам кўпчилик ўзбек оилалари каби ота шахси, ота мавқенини биринчи ўринда тутиш анъана бўлиб қолган. Қайнонам болаларга “Дадангни нарсаларига тегмагин”, деб ўргатганлар. Мен ҳам ижод жараёнида, дадангиз ишлайтилар, десам, улар оёқ учida юришади...

Қаерга борсалар, ҳеч бўлмагандага битта дафтар кўтариб келадилар, бундан болалар курсанд, демак, ота уларни қаерда бўлса ҳам унумтаган... Оила бошлиғи сифатида жуда сезгирлар. Рўзғорнинг нима тақчил жойи бўлса, кечаси шундок бир айланиб чиқадилар, эртасига ҳамма нарса бадастир бўлиб тўлиб қолади.

— Ёзувчининг асарини биринчи бўлиб ким ўқийди?

Юлдуз Ҳошимова: Асарни ёзиб тамом қилганларидан сўнг ҳаммамизга ўқиб берадилар. Лекин ўзларига ёқсагина кўрсатадилар. Ёқмаса, ё йиртилади, ё ёқилади... Унгача ҳеч кимнинг назари тушиши мумкин эмас. Бизнинг танқидий фикрларимизни эса оғриқсиз қабул қиласидилар. Фикрларимиз инобатга олинганини кейинги таҳрирдан сезамиз. Ҳали кичкина пайтимиизда ҳам оддий, ақлимиз етган ўринларда, масалан, болалар ўйини тасвирланган жойи бўлса, ундей

эмас, болалар бундай гапиришади, дердик, шу билан асарга тузатишлар киритиларди...

Фаррұх Ҳошимов: Фақат ўқувчи сифатида қабул қылсақ, яхши бўларди-ку-я, лекин биз ижод жараёнидаги бевосита иштирокчи сифатида қолганимиз учун ҳар бир асар қанча машаққат билан яратилган, қанча меҳнат сарфланган, уни баъзан таранг асаблар эвазига ёзилганини ҳам жуда яхши биламиз.

– *Отангиз билан кўпроқ қайси бирингиз тил топиша оласиз?*

Юлдуз Ҳошимова: Дадам билан гаплаша олиш маҳорати акамда кўпроқ бўлса керак. Акам ўта вазмин, ўта юмшоқ ва қачон қанақа муомала қилиб, қайси гапни гапириш кераклигини яхши билади. Кўпинча дадам унинг гапига қулоқ соладилар. Мен озгина ҳиссиётга берилганим учун баъзан мавриди бўлмаган пайтда ҳам қайси дир гапларни айтиб қўйман. Ўша пайтда бу дадамга ёқмаслиги мумкин (кулиб), маълум бир вақт ўтгандан кейин барибир ҳақлигимни тан оладилар...

– *Отангизнинг рағбати ва жазолари ҳақида гапириб бера оласизми?..*

Фаррұх Ҳошимов: Ота-она ўз фарзандини қандай жазолай олиши мумкин? Отам бизни ҳар қандай шароитда ҳам тушуниб келганлар. Жазолашга келсақ, агар биз ота-онамизни билиб-бilmай ранжитган бўлсақ, шунинг ўзи биз учун энг катта жазо. Дадам ҳар доим бизга меҳр билан, ҳатто, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлганлар. Агар мен фарзандларимга дадам бизга берган ўгитларни етказа олсан, дунёдаги энг баҳтли ота бўлдим, дея оламан.

Юлдуз Ҳошимова: Дадамнинг ўзларини тутишларию, биз билан гаплашиш оҳангларининг ўзи бизларни жуда тартибга солиб қўярди. Дадам бизга бақирганларини эслай олмайман. Қўл кўтарган ҳолатлари умуман бўлмаган, лекин кичкиналигимизда дадамга ёқмайдиган иш қилиб қўйсақ, битта қарашларининг ўзи бизни тамом қиларди. Ҳархолда анча-мунча қаттиққўл одамлар... (қувноқ оҳангда). Болалигимиизда дадам асар устида ишлаётган пайтларда оёқ учida юрардик, ҳатто радио, телевизор – ҳеч нарса қўймас эдик, неваралари эса ухлаб ётганларида ҳам қий-чув қилиб те-

паларига югуриб кириб, устларигача чиқиб, “эртак айтиб беринг”, дейишса, уйқудан уйғониб уларнинг истагини бајарадилар. “Ёмон тўпалончисизлар-да”, деб уришгандай бўладилар-у, яна ҳазил қилиб, кулиб қўя қоладилар. Уйда ҳеч ким болаларнинг эркалигу шўхлигини дадамчалик кўтармаса керак!

– *Отангиздаги Сизни ҳайратга соладиган учта сифат ҳақида айтиб беринг.*

Фаррух Ҳошимов: Энг биринчиси – ростгўйликлари. Бу хислатлари дадамга қанчалик қимматга тушишини, баъзан қийинчиликлар туғдиришини ич-ичимдан ҳис этаман. Иккинчиси – камтарлик. Дадамнинг бу хислатларини жуда хурмат қиласман. Учинчиси – сабр-тоқатли эканликлари. Ҳаётнинг пасту баландидан қандай ўтиш кераклигини дадамдан ўргансам бўлади.

– *Ўткир Ҳошимовнинг ўқувчилари билмаган томонлари ҳақида ҳам гапириб бера оласизми?*

Юлдуз Ҳошимова: Дадамни кўпчилик оғир-босик, вазмин, ҳар қандай ҳолатда ҳисиётларига эрк бермайдиган одам, деб ўйласа керак. Бу тўғри, лекин жаҳллари чиқса борми... Бунга фақат ноҳақлик ва адолатсизлик сабаб бўлиши мумкин. Нафақат ўзларига нисбатан, балки қаердадир, кимгадир нисбатан адолатсизлик қилинганини эшитиб қолсалар, жудаям жигибийрон бўладилар. Биз уларнинг асабларини тинчлантиришга уринамиз. Кейин, дадамнинг сезгилари жуда кучли. Мабодо оила-аъзоларидан бирорига нимадир бўлса, буни ҳатто узоқ масофадан туриб сезадилар, хавотирга тушадилар. Баъзан жizzакилик қилиб, кимнидир ҳафа қилиб қўйсалар, ўша одамдан ҳам кўпроқ ўзлари қийналадилар. Яхши гапириб, унинг кўнглини оладилар. Дадамда андиша кучли.

– *Отангиз ишончини қай дараражада оқлай олгансиш?*

ЎТКИР ҲОШИМОВ: – Рухсатингиз билан бу саволга мен жавоб берганим маъқул. Кўп учрашувларда: “Ўзингиз учун энг севимли асарингиз қайси?” деб сўрашади. Бу саволга ярим ҳазил билан менинг иккита қадрли асарим бор: бири – Фаррух, бири – Юлдуз, деб жавоб бераман. Аслида ҳам шундай. Дунёга келиб топган энг катта бойлигим – Худо берган фарзандларим. Ҳар ким ҳам шундай деса, ажабмас.



арга болалигиданоқ нонингни йўқотсанг, йўқот, номинг-
и йўқотма, деб ўргатганимиз тўғри бўлган экан. “Даф-
р ҳошиясидаги битиклар” китобида “Фарзандларимга
итлар” деган алоҳида туркум бор. Мана шулардан бири:
уш бўлиб осмонда учма, тошбақа бўлиб ерда судралма. Да-
хт бўл! Боинг осмонда, оёғинг ерда бўлсин!” Ўғлимнинг
мтар ва меҳнаткашлиги, ота-онага меҳрибонлиги, бир
шга киришса, сабот билан ҳаракат қилиши, қизимнинг би-
имли, тиришқоқ, ўта изчиллигидан хурсандман. Беш нева-
м эса қалбимнинг энг нурли митти юлдузлари!..

2003 йил

Ўн иккинчи боб

Этиграф



Ўзингга яқин ва қадрдон одам ҳақида бирон гап айтиш шунчалар қийин бўлишини билмас эканман. Ҳар куни кўришадиган, неча марталаб гаплашадиган дўстингнинг фазилатлари сенга жуда оддий бир нарса бўлиб қоларкан. У саҳиими, баҳилми, бағри кенгми, феъли торми, дўстига вафодорми, бирорвнинг қайғусига қайғудоши, негадир эътибор бермас экансан. Бу ҳаммага хос одат-да, деб кўяқоларкансан.

Истеъдодли, аллақачон ҳалқ меҳрига сазовор бўлган ёзувчи Ўткир Ҳошимов тўғрисида бир нима ёзай, деб шунча уринаман, қани бирон сатр ёзолсам.

Бир донишманд агар азamat чинорни бўй-басти билан кўраман десанг, сал наридан туриб қара, агар ёнидан қарасанг, унинг фақат бир бўлагини кўрасан, узоқдан қарасанг, бутун салобати билан кўрасан, деган экан. Бу жуда доно гап. Рассом ҳам ярататтган асарини неча марталаб, орқага бир-икки қадам чекиниб кузатади.

Мен ҳам Ўткирни сал наридан туриб кўрмоқчи бўлдим... Ана шундан кейин мўъжизага ўхшаган бир ҳолатни сездим. Мен унчалик писанд қилмаган, баъзан назаримга илмаган ёзувчи бола кўз олдимда юксалиб, чинакам санъаткорга айланди. Энди мен уни бор бўйи билан, жами фазилатлари билан, ўзбек адабиёти ривожига, мустақил жумҳуриятимизнинг камолига қўшаётган муносиб ҳиссаси билан аниқ кўра бошладим.

Агар сиз унинг китобларини диққат билан ўқисангиз, ижоди ҳалқ ҳаёти билан нақадар ҳамоҳанг эканига, саҳифалар қатидан нечалаб инсонлар тақдири бош кўтариб чиқишига гувоҳ бўласиз. Унинг ёзганлари афсона ҳам, эртак ҳам эмас. Соғ ҳақиқат. Китобхонунда ё отаси, ё акаси ва ё яқин бир кишиси билан учрашади. Уларнинг кураш ва меҳнатда ўтган тарихларига рўбарў келади. Оламдан ном-нишонсиз ўтиб кетган, аммо шон-шараф билан яшаган кишилар кўз олдимизда пайдо бўлади. Уларнинг қувончларидан кўксимиз қалқиб-қалқиб кетади, ғаму андуҳларидан кўзларимиздан ёш тўкилади.

Ўткир Ҳошимов ҳалқимизнинг фидойи, ростгўй ёзувчи-си сифатида ҳамиша ўз мавзуи бўлиб келган ҳалқ ҳаётини

узлуксиз кузатади ва унда айтиш ниҳоятда зарур бўлган нуқталарини қаламга олади.

Ўткир фақат талантли ёзувчигина эмас, ажойиб дилбар инсон ҳамдир. Мен у билан жумҳуриятимизнинг ҳамма вилоятларини, туманларини неча мартараб айланиб чиққанман. Қаерга бормайлик, уни одамлар ўраб олади, китобларидан олган таассуротларини тўлиб-тошиб гапириб берадилар ва албатта, у билан дўст-қадрдон бўлиб қоладилар. Унинг сұхбатига орзуманд бўлганлар доираси борган сари кенгайиб бораверади. Эсадалик учун суратга тушиш ниятида фоточини чақириб келадилар. Айниқса, ёш китобхонларнинг шундоқ машҳур ёзувчи билан сұхбатлашганларидан кўзлари яшнаб кетади.

Мен Ўткир Ҳошимовни жасоратли, қўрқмас, ҳақиқатни хар қандай шароитда ҳам айта оладиган ёзувчи деб атадим. Бу таъбиримни иккиланмай ҳар ерда дадил айта оламан. Бор бўйини кўрмоқ учун сал орқага чекиниб туриб Ўткирга қарадим. Шунда неча йиллар бирга ижод қилган, бирга сафарларда юрган қадрдонимни бўй-басти билан, ўзини ардоқлаган ҳалқига қилган хизматлари билан аниқ кўрдим. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ. Шу пайтгача менга оддий ёзувчи бўлиб кўринган бир ижодкор тўғрисида шунча гап биларканман, билганларим шунчалар кўп эканки, сизга фақат бир шингилинигина гапириб бердим, холос.

“ИЖОД ВА ЖАСОРАТ” мақоласидан

**Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, профессор**

Ўткир Ҳошимов – эл ардоқлаган адаби. Унинг баҳти шундаки, у адабиётга кириб келганидан бери ижодда фирромлик ва мўлтонилик йўлидан юрмади, виждонига хиёнат қилмади, истеъдодини шахсий манфаатларига қурбон қилмади. Унинг қалбига қулоқ солмай, виждонига хилоф равишда ёзган, ёлғонга ва ёмонликка хизмат қилувчи ёки китобхонни лоқайд қолдирувчи биронта асари йўқ.

Ўткир Ҳошимовнинг ижодий қиёфасини тўлароқ чизмоқ учун унинг “Шарқ юлдузи” журналида бош муҳаррир сифа-

тидаги фаолиятини ҳам жиндай бўлса-да ёритмоқ лозим. Гап шундаки, журналлар, айниқса, ижтимоий ривожланишнинг муайян босқичларида жуда катта роль ўйнайди. Бундай ҳолларда улар умумхалқ манфаатига хизмат қиласи, бутун миллатни улуғ ғоялар теварагига бирлаширади, ҳақиқат ва адолат минбарига айланади. Бир сўз билан айтганда, журнал миллий тараққиётнинг байроқдори бўлиб қолиши мумкин ва айнан шу сифати билан у халқнинг ўз-ўзини танишига йўл очиб, уни ғофиллик уйқусидан уйғотмоғи мумкин.

Ўткир “Шарқ ўлдузи”га 1985 йили, яъни, советлар юртида бошланган қайта қуриш билан бирга келди. Бироқ қайта қуришнинг энг асосий самараси деб ҳисобланган ошкоралик, ижод эркинлигининг тўла эмас, қисман даражада жорий бўлиши ҳам бизда бениҳоя қийин кечди. Ўткир Ҳошимовнинг ҳам ҳар қандай бош муҳаррир каби журналдаги биринчи ва энг муҳим вазифаси яхши асарларни юзага чиқариш эди. Аммо шу муҳим вазифани бажаришда у минг хил тўсиқларни енгишга, минг хил чиғириқлардан ўтишга мажбур бўлди. Ўткирнинг саъй-ҳаракати билан журналда Куръони каримнинг ўзбекча таржимаси, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоҳёр асарлари, “Темур тузуклари” босилди. Албатта, ўша йилларнинг ошкоралиги бўлмаса, бундай асарларнинг босилиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Шундоқ бўлса ҳам, бу саналган асарларнинг ҳар бири жуда шиддатли курашлар оқибатида дунё юзини кўрди. Масалан, Пиримкул Қодировнинг “Авлодлар довони” романи терилган жойда икки марта тўхтатиб қўйилди, катта маҳкамадаги “доно” раҳбарларга бу роман ёқмади, чунки у Бобурнинг ўғли Хумоюн ҳақидаги, унинг бошқа фарзандлари образини чизадиган роман эди. Романда ҳинд ва ўзбек халқларининг дўстлиги ҳақида оташин гаплар айтилган, асар бошдан-оёқ гуманистик ғоялар билан сугорилган бўлса-да, шоҳлар ва шаҳзодалар қаҳрамон қилиб олингани учун “қалтис” ҳисобланарди. Романнинг фойдали ва керакли эканини катталарга тушунтириб, ижозат олгунча Ўткир қанчадан-қанча раҳбарга совуқ кўринди. Қай бир мансабдорнинг гапини қайтарди, улар билан айтишишдан чўчимади.

Ёхуд Чўлпон асарларини нашр этиш масаласини олайлик. Бу шўрпешона шоир 1956 йили тўла оқланган бўлса-да, қайта қуриш йилларида ташкил қилинган маҳсус комис-

сия асарларини босиш керак деган қатъий хулоса чиқарған бўлса-да, Марказий Қўмитадаги “ака”лар “Кечава кундуз” романини эълон қилишга икки йил розилик бермадилар. Бунда ҳам бош муҳаррир казо-казо мажлисларда романни эълон қилмаса бўлмаслигини тушунириб, раҳбарлар тутган йўл замон руҳига бутунлай зид эканини исботлаб, том маънода жанг қилишга мажбур бўлди. Шундан кейингина муайян қисқартиришлар билан, Чўлпоннинг “хатолари”ни халқка тушунирадиган маҳсус мақола билангина романни босишга рухсат берилди.

Ўткир Ҳошимовнинг бош муҳаррир сифатида иккинчи вазифаси ҳам бор эди. Бу ҳам ўта муҳим ва ўта қийин вазифа – бош муҳаррир адабиётнинг манфаатини ўйласа, китобхонни ҳамиша юксак санъат асарлари билан таъминлаб туришни ўйласа, унда муайян характердаги асарларнинг босилишига йўл қўймаслиги керак. Гап шундаки, мутлақо истеъоддога эга бўлмаган, баъзан саводи оддий бир дуойи салом ёзишга ҳам кифоя қилмайдиган одамлар баъзан “ёз-ёз” васвасасига тушиб қолишади. Бундай ҳолларда улар жазавага тушиб, бир зумда юзлаб сахифаларни қоралаб ташлайдилар. Уларнинг ёзганини лоақал тўрт бетини чидаб ўқиб чиқолмайди киши. Бироқ бу билан ўзларининг иши йўқ. Уларнинг назарида ёзган нарсалари дохиёна асарлар, кимда ким буни фаҳмига етмаса, ўзидан кўрсин. Шундай қилиб, “асар” тайёр бўлгач, муаллиф уни қўлтиқлаб, журналга югурди. Чинакам жасоратли муҳаррир, албатта, унақа асарни босищдан бош тортади-ю, балога қолади...

Ўткир қўлидан келганича бунақаларнинг асарларини чиқармасликка ҳаракат қилди. Бироқ бу унга осон бўлгани йўқ. Асари қайтарилган адаб борки, ҳаммаси енг шимариб, Ўткирнинг устидан шикоятлар ва мактублар ёза бошлайди. Уларда Ўткирнинг устига ағдарилмаган фисқу фасод ва бўхтон қолмайди. Мен ўзим Марказий Қўмитада бир қалин “дело”ни кўрган эдим – унда Ўткир устидан ёзилган шикоятлар тикиб қўйилган экан. Салкам 500 сахифа! Бунга “Ёзидиган, вақт сарфлайдиган, бош қотирадиган бошқа одам, ёssa ёзавермайдими?” деб қўл силтаб қўяқолса бўларди. Бироқ совет замонида ҳар гал ариза тушганда, Ўткир катта идорага чақирилар ва у ерда ўзининг тую эмаслигини бошқатдан исботлар эди. Катта идорадагилар ҳам “Ўткирни

ўзимиз биламиз-ку, у бунақа эмас, аксинча, ёзган одамнинг ашаддий разил экани ҳаммага маълум, уни койиб, ҳайдаб солайлик-да, можарога нуқта қўййлик”, дейишмасди. Бинобарин, яна қанчадан-қанча изтироб, руҳий азоблар, ҳозирги замон таъбири билан айтсак, йўқ ердан орттирилган асаб-бузарлик.

Ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақиқат томонида туриш учалик осон юмуш эмас. Ўткир Ҳошимовда шундай феъл – ҳақпараматлик бор.

“ЭЛ АРДОҚЛАГАН АДИБ” мақоласидан

**Умарали НОРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор**

Адабиёт дунёсида “насрдаги тарона”, “насрдаги шоир” атамалари бор. Янги ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий билан Сайд Аҳмад ҳақли равишда прозанинг шоири деб ном олганлар. Замонавий ўзбек адабиётида Ўткир Ҳошимовни ҳам насрдаги шоир, етук асарларини эса насрдаги қўшиқ, тарона деб аташ мумкин. Илк қиссаси “Чўл ҳавоси” дан тортиб, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобига қадар барча асарларига хос муштарак жиҳат шуки, улар бетакрор, беназир сирли мусиқий оҳанг билан йўғрилган. Муаллиф қўлидаги қалам гўёки ёзмайди, балким қалами учидан сўзлар мусиқа сингари қўйилиб келади; унинг ҳикоя ва қиссалари шеърдек, достондек ўқиласди, улар якка созда чалингган дилрабо куйдек янграйди, романлари кўповозли симфонияни эслатади, ҳатто унинг бадиаларини, публицистик мақолаларини ўқиганда инсон кўнгил ҳазинасининг, туйгуларининг хилмалил жилолари мужассам, оддий майший кечинмалардан тортиб улкан ижтимоий мушоҳадалар, кескин руҳий драмалар, фожиалар, қабоҳатлар ҳақида қалам тебратганда ҳам нафосат туйғусини асло тарк этмайди, гоят тифиз лавҳаларда ҳам ажиб самимият, ҳазин ва нурли бир кўй акс-садо бериб туради. Ўткир Ҳошимов насрини китобхонга манзур қилган жозиба сирларидан бири шунда.

“НАСРДАГИ ШОИР ёхуд РУҲИЯТ МАНЗИЛЛАРИ”
мақоласидан

Китобхон “узоқ йиллар эслаб юрадиган асарлар ёзиш” – Ўткир Ҳошимовнинг ижоддан кузатган мақсади ва орзуси. У кўп йиллар ана шу орзусига эришгандай. Олтмишинчи-етмишинчى йилларда ёзилган қиссалари, романлари, ҳикоялари, гарчи ўқувчи тубдан ўзгарган бўлса ҳам, ҳамон ўқилади. Бу асарлар ўз самимияти билан янги замон ўқувчиларини ҳам ўз кўри, ўз алангаси атрофига чорлади. “Узоқ замонлар эслаб юриладиган асар...” – қандай яхши сўз бу ва қандай олижаноб орзу бу.

Ҳеч ким бунга ўқувчининг ихтиёридан ташқари мұяссар бўлолмайди. Ҳар қандай зўравонлик бу ерда кучсиз. Ҳар қандай бежама бу ерда увол. Ўткир Ҳошимов яна “асарнинг эгаси – ўқувчи” деганида нақадар ҳақ. Ўткирнинг асарлари олтмишинчى йилларда ҳам биз tengdochlariini ўзига ром қилган. Ўша замонлар биз бу асарларнинг самимийлиги ва соддалиги, ўзбеконалигига меҳр қўйганмиз. Замон-замонлар оша XXI асрнинг ўнинчи йилларига етиб келиб уларни яна кўлга олганда, “Дунёнинг ишлари” ҳам, “Икки карра икки – беш” ҳам, эҳтирос билан ёзилган романлар ҳам бизга энди



Дастхат

жуда табиий асарлар бўлиб кўринмоқда ва табиийлиги билан яна меҳримизни, миннатдорчилигимизни янгиламоқда. Табиийлик деганда инсонга, ҳаётга, заминга, шу заминнинг об-ҳаволарига ўта яқинликни назарда тутамиз, албатта. Баъзи китоблар ҳалқ, миллат руҳини кўтаришга қодир. Уни янги ўзанларга буриш ва олиб киришга қодир. Сиз шу гап замира ида бирдан қайси асарларни эсладингиз, кўз олдингизга келтиридингиз? Сиз ўз мисолларингизни гавдалантириб туринг. Мен ҳам ҳозирги мавзуумиз доирасида айтай. Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, “Икки карра икки – беш”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби асарлари бизни яшашга чорлади, руҳимизни кўтарди, ўзимизга бўлган ишончни орттириди.

“ЁЗУВЧИ ВА КИТОБХОН” мақоласидан

Тўлқин РАСУЛОВ,
журналист

Одам бу дунёда дўстсиз яшай олмайди. Менинг ҳам дўст-биродарларим оз эмас. Шулар орасида энг сирдош, энг кадрдон, оғир-енгил паллада ёнма-ён турадиган дўстим Ўткир Ҳошимов. Мен унга ҳамиша “азиз дўстим” деб мурожаат қилишимнинг боиси шу.

1966 йилнинг иссиқ ёз кунлари эди. 26 апрел тонготаридағи қаттиқ зилзиладан кейин ҳам Тошкент замини бот-бот беланчакдек тебраниб, зилзила сони уч юз марта-дан ошиб кетган эди. Ўша пайтда “Ўқитувчилар газетаси” Пушкин кўчасидаги 1-уйда жойлашган бўлиб, “Правда Востока” кўчасидаги нашриётда чоп этиларди. Рўзнома тайёрланадиган куни навбатчиликка шу ерга келардик. Ўткиржон ишлайдиган “Тошкент ҳақиқати” рўзномаси нашриёт биносида, тўртинчи қаватда бўлиб, биз саҳифа ўқийдиган хона Ўткиржоннинг хонаси билан ёнма-ён эди, тез-тез дийдор кўришиб турадик.

Бир куни навбатчиликда эндинга сахифани ўқиб ҳам бўлгандим, Ўткиржон келиб қолди:

– Юринг, театр майдонига чиқиб, фонтан олдида бир шамоллаб келамиз, – деди.

Нимагадир Ўткиржоннинг руҳи паст, тажанг кўринарди. Ҳайрон бўлиб эргашдим. Иккаламиз Навоий театри фаввораси тўғрисида ўсган қайрағоч тагидаги скамейкага ўтиридик.

– Хафа кўринасиз? – деб оҳиста сўрадим.

– Э, дунёнинг ишларидан хафа бўлиб кетасиз, – деди сигаретни тутатиб. – Биласиз, уйга қарашай деб университетнинг сиртқи бўлимига кирдим, “Темир йўлчи”, “Қизил Ўзбекистон” газеталарида куръер бўлиб ишладим, тўртинчи курсдан кундузги бўлимга ўтиб, “Тошкент ҳақиқати”да ярим кун ишлаб, ярим кун ўқишга югурдим.

– Бу яхши-ку, Ўткиржон, – дедим тасалли бермоқчи бўлиб.

– Ҳа, яхши, – деди Ўткиржон чимирилиб. – Ўзингиз ўйланг, газетада ярим кун ишлаганимда, муҳарриримиз Аҳмаджон Исмоилов, бўлим мудири Назармат ака, “Сен ўзинг кимсанки, бунақа чиллаки ишлайсан”, деб бир оғиз танбех сўз айтишмади, ҳаммалари ҳурмат қилишади. Энди бўлса янги ташкил этилган “Тошкент оқшоми”га ўтиб ишлашим керак эмиш. Ҳозир Марказқўмга бориб келяпман, “Оқшом”га ўтасиз, дейиши.

– “Оқшом” жуда ўқишли газета бўлади, – дедим маслаҳат тарзида, – адабиёт-санъат бўлимими гуллатиб ишлайсиз...

– Ишлайман-ку-я, – деди Ўткиржон ҳамон куюнчак оҳангда, – аммо “Ҳақиқат”даги устозларимни ташлаб кетгим келмаяпти.

Ўшанда Ўткиржон нима учун “Тошкент оқшоми” газетасига ўтишни хоҳламаганини тушундим. Одатда одамлар мансаби бир погона кўтарилиб, маоши бирмунча ошса хурсанд бўлади-ку... Гап шундаки, Ўтири Ҳошимов андешали одам! “Тошкент ҳақиқати” раҳбарияти уни тушгача ишлаб тушдан кейин ўқишга югуришига, ҳатто бир ойдан ортиқ пахтага боришига ҳам рухсат берганини унутмаяпти, истиҳола қиляпти...

Дарвоқе, мен ҳам кўп ўтмай “Тошкент оқшоми”га ўтиб ишлай бошладим. Иккаламиз ўн олти йил бир қаватда, ёнма-ён хоналарда меҳнат қилдик. Ёзувчининг ўзига хос хусусияти – ниҳоятда тез, шиддат билан ишлайди. Бунинг боиси – у қўлига қофоз-қалам олганидан кейин эмас, ундан анча аввал ёзилажак нарсани пишишиб қўяди. Ўша йиллари чиққан “Оқшом”ни варақласангиз, “Очилов”, “Бозорбоев”, “Ҳамидов”, “Ҳамдамов” каби имзолар билан эълон қилинган

ўнлаб ҳажвияларни ўқишингиз мумкин. Буларнинг ҳаммаси Ўткир Ҳошимовники! Кўпларини Ўткиржон тўғридан-тўғри машинкага “диктовка” қилиб ёзган.

Адибнинг “Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга қулоқ сол”, “Нур борки, соя бор” каби роман ва қиссалари, саҳна ва телевидениеда намойиш этилган “Инсон садоқати”, “Тўйлар муборак”, “Хазон бўлган баҳор” каби асарлари ўша йиллари ёзилган эди. Мен буларнинг деярли ҳаммасини қўлёзмада ўқиганман. Муаллиф ижобий фикрни ҳам, танқидий мулоҳазаларни ҳам оғринмай қабул қилганини кўп бор кўрганман.

Ўткир Ҳошимовнинг саксонинчи йиллари телевидениеда олиб борган “Баҳс” кўрсатуви бутун мамлакатда машхур бўлиб кетди. Эсимда бор. “Баҳс”ни минглаб томошабин ҳамма ишини йиғишириб қўйиб кўтар эди. Сабаби – бу суҳбатларда Ҳақиқат деган тансиқ неъмат бор эди...

“АЗИЗ ДЎСТИМ” мақоласидан

**Умурзоқ ЎЛЖАБОЕВ,
филология фанлари номзоди, доцент**

Яқинда бир докторлик диссертацияси ҳимоясида қатнашишга тўғри келди. Диссертант, устозимиз Озод Шарафиддинов домланинг қизлари, ҳозирги кунда етук адабиётшунос олимларимиздан бири бўлган Мухаббатхон Шарофутдикова эдилар. Мавзу жуда муҳим ва миллий адабиётшунослигимиз учун ғоят долзарб бўлган “XX аср ўзбек романчилигининг ҳикоялаш тарзидаги ўзига хос хусусиятлар жаҳон адабиёти контекстида” деган муаммога бағишланган. Унда ўзбек адабиётшунослигига биринчилардан бўлиб миллий адабиётимизнинг айрим намуналари жаҳон адабиётидаги машхур асарлар билан қиёслаб текширилади ва баҳоланади. Мазкур ҳимояда ўтириб, аввало, мени қувонтирган ва гуурлантитрган нарса шу бўлдики, диссертацияда қадрдоним Ўткир Ҳошимовнинг баъзи асарлари XX аср бошларида янги ўзбек адабиётининг тамал тошларини кўйган А.Қодирий, Чўлпон каби буюк адибларимизнинг асарлари билан ёнма-ён қўйиб ўрганилади. Тадқиқотчининг

масалага бундай дадил ёндашувини Илмий Кенгаш аъзолари мамнуният билан қабул қилишди. Ҳатто беш бобдан иборат диссертациянинг иккита боби айнан шу ёзувчи ижодига бағишиланганига ҳам йигилиш қатнашчилари мутлақо табиий ҳодисадек, олдиндан шундай бўлиши керакдек муносабат билдиришди.

Ўша ҳимояда М.Шарофутдинова олдин билдирилган фикрларнинг биронтасини такрорламаган ҳолда юқоридаги икки романни янгидан кашф қилди, бу асарлар ўзбек романчилиги тараққиётини қанчалик юқори погоналарга кўтарганини ўтирганларга яхшилаб эслатиб қўйди, десак ҳеч муболага бўлмайди. Йигилишда ҳимоя қилувчига бир оз илмоқлироқ бўлган саволлар ҳам берилди. Шулардан бири “Сиз У.Фолкнернинг “Ўлар чоғимда” асари билан Ў.Хошимовнинг “Икки эшик ораси” романини солишитирар экансиз, уларнинг қайси бирини бадиийлик жиҳатдан устунроқ деб хисоблайсиз?” деган мазмундаги савол эди. Мұхаббатхон бу саволга “Афсуски, “Икки эшик ораси” романининг рус тилига таржимаси муваффақиятли чиққан деб бўлмайди. Шунинг учун диссертацияда асардан келтирилган парчаларини ўзим таржима қилишимга тўғри келди. Лекин ҳақиқатни айтадиган бўлсак, “Ўлар чоғимда”га нисбатан “Икки эшик ораси”нинг бадиийлик жиҳатдан устунликлари кўпроқ дейишга тўғри келади”, дея жавоб берди. Бу энди ёзувчининг бутун ижодига ҳам, тадқиқ этилган муайян асарга нисбатан ҳам берилган жуда юқори баҳо эди.

Одатда ҳар бир қалам соҳиби ўз ижоди давомида доимо юқорираб, юксалиб боришни орзу қилиб яшайди. Лекин бу орзуга эришиш осон ишлардан эмас. Чунки пировардида унинг ижоди маълум бир босқичларга, умр чегараларига етиб келганда бериладиган баҳо шу пайтгача қилган меҳнатига, изланишларига ва истеъдод даражасига қараб белгиланди. Назаримда, Ўткир мазкур Илмий Кенгаш йигилишида ўз ижоди ҳақида айтилаётган мулоҳазаларни эшишиб ўтирад экан, кўнглидан кўп гаплар ўтган бўлиши табиий. Буларнинг орасида Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддиновдек устозлари берган ўгитлар, кўрсатган йўл-йўриклар ҳам бўлиши мумкин. Ҳам ҳаётда, ҳам ижодда бошидан кечирган

анча-мунча қийинчиликлар ҳам шу кайфиятда неча бор ха-
ёлига келиб-кетган бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Барibir
қандай ҳолат ва вазият бўлмасин, у фақат бугунни эмас, бал-
ки эртани ҳам ўйлаб, унга умид билан қараб яшаганидан,
мехнат қилганидан ва бу меҳнатлари беҳуда кетмаганидан
ҳозир мамнун бўлиб ўтиргани шундоқ юзидан кўриниб ту-
пар эди.

“ЁЗУВЧИ ҲАЁТИДАН БАЪЗИ ЛАВҲАЛАР” мақоласидан

Алиназар ЭГАМНАЗАРОВ,
журналист

Ҳеч ёдимдан чиқмайди, 1968 йил баҳорида Абдулла Қахҳор вафот этганди. Бу хабар тарқалган куни эрталаб ўткир ишга келасолиб, Абдулла Қахҳор ҳакида мақола ёзишни бошлади. Тушга яқин мақолани тугаллаб, менинг олдимда Озод акага кўнғироқ қилиб, мақолани ўқиб бериб, имзосини қўйиш учун розилигини олди. “Мақола шу ҳолида бўладими ёки яна кучайтирайми?” деди у. Озод ака шошиб: “Йўқ, йўқ, шу етади!” дедилар.

Эртаси газетанинг биринчи бетида Озод Шарафиддинов ва ўткир Ҳошимовнинг “Халқ ёзувчиси” сарлавҳали мақоласи эълон қилинди. Кўплар “юқори”га ёқмай қолган Абдулла Қахҳор ҳакида бир оғиз гап айтишга кўрқиб турган паллада ўткир Ҳошимовнинг бундай қилиши бир томондан адабнинг жасорати бўлса, иккинчи жиҳатдан шогирднинг устоз хотирасига ҳурмати ифодаси эди.

“ЧЎЛ ҲАВОСИ”ДАН СҮНГ” мақоласидан

Қоғоздаги зилол чашма

(Ўзбекистон халқ ёзуви чини Ўткир Ҳошимовга мактуб)

Инсон меҳр учун яралган. Садоқат ва вафо, гўзалликдан баҳраманд бўлмоқ учун яралган. Йўлда дуч келган тўғонларни енгмоқ, умрнинг ориятли саҳифаларини тўлдирмоқ учун яралган. Ким қандай яшайдиу эл-юрга қандай хизмат қиласи? Бу ғоят мураккаб, айни вақтда улуғвор маъсулият.

Ана шу мураккабликнинг ечимини сизнинг ижоди-нгизда бир умр кўриб келдим, келмоқдаман. Бир умр де-ганимга сира ажабланманг. Чунки сизнинг газетада эълон қилинган биринчи ҳикоянгизу унинг дилкаш муҳокамаси, қўша-қўша қиссаларингизу романларингизнинг парвозлари кўзим ўнгиди бўлди. Устозларнинг сизга бўлган журматлари, ишончлари ва сизни эҳтиёт қилишлари кўз ўнгимда бўлди. Бу эъзозлар сизнинг катта баҳтингиз, катта масъулияти-нгиз эди. Сиз буни қадр қилдингиз, оқладингиз. Устозлар-нинг илиқ сўзлари, гоҳи рўйирост айтган танқидий фикрла-ри сизга фақат қанот берди, илҳом берди. Халқ ўртасидаги обрўйингизга обрў қўшилди...

Китоб жавонимдаги асарларингиз ҳамон менинг қадрдан дўстларим. Ёшлигимни соғинсан, жўшқин Ўткан қунларимни эсласам, уларни қўлга оламан. Улар ёшлигимдаги каби менинг сирдошим, маслақдошим, кўнгил юпанчим. Мен қаҳрамонларингиз билан ҳамон гаплашаман. Ҳамон улар-дан йўл-йўриқ оламан...

Яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” ингизни қайта нашр этганини эшитиб, уни кўрмоқча шошилдим. Китоб ичидаги бир-биридан асил, сермазмун гаплар кишини ўйлатади, мулоҳазага чорлайди. Уларнинг кўпи аксиома, демак, исбот талаб қилмайдиган гап. Ўзингиз айтмиш, уларнинг ҳар бири алоҳида асар.

Бир қатрангиз мени алланечук ҳолатга солди. Тўғрироғи, юрагимни эзib юборди. Эҳтимол, бу эскишаҳарлик бўлганим учундир. У бағри бу бағрига етмаган, болам-чақам деб, уларга ҳалол таом едирай, деб ўзи чўтирга айланган кишиларни болаликдан кўп учратганим учундир. Уни ўқиб, анчагача хәёлга чўмиб қолганим шундандир. Мана ўша қатрангиз: “У оддий одам эди. Ҳаммолчилик қиласарди. Тўрт киз, уч ўғилни оёққа турғазди. Ўғилларини уйлантирди. Қизларини чиқарди. Ҳаммасини уйли-жойли қилди. Кўз юмаётганида “Ҳаммаларингиздан мингдан-минг розиман” деди...

Қарашса, кафандиги йўқ экан...”.

Бир кун Дўрмонга, Ёзувчилар боғига таклиф этиб қолишиди. Устоз Иброҳим Раҳим билан ёш ижодкорларнинг илиққина сухбати бўлди. Лекин менинг эсимда қолгани ва ҳозиргача сақланаётгани икки муҳим гап бўлди: “Вақтнинг қадрига етинглар” ва “Ён дафтар тутинглар”. Вақтнинг қадрига қай дараҷада етдим, билмайману ўша кундан бошлаб кундалик дафтар тута бошладим. Ҳамон шу одатимни тарқ этмаганман. Ҳамон китоб, газета-журналлар ё радио, телевизор орқали керакли ё ўта маъқул фикрларни учратсам, унга ёзив қўяман. Билмадим, бу китобингиздаги қанча гапларнинг таги чизилгану қанчаси дафтаримга кўчирилганийкин?! Фарзандларингизга айтган сўзларингиз барча ота-оналарнинг сўзларидек жаранглайди. Урушлар ҳақидаги фикрларингиз, бугунги тинчлик кунларимиз учун шукроналикка чорлайди. Совет даврининг мудҳиши “хислатлари” тасвири-чи?

Китобчангиз шоир ё ёзувчи бўлишни орзу қилган, унинг азобли йўлларини босиб ўтишга шай турган ёш қаламкаш учун дарслик ўрнини ўтайди. Чунки ундаги ҳар бир лавҳа ижод жараёнининг у ёки бу томонини аниқ тасвирлаб беради. Ана энди нафақат улар, балки тил ва адабиёт оламида мутахассис бўламан деган муаллим, бўлажак адабиётшунос ва журналистлар ундаги ҳар бир гапни ён дафтарларига кўчириб олаверсинлар, мутолаа қилсинлар.

Ёки оддийгина “Чегара” қатрангизнинг таъсир кучини айтайми? У бир қанча боблик роман жавоб бериши мумкин бўлган катта бир саволга жавоб беради.

Эҳ, Ўткиржон, Ўткиржон! Барibir устоз Саид Аҳмад аканинг шогирдларисиз-да. Уларга садоқатингизни табассумли

тасвирларингизда изҳор этгансиз-қўйгансиз. Уларни қайта-қайта ўқиса ҳам тўймайди киши. Менда шу ҳолат юз берди: айландим – ўқидим, ўргулдим – ўқидим. Мириқиб-мириқиб кулдим. О, қанча енгил тортдим. Бугина эмас. Шундай ажаб устозларни қанчалик соғинганимни, кўмсаганимни ҳам хис эта олдим.

Дарвоқе, ҳурматли ёзувчим, китобингизда шундай сатрларингиз ҳам бор (уни атайлаб охирроғига қолдирдим, чоғи): “*Дараҳтнинг мева туғишига шай турган қанчадан-қанча гулларини совуғу шамоллар учириб кетгани каби умримнинг қанчадан-қанча онлари ҳасадгўйлар етказган жароҳатлардан оғринишу муноғиқлар бошлаган фитналардан изтироб чекиши билан бесамар ўтганига ўқинаман*”. Ўткиржон, сира-сира ўқинманг, ачинманг. Чунки бу – йўлдаги жанглар. Сизни йиқитишга уринган-у, лекин йиқитолмаган, ружингизни синдиришишга уринган-у, аммо синдиrolмаган жанглар... Эҳтимол, ана шундай одамлар ўзлари сезмаганлари ҳолда “мен”ингизнинг қадди-қоматли бўлишига ва ўзини яққол кўрсата билишига хизмат қилгандирлар.

Шундай қилиб... “Дафтар ҳошиясидаги битиклар”ни вараклар эканман, қулоғимда ажаб бир қўшиқ жарангларди. Бу инсон ва она тупроққа бахшида меҳр қўшиғи эди. уни сиз куйлардингиз. Ҳа, Ўткиржон, фақат бу асарингиздагина эмас, балки ҳар бир асарингизда қўшиқ куйлайсиз. Ўз оҳанги, ўз сўзи ва авжи бор қўшиқ. Бу қўшиқлар юрагингизнинг оппоқ қофозга тушган зилол чашмасидир.

Яйра Саъдуллаева

Ўткир Ҳошимов сабоқлари

Трамвайда ўтган талабалик

Ўткир Ҳошимов ўз хотираларида ғалати гап ёзди: “Талабалик – олтин даврим”, дейдилар. Менинг талабалигим унчалик ҳам олтинга тенг бўлган эмас. Навоий театрни бекати билан Хадра бекати орасида трамвайда қатнаш билан ўтган”.

Бунинг сабаби бор эди. Адібнинг ўзи бу ҳақда: “Отам бетоб, катта акам талаба. Кейингиси ҳарбий хизматда эди. Турмуш ночор бўлгани учун ишлашга тўғри келди”, дейди. Чиндан ҳам, бўлажак адид мактабни гарчанд медал билан битирган бўлса ҳам, сиртқи бўлимга кириб ўқишига мажбур бўлади. Мактабни битирган йилииёқ “Темирийўлчи” газетасида хат ташувчи – дастёр бўлиб ишлай бошлайди. Бу таҳририятдаги энг кичик лавозим эди. Шундай бўлса-да, ўша пайтда бу газетада муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлаган кекса журналист Асом Исҳоқов оддий куръернинг биринчи мақоласини ўқиганда “Ҳали кўрасизлар, бу боладан зўр ёзувчи чиқади”, деб башорат қиласди. Ўткир аканинг ўзи эса кейинчалик ёзган эсдаликларида буни бошқачароқ изоҳлайди: “Оиламга ёрдам бермасам бўлмасди. Мен ёзмаган нарса қолмади. Мақола ва репортажлар ҳам, хабар ва очерклар ҳам, шеърлар ва ҳатто кроссвордлар ҳам...”.

Шундай қилиб, у аввал “Темирийўлчи”да, сўнг “Қизил Ўзбекистон” газетасида хат ташувчи, мусаххих ёрдамчиси бўлиб ишлайди. “Тонготар ухламай сахифа ўқиган кезларимиз, – деб эслайди адид, – камгап, ҳатто ўта камтар дўстим Юнус Зиёдов билан вақти келиб бизлар ҳам катта одам, “катта ёзувчи” бўлиб кетамиз, деб орзу қиласдик...”.

Ўткир Ҳошимов университетнинг учинчи босқичини битиргунча сиртқи бўлимда ўқиб, ишлайди. Кейин уни яна қайтадан учинчи босқичга, кундузги бўлимга қабул қилдилар. Бироқ бўлажак адид ишдан бўшагани йўқ. “Тошкент ҳақиқати” газетасида адабий ходим бўлиб ишлаб, ўқишини давом эттириди. Агар ўқиш куннинг иккинчи ярмида бўлса, тонг саҳардан

бориб таҳририятнинг ишини қилар, ўқиш эрталабдан бошланса, тушдан кейин таҳририятга бориб, кечалари қолиб бўлса ҳам ўз вазифасини бажарар эди. “Талабалигим трамвайда ўтган”, деганда ёзувчи шуни назарда тутган. Қизиги шундаки, у ҳамма фанлардан аъло ўқир, учинчи босқич талабасининг “Пўлат чавандоз” деган китоби нашр этилган эди. Албатта, у бошқа курсдошлари билан турли давраларга, байрам кечаларига боришга вақт тополмас, аммо “яrim йўлдан қўшилган” бўлса ҳам тенгқурлари ундан бегонасирашмас эди. Бироқ ишлаб туриб ўқиётгани унга “панд берган” пайтлар ҳам бўлган.

Бўлажак адид университетнинг тўртинчи босқичида ўқиётганида уни стипендиядан ўчириб ташлайдилар. Ҳолбуки, барча имтиҳонларни аъло баҳога топширгани учун “оширилган стипендия” – 50 сўм олар эди (у пайтда бу катта пул эди). Талаба нега бундай бўлганини сўраса, ўринли ва жўяли жавоб берадилар: “Сиз газета таҳририятида ишлайсиз. Маош оласиз, қалам ҳақи оласиз. Узоқ-яқиндан келган гуруҳдошларингиз эса ишламайди, стипендия олмаса, қийналиб қолади. Баъзилари уч баҳога ўқигани учун стипендия ҳам олмайди...”.

Талаба-адид индамай чиқиб кетади. Қизиги шундаки, эртасига гуруҳдошлари унга жўяли маслаҳат бериб, шахсан факультет деканининг ўзига киришга ундайдилар. Ўша пайтлардаги декан таниқли олим Анвар Шомаксуд унинг нима мақсадда кирганини сўрайди. “Тўғри, мен ҳам ўқиб, ҳам ишлайман, – дейди Ўткир ака. – Аммо фанларни чукур ўзлаштиришга ҳаракат қиласман. Баъзилар яхши ўқимай, имтиҳонлардан ўрта баҳо олаётган бўлса, менинг айбим нима? Уларнинг ўқишдан бошқа ташвиши йўқ-ку?”

Декан ўйлаб туриб, талабани ўқишиям, ишниям эплаётгани учун “жазолаш” адолатдан эмаслигини тўғри тушунади ва стипендияни тиклашга буйруқ чиқаради.

Олийгоҳни битириш арафасида Ўткир Ҳошимов таниқли олим Воҳид Абдуллаевга ўзи мўлжаллаган диплом иши мавзусини таклиф қилиб кирганда, домла сўраб қолади: “Адаш масам, сизнинг китобингиз чиққанди, шекилли. Қолаверса, газета ва журналларда бир қанча қисса ва ҳикояларингиз эълон қилинган. Шуларнинг ўзи ижодий диплом эмасми? Биз талабаларни нега ўқитамиз? Ёзишни, ижод қилишни ўргатиш учун-ку!”

Домланинг маслаҳати билан Ўткир Ҳошимов ижодий диплом ёқлайди ва “аъло” баҳо олади.

Энг катта бойлик

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида Ўткир Ҳошимов “Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга қулоқ сол” каби қиссалари, ўнлаб ҳикоялари, драматик ва публицистик асарлари билан элга танилган, моддий жиҳатдан ҳам ўзини анча ўнглаб олган эди. Ёз палласи устознинг уйида ҳашар бор деб эшитиб, бир қанча шогирдлар биргалашиб бордик. Адиб ўзининг киндик қони тўкилган ота ҳовлиси ўрнида қурилган оддийгина уйда истиқомат қиласр эди. Шу уйининг эскириб, ишдан чиқсан томи алмаштирилаётган экан. Яна аввалгидек шифер билан. Хаёлимга келган савонни бердим: “Бир йўла тунука том билан ёпсангиз бўлмайдими, устоз? Ҳадеб шифер алмаштириб овора бўлиб юрмасдингиз...” Ўткир ака бир зум ўйлаб турдида, жавоб берди: “Болалигимда маҳалламиизда Афанди домла деган нуроний отахон бўларди. Домланинг кенжা ўғли Ҳикмат ака билан бирга ўқирдик. Бир куни уларнинг уйига бордик. Афанди домла гапдан-гап чиқиб, шундай деди: “Болаларим, Худо хоҳласа, сенлар униб-ўсиб катта бўласан, топармон-тутармон бўлиб уйлар қурасан. Ўшанда эсингда турсин: уй қураётганингда томингни қўшнингникидан бир қарич пастроқ қилиб ёп, токи қўшнингнинг кўнгли чўкмасин”. Томимизни тунука билан ёпиш масаласига келсак, мен уни тунука билан ёпиш имкони. Фақат, шу Наққошлик қўчасидаги ҳамма қўшни уйини тунука билан ёпса, мен ҳам шундай қиласман”.

Оддий китобхонлар севимли шоир ва адиларининг шахсий фазилатларини билишга қизиқиши табиий. Ўткир аканинг мен билган фазилати – ниҳоятда самимий ва камтар одам! Бу шунчаки намойишкорона камтарлик эмас, адид шахсининг қон-қонига сингиб кетган, ҳатто одат тусига айланган камсуқумлик. Балки бу бўлажак ёзувчининг оддий, ҳалол меҳнат билан кун кўрадиган оиласда туғилиб ўсгани учундир.

Одатда, йирик адид ва шоирлар фақат ижодкор эмас, ижтимоий шахс сифатида ҳам фаолиятлар кўрсатадилар. Ўткир Ҳошимов ҳам бундан мустасно эмас. У бир неча йил

Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади. Ўн йил давомида мамлакатимизнинг энг йирик адабий журнали – “Шарқ ўлдузи”га бош муҳаррирлик қилди. Марказкомнинг бюро аъзоси бўлди. Ўн йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси сифатида фаолият кўрсатади. Қатор қонунлар лойиҳасини ишлашда фаол иштирок этди. Оддий инсонларга кўлидан келганча ёрдам берди.

Мексика, Америка Кўшма Штатлари, Куба, Австрия, Словакия, Швейцария, Хиндистон, Покистон, Хитой, Бангладеш ва бошқа мамлакатларда бўлиб, расмий ва норасмий йигинларда қатнашди. Ўзбекистон деган гўзал, мустақил юртнинг бой тарихи, бағрикенг ва меҳнатсевар ҳалқи ҳақида, мамлакатда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган тарихий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилди. Адабнинг бир сафар ҳақидаги таассуротини эшитган кишининг ҳаяжонланмай иложи йўқ.

– Расмий сафар билан бир неча кун чет элда бўлишимга тўғри келди, – дейди адиб. – Албатта, дунёда гўзал мамлакатлар, чиройли шаҳарлар кўп. Аммо одам қаерга бормасин, ҳафта ўтмай, ўз юртини соғиниб қолади. Шундай қилиб, аввал Германияга учдик. Ундан Атлантика океани устидан Америкага училди. Бир неча кун расмий йигилишларда бўлиб, яна Европага – Швейцарияга учдик. Бу ерда ҳам йигилишларда иштирок этилди. Сўнг Англияга бордик. Лондонда дунёдаги энг катта аэропортлардан бири – Хитроудан Тошкентга учдиган бўлдик. Ҳаво кемаси гуриллаб ишлай бошлиши билан самолётда шундай сўзлар янграйди: “Ассалому алайкум, хонимлар ва жаноблар! Сизларни “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси номидан муборакбод этамиз!” Бу сўзларни эшитганда кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди! Тасаввур қилинг: она Ватанимдан минглаб чақирим нарида, юзлаб чет элликлар – инглизлар, ҳиндилар, бенгаллар ўтирган самолётда менинг она тилимда айтилган сўзлар жаранглайти! Биргина мана шу ҳолатнинг ўзи учун Мустақилликка минг карра таъзим қилишга тайёрман!

Ёзувчининг бу эътирофида чуқур ҳақиқат бор!

Давлатимиз, муҳтарам Юртбошимиз бошқа ижодкорлар қатори Ўтирик Ҳошимов меҳнатларини ҳам юксак баҳолади. Адиб Давлат мукофоти, қатор адабий мукофотлар соврин-

дори бўлди. “Меҳнат шуҳрати”, Ватанимизнинг энг юксак нишонларидан бири – “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланди. “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвонини олди. Бундай эътибор учун адаб фаҳрланади ва миннатдорлик изҳор қиласди. Ёзувчи ютуклар қаршисида эсанкираб қолмади. Феъл-авторида манманлик, калондимоғлик, мансабпастлик аломатлари пайдо бўлгани йўқ. Каттаю кичик билан аввал қандай муомала қилган бўлса, худди шундай самимий муносабати ўзгармади. Баъзиларда эса беписандлик, калондимоғлик “одат”лари пайдо бўлиши учун кўп нарса керак эмас. Бир кун Ўткир акага шуни айтган эдим, устоз кулимсираб, бир жумла билан жавоб қилди: “Начора, эси паст одамнинг димоғи баланд бўлади!”

Хотирамга мухрланиб қолган яна бир воқеа. Бир иили олий ўқув юртларидан бирида ёзувчи ва олимлар билан ижодий учрашув бўлди. Меҳмонлар президиум – саҳнага чиқиб бораётганида бир гурӯҳ талаба Ўткир Ҳошимовни ўраб олиб, дастхат ёздира бошлади. Адаб йиғилишдан кейин ёзиб бераман, дейиши ҳам мумкин эди. Бироқ кўнгли бўлмади, шекилли, беш-ўн дақиқа тўхтаб орқада қолиб кетди. Унгача меҳмонлар саҳнага чиқиб ўтиришди. Негадир битта курсини адигба қолдиришни унтишди. Чамаси, шошилинчада шундай бўлди. Адаб секин саҳнага чиқди ва ҳеч нима бўлмагандай энг орқада, бир четда турган курсига ўтириди. Шунда ўша даргоҳ одамларидан бири хушёрлик қилиб, ўзи ўтирган курсини кўтариб адабнинг ёнига келди ва ундан қуириқдан жой олди. Мажлис раиси меҳмонларга навбат билан сўз бера бошлади. “Сўз – Ўткир Ҳошимовга”, деганида зални тўлдириб ўтирган талabalар ёзувчини гап бошлашга қўймай, узоқ вақт қарсак чалиб турдилар...

Адабнинг “Саккизинчи мўъжиза” туркумida бундай жумла бор: “Мен учун энг катта бойлик – китобхон меҳри! Ўқувчи меҳрини ялиниб ҳам, зўравонлик қилиб ҳам, сотиб олиб ҳам бўлмайди! Худо шундан бегона қилмасин!”

Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўткир Ҳошимовда мана шундай бебаҳо бойлик бор.

Мурод Тиллаев,
“Тасвир” газетаси, 2009 йил, 46-сон

Юлдузлар билан сирлашган адіб

Халқ оғзаки ижоди узоқ вақтлар йиғилған халқ ҳәёти тажрибалари намуналари бўлиб, у кейинчалик инсон ҳәёти, характери, рухияти тасвирини бериш учун ёзма адабиётда ҳам кўл келади. Бу борада Лотин Америкаси ёзувчиси Хорхе Борхеснинг “Адабиётнинг боши ҳам, охири ҳам мифдан иборат”, деган фикри жуда тўғридир. Дарҳақиқат, ёзма адабиёт халқ оғзаки ижоди орқали мифологик тафаккур сарчашмалигира бориб тақалишини кўплаб адабиётшунослар яқдиллик билан эътироф этишган. Халқ оғзаки ижодининг ilk ҳазинаси қадимги одам ҳақидаги энг кўхна тасаввурлар мажмуаси, яъни мифологик қарашлар тизимидан озиқланиб, халқ оғзаки ижодининг ёзма адабиётга таъсири натижасида қадимий мифологик персонажларнинг бир қатлами ёзма адабиётга сингиб кетади. Бу ҳолни истеъододли ёзувчи Ўткир Ҳошимов ижодида ҳам кўриш мумкин.

Ўткир Ҳошимов “Дунёнинг ишлари” асарида кўплаб мифологик воқеаларни ўзига хос маҳорат билан қўллаш жараёнида ўз қаҳрамонининг ички ва ташқи олами ҳақида маълумот беради. Жумладан, асарда онаси билан тунда сухбатлашган боланинг юлдуз ҳақидаги тасаввурлари берилади. Онасининг вафотидан сўнг у ҳақидаги хотиралар гирдобида ётган бола одам ва олам ҳақидаги маълумотларни ilk бор она ҳикояси орқали эшитганини ички бир соғинч билан эслайди.

Биз қаҳрамонимиз онасининг бағрида ётган ўша кунларни бугун армон билан эслаётганини унутмаслигимиз керак. Эртак эшлиши билан бирга эртакларнинг сехрли оламида сайр қилиб, қанотли орзулар оғушида парвоз этган бола ҳаёлларини адіб қўйидагича тасвираган:

“ – Мен осмондан юлдузимни танладим. Қаранг, ойи, етти оғайни орасидаги энг ёруғ юлдуз меники.

– Майли, ўғлим, ўша юлдуз сеники, анави, тўртингчиси меники.

- Нега, ойи, түртинчиси энг кичкина юлдуз-ку?
- Шунинг учун ҳам меники. Түртинчи юлдуз – етимча юлдуз, кўрдингми, яхши ўсмай қолган.

Етимларга раҳм қилиш керак” (“Дунёнинг ишлари”).

Асарда келтирилган бу парча ҳақида академик Матёкуб Кўшжонов бундай деган эди: “Бу деталда катта маъно бор, хусусан, болалар олдида камсукум, сабр-қаноатли, болага овқатнинг кўпини ва ширинини бергандек, юлдузниң ҳам энг ёргуни болага бағишлиб, ўзи етимча юлдузга рози”.

Албатта, бу ўринда олим назарда тутган маъно ҳам яққол кўзга ташланади. Шу билан бирга, бунда ҳалқнинг осмон ёритқичлари билан боғлиқ қадимий мифологик қарашлари ҳам ёрқин акс этиб турибди, дейиш мумкин. Қолаверса, оғзаки ижод анъанасининг ғоят муҳим ахлоқий-таълимий аҳамиятига молик бўлган қарашлар билан талқин қилиниши бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатиб, унинг келгусида комил инсон бўлиб етишишига ҳам ишорадир. Маълумки, мурғак боланинг орзулари порлок юлдуздек бўлади, ҳатто унинг ўзи ҳам ҳали ҳаётда чараклаб кўзга ташланади. Бу боланинг ёшлигига бўлган рамзий ишора ҳамдир. Кичик кўринган юлдуз эса она ҳаётининг сўниб боришига, унинг умр йўли узоклашиб кетаётганига нисбатан келтирилган рамздир. Ёзувчи инсоннинг эътиқодларини мана шундай мифологик тасвиirlар орқали баён этган бўлса, ажаб эмас. Адиб юлдузни инсон тақдири билан боғлар экан, бир ўринда шундай дейди:

“ – Эсиз... Бир бечоранинг жони узилди-я.

Юрагим шув этиб, онамнинг пинжига кирадим. Ишқилиб, бошқа юлдуз учмасин”.

Юлдуз учиши – табиатда кўп учрайдиган самовий ҳодиса бўлиб, муайян астрономик қонуниятлар асосида рўй беради. Бу табиий ҳодисанинг илмий асосларини билмаган аждодларимиз юлдуз учишининг сабабларини хаёлий уйдирмалар орқали тушунтиришга, изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар. Натижада, юлдуз учиши билан боғлиқ мифологик қарашлар пайдо бўлган ҳамда бу афсонавий эътиқодларнинг турли хил кўринишлари халқимиз орасида бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Масалан, мотам маросим фолкълори на-мунаси хисобланган йиғи-йўқлов қўшиқларида куйидаги тўртлик бор:

*Қиядаги қирқ юлдуз,
Қиялаң кетди боргани.
Менинг нордай ақагинам,
Қиёмат кетди ётгани.*

Халқимизнинг юлдуз учиши билан боғлиқ космогоник ишончлари, фольклоршунос олим Маматқул Жўраевнинг кузатишларича, “Халқимиз орасида юлдуз учиши ҳодисаси билан алоқадор қатор космогоник миф ва тасаввурлар келиб чиққан, хусусан, аждодларимиз самовий мифологиясида “Юлдуз одам жонидир”, деган эътиқодий қарааш мавжуд бўлган”.

Халқ қараашларини яхши билган, юлдузлар билан сирлашган адаб Ўткир Ҳошимов юлдуз учиши билан боғлиқ тасвиirlарни бадиий матнга киритиш орқали асарда тасвирланган воқеликнинг янада ишонарли ва самимий чиқишини таъминлаш, китобхон руҳиятига яқин бадиий бўёқларда воқеликни талқин қилишга эришган. Қолаверса, мифологик тасаввурнинг халқимиз орасида кенг тарқалган вариантларидан бирини поэтик нуқтаи назардан қайта ишлаб асар тўқимасига сингдирилганлиги, биринчидан, миллий қадриятларнинг бадиий талқинларини яратиш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлган бўлса, иккинчидан, мифик тасаввурнинг ўқувчи дунёқарашини халқона эътиқодлар билан бойитишга ҳам хизмат қилган. Бу афсонавий тасаввурнинг бадиий ифодаси ўзига хос бўлиб, ўқувчига оғир ботмайди. Бизнингча, адаб ўзи эшитган халқ афсоналари, осмон ёритқичлари тўгрисида халқ қараашларидан унумли фойдаланиб, ўз бадиий ниятини ойдинлатиш натижасида ўзига хос бадиий маҳоратини кўрсатган. У асарда инсон тақдирни ва давр руҳини воқелик марказидан самимий тасвиirlарда олиб ўтишга эриша олган. Зоро, фолкъордан олинган бадиий деталлар бадиий асар ғоявий-тематик диапазонини кенгайтиришда, образларнинг ички ва ташки қиёфасини очишда, уларнинг интилишларига фалсафий руҳ бағишлишда, реалистик тасвиirlарнинг эмоционаллигини оширишда ғоят муҳим рол ўйнайди.

Халқ оғзаки ижодининг ёзувчи бадиий маҳорати ва ижодий салоҳиятининг такомиллашишидаги бадиий ўрни ма-

саласига тўхтатган филология фанлари докториFaффор Мўминов “Халқ оғзаки ижоди анъаналари ва асарлари га кенг мурожаат қилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, оғзаки ижод бой бадиий хазина бўлган ҳолда ёзувчиларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан ўсишида, услугуб хилма-хиллигини яратишда катта ижодий мактаб бўлиб қолади”, деган жуда асосли мулоҳазани билдирган эди.

Ўткир Ҳошимов асарларида ҳам қаҳрамонларнинг романтик хаёлоти, ёзувчининг айрим воқеаларга бўлган ғоявий-бадиий ва эстетик муносабатини ифодаловчи ривоят ва афсоналар кўп қўлланилган.

Бу асарда кенг қўлланилган ҳалқ оғзаки ижоди элементлари асарнинг сюжет тўқимасига, унинг композицион курилиши занжирларнинг мантикий боғланиши самарали таъсир кўрсатган. Шу билан бирга, ёзувчи ҳалқона бадиий тафаккур тарзи, воқеликка эстетик муносабатнинг фольклорда акс этишини чукур ўрганиб, ўз асарларида бадиий идрок этилган ҳаётий воқеликни табиий тасвирлашга ҳаракат қилган. Ана шунинг ўзи ҳалқ оғзаки ижодидан фойдаланиш – адаб бадиий маҳоратининг ўсишини таъминловчи эстетик воситалардан бири вазифасини бажарганлигини кўрсатади.

**Мадинахон Имомкаримова,
Ўзбекистон Фанлар Академияси
Тил ва адабиёт институти тадқиқотчиси**



Сўз – гавҳар, фикр – олмос

Бир асар таҳлили

Китобхон билан адабиётшунос мулоқоти

Китобхон: Мен оддий китобхонман. Ўқиганларимни адабиёт қоидалари, бадиий ижодга хос қонуниятлар асосида таҳлил қилишга қобилиятиам етарли эмас. Шунинг учун асарни тушунишиимда айрим етишимовчиликлар, қарама-қарши мулоҳазалар бўлиши табиий. Уларни тўлдириш, фикримни бойитиш учун адабиёт илмини яхши биладиган мутахассисларга муҳтожман. Чунки биронта асарни ўқиганимда хаёлимда кўп саволлар пайдо бўлади. Уларга жавоб топишга уринаман. Топсан, ўзимдан хурсанд бўламан, тополмасам, алламаҳалгача қийналиб юраман. Китобдан олган таассуротларимни ким биландир ўртоқлашгим, баҳслашгим келади. Афуски, суҳбатдошларимнинг барчасидан ҳам кўнглим тўлавермайди. Охири ўйлаб-ўйлаб адабиётшунос-мутахассис сифатида Сиз билан суҳбатлашишга келдим. Нима дейсиз?

Адабиётшунос: Жуда яхши қилибсиз. Таширифингиз хайрли бўлсин! Очифи, кўп ўқийдиган, асарнинг баланд-пастини, бадиий савиясини фарқлай оладиган билимдон китобхон билан фикр алмашиш менга ҳам завқ бағишлияди. Тўғриси, кейинги йилларда китобхонлик сусайиб кетди. Ўқийдиганлар ҳам, асосан, олди-қочди воқеалар баён қилинган енгил-елпи китобларни мутолаа қилиб, вақтини ўлдирияпти. Менга эса бунақа “бозор адабиёти” ёқмайди. Ишқилиб, Сиз ҳам шунақа асарлар ҳақида тортишиб, бoshимни қотирмасангиз, деб хавотирланиб турибман.

Китобхон: Кўнглингиз тўқ бўлсин, домла! Мен ҳам унақа китоблардан, иложи борича, узоқроқ юришга ҳаракат қиласман. Лекин на илож, қайси китоб дўконига кирсам, ўшанақа китоблар қалашиб ётганини кўраман. Гоям сифатли муқовалардаги пичоқ кўтарган, башараси даҳшатли кимслар, бир-бирини “ёб қўйай” деб турган беҳаё “ошиқ-маъшуқлар”

баъзиларга ёқса керак-да! Мен асарларни танлаб ўқийман. Ўзимнинг суюкли ёзувчиларим бор. Шулардан бири Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов. Тўғри, Ўткир aka кейинги йилларда янги йирик асар ёзгани йўқ. Чамаси, танланган асарлари устида ишлаган бўлса керак. Қатор жиддий ва ҳажвий ҳикоялар эълон қилди. “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китоби қайта-қайта нашр этилмоқда. Аслида, бу битикларнинг ҳар бирида киттагина қисса ва романга арзигулик маъно бор... Шунинг учун улар ўқувчилар ўртасида жуда машҳур бўлиб кетди. Аслида, бозор иқтисодиёти шароитида вақтнинг қадрига етган одамлар шунаقا ихчам, мазмунли, таъсирчан асарлар ўқишини истаб қолади.

Шунга қарамай, мен Ўткир Ҳошимовнинг ўша “эски” китобларини қайта-қайта ўқигим келаверади. Уларнинг қандайдир оҳанрабоси бор. Ҳар сафар мутолаа қилганимда оламолам завқ, янги-янги фикрлар оламан, шлари ҳис қилмаган туйғуларни бошимдан кечираман. “Баҳор қайтмайди”, “Қалбингга қулоқ сол”, “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” каби асарлари мен учун, айниқса, қадрли. Буларнинг ҳар бири ҳақида соатлаб гаплашгим келади. Келинг, вақтимизни ҳисобга олиб, шулардан биттаси тўғрисида батофисилроқ гаплаша қолайлик.

Яқинда ёзувчининг “Баҳор қайтмайди” қиссасини нечанчи мартаидир қайта ўқиб чиқдим ва, қизиқ, ҳар галгидек яна қарама-қарши фикрлар, ажаб туйғулар қуршовида қолдим. Асарнинг ёзилганига 40 йилдан ошиди (1969).

Қисса бўйича ишланган телевизия фильм йиллар давомида қирқ мартаидан ортиқ намойши қилинди. Асар бугун ҳам қимматини йўқотган эмас. Бугун ҳам Алимардонлар уруғлаб кетди. Замонавий Алимардонларнинг қўлишилари оқибатида қанчадан-қанча Муқаддамлар баҳтсиз, Шавкатлар етим бўлиб қолаётгани ҳам бор гап. Қанийди, улар Алимардоннинг фожиасидан, Муқаддамнинг қисматидан тегишли хулоса чиқариб олишса?! Асарнинг яшовчанлиги, ёзувчининг узоқни кўра билиши, қаҳрамонларнинг ҳаётйлиги деганда шулар тушилса керак-да!

Адабиётшунос: Чиндан ҳам, Ўткир Ҳошимов ўтган асрнинг иккинчи ярмида ўзбек адбиётининг янгиланишига улкан ҳисса қўшган истеъдодли ёзувчи ҳисобланади. Шеъ-

риятда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Рауф Парфи, Жамол Камол, Омон Мухтор, Ойдин Ҳожиева, Ҳалима Худойбердиева, насрда Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Шукур Ҳолмирзаев, Ҳудойберди Тўхтабоев, Учкун Назаров сингари янги ижодкорлар авлоди адабиётнинг шаклини ҳам, мазмунини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Шўро мафкураси талабига кўра, илгари асарда социалистик воқелик биринчи ўринга қўйилиб, инсон унинг орқасида қолиб кетган бўлса, бу янги авлоднинг саъй-ҳаракати билан инсон фаолияти ва унинг руҳий кечинмалари асар марказига олиб чиқилди.

Ўткир Ҳошимов бошқалардан фарқли ўлароқ, ўз асарлари билан насрый баёнга лирик йўналиш, баландпарвозликдан холи кайфият, мусиқий оҳанг олиб кирди. Мафкура тазиики туфайли бундай фазилатлардан маҳрум бўлган адабиётимиз бу асарларни худди эрта баҳорда очилган бодом гулларидек соғиниб қабул қилди. Эътибор берган бўлсангиз, инсон бошига тушган энг қайгули воқеа-ҳодисаларни тасвирлаганда ҳам Ўткир Ҳошимов ўкувчиси қалбида умидбахш туйғулар уйғота олади, натижада, у ҳеч қачон тушкунликка тушмайди. Бу хусусият адибнинг ҳикояларига ҳам, қиссаю романларига ҳам хос. Чунки ёзувчи ҳар бир асарининг мазмунига мос умидбахш оҳангни топиб олади. Бунга эришмай туриб қўлига қалам олмайди. Бу ҳақда унинг ўзи шундай ёзади: “Чинакам асар туғилмасидан олдин унинг оҳангни, мусиқаси пайдо бўлади. Бу – ғоя эмас, сюжет ҳам эмас, айнан оҳангдир. Мана шу оҳанг адибни қўлидан судраб келиб, столга “михлаб” қўяди. Асарнинг жони дегани шу бўлса керак”.

Бунинг энг яхши намуналаридан бири “Баҳор қайтмайди” қиссасидир. Қисса худди тугалланган мусиқа асарига ўхшайди, унинг ўз даромади, ўрта авжи, баланд авжи, якуни бор. Оҳанг воқеалар ривожига қараб босқичма-босқич кўтарилиб бораверади. Орада унинг ўзига хос нолаларию фарёди мавжуд бўлиб, улар асарга жон бағишлийди.

Мен бу қиссанинг мусиқий тузилишини худди ноталарнинг тартиб билан жойлашуvidek тасаввур қиласман: у “до”дан оҳиста бошланиб, “си” билан баланд пардада тугайди. Назаримда, қиссанинг “Бўстон қишлоғига оғир-вазмин қадамлар билан куз кириб келди” деган ахборот-тасвири билан куйнинг даромади бошланади. Алимардоннинг

даҳшатли туши унинг ноласи; эрининг хиёнати туфайли ярим кечада Муқаддамнинг уйдан чиқиб кетиши ўрта авж; ота-онасининг уйидан ҳайдалиши баланд авждек эшиллади. Алимардоннинг Ойнатоғ қишлоғига бориб ўғли ва хотини билан учрашиши мунгли нола, қайтишида жарликка қулаб ҳалок бўлиши фарёд сифатида янграйди. Якун яна мунгли, аммо умидбахш куй билан тугайди. Ажаб, нечоғлик нола-фарёд эшитмасин, ўқувчининг кўнгли чўкмайди. Нега деганда, тасвирдаги яна “яйраб-яшнаб баҳор”нинг кириб келиши, ложувард осмонда турналарнинг шодон қичқирифи, “қатор-қатор тераклар япроқ ёзиб” оҳиста шивирлай бошлиши ҳаёт давом этаётганига, Муқаддамлар, Шавкатлар албатта, кўнгли Кабир (катта) одамларнинг марҳамати билан баҳтли бўлишига ишорадир. Дарвоҷе, ёзувчининг ғоявий нияти қиссанинг ҳар бир қаҳрамони исмига ҳам яширган.

Ҳа, Ўткир Ҳошимовнинг ҳар бир асари – каттами-кичикми, бир марта ўқишига арзидиган олди-қочди, енгил асарлар эмас. Уларнинг ғоявий юки ниҳоятда оғир, бадиий савияси юксак, қаҳрамонлари соғлом ва салобатли (гарчи салбий бўлса-да), манзаралари ишонарли, сўзлари рангли ва таъсирчандир. Таникли адабиётшунос ИброҳимFaфуров бундан 40 йил олдин “Ўткирнинг қалами сўзнинг рангини оча билади. У сўзга қут ва меҳр бағишилашдай ноёб туйғуга эга” эканини таъкидлаган эди. Ваҳоланки, бу пайтда Ўткир Ҳошимов эндигина иккита қиссаю ўнга яқин ҳикоя ёзган эди, холос. Зукко адабиётшунос башорат қилган экан: бора-бора адабнинг бу хусусияти барча асарларини нурлантириб турувчи бош услугуга айланди. Ҳозир у яратган тасвирдаги ҳар бир сўз гавҳардек, англашилаётган фикр эса олмос сингари товланиб туради.

Китобхон: Айтганингиздек, Ўткир Ҳошимов қиссани куз фасли тасвири билан бошлайди. Тасвирдан англашилишича, ҳаво совиган, осмонга елтиғиҷдек паға-паға булутлар ёпирилган, чор-атроф дув-дув тўқилаётган япроқларнинг мунгли шивир-шивирига тўлиб кетган. “Одамлар қиличини кўтариб келаётган қишдан чўчигандай шоша-пиша ҳаракатга тушиб қолган” пайт. Бу манзара менинг кўз ўнгимда октябр-ноябр ойларини гавдалантиради. Бироқ ёзувчи мана шу вақтга тўғри келмайдиган бир детални киритади: Алимардон иситмадан

алаҳсираб ётган хонага “Қаердандир бир қалдирғоч отилиб кирди. Шифт тагида айлана-айлана вассажуфтдаги узун михга келиб қўнди. Ғамгингина вижирлаб қўйди. Оқ-сағиши бўйни буриб Алимардонга қаради. Мунчоқдек кўзларини тикиб узоқ қараб турди-да, яна бир сайраб қанотини ёзди. Лип этиб пастга шўнгиди, деразанинг очиқ тавақасидан ҳовлига отилди”. Ахир, қалдирғочлар августнинг охири, сентябрнинг бошларида иссиқ ўлкаларга учиб кетади-ку! Фикримни исботлайдиган яна бир қуш бор: бу “ёнғоқ шохида сайраган зағизғон”дир. Ахир, зағизғон (қарға) келганда қалдирғоч бўлмайди-да! Нима дедингиз?

Адабиётшунос: Ёзувчи персонажларнинг руҳиятини чуқурроқ очиш, характерини тўлдириш ниятида ташки омилларга, хусусан, пейзаж тасвирига, табиат ҳодисаларига, турли деталларга катта эътибор беради. Қиссада булут, шамол, ёмғир, хазон, кўлмак, лой сингари табиат унсурлари жуда кўп учрайди. Уларнинг биронтаси ҳам бежиз киритилмаган, ҳар бири сюжетни ҳаракатлантиришда муҳим ўрин тутади. Табиатдаги энг майда-чуйда ўзгаришлар ҳам муаллифнинг синчков нигоҳидан четда қолмайди. Шу нуқтаи назардан Сиз айтган ўша қалдирғоч масаласига келсак, бу детал зиммасига жуда катта маъно юкланган. Унинг вафизасини шарҳлашдан олдин Сизга ёзувчининг вақтни белгилашга ёрдам берадиган бир иборасини эслатиб ўттай. Эътибор берган бўлсангиз, қиссанинг иккинчи хатбошида “Сумбула туғди” деган жумла бор. Аслида, “Сумбула” шаклида ёзилиши шарт бўлган бу сўз (чунки “сумбула” эртапишар пиёз навининг номи) ўн икки буржнинг бири бўлиб, Асад билан Мезоннинг ўртасида жойлашган ва 22 августдан 21 сентябргача давом этади. Сунбула пайтида сув совийди, холос, ҳаво хийла илиқ бўлади. Куннинг илиқлигини дўстидан хабар олгани келган Анварнинг исиб кетганидан “кўйлаги тугмаларини ечиб юборгани, ичидаги майкаси терлаб, баданига чиппа ёпишиб қолгани”, Муқаддамнинг енгилгина кийингани, қайтишларида ялангоёқ бўлиб олиши ҳам исботлаб турибди. Демак, куз фасли энди бошланяпти. Бу пайт августнинг охири, сентябрнинг бошларига тўғри келади. Сиз айтган зағизғон эса совуқни бошлаб келадиган қарға эмас, балки қишин-ёзин юртимиизда яшайдиган ҳаккадир. Ёзувчи

тасвирда ўзининг ҳар бир сўзи ғоявий мазмунни бойитиш учун қандай юк ташишини олдиндан ўйлаб қўллади. Ундан биронта сўзни олиб ташлаш мумкин бўлмаганидек, қўшиб ҳам бўлмайди.

Маълумки, қалдирғоч Оллоҳнинг энг суюкли жонивори, одамнинг яқин дўсти. У ҳамма уйга ҳам ин қуравермайди, энг осоиишта ва файзли хонадонларни танлайди ҳамда шу ҳовлига кут-барака олиб киради. Демак, бу қалдирғоч Алимардоннинг онаси тириклик пайтида шу ерга ин курган, яшаган, болалаган. Аммо бу галги келишида она йўқ, эшик берк бўлгани учун киролмаган. Энди қайтишидан олдин қадрдон гўшаси билан видолашгани келди (*отилиб кириши шундан!*). Афсус, керакли одамини яна тополмади (шунинг учун “Фамгингина вижирлаб қўйди”). Каравотда ётган йигитни эса танимади (гарчи “Мунчоқдек кўзларини тикиб узоқ қараб” турса-да!). Унинг чиқиб кетишидан олдин яна бир сайраб қўйишида ҳам маъно бор. Қалдирғоч тилсиз жонивор, аммо ёзувчининг сехрли қалами воситасида қушчанинг кўзлари гапиряпти: “Сен кимсан? Нега ётибсан? Хонадонингдан файз кетибди-ку. Хушёр бўл!”. Табиат мўъжизасининг бу огоҳлантиришини Алимардон англамади.

Қалдирғочнинг уйдан отилиб чиқиб кетиши баҳор элчисининг йигит билан видолашувидек туюлади. Мабодо, Сиз айтгандек, кузнинг совуқ кунларида қалдирғоч нима қиласи деб, айтайлик, мусичани киритганида шунча маънени уқармидик? Ўткир Ҳошимов бу ерда қалдирғочни онгли равишда тўғри танланган ва ғоявий мақсадини янада ёрқинроқ ифодалашга хизмат қилдирган. Бинобарин, қалдирғоч билан бирга бу хонадондан баҳт, омад, тотувлик, садоқат ҳам кетди. Нега бўлмаса, Муқаддам келин бўлиб тушганидан кейин шу қалдирғоч қайтиб келмади? Дарвоқе, Муқаддамнинг ўзи шу қалдирғоч тимсолида намоён бўлган бўлса-чи?! Ахир, у ҳам айнан шу қалдирғочга ўшаб не-не умидлар билан кириб келди-ю, кутгани (баҳт)ни тополмай, ғамгин бир ҳолатда чиқиб кетмадими? Кўрдингизми, истеъдодли санъаткор қўллаган ҳар бир деталь бадиий матнда муҳим ғоявий-эстетик вазифани адо этади ва мазмунни бойитади.

Китобхон: Қаранг-а, биргина қалдирғоч билан боғлиқ ки-
чик бир матн остида қанча мағно яшириңган экан! Ёзувчининг
маҳоратига қойил қолдим.

Келинг, энди қисса қаҳрамонларининг характеристери, ички ва
ташқи ҳатти-ҳаракати мантиқий бирлиги түғрисида гапла-
шайлик. Бу масала ҳам мени жуда қизиқтиради. Масалан, Али-
мардоннинг ҳатти-ҳаракатлари, гап-сўзлари ўқувчида ҳечам
шубҳа уйғотмайди. У онасининг ёлғиз эркаторийи бўлган, ўжар,
худбин ва ҳасадгўй. Ҳамма нарса менга бўлса, дейди. Бошқалар
учун энг азиз, муқаддас ҳисобланган нарсаларни топтаб, тор-
тиб олишдан ор қилмайди. Бу унга завқ бағишилайди, ўзгаларни
камситиб ҳузурланади. Алимардоннинг характеристерини белги-
лайдиган битта ибора бор: у ҳар доим сұхбатдошига “қошини
чимириб қарайди”. Бу унинг ўжар, мағур, манмансираган
табиатига мос тушади. Ўзига ярашикли бу қилиғи ўғли Шав-
катга ҳам ўтади ва бу табиий. Лекин қайнотаси Қори аканинг
ҳам шунақа “қош чимириши” менга тақлиддай туюлди. Бу
қилиқ Қори аканинг ёшига ҳам, касбига ҳам мос келмагандек
кўринади. Анвар ўта уятчан ва тортинчоқ йигит. Шу қадар
ҳокисор, уятчанки, оғзидағи тайёр луқмасини олдириб қўяди.
Унга баъзан раҳмингиз келади. Лекин, наилож, у шу руҳда тар-
бияланган ва, барибир, ўқувчига ёқади.

Менда Муқаддам характеристери иккιёклама таассурот
қолдирди. У Алимардонни даволаш учун келишида йигитнинг
бекаё қилиқларидан ранжиб кетди. Мен, энди ё келмайди ёки
Анвар акаси билан бирга келади, деб ўйловдим. Йўқ, шифоҳо-
на врачи унга яна хонадонлардаги беморлардан хабар олгани
борасиз, деганида дастлаб уялган ва бир оз чўчиган Муқаддам
қалбининг туб-тубида “негадир ўзининг ҳам ўша ёққа тал-
пинаётганини сезиб”, қанот боғлаб учиб борди ва бу гал
қизлик номусидан айрилиб қайтди. Хўш, бунга ким айбдор?
Шу пайтгача “Баҳор қайтмайди” қиссаси ҳақида фикр юри-
тилган шлмий манбаларда, асосан, Алимардон айбдор қилиб
кўрсатилган. Аслида ҳам шундаймикан?

Менимча, қизнинг ўзида ҳам айб бор, унда қатъият
етишмайди. У эҳтиросли қиз ва ҳар доим йигит киши-
нинг кескинроқ ҳаракат қилишини, эркалашини истайди.
Муқаддам охир-оқибатда вужудидаги мана шу истакнинг
қурбони бўлди. Негаки, Анвардан кута-кута шу пайтгача

“ололмаган нарсалар”ни биринчи учрашганидаёқ Алимардондан олди. Шунинг учун унинг ҳаракатларига қарши қаттиқ қаршилик кўрсатмаётгандек кўринди менга. Агар истамаса, эндигина касалдан тураётган Алимардонга бўй бермасди. Чунки муаллифнинг таъкидлашича, “Муқаддам кучли эди”. Хуллас, Муқаддамнинг Алимардон билан олишуви тасвирланган эпизодни ўқиб туриб, аввало, Муқаддамнинг ўзида истак, хайриҳоҳлик бор экан-да, деб ўйладим. Ахир, бундан қалтисроқ вазиятларда Гавҳар (“Шамол эсаверади” қиссаси қаҳрамони), Робия (“Икки эшик ораси” романи) сингари қизлар қутулиб кетади-ку! Ваҳоланки, уларга ҳужум қилган эркаклар Алимардондан кучлироқ, макон эса қўрқинчлироқ эди. Эҳтимол мен янгишаётгандирман? Ёзувчининг ўз ғоявий нияти бордир (юқоридаги қалдирғоч детали сингари). Ёки бу муаллифнинг хоҳиши-истагига бўйсундирилганми?

Адабиётшунос: Чиндан ҳам Муқаддамнинг характерида қатъиятлилик етишмаслигини тўғри пайқабсиз. Ўткир Ҳошимовнинг ўзи ҳам бир сухбатда кўп серияли “Баҳор қайтмайди” телефильмида Муқаддам ролини ижро этган актриса Гулчехра Саъдуллаеванинг “Бошига тушган кўргуликларга Муқаддамнинг ўзи сабабчи. У ўзини, муҳаббатини ҳимоя қилолмайди. Бу жиҳатдан уни оқли олмайман”, деган фикрни маъқуллагани ҳам бежиз эмас. Қиссадаги Анвар – Муқаддам – Алимардон учлиги доирасидаги воқеаларни ўқиб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Эслайлик, Муқаддам Анварнинг илтимосига кўра, Алимардондан хабар олиш учун келганида уйга кириб, ухлаб ётган Алимардонга бир кур назар ташлайди ва қизнинг нигоҳи, энг аввало, йигит қавмидан кўпдан буён кутаётгани – чехрасида кўркамлик, мағрур бир қиёфа ва “қатъият балқиб турган”ига тушади. Унинг қалбида қандайдир орзиқиш юз беради ва бунга адаб Муқаддам “негадир қизариб кетди” деган ибора орқали ишора қиласди. Ёнида Анвар билан қайтиб чиқаётгандарига Муқаддам “яна бир марта ўгирилиб қаради. Тағин кроватга тикилиб қолди”. Нега айнан кроватга тикилди? Чунки бу кроватда хаёлидаги йигит ётгандек туолди (қизик, кейинроқ айнан шу кроватда қизнинг тақдири ҳал бўлди! Ёзувчининг матн остига яширинган имо-ишораларига қойил қолмай иложимиз йўқ). Анвар эса қизга

ишонганидан унинг на қалбидаги, на ташқи қиёфасидаги ўзгаришларни сезди. Кўряпсизми, адаб кейинроқ рўй берадиган воқеаларга асос яратяпти.

Муқаддамнинг ўз баҳтига ўзи болта урганига ишонч ҳосил қилиш учун уни кузатишда давом этайлик. Муаллифнинг Муқаддам характерига берган таърифлари, унинг психофизиологик қиёфасида намоён бўлган чизгиларга чуқурроқ назар ташласак, бутунлай акс манзара ҳам кўзга ташланиши мумкин. Мана, Муқаддам Анвар акаси билан уйга қайтаяпти: “Муқаддам олдинда кетар, Анвар уч қадамча орқада борарди”.

Муқаддам Анвардан ҳечам уялмайди, тортинмайди. Бўлмаса, туфлисини ечволиб, ялангоёқ ҳолида эҳтирос алсангида ловуллаб, тепалиқдан “Ушланг, Анвар ака!” дея йигит оғушига ўзини ташламасди. Айни чоқда у Анвар акасидан бағрига босиб эркалашини, қаттиқ қучоқлаб бўсалар олишини кутарди. Ибо, ҳаё, андиша ва уятчанлиги Муқаддамдан кучлироқ бўлган Анвар эса нима қилишини билмай “ўзидан ўзи уялиб, кўзларини олиб” қочади, холос.

Энди ўйлаб кўрайлик: қизил кўйлак кийиб (эҳтирос ранги) ловуллаб турган қиз икковидан бошқа ҳеч ким йўқ жойда кўнгил кўйган йигитидан кутганини олмаса, нима қилсин?! Бунинг устига Анвар акасини ёнига чақиради, анҳорда чўмилишга ишора қиласди (агар Анвар “Сув совуқку ҳозир...”, демаганида бемалол ечиниб чўмилишдан ҳам тоймасди), шом қорайиб қолганига қарамай, кетгиси келмайди. Ахир, булар қизнинг йигитдан ниманидир кутаётганини исботламайдими? Имо-ишораларига Анвардан жавоб бўлавермагач, Муқаддам “чуқур хаёлга” толади. Табиийки, бундай пайтда истаги рўёбга чиқмаган қиз ҳозиргина кўргани – юзида қатъият балқиб турган йигитни ўйлади. Кейинги келганида эса ана шу кутганларини айнан Алимардондан олди ва яна бир карра Анвар акасининг бу йигитга қараганда “бўш” эканига амин бўлди.

Дейдиларки, қиз бола биринчи бўсанинг қули. Алимардоннинг ҳеч тортинмай, дадиллик билан қучоқлаши, ўпиши, “Сиз барибир менини бўласиз!” деб қатъий айтиши Муқаддамнинг кўнглини алағда қилиб қўяди. Энди у икки ўт орасида қолди. Чунки шу учрашувдан сўнг у “Алимардон-

нинг нимасидир Анвардан устунроқ, кучлироқ эканини ҳис” этди. Дастрлаб Анвардан кутган ҳаракатларни Алимардондан олганидан кейин аниқ билдики, “Анвар бўш экан, латта экан!” Бу омиллар қиз ҳарактерида Алимардонга нисбатан мойиллик туйғусини тобора кучайтириб борди ва оқибат шу бўлдики, Алимардонга ўзини топширди. Бу ҳодисани бошқача баҳолаш қийин.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, мен ҳам бу воқеада кўпроқ Муқаддам айборд деб биламан. Агар қиз бола хоҳламаса, эркак киши уни уриб, бехуш қилиб, кейингина ўз “мурод”ига етиши мумкин. Негаки аёл кишининг вужудида, айтиш мумкинки, руҳиятида ўз номусини ҳимоя қилиш инстинкти ва шунга лойиқ куч бўлади. Адиб буни билмаслиги мумкин эмас. Сиз айтаётган “Шамол эсаверади”, “Икки эшик ораси” асарларида ҳам шунга ўхшаш ҳолатлар тасвири бор. Талъат билан олишаётган ёш қизалоқ Гавҳар, хасталикдан янги турган, bemажол Робия ҳирсдек кучли Умар зақунчи чангалидан қандай қилиб чиқиб кетди? Гап шундаки, Гавҳарнинг кўз ўнгиде севгилиси Мансур, Робия хаёлида Кимсан акаси турар эди. Уларда садоқат бор эди. Бу уларга куч бағишлади. Муқаддам бирон марта Анварни эслаб қўйдими? Аксинча, баданига эркак қўли тегиб, димогига ҳиди урилган Муқаддам кўпдан кутган нарсасига етгандек бирдан бўشاшиб, жимиб қолади. Гавҳар билан Робия кучи борича қаршилик кўрсатса, Муқаддамнинг қўллари бир оздан сўнг йигитнинг юзларини силай бошлайди. Муқаддам ҳарактеридаги бу ожизлик унинг бир умр бебаҳт бўлишига олиб келди.

Адиб ҳар бир қаҳрамони ҳарактерининг туб-тубида яши-ринган индивидуал хусусиятлардан келиб чиқиб тасвирлайди ва ўқувчини ишонтира олади. Ёзувчи, аёл психологиясини яхши ўрганганд, улар табиатидаги мавжуд куч ёки ожизликни керакли ўринда намоён қила олишига аввалдан бадиий асос яратган.

Китобхон: Сиз қандай ўйлайсиз, билмадим-ку, асардаги Қори ака менинг назаримда ўта баджаҳл, серзарда, ҳатто золим одам бўлиб кўринади. Муқаддамни шунча хўрликлардан кейин ҳам эри билан ярашишга мажбур қўлмоқчи бўлади. Ўз фарзандига қўл кўтаришдан ҳам қайтмайдиган важоҳати бор.

Адабиётшунос: Ўткир Ҳошимов асарларида ота-оналар образлари алоҳида ўрин тутади. Улар бир-бирига ўхшамайди ҳам, бир-бирини тақрорламайди ҳам. Шуниси муҳимки, қандай бўлишидан қатъи назар, оталар ёзувчи томонидан оиланинг устуни, кўзгуси тарзида тасвирланади. Улар ранг-баранг характерли шахслар сифатида намоён бўладилар. Бири меҳрибон ва ғамхўр, айни чоқда қаттиққўл; бошқаси – юмшоқ ва индамас, аммо жаҳлдор; яна бири – инжик ва золим, боласини чизган чизигидан чиқмасликка мажбур қиласди. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам улар фарзандининг баҳти ва омадини ўйлаб шу ишга қўл ураётганини англаб турасиз. Қори ака ҳам шундай оталардан бири. У кўзининг оқу қораси Муқаддамнинг биринчи рўзғоридан ажрашиб кетишини истамайди. Маҳалла аҳли олдида номус қиласди. Зеро, ўзбек оиласи учун, айниқса, қиз боланинг турмуши бузилиб, ота-онасиникига келиб ўтириши уят саналади. Аммо Қори ака жаҳл отига миниб, номус билан андишанинг, хиёнат билан муҳаббатнинг фарқига бормай қолади. Қори ака чинданам мураккаб характерли қаҳрамон. Уни оқлаш ҳам, бирёқлама қараб қоралаш ҳам мумкин. Ҳарҳолда уни тушунишга уриниб кўрайлик. Маҳалласида ўзига яраша обрўга эга бўлган Қори ака “Фалончининг қизи эридан чиқиб кепти”, деган иснодни кўтаролмайди. Унинг қатъий қарори шундай: “Авлодимизда эридан чиқиш одати йўқ” ва бундан кейин ҳам бўлмайди!

Адабнинг ёзишича, Қори ака асаби таранг, қони қайноқ, “ўз ҳукмига бўйсунмаганларнинг жазосини” бермагунча кўнгли ўрнига тушмайдиганлар хилидан. Шу боисдан қизининг хоҳиш-истаги билан ҳисоблашмайди. Унингча, “Ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича қолиб кетгани” яхши. Аёл киши тақдирига тан бериши шарт (айниқса, Муқаддам сингари ўзи хоҳлаб эрга теккан бўлса). Ана шу тушунчаси туфайли отасининг қарорига қарши борган Муқаддамни “итвачча, кўрнамак”, дея хақорат қилишдан ва “Йўқол кўзимдан!” деб ҳайдаб юборишдан тоймайди. Шу вазиятда Қори аканинг табиатида чиндан ҳам жоҳиллик устун келади ва бу ҳолат унинг қиёфасига соя ташлайди.

Хуллас, “Баҳор қайтмайди” қиссанинг бошқа талай фазилатлари, айниқса, тили, бадиий тасвир воситаларидан

фойдаланиш борасидаги ёзувчи маҳорати, қаҳрамонлар психологиясини очища пейзаж тасвирининг ўрни тўғрисида соатлаб гапириш мумкин. Буларнинг ҳар бири алоҳида сұхбатнинг мавзуси бўла олади. Келинг, мулоҳазаларимизга шу ерда нуқтали вергул қўя қолайлик. Бу деганим – асарнинг бадиий имкониятларини кашф этиш, санъаткор томонидан матн остига яширган гоявий ниятларни топа олиш ҳақидаги мулоқотимиз яна давом этади. Зеро, қайта мутолаа қилиш жараёнида уларнинг сирли-сехрли фазилатларини топа олиш ҳар қандай асарга ҳам даҳлдор бўлавермайди, энг яхши асарлардангина шундай мўъжизаларни кашф қилиш мумкин. Чунки “ҳар гал ўқиганингизда янги маъно топиш мумкин бўлган бадиий асарни катта истеъдодларгина” ёза олади. Бу Ўткир Ҳошимовнинг устоз ёзувчимиз Абдулла Қодирий асарларини қайта-қайта мутолаа қилиб ўрганиши туфайли чиқарган холосаси. Дадил айтиш мумкинки, Ўткир Ҳошимовнинг ўзи ҳам ҳар гал ўқилганда янгидан-янги маъно ташувчи яширин нуқталар, имо-ишоралар топиладиган асарлар яратган йирик санъаткордир.

Мулоқотни оқقا кўчирувчи:
Йўлдош Солижонов,
филология фанлари доктори, профессор.



Хатлардан сатрлар

“Асарингизни ўқидим”

Ўткир!

“Чўл ҳавоси”ни ўқиб суюниб кетдим. Бирдан лов этиб аланга билан бошланган ижоднинг келажаги порлоқ бўлади. Қисса жуда соф, самимий, илиқ, табиий, роҳат қилиб ўқиласи.

Қиссанинг хат шаклида бўлиши кўп жойларда ритмни бузади, сизни чеклаб қўяди. Ҳикоя биринчи шахс тилидан олиб борилса ҳам шундай бўлур эди. Келгусида буни ўйланг, ҳисобга олинг.

Шу аланга ҳеч қачон пасаймасин, ижодингиз ҳеч қачон тутамасин!

Хурмат билан Абдулла Қаҳҳор.
1963 йил октябрь

Укам Ўткир!

Сени аввалдан яхши кўриб, ижодинг меваларини қоникиш билан кузатиб келардим. Гарчанд бирон матбуотда фикримни изҳор қилмаган бўлсам ҳам, сендан умидим зўр эди. Назаримда, шу умидимга етдим. Мана, ҳозиргина “Дунёнинг ишлари”ни мамнуният билан охириги варагини ёпдим. Раҳмат, ука! Бир одам она ҳақида сўз айтса, шунчалик айтарда! Жуда етилибсан, ука! Илоҳим, бадният ёмон кўздан ўзи асрасин! Қаҳҳорона кузатувлар. Қаҳҳорона жумлалар. Бир жумланинг ҳар бир ҳарфини асти жойидан кўзғалмас қилиб, бир-бир михлабсан! Ўзбек тилининг кўрки-жозибасига яна бир бора қаноат қилдим. Омади келмаса ҳам, ижод заҳматини чеккан бир кекса сифатида жуда курсанд бўлдим. Бундай енгилликка қандай қилиб эришганингни биламан. Модомики

осон ўқилар экан, минг азобда ёзилган бўлади! Қисса эмас, насрый бўлса ҳам она, оналар мадҳияси деса бўлади. Шояд шоиртабиат Озодми, Иброҳимжонми, асарнинг ўзидек жозиба билан тақриз-таҳлил ёёса! Бор бўл, укам!”

Кувониб-кувониб, дуо билан **Шужрат.**
1982 йил

Ўткир Ҳошимовнинг “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китоби чуқур фалсафий маъноси билан, содда ва гўзаллиги, шаклнинг ўта аниқлиги билан характерланади. Ихчам, аммо кенг маъноли бадиий лавҳаларда муаллифнинг теран ақлзаковати, ўзига хос дунёқараши ҳаққоний ифодасини топган. Уларни умрбоқий битиклар дейиш мумкин.

Ҳафиз Абдусаматов,
профессор.

...Адибнинг илк йирик асари – “Чўл ҳавоси” қиссаси эълон қилиниб, Абдулла Қахҳордек атоқли ёзувчидан “оқ фотиҳа” олганида талаба эдик. Ўшанда Ўткиржоннинг ҳаробагина уйида келажак ҳақида, адабиёт ҳақида тонготар суҳбатлашганимиз ёдимда...

Ёш ёзувчи йиллар давомида Халқ ёзувчисига айланди. Унинг ижодида Иккинчи жаҳон уруши давридаги ҳаёт, инсоний тақдирлар тасвири салмоқли, ҳаяжонли, таъсири сахифалар ташкил этади. Ҳолбуки, муаллифнинг ўзи уруш йилларида туғилган. Яъни, асарларидағи кўргуликларни бошидан кечириб, “кўриб-билиб” ёзган адиблар сирасига кирмайди. Лекин “Урушнинг сўнгги курсони” хикоясидан тортиб, “Дунёнинг ишлари”, “Икки эшик ораси” ва бошқа романларидағи уруш даври тасвирини ҳаяжонсиз, изтиробларсиз, бедард ўқиб бўлмайди.

Михли Сафаров,
журналист

...Сизга қувончли бир хабар айтмоқчиман. “Икки эшик ораси” романингиз кўлма-кўл бўлиб кетди. Мен ўзим сотиб олган китобни юз киши ўқиган куни сизга хат ёзмоқчи эдим. Бугун юзинчи одам китобни ўқиб келди...

**Насибахон Мусаева,
Андижон шаҳри.
1989 йил**

“Баҳор қайтмайди”ни ўқиганимда қизиқ ахволга тушдим. Аввалига Алимардонни яхши кўриб қолдим. Кейин жуда ёмон кўрдим... Нобуд бўлганини ўқиганимда эса унга қаттиқ ачиндим. Нега шундай бўлганини тушунтириб беромайман...

**А.Холмирзаева,
Тоҷикистон Республикаси,
Ленинобод вилояти, Фончи.
1971 йил**

...Китоб чиқарадиган идоранинг бошлигига ариза берилди. Ушбу ариза шул ҳақдаким, биз кампирлар сумалак ва бошқа ҳар хил йигинларда болаларимизга китоб ўқитиб эшитардик. Айниқса, “Икки эшик ораси”ни йиглаб-йиглаб эшитардик. Афсус, қишлоғимиздаги биттаю битта китобни қайси бир уйингга буғдой тўлгур ўғирлаб кетибди. Жон болам, шу китобдан кўпроқ чиқариб берсанг...

Хўжаобод тумани Ширмонбулоқ қишлоғи кампирлари:

**С.Ҳамроқулова, Э.Мусаева,
П.Фозилова, С.Акрамова, Ш.Мусаева...
(Жами ўн етти имзо) Андижон вилояти.
1986 йил**

**Кимсан Ҳусановнинг Робияга
етиб келмаган хати
(“Икки эшик ораси” романини ўқиб...)**

*Робия! Мен ўлган эмасман, ишон!
Ишон, Ватанимнинг юрагидаман!
Тинчликни истаган жами одамнинг
Оппоқ орзулари, тилагидаман!*

*Эргашали ака мина остида
Қийма-қийма бўлди – ўзим кўрганман.
Вася амакининг шилиниб кетган
Жасадини тортиб, ерга кўмганман.*

*Даҳшат! Нимасини айтай, Робия?!
Куйган болакайнинг кўзчалари йўқ!
О, бунинг ҳар бири осколка бўлиб,
Дардли юрагимда қотиб қолган ўқ!*

*Робия, одамлар эшиитсин, айтгин:
Номаълум аскар – мен, мағрур ҳар маҳал.
Мангу олов бўлиб, ўчмас ном бўлиб,
Қалбингдан тикланган ҳайкалман, ҳайкал!*

**Нодира Баратова,
ТошҶУ талабаси. Бухоро**

“Свет не без тени” (“Нур борки, соя бор”) романингизни катта қизиқиши билан ўқидим. Бу асар ўзбек халқи ҳаётини аниқ ва ёрқин акс эттирган... Айниқса, Шерзод билан Абдувоҳиднинг беғараз дўстлиги лол қолдиради одамни. Шундай кишиларни нурли одамлар дегим келади...”.

**С.Игнатъева,
Воронеж шаҳри**

“Қалбингга қулоқ сол” қиссангиздаги Васила Назаровна образи устида күп баҳс бўлди. Менимча, Сиз уни қоралаб тас-вирлагансиз. Менга қолса, бу аёл ёмон эмас, баҳтсиз одам. Ўз баҳтсизлиги учун бошқаларни камситиши ҳам унинг баҳтсизлиги...

**Н.Маҳмудова,
Тошкент**

Бу хатни сизга ғамбода бир аёл ёзмоқда. Менинг ўғлим Афғонистонда ҳалок бўлди: жасади темир тобутда келди... Она учун бундан ортиқ азоб борми? Адойи тамом бўлдим. Кўзимга ўлимдан бошқа нарса кўринмай қолди... Шунда... қўлимга “Дунёнинг ишлари” китоби тушиб қолди. Ўқиб бир қадар ўзимга келгандек бўлдим. Ўйлаб қарасам, мен ҳам сизнинг онангизга ўхшар эканман. Бир илтимосим бор: менга ўғил бўлинг!..

**Мушаррафхон Сиддиқова,
Фарғона вилояти, Қува тумани.**

Музаффар Шомуродовнинг сўнгги қўшиғи ("Икки эшик ораси" романини ўқиб)

Кўқоннинг йўлларида бораяпман тентираб,
Кўрмаган бу урушнинг қолган дардин опичлаб.
Ҳали-ҳамон билолмай ҳақиқатни, воажаб,
Бораяпман саботни маҳкам тишимга тишлаб!
Онажоним, шум тақдир не кўйга согганини
Ҳаммага сўзладинг-у, фарзандингдан яширдинг!
Билмадим, қай қабоҳат домига олганини
Ҳаммага бўзладинг-у, дилбандингдан яширдинг!
Дунёга сен келтириб, ўзга силади бошим.
Ахир сенинг меҳрингни мен илк бор унда туйдим.
“Ўгай” сўзин эшишиб, пинҳон оқса-да ёшим,
Кўшилар таъласини эшишмаганга йўйдим.

*Боряпману отамнинг таниш мажкурү оёғи
Менинг оёғим бўлиб, ортга томон судрайди.
Боряпман, "Закунчи" муздек совуқ сиёғи,
Нечундир тез орқага қайтишишни ундаиди,
Бораяпман-у, онам – Робия кўз жоласи
Сенинг мотаминг бўлиб, армонга айланади.
Очилмай хазон бўлган муҳаббатим ноласи
Юракка санчилмоққа тиф бўлиб шайланади!*

*...Кўқоннинг йўларида бораяпман тентирааб,
Кўрмаган бу урушнинг қолган дардин опичлаб...*

**Абдунаби Бозорбоев,
Шахрисабз**

...Телевизорда "Инсон садоқати"ни кўриб, юрагим ёмон бўлиб қолди. Бир вақтлар мен ҳам Элёрнинг онаси сингари ўз "бахтимга эргашиб" Чимкентга кетиб қолган, боламни тирик етим қилган эдим. Энди кеч... асар учун Сизга раҳмат демоқчи эмасман. Ўзимга лаънат деяпман...

Имзосиз

...Мен уруш кўрган одамман. Кўзингиз тушган бўлса, Константин Симоновнинг "Ханхинголдан Берлингача" китобида менинг ҳам номим бор. Уруш ҳақидаги кўп асарларни ўқиганман. Аммо "Икки эшик ораси" романи менга бутуклай бошқача таъсир қилди. Ҳамма-ҳаммаси ҳаққоний акс эттирилган. Китобни ўқирканман, ўша машакқатларни яна бир бор кўргандек бўлдим... Биламан, сиз ёшсиз. Урушга бормагансиз. Аммо китобни ўқиб туриб, бу одам чиндан ҳам урушга борган, деб ишонгим келди... Бу китобни ҳамма ўқишини хоҳлардим. Токи, биз кўрган кунларни ёшлар кўрмасин! Роман, ҳеч қачон уруш бўлмаслиги керак, деб огоҳлантиришдир...

**Ҳасан Абдуллаев,
Иккинчи жаҳон уруши ногирони, Тўракўргон**

...Мен Андижон вилоятининг Марҳамат туманида яшайман. Ёшим 23 да. Касбим – иқтисодчи. Ёшлигимдан бадиий адабиётга қизиқаман. Учинчи синфда ўкиётганимда “Ғунча” журналида биринчи шеърим босилган. Ватанни, дўстликни, ҳақиқий севгини куйлашни истайман... 1989 йил 31 январ куни “Совет Ўзбекистони” газетасида босилган “Нега? Нега?!” сарлавҳали ҳикоянгизни ўқиб, юрагимда бир нарса узилиб кетгандек бўлди. Шу асарни ўзимча шеърга солмоқчи бўлдим. Биламан, шеърим ҳеч қаерда чиқмайди. Мухлисиңгиз, ўқувчингиз сифатида жавоб хати ёзсангиз, ўзимни баҳтиёр санаган бўлур эдим.

*Кўнгил тогдай мактуб келибди бугун
 Ёғли – Раҳматидан – зоридан.
 “Мени кутинг, уйга қайтарман тез кун”
 дебди. Мана бу хат ифтихоридан.
 Хаёл кетди... Остонада келинчак.
 Кўлларида сочиқ тутар, чой тутар,
 Уй тўрида гўдак ила беланчак,
 “Бобо”, дея ҳар кеч йўлини кутар.
 Ширин ўй-ла кетиб борар бош эгиб,
 Кун санашга бармоқлари етмайди...
 Шунча кунни ўтказди у зор кутиб,
 Ўғлим келар, шубҳа безор этмайди...
 Остонада пайдо бўлди бир одам,
 Кучоқлади ва зўр бардош тилади.
 Совуқ, хона... Нега унмайди қадам?
 Нега музлар, нега нотинч юраги?
 Ана! “Секин!” Наҳот шу ўғли бўлса?
 “Ота!” деди инграпиб жонсиз овоз.
 Болам! Болам! Қани кўзим кўр бўлса?!
 Сочлари оқ, рангпар юзи оқ қоғоз!
 Тур, жон болам, тур, ўрнингдан, кетамиз!
 Онагинанг сени муштоқ кутмоқда...
 Тур, жон болам, тур, ўрнингдан, кетамиз!
 Бир биз эмас, бутун қишлоқ кутмоқда.
 Ва... устидан юлқиб олди адёлни
 Шунда кўрди... ярми йўқ тирик жонни!
 Конга ботган ярим кесик ўғлонни!*

Шунда кўрди қонли Афғонистонни:
“Кўзингни оч! Кел, бағримга. Кел, ўғлим!..”
Нега? Нега?! Нега чиқмас ҳеч овоз?
“Боламда не гуноҳ? Бу қандай зулм?
Қани паҳлавоним? Қани у шоввуз?”
Эй Худо! Суянчим, тилагим қани?
Нега ўн тўққизда сочи қордек оқ?
Белимнинг мадори, юрагим қани?
Болам! Бўлолмадим мен сенга паноҳ!
Нега? Нега? Нега-а-а?!”
Сен кечмаган қонларни кечиб келди-ку, ўғлон!
Кушмас, ажал бўйлаган осмонларда учди-ку!
Юзлаб асил ўғлонларнинг бошига етди Афғон,
Етди ўғлинг бошига, қаторингдан кетди у!

Мунаввар Тошпўлатова,
1989 йил 12 феврал

...Ёшим саксонга борди. Пенсиядаман. Сиз олиб борган “Баҳс” кўрсатувини томоша қилиб, кўп нарсаларни ўйладим. Ўқиндим. Ўттизинчи йиллардаги қаҳатчиликда кунжара еганларни кўрдим. Очликдан шишиб ўлганларни кўрдим. Урушда бўлиб, Польшагача бордим. Насибам қўшилган экан, она юртимга қайтиб келдим. Чиндан ҳам бугун ном чиқарарга тўй қилиб, ортиб қолган қозон-қозон овқатларни чўчқахоналарга бераётганлар ҳам, нонни оёқости қилаётганлар ҳам бор. Бунисиям майли, шунақалар борки, тўртта-бешта буқани шулха, кунжара билан эмас, магазиндан арzon-гаровга ун олиб семиртириб сотяпти... Одам ейдиган унни, яъни, нонни ҳайвонга бериш гуноҳ эмасми?

“Баҳс”ни кўриб бир нарсани ўйладим. Сизлар айтган гап қанчалик ўринли бўлмасин, бундайларга гап кор қилмайди. Худо асрасин-ку, нон деганда кесак фириллаб, оч қолса ёки хукумат томонидан қарор чиқарилиб, дабдабали тўй қилиб, исрофгарчиликка йўл қўядиганлар жазолансагина бундай нонкўрликка чек қўйиш мумкин. Тағин билмадим.

Турғунали Обидов,
Андижон. 1983 йил 24 ноябр

Хурматли ёзувчи! “Тушда кечган умрлар”ни ўқидим. Сизнинг... биласизми, сизнинг юрагингиз олдида ҳаяжон билан бош эггим келди. Сиз урушда бўлмагансиз, лекин инсон руҳиятининг озорларини уруш орқали ҳаққоний куч билан тасвиirlаб берганингиздан хурсандман.

...Мен урушда бўлганман. Ўша – сиз тасвиirlаган афғон урушида бўлганман! Ҳозир кўп нарсани унуганман. Чунки ўлимдан кўрқмаслик ҳолига тушиб, манглайимни рўпара қилиб ўлим билан дўст тутинганимни ва ўшандаги ахволи руҳиятимни ҳозир тушунолмайман. Менда Инсон, Ўлим, Уруш ҳақида сиз билан bemalol, юракни ўргата қўйиб суҳбатлашиш иштиёқи туғилди...

Йўқ, ўлим кўрқинчли эмас, ўлимга ҳориб чоғланиш даҳшатлидир. Асарингиздаги руҳан мажақланган, дабдаласи чиқиб кетган, ўзидан ўзи ирганадиган, ўзини ҳётда ортиқча ҳис қилаётган, адолатсиз жамиятнинг майдачуида ўйинларига дош беравериб, сабр косаси дарз кетган йигитнинг оғриқлари ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Асар афғон уруши ҳақида, йўқ, умуман, уруш ҳақида аниқ тасаввур беради. Урушда ҳеч қачон ҳеч ким ғалаба қилмаслиги, аксинча, инсониятнинг асл қиёфаси йўқолиб боришига ишора қилинган. Сизни ана шу умумбашарий дард, ёзувчига хос кузатув билан яна бир бор қутлайман!

“Тушда кечган умрлар” ўзбек романчилигида оғир юкни елкала майдонга чиқди. Улуғ Хеменгуэй асарларидаги каби уруш оралаб инсон юрагига йўл олди...

**Кўчкор Норқобил,
шоур, адаб, афғон уруши қатнашчиси**

...Хурматли домла! Тошкентга борганимда Ҳамза театрида сизнинг “Қатағон” спектаклингизни кўриб, кўзимдан ёш чиқиб кетди. Шундай фожия бизнинг ҳам бошимизга тушган. Язном совхозда бош бухгалтер бўлиб ишларди. Аллақаёқдан келган гдлянчи жаллодлар қийнайвериб ҳароб қилди. Уч кеча-кундуз сўроқ қилиб, уйига жавоб бериб юборади-да, эртасига обкетиб, яна ўн кун тергов қилади. Уч ойгача шу ахвол. Язном опамга айтишига қараганда, “Фалон

хужжатга кўл қўясан, Фалончига фалон минг пора берганман деб “показание” ёзасан, бўлмаса, ота-онанг, хотининг ҳам қамалади”, деб зулм қилган. Бир куни язномнинг парчаланиб кетган жасадини поезд йўлидан топдик. Киссасидан “Бегуноҳ одамларга тухмат қилгандан кўра ўлганим яхши”, деган хат чиқди...

Худога шукр, мустақилликка етиб, юзимиз ёруғ бўлди. Ота-онам ва опам номидан сизга салом.

**Т.Барноев,
Бухоро**

Сен яшагин...

(“Тушда кечган умрлар” романини ўқиб)

*Бу дунё аслида бир бозор экан.
Кимга тикан, кимга лолазор экан.
Яхшига кун йўғу доим хор экан,
Рустам, сен дунёга тупуриб кетдинг!
Муҳаббат аслида бир рўё эрур,
Бу боғда қарғалар булбулгўёдир.
Губорсиз баҳт эса ноёб гиёҳdir,
Рустам, сен шу баҳтни қидириб кетдинг!
Рустам, сен яшагин, Шаҳнозанг бўлай.
Бу ғамли дунёда ғамбоданг бўлай.
Паймонанг бўлай мен, парвонанг бўлай.
Рустам, сен яшагин, яшагин фақат!*

**Гулруҳ Ёрматова,
Қарши Давлат университети талабаси**

“Звезда Востока” журналининг 1984 йил 3-сонида “Дела земные” (“Дунёнинг ишлари”) қиссангизни ўқидим. Қандайдир осойишта мамнуният билан ўқиб чиқдим. Асардаги ҳамма гаплар рост экан, чин юракдан ёзилгани кўриниб турибди.

Қиссани ўқиши асносида ўзим ҳис қилган покиза туйғулар учун Сизга чин дилдан миннатдорчилик билдираман. Бу асар онангизга қўйилган гўзал ҳайкалдир!

Сизга узоқ умр, саломатлик ва эзгулик тилайман".

И.А.Меркурьевна,

Рус тили ва адабиёти ўқитувчиси (нафақада).

Челябинск шаҳри, 545-почта қутиси.

1984 йил 3 июл

Қадрли, Ўткир ака!

Сиз билан анча йил бурун шаҳар маданият саройида учрашганман. Яқинда сизнинг "Ўзбеклар" номли китобингизни ўқиб чиқдим.

Ҳар бир ҳикоянгиздаги қаҳрамонлар портретига моҳирлик билан жило бергансиз. Характер хусусиятларини равон, содда тилда бергансиз. Гарчи Сиз ҳикояларингиздаги қаҳрамонлар прототипига бадиий сайқал берган бўлсангизда, улар ҳаётда ҳам жуда кўп учрайди. Ҳатто, мен билан ёнма-ён яшайди десам, хато бўлмас. Китобингиздаги Отинои "Маҳалланинг аяси" номидаги телевизорда берилган энг эсда қоларли, қанча кўрса, ўқиса, эскирмайдиган спектакл эди. Эркин Комилов Искандарни маҳорат билан ўйнаган.

"Дунёнинг ишлари" асарингизни ўқиб мен ҳам "Онамни эслаб" номли шеърий китобимни эълон қилдим. Онамнинг илтижодек айтилган: "Ўғлим, бир расмга тушайлик", деган армонли гапи ҳамон бўғзимга йиғи бўлиб тиқилади.

Сиз ўзбекнинг дардини, армонларини, орзу-умидларини қаламга олгансиз. Улар оппок, фариштанамо, ҳаёли, иболи ўзбек онаси бўлиб қолаверади.

"Ўзбеклар" номли китобингиздаги "Аждаҳоға дуч келган адаб"ни ҳаяжонсиз ўқиб бўлмайди. Кўз олдимда даҳшатли ўттизинчи ва урущдан кейинги йиллар тасвириланган. Сталлин вафотигача бўлган даврда, қанчадан-қанча олтин бошлар Сталиннинг кескир болтаси билан узилди. Ўша йиллари истеъодод, адабиёт, санъат, зиёлилар қон ичра қолди.

Отам ҳожи Абдусамад сартарош бўлган. У киши Шахрисабздан биринчи бўлиб, "Буюк ипак йўли" орқали

карвон билан Саудияга ҳаж сафарига кетадилар. Етти йилдан сўнг она юртга шу карвон билан қайтиб келадилар. Декончилик қилиб кун кечирадилар.

1937 йил отамни қамоқقا олишиб, уйимизни тинтуб қилишганида, Куръон билан “Ҳазрати Адҳам” китоби чиққани учун беш йилга кесилиб, Зангиота туманида жазони ўтайди.

Мен эса онам ёрдамида ўқидим. Сиз тасвирилаган она тимсолини, аввало, онамда кўрганман, десам хато бўлмайди. Олийгоҳни битириб, ўзбек тили ва адабиёти муаллими бўлдим. Жуда кўп шогирдларим бор. 1975 йилдан бери ижод қиласман. Республика, вилоят, туман газеталарида қатнашиб тураман. Бекорчи, иғво, бўхтон ёзгандан кўра, ёмон бўлса ҳам, ўзинг учун шеър ёзганинг маъқул. Жумладан, “Адабиёт бор” деган шеъримда шундай сатрлар бор:

*Ташвишлар ёғдирап соchlаримга қор,
Юрагим зим-зиё ёришимаган тун.
Яхшиям суҳбатдош – адабиёт бор,
Гурунгим тугамас, топмайди якун.*

Хозир нафақадаман. Чоршанбе қўргони нуронийлар жамоатчилик маркази раиси сифатида фаолият кўрсатиб келяпман. Энг асосий эътиборни ногиронлар, касал нуронийларнинг ҳолидан хабар олишга қаратганман...

Ўткир ака! Биз сизнинг китобларингиздан кўпдан-кўп маънавий қувват олганмиз ва олмоқдамиз. Шундай бебаҳо асарлар учун Яратгандан Сизга узоқ умр тилаб,

Абдураҳим Абдусамад,
*Шаҳрисабз тумани Чоршанбе қўргони.
“Китоб дунёси” газетаси. 2013 йил 13 марта*

УСТОЗГА

Сизга бегонадир сохтакор ижод,
Хар бир асарингиз ҳақиқий ҳаёт.
Инсонга муҳаббат, ҳалол эттиқод.
Сиз каби инсонлар тебратса қалам,
Мудроқ вижданларни уйғотар қалом.

Бу дунёning ўзи асли бир камдир.
Ўн беши қувончу ўн беши ғамдир.
Кўзимиз гоҳ кулган, гоҳида намдир,
Икки ёрти қачон бўларкан бутун,
Гоҳи қувонч устун, гоҳи ғам устун.

“Дунёning ишлари”да ҳайрат борлигин,
“Икки эшик ораси”да кимлар хорлигин
Гоҳо яхшиларга дунё торлигин
Ёздингиз. Орзунгиз меҳру садоқат,
Яхшилар дуоси бўлсин ижобат.

Яшаяпсиз...
Яхшига ёндошиб, ёмондан қочиб.
Чин ҳақиқат учун курашиб, ёниб.
Барчага ўзингиз каби ишониб...
Қалбимни ўртайди оғриқли савол:
Рўё чиқмасмикан Сиз қучган хаёл?

Софликка юкинмоқ истайсиз ҳар вақт,
Аҳли қалам учун бу – азалий дард.
Ижод осмонингиз бўлсин ложувард
Каломингиз қалбга сочар нур, устоз!
Чин дилдан айтамиз ташаккур, устоз!

Муротова Дилноза Ҳамидулла қизи,
1-Тошкент Педагогика коллежи талабаси.
2007 йил

Севимли адабим Ўткир Ҳошимовга!

Ассалому алайкум, ҳаммамиз учун ардоқли Ўткир ака!

Ўткир ака, мен сизнинг ёзган асарларингизни севиб мутоллаа қиласман. Асарларингизда бир олам маъно бор. Айнича, “Дунёning ишлари” менга жуда ёқади. Бу китоб ҳаётийлиги билан барчамизга маъқул. Қахрамонингиз, ўзингиз ёзганингиздек, дунёдаги барча оналар тимсолидир.

Ҳикояларни ўқиб, ўйга толаман: инсоннинг фазилатларини ҳеч қандай бўёқларсиз, чиранишларсиз, ёрқин намоён этиш мумкин экан-ку.

Фарзандлар уйга қайтгунгача оналарнинг ухламай кутиб ўтиришлари, фарзандларнинг буни оддий ҳол деб қабул қилишлари, кейинчалик афсус билан ёдга олиши – ҳамма-ҳаммаси яққол тасвирланган. Ҳикояларингизни ўқиб, китобхон беихтиёр онасини эслайди. Энтигади...

Ўткир ака, сизнинг “Икки эшик ораси” асарингизни кўп бор ўқиганман. Ҳар сафар ўқиганимда, яна нималардир олгандек бўламан.

Ижодингизни ўқиган ҳар бир ўқувчингизнинг руҳияти тиниклашади, ақли чархланади; ҳаётга теран боқа олади, дадил қадам ташлашни ўрганади.

Бахтимизга узоқ йиллар ҳормай-толмай янги-янги асарлар ёзаверинг. Ҳар бир янги асарингизни ўқиётганимизда, биз сизга дил-дилимиздан узоқ умр, мустаҳкам сиҳат-саломатлик тилайверайлик. Иншаоллоҳ!..

Феруза Қосимова,
Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,
90-мактабнинг адабиёт ўқитувчиси

Бебаҳо бойлик (“Дунёning ишлари”ни ўқиб)

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёning ишлари” қиссасининг “Илтижо” деган бобида шундай сатрлар бор: “Мен уни дунёдаги ҳамма оналар ўқишини хоҳлайман”. Ушбу асарни илк бор 1982 йили чоп этилган нашрини дастлаб ўзим ўқиб чиқдим. Сўнгра адабнинг “Ҳамма оналар ўқишини

хоҳлайман” иборалари таъсир ўтида ўз онам Мушаррафхон хожи онага ўқиб бердим. Ҳаммаси ана шундан сўнг бошланди. Тўғрисини айтсам, онам шу китобга асло тўймас эдилар. Айниқса, асарнинг “Гилам пайпок”, “Қаноат”, “Олтин балдоқ”, “Сурат”, “Бозор”, “Алла” ва “Илтижо” бобларини қайта ва яна қайта менга ўқитар эдилар. У киши эшитиб чарчамас, мен ўқиб чарчамас ва зерикмас эдим. Баъзан битта бобни кунига икки-уч мартадан ўқиб берган пайтлар ҳам бўлган. Одатда, кексалари бор хонадон файзли-баракали, келди-кетди кўп бўлади. Онам ўтирган эски шаҳардаги ҳовлимиз ҳам ана шундай файзли, келди-кетди кўп, серфайз хонадонлардан бири эди. Онамнинг зиёратларига ҳар куни камида 4-5 киши келишар, узоқ сұхбатлашиб ўтиришар эди. Сұхбатлар кўпинча “Дунёнинг ишлари” китобига бориб тақалар, шунда онам мен ўқиб берган бобларни меҳмонларга айтиб берар, гохида меҳмонларнинг ўзига ўша бобларни ўқитар ёки оиласда қайси биримиз уйда бўлсан, эринмасдан қайта-қайта ўқиб берар эдик.

Энг қизиғи, асарни ўқиб бўлгач, онам ҳар гал битта гапни қайтаради: “Пошша она хўп билиб ўғилларига “Ўткир” деб исм қўйган эканлар, ҳақиқий Ўткир шундай китоблар ёzáди. Шундай ўғилни туғиб, ўтиб кетган Пошша ойини Оллоҳ раҳмат қилсин”. Қолаверса, китоб ўқиб берган камина ҳам дуодан бенасиб қолмас эдим.

Ана шундай бетакрор кунлар ҳам ўтиб кетди. Лекин мен бир нарсадан доим фахрланиб юраман. У ҳам бўлса, Ўткир Ҳошимовдек улуғ адаб билан шахсан танишлигим, у кишининг бебаҳо ўтит ва маслаҳатларидан баҳраманд бўлганим ва ана шу “илиб” олганларимни оз бўлса-да, ўз меҳнатим билан элга тортиқ этаётганлигим мен учун катта баҳтдир.

Дунёда олтиндан бўлган бойлигинг тугаши мумкин, дунёда гавҳардан бўлган бойлигинг тугаши мумкин, лекин ота-онанинг фарзанд ҳаққига, устознинг шогирди ҳаққига қилган дуоси асло туганмас, мен ана шундай дуо олган бойлик эгаси бўлганим билан фахрланаман.

Кутбиддин Низомов,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш аълочиси,
Олий тоифали шифокор-аллерголог

Сүнгсўз ўрнида...

Ҳаётда нималар бўлмайди! Инсон умри олис ва паст-баланд йўлга ўхшайди. Бу йўлнинг бир улуши нурға тўлиб ётса, бир улуши зулмат қўйнидан ўтади. Дунёда бир умр баҳтили яшайдиган одам йўқ. Бироқ ҳар қандай вазиятда ҳам инсон инсонлигини унутмаса, дуруст бўлармиди... Шундай қилсак, биз бошқаларга ҳам жиндай нур берган бўлармилик... Ахир чироқ кўтариб кетаётган одам фақат ўзининг йўлини ёритмайди-ку, ўзгаларга ҳам озми-кўпми ёруғлик улашади...

Ўткир Ҳошимов,
1987 йил

Қадрли ўқувчи, мана, “Ярим аср дафтари” мутолаасини ҳам тугатдингиз. Кези келганда қулдингиз, кези келганда ииғладингиз, гоҳи ширин хотираларга берилиб, гоҳи маҳзун тортдингиз. Сизни қандай туйғу чулғамасин, бир нарсани – ёзувчи самимиятини ҳис этиб турганингиз аниқ.

Ўткир Ҳошимов ижоди, нурли қалами орқали кўнгилларга ишиқлик, ёруғлик улашиб кетди. Унинг самимий, тоза юрак билан ёзилган сатрларини ўқиган пайтларингизда адаб ҳаққига дуо қилиб қўйинг, азиз ўқувчи.

Поклиқ, эзгуликни тараннум этган ёзувчимизнинг охирати обод бўлсин!

Мундарижа

Васият китоб	5
Тошкентим онам.....	9
<i>Биринчи боб</i>	
Энг яқин инсонлар	13
Отам, онам, опам ва ака-укалар	15
Умр йўлдошим, фарзандларим.....	24
<i>Иккинчи боб</i>	
Устоzlар.....	29
Туз ичган даргоҳим	31
Адаб, драматург, устоз	35
Халқнинг рангин олами	40
Адибнинг машққатли мактаби	44
Менинг Зулфия опам	50
Халқнинг суюкли адаби	52
Вижданни уйгоқ, инсон.....	57
Теран мантикли олим	68
<i>Учинчи боб</i>	
Сафдошлар.....	71
Элнинг ардоқли шоири	73
Адибнинг нурли олами.....	78
Кулиш осон, кулдириш кийин.....	81
Зиёли бўлиш осонми?.....	85
Кар қулоқнинг очилиши	91
Софдил инсон эди.....	93
Ўзбекнинг соддаси	95
<i>Тўртминчи боб</i>	
Ҳаммасблар	101
Шахсан ўртоқ Комилов!	103
Энг катта хушхабар	105
Содда ростгўйлик	108
Нурли оқшомлар	111
<i>Бешинчи боб</i>	
Атрофимиздаги одамлар.....	119
Оқсоқол "генерал"	121
"Дев" билан "болакай"	125
Этик	127
"Гиргиттон буви"нинг япон невараси	128
Дуо қилишни биладиган одам	130
От минишнинг коидаси	131
Томсувоқ	132
Шукр қилган	134
Хабиба бувининг чоли	136
Шокир ваг-ваг	138
"Атеист"	139
Палаги нопок	140
"Разведка"	142
Менинг "самарска" биродарим	144

Бақачорсунинг гўжаси.....	146
Оппоқхўжа аканинг боди	149
Лафз	150
 Олтинчи боб	
Чойхона гурунги.....	151
Сиёсий ҳушёр раис	153
Носқовок.....	155
Ақллилик балоси	156
Уволига қоламиз	157
Сериал.....	159
Хайётни ўрганиш.....	161
“Соқов” лайча.....	164
 Еттинчи боб	
Китобларга сигмаган сатрлар	167
Давлат сири	169
Авлодларга нима деймиз?	182
 Саккизинчи боб	
Адабий ўйлар.....	199
Бир-бirimizni асройлик	201
Қалбнинг оппоқ дафтари	211
Ватан ичра Ватан	221
Халққа қайтарилган хазина	225
Мантиқсизлик мантиқ бўлса.....	230
 Тўққизинчи боб	
Саёҳатнома	235
Шудрингли ўтлоқлар	237
Покистон сафари	248
 Ўнинчи боб	
Сұхбатлар	255
Хар бир асарим – дардим маҳсули!	257
Ижодкорга ўн савол	268
Мухими – инсонни тасвирилаш.....	273
Ҳақиқат учун курашмоқ керак.....	287
Дард билан туғилувчи мўъжиза.....	292
Тил – чиганоқ ичидаги гавҳар	298
 Ўн биринчи боб	
“Оиласвий танқидчи” кузатувлари	303
“Чўл ҳавоси”дан “Икки эшик орасига”гача	305
Довдирлар нимага керак?	311
Ижодкорнинг аёли бўлиш осон эмас.....	320
Ўткир Ҳошимов учун қадрли икки асар.....	324
 Ўн иккинчи боб	
Эътироф	329
Коғоздаги зилол ҷашма	342
Ўткир Ҳошимов сабоқлари	345
Юлдузлар билан сирлашган адаб	350
Сўз – гавҳар, фикр – олмос	354
Хатлардан сатрлар	366
Сўнгсўз ўрнида	381

Ўткир Ҳошимов

ЯРИМ АСР ДАФТАРИ

Мұхаррирлар **Нұруллоҳ Мұхаммад Рауфхон,
Турсунали Ақбаров**

Муқова безакчиси **Жамшид Саъдинов**

Сағифаловчи **Орифжон Мадвалиев**

Мусаҳиҳа **Нодира Охунжонова**

Техник мұхаррир **Зиёдбек Ўринов**

Матн теруөчи **Нигора Умарова**

Нашриёт говохнома рақами: АI № 146. 2009.14.08.

Босиша 2013 йил 17 декабр куни рұхсат этилди. Босмахонаға 2013 йил 19 декабря берилді. Бичими 84x108 1/32. Ҳарф гарнитураси PT Serif. Офсет босма. Шартлы б.т. 24.

Нашр т. 14,5. Адади 3000 нұсха. 294-сонли буюртма.

Баҳсси келишилган нархда.

“Movarouppnahr” нашриётида тайёрланды.

Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳри

Зарқайнар 18-берккүча 47а-үй.

Электрон почта: m-nashr@yandex.ru.

Тел: (8-371) 227-34-30

“КО’НІ НУР” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Бунёдкор шоҳхўчаси 44-үй.